proven reserves. For subsurface areas for which a decrease in the estimated value has been determined, the residual value should be reclassified to the category of subsurface areas with proven reserves (with a deduction accumulated depreciation). Subsurface areas with unproven reserves should be evaluated regularly in order to detect a decrease in their estimated value. The estimated value of a subsurface area is likely to decrease if, for example, a dry well has been drilled on it, and the company does not have firm plans to continue drilling. Also, the probability of a partial decrease in the value or complete depreciation of a subsurface area increases as the lease term approaches, if drilling has not been started on the subsurface area or on neighboring areas. If the results of the valuation showed a decrease in value, then the loss should be recognized by creating an estimate adjustment. The decrease in the value of subsurface areas with unproven reserves, the acquisition costs of each of which were sufficiently significant, should be determined separately for each subsurface area, and the loss should be shown by making an estimated adjustment. When an entity has a relatively large number of subsurface areas with unproven reserves and the cost of acquiring these areas separately is not significant, then conducting an audit of the Company's operations should be considered. It may not be appropriate to estimate the declared value separately for each subsurface area. In this case, the amount of the loss to be accounted for and the amount of the estimated adjustment that must be made to reflect the decrease in the value of subsurface areas will have to be determined by amortizing such subsurface areas, either collectively or in groups, based on the company's experience in such situations and other information about factors such as the lease terms of such subsurface areas, the average lease term of subsurface areas with unproven reserves, and the relative share of those areas subsurface resources where proven reserves have been discovered in the past. When proven reserves are found in a subsurface area containing unproven reserves, the value of the corresponding subsurface area should be reclassified as a subsurface area with proven reserves. For subsurface areas for which a decrease in the estimated value has been determined, the residual value (cost of acquisition, net of tax) should be reclassified to the category of subsurface areas with proven reserves. estimated value amendments); for subsurface areas that are amortized by making changes cost adjustment based on the total based on, the total cost of acquisition is subject to reclassification. In accordance with the full cost method, it must quarterly the so-called "Ceiling test" is performed», which it is intended to prevent exceeding the general terms and conditions. capitalized costs over the company's fair value. The main elements of the calculation include: capitalized costs less accumulated depreciation and deferred taxes, present discounted value (Present Value) future cash flows from production of proven reserves; costs excluded from the depreciation calculation base (unproven sections); the lowest of the cost and fair value of unproven amortized land plots; deferred taxes (the difference between the accounting and tax value of capitalized costs for subsurface areas).

*Ирисбекова Мавлуда Наринбаевна, и.ф.д., профессор,
Тургунов Муҳаммадбобир Қодирович, кат. ўқит., ТДТрУ*

ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

Иқтисодиёт тармоқларида молиявий-хўжалик фаолиятининг барқарорлик даражаси турлича бўлганлиги учун уларда кечувчи маркетинг жараёнларнинг амал қилиш механизмлари ҳам турлича бўлади. Шунинг учун ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, маркетингни самарали механизмларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ҳар қандай ўзгаришлар пировард натижада юк ва йўловчилар ташилиши сифатида транспорт тизими зиммасига тушиши замонавий иқтисодий адабиётларда эътироф этилган. Шунинг учун ҳам иқтисодиёт ва уни бошқаришдаги ҳар қандай ўзгаришларга транспорт тизими

сезгирлигини ошириш, унинг ривожланиш қонуниятларини тадқиқ этиш, нафақат тармок учун, балки иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ташиш тезлиги ва сифатининг ошиши, транспорт хизмати баҳосининг арзонлашуви транспорт-иқтисодий алоқалар ривожланишини рағбатлантиради, аҳоли ҳаракатланиш фаоллиги ва турмуш шароитининг яхшиланишига олиб келади. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида тармоқда, шу жумладан ҳар бир турдаги транспортнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бозор муносабатларини жорий этиш юзасидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Транспорт хизмати бозорини шакллантириш ва унинг иштирокчилари фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий базаси яратилди. Ҳозирги вақтда транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитининг пайдо бўлиши ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ва тадбиркорни юқори сифатли хизмат кўрсатишини тақозо қилмоқда. Транспорт хизмати бозори ҳолатини баҳолаш, унинг ўзгариш истикболлари ва тенденцияларини таҳлил этиш, тармокнинг узоқ муддатли стратегияси, унинг жорий сиёсатига бевосита таъсир этади ҳамда молиявий, иш кучи ва моддий-техника ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлашга ҳамда уни ривожлантириш режасини ишлаб чиқишга асос бўлади. Мамлакат транспорти корхоналари паркинни замонавий транспорт воситалари ва технологик жиҳозлар билан таъминлаш, транспорт хизмати ҳажми ва сифатини оширишда транспорт корхоналари ташаббускорлигини ошириш, уларнинг тизимлашган маркетинг фаолиятини ташкил этиш соҳадаги муҳим масаладир. Пировард натижада, транспорт хизматида бўлган талабни тўлиқ ва сифатли қондириш билан боғлиқ барча амалга ошириладиган ишларни ягона жараёнлар комплексига бирлаштириш лозим. Ушбу вазифани ҳал этишда умумдавлат миқёсида соҳани ривожлантиришнинг ягона стратегияни ишлаб чиқиш зарурияти туғилади ва у ўз ичига энг аввало республика транспорт тизими паркинни янгилаш бўйича тадбирларни олиши керак. Булар сафида бугунги кунда тижорат талаби юқори бўлган маълум бир юк кўтариш қобилиятига эга юк автомобилларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш, транспорт тизими ўхшаш бўлган чет элларда ишлаб чиқарилган автомобилларни лизинг асосида сотиб олишни йўлга қўйиш, ёки улар билан ҳамкорликда республикада автомобилларни йиғишга асосланган кўшма лойиҳаларни амалга ошириш, фойдаланишда бўлган ҳаракатдаги воситаларнинг ёшини узайтириш ёки махсуслаштириш учун мавжуд транспорт воситаларини зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, хусусий транспорт эгаларига сифатли техник хизмат кўрсатиш қобилиятига эга йирик сервис корхоналарини модернизациялаштириш зарур.

Эркин рақобатчилик шароитида фаолият кўрсатувчи транспорт хизмат кўрсатиш бозорини жадал шакллантириш ҳамда маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга ўз вақтида ва сифатли етказиб беришда монополия муаммоларини вужудга келтирмайдиган тизимни барпо этиш бугунги кун иқтисодиёти олдида турган муҳим масалалардан биридир. Бу вазифаларни ҳал этиш учун транспорт тизимининг барча турларида гарчи хусусийлаштириш шаклан амалга оширилган бўлсада, уни эркинлаштиришни ва рақобатни ривожлантириш, замонавий бошқарув механизмларидан фойдаланиш, жумладан маркетинг тамойилларини амалиётга жорий этиш имкониятларини қидириш талаб этилмоқда.

Транспорт иқтисодиётнинг капитал сиғими юқори бўлган тармоқларидан бири эканлигини инобатга оладиган бўлсак, бундай компаниялар давлат томонидан қўллаб-қувватланмаса жиддий маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қодир эмаслар. Бундан ташқари, транспорт воситаларининг жисмонан ва маънан эскирганлиги, уларни янгилашга молиявий ресурсларнинг етишмаслиги эркин иқтисодиёт ва рақобат шароитида бир қадар молиявий барқарор транспорт корхоналарининг ҳам ташиш сифатини ошириш ва бошқарувда маркетинг ёндашувларидан фойдаланиш имкониятларини чегаралаб қўйган. Албатта, бундай ҳолатнинг юзага келишига бошқа

МДХ мамлакатлари сингари республика иқтисодиётининг ўтиш давридаги тизимли инкирози асосий сабаб бўлиб ҳисобланади. Шунга қарамай, йирик транспорт ва экспедиция компаниялари, хусусан темир йўл ва ҳаво транспорти, нисбатан барқарор молиявий ҳолатларини ушлаб турибдилар.

Сўнги йилларда мунтазам иқтисодий ўсишнинг кузатилиши, саноат ишлаб чиқариш, қурилиш ва савдо ҳажми ҳамда аҳоли турмуш даражасининг ўсиб бораётганлиги юк ва йўловчи ташишга бўлган талабнинг ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан ортиб боришига олиб келмоқда. Хусусан ривожланиб борётган кичик ва хусусий бизнеснинг кичик партияли юкларни «эшикдан эшиккача» сифатли етказиб бериш талабларини эскирган ишлаб чиқариш қувватлари билан ишлаётган йирик транспорт корхоналарининг таклифи тўла қондира олмаяпти. Масалан, юк автотранспорт корхоналари паркиннинг асосий қисмини ўртача юк кўтариш қобилиятига эга универсал автомобиль транспорти воситалари ташкил этади ва бугунги кунга келиб бундай автомобиллар хизматига тижорат талаби пасайиб бормоқда. Транспорт компаниялари томонидан ташишга бўлган талабнинг қайишқоқлиги етарли даражада ўрганилмайди ва реклама фаолияти кенг йўлга қўйилмаган. Транспорт тизими муаммолари асосан тармоқда янги хўжалик юритиш механизмининг жорий этиш мураккаблиги билан боғлиқ бўлган масалаларни ўз ичига олади. Бундан ташқари транспортда маркетинг концепциясини жорий этиш билан боқлиқ шундай муаммолар туркуми мавжудки, улар бевосита транспорт ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари билан характерланади ва умум эътироф этиладиган маркетинг ғояларини тармоқ фаолиятига мос равишда трансформация қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Транспорт тизимининг ўзига хос хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Транспорт маҳсулоти ҳисобланмиш ташиш жараёни ашёвий хусусиятга эга бўлмай, бир вақтда ва жойда яратилади ҳамда истеъмол қилинади, шунингдек бундай маҳсулотни жамғариш ёки бошқасига алмаштириб бўлмайди. Транспорт маҳсулотининг ушбу хусусияти автомобиль транспортида рақобат қўламини кенгайтишини таъминласа, транспортнинг айрим турларида (темир йўл, сув транспорти) унинг имкониятини чегаралаб қўяди. Истеъмолчилар учун автомобиль транспорти корхоналари хизматига талабнинг шаклланишига “эшикдан эшиккача” ва “Just in time ” тамойиллари асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

2. Автомобиль транспорти корхоналарида мулкчилик шакли ва бошқарув тузилмаларининг турличалиги маркетинг фаолиятини ҳам турлича ташкил этишни талаб этади. Масалан, йирик автотранспорт бирлашмаларида (ҳудудий автотранспорт уюшмалари, «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси) кенг қўламли марказлашган маркетингни бошқариш тизимини жорий этиш зарурияти туғилса, алоҳида ёки ихтисослашган автотранспорт корхоналарида локал маркетинг тузилмалари фаолият олиб борадилар. Кўпгина ҳолларда кичик транспорт ва операторлик компаниялари таркибида умуман маркетинг тузилмалари мавжуд бўлмай, улар консалтинг фирмалари маркетинг хизматидан фойдаланадилар.

3. Маркертутинг фаолиятини ташкил этиш мазмуни жиҳатидан транспорт маҳсулотининг тури ва ўзига хос хусусиятларига, яъни юк ёки йўловчи ташиш хизматига қараб фарқланиши мумкин, гарчи уларнинг ҳар иккаласи ҳам транспорт хизмати деб аталса ҳам. Бундан ташқари бирор турдаги транспорт хизматининг ичида ҳам ташиш географияси – шаҳар ичида, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро, юк турлари ва бошқа мезонлар бўйича маркетингни ташкил қилиш турлича ёндашувни талаб этади.

4. Транспортда маркетингнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ушбу соҳада баҳони шакллантириш ёки тариф сиёсатини юритиш иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан фарқ қилиши билан ҳам характерланади. Шаҳар йўловчи транспортида ёки стратегик аҳамиятга эга юкларни ташишда ижтимоий ҳамда умуммиллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда

ташиш тарифлари давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан белгиланади. Бироқ, бундай турдаги транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг ҳаракатдаги воситалар, энергоресурслар, ёнилғи-мойлаш ва бошқа материалларни тижорат асосида фаолият юритувчи хўжалик субъектлардан бозор баҳоларида харид қилишлари муаяян молиявий қийинчиликларни вужудга келишига олиб келади ҳамда уларни бартараф этиш давлатнинг аралашувини талаб этади. Шунингдек, автомобиль транспорти корхоналарида турдош компаниялар ёки бошқа турдаги транспорт корхоналарига нисбатан ташиш таннархи таркибида доимий харажатлар – ноишлаб чиқариш харажатлари улушининг турлича бўлиши қайишқоқ тариф сиёсатини юритиш ёки мижозларни рағбатлантириш билан боғлиқ маркетинг тадбирларини амалга ошириш имкониятларига бевосита таъсир кўрсатади.

5. Автомобиль транспорти фаолиятида капитал сиғими юқори бўлиб, иқтисодийнинг бошқа индустриал тармоқлари кўрсаткичларидан 4-5 маротаба катта ҳисобланади. Бир томондан автомобиль транспорти маҳсулотини жамғариш имкониятининг йўқлиги эҳтимолдаги ташиш қобилиятини таъминлаш учун қўшимча транспорт воситаларига эга бўлиш ҳамда йўл тармоқларида ўтказувчанлик заҳираларини шакллантиришни тақозо этса, иккинчи томондан транспорт инфратузилмаси ташкил этувчи йўл тармоқлари, кўприklar ва бошқа доимий қурилмалар узок муддатларда барпо этилади ҳамда юқори капитал сарфини талаб этади, шунингдек бундай иншоотларни экспорт ёки импорт қилиб бўлмайди. Транспорт объектларини барпо этиш бевосита давлат ёки у томонидан қафолатланган инвестициялар ҳисобига амалга оширилади. Шунинг учун ҳам мижозларга транспорт хизмати кўрсатиш ҳажми, қўлами ва сифатини ошириш билан боғлиқ маркетинг режасини ишлаб чиқишда ушбу омиллар таъсирини баҳолаш муҳим роль ўйнайди.

6. Транспортда маркетингнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш услубияти ҳам маълум бир ўзига хослиги, яъни транспорт хизмати кўрсатишдан олинган иқтисодий самарага маркетинг ва бошқа тадбирлар (техник, технологик, интеллектуал ва бошқалар) таъсирининг улушини аниқлаш мураккаблиги билан ҳам ажралиб туради. Автотранспорт корхонасининг ташиш ҳажми ва даромади ошиши билан маркетинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш бир мунча мушкул масалалар сафига киради. Чунки кўпгина ҳолларда бундай ўсишлар муаяян ҳудудларда ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши, қишлоқ хўжалигида етиштирилган ҳосилнинг мўл-кўл бўлиши, туристик мавсумларнинг очилиши ёки фуқароларнинг ёппасига ёзги меҳнат таътилларига чиқиши каби омиллар таъсирида рўй бериши ҳам мумкин. Ташиш ҳажмига реклама харажатлари ёки транспорт хизмати кўрсатиш тарифига жорий этилган чегирмаларнинг таъсирини аниқ ҳисоб-китоб қилиш иқтисодий-математик усуллардан ташқари, махсус маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, мижозлар ўртасида сўровномалар ўтказиш ва тажрибаларни амалга ошириш орқали олиб борилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, маркетинг фаолиятидан олинадиган иқтисодий ёки ижтимоий самара икки хил кўринишда: тармоқ самараси ва тармоқдан ташқари кўринишда намоён бўлиши мумкин. Жамият манфаатлари нуқтаи назаридан иккинчи кўринишдаги самара биринчисидан бир неча баробар юқори бўлиши мумкин. Масалан, юкни етказиб бериш тезлигининг ошиши ва ташиш тарифига чегирмаларни жорий этиш юк эгалари томонидан сарфланаётган айланма маблағлар миқдори ва айланувчанлигининг қисқариши, ташилаётган маҳсулот баҳосининг пасайиши ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошишига хизмат қилади.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ЕТАКЧИ ОМИЛИ

Рақобатбардош иқтисодиётни қуришдаги муҳим муаммолардан бири бўлиб фуқароларнинг маънавий-ахлоқий, умумтаълим ва касбий даражаси-инсон ресурсларининг сифати ҳисобланади, чунки ҳозирги вақтдаги рақобат курашида илғорлик мамлакатнинг географик ҳажмига эмас, балки табиий ресурсларининг миқдори ва меҳнат ресурсларининг ривожланганлигига боғлиқ. Таълим тизимини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу устуворлик сифатни такомиллаштириш ва таълим мазмуни ҳамда ўқув дастурларининг мослиги, педагоглар меҳнатини рағбатлантиришда ўз аксини топмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда олий таълим соҳасини ислоҳ қилиш жараёнини модернизациялаш ва келгусида кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишни давом эттириш билан тавсифланади. Бунда тўпланган тажрибалар таҳлил қилинади ва умумлаштирилади, аниқ ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва меҳнат бозорининг ривожланиши ҳисобга олинади. Олий таълим тизимини ислоҳ қилишни таъминлайдиган зарурий ҳукуқий, малакавий, илмий-услубий, моддий-техникавий ва молиявий шароитлар яратилади. Олий таълим таркибини модернизациялаш ва тизимли ислоҳ қилиш давом этмоқда.

Бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки, олий таълим, аввало, ижтимоий эҳтиёжлар воситаси ҳисобланади. Бугунги кун ёшларининг асосий йўналтирилганлиги ўз ҳаётий мақомини белгилаш ҳисобланади, шунинг учун уларнинг онгида замонавий олий таълимнинг ижтимоий вазифаси устуворлик қилади. Бугунги кунда билимлари юқори, аммо сушт амалий тажриба ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисларни қайта тайёрлашдан четлашиш учун барча даражадаги таълим муассасаларининг меҳнат бозори талабларига максимал яқинлашуви зарурияти вужудга келмоқда. Кадрларни тайёрлашда меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олиш механизми, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришга асосланган стратегиянинг йўқлиги мутахассисларни тайёрлашдаги давлат тизимини шакллантиришнинг секинлашувига ва уни бозор шароитларига мослашишига имкон бермаслиги мумкин.

Олий касбий таълим муассасалари иш берувчилар билан мустаҳкам алоқада бўлиши, уларни касбий таълим дастурларини ишлаб чиқиш, таълим муассасалари васийлик кенгашлари фаолиятида қатнашиш ва кадрларни корпоратив тайёрлаш тизимини шакллантиришга жалб қилиш керак. Таълим сифатини ошириш замонавий ўқитиш дастурларини имитация қила оладиган янги таълим технологияларини жорий қилиш, ўқитишнинг интерфаол шакллари ривожлантириш, лойиҳавий усуллардан ва воситалардан кенг фойдаланиш йўли билан таъминланиши мумкин. Саноат соҳалари учун малакали муҳандис кадрларни тайёрлаш, биринчи навбатда, меҳнат бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнларини сифатига боғлиқ. Бу аввало касбий таълим тизими талабларининг иш берувчилар эҳтиёжларига мослиги билан белгиланади.

Ҳозирги кунда жамоат ва ишлаб чиқариш ташкилотларини таълим сифатининг зарур даражасини таъминловчи таълим фаолиятини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнларига жалб қилиш масаласи бошланғич босқичда турибди. Унинг негизида таълим сифатини баҳолашнинг мустақил шакллари ва инновацион таълим фаолиятининг энг яхши намуналарини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва тарқатиш механизмларини ривожлантириш лозим. Таълим сифатини таъминлашнинг устувор масалаларини ҳал этиш қуйидаги йўналишлар бўйича тадбирларни амалга ошириш орқали эришилади: таълимнинг замонавий тизимини ривожлантириш мақсадида таълим дастурларининг аттестацияси, давлат аккредитацияси, лицензия олиш, ахборот ва услубий таъминоти

масалаларини ўз ичига олган омилларни ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юртлари таълим дастурларини мустақил жамоавий-касбий баҳолашни амалга ошириш; таълим муассасалари фаолиятини баҳолашнинг очиқлиги, ҳаққонийлиги ва ҳолислигини таъминлаш учун таълим дастурларини бажариш бўйича олий ўқув юртлари фаолияти сифатини баҳолаш, назорат қилишнинг янги шакл ва механизмларини ривожлантириш; ўқитувчилар ва талабаларнинг академик тайёргарлигини ошириш таълим хизматлари соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш учун таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг эквивалентлигини тан олиш механизмларини такомиллаштириш бўлиб, бу Ўзбекистон таълим тизимининг жаҳон таълим тизимига интеграциялашиш жараёнига ёрдам беради; касбий таълимнинг рақобатбардошлигини ошириш, жамоат ва ишлаб чиқариш бирлашмалари, иш берувчилар иштирокида ишлаб чиқилган янги авлод таълим стандартлари бўйича кадрлар тайёрлаш тажрибасига ОЎЮлари, шунингдек жамоавий-касбий аккредитация йўналишидаги таълим дастурлари экспертизасидан ўтган етакчи ОЎЮлари ва малакали кадрлар тайёрловчи муассасаларга саноат корхоналарининг малакали мутахассисларини тўғридан-тўғри жалб этиш; нафақат давлатнинг ички жамоавий-иқтисодий эҳтиёжлари, балки Ўзбекистоннинг жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлашга йўналтирилган механизмларини яратиш; меҳнат бозори талабларига мос келувчи маълум соҳа бўйича тайёргарлик сифати юқори даражада бўлган олий ўқув юртларини аниқлаш имконини берувчи мутахассислар тайёрлашнинг жамоавий-касбий аккредитациялаш тизимини яратиш.

Олий ўқув юртлари битирувчиларининг асосий истеъмолчилари турли корхоналар, муассасалар бўлиб, улар битирувчилардан жамият ва иқтисодиётнинг инновацион модели ривожланишининг талабларига мос келувчи касбий лаёқат мажмуига эга бўлишларини хоҳлайдилар.

Ҳозирги кунда иш берувчилар томонидан битирувчиларнинг махсус тайёргарлигининг паст даражаси ва тор профессионал доирага эгаликлари таъкидланмоқда.

Бунда ОЎЮларига қўйилаётган асосий даъво - битирувчиларнинг амалиёт ва билимлар билан боғланмаганлиги, замонавий, инновацион юқори технологиялар билан ишлай олмаслигидир. Буларни бартараф этиш учун ишлаб чиқариш амалиёти мазмунини чуқурлаштириш, корхона мутахассисларини машғулотларни ўтказишга жалб этиш, фанларни реал ҳаётга мослаштириш лозим. Иш берувчиларнинг фикрича, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш учун маълум шароитларда амалиётни ташкил қилиш зарур.

Мутахассисларни сифатли тайёрлаш муаммоси ОЎЮларининг иш берувчилар билан самарали ўзаро ҳамкорлиги билан боғлиқ. Иш берувчиларнинг малакали кадрлар тайёрлашдаги иштироки иш берувчилар талабларига жавоб берувчи лаёқатли битирувчилар тайёрлашнинг асосий шarti ҳисобланади.

Бу вазифани ҳал этиш учун ОЎЮларида мутахассислар тайёрлашда, корхоналарга эса кадрларга бўлган эҳтиёжни қондиришда ёрдам берувчи ижтимоий ҳамкорлик, ҳуқуқий норма ва шартномаларнинг янги шакллари талаб этилади.

ОЎЮлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги талабаларнинг таълим дастурларининг асосий таркибий қисми бўлган турли амалиётлар ўтиш жараёнида узвий боғлиқликда бўлади. Айнан амалиёт талабаларнинг касбий фаолият шароитларида касбий-амалий тайёргарлигини ташкил қилиш шаклларида бири ҳисобланади, шу билан биргаликда “бўлажак мутахассислар касбий лаёқатининг юқори даражасини самарали шакллантирувчи етакчи олим” сифатида намоён бўлади.

Тегишли давлат стандартларида кўзда тутилган ўқув, ишлаб чиқариш ва бошқа амалиётлар дастурлари талабаларнинг, энг аввало, назарий, касбий-амалий ва илмий-тадқиқот интеграциялашуви орқали уларнинг профессионал ривожланишини узлуксиз оширишга йўналтирилиши лозим. Бироқ, кўпгина ОЎЮлари тажрибаси шуни

кўрсатадики, бугунги кунда амалиётларни ташкил қилиш даражаси талабаларнинг маълум иш тажрибасига, касбий-амалий билим, ишлаб чиқариш кўникмалари ва илғор меҳнат усуллари эгаллашлари учун етарли эмас. Бунинг сабаби-миллий ва ҳудудий инновацион таълим ривожини йўналишида ўзаро қулай ҳамкорлиги эмас, балки ОЎЮларининг иш берувчилар билан шунчаки расмий алоқаларидир.

ОЎЮлари ва иш берувчилар талабаларнинг касбий лаёқатини шакллантириш бўйича саъй-ҳаракатларини бирлаштириш тизимини яратишга манфаатдор бўлишлари лозим. Бироқ иш берувчилар таълим дастурларининг таркибий қисмлари билан боғлиқ қулайлик бўйича ОЎЮлари билан алоқаларни боғлашга тайёр бўлсаларда, олий ўқув юртининг ўзидан ҳамкорлик шакллари бўйича маълум таклифларни кутадилар. Бу ҳолат ОЎЮларининг иш берувчилар билан ижтимоий ҳамкорлигини амалга оширишда йўналишлар (мутахассисликлар) бўйича амалиётнинг маълум турларини ташкил қилиш ва ўқув-услубий бошқаришни амалга олиширувчи мутахассис тайёрловчи кафедраларнинг ролини кескин оширади. Айнан улар ОЎЮ таълим хизматларининг ташқи истеъмолчилари билан ижтимоий алоқа катализаторига айланиб, ҳамкорлик алоқаларини шакллантириш ва мустаҳкамлашни таъминлайди.

Иш берувчи корхоналар билан ОЎЮларининг мутахассис тайёрловчи кафедраларнинг ўзаро алоқаси самарадорлигини ошириш мақсадида ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш ва тегишли шартномаларни тузиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнингча, ОЎЮлари ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари олий касбий таълим сифатини ошириш, таълим дастурларига киритилган лаёқат ва кўникмаларни шакллантириш учун кўшимча шароитларни яратиш, талабаларнинг амалий билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш амалий восита ҳисобланади, бироқ улар кооперацион жараёнларга интеграцион жараёнлар қўйилгандагина ҳамкорлик субъектларига фойда келтиради.

Шуни эътироф этиш керакки, малакали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда ОЎЮлари ўзларининг иш берувчи стратегик ҳамкорларини таълим хизматларининг пассив истеъмолчилари, ташқи кузатувчиларидан замонавий меҳнат бозори талабларига мос касбий малакалар мажмуасининг талабалар томонидан эгалланишига ёрдам берувчи таълим ва инновацион жараёнларнинг манфаатдор иштирокчиларига айлантирилганда ОЎЮлари ва иш берувчилар ҳамкорлигининг самараси ошади.

*Махкамova Мамлакат Абдукадировна, и.ф.д., профессор,
Набиева Саидахон Абдувахобовна, PhD, кат.ўқитувчи,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Жаҳонда глобаллашув, давлатлар саноати ресурсларининг қисқариши, жаҳон бозорларида рақобатнинг кучайиши шароитларида, иқтисодиётни самарали инновацион ривожлантиришни таъминлаш учун мавжуд техникаларни замонавийлаштириш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек дунё саноати ва ишлаб чиқариш комплекси корхоналарида инновацион жараёнлардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Дунё мамлакатлари саноати комплексининг инновацион ривожланишини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, турли инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда ХХР, Германия, АҚШ ва Япония каби мамлакатлар етакчи ҳисобланади. Хитойда саноат тармоғидаги капитал қуйилмалар умумий ҳажмининг деярли 6,3%, Германия – 5,1%, АҚШ – 4,5%, Японияда – 3,5% саноати комплексида инновацияларни жорий қилиш ва ривожлантиришга

йўналтирилади. Бу эса ушбу жараёнларни рағбатлантириш механизмлари самарадорлигини билдиради.

Бугунги кунда саноат корхоналарида амалга оширилаётган инновацион фаолиятни ривожлантириш ва инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг самарали механизмларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган илмий изланишлар ва тадқиқотларга алоҳида устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Бу борада саноат тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва инновацион технологияларни қўллаб-қувватлаш, инновацион маҳсулотлар бозорини мақсадли ривожлантириш ва рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар муҳим ўрин тутмоқда. Ушбу долзарб илмий изланишларда инновацион фаолиятни амалга оширишни рағбатлантириш механизмларини самарали қўллаш масаласи устувор мавзулар сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган нефт ва газ саноатини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш юзасидан туб ислохотлар амалга оширилмоқда. "...энг муҳим устувор вазифалардан бири ҳам - миллий иқтисодиётнинг таркибида саноат улушини кўпайтириш, юқори технологияли саноат тармоқларини жадал ривожлантириш, модернизация ва диверсификация қилиш, ҳар бир ҳудуднинг саноат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш"⁴³ ҳисобланади. Бу борада саноат ишлаб чиқариш корхоналари инновацион салоҳиятини рағбатлантиришнинг назарий-услубий асосларини фанлараро ёндашув асосида такомиллаштириш, инсон капитали негизида инновацион салоҳиятни ривожлантиришга устуворлик бериш, инновацион салоҳиятни рағбатлантиришда ноанъанавий ечимларни қўллаш, тижоратлаштиришдан олинган фойдани тақсимлаш ва қайта тақсимлашда инновацион фаолиятни фаоллаштириш каби йўналиш-ларда илмий-тадқиқотларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, инновацион салоҳиятни ташкил этувчи асосий таркибий қисмлар сифатида кадрлар салоҳияти, молиявий-иқтисодий, илмий-техник салоҳият, ишлаб чиқариш-технологик ва ташкилий-бошқарув салоҳиятидан иборат бўлиб, саноат корхонасининг инновацион салоҳиятини ошириш учун уларни тизимли равишда такомиллаштириб бориш лозим.

Нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналари инновацион салоҳиятининг таҳлили унинг инновацион фаолияти муваффақиятини белгиловчи таркибий қисмлари бўйича амалга оширилиши мумкин. Умумий ҳолатда эса инновацион "қуввати", кадрлар ҳолати, моддий-техник база, молиялаштириш, интеллектуал мулкчилик объектларидан фойдаланиш кабилар таҳлил қилинади. Ҳар бир қайд этилган таркиблар ва ҳар бир ишлаб чиқариш хўжалик тизими инновацион салоҳиятнинг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб, инновацион фаолиятни моддий-техник, илмий-техник, кадрлар таъминотининг кўп ёки кам аҳамиятлилиги эса барча санаб ўтилган унсурлар мавжуд бўлгандагина бутун тизимнинг инновацион салоҳияти тўғрисида гапириш мумкин.

Фикримизча, инновацион салоҳиятни юқоридагилар асосида баҳолаш нефт ва газ қазиб чиқариш корхонасининг молиявий ва замонавий аҳволи асосида инновацион ривожланиш йўналишини ва имкониятларини тўғри баҳолаш имкониятини беради. Инновацион салоҳиятнинг бирон бир таркибий қисмининг йўқлиги ёки етишмаслиги, уни қайта кўриб чиқиш ва ривожлантириш зарурлигини тақозо этади. Саноат корхонасининг инновацион салоҳиятини фақатгина унинг таркибий қисмларини ривожлантириш орқалигина амалга

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги Фармони, 3.2 банди \\\ lex.uz

ошириш мумкин. Чунки, корхона инновацион салоҳияти даражаси муайян динамикада бўлиб, ундаги ўзгаришлар нафақат ўсишга, балки камайишга ҳам олиб келиши мумкин.

Мамлакат иқтисодийнинг барқарор инновацион тараққиётини таъминлаш тегишли миқдордаги илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмаларнинг мавжуд бўлишини, уларнинг амалда қўлланилишини рағбатлантириши ҳам тақозо этади. Иқтисодийнинг саноат ва илмий секторлари ўртасида алоқанинг сустиги, саноат корхоналарининг фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижаларини ўзлаштириш даражасининг пастлиги, илм-фан ютуқларидан фойдаланишда рағбатлантириш омилларининг етишмаслиги, инновацион ғояларнинг бозор эҳтиёжларига мувофиқ эмаслиги миллий иқтисодийда инновацион жараёнларнинг ривожланиш самарадорлиги пастлигига сабаб бўлмоқда.

Инновацион салоҳиятни баҳолашнинг асосий мақсади - корхонага бозорда ўз ўрнини мустақамлашга имкон берувчи инновацион стратегияни танлаш ва амалга ошириш ҳисобланади. Корхона инновацион салоҳиятини рағбатлантириш усулларининг ривожланишида баҳолаш кўрсаткичлари таркиби ва уларнинг мезон қийматларини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, нефт ва газ саноати корхоналарининг инновацион фаоллигини ошириш учун инновацион циклни барча таркибий қисмлари ва бўғинларини шакллантириш ва рағбатлантириш зарур. Бундай йўналишлардан бири республика конларида сиқув компрессор станциялари ва газ ҳайдаш агрегатларини модернизациялаш шароитида амалга оширилаётган инновацион жараёнда бевосита иштирок этувчи субъектларни рағбатлантириш механизмларини яратишдир. Рағбатлантириш истиқболда ишлаб чиқариш, таълим ва фаннинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Ушбу соҳаларга етарли даражада молия маблағларини киритиш ҳисобига корхонанинг инновацион ривожланиши яхшиланади, улардан самарали фойдаланишда эса, унинг инновацион салоҳияти ошади. Буларнинг барчаси корхона фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда республика конларида сиқув компрессор станциялари, газ ҳайдаш агрегатлари, газни бирламчи тайёрлаш ва нефт тайёрлаш қурилмаларининг эскирганлиги, уларни модернизациялашда янгиликларни қўллаш ва киритиш зарурати инновацион салоҳиятни ривожлантириш ва рағбатлантириш заруратини келтириб чиқаради.

Инновацион салоҳиятни рағбатлантириш - бу инновацияни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъект ёки истеъмолчи томонидан янгиликни яратиш, сотиб олиш, ёки ўзлаштириш жараёнида ўзининг ички ва ташқи муҳитлари манфаатларини, унинг мақсадларига эришишни таъминлашга ундайдиган, рағбатлантирадиган ва эҳтиёжларни уйғотадиган кучларни фаоллаштирадиган жараёндир. Рағбатлантириш усуллари эса - бу инновацион фаолиятни амалга оширувчи субъектларни янгиликни қўллашда мақсадли ҳаракатга келишга ундаш, рағбатлантириш омиллари ҳамда дастаклари йиғиндидир. Шунингдек, тадқиқотда муаллиф томонидан корхона инновацион салоҳиятини баҳолаш ва рағбатлантириш жараёнининг асосий тамойиллари гуруҳи тизимлаштирилди (1-жадвал).

Ишда муаллиф томонидан инновацион жараёни амалга оширишнинг ҳар бир босқичида инновацион салоҳиятнинг 4 та гуруҳлашган асосий кўрсаткичлари ва уларда муаян таркибий қисм таъсирини акс эттирувчи кўрсаткичлари тизимлаштирилган бўлиб, уларни ҳисоблаш, режалаштирилган ва амалда олинган натижаларини таққослаб бориш, натижаларга кўра фарқлар сабабини аниқлаштириш зарурати инновацион салоҳиятни тўғри баҳолаш ва рағбатлантириш имконини бериши асосланган.

Тадқиқот ишида нефт-газ саноати корхоналари инновацион салоҳиятини рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми бугунги кунда сиқув компрессор станциялари ва газ ҳайдаш агрегатларини модернизациялашда янгиликларни қўллаш ва киритиш харажатлари, уларга нисбатан тўлов қобилияти лаёқати, илмий ташкилотлар билан кооперациянинг устуворлигини эътиборга олиш зарурати асосланган.

Инновацион салоҳиятни баҳолаш ва рағбатлантириш тамойиллари⁴⁴

Мажмуавий	Инновацион салоҳиятни асосий жиҳатларини белгиловчи кўрсаткичларни кенг ва ҳар томонлама таҳлил этиш асосида рағбатлантириш
Илмийлик	Инновацион салоҳиятни баҳолаш ва рағбатлантириш услубиятини замонавий ёндашувлар ва иқтисодий қонуниятлар асосида тадқиқ этиш
Объективлик	Инновацион салоҳиятни баҳолаш ва рағбатлантириш усулларини аниқ ва ишончли маълумотлар билан таҳлил қилиш асосида ҳисоблаш
Тизимлилик	Инновацион салоҳиятни ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи кўрсаткичлар тизими сифатида баҳолаш
Мақсадлилик	Инновацион салоҳиятни рағбатлантириш орқали аниқ мақсад ва келгуси режалар учун мослиги ва натижадорлиги
Самарадорлик	Инновацион салоҳиятни рағбатлантириш орқали эришиши кутилган натижалар ва самарадорлигини таъминлаш
Оптималлик	Инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг аниқ, тўғри ва оптимал кўрсаткичларидан фойдаланиш
Устуворлик	Корхона инновацион салоҳиятини рағбатлантиришда келгусида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш ва ишчи-ходимлар инновацион мойиллигини шакллантириш
Демократлик	Корхона инновацион салоҳиятини баҳолашда очиқлик, шаффофлик ва ходимлар таклифи асосида ишончилигини таъминлаш

Ишда республикамизда газ ва газконденсат конларида суяқ углеводородлар ва табиий газни қазиб чиқариш жараёнларида самарадорликни ошириш мақсадида кадрлар, молиявий, моддий, интеллектуал ва инфратузилма ресурсларидан тўғри фойдаланиш ва тақсимлаш асосида инновацион салоҳиятни рағбатлантириш зарурати асосланди. Бу эса нефт ва газ қазиб чиқариш конларида янгиликларни қўллаш ва тижоратлаштиришдан олинган фойда асосида инновацион салоҳиятни рағбатлантириш имкониятлари заруратини белгилаб беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, нефт ва газ саноати корхоналарининг инновацион фаоллигини ошириш учун инновацион циклнинг барча таркибий қисмлари ва бўғинларининг мавжуд рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш зарур. Бундай йўналишлардан бири инновацион жараёнда бевосита иштирок этувчи субъектларнинг рағбатлантириш механизмларини яратишдир. Рағбатлантириш истиқболда ишлаб чиқаришга таълим ва фаннинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Ушбу соҳаларга етарли даражада молия маблағларини киритиш ҳисобига ҳудуднинг инновацион ривожланиши яхшиланади, улардан самарали фойдаланишда эса, ҳудуднинг илмий-инновацион салоҳияти ошади. Буларнинг барчаси иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади.

⁴⁴ Муаллиф ишланмаси

IMPROVING THE SYSTEM OF HIGHER EDUCATION FOR THE FORMATION OF INTELLECTUAL CAPITAL IN INDUSTRIAL ENTERPRISES

The most important problem in building a competitive economy is the quality of the intellectual resource - the spiritual, moral, educational, and professional level of citizens, since in today's world the competitive advantage is not provided by the size of the country, but by the level of natural resources and the power of human capital.

The development of the education system is one of the priority areas of state policy of the Republic of Uzbekistan. Priority is reflected in improving the quality and content of education and, accordingly, curricula, stimulating the work of teachers.

The sphere of higher education in Uzbekistan today is characterized by the modernization of the reform process and the further implementation of the National Training Program. At the same time, the accumulated experience is analyzed and generalized, the development of the labor market and specific socio-economic conditions are taken into account. The necessary legal, personnel, scientific, methodological, material, technical and financial conditions have been created to ensure the reform of the higher education system. Structural reform and modernization of the content of higher education continues.

Today, we can state with certainty the fact that higher education is, above all, a tool for social inquiry. The main focus of today's youth is to determine their life status, therefore, the social function of modern higher education prevails in the minds of young people.

The current state policy defines and ensures the organizational content and ideology in the creation and development of the economy, within which the education system occupies a special place in the chain of the relationship «education - science - production». To select the best solutions to the problems of integration of education, science and production, it is necessary to take into account traditions, evaluate the existing mechanisms of integration and the results achieved.

The training of competent personnel for industries of the economy, primarily depends on the quality of educational processes, taking into account the requirements of the labor market. This is primarily determined by the conformity of the requirements of the vocational education system to the needs of employers.

At present, the initial state is the issue of attracting public and professional organizations to the process of formation and implementation of educational activities, which ensure the necessary level of quality of education. Based on this, independent forms of assessing the quality of education, and mechanisms for identifying, supporting and disseminating the best examples of innovative educational activities should be developed.

The strategic objective of ensuring the quality of education, in our opinion, is achieved by solving cardinal measures in the following areas: the implementation of an independent public and professional assessment of the activities of educational programs of higher education institutions, with the aim of developing a modern system of innovative education, taking into account factors, including information and methodological support of licensing, certification and state accreditation of educational programs; the development of new forms and mechanisms for assessing and monitoring the quality of the activities of higher education institutions in implementing educational programs to ensure the objectivity, reliability and transparency of procedures for evaluating the activities of educational institutions; improving the mechanisms for recognizing the equivalence of documents on education to increase the academic mobility of students and teachers, development of cooperation in the field of educational services, which will contribute to the integration of the educational system of Uzbekistan in the global educational space; increasing the competitiveness of vocational education, the direct involvement of leading specialists in the industry of the economy in training personnel and leading universities that have

passed the examination of educational programs, through public-professional accreditation, as well as universities that have experience in training personnel according to the new generation educational standards, which were developed with the participation of employers, public and professional associations; the creation of mechanisms focused not only on the domestic socio-economic needs of the country, but also on ensuring the competitiveness of Uzbekistan in the global labor market; the creation of a system of social and professional accreditation of specialist training, which allows to identify those higher education institutions in which the quality of training in a particular field is at the proper level and meets the requirements of the labor market.

Public accreditation allows you to: assistance, improvement and development in Uzbekistan of education and activities in all their manifestations related to educational, scientific and technological areas; improving the quality of the educational process, counseling, research, development of innovative solutions, technology transfer; the provision of a wide range of educational services, ensuring relations with the public, industry, science;- creating conditions for the most effective realization of the creative potential of society in the interests of developing scientific and technological progress and innovative development; the development of international relations and contacts in the field of innovative education; promoting the integration of scientists, teachers of higher educational institutions and specialists with higher education in the international scientific and educational space; improving the educational system in the ranking of countries competitive in the international market for educational services.

The procedures for social and professional accreditation should be simplified and unified as a whole in all areas of education, naturally taking into account the specifics of each area, and oriented to the labor market and should be adjusted taking into account professional training, based on the fundamental and universal nature of education, personality development and the formation of social responsibility . The educational system should focus on the labor market ahead of the system of labor market requirements and be at the modern level of development of science, engineering and technology.

Acceleration of scientific and technological progress, implementation of reforms is impossible without qualified personnel with deep and solid knowledge in the chosen specialty, information from related fields of science, the ability to independently improve the knowledge gained, organizational skills and creative initiative, own the skills of research work, etc. Higher school is called upon to form these qualities.

The main objective of the higher education system is currently improving the quality of education. The traditional understanding of the quality of education includes the level of training of graduates who are capable of effective professional activity, to quickly adapt in various conditions, who know how to use the acquired knowledge, skills and abilities in practice, and are also capable of self-education throughout life.

The scale and depth of the upcoming scientific and technological transformations make us especially concerned about the quality of training. It is necessary to carry out structural adjustment on the basis of scientific and technological progress, as this question is posed today, we must seriously raise the status of personnel with higher education. A comprehensive solution to the problem of education is needed by improving the quality of education, differentiating the training system. Education should be combined with the solution of practical problems, with the needs of social development. It should be ahead of him, constantly improving. The search for such paths, the identification of possible options for further movement in this area are now very important. This is directly related to the search for fundamentally new ideas, guided by which you can move forward in the development of an innovative economy.

Improving the system of higher education is determined by three components: creativity; education technology concepts; financial, economic and legal components on the basis of which an education system is being created. At the same time, it helps to prepare a specialist who is

ready for change and risk, generating ideas, for effective work in the field of production and other areas of socio-economic life.

Moreover, each of them specifically manifests itself in higher education. This primarily refers to the principle of science, since all that is new in science and technology affects educational technologies. Specific principles are: dynamism-vision of modern and new trends and prospects for the development of science and technology; systematic - allowing you to holistically represent the educational system; integrity-reflection in the content and process of training for professional activities; integration and differentiation of the process of training specialists from production; professional orientation-orientation of the content of education, methods and forms of training to the ultimate goal of specialist training; continuity is a reflection of the current education content.

The main consumers of graduates of higher educational institutions are enterprises, organizations and institutions of various nature and subordination expecting graduates of relevant competence. Higher vocational education is an open system where universities and employers are links in one chain. Employers must formulate requirements for both the quantity and quality of training of professional personnel, and universities to meet these requirements.

Currently, on the part of employers, there is an insufficient level of graduates. At the same time, the main complaint against universities is the isolation of graduates from practice, the inability to work with modern and innovative high-tech equipment. The way out of the situation is to deepen the content of production practices, attracting specialists from enterprises to conduct classes, and adapting disciplines to real life. At the same time, employers believe that in order to improve the quality of training, the organization of practice in specific conditions is necessary.

In general, the problem of high-quality training of specialists is due to the high efficiency of interaction between the university and employers. In this regard, the participation of employers in the training of professional personnel is a condition for the preparation of competent graduates who meet the requirements of employers.

The solution to this problem involves new forms of social partnership, legal norms and types of agreements that would assist universities in the training of specialists, and enterprises in providing for their staffing needs. Among the most common areas of joint activity of representatives of universities and employers are: practical training of students in advanced enterprises; expanding the range of educational services of universities in demand on the labor market; development and review of educational and program documentation; conducting by employers' representatives of training sessions, master classes; participation of employers in the final state certification of graduates; internship of teachers at enterprises; participation of employers in scientific and practical conferences, training projects, scientific seminars, etc.; project integration (joint research, the creation of joint small centers, etc.); employment of graduates.

The interaction of universities and employers in the process of students undergoing various practices, which are an integral part of educational programs. It is practice that ensures students gain professional work experience and, thus, acts as the «leading factor for the effective formation of a high level of professional competence of future specialists».

Accordingly, the programs of practices provided for by relevant state standards should focus on the continuous improvement of the professional level of students' development, first of all, through the integration of their theoretical and professional-practical, educational and research activities. However, experience shows that the level of organization of practices is not enough today for students to gain real work experience and productive mastery of their professional and practical skills, production skills and advanced labor methods. The reason for this state of affairs is the weak ties between universities and employers.

Universities and employers should be interested in creating a system that unites their efforts to form students' professional competencies. However, employers, although they are

ready to combine efforts with universities to optimize the components of educational programs related to practices, expect proposals on specific forms of interaction from the higher education institutions themselves. This circumstance sharply increases the role of graduate departments, organizing and teaching guidance for a particular type of practice in areas (specialties), in the implementation of the socio-economic partnership of universities with employers. It is they who become the catalyst for social and economic dialogue with external consumers of the university's educational services and ensure the formation and strengthening of partnerships with them.

In order to increase the effectiveness of interaction with employers, it is advisable for university graduating departments to develop cooperation programs and conclude relevant agreements. The main tasks facing universities and employers in the formation of personnel with professional competencies demanded by the labor market include: combination of competencies and content of practice; determination of compliance of given competencies with types of professional activity; compiling a list of professional competencies to be acquired or developed by students in the process of practice; coordination of a set of conditions for the effective formation of professional competencies of students; feedback from employers on the level of formation of professional competencies with the aim of subsequent adjustments and improvement of EP, improving the effectiveness of training programs in the university as a whole; the search for new forms of production practices that ensure that students gain significant practical experience and contribute to their guaranteed employment in the specialty (for example, by alternating with theoretical classes throughout the academic year; registration of trainees to work with payment for their work; order for term and diploma studies projects, etc.); stimulating students' creative activity and research activities, creating professional test cases and self-testing for them for students to successfully master self-promotion technologies and build their own careers, etc.

In our opinion, partnerships between universities and employers are an effective means of improving the quality of higher professional education, creating additional conditions for the formation of included EP competencies, expanding and deepening the practical knowledge of students, however, they can give the greatest benefit for partnership entities when integration processes join the cooperation processes .

It can be stated that the effectiveness of interaction between universities and employers in the interest of improving the quality of training of professional personnel increases significantly if universities succeed in transferring their strategic partners-employers from the position of outside observers and passive consumers of educational services to the position of interested participants in educational and innovative processes that contribute to mastering students with a set of professional competencies that meet the requirements of modern labor market.

*Махмудов Носир Махмудович, и.ф.д., профессор,
Фозилова Фирангиза Комиловна, ассистент,
Авазов Нуриддин Рустам ўгли, талаба , ТДИУ*

ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ АСОСИДА БАРҚАРОР ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ

Ҳозирги кунда ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида макроиқтисодий барқарорликни ҳамда инвестицион фаолликни ошириш энг муҳим долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Макроиқтисодий барқарорлик ҳамда хорижий инвестициялар глобал иқтисодиётнинг энг муҳим қисмларидандир. Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам макроиқтисодий барқарорлик ва инвестицион фаолликни ошириш масалалари энг муҳим аҳамиятга эга. Айниқса кейинги йилларда мамлакатда бу йўналишлар мамлакат иқтисодиётининг асосий йўналишларига айланди. Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида кўплаб ислохатлар амалга оширилмоқда. Лекин

бунга қарамасдан мамлакат иқтисодиётида айрим макроиқтисодий кўрсаткичлар иқтисодиётнинг барқарорлик даражасига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Яъни мамлакат иқтисодиётида инфляция даражаси юқорилиги ва бунинг натижасида фоиз ставкасининг ҳам юқори кўрсаткич ташкил этаётгани мамлакатдаги қулай ишбилармонлик муҳитига салбий таъсир кўрсатади. Қўшимча тариқасида шуни айтиш мумкин-ки, мамлакатда даромадлар аҳоли ўртасида текис тақсимланиши соҳасида ҳам баъзи муаммолар кўзга ташланмоқда. Аҳоли ўртасида даромадлар тақсимланишини тартибга солмасдан туриб, мамлакатда аҳоли фаровонлигини оширишнинг мумкин эмас. Чунки даромаднинг катта қисми камчилик аҳоли қўлида қолиб кетади. Бу еса ўз-ўзидан мамлакатда кўпчилик аҳолига кам даромад тўғри келишига олиб келади. Бу ҳам еса мамлакатда камбағаллик даражасини ошишига олиб келиши мумкин. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш энг долзарб масалалардан бири эканлиги келиб чиқади.

Иккинчи томондан қараганда, “Хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар глобаллашувнинг асосий драйвери ва ҳозирги глобал иқтисодиётда энг муҳим ролни ўйнайди. У мамлакатларнинг ишлаб чиқариш жараёнини қўшимча капитал билан таъминлайди ва иқтисодий ўсиш даражасини оширади” (Hui-Ching Hsieh; Sofia Boarelli; Thi Huyen Chi Wu , 2019). Бундан келиб чиқади-ки, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётга фаол жалб қилишни талаб этади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатади-ки, бир йилда 6 % дан ортиқ иқтисодий ўсишни таъминлаш учун миллий жамғармалар ЯИМнинг камида 25 % ни, инвестициялар еса 30 % ни ташкил етиши керак (Каримов Н.Ғ., Хожиматов Р.Х., 2019). Бундан келиб чиқади-ки, ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун иқтисодиётга инвестицияларни фаол жалб қилиш муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда инвестиция масалалари асосий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Бу йўналишда хорижлик ҳамда Ўзбекистон олимлари ва илмий тадқиқотчилари томонидан турли давлатлар мисолида, турли усулларда илмий тадқиқот олиб борилмоқда ва илмий хулосалар чиқарилмоқда. Булардан бир нечасини куйида кўриб чиқамиз.

“Journal of Development Economics” журналида Англиялик олим Michael F. Bleaney нинг “Ривожланаётган давлатларда макроиқтисодий барқарорлик, инвестиция ва иқтисодий ўсиш” (*Macroeconomic stability, investment and growth in developing countries*) (Bleaney, 1996) деб номланган мақоласи нашр етилган. Бунда “Ишончли макроиқтисодий сиёсат хусусий секторнинг инвестиция қарорларини қабул қилиш учун хавфсиз муҳитни шаклланишига ёрдам беради. Далиллар шуни кўрсатади-ки, яхши макроиқтисодий бошқарув инвестицияларнинг тез суръатларда ўсишни қўллаб-қувватлайди”- деб таъкидлаб ўтилган.

Мақолада макроиқтисодий беқарорликнинг инвестицияларга таъсири баҳоланган ва иқтисодий ўсишни ривожланаётган мамлакатлар мисолида таҳлил қилинган. Натижада макроиқтисодий бошқарув даражаси иқтисодий ўсишга катта таъсир кўрсатувчи асосий омил эканлиги келиб чиққан. Макроиқтисодий беқарорлик инвестицияларни сифатига таъсир кўрсатади, нотўғри инвестиция қарорлари беқарор муҳитнинг шаклланишига олиб келишида катта мутаносиблик (пропорция) бор.

Мақолада макроиқтисодий бошқарувнинг асосий қуроли сифатида фискал (бюджет-солик) сиёсати деб қаралган. Макроиқтисодий барқарорликка таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида фискал баланс, ҳақиқий айирбошлаш курси, инфляция ва ташқи қарзларни инобатга олинган. Макроиқтисодий беқарорлик ривожланаётган давлатларда инвестицияларга ва ўсишга салбий таъсир кўрсатувчи асосий восита ҳисобланиши, кучсиз макроиқтисодий сиёсат инвестициялар даражасини туширади ва таҳлиллар шуни

кўрсатадики, макроиқтисодий беқарорлик инвестицияланнинг самарадорлигини ҳам пасайтириши ҳақидаги илмий хулосалар чиқарилган.

“Future Business Journal” журналида Покистонлик олимлар Yahya Waqas, Shujahat Haider Hashmi ва Muhammad Imran Nazir нинг “Макроиқтисодий омиллар ва хорижий портфел инвестицияларнинг ўзгарувчанлиги: Жанубий Осиё давлатлари мисолида” (*Macroeconomic factors and foreign portfolio investment volatility: A case of South Asian countries*)[3] (Yahya Waqas; Shujahat Haider Hashmi; Muhammad Imran Nazir, 2015)деб номланган мақоласи чоп етилган. Мақолада “Макроиқтисодий омиллар мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилишда жуда муҳим рол ўйнайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, макроиқтисодий омиллар ва хорижий портфел инвестициялар ўзгарувчанлиги ўртасида жуда катта алоқадорлик бор. Шу сабабли, таҳлил қилинаётган мамлакатларда халқаро портфел инвестициялар оқимидаги кам ўзгарувчанлик баланд фоиз ставкасини, валюта қадрсизланишини, хорижий тўғридан-тўғри инвестицияларни, паст инфляция даражасини ва ЯИМнинг баланд даражада ўсишига рағбатлантирувчи омил бўлиб ҳисобланади ҳамда хорижий портфел инвестиция киритувчи инвесторлар учун мамлакат макроиқтисодий муҳитнинг барқарорлиги эътибор марказида бўлади” – деб таъкидланган.

Хорижий хусусий инвестициялар иккита асосий таркибий қисмга бўлинади: хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар ва хорижий портфел инвестициялар. Хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар хорижий портфел инвестицияларга қарганда ўзгармасроқ табиатга эга деб ҳисобланилади ҳамда хорижий портфел инвестициялар “иссиқ пул” деб ҳам аталади. Шунинг учун ривожланаётган давлатлар хориж капиталини кўпайтириш асосида иқтисодий ривожланишга эришишни хоҳлайди.

Ўзгарувчанлик (*volatility, riski*) термини халқаро инвесторларнинг қилган инвестициясида қисқа муддатли фойда олиш истаги ва уларнинг ноаниқ шароитда инвестицияларини қайтариб олиши билан изоҳланилади. Мамлакатдаги содир бўлган деваливация хорижликларга инвестиция тикишга мотивация бўлади. Мамлакатдаги инфляция даражаси ҳам хорижий портфел инвестицияларга катта таъсир кўрсатади. Агар инфляция даражаси баланд бўлса, инвесторларнинг киритган инвестициясидан қайтадиган фойдаси кам бўлади ва инвестор бошқа мамлакатга инвестиция киритишга, қайсики инфляция даражаси паст давлатга, ҳаракат қилади. Агар мамлакатда инфляция даржаси паст бўлса бу инвесторларга бу мамлакатга инвестиция киритиш учун мотивация бўлади.

Мақолада олимлар томонидан бир нечта гипотезалар ишлаб чиқилган: биринчи гипотеза шундан иборатки, ҳақиқий валюта айирбошлаш курси билан хорижий портфел инвестициялар ўзгарувчанлиги (риски) орасида кучли боғлиқлик мавжуд; иккинчи гипотеза шундан иборатки, мамлакатдаги инфляция даражаси билан хорижий портфел инвестициялар ўзгарувчанлиги (риски) орасида кучли боғлиқлик мавжуд; учинчи гипотеза шундан иборатки, мамлакатдаги молия бозори ҳолати билан хорижий портфел инвестициялар ўзгарувчанлиги (риски) орасида кучли боғлиқлик мавжуд; тўртинчи гипотеза шундан иборатки, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари билан хорижий портфел инвестициялар ўзгарувчанлиги (риски) орасида кучли боғлиқлик мавжуд; бешинчи гипотеза шундан иборатки, мамлакатдаги ЯИМнинг ўсиш суръати билан хорижий портфел инвестициялар ўзгарувчанлиги (риски) орасида кучли боғлиқлик мавжуд; олтинчи гипотеза шундан иборатки, мамлакатга кириб келаётган хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми билан хорижий портфел инвестициялар ўзгарувчанлиги (риски) орасида кучли боғлиқлик мавжуд.

Мақолада хорижий портфел инвестициялар ўзгарувчанлиги (риски)га макроиқтисодий омиллар таъсири кўриб чиқилган. Бу омилларга валюта айирбошлаш курси, инфляция даражаси, молия бозори ҳолати, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш

суръатлари, ЯИМнинг ўсиш суръати ҳамда хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми кабиларни ўз ичига олади.

Мақолада молия бозори структурасини ривожлантиришга, мамлакат инфратузилмасини яхшилашга, институтларни кучайтиришга ва мамлакатдаги макроиқтисодий омиллар беқарорлигини камайтиришга қаратилган сиёсат хорижий портфел инвестициялар ўзгарувчанлиги (риски)ни камайтиради ва бу мамлакатга хорижий портфел инвестицияларнинг кириб келиш ҳажмини оширади деган хулосаларга келинган.


Хитой, Жанубий Корея каби ривожланаётган мамлакатларда охириги 15 йил давомида кузатилган ўртача 10 % ли иқтисодий ўсиш даврида жамғарма улушининг ўртача қиймати 30 % ни ташкил етган. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатади-ки, бир йилда 6 фоиздан ортиқ иқтисодий ўсишни таъминлаш учун миллий жамғармалар ЯИМнинг 25 фоизини, инвестициялар еса 30 фоизини ташкил етиши керак.

Давлат томонидан инвестицион фаолиятини бошқариш бир қатор чора-тадбирларни қўллаш, уларни ҳаётга тадбиқ етиш асосида мақсадли дастурлар орқали амалга оширилади. Бу чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: 1. Солиқ тизимини қулайлаштириш, яъни солиқ субъектлари, объектлари ва ставкаларини табақалаштириш ва солиқ имтиёзларини бериш. 2. Амортизация сиёсатини амалга ошириш, шу жумладан тезлаштирилган амортизация сиёсатини қўллаш ҳамда амортизация имтиёзларини бериш. 3. Айрим ҳудудлар, тармоқларни ривожлантириш мақсадида дотациялар, субсидиялар, субвенсиялар орқали ёрдам кўрсатиш. 4. Кредит сиёсатини, давлатнинг норма ва стандартларининг антимонополӣ тадбирларини ишлаб чиқиш, давлат мулкани хусусийлаштириш ва нархо-наво сиёсатини ўтказиш. 5. Ер ҳамда бошқа табиий бойликлардан фойдаланиш шарт-шароитларини аниқлаш. 6. Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш давлат дастурларини киритиш. 7. Инвестиция лойиҳаларининг мониторингини ўтказиш ва механизмини ишлаб чиқиш. 8. Зарур ҳолларда ёки қонунга мувофиқ инвестиция фаолиятини тўхтатиб туриш, чеклаш ёки тугатиш.

Тўғридан-тўғри чет ел сармоялари оқимини кенгайтириш мақсадида, чет еллик инвесторларнинг ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиргунарига қадар барча кўринишдаги божхона тўловлари, солиқлар ва йиғимлардан озод қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритишда имтиёзли солиққа тортиш тартибининг алоҳида қўллаган ҳолда улар ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ўзлаштиргандан кейин амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Макроиқтисодий барқарорлик бевосита муттасил тарзда ЯИМнинг ўсиш суръатларига эришиб бориши билан изоҳланади. Инвестицион фаоллик ҳам бевосита макроиқтисодий барқарорликка боғланади. Мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик таъминланган бўлса, бу мамлакатга инвестицияларнинг кириб келиш ҳажми ошиб боради. Агарда мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик таъминланмаган бўлса инвесторларнинг бу мамлакатга инвестиция киритишда риси юқори бўлади ва кутилаётган фойда нормасига ишонч паст бўлади. Натигада инвесторлар бу мамлакатга инвестиция киритишни хоҳлашмайди. Қуйида Ўзбекистонда ЯИМ динамикаси эътибор қаратиладиган бўлса, бунда қуйидаги ҳолатни кузатиш мумкин (1-расм):


2009-2019 йилларда ЯИМ динамикасида бу даврда ЯИМ нинг муттасил ўсиб борганини кузатиш мумкин. ЯИМ динамикасида, 2009-йилда 108,1 % ўсишни, 2010-йилда 108,5 % ўсишни, 2011-йилда 108,3 % ўсишни, 2012-йилда 108,2 % ўсишни, 2013-йилда 108,0 % ўсишни, 2014-йилда 108,1 % ўсишни, 2015-йилда 108,0 % ўсишни, 2016-йилда 107,8 % ўсишни, 2017-йилда 105,3 % ўсишни, 2018-йилда 105,1 % ўсишни, 2019-йилда еса 105,6 % ўсишни ташкил қилган. 2009-2015 йиллар оралиғида ўсиш суръати 8 фоиздан тушмаганлигини кузатиш мумкин. Кейинги йилларда олиб борилаётган ислоҳатлар натижасида, статистиканинг янада шаффофлашганлигини кузатиш мумкин.

Давлат инвестиция сиёсати - бу иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, марказлашган инвестициялаш жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, устувор инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган механизм, услублар йиғиндиси ҳисобланади.



1-расм. 2009-2019 йилларда ЯИМ динамикаси(фоизда)
www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари деб қуйидагилар ҳисобланади: инвестициялар, уларнинг ҳаракатланиши, инвестиция фаолияти иштирокчилари муносабатлари, уларни тартибга солиб туриш бўйича қулай ҳуқуқий базани яратиш, амалдаги қонунчилик-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш; иқтисодий туб ислохотларни амалга ошириш, мақсадли инвестицион сиёсатни юргизиш; инвестицион жараённи яхшилаш ва барча инвестицион жараён иштирокчиларининг фаоллигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб етиш; давлат бошқарув органлари, ҳуқумат ташкилотларининг назорат қилиш функцияларини янада такомиллаштириш (Махмудов Н.М., Авазов Н.Р., 2019). Мамлакатда қулай инвестицион муҳитни шакллантиришга қаратилган ислохотлар натижасида иқтисодиётга кириб келаётган инвестициялар ҳажми ошиб бормоқда (4-расм). Мамлакат иқтисодиётида асосий капиталга инвестицияларнинг кириб келиши йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Буни асосий капиталга инвестициялар динамикаси асосида кузатиш мумкин(5-расм).



5-расм. 2009-2019 йилларда асосий капиталга инвестициялар динамикаси (фоизда)

Таҳлил қилинаётган даврда (2009-2019 йиллар оралиғи) асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатларига эътибор қаратадиган бўлса, бу даврда 7 % дан кам бўлмаган тарзда ўсиш суръатларига эришилган. Энг юқори кўрсаткичлар 2009, 2016 ва 2019-йилларда эришилган яъни 2009-йилда 124,8 % ни, 2016-йилда 122,9 % ни ташкил қилган бўлса, энг юқори кўрсаткич 2019-йилда 133,9 % ни ташкил қилган. Сўнгги йилларда ўсиш суръатлари ошиб бормоқда. Айниқса 2019-йилда 189,9 трлн. сўм (доллар эквивалентда 21,5 млрд. АҚШ долл.) ёки 2018-йилга нисбатан 133,9 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилган.

2019-йилда ЯИМга нисбатан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар 37,1 % ни ташкил етиб, 2018-йилдаги кўрсаткичга нисбатан 6,5 % пунктга кўпайган. Мазкур кўрсаткич 2017-йилда – 23,9 % ни ҳамда 2018-йилда – 30,6 % ни ташкил этган.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эришилишида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг юқори ўсиш суръатлари асосий омил бўлган. Улар 2018-йилга нисбатан 3,9 мартага ўсиб, жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг – 31,0 % ини, шундан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 19,6 % (ёки 3,6 марта ўсишни) ташкил қилган.

Мақолада Ўзбекистон иқтисодиётига кириб келаётган инвестициялар ҳажми ва унинг мамлакат ЯИМ га таъсири баҳоланган. Бундан ташқари мамлакатда қулай инвестицион муҳит шаклланишига таъсир кўрсатаётган омиллар таҳлил қилинган. Инвестицияларнинг иқтисодиётни ривожлантиришга (ЯИМ нинг ўсиши) таъсирини корреляцион-регрессион таҳлил асосида кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон иқтисодиёти бўйича ялпи ички маҳсулот ва инвестицияларнинг 2010-2019 йиллардаги ахборотлар асосида қуйдаги таҳлиллар амалга оширилди.

Корреляцион-регрессион таҳлил:

ЯИМ ва Инвестиция орасида бир омилли корреляцион-регрессион таҳлил олиб борамиз. Бунда ЯИМ натижавий белги деб, инвестицияни омилли белги деб белгилаб оламиз. Яъни, Y – ЯИМ ва унга таъсир қилувчи омил X – инвестицияларни белгилаб оламиз.

$$r_{yx} = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sqrt{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2 \sum_{i=1}^n (y_i - \bar{y})^2}} \quad r_{yx} = 0,94$$

Таҳлиллар натижасда корреляция коэффициенти $r_{yx} = 0,94$ эканлиги маълум бўлди. Бу кўрсаткич $\pm 0,7$ ва ± 1 оралиғида эканлигидан омиллар орасида боғлиқлик кучли эканлиги маълум.

Корреляция коэффициентини аҳамиятлилигини Стюдентнинг t -мезонини қўллаган ҳолда аниқлаб оламиз:

$$t_{his} = r_{yx} \sqrt{\frac{n-k-1}{1-r_{yx}^2}} \quad t_{his} = 7,79$$

Бу ердан $t_{his} = 7,79$ эканлиги келтирилиб чиқарилади. $t_{his} > t_{jadval}$ бўлганда корреляция коэффициенти аҳамиятли бўлади. Бизда ҳам шу тенгсизлик бажарилаётганлигидан корреляция коэффициенти аҳамиятлидир.

Бир омилли регрессия тенгламасининг умумий кўриниши қуйидагича белгилаб олинади:

$$y_x = a_0 + a_1 x_i$$

Бу ерда, a_0 ва a_1 параметрларнинг қийматлари қуйидаги формулалар ёрдамида аниқлаб оламиз:

$$a_1 = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2} \quad a_1 = 2,35$$

$$a_0 = \bar{y} - a_1 \bar{x} \quad a_0 = 85151,309$$

Регрессия тенгламаси қуйидагича эканлиги келиб чиқди:

$$y_x = 85151,309 + 2,35x_i$$

Ушбу тенглама таҳлил қилинадиган бўлса, ҳеч қандай омиллар таъсир этмайдиган натижавий кўрсаткич – ЯИМ 85151,309 млрд. сўмни ташкил қилади. Агар ЯИМ таркибида асосий капиталга инвестициялар 1 бирликка оширилса, натижада ЯИМ 2.35 бирликка кўпаяди. Яъни агар инвестициялар 1 млрд. сўмга кўпайса, натижада ЯИМ 2.35 млрд. сўмга кўпаяди. Демак ЯИМ ни кўпайтиришнинг асосий воситаси сифатида инвестициялар қаралса мақсадга мувофиқ бўлади ҳамда инвестициялар иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омил ҳисобланади.

Регрессия тенгламасининг аҳамиятлилигини текшириш учун Фишернинг Ф-мезонидан фойдаланамиз:

$$F_{his} = \frac{r_{yx}^2}{1-r_{yx}^2} (n - k - 1) \quad F_{his} = 60,72$$

Бу ердан $F_{his} = 60,72$ эканлиги келтирилиб чиқарилади. $F_{his} > F_{jadval}$ бўлганда регрессия тенгламаси аҳамиятли бўлади. Бизда $F_{jadval} = 25,42$ эканлигидан, регрессия тенгламаси аҳамиятлидир.

Уқорида олиб борилган таҳлил асосида, ЯИМ ва асосий капиталга инвестициялар ўртасида кучли ҳамда тўғри боғлиқлик мавжуд. Яъни инвеститисиялар ҳажми ошиши билан ЯИМ ҳажми ҳам шунга мутаносиб тарзда ошиб боради. Булар эса бу омиллар орасида тўғри боғлиқлик мавжудлигидан далолат беради.

Эконометрик таҳлил асосида асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг 1 бирликка ошиши натижасида ЯИМ 2,35 бирликка кўпайиши келиб чиқди. Демак инвестициялар ЯИМ ҳажмининг ошишига ижобий таъсир қилувчи асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ривожланишига эришиш учун энг асосий долзарб масала сифатида иқтисодиётда инвестициялар ҳажмини оширишга қаратилмоқда. Бу соҳада ҳозирги кунда, мамлакат инвестицион муҳитини яхшилаш қаратилган жуда кўплаб ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам кейинги йилларда иқтисодиётни ривожлантириш асоси сифатида инвестициялар қаралиши ҳамда мамлакат инвестицион муҳитини яхшилашга қаратилган устувор йўналишлар белгилаб олинган. Бу устувор йўналишларни амалиётга тадбиқини таъминлаш асосида мамлакат инвестицион жозибadorлигини ошириш ҳамда мамлакат иқтисодиётида инвестициялар ҳажмини янада ошириш мумкин.

Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва инвестицион фаолликни таъминлаш энг долзарб масалалардан бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётни ривожлантирмасдан туриб, мамлакатда бошқа соҳалардаги ҳолатни яхшилаб бўлмаслиги обектив ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун мамлакатлар ривожланганлик даражасини баҳолашда биринчи ўринда иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси туради. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш муҳимдир. Иқтисодиётнинг ривожланиши инвестициялар ҳажми ошиб боришига ҳамда мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш талаб этилади. Иқтисодиётда инвестициялар ҳажми ошиши учун мамлакатда қулай инвестицион муҳит шаклланиши зарурдир. Қулай инвестицион муҳитнинг шаклланиши асосида инвесторларнинг бу мамлакатга инвестиция киритишга қизиқиши юқори бўлади. Натижада мамлакатда инвестициялар ҳажми ошиб боради. Хорижий тадқиқотчилар тадқиқотларидан қуйидаги хулосаларни олиш мумкин: иқтисодиётдаги беқарор муҳит бу мамлакат иқтисодиётига кириб келаётган

инвестициялар ҳажмига салбий таъсир кўрсатади; ишончли макроиктисодий сиёсат хусусий секторнинг инвестиция қарорларини қабул қилиш учун хавфсиз муҳитни шаклланишига ёрдам беради. Яхши макроиктисодий бошқарув инвестицияларнинг тез суръатларда ўсишни қўллаб-қувватлайди; хорижий портфел инвестициялар билан ҳақиқий валюта айирбошлаш курси, инфляция даражаси, молия бозори ҳолати, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари, мамлакатдаги ЯИМнинг ўсиш суръати, мамлакатга кириб келаётган хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми каби омиллар орасида кучли бўлиқлик мавжуд.

Юқоридаги тадқиқотларга ҳамда ўз таҳлилларимиз асосланган ҳолда Ўзбекистонда қулай инвестицион муҳитни шаклланишига, макроиктисодий барқарорликни таъминлашга ҳамда мамлакат иқтисодиётида инвестициялар ҳажмини оширишга қаратилган кўйидаги таклифларни бериб ўтамиз: биринчидан, мамлакатда қулай инвестицион муҳитни шакллантиришга таъсир қилувчи иқтисодий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий омиллар таъсирини ижобий томонга йўналтирган ҳолда инвесторлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш; иккинчидан, ҳам порфел инвестицияларга ҳам тўғридан-тўғри инвестицияларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатувчи инфляция даражасини жиловлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишга талаб мавжуддир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда инфляция даражаси баланд даражаси ҳалигача сақланиб қолмоқда. Инфляция даражасини пасайтириш чора-тадбирларидан бири бўлган, Марказий Банк томонидан инфляцион таргетлаш режимига ўтиш ишларини тезлаштириш; учинчидан, мамлакатда порфел инвестициялар ҳажмига энг катта таъсир кўрсатувчи омил бу – молия бозори ҳолатидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда ҳам молия бозорини ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда молия бозорини яхшилаш чораларини кўриш; тўртинчидан, энергия тежамкор ва атроф муҳитга кам зарар етказадиган юқори технологик, замонавий ускуналарни ўрнатиш; маҳаллий шароитларга мос келадиган илғор хорижий технологияларни татбиқ этиш, ўзимизда яратилаётган ихтироларни рағбатлантириш ва билимлар иқтисодиётига маблағлар йўналтириш; бешинчидан, республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағларни кенг жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий- иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни мунтазам такомиллаштириш.

Юқорида келтирилиб ўтилган таклифларни амалиётга тадбиқ этиш асосида мамлакатда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ҳамда республика иқтисодиётида инвестициялар ҳажмини оширишга эришиш мумкин. Инвестициялар ҳажми ошиши еса мамлакатда макроиктисодий барқарорликни таъминлашга олиб келувчи асосий омил саналади. Макроиктисодий барқарорлик ҳамда инвестицион фаоллик доимо бир-бири билан боғлиқ бўлган иқтисодий омиллардир. Бу икки омил доимо бир-бирини тўлдириб, бир-бири билан боғлиқликда иқтисодий жараёнларда иштирок этади.

*Муратова Шоҳиста Ниматуллаевна, PhD, доцент, ОҲБИ,
Махмудов Носир Махмудович, и.ф.д., профессор, ТДИУ*

САНОАТ ТАРМОҒИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида кўп қиррали иқтисодиёт ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари барқарор ривожланиш тамойиллари бўлиб, улар доирасида биринчи даражадаги муҳим вазифа ижтимоий ва бошқа соҳаларда изчил амалга ошириладиган макроиктисодий режалаштиришнинг табиат муҳофазаси сиёсати билан мақбул уйғунлигидир. Республикада экологик сиёсат табиатнинг алоҳида элементларини муҳофаза қилишдан экологик тизимларни умумий муҳофазасига ўтишни амалга оширишга, инсон яшаш муҳитининг мақбул кўрсаткичларини кафолатлашга ва ўзаро

алоқани иқтисодиёт тармоқларини “яшил иқтисодиёт” тамойилларига асосан ривожлантириш механизмлари билан уйғунлаштиришга йўналтирилган.

Жаҳонда инновацион иқтисодиётнинг тобора чуқурлашиб бораётган шароитида саноат тармоқларининг юқори суръатларда ривожланиши истеъмол бозорида тармоқ маҳсулотларининг турли ассортиментини юзага келтириши билан бир қаторда хом ашё ресурсларига бўлган талабнинг ошиб боришини тақозо этиб, бир вақтнинг ўзида истеъмол жараёнида маҳсулотларнинг иқтисодий-экологик хавфсизлигини таъминлаш масаласи юзага келади. Бу борада, саноатнинг асосий тармоқлари маҳсулотларининг иқтисодий-экологик хавфсизлигини, табиий муҳит ҳолатини эътиборга олган ҳолда ресурслардан мажмуавий фойдаланиш орқали фаолиятнинг иқтисодий-экологик интеграциялашувини таъминлаш масаласи устувор мавзулар сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг янги босқичида саноат тармоқларида ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳамда ички ва ташқи жаҳон бозорларида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг рақобатдош бўлиши учун иқтисодий-экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ барча шарт-шароитларни таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг самарали ҳал этилиши саноатнинг асосий тармоқлари самарадорлиги ва рақобатдошлигини оширишда маҳсулотларнинг иқтисодий-экологик хавфсизлигини таъминлаш юзасидан услубий ёндашувларни назарий жиҳатдан асослаш ва амалий механизмларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эгадир. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда саноат тармоқларида олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар янги сифат даражасига кўтарилди, яъни юқори технологик тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, тармоқларда бошқарув самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди, шунингдек, ёқилғи-энергетика, кимё ва нефть-кимё ва бошқа юқори технологик тармоқларнинг инвестицион-инновацион фаоллигини ошириш ҳамда рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бир қаторда, бугунги кунда саноат корхоналарида инновацион ва инвестицион жараёнларни фаоллаштириш билан бир қаторда ривожланишнинг иқтисодий-экологик самарадорлигига эришиш юзасидан чоралар қабул қилиш зарурати ҳам етиб келди.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнида табиий атроф-муҳитга етказиладиган иқтисодий-экологик ва ижтимоий зарарни бартараф этиш ёки камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва баҳолаш, шунингдек, мазкур чора-тадбирларда истеъмол бозорида саноат маҳсулотларига бўлган талабни эътиборга олиш ҳамда маҳсулотларнинг хавфсизлигини иқтисодий-экологик баҳолаш илмий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Бу борада иқтисодчи олимлар – Н.Ф. Реймерс, А.Ф. Порядин, А.Д. Хованский саноат тармоғи ишлаб чиқариш фаолиятини экологик мувофиқлаштиришни умумжамоавий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда технологик ҳодиса сифатидаги ролига, ишлаб чиқаришнинг экологик сиғимини пасайтириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш ва чора-тадбирларни татбиқ этиш жараёнларига изоҳ берганлар. Аммо ушбу жараёнларда ким ташаббускор ва экологик мувофиқлаштириш объектлари қандай омилларга боғлиқ эканлиги очиб берилмаган. Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ва тўлдирган ҳолда қуйидаги таърифни ўринли, деб ҳисоблаймиз: экологик мувофиқлаштириш – микро- ва макродаражада экологик талабларни тўлиқ ҳисобга олишни таъминлайдиган механизмдир.

Тадқиқот давомида амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, саноат тармоқлари фаолияти самарадорлиги фақатгина ишлаб чиқариш динамикасига боғлиқ бўлмай, экологик муҳитнинг турғун ҳолатини сақлаш харажатларига ҳам боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, саноат тармоқлари олдида турган муҳим вазифалардан бири – фақатгина юқори фойда олиш мақсадида ишлаб чиқариш ресурсларини самарали жойлаштиришдан иборат бўлиб қолмасдан, балки ишлаб чиқаришнинг иқтисодий-экологик параметрларини сақлашга қаратилган иқтисодий механизмни яратишдир.

Саноат тармоқларида маҳсулотларнинг иқтисодий-экологик хавфсизлигини таъминлашнинг дастурлаштириши иқтисодий категория сифатида иқтисодий-экологик дастурларни шакллантириш ва уларни амалга ошириш бўйича ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-иқтисодий ҳамда техник-иқтисодий муносабатларнинг йиғиндиси бўлиб, уларнинг асосий мақсади маҳсулотнинг иқтисодий-экологик хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш ҳамда унинг натижасида иқтисодий ва ижтимоий самара олишдан иборат бўлади.

Тадқиқотимиз натижасида таклиф этилган услубий ёндашувдан келиб чиқиб, маҳсулотларнинг иқтисодий-экологик хавфсизлигини ёқилғи-энергетика саноати маҳсулотларининг иқтисодий-экологик хавфсизлиги билан боғлиқ ҳолда талқин этиш нефть ва газ захиралари бошқа давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам камайиб бораётганлиги, у бир неча ўн йилликларга, шу билан бирга, кўмир захираси 100 йилдан ортиқ муддатга етиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаш зарур.. Ёқилғи маҳсулотларининг кенг диапозони, жумладан, каолин, оҳактош, қурилиш материаллари, минерал ўғитлар, бурғулаш реагентларини ишлаб чиқариш базаларини яратиш республикада кўмирдан фойдаланиш самарадорлигининг ўсишини ҳамда истеъмол бозорида саноат тармоғи маҳсулотларининг иқтисодий-экологик хавфсизлигини таъминлайди.

1-жадвал

**Ёқилғи-энергетика тармоқлари бўйича умумий маҳсулот
ҳажмининг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)***

Тармоқлар номи	ЙИЛЛАР								
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Электр энергетикаси, млрд. кВт/соат	102,6	100,4	102,7	102,4	102,5	102,1	104,5	103,8	103,7
Кўмир, минг т	105,9	97,6	109,0	107,5	79,3	110,9	104,4	103,4	97,0
Нефть ва газ конденсати қазиб чиқариш, минг т	92,6	89,3	95,0	90,5	95,2	95,9	105,8	104,5	104,2
Газ, млн.м ³	95,6	97,6	94,8	92,9	100,8	102,8	100,9	108,7	98,6

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида ҳисобланган.

Амалда кўмир саноатида табиий ресурслардан кўп миқдорда фойдаланилиши, пул маблағлари тежаб қилинишига интилиш натижасида экологик дастурлар ва инновацион жараёнлар жуда сустр амалга оширилмоқда, юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш улуши тобора қисқармоқда. Бу эса, ўз навбатида, тармоқнинг иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлиб хизмат қилиши табиий. Бундай шароитда тармоқ маҳсулотлари иқтисодий-экологик хавфсизлигини таъминлашнинг дастурлаштириши

ёқилғи ресурсларини қазиб олишда барқарор ривожланишга эришиш учун муҳим омил ҳисобланади. 2011-2019 йиллар давомида ёқилғи-энергетика тармоқлари бўйича умумий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, йилдан-йилга энергия истеъмоли ортиши натижасида ёқилғи-энергетика балансида табиий газ (86%), нефть ва газ конденсати (7,8%) ҳамда кўмир (4%)нинг улуши сақланиб қолади (1-жадвал).

Фикримизча, ёқилғи-энергетика мажмуасининг кўмир саноат тармоғи фаолиятида маҳсулотларнинг иқтисодий-экологик хавфсизлигини таъминлашда дастурлаштиришдан фойдаланишнинг зарурий сабаблари мавжуд. Уларга қуйидагилар киради:

1. Ёқилғи-энергетика мажмуаси ҳамда атроф-муҳит ривожланишининг салбий пропорциялари, тузилмалари ва тенденцияларини тубдан ўзгартириш зарурати.

2. Дастурий чора-тадбирлар назорат қилинишини талаб этувчи мавжуд экологик муаммоларнинг мажмуавийлиги.

3. Кўмир қазиб чиқариш ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларнинг мавжуд даражаси барқарор ривожланишга эришишда мавжуд имкониятнинг камайиб боришига таъсир кўрсатиши.

4. Қўйилган мақсадга эришиш учун молиявий ва моддий ресурслардан максимал даражада назоратли фойдаланишнинг зурурати.

Ёқилғи-энергетика мажмуасининг кўмир саноат тармоғи фаолиятида иқтисодий-экологик дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда самарали амалга оширишда тармоқнинг қатор хусусиятлари (иқтисодий-экологик муаммоларнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифалар билан доимий боғлиқлиги, иқтисодий-экологик муаммоларнинг кўп қиррали тавсифи, табиий ресурслардан номажмуавий фойдаланишнинг устунлиги)ни ҳисобга олишни талаб этади. Қайд этилган хусусиятларнинг ҳисобга олиниши ёқилғи-энергетика мажмуасининг кўмир саноат тармоғи маҳсулотларининг иқтисодий-экологик хавфсизлигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

*Мухиддинов Зайниддин Насирович, к.т.н., доцент,
Мамаджанов Алишер Мамаджанович, д.т.н., профессор,
ТашГТУ имени Ислама Каримова*

Моделирование жизненного цикла продукции на этапе маркетингового исследования

В настоящее время управление и осуществление информационной поддержки жизненного цикла (ЖЦ) продукции становится все более актуальным на всех его этапах. При этом известно, что стоимость устранения ошибок на этапе разработки значительно меньше, чем на дальнейших стадиях. Проведение маркетинговых исследований позволяет выявить потребности и помогает анализ избежать ошибок при создании продукции.

Неоценимую помощь может оказать моделирование различных маркетинговых ситуаций. Исходя из того, что модель должна частично или полностью воспроизводить структуру моделируемой системы и ее функции, можно сделать вывод, что моделирование предполагает построение некоторого аналога, способного заменить реальную систему и дать о ней новую информацию.

Первым шагом на этом пути становится функциональное моделирование, которое все чаще используют для анализа и разработки организационно-экономических систем и процессов в целях их совершенствования, повышения их результативности и эффективности.

Особенно актуальным построение функциональных моделей становится для процессов информационного обеспечения маркетинговой деятельности. Функциональное моделирование в стандарте IDEF0 заключается в представлении любой изучаемой

системы в виде набора взаимодействующих и представляющие любой изучающих процессы, операции, действия, происходящие в системе.




Рисунок. Функциональная модель процесса маркетингового исследования

Основное достоинство функциональной модели состоит в визуализации и графической простоте. Функциональная модель процесса маркетингового исследования, построенная на основе методологии IDEF0 и отражающая взаимосвязь всех происходящих в ней информационных процессов, приведена на рисунке.

Предложенная модель отражает специфику и содержание процессов маркетингового исследования современных предприятий, носит комплексный характер и может функционировать во взаимодействии с другими моделями.

Очевидно, что число предприятий и организаций, использующих в своей деятельности моделирование маркетинговых ситуаций, будет постоянно возрастать. Следующий шаг после функционального моделирования целесообразно осуществлять имитацию моделирование.

*Ибрагимова Саодат Абдумуминовна, к.э.н., доцент,
ТашГТУ имени Ислама Каримова,
Менглиева К.М., доцент, Международный
Казахско-Турецкий университет им.Х.А.Ясави*

АНАЛИЗ МОДЕЛЕЙ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОЦЕНКИ УРОВНЯ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

Одной из ключевых предпосылок для развития и перехода любой страны на инновационный путь развития является повышение конкурентоспособности национальных экономик за счет модернизации, технического перевооружения производства, подъема наукоемких отраслей.

Инновационная деятельность фактически стала главным движущим механизмом экономического роста, что привело к усилению международной конкуренции в этой области и побудило многие страны к увеличению затрат на НИОКР, на новейшие технологии и продвижение инновационной продукции для обеспечения лидерства в условиях формирующейся глобальной экономики. В современных жестких условиях конкуренции инновации и инвестиции тесно связанные структурные элементы рынка, следовательно, инвестиционная стратегия, которую осуществляет то или иное предприятие, будет определенным образом связана с инновационной деятельностью.

Стратегическое развитие невозможно без осознания его сущности, то есть совокупности глубинных взаимосвязей, внутренних законов развития и воздействия внешних факторов, определяющих его основные направления и тенденции. Инновационная модель развития экономики включает в себя не только такой важнейший фактор, как научно-технический прогресс, но и совокупность адекватных ему институциональных трансформаций на различных уровнях экономической системы.

Стратегическое развитие экономики предприятия, региона возможно лишь при условии использования высоких, энергосберегающих технологий, новых материалов, новых организационных форм ведения хозяйства. Это может обеспечить органическое единство науки и техники. Современная техника и технология немислимы без воплощения в них научных достижений. Если в прошедшие времена наука выступала как самостоятельная сфера деятельности, независимая от других факторов общественной жизни, то с определенного времени она начинает входить в тесную связь с другими сферами деятельности человека. Особенно усиливается ее взаимосвязь с производством, техникой. Оказывая на них существенное влияние, она сама уже не может прогрессировать без них.

Очевидно, что стратегическое развитие региона, отрасли в будущем также возможно лишь на инновационно-инвестиционной основе. Именно в этом направлении должен происходить процесс передачи части прав и ответственности, усиливаться тенденции развития самоуправления. Регионы должны активнее работать в направлении привлечения инвестиций, как внутренних, так и иностранных. Региональные инвестиционные интересы будут способствовать стабильной деятельности предприятий всех форм собственности, внедрению инноваций.

Следует выделить инновации, неоднозначно влияющие на устойчивое развитие общества. Их условно можно разделить на следующие типы: технологические инновации, на основе которых создается новый продукт или технологии; маркетинговые инновации, обусловленные изменениями в способы продвижения производимой продукции на рынке; организационные инновации, вызванные внедрением новых организационных и управленческих структур; финансовые инновации, связанные с использованием новых финансовых инструментов; социальные инновации, а именно методы достижения социального результата в соответствии с целями общества по более полному использованию человеческого капитала.

В целях ускоренного развития страны на основе современных достижений мировой науки, инновационных идей, разработок и технологий, а также последовательной реализации задач, определенных Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах утвержден: «Стратегия инновационного развития Республики Узбекистан на 2019–2021 годы», «Дорожная карта» реализации Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019–2021 годы, «Целевые показатели инновационного развития Республики Узбекистан до 2030 года».

Узбекистан обладает богатым интеллектуальным, промышленным и ресурсным потенциалом. В стране существует развитый сектор академической и вузовской науки,

обеспечивающий выполнение фундаментальных и прикладных исследований, инновационных проектов. Динамично развивается сектор информационно-коммуникационных технологий. Принята и находится в действии Программа широкомасштабной модернизации, технического и технологического обновления промышленных производств, оснащения их самым современным оборудованием на основе реализации активной инвестиционной политики, а также ускоренного внедрения в отраслях промышленности современных научных достижений, инновационных наукоёмких технологий.

Анализ мировых **тенденций** развития показывает, что в решении всего спектра стратегически важных проблем различных стран в XXI веке ключевая роль также отводится инновациям, инновационной деятельности и основанной на знаниях экономике или инновационной экономике.

В развитых странах мира 75% прироста ВВП получается именно благодаря инновациям. В основе результативности инноваций в этих странах лежит наличие система образующего механизма, названного К. Фрименом в работе, посвященной моделированию технологической политики в Японии, «Национальной инновационной системой» (НИС), представляющей совокупность институтов, относящихся к частному и государственному секторам, которые индивидуально и во взаимодействии друг с другом обуславливают развитие и распространение новых технологий в пределах конкретного государства. В этом плане представляет интерес анализ моделей инновационного развития различных стран.

Модели инновационного развития. В зависимости от принятой модели экономического развития, обусловленной множеством различных факторов, можно выделить страны (Япония, Сингапур, Малайзия, Республика Корея и др.), в которых реализуется имитационная модель (модель «догоняющего развития»), и страны (США, Великобритания, Франция, Германия и др.), в которых осуществляется инновационный сценарий развития экономики и реализуется модель полного инновационного цикла - от формирования инновационной идеи до массового производства готового продукта. Как правило, эта модель включает в себя все компоненты структуры инновационной системы: фундаментальную и прикладную науку, исследования и разработки (R&D), производство опытного образца и массовое производство, а также различные типы структур экспертизы, финансирование и воспроизводство кадров.

Национальная инновационная система США. Основой национальной инновационной системы США является примерно 150 первоклассных университетов, значительная часть из которых занимает первые места в мировых рейтингах. Но даже среди этой совокупности блестящих высших учебных заведений выделяются: Гарвардский университет, Йельский университет, Колумбийский университет, университет Беркли, Стэнфордский университет, Массачусетский технологический университет и ряд других столь же блестящих университетов, числом около двадцати. Тем не менее, ни в коем случае не стоит сбрасывать со счёта университеты штатов, не имеющих, быть может, столь же блестящей репутации и такого количества нобелевских лауреатов в числе своих профессоров, но, тем не менее, очень крупных по размеру и дающих очень существенный вклад в научное развитие, такие как университет Миннесоты (одного из самых больших по числу университетов США), Висконсинский университет и др. Именно в университетах США сосредоточена основная масса исследований в области фундаментальной науки, значительная часть прикладных исследований. Университеты США являются чрезвычайно богатыми общественными институтами, обладающими громадными земельными владениями (что собственно и является основой их безбедного существования за счёт ренты), очень значительными финансовыми фондами, постоянно пополняемыми богатыми выпускниками, не теряющими связей с родным университетом. Несмотря на то, что частные университеты, в отличие от университетов штатов, берут весьма значительные деньги за обучение, отнюдь не плата за обучение является основой

существования этих гигантских научных центров. Университетские исследователи, конечно, получают гранты как от правительства США, так и от различных фондов, но размеры грантов также не являются решающим вкладом в исследовательскую деятельность университета. В США регулярно проводятся рейтинги университетов, расставляющие их по значимости, кроме того, рейтинги проводятся среди однопрофильных факультетов различных университетов. Так, скажем, Сиракузский университет, занимавший в начале XXI века общее место где-то в третьей десятке, имел лучшую в США школу государственного управления. Такое рейтингование чрезвычайно важно для привлечения студентов, и университеты прикладывают много сил для того, чтобы привлечь к преподаванию лучших профессоров и использовать новейшие методы обучения. Трансфер технологий в США осуществляется в основном либо из университетов в промышленность с помощью венчурных компаний, о которых уже говорилось выше, либо путём создания внутри самих компаний крупнейших исследовательских подразделений, такими подразделениями обладают практически все наиболее известные компании. А такие научно-исследовательские подразделения, как лаборатория Белл Телефон Компани, числятся среди лучших в мире в своей области. Именно этой лаборатории принадлежат крупнейшие успехи в создании теории информации и развитии новейших средств связи.

Инновационные системы малых развитых европейских стран. Основной чертой инновационных систем малых высокоразвитых европейских стран является исключительно высокий уровень фундаментальной науки, финансируемой преимущественно государством. Такие страны, как Швеция, Нидерланды, Дания, Швейцария, Финляндия имеют всемирно известные университеты, тщательно выбирающие направления исследований, которые эти университеты действительно способны поднять на мировой уровень. В Швеции - это математика и классические исследования в Упсале и Лунде, экономика в Упсале и Стокгольмской школе экономики, компьютерные исследования в Линчопинге, биологические и медицинские исследования в Каролинском институте, новые технологии и проблемы городского планирования в Королевском технологическом институте в Стокгольме. В Нидерландах — это физика; право, экономика, классические исследования и востоковедение в Лейдене, экономика и проблема энергетики - в Гронингене; административное управление и история науки — в университете Амстердама. В Швеции и Нидерландах большую роль играют национальные академии наук.

Особенно заметна эта роль в Швеции, где Академия выполняет, по существу, исключительно важную международную роль, присваивая через Нобелевский комитет Нобелевские премии в области науки, и тем самым не только оказывая непосредственное влияние на формирование направлений мировой фундаментальной науки, но поддерживая очень высокий престиж шведской науки. В обоих странах значительную роль играют Институты Высших исследований - в Швеции в Упсале, в Нидерландах - в Вассенаре. Эти институты, также как их прообраз в Принстоне (США), не только обеспечивают подготовку кадров высшей квалификации в области фундаментальной науки, но и обеспечивают постоянное взаимодействие между международной научной элитой и наиболее талантливой молодёжью тех стран, в которых эти институты расположены.

Высокий уровень фундаментальной науки позволяет поддерживать очень высокий уровень преподавания в ведущих университетах. Прикладные исследования в Швеции и Нидерландах обеспечиваются преимущественно за счёт грантов и совместных проектов с крупными транснациональными корпорациями - Shelli Phillips в Нидерландах, Volvo, Eriksson — в Швеции. Но в финансировании исследований и разработок активное участие принимают и малый, и средний бизнес. Большое значение имеют также

региональные проекты в области высоких технологий, использующие в качестве образца Силиконовую долину в США - Энергетическая долина в Гронингене (Нидерланды), основной целью создания которой является разработка энергосберегающих технологий и альтернативного углеводородного топлива. В Швеции в Линчопинге по той же схеме сосредоточены исследования, технопарки, венчурные предприятия в области компьютерных технологий и телекоммуникации.

Национальные инновационные системы Восточной Азии. Модель «догоняющего развития» значительно отличается от евро-атлантической модели инновационного развития и представлена в основном странами Восточной Азии: Японией, Южной Кореей, Гонг-Конгом, Китаем. В восточно-азиатском инновационном цикле, как правило, отсутствует компонент фундаментально и частично даже прикладной науки. Эти инновационные модели, как правило, ориентированы на экспорт высокотехнологической продукции, при этом заимствуя сами технологии у стран-инноваторов. Наиболее ярким примером данной модели инновационного развития является Япония. Альтернативная модель инновационного развития. Другая модель инновационного развития нашла применение в странах, не обладающих значительным потенциалом в области фундаментальной и прикладной науки, странах, где сельское хозяйство по-прежнему играет значительную роль в экономике, не отличающихся богатыми запасами сырья, технологии переработки или продажа которого могли бы стать основой национальной конкурентоспособности и т.д.

В официальной статистике нет подробных данных о доходах республики. Так, например, отмечается, что в 2014 году положительное сальдо Узбекистана в торговле составило 180 млн долларов. Столь общая оценка позволяет правительству скрывать значительные сокращения доходов от экспорта. По мнению аналитиков, развитие реального производства сдерживают административное давление на бизнес, коррупция, проблемы в развитии инфраструктуры и кредитной политике.

Основой движущей силой экономического роста за последние 5 лет стала внешняя торговля. При этом в структуре экспорта произошли существенные изменения. Наиболее важными из них являются: Снижение доли хлопкового волокна за 4 года почти в 2 раза: с

18,1 до 9,2% в общей сумме экспорта, что объясняется, главным образом, снижением его мировых цен и увеличением внутренней переработки; существенный рост доли энергоносителей и нефтепродуктов – с 12,4% в 2014 году до 25,2% в 2008 году, что стало следствием роста цен на газ и увеличением объема его экспорта; резкие колебания доли «прочих товаров» в общем объеме экспорта, главной причиной которых являются изменения мировых цен золото, которое учитывается в этой статье.

Согласно данным официальной статистики за первое полугодие 2019 года, несмотря на мировой экономический кризис, рост экспорта Узбекистана составил 2,8%. Главными факторами этого роста стали: значительное повышение цен на экспортируемый газ начиная с 1 января 2019 года в результате перехода на европейскую формулу определения цен на газ; стабильность и даже некоторое повышение мировых цен на золото, как надежного источника инвестиций в условиях мирового кризиса; продажа автомобилей отечественного производства на СКВ, что также учитывается как экспорт.

Более половины импорта страны составляют машины и оборудование. Значительный рост прямых иностранных инвестиций в последние годы, особенно в энергетическом секторе, привело к росту доли этой статьи в общей структуре импорта. Важно отметить, что в этой статье учитываются импорт не только инвестиционных товаров, но и комплектующих для производства 10 автомобилей. Изменение доли других статей импорта (рост доли продовольственных товаров, снижение доли черных и цветных товаров) объясняется изменением мировой конъюнктуры (рост мировых цен на продовольствие) или усилением импортных барьеров (черные и цветные металлы), хотя изменение мировых цен тоже оказало влияние.

Доля промышленности в ВВП Узбекистана постоянно увеличивается. Если в 2014 г. она составляла – 17,5%, то в 2017 году уже 24,0%. Несмотря на то, что в промышленности работает только 13,5% от общего числа занятых в экономике Узбекистана, она дает 68,0% всей прибыли предприятий страны. Удельный вес промышленности в совокупных инвестициях в основной капитал составляет – 37,7%. Деньги, генерируемые в промышленности страны, служат основным источником модернизации и развития всех секторов экономики. В 2014-2017 гг. роль промышленности в экономике страны увеличилась несмотря на то, что за указанный период среднесписочная численность сотрудников сократился на 1,0%. Количество промышленных предприятий увеличилось за данный период на 13,7%, объем промышленной продукции в номинальном выражении на 127,1%, прибыль от деятельности промышленных предприятий – 2,5 раза. Наиболее промышленно развитыми регионами страны являются Ташкентская и Навоийская области. В них производится 17,1% и 13,9% всей промышленной продукции страны соответственно.

В структуре промышленного производства Андижанской области наибольшую роль играет машиностроение, Джизакской, Наманганской, Сурхандарьинской и Хорезмской областей – легкая промышленность, Навоийской – цветная металлургия, Сырдарьинской – энергетика. Среди всех отраслей промышленности наиболее быстро развивается нефтехимическая (31,8% - 2018 г.), электротехническая (45,2% - 2018 г.), деревообрабатывающая (37,0% -2018 г.). Это связано с притоком в данные сферы значительных объемов инвестиций. Привлекательно нефтегазового сектора обусловило и то, что 46,7% от общих инвестиций в основной капитал было осуществлено в 2018 году в топливной промышленности, а 13,1% в металлургии.

В заключении, следует отметить, что развитие промышленности в Узбекистане должно быть ориентировано на разработку и освоение новых информационных технологий, направленных на обеспечение интересов экономической бедности страны и получение конкурентоспособной продукции за счёт развития наукоемкого производстве сохранения и приумножение промышленного и научно-технического потенциала страны

НЕФТ ВА ГАЗНИ ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бугунги кунда жаҳон ва миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш устувор аҳамият касб этмоқда. Ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 70-90 фоизи айнан инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳисобига яратилмоқда.

Бу борада саноат корхоналарида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, инновациялар бозорини мақсадли ривожлантириш ҳамда инновацион фаолият субъектларининг инновацион ва старт-ап лойиҳаларини инвестиция билан таъминлаш орқали самарали ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар муҳим ўрин тутмоқда.

Шу жиҳатдан, саноат корхоналарида технологик модернизациялаш шароитида инновацион салоҳиятни ривожлантириш ва рағбатлантириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, бунда иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигига асосланган ҳолда ва инновацион ривожланиш самарадорлигини оширишга нисбатан услубий ёндашувларни назарий жиҳатдан асослаш ва амалий механизмларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Давлат стратегиясининг стратегик моҳияти компанияларнинг инновацион фаолияти асосида шаклланади, унинг мазмуни янги товарларни ишлаб чиқариш ва бозорга олиб чиқиш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, янги билимларни яратиш ва уларни қўллашдан иборат бўлади.

Олинган натижалар бугунги кунда нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналари инновацион салоҳиятини молиявий, илмий-техник, кадрлар, моддий-техник база ва ижодкорликни рағбатлантириш ҳамда корхонанинг мавжуд имкониятларини самарали тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнларини кучайтириш лозимлигини кўрсатади. Бу эса нефт ва газ қазиб чиқариш конларида янгиликларни қўллаш ва тижоратлаштиришдан олинган фойда асосида инновацион салоҳиятни рағбатлантириш имкониятлари заруратини белгилаб беради.

Фикримизча, инновацион салоҳиятни баҳолаш ва рағбатлантиришда асосий мақсадга эришишни таъминлаш учун нефт ва газ қазиб чиқариш ва ишлов бериш корхоналарининг инновацион салоҳиятини аниқлашда муаммоли вазиятларни ёритиб бериш ва рағбатлантиришга тавсиялар беришга имкон берувчи ривожланишнинг иқтисодий омилларини ва уни ташкил қилувчи таркибий қисмларининг тўлиқ ва ҳар томонлама баҳоланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Инновацион салоҳиятни рағбатлантиришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур: корхона инновацион салоҳиятини рағбатлантиришда унинг иқтисодий моҳияти, унга таъсир ўтказувчи омиллар, уларнинг таркибий қисмларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш усулини танлаш; рағбатлантириш жараёнини зарурий, ишончли ва аниқ ахборотлар билан таъминлаш; яратилган, харид қилинган, ўзлаштирилган (ёки ўзлаштирилаётган) инновация натижасига мувофиқ инновацион салоҳият даражасини аниқлаш; рағбатлантириш мақсадида олинган натижаларнинг таҳлил ҳамда татбиқ қилиниши; инновацион салоҳиятни рағбатлантиришни такомиллаштиришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Фикримизча, нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантирувчи иқтисодий механизм қуйидагиларни кўзда тутиши лозим: инновацион фаолиятни амалга оширувчи субъектлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш; корхоналарга инвестиция манбаи сифатида амортизацион жамғармаларни кўпайтириш имкониятини таъминлаш мақсадида амортизацион сиёсатини ўзгартириш; илмга оид

замонавий ва ҳажмдор воситалар ва ускуналар лизингини ривожлантириш; чет эллик шериклар билан маҳаллий илмга оид ҳажмдор маҳсулотни чиқариш ва уни ташқи бозорда сотиш бўйича ташкилотларни тузиш учун шароитларни яратишни кўзда тутувчи ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш; илмий салоҳиятни янада тўлиқроқ жорий этиш, илмий-техник, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш учун олий мактаб, илмий ташкилотлар ва муассасаларда инновацияларни комплекс ҳолда қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш; инновацион-саноат мажмуалари ва марказлари, технопарклар, инновацион корхоналар ва алоҳида инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг молиявий-иқтисодий ва ташкилий механизмларини ишлаб чиқиш; миллий илмий-техник ишланмаларни ўзлаштирувчи корхоналар фаолиятини рағбатлантириш ва инновацион фаолиятнинг инвестиция билан таъминлаш механизминини такомиллаштириш; илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизимининг барқарор фаолият кўрсатиши учун меъёрий базани яратиш; бюджет ва нобюджет инновацион жамғармалар, инновацион фаолиятни ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича чет эл жамғармалари вакилликларини ташкил этиш; тез суръатда ўзини қоплай оладиган инновацион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида маҳаллий ва чет эллик хусусий инвесторлар учун жозибадор шароитларни яратиш (уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш); инновацион лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ молиявий хатарларни суғурталаш тизимини жорий этиш.

Тадқиқотда муаллиф томонидан саноат корхоналарида инновацион фаолият ва унинг салоҳиятини ошириш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва унинг салоҳиятини рағбатлантиришнинг қуйидаги шакллари таклиф этилган: бевосита молиялаштириш, айрим ихтирочиларга ва кичик корхоналарга бепул банк ссудаларини бериш; республикада сезиларли солиқ имтиёзларига эга венчур инновацион жамғармаларини яратиш, инновацион фаолият субъектларини моддий ва маънавий рағбатлантириш (қўллаб қувватлаш); алоҳида ихтирочилар учун давлат патент божларини камайтириш ва ресурс-тежовчи ихтиролар учун патент божларини тўлашда имтиёзлар бериш ёки кечиктириш ва бошқалар.

Шунингдек муаллиф томонидан нефт ва газ саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини кўтариш ва рағбатлантириш асосида қуйидаги устувор вазибаларни амалга ошириш имкони асосланди: республика нефт ва газ саноатида углеводород хомашёсини қазиб олиш ҳажмларини кўпайтириш, табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш ва етказиб беришда янги инновацион технологияларни қўллаш ишларини такомиллаштириш; газ-транспорт тизимини модернизация қилиш ва нефт ва газ тармоғи корхоналарида инновацион фаолиятни молиявий ва инвестициявий таъминлашни жадаллаштириш; тармоқда инновацион фаолликни ошириш натижасида табиий газни ягона оператор сифатида етказиб бериш, жумладан экспорт ва импорт қилиш учун газ қазиб олувчи ва қайта ишловчи ташкилотлар, шу жумладан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлар асосида фаолият юритувчи қўшма корхоналар ва хорижий компанияларнинг қўллаб-қувватлашига эришиш; табиий газни ва суюқ углеводородларни қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш, узатиш ва сотишнинг барча босқичларида инновацион технологиялар асосида ресурслар ҳисобини юритиш бўйича электрон ускуналарни қўллаш орқали самарали ҳисоб юритилишини жорий этиш; «Ўзбекнефтгаз» АЖ учун - 2024 йилга келиб углеводород хомашёси, шу жумладан табиий газ қазиб олиш ҳажмини 42,3 миллиард метр кубга ва суюлтирилган газни 1,5 миллион тоннага етказиш, шу билан иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни, шунингдек, компаниянинг даромади ортишини таъминлаш; инвестиция киритишнинг хорижий амалиётда кенг тарқалган шартлари ва механизмлари асосида қазиб олиниши қийин бўлган конларда углеводород хомашёсини қазиб олишга дунёнинг йирик нефт-газ компанияларидан замонавий инновацион қазиб олиш техникалари ва асбоб-ускуналарини жалб қилиш; хорижий

тажрибани ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан «Рақамли кон» концепциясини амалга ошириш асосида иш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларини кенг жорий қилиш кабилар.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, нефт ва газ саноати тармоғида инновацион салоҳиятни шакллантириш, уни ривожлантириш ҳамда рағбатлантириш механизмини қуйидаги кетма-кет босқичлардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш лозим: инсон ва интеллектуал капитални ривожлантириш, қулай шарт-шароитларни яратиш – молиявий-инвестицион таъминотни ташкил қилиш – баҳолаш – рағбатлантириш – рағбатлантиришни амалга ошириш. Босқичларнинг ҳар бири уларнинг амалга оширилишини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишни талаб этади.

*Kudaynazarova Dilnaz Koshkarbayevna, PhD, assistant,
Nukus branch of TSAU*

MODERN MOTIVATORS OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN KARAKALPAKSTAN

The survey of economy in Karakalpakstan for recent years led to identify changes in motivating to entrepreneurship factors among local economic entities. There is a noticeable shift in motivators from import depending economic activities to export oriented production. Despite the fact of region's competitive advantage in natural resources, the role and influence of institutional factors are growing.

The first decade of thirty-year period of independence was under prevailing share of non-material economic activity over industrial production. The reasons related to entrepreneurs' interests in short-term return on invested capital, high cost of fixed assets' procurement for material production sectors, complexity and length of study the market needs and consumer behavior were main constraints on activity of local entrepreneurs in industrial sectors of national economy. The second decade was accompanied by organization the activities of institutions regulating basic industries - cotton gin, construction, oil and gas mining. In the third decade, changes in motivators, encouraging domestic entrepreneurs to industrial processing of local natural raw materials, are taking place.

Organizational issues of production economics used to have a leading role in defining a growth benchmark in production, moreover, still have the role more important than raw resource supply in order to develop enterprise's competitiveness. The role of production factors has variable behavior in taking decision because of formation and influence of exact economic occasion and studies. Thereby spatial analysis methods and cost theory were focused on optimizing production placement from the point of transportation costs, specialization advantages of countries specified internationally division of labour and competitive advantages along with interchangeability of production factors, the theory of growth poles based on leading industries' development and formation of free economic zones find own reflections on economic entities' choices.

An increasing impact of ecologic factor comes in organizational and production costs holded by industrial enterprise launch. Especially it has intensive influence in countries with transforming industrial economy, one of which is Uzbekistan, where seek point in technological chain at the same time demonstrated an advantage. Annually several industrial production on greenery processing are launched. And favorable conditions for them are availability of cheap labor, preferential terms by governance for special category of producers, high quality of mining materials, information access to external markets and suppliers.

Karakalpakstan represents a region with a variety of polemics for industry, moreover, via international perspective. The environmental factor has played a dual role with the industrial sector of the region: a testing and gauging role in determining an industrial potential and possible

growth directions. Gradual desertification and soil degradation, reduction of water based economies and related industries, growth of structural unemployment and time and resource costs for retraining the local labor resources, institutional barriers along with quantitative and qualitative changes in the raw material base are the list of demotivating factors for production entities. The availability of raw materials becomes in insufficient term of production organization: poor production infrastructure referring to registration and holding industry, institutions' activity in a line with changes in scientific and technological progress (scientific-project institutions, certification and licensing) and adopting to global economic shifts results on gaps in organizational and economic chain of local industrial production. To the matter, insufficient and inappropriate links in technological chains on leather production remain barriers: scarce of veterinary service, lack of interest of cattle owners in further hides processing, a one-sided orientation of animal husbandry, sales decrease in EU countries according to pandemic.

On the other hand, motivating factors of entrepreneurial activity as followings – greenery and mining raw materials with high qualitative features because of high concentration of useful components, appropriate climatic conditions for growing exact types of plant materials, making transition to cluster system in light industry – create prerequisites for consideration them as modern motivators for foreign and domestic investors with the aim to invest into national economy. It needs revision of organizational issues as well as institutional ones for economic development of the region. Conditions supplied for enterprises with foreign capital and fully foreign funded ones definitely allow “keep afloat” with export prices on products, also financial and tax preferences for those, who exports licorice root products, provides transition from trading to arrange own plantations. As a consequence, an interest on launching own business instead of import is growing. Analytical and statistical processing of results of expert analysis based on data of local industrial companies causes the systematical approach to find out modern motivators and their level of impact on decision taking by local enterprises. Similarly, investigation of regional markets and assessment of domestic industrial potential will allow to implement the stimulating effect of existing and search new ones of entrepreneurship. In conclusion, it might be noticed that institutional relationships between industrial enterprises and production infrastructure facilities, the functioning of which is aimed to motivate local producers in industrially development of the region, are growing.

*Тарахтиева Гулмира Кулбаевна, кат. ўқитувчи,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЯТИ

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида саноат тармоқлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш долзарб аҳамиятга эга. Маълумки, барча тармоқларда инновацион фаолиятнинг ривожланганлиги мамлакат иқтисодиётини инкироз ҳолатидан талофатсиз чиқиб кетишини таъминлайди, шунингдек мамлакат иқтисодиётини стратегик ривожлантиришга замин яратади. Иқтисодиётда янгича, замонавий ёндашувларни жорий этмасдан туриб, юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулот яратишни тасаввур қилиб бўлмайди. Бу борада мамлакатимизда муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан қадамба-қадам олиб борилаётган ҳаракатларни мисол қилишимиз мумкин. Кластерни “ягона занжирда айланадиган тараққиёт”, деб таърифлаш мумкин. Илк тажрибавий саноат кластерининг яратилиши куйидаги мақсадларга қаратилган эди:

таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш ва ишлаб чиқариш фаолиятига давлатнинг иштирокини камайтириш;

тармоқларни инновацион усулда ривожлантиришнинг интеграциялашган кластер тизимини яратиш учун хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш; маҳсулот ишлаб чиқаришнинг самарали усулларни жорий этиш ва уларни чуқур қайта ишлашни ташкил этиш.

Нефт ва газ саноати кластерини шакллантиришда иқтисодиётнинг мутаносиблик ва мувофиқлаштириш категорияларига асосан иш тугилади. Мутаносиблик тармоқлараро ҳар томонлама алоқаларни ўрнатган ҳолда параллел равишда ривожланишига таъсир қилса, мувофиқлик тармоқларнинг иқтисодий жиҳатдан барқарорлигини ҳамда рақобатбардошлилигини оширишда етакчи ўрни эгаллайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, инновацион фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини умумлаштирган ҳолда 1-расмда келтирилган шаклда тизимлаштириш мумкин. Ҳар бир инновацион кластерлар учун илмий-техник ихтироларнинг ва ишланмаларнинг натижавийлигини ҳамда самарали ишлатишини талаб этиши ҳам асосий хусусиятлардан саналади. Инновация, ишланмалар ва тадқиқотлар соҳасида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари билан кооперацион алоқалар самарадорлиги иқтисодий ривожланишга бўлган таъсирни баҳолаш имконини берувчи инновацион натижалардан иборат.

Инновацион фаолиятни самарали олиб боришда янги технологияларни сотиш ва сотиб олиш жараёнларини изоҳловчи технологик айирбошлаш фаолияти технологик инвестиция сифатида ўзини намоён этишидан ташқари технопаркларни ривожлантиришни ҳам талаб этади.

Инновацияларни ташкилий жиҳати ҳар бир инновацион менежментнинг ҳам бошланғич ҳам якуний қисми сифатида кўрилади. Маҳсулот ва хизматларнинг ҳаётийлик циклини ошириш, асосий бозорларни эгаллаш, инвестицион фаолиятни кенгайтириш ва аҳолининг бандлигини оширишни таъминлаш инновацион фаолиятнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шунга кўра саноат корхоналари инновацион фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услубияти қуйидаги масалаларни ечишга қаратилган (2-расм): илмий-тадқиқот вазифаларини асослаш; иқтисодий самарадорликни баҳолаш меъзонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш; инновацион фаолиятнинг саноат корхонаси самарадорлигига таъсирини баҳолаш ва уни амалга оширишнинг самарали усулларини танлаш. Саноат корхоналари инновацион фаолиятини баҳолаш меъзонлари қуйидагилардан иборат: саноат корхонасининг илмий салоҳияти даражаси; ахборот ва фан ютуқларидан фойдалана олиш билан таъминланганлик даражаси; саноат корхонаси мақсадига эришишни таъминловчи рақобатбардош ишланмалар. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот объекти ҳисобланган нефт-газ саноатининг ўзига хос хусусиятларини (капитал, фонд ва меҳнат сиғими) инобатга олиб, бизнинг фикримизча, саноат корхоналари инновацион фаолияти иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини корхона илмий салоҳияти, корхона модернизация қилинганлик ва меҳнат унумдорлиги даражаси ҳамда маҳсулот рақобатбардошлигини ифодаловчи учта меъзонга ажратиб таснифлаш мумкин. Саноат корхоналари инновацион фаолияти иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таснифи.

У қуйидагича ифодаланади:

$$k_{Is} = \frac{X_{If}}{JX_{Ich}} \quad (1)$$

бу ерда: k_{Is} - илмий салоҳият даражаси коэффиенти; X_{If} - инновацион фаолият харажатлари қиймати, млн.сўм; JX_{Ich} - жами ишлаб чиқариш харажатлари, млн.сўм.

Зарур бўлганда бу кўрсаткичдан рақобат қиладиган корхоналар ўртасида корхона салоҳиятини баҳолаш учун фойдаланиш мумкин. Корхонанинг инновацион салоҳиятини турлари бўйича кўрсаткичлар даражасига қараб аниқланади.

Саноат корхоналари инновацион фаолиятини қуйидаги ифода кўринишига эга бўлади:

$$k_{O'zIshJq} = \frac{M_{JqO'zIsh}}{JM_{AoO'zIsh}} \quad (2)$$

бу ерда, $k_{O'zIshJq}$ - ўз илмий-тадқиқот ишланмаларни жорий қилинганлик коэффиценти; $M_{JqO'zIsh}$ - жорий қилинган ўз ишланмалари миқдори, сони; $JM_{AoO'zIsh}$ - жами амалга оширилган ўз ишланмалар миқдори, сони.

Ушбу кўрсаткичдан саноат корхоналарининг инновацион фаолиятининг илмий даражасини асослаш ва баҳолаш учун фойдаланиш мумкин. Саноат корхоналари инновацион фаолиятини баҳолаш ҳамда сотиб олинган ва ўз илмий-тадқиқот ишланмалари ўртасидаги ўзаро оқилона боғланишни аниқлаш учун ўз ишланмаларини жами жорий қилинган илмий-тадқиқот ишланмалари миқдорига нисбатидан фойдаланиш мумкин. Саноат корхоналарида модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларининг жадал олиб борилиши ҳар бир корхонанинг барқарор ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади. Ушбу омил корхонадаги техника ва технологияларнинг янгилиниш даражасини белгилаб беради. Техника ва технологияларнинг янгилиниш коэффицентининг юқори кўрсаткичи корхонада асосий ишлаб чиқариш воситаларни алмаштириш ва модернизация қилиш жараёнларининг жадаллашганини изоҳлайди. Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнида техника ва технологияларнинг аста-секин эскириши кузатилади ва бошланғич қийматини йўқотиб боради. Бу ҳолат техника ва технологияларнинг эскирганлик коэффиценти билан аниқланади.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг сифат жиҳатдан асосий меъзони бу асосий воситалардан самарали фойдаланиш ҳисобланади ва бу фонд қайтиши коэффиценти билан белгиланади. Коэффицентнинг ўсиши бир бирлик кўйилган асосий воситаларга нисбатан ишлаб чиқаришнинг юқори даражасини кўрсатади. Саноат корхонасининг техник ва технологик жиҳозланганлик даражаси белгиловчи кўрсаткич бу бир ишчига тўғри келадиган асосий илаб чиқариш фондлар қиймати - фонд билан қуролланганлик коэффицентидир.

Маълумки, йирик саноат корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги аниқлашда меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат унумдорлиги ўсишига таъсир этувчи асосий омиллар бу ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, шунингдек, ишончли ва барқарор ишлаб чиқаришни таъминловчи техника ва технологиялар ҳолатидир. Маҳсулот рақобатбардошлиги даражаси кўрсаткичларини қуйидаги корхона маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ва маҳсулотларнинг янгилиниш коэффицентига ажратиш мумкин. Янги маҳсулот илмий-тадқиқот натижаси ҳисобланган умуман янги, модернизация қилинган ёки тубдан ўзгартирилган бўлиши мумкин. Шу билан бир қаторда янги маҳсулот одатда рақобатбардош ва тез сотиладиган сотишда кам харажатли ҳисобланади. Бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва умуман корхона фаолияти самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Янги маҳсулотларни ўзлаштириш коэффиценти - ушбу кўрсаткич корхонанинг энг сўнгги ёки технологик жиҳатдан ўзгартирилган маҳсулотларни тақдим этиш қобилиятини аниқлайди. Коэффицентнинг тавсия этилган қиймати 0,40 дан 0,50 гача бўлиши керак бўлиб, у корхонанинг стратегиясини танлашда муҳим ўрин эгаллайди: $K \geq 0,45$ дан 0,50

гача бўлиши ташкилотнинг етакчилик стратегияси ўз ифодасини топади, $K \leq 0,45$ дан $0,40$ гача бўлиши эса ўзлаштириш стратегияси фаолиятини олиб бораётганлигини исботлайди.

Инновацион ривожланиш даражаси. Инновацион ривожланиш коэффициенти - барқарор технологик ўсиш ва саноатнинг ривожланишини кўрсатади ва инновацион лойиҳаларни бошқариш соҳасида корxonанинг ривожланишини кўрсатади. Илмий тадқиқот ишлари ва илм-фан ютуқлари билан инсон ресурсларининг таъминланганлиги - тадқиқот ва ишланмалар бўйича фаолият юритадиган ходимларнинг коэффициенти аниқлашда хизмат қилади. Ушбу нисбат корхона ходимларининг таркибини аниқлайди, яъни яқин келажакда корхонада амалга оширилиши мумкин бўлган янги маҳсулотлар ва фойдаланиладиган технологияларни, ишлаб чиқариш ва муҳандислик дизайнини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этадиган ташкилот ходимларининг барча ишчиларга нисбатан улушини кўрсатади. Унинг аниқланиш соҳаси стратегияни танловига йўналтиради: $K \geq 0,20$ дан $0,25$ гача - компания етакчилик стратегиясини танлайди; $K 0,20$ дан $0,15$ гача - компания ўзлаштириш стратегиясини танлайди.

Юқоридаги омиллар бевосита инновацион салоҳиятни белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади. Бу йўналишда ўзбек иқтисодчи олимлари саноат корxonаларининг инновацион салоҳиятини ошириш ва баҳолашга асосланган тадқиқотни олиб борганлар. Саноат корxonаларида инновацион фаолиятни ва ишлаб чиқариш самарадорлигини юқори даражасига эришиши корxonанинг иқтисодий-молиявий мустаҳкам бўлиши ва инқироз шароитида барқарор фаолият юритишига имкон беради. Бу корхонада инновацион салоҳиятни аниқлашда оператив таҳлиллар қарорлар қабул қилиш ҳамда инновацион кластернинг инфратузилмасини шакллантиришда баҳоловчи меъзонлар сифатида хизмат қилади. Нефт-газ саноати корxonалари инновацион фаолияти иқтисодий самарадорлигини баҳолашни ўзига хос хусусиятларини (капитал, фонд ва меҳнат сиғими) инобатга олиб, корхона илмий салоҳияти, корxonани модернизация қилинганлик ва меҳнат унумдорлиги даражаси ҳамда маҳсулот рақобатбардошлигини ифодаловчи учта меъзонга ажратган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Хасанова Нигора Асқаровна, кат. ўқитувчи, ТАТУ
**САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВА УНИ
БОШҚАРИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

Рақамли иқтисодиёт - бу янги технологияларнинг самарали жорий этилиши натижасида ривожланадиган инновациялар иқтисодиётидир, бундай иқтисодиётда Интернетдан фойдаланувчилар сони экспонент равишда ўсиб бормоқда, ахборот ва компьютер технологиялари бизнинг ҳаётимизда йўқ қилинмоқда ва рақамли инқилоб рўй бермоқда. Дунёда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши 20- асрнинг охирида пайдо бўлди ва ҳозир биз унинг ривожланишининг фаол босқичидамиз. Нима ўзгармоқда? Янги технологиялар асри хизмат ва ахборот ихтиролари бозорида ўз қоидаларини тақозо этмоқда. ИТ соҳаси жуда тез ривожланмоқда ва Интернетнинг ривожланиши бизнинг ҳаётимизни тубдан ўзгартирди. Бугунги кунда Интернет, алоқа ва компютерисиз бирон бир ижтимоий муносабатлар ривожлана олмайди. Бу нарсалар ҳаётимизни содалаштиради ва мақсадларимизга эришишга ёрдам беради. 21-асрда вақтингизни тежаш, ҳаётингиз ва пулингизни таъминлаш жуда муҳимдир. Рақамли иқтисодиёт виртуал пулни жорий этади. Албатта, бу ҳақиқий иқтисодиётни йўқ қилмайди, лекин кераксиз ишларни йўқ қилади, вақтни камайтиради, самарадорликни оширади.

Ўзбекистон иқтисодиётни рақамлаштиришнинг дастлабки босқичида. Самарали ўтиш нафақат инфратузилма ва умуман давлатнинг тайёргарлигини, балки рақамли иқтисодиёт ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун ишончли замин яратишни талаб қилади.

Хукумат иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш, электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этиш, электрон тўловларни ривожлантириш ва электрон тижорат соҳасидаги меъёрий базани такомиллаштириш бўйича кенг кўламли чоратadbирларни амалга оширмақда. Саноат корхоналарининг ривожланиши ва уларнинг такомиллашиш жараёнини таҳлил қилар эканмиз саноат инқилобининг дастлабки босқичи яъни, сув ғилдираги ёки буғ двигателидан бугунги Индустрия-4.0 давригача бўлган асосий босқични таҳлил қилиб ўтамиз. Яъни, ғилдирак ва двигиталнинг вужудга келиши билан бошланган инновацион жараёнлар инсон онги англамас даражада ривожланиб бормақда. Буни саноат корхоналаридаги инновацион фаолиятнинг илгарилаб бораётган босқичларидан кўришимиз мумкин. "Рақамли" иқтисодиётни барпо этишга бозор муносабати шундан далолат берадики, давлат "рақамли" иқтисодиётнинг ишлаши учун мақбул шароитларни яратади ва шу билан бизнесни ушбу янги секторга ўтишни рағбатлантиради. Оптимал шароитлар тартибга солиш, иқтисодий, ижтимоий характердаги ва технологик базанинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган ўзаро боғлиқ чоралар мажмуини талаб қилади. «Рақамли» иқтисодиётнинг ижобий самараси кўламга боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу ёндашувни амалга ошириш учун етарли миқдордаги мустақил хўжалик юритувчи субъектларнинг - хусусий бизнеснинг мавжудлиги зарур шартдир.

Иккинчи саноат инқилоби 19-аср охири ва 20-аср бошларида, тахминан 1870 йилдан Биринчи Жаҳон уруши бошлангунга қадар содир бўлди. Инновацион технологияларнинг пайдо бўлиши билан ажралиб турадиган биринчи инқилобдан фарқли ўларок, иккинчиси кўпроқ мавжуд техника ва воситаларни такомиллаштириш, уларнинг ўзаро таъсирини яхшилаш билан боғлиқ эди. Масалан, электр энергияси фабрикаларда сув ва буғ ўрнини асосий кувват манбаи сифатида эгаллади. Иккинчи саноат инқилоби, шунингдек, конвеернинг, унинг эҳтиёт қисмларининг ва улар билан биргаликда оммавий ишлаб чиқаришнинг бошланишини белгилаб берди.

Учинчи саноат инқилоби, биринчи сингари, янги ишлаб чиқилган технологияларни жорий этишни талаб қилди. Бундай ҳолда, автоматлаштириш ва компютерлаштиришга алоҳида эътибор бериш талаб этилди. Ушбу кашфиётлар ишлаб чиқариш жараёнига глобал ўзгаришларни олиб келди, натижада, компютерлаштирилган ҳисоблаш ва бошқариш тизимлари орқали ишнинг аниқлиги ва тезлигини оширди.

Адабиётларда 3 та саноат инқилоби ҳақида кўплаб асарлар ёритилган. Аммо, бугунги кунга келиб тўртинчи инқилоб ҳақида кўп илмий ишлар ва тадқиқотлар ҳам учраяпти. Демак, тўртинчи саноат инқилоби бошқаларидан нимаси билан фарқли. Нима учун уни 4 инқилоб деб аташ мумкин. Агар сўнгги учта саноат инқилобига кенг ва эркин назар ташласангиз, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кузатасиз. Масалан, биринчи ва учинчи саноат инқилобининг тезлиги аввалги инновацион кашфиётлар билан боғлиқ эди. Биринчидан, бу буғдвигателининг ихтироси, кейин эса компютер ҳақида эди. Иккинчи инқилоб кучли алоқаларнинг пайдо бўлишига, мавжуд технологияларнинг умумий синергиясини кучайтиришга қаратилган эди. Шундай қилиб, тўртинчи саноат инқилоби компютерлаштиришнинг мантикий давоми, яъни автоматик ва машина жараёнларини оптималлаштириш деган фикр туғилади.

Рақамли бошқарув тизимлари тахминан 30-40 йил олдин ихтиро қилинган. Улар бир неча минг датчикни улашни тасаввур қилишди, шунинг учун бу "Индустрия 4.0" га биринчи қадам эди. Кейинчалик 2000-йилларнинг бошларида сифатли ва очик кодли дастурий таъминотни ишлаб чиқиш билан боғлиқ ўзгариш юз берди. Амалий дастурлар тўпламининг яратилиши инсониятга бошқарув тизимларида датчиклардан йиғилган маълумотлардан янада самарали фойдаланишни бошлашга имкон берди. Бу саноат сектори учун яна бир муҳим фойда тўлқини яратди.

Демак, Индустрия 4.0 нинг иқтисодиётга таъсири қандай, у иқтисодиёт учун салбий оқибатлар олиб келмайдими? Индустрия 4.0 шундан далолат берадики, постиндустриал хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши саноат секторининг қисқаришига олиб келмайди. Ахборот ва компьютер технологияларини ишлаб чиқариш циклига ва кундалик ҳаётимизга жорий этиш компаниялар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни қайта кўриб чиқишга, шунингдек, меҳнат унумдорлигини оширишга ва ижтимоий ҳаётни модернизация қилишга олиб келди.

Бунинг фонида жаҳон иқтисодиёти тобора кучайиб бормоқда, гарчи у баъзи ўзгаришларга дуч келмоқда. Айтганча, Жаҳон банки Индустрия 4.0 нинг жаҳон иқтисодиётига кўшган ҳиссасини 30 триллион долларга баҳоламоқда. Технологияларнинг бирлашиши туфайли барча иқтисодий жараёнларни рақамлаштириш амалга оширилмоқда: Интернет ва сунъий интеллект барча саноат ва операцияларга кириб боради. Эндиликда иқтисодий фаолият электрон шаклдаги катта ҳажмдаги маълумотларга ва ахборотни компьютер таҳлилига йўналтирилди. Ҳатто кўплаб иқтисодий қарорларни ҳисоблаш тезроқ ва осонлашмоқда. Хитой, Германия, Туркия, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа кўплаб мамлакатлар иқтисодиёти ҳозирги пайтда янги бизнес ва ишлаб чиқариш стандартларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Натижада миллий иқтисодиётнинг энергия самарадорлиги ва рақобатбардошлигининг ўсиши, шунингдек, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ўз ресурсларини оқилона бошқаришни ва ишлаб чиқаришни автоматлаштиришга сармоя киритишни яхши биладиган мамлакатлар биринчи ўринга чиқиб, бюджетларини яхшилаш учун кўпроқ имкониятларга эга бўладилар. Ривожланаётган ва ривожланмаган мамлакатларда кенг имкониятлар мавжуд бўлиб, улар турли соҳалар раҳбарлари учун технология туфайли қисқа вақт ичида муваффақиятга эришишлари мумкин, шу билан бирга ўзларининг давлат мустақиллигини сақлаб қоладилар.

Индустрия 4.0 ёки тўртинчи саноат инқилоби - бу шунчаки арзонлаштирилган нархларда юқори сифатли товарларни ишлаб чиқариш учун рақамли технологиялардан фойдаланиш. Гарчи электроника ва ахборот технологияларининг ривожланиши 70-йилларнинг бошидан бошлаб ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришга олиб келган бўлса-да, фақат рақамли технологияларнинг сўнгги ютуқлари бузилиш кўламини кенгайтирмоқда. Ҳозирги вақтда компаниялар харажатларни тежаш, самарадорликни ошириш, юқори рентабеллик, оммавий хусусийлаштириш ва энг муҳими, янги даромадлар ва бизнес моделлари бўйича катта фойда кўрмоқдалар.

Германия, Франция, Америка Қўшма Штатлари, Япония ва Хитой каби глобал ишлаб чиқариш гигантлари ишлаб чиқаришни саноат тармоқлари бўйича рақамлаштиришга қаратилган стратегик ташаббуслар орқали ҳукуматни қўллаб-қувватлашга ваъда беришди. Ҳозирги вақтда Индустрия 4.0 ва ақлли фабрикада кўплаб технологиялар мавжуд бўлса-да, ушбу ҳисобот учун биз бешта асосий технологияларга эътибор қаратдик: кўшимча ишлаб чиқариш, сунъий интеллект (АИ), робототехника, нарсалар интернетини (ИюТ), ва кенгайтирилган ва виртуал ҳақиқат (АР / ВР). Турли соҳалар бўйича ишлаб чиқаришни рақамлаштириш, аллақачон мавжуд бўлганлардан ташқари, хизматга асосланган даромад моделларининг пайдо бўлишига олиб келди.

*Тиллаева Барно Рамизитдиновна, кат. ўқитувчи,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИ ТАРКИБИЙ КИСМЛАРИ НАЗАРИЙ ТАСНИФИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш ва иқтисодиётни модернизация қилиш ҳамда чуқур таркибий ўзгартиришлар бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш борасида яқин

келажакка ва истиқболга қаратилган устувор вазифаларини инвестиция сиёсатини янада фаоллаштирмасдан, инвестиция салоҳиятининг барча манбалари ва захираларини жалб қилмасдан амалга ошириб бўлмайди. Глобаллашув жараёнлари ва Ўзбекистон иқтисодиётининг саноат соҳасидаги бозор ўзгаришларининг ҳозирги босқичи саноат корхоналарининг инвестицион салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришга юқори сифатли ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Ўзбекистон иқтисодиётининг прогрессив ривожланиши кўп жиҳатдан инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришга капитал қўйилмаларни кенгайтириш ва корхоналарнинг инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ. Миллий иқтисодиёт ривожланишининг замонавий тенденциялари шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда юз бераётган ижобий ўзгаришларга қарамай, инвестицияларни жалб қилиш ва инвестиция салоҳиятини ривожлантириш вазифаси саноат корхоналари учун ханузгача долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда устувор вазифалар қўйилган. Жаҳон иқтисодиётининг беқарорлиги туфайли юзага келган мураккаб шароитда макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш стратегик вазифа сифатида белгиланган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг 5 та устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг 3.2 бандида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш устувор вазифаси сифатида белгиланди⁴⁵46. Иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, аҳоли фаровонлигини оширишнинг устувор йўналишлари, инвестиция жараёнларини фаоллаштириш учун мос равишда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш учун янги манбалар ва имкониятларни талаб қилади.

Миллий иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ва унинг иқтисодий ўсишини таъминлаш самарали инвестиция сиёсатини амалга оширишни талаб қилади. Инвестицион сиёсатни ишлаб чиқиш миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий ҳолати, инвестиция манбаларининг ҳажми, инвестицион салоҳияти билан белгиланади.

Расмий статистика маълумотларга кўра, инвестицион салоҳият таркибидаги инновацион ва бошқа харажатлар ўртасида номутаносибликлар мавжуд. Номоддий активларга инвестициялар (патентлар, ихтиролар, ноу-хау) илмий-тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ишланмалари ва технологик ишларга сарфланадиган харажатлар номолиявий активларга киритилган барча инвестицияларнинг 1 фоизини ҳам ташкил этмайди. Тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган матрицали жадвалга мувофиқ, унда иқтисодий тизимнинг турли даражаларига нисбатан инвестицион салоҳиятнинг таркибий қисмлари ва уларни амал қилишининг асосий механизмлари акс эттирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, инвестиция салоҳиятининг ташқи ва ички қисмларга бўлиниши нисбий характерга эга. Ташкилотлар ва корхоналар учун узоқ муддатли банк кредитлари, бюджет маблағлари ва аҳоли жамғармаларини жалб қилиш имкониятлари корхоналар ва ташкилот учун ташқи манбаларни ташкил этади, аммо мамлакат ёки минтақа учун ички ҳисобланади.

Миллий иқтисодиёт даражасида ҳалқаро молиявий бозорлар, инвестиция товарлари бозорлари, интеллектуал ва илмий-техник маҳсулотлар бозорлари, халқаро меҳнат

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида"ги қарори. www.lex.uz.

бозорларидаги фаолият ҳисобига инвестицион салоҳият молиявий ва моддий жиҳатдан ҳам, инновацион ва инсоний таркиби жиҳатидан ҳам кенгайиб бормоқда. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида, Ўзбекистоннинг БСТга киришга интилиши, халқаро таркибий қисмлар ўзгариши ҳисобига инвестиция салоҳиятининг кенгайиши янги имкониятларга эга бўлиб, уни шакллантириш механизмида муҳим вазифага айланади.

Амалий ва назарий жиҳатдан инвестицион салоҳиятни ошириш билан бир қаторда ундан тўлиқ фойдаланиш ва реал инвестицияларга айлантирилиши ҳам муҳимдир. Буни миллий иқтисодиёт даражасида ялпи инвестицияларнинг ялпи жамғармаларга нисбати билан акс эттириши мумкин. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, 2008-2018 йилларда Ўзбекистоннинг инвестицион салоҳиятидан ўртача 60-70% фойдаланилган.

Корхоналар ва тармоқлар даражасида, бизнинг фикримизча, инвестициялар ҳажмини амортизация фонди ва соф фойда манбалари билан таққослаш орқали, молиявий қисмида ички инвестиция салоҳиятидан фойдаланишни баҳолаш мумкин. Кўплаб тармоқ ва корхоналар учун салоҳият ташқи салоҳият бўлганлиги сабабли ушбу соҳага ёки маълум бир корхонага ҳақиқий жалб қилиниши мумкин бўлган маблағ миқдоридан келиб чиқиб баҳоланиши керак баҳоланиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики инвестицияларни таъминлайдиган жараёнлар, муносабатлар, омилларнинг тегишли илмий категориялар ва тушунчаларни хилма-хиллиги талаб қилади. Улар ўзларининг моҳияти ва мазмунига кўра тўлдирилиши ва тизимда ҳисобга олиниши керак. Инвестицион салоҳият, кўп ўлчовли тизимли сифатида шаклланадиган инвестиция жараёнининг ресурс имкониятларини тавсифлайди. Ички ва ташқи салоҳиятдан фойдаланиш аниқ объектларнинг инвестицион жозибадорлиги, мамлакат, минтақа, тармоқлардаги инвестицион муҳитни яхшиланиши, такомиллаштирилишини тақозо этади.

*Якубова Махтума Асатуллаевна, ст.преподаватель,
ТашГТУ имени Ислама Каримова*

УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ ЭНЕРГЕТИКИ: СУЩНОСТЬ И МЕТОДИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ОЦЕНКЕ

Термин «устойчивое развитие» (sustainabledevelopment) получил широкое распространение в 1987 г. после того, как Международная комиссия по окружающей среде и развитию ООН опубликовала доклад «Наше общее будущее». В данном докладе устойчивое развитие определяется следующим образом: «Человечество способно придать развитию устойчивый и долговременный характер с тем, чтобы оно отвечало потребностям ныне живущих людей, не лишая будущие поколения возможности удовлетворять свои потребности... Устойчивое и долговременное развитие представляет собой не неизменное состояние гармонии, а скорее процесс изменений, в котором масштабы эксплуатации ресурсов, направления капиталовложений, ориентация технического развития и инвестиционные изменения согласуются с нынешними и будущими потребностями».

В понимании устойчивого развития выделяют 3 важнейших аспекта. Экономический: экономическая устойчивость требует, чтобы различные виды капитала, обеспечивающие экономическое производство, сохранялись или увеличивались. Они включают производственный, естественный, человеческий и социальный капитал. Экологический: сохранение экосистем и природных ресурсов необходимо для устойчивого экономического производства и межпоколенного равенства. С экологической точки зрения, и народонаселение, и общий спрос на ресурсы должны быть ограничены по своим масштабам, а целостность экосистем и разнообразие видов необходимо сохранять. Социальный: социальное равенство, удовлетворение базовых потребностей в здоровье и

образовании, представительная демократия являются ключевыми элементами развития. При этом они взаимосвязаны с экологической устойчивостью.

Понятие устойчивого развития энергетики. Первоочередную задачу устойчивого развития часто определяют как обеспечение источниками энергии, особенно электроэнергии, пятой части населения мира, не имеющей доступа к ним. В итоговом документе «Будущее, которого мы хотим» Конференции Организации Объединенных Наций по устойчивому развитию (известной также как Рио+20), состоявшейся в 2012 году, энергетике отводится центральная роль: «Мы признаем чрезвычайно важную роль, которую энергетика играет в процессе развития, поскольку доступ к современным устойчивым услугам в сфере энергетики способствует искоренению нищеты, спасению жизни людей и улучшению состояния их здоровья, а также помогает обеспечивать удовлетворение насущных потребностей людей».

Мировой Энергетический Совет для реализации проектов устойчивой энергетики разработал концепцию «энергетической трилеммы», которая стала ответом на современную тройную энергетическую задачу, заключающуюся в поддержке безопасной, доступной и экологически чистой энергии. «Энергетическая трилемма» включает: энергетическую безопасность — эффективную организацию поставки первичной энергии из национальных и зарубежных источников, надежность энергетической инфраструктуры и способность поставщиков энергии удовлетворить текущий и будущий спрос; энергетическое равенство — наличие и доступность энергии для населения; экологическую устойчивость — определяет эффективность предложения и спроса энергии, а также развитие предложения энергии из возобновляемых источников и других малоуглеродистых источников.

На наш взгляд, при анализе устойчивого развития энергетики целесообразно применить подход Шаламовой О.В., которая считает, что «проведение анализа устойчивости необходимо не только на уровне самого предприятия, но и в системе отраслевого и регионального развития»⁴⁷. Таким образом, следует выделить: устойчивое развитие энергетики государства; устойчивое развитие отраслей энергетики; устойчивое развитие предприятий энергетики. Устойчивое развитие энергетики государства. Устойчивость энергетики на уровне государства зависит как от устойчивого развития отраслей энергетики, так и от устойчивости отдельных предприятий энергетики.

В научной литературе отсутствует определение понятия «устойчивое развитие энергетики государства». В наиболее широком контексте, и, следовательно, подходящем для понимания высшего уровня устойчивого развития энергетики, то есть энергетики на уровне государства, устойчивость энергетики рассматривает Дэвид Л. Грин. Данный автор определяет устойчивость энергетики в качестве гаранта того, чтобы у будущих поколений были энергетические ресурсы, которые позволят им достигнуть уровня благосостояния, по крайней мере, такого же, как у нынешнего поколения⁴⁸. Следует отметить, что данное определение устойчивости энергетики является схожим с официальным определением устойчивого развития, в котором присутствует акцент на учет будущих потребностей человечества.

Определенное представление о значении «устойчивого развития энергетики государства» можно получить из работы Шевченко Н.А. «Научно-инновационный потенциал современного энергетического сектора мировой экономики», в которой он связывает данное понятие с задачами обеспечения доступа к источникам энергии и современным технологиям ее производства, устранения неравенства в этой области, охраны окружающей среды, мобилизации финансовых ресурсов и наращивания

⁴⁷ Шаламова О.В. «Формирование системы управления устойчивым развитием промышленности» автореферат

⁴⁸ Greene D.L. "Measure energy sustainability" N 2009-pp354-373

институционального и кадрового потенциала развивающихся стран 49. Следует отметить, что в данном определении ключевыми являются социальные и экологические аспекты устойчивого развития. Необходимо отметить, что центральным в этом понимании устойчивого развития энергетики государства является обеспечение энергетической безопасности страны.

На основе обобщения материалов аналитических отчетов, научных статей, мнений специалистов автор предлагает следующее определение устойчивого развития энергетики региона: устойчивое развитие энергетики региона – процесс развития способной к саморегулированию системы с целью достижения региональной энергетической безопасности при рациональном использовании энергоресурсов, обеспечении социального равенства в области доступа к энергоуслугам и сохранении окружающей среды в условиях неопределенности.

Что касается устойчивого развития отраслей энергетики, то оно, с одной стороны, зависит от состояния предприятий энергетики, с другой стороны, определяет развитие на уровне государства. Для анализа устойчивого развития отраслей энергетики целесообразно рассмотреть топливно-энергетический комплекс и входящие в него секторы: нефтяную, угольную, газовую промышленность, электроэнергетику. Существуют исследования, анализирующие устойчивое развитие как топливно-энергетического комплекса в целом, так и посвященные отдельным его секторам. Мозговая Е.С. исследовала механизм устойчивого развития топливно-энергетического комплекса (ТЭК). В своей работе она дает следующее определение устойчивому развитию ТЭК: устойчивое развитие ТЭК — это процесс постоянного поиска и реализации решений по достижению нового равновесного состояния между изменившимися условиями внешней среды и возможностями хозяйствующих субъектов топливно-энергетического комплекса реализовывать свою народнохозяйственную миссию в новых условиях [10]. Таким образом, в данном определении акцент присутствует на достижение равновесного состояния в изменившихся условиях внешней среды для реализации своей миссии хозяйствующих субъектов ТЭК.

Карпович А.И. в исследовании моделирования экономической устойчивости систем энергетики определяет данную устойчивость как способность (свойство) системы в неопределённых условиях функционирования / развития обеспечивать реализацию своих целевых установок.⁵⁰ Следует отметить, что определение данного автора схоже с определением Мозговой Е.С., так как в нем также акцентируется внимание на изменение условий функционирования и на реализацию целей. При этом, Карпович А.И. не ограничивает изменившиеся условия функционирования только внешними, как Мозговая Е.С. Также необходимо отметить, что если Мозговая Е.С. определяла устойчивое развитие отраслей энергетики в целом, то Карпович А.И. выделяет определенный вид устойчивости — экономическую устойчивость.

Возможны два пути получения выгоды от привлечения ПИИ, зависящие от наличия в принимающей стране национальной инновационной системы. В ее отсутствие страны вынуждены избирать первый путь, при котором более конкурентная продукция, производимая филиалом, либо продается на местном рынке, либо экспортируется из страны на новые рынки; при этом принимающая ПИИ страна получает налоговые и другие поступления в бюджет от деятельности иностранного филиала, новые рабочие места, повышение уровня знаний и квалификации местных работников – сотрудников филиала. В таких условиях привлечение высокотехнологичных и наукоемких ПИИ – это основная форма привлечения конкурентных инновационных ресурсов в отрасль. Ее недостаток, как следует из проведенного анализа, состоит в тенденции подавлять существующие отраслевые НИОКР в принимающей стране. Второй путь применим к странам, в которых создана и функционирует национальная инновационная система; в этом случае, кроме перечисленных выше преимуществ, конкурентные технические и технологические инновационные ресурсы иностранной компании, передаваемые в рамках ПИИ, воспринимаются национальной инновационной системой, трансформируются ею и используются в дальнейшем в национальной экономике, что позволяет повысить конкурентоспособность собственной продукции национальных компаний и отрасли в целом.

Глобализация автомобильной отрасли стала возможной благодаря консолидации активов ТНК через формирование стратегических альянсов, позволяющих: получить

доступ на новые региональные рынки; позиционироваться в нетрадиционных ценовых и модельных сегментах; снизить базовые издержки путем устранения дублирования активов и персонала; увеличить и оптимизировать издержки на НИОКР за счет синергического эффекта при объединении усилий в данной сфере; создать механизмы, позволяющие сдерживать наступление партнеров на стратегические рынки; оптимизировать структуры производственных мощностей, а также сети смежников и поставщиков.

Учитывая опыт развитых стран, многие развивающиеся страны использовали автопром в качестве акселератора процесса индустриализации, повышения конкурентоспособности национальной экономики в целом. Однако отсутствие необходимых мощностей, технологий, сетей сбыта, управленческого опыта и др. факторов для самостоятельного развития отрасли выявило необходимость сотрудничества с зарубежными компаниями, которое осуществлялось в форме участия в акционерном капитале, заключения договоров о техническом сотрудничестве и управленческих контрактов.

В развитии национального автомобилестроения через привлечение ПИИ четко прослеживаются две стратегии: 1) опора в первую очередь на собственные силы при всемерном поощрении привлечения иностранного капитала и передовых технологий; и 2) принятие в качестве приоритета технологическое и инвестиционное сотрудничество с иностранными производителями. Так, основными характеристиками наиболее эффективного подхода к развитию государством национального автомобилестроения являются: развитие автомобилестроения при почти полном отсутствии собственных мощностей через инвестиционное сотрудничество с крупнейшими иностранными концернами; ориентация на технологическую независимость в производстве комплектующих и собственных моделей, крупные инвестиции в НИОКР; жесткий протекционизм, импортозамещение и требование по локализации автопроизводства как основная стратегия привлечения ПИИ; политика патернализма, активное госвмешательство в процесс развития отрасли через административные, финансовые и иные меры;

Решение задачи повышения конкурентоспособности отечественного автомобильного производства обуславливает развитие кооперационных связей с зарубежными автопроизводителями. Инструментом последовательной реализации стратегии эффективного включения автопрома в мировую автоиндустрию, перестройки управления этой отраслью и активизации экспорта могут служить прямые иностранные инвестиции. Автопром нуждается в ПИИ не только и не столько как в источнике денежных средств, сколько как в факторе трансформации методов производства и управления, привлечения передовых технологий производства и сокращения технологического отставания автомобильной промышленности при минимальных инвестиционных затратах. Обновление модельного ряда производимой продукции будет достигнуто за счет реализации проекта по производству новых видов бюджетных легковых автомобилей на Асакинском автомобильном заводе в Андижанской области.

Развитию конкурентной среды будет способствовать поэтапная реализация частным инвесторам, преимущественно иностранным, доли государственной компании АО «Узавтосаноат» в уставных фондах предприятий-производителей комплектующих, а также углубления государственно-частного партнерства. В целях расширения числа участников внутреннего рынка производителей автомобильной продукции прорабатывается с Китайской компанией Sinotruck производство до 3 тыс. ед. в год грузовых автомобилей в Самаркандской области. Экспортная стратегия автомобильной промышленности Узбекистана до 2025 года предусматривает постепенное расширение географического охвата экспорта, увеличение экспорта не только в страны СНГ и

ближнего зарубежья, но и освоение новых рынков дальнего зарубежья - Восточной Европы, Южной Азии и Ближнего Востока, африканских стран.

Абдиева Дилнавоз Акрамовна, докторант, ТТЭСИ

ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШДАГИ РОЛИ

Экспортга йўналтирилган сиёсатнинг мақсади иқтисодий индустриалаштириш ҳисобланади. Аммо унга ташқи савдо чекланишлари ва импорт дискриминацияси ёрдамида маҳаллий ишлаб чиқариш орқали импорт ўрнини босиш орқали эмас, балки иқтисодийнинг очиклиги, ташқи савдонинг эркинлаштирилиши ва мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтириш орқали эришилади. Шуни таъкидлаш жоизки, “маҳаллий иқтисодийнинг очиклиги” ёки “ташқи савдо эркинлиги” тушунчалари, биринчи навбатда, мамлакатнинг халқаро савдога жалб этилганлик даражаси билан эмас, балки ташқи амалиётларни олиб боришда савдо тўсиқларининг мавжудлиги (йўқлиги) билан тушунтирилади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакат экспорт ҳажмининг ЯИМ ҳажмига нисбати ташқи савдо фаолияти эркинлик даражасига эмас, балки мамлакат йириклиги ва табиий ресурслар билан таъминланганлик даражасига боғлиқдир. Тармоқ корхоналарининг экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тамойилларидан фойдаланиш маҳсадга мувофиқдир, чунки у ёрдамида ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлари ўрганилган ҳолда фаолияти ташкил этилади.

Бизнес учун маҳаллий иқтисодий байналминаллашуви, жаҳон бозори глобаллашуви ва янги пайдо бўлаётган бозорлар сонининг ўсишидан қочиш имкониятлари кундан-кун қисқариб бормоқда. Зероки, жаҳон бозорида рақобат кучаймоқда, фақат ички бозорда фаолият юритадиган компаниялар сони қисқариб бормоқда. Халқаро маркетинг талаблари глобал бозорда рақобатга бардошликни таъминлайдиган стратегик режалар тузишга иштиёқ уйғотади. Халқаро маркетингга қизиқиш жаҳон бозорида талабнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда жаҳон иқтисодий тизимидаги улкан ўзгаришлар билан изоҳланади. Ҳозирги шароитда компаниялар ҳаттоки ўзларининг маҳаллий ҳудудларида ҳам хорижлик истеъмолчилар, рақобатчилар ва мол етказиб берувчиларнинг ҳар томонлама таъсири доирасида бўлиб қолмоқда. Улар маҳаллий ва хорижлик фирмалар томонидан кўрсатиладиган рақобатга дучор бўлишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида экспортга нисбатан глобаллашувнинг афзалликларидан унумли фойдаланиш сиёсатини юритиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида ишлаб чиқарувчиларнинг экспортга йўналтирилган сиёсатини кенг миқёсда олиб боришини талаб этадики, уни рағбатлантириш тизимини такомиллаштирмай кўзлаган мақсадга эришиб бўлмайди. Бу борада халқаро маркетинг тамойилларидан самарали фойдаланиш зарур бўлади. «Халқаро маркетинг» атамаси республикамиз иқтисодий лексикасига кириб келган бўлсада, аммо унинг умум қабул қилинган таърифи мавжуд эмас.

Бу ҳолатни ҳар хил ташқи омиллар мавжуд бўлган халқаро маркетингнинг ўзига хос янгилик томонлари билан тушунтириш мумкин бўлади. Ички савдода, масалан бартер битишувларида ҳар қандай маркетинг муаммолари пайдо бўлмаса, аммо бу каби масалалар ташқи савдода чуқур таҳлил қилишни талаб этади. Халқаро маркетингнинг мураккаб масалаларига лицензиялаш, консалтинг ёки корхоналар ташкил этиш ёки хориж бозорларида экспорт товарларини сотишда халқаро воситачилар хизматидан фойдаланиш кабиларни киритиш мумкин.

«Халқаро маркетинг» атамаси хориж мамлакатлари доирасида ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятини олиб борувчи халқаро фирмалар фаолиятига тааллуқлидир⁵⁵.

⁵⁵ Моргунов В.И. Международный маркетинг: Учеб. пособие для вузов. – М.: Изд-во торг. Кооперация «Дашков и К°», 2005. – 150 с.

Бирлашган миллатлар ташкилоти экспертлари икки ёки ундан ортиқ мамлакатларга маҳсулотларини ва хизматларини сотиш билан шуғулланадиган фирмаларни халқаро компаниялар таркибига киритадилар. Шу билан биргаликда қуйидаги бошқа қарашлар ҳам мавжуд: халқаро компания маҳаллий ишлаб чиқарувчидан шу жиҳати билан фарқ қиладики, унинг ярим тайёр маҳсулот ёки тайёр ҳолдаги товарлари фақат мамлакат худудида эмас, балки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ҳаракатлантирилади.

АҚШлик тадқиқотчилар В.Терпетра, Т.Альбаум ва Г.Маракл халқаро маркетингни “миллий чегаралардан ташқаридаги маркетинг фаолияти” сифатида таърифлайдилар⁵⁶. Ушбу таърифда асосий эътибор маркетинг вазифаси ёки техникасига қаратилмай, унга хорижий мамлакат бозоридаги маркетинг фаолияти сифатида қаралади, холос. Эванс ва Берман томонидан халқаро маркетингга берилган қуйидаги таъриф ҳам унинг замонавийлигининг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди: «Ички маркетинг ўз мамлакати худудидаги фаолиятни қамраб олса, халқаро маркетинг эса, хориждаги ҳар хил фаолиятларни қамраб олади»⁵⁷. Бизнинг фикримизча, тўрли ва коммуникация назарияларига яқин бўлган америкалик олим С. Паливод томонидан халқаро маркетингга берилган қуйидаги таъриф тўлиқроқ ҳисобланади: «Халқаро маркетинг – бу пировард истеъмолчигача сотиб олиш ва сотиш жараёнига жалб этилган фирмалар ўртасидаги ўзаро алоқалар мажмуасидир», бинобарин халқаро бизнес-коммуникация соҳасида ҳам. Шунингдек, В.И. Черенков томонидан билдирилган қуйидаги таъриф ҳам бир қизиқиш уйғотади, у доирасида халқаро маркетинг – бу «халқаро бизнес фалсафаси ва ушбу бизнеснинг бир вақтдаги тижорат ҳамда нотижорат интеллектуал технологиясидир»⁵⁸.

Республикамиз олимларидан М.Болтабаев “халқаро маркетинг – бу жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, халқаро меҳнат тақсимотнинг чуқурлашуви, рақобатнинг кескинлашуви ҳамда ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви шароитида корхона учун мақсадли бозорни эгаллаш бўлиб, унинг асосий мезонида хорижий истеъмолчилар манфаатларини тўла қондириш учун корxonанинг ички ишлаб чиқариш имкониятларини мақсадли бозор талабига мослаштириш асосида юксак даромадлар меъёрига эришиш тушунилади”⁵⁹.

Бугунги кунда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси “Юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш” бўлими таркибида 1300 тага яқин корхоналар фаолият юритиб, бу корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳри, Наманган вилояти, Тошкент вилояти, Фарғона вилояти ва Самарқанд вилоятларида жойлашган ва бу корхоналар фаолиятида таркибий ўзгаришлар олиб борилмоқда. Олиб борилган таркибий ўзгаришлар натижасида 2019 йилда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар қарийб 58,3 % ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 64,9 % га кўтарилиши, ярим тайёр маҳсулот улуши 42,0 % дан 31,9 % га тушиши ва бошқа маҳсулотлар 2,7% дан 3,2 % га кўтарилиши башорат қилинмоқда.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида хомашё, материаллар, айниқса, тайёр маҳсулотлар бўйича рақобат йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Кўплаб ривожланган ва етакчи мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизациялаш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш талаб этилмоқда.

⁵⁶ Albaum G., Stranskov J., and Dowd I. International Marketing and Export Management. – 2nd/ End. – Addison-Wesley Publishing, Cj., 1998, pp. 24-28.

⁵⁷ Эванс Дж. М., Берман Б. Маркетинг. – М.: Экономика, 1993. – с.150.

⁵⁸ Черенков В.И. Международный маркетинг: Учеб. Пособие. – СПб.: Знание, 2012.

⁵⁹ Болтабаев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: ФАН, 2004. – 223 б.

Сўнгги йилларда олиб борилган таркибий ўзгаришлар натижасида ипакчилик тармоғи енгил саноат таркибидан чиқарилиб, алоҳида уюшма шаклида фаолият юритмоқда. Ушбу корхоналар ташқи бозорга калавадан тортиб, кенг ассортиментдаги тайёр маҳсулотларни етказиб бермоқда. Бунда замонавий дизайн ва юқори сифатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигига эришилаётгани кўл келмоқда. Айти пайтда, мазкур уюшма корхоналари ўз маҳсулотларини Россия, Туркия, Канада, Жанубий Корея, Сингапур, Эрон, Израил, МДХ мамлакатлари, Хитой, АҚШ ва қатор араб давлатларига экспорт қилиб келмоқда ва уюшма таркибидаги корхоналарнинг экспорт салоҳияти йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Тармоқ ташқи иқтисодий фаолиятини янада ривожлантириш орқали экспорт салоҳиятини ошириш учун мавжуд қонунчилик орқали бошқаришни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги ўзаро боғлиқ ишлар амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади: ташқи иқтисодий фаолиятни тарифлар орқали ҳамда тарифларсиз бошқаришнинг ягона комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва қонуний тартибда ўрнатиш зарур; жорий этилган кўп сонли қонунлар ва қонун остидаги актлар ташқи иқтисодий фаолият субъектлари фаолиятини мураккаблаштиргани сабабли, валюта ҳисобларини бошқариш мақсадида ягона меъёрий акт тайёрлаш зарур; Ўзбекистон бозорини ва маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни ташқи иқтисодий фаолиятда либераллаштириш ва протекционистик сиёсатни ўзаро оқилона қўшиб олиб бориш тамойиллари орқали химоя қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш; Ўзбекистоннинг бошқа давлатларга тўлиқ боғлиқлигини йўқотиш мақсадида ташқи иқтисодий алоқаларни диверсификациялаш сиёсатини амалга ошириш керак; ташқи иқтисодий алоқалар бўйича амалдаги қонунчиликни, биринчи навбатда хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида муқобиллаштириш зарур. Бунда шу нарсани эътиборга олиш керакки, хорижий инвестор, ҳақиқатда маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар яхши химояланган давлатлардагидан кўра ўзини яхшироқ ҳис этсин. Ўзбекистонга хорижий капиталнинг кириб келишини, амалда шундай инвестицияларни химоя қилиш қафолатини ўрнатишни рағбатлантириш керак;- муайян давр мобайнида маҳсулот етиштириш самарадорлигининг ўша маҳсулотнинг нарх даражасига боғлиқлигидан келиб чиқиб маркетинг бўйича нарх сиёсатини белгилаш;- минтақавий тўқимачилик маҳсулотлари бозори ривожланиши бўйича таҳлиллар ўтказишда қўлланиладиган ёндашувлар ишлаб чиқиш. Бу нафақат тўқимачилик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш бўйича чуқур тадқиқотлар олиб боришни, балки талаб ҳажми ва таклиф ҳажми (алоҳида элементлар бўйича) ҳамда бозор конъюнктураси коэффициенти каби бозорни ўрганишда фойдаланиладиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда бозорни ҳам чуқур ўрганишни назарда тутади.

*Хужаев Илхомжон Аманович, мустақил тадқиқотчи,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ УСЛУБИЯТИ

Ишлаб чиқариш субъектлари ҳисобланган турли акционер компаниялари корпоратив корхоналар, заводлар, хусусий корхоналар, хусусий тадбиркорлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва олиб боришда мустақил фаолиятга эга бўлиб, ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни ташкил этишдан мақсад фойда олишдан иборат бўлади. Ишлаб чиқариш субъектларини фойда олишлари ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар билан боғлиқ. Иқтисодчилар томонидан дастлаб XIX асрда “ҳаражат”ни пул ва моддий ресурслар тарикасида ўрганилган. Моддий бойликлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни ифода этади. Лекин кўпинча иқтисодиётда кўпроқ “сарфлаш” ва “ҳаражат” категорияларидан фойдаланилади. Аммо бу

икки ”сарфлаш” ва “ҳаражат” категорияларини бир маънони билдирмайди. Гарчан уларнинг маъноларини биз бир хил тушунсак ҳам “сарфлаш” бу маълум бир ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ажратилган пул маблағларининг умумий қийматини ифодалайди. “ҳаражат” эса ана шу белгиланган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун ажратилган пул маблағидан яъни инвестиция маблағларидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун қилинган маълум ҳажмдаги ишлаб чиқариш ресурсларини, хом ашёларни сотиб олиш асосида маълум маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий ҳаражатларни ифода этади. Моддий ҳаражатларни ҳарид қилиб олиш ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун зарур бўлган моддий ҳаражатларни ифода этади.

Тайёрланган моддий ҳаражатлардан зарур бўлган аҳолининг ижтимоий жамиятнинг талабларини қондириш учун инсонни меҳнатсиз яратиб бўлмайди. Демак “ҳаражат” икки қисмга яъни “моддий ҳаражат”ларга ва “меҳнат ресурслари ҳаражат”ларига бўлинади. Улар ўртасидаги нисбат даражаси ҳарид қилинаётган хом ашё ва ишлаб чиқариш воситалари, техника ва технологияларнинг унумдорлик даражаларига боғлиқ. Ҳаражатлар ишлаб чиқариш жараёнида маълум бир истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши натижасида бу “ҳаражат”лар ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархини ифодалайди. Ишлаб чиқариш жараёнида қилинган умумий ҳаражатлар корхона томонидан ҳисобланиб борилади ва бу ҳаражатлар ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий қийматини яъни умумий ҳаражат қийматини ифодалайди. Ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган “сарфлаш” иқтисодий категория ўзининг маъноси бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган натурал ҳолатда умумий ва алоҳида сарф қилинган буюмлар миқдорини ифодалайди. Масалан корхона ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун зарур бўлган тоза сувни олиб келиш учун 1000 метр труба ётқазилган ва хаказо. Ҳаражат эса ана шу зарур бўлган сувни олиб келиш учун зарур бўлган 1000 метр трубани сотиб олиш учун кетган маблағни ифодалайди. Корхоналар ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган “ҳаражат”лар тушунчаси ўзининг тарихий ривожланиш босқичларига эга бўлиб бу босқичларни XIX аср бошларида шаклланган сифий сиёсий иқтисод давридан бошлаб XX аср бошларида А.Маршал асос солган Кембридж мактаби даврини ўз ичига олади.

Жамиятни истеъмол талабини қондириш зарур бўлган миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ишлаб чиқаришнинг йўналишларига қараб тегишли моддий ресурсларга бўлган ишлаб чиқариши учун меҳнат воситалари ва меҳнат таъсирига монанд хомашёлар асосида инсон ўз меҳнати орқали зарур бўлган моддий ва маънавий маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари назариясига асосан товарнинг қиймати ишлаб чиқариш учун сарф этилган ҳаражатга боғлиқ. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари иш ҳақи, капитал ва ер ҳаражатларидан ташкил топади. Бу ҳаражатларнинг ҳар бири ўзига тенг бўлган иш ҳақи фонди ва ер рентаси билан ифодаланиб, бу даромад ёлланма меҳнат, иш берувчи тадбиркор ва ер эгаси даромадини ифодалайди.

Иқтисодий назария иқтисодий ва ижтимоий ҳолат ва омиллар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг таъсирида ўзгариб ҳамда шаклланиб боради. Бу омиллар ўзаро боғлиқ бўлиб, улар ўртасидаги ҳаракатлар ўзгариб турувчан бўлади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ҳаражати унинг шаклланиш шартлари ва ривожланиш даражалари бозор тизими ривожланишининг асосини ташкил этади. Фирмаларнинг ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ишлаб чиқариш ҳаражатлари билан таъминланиш даражасига қараб унинг ривожланишини самарали ёки самарасиз бўлишини аниқлаш мумкин. Ишлаб чиқариш учун фирмаларни ишлаб чиқариш йўналишларига қараб ишлаб чиқариш учун моддий ишлаб чиқариш омилларини аниқлаб олиш ва уларни бозор иқтисодиёти талаблари асосида ташкил этиш мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бозор шароитида тадбиркорлик фаолиятига асосланган ишлаб чиқариш жараёнида товарлар ҳаракатини икки йўналишда, яъни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ҳаражатлардан ва бу ҳаражатлар асосида ишлаб чиқарилган янги қийматга эга бўлган товарларда унинг иқтисодий натижаларини кўриш мумкин. Аммо иқтисодиётда моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёнини самарали ташкил этиш ва ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда олиб бориш учун зарур миқдорда фойда олишни таъминлаш меҳнат ва моддий ишлаб чиқариш ҳаражатларидан тежамли ва самарали фойдаланишга боғлиқ. Аммо иқтисодчи олимлар томонидан ишлаб чиқариш ҳаражатларини иқтисодий категория эканлиги ва унинг моҳияти бўйича ягона умумлашган фикр йўқлигини кўрсатмоқда.

Иқтисодчи А.Маршал маржанализм назариясини умумлаштирган ҳолда носинфий сиёсий иқтисод фанига асосланган ва ишлаб чиқариш ҳаражатлари назариясини яратган. Бу назария асосан эластик талаб концепциясини асосан уч омил асосида чегаравий фойдалилик, бозор нархига ва пул даромадига асосланиб товар ва хизматларни фойдалилик чегараси бозор максимал нархига боғлиқ деб ҳисоблайди. Ижтимоий тизим асосан уч синф, яъни капиталистлар, ёлланма ишчилар ва ер эгаларидан иборат бўлиб, у жамиятда ер эгаларига, уй хизматчиларига, ижтимоий соҳа ишчиларига, хатто давлат бошқарувига танқидий равишда қараган ва иқтисодий ривожланишининг асосий двигатели бўлиб, хусусий мулкчилик ва ишлаб чиқаришда қатнашаётганлар манфаатдорлиги деб ҳисоблаган. А.Смит назариясига асосан ишлаб чиқариш ҳаражатларини таҳлил қилишда ишлаб чиқариш воситалари яъни предметлар ва меҳнат воситалари таҳлили назардан четда қолдирилган. Шундай қилиб, дастлабки ишлаб чиқариш ҳаражатларини ўрганишда фойда ишлаб чиқариш ҳаражатларини ажралмас қисми сифатида бошқа ҳаражат билан бирга қаралган. Шу билан бирга, фойда “меҳнат машина”сини маҳсулоти деб Дж.Милль томонидан қаралган бўлса Дж. Мак-Куллох томонидан у жамғарилган меҳнат ҳаражати тариқасида кўрган. Ишлаб чиқариш ҳаражатига бундай қараш К.Маркснинг меҳнат қиймати назариясига асосланган ҳолда ижтимоий ишлаб чиқариш ҳаражатларини доимий капитал ҳаражати қийматига қўшиш тушунчасига мос келади.

Бизга маълумки, маҳсулотлар таннархи умумиқтисодий категория бўлиб, товар-пул муносабатларини ривожланишини товарларнинг қиймати ва баҳо сифатида тавсифланади. Товар ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш ҳаражатлари қиймат шаклида товар қийматини ифода этади ва уни истеъмол бозорида сотилиши натижасида ишлаб чиқариш жараёнида ишлатилган ишлаб чиқариш воситалари, зарурий ва қўшимча маҳсулот қийматларига бўлинади. Демак, ишлаб чиқариш жараёнида сарф қилинган ишлаб чиқариш ҳаражатлари товарнинг қийматини ифода этади. Марксистик назарияда ишлаб чиқариш ҳаражатларини ўрганишда асосий қўйилган мақсад ёлланма меҳнатни эксплуатация қилишни қиймат ва ҳаражат тариқасида асослашдан иборат. Уларнинг фикрича, ишлаб чиқариш ҳаражати назариясини ижтимоий-иқтисодий белгилари жамиятда меҳнат ҳаражатларини ифода этади. Корхона даражасида эса ишлаб чиқариш ҳаражатларини ифода этади деб ҳисоблайдилар. Уларнинг ўртасидаги фарқ капиталистлар ўзлаштирадиган қўшимча қийматни ифода этади деб ҳисоблайдилар. К.Маркс капиталистик жамиятда ишчи кучи товар сифатида бўлиб, унинг сифатига қараб ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш учун унга зарур бўлган иш ҳақини белгилаши билан мулкдор уни эгаси бўлади. Ишчи эса ўзининг қийматиغا нисбатан кўп қиймат яратиш натижасида мулкдор қўшимча маҳсулотни ташкил этувчи қўшимча қийматни ўзлаштиради. Натижада капитални таркибий тузилишида ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришга ажратилган маблағларни ўсиши натижасида ишчи кучини жалб этиш ҳаражатлари камайишига олиб келади. К.Маркс ишлаб чиқариш ҳаражатлари асосида ёлланма меҳнатни эксплуатация қилишни унинг қиймати ва ишлаб чиқариш ҳаражати

асоси билан боғлайди. Маржаналистлар вакили Менгер ҳаражатни бир психологик ҳолат, у маълум чегаравий фойдага асосланган деб ҳисоблайди. Австрия мактаби вакили Ф.Визер субъектив ҳаражат назариясининг асосчиси бўлиб, унинг фикрича бир товарни ишлаб чиқаришда юқори даражада жамиятни фойда олишини ишлаб чиқариш ҳаражатларини бошқача фойдаланиш асосида олиши мумкин деб ҳисоблайди. Ф.Визер томонидан таклиф этилган маржиналистик қонунга асосан маҳсулотларнинг чегаравий фойдалилик даражаси ишлаб чиқарилган маҳсулотга белгиланган нархга уни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган маълум ишлаб чиқариш ҳаражатига боғлиқ бўлиб, у маҳсулотни чегаравий фойдалигини ифодалайди.

Ишлаб чиқариш ва товарларни сотиш билан боғлиқ ўтган ва ҳозирги даврдаги меҳнатни умумлашган ҳаражат деб қабул қилинган. Ҳаражатлар ишлаб чиқариш ва савдо ҳаражатларига бўлинади. Бу ишлаб чиқариш корхоналари ҳаражатлари таннарх савдо соҳасида эса – муомала ҳаражати деб юритилади. Ишлаб чиқариш ҳаражати иқтисодий мазмун жиҳатидан доиравий ҳаракатда ва айланма корхона фонди сифатида оддий такрор ишлаб чиқаришни тавсифлайди деб ҳисоблайдилар. Бу ишлаб чиқариш ҳаражатлари бўйича берилган тушунчаларга қўшилган ҳолда ишлаб чиқариш ҳаражатлари нафақат оддий такрор ишлаб чиқаришни, балки кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ҳам тавсифлайди деб ҳисоблаймиз. Иқтисодчи олимлардан Усманова Р.М. ва Саидкаримова М.И. ўзларининг “Экономическая теория” ўқув қўлланмасида асосий омил фирманинг қобилияти ва интилиши бозорга маҳсулот чиқаришда ишлаб чиқариш ҳаражати ҳисобланади. Ишлаб чиқарилаётган товарлар миқдори ресурслардан самарали фойдаланишга ва бозорда сотиладиган товарга қўйилган нархга боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга, бу муаллифлар иқтисодий ҳаражатни яъни товар ва хизматни самарали альтернатив йўналишдаги ресурслардан фойдаланишда ифодаланади деб ҳисоблайдилар⁶⁰. Фирмалар нуктаи назаридан иқтисодий ҳаражат бу тўловларни қайсики фирма амалга ошириши асосида ундан фойдаланишда бу ресурсларни альтернатив ишлаб чиқаришда фойдаланилмасликка жалб қилмасликдан иборат. Иқтисод назариясида “ишлаб чиқариш сарф-ҳаражатлари деганда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилинадиган барча сарфлар тушунилади” дейилган. “Иқтисодиёт назарияси” ўқув қўлланмасида ишлаб чиқариш ҳаражатлари фойдани асосий чегараловчиси ва шу вақт ичида таклиф хажмига таъсир этувчи омилдир. Ҳозирги иқтисодиёт назарияси ҳаражатлар таснифига бошқача ёндашади. У ресурсларнинг чегараланмаган, ноёблигидан ва улардан альтернатив фойдаланиш мумкинлигидан келиб чиқади, ресурсларини чегараланганлиги ҳар доим ишлаб чиқаришни ташкил этишни танлаш муаммоси олдида туради. Иқтисодий ҳаражатлар-корхона томонидан ресурсларни етказиб берувчиларга тўлов, шунингдек ишлаб чиқаришни аниқланган вариантини амалга ошириш учун худди шу корхона томонидан қўлланилишини таъминловчи ички ҳаражатдир дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони⁶¹ асосан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишни таъминлаш учун таркибий

⁶⁰ Усманова Р.М., Саидкаримова М.И. Экономическая теория. Учебное пособие. –Т.: Изд. “Fan va technology” 2018. 119 с.

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>

Ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатдошлигини ошириш учун миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш, юқори технологияга асосланган қайта ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қимматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада саноатни модернизация ва диверсификация қилиш ишларини амалга оширишнинг долзарблиги шундан иборатки, ишлаб чиқариш жараёнини моддий неъматларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш ҳаражатлари тежамкорлигини таъминлайди. Ишлаб чиқариш ҳаражатларини маҳсулот бирлигига сарф ҳаражатларни камайтириш ишлаб чиқариш субъектлари самарадорлигини ўсиб боришини таъминлайди.

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва ривожлантириш иқтисодий тармоқлар йўналишларида ўзларининг махсус специфик хусусиятларига эга бўлсалар ҳам бу тармоқлар йўналишида ишлаб чиқариш жараёнини самарали ва барқарор ривожланиши уларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари билан шуғулланувчи фирмаларини ишлаб чиқаришларини моддий ва меҳнат ресурслари билан таъминланиши даражасига боғлиқ.

*Хужаев Илхомжон Аманович, мустақил тадқиқотчи,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАРАЖАТЛАРИНИ ТЕЖАМКОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ЎРНИ

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш турли давлат, нодавлат ва аралаш мулк шаклларида асосланган ҳолда мустақил равишда ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан эркин рақобат шароитида истеъмол бозорида ўзининг иқтисодий мавқеини сақлаш таъминловчи омил бу меҳнат унумдорлиги ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат унумдорлигини ошириш зарурлигини ифода этувчи меҳнат унумдорлигини ошириш иқтисодий қонунидан деярлик ишлаб чиқариш субъектлари ўзларининг ишлаб чиқариш жараёнларида илмий ва амалий жиҳатдан асосланган ҳолда фойдаланилмайди. Бунинг асосий сабаби бозор иқтисодиёти шароитида товарлар қиймати ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифодаловчи талаб ва таклиф қонунига асосланганлигида. Истеъмолчилар асосан арзон нархларда товарларни харид қилиб олишни истасалар, ишлаб чиқарувчи субъектлар ишлаб чиқариш ҳаражатларини маҳсулот бирлигига қанчадан тушишига қарамасдан фойда олишни нархларни ошириш ҳисобига фойда олишни таъминлашга ҳаракат қиладилар.

Истеъмол товарларига белгиладиган нархлар барча истеъмолчиларни шу товарларни истеъмол қилишларига хоҳишлар бўлсада улар уни харид қилмайдилар. Миллий иқтисодиётимизни барқарор иқтисодий инқирозсиз ривожланиши ишлаб чиқарилаётган товарларни истеъмол бозорларида харид қилиш даражаси билан боғлиқ бўлганлигида келиб чиққан ҳолда истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бирга уни кенг истеъмолчилар томонидан харид қилиб олинишини таъминлаш зарур. Ишлаб чиқариш субъектларининг фойда олишлари талаб ва таклиф қонуни ниқобида фақат уларнинг харид қилиш нархларини ошириш ҳисобига эмас балки ишлаб чиқариш жараёнини, ишлаб чиқариш воситаларини ўзида мужассамлаштирган асосий ишлаб чиқариш фондларини ишлаб чиқаришда фаол фойдаланиладиган айланма фондларни инновацион асосда модернизациялаш ва ишчи кучи бўлган инсон капиталини капиталлашуви даражаларини ошириш ҳисобҳисобига ишлаб чиқарилаётган

маҳсулотларини таннархини арзонлаштириш ҳисобига истеъмол нархларини муқобиллаштириш асосида истеъмолчилар ва истеъмол даражасини кенгайтириб боришга қаратилган бўлиши керак. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш жараёнини қўшимча меҳнат ресурсларини ишлаб чиқаришга таклиф этиш корхона, тармоқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ўсишига, қўшимча меҳнат ресурсларини иш жойлари билан таъминлаш асосида уларнинг иқтисодий ва ижтимоий турмуш даражаларини яхшиланишига олиб келади. Демак фирмалар ишлаб чиқариш жараёнларини самарали фойда олиб ишлашини таъминлаш фақат харид қилиб олиш истеъмол нархларини ошириш ҳисобига эмас балки меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш республика иқтисодий-ижтимоий ривожланиши бўйича танлаб олинган йўл бу ноодатий иқтисодий ривожланиш йўли бўлиб у ишлаб чиқариш жараёнини тўла давлат ва нодавлат мулкчилигига, эркин рақобатга ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга асосланган иқтисодиёт тараққиёт йўли ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: ишлаб чиқариш субъектларини ҳуқуқий иқтисодий ривожланиш мустақиллигини таъминлаш; ишлаб чиқариш субъектларини ишлаб чиқариш самарадорлигини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ташкилий техникавий жиҳатдан ишлаб чиқариш учун зарур бўлган асосий ишлаб чиқариш фондларини, айланма фондларни таркибий жиҳатдан инновацион асосда модернизациялаштиришни жаҳон бозори талабларига жавоб бераоладиган маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бу товарларни сифатлари ва ишлаб чиқариш харажатлари бўйича рақобатдош бўлишини таъминлаш; ишлаб чиқариш жараёни ривожлантириш асосида аҳолининг минимал истеъмол талабларини қондиришдан максимал даражада қондиришга ўтишни таъминлаш лозим. Бу муаммоларни амалда бажаришни таъминлашдан бирдан бир йўли мавжуд моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашда улардан фойдаланиш тежамкорлигини ва инсон меҳнати унумдорлигини ошира бориш ва тежамкорлигини таъминлаш асосида ҳал этиш мумкин. Меҳнат унумдорлиги аниқ ишлаб чиқариш жараёнида маълум иш вақтида ишалб чиқарилган маҳсулот миқдори билан ўлчанади. Меҳнат унумдорлигини аниқлашда ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнат ресурсларига нисбатан аниқланади.

Меҳнат унумдорлигини ўсиб бориши ишлаб чиқариш жараёни нафақат банд бўлган меҳнат ресурсларига балки улар томонидан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш воситалари ва технологияларидан фойдаланиш яъни буюмлашган меҳнат ҳам қатнашади. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги меҳнат натижаси унинг даражасида зарурий ишлаб чиқариш харажатларини ифодаласа, жамият даражасида ижтимоий зарурий меҳнат ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш даражасини ифода этади. Корхона даражасидаги меҳнат унумдорлигини унинг даражасида ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматини ифода этиш билан бирга корхона ишлаб чиқаришни такрорий равишда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Аммо давлат миқёсида ишлаб чиқарилган маҳсулот ижтимоий маҳсулот бўлиб мамлакат даражасида ижтимоий меҳнат унумдорлигини билдиради. Меҳнат унумдорлигини ўсиб боришини таъминлашда бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг рақобатдошлик даражаларини таъминлаш билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш жараёни билан бўладиган инновацион техникавий харажатлари бўлган инвестиция харажатлари ишчи кучини харажатларини тиклаш учун бўладиган иш хақи харажатлари маҳсулот бирлигига нисбатан камайиб олади. Аммо уларнинг олаётган иш хақлари маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқаришини ўсиши билан ўсиб боради. Меҳнат унумдорлигини ўсиб бориши тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж саноатини ривожланишини таъминлашда асосий омил бўлиб меҳнат сарфи вақтини тежамкорлигини таъминлайди. Меҳнат унумдорлигини иқтисодий тармоқ йўналишларида ўсиб бориши натижаси оқибатида ижтимоий ялпи

ички маҳсулотни ишлаб чиқариш сарфланган меҳнат харажати самарадорлигини таъминлайди.

Меҳнат унумдорлигини ўсиб бориши ишлаб чиқариш жараёнида техника ва ишлаб чиқариш технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлайди. Меҳнат унумдорлигини ўсиб бориши ишлаб чиқариш корхоналарида асосий ишлаб чиқариш ва айланма харажатлар фондидан самарали фойдаланишни таъминлайди. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва олиб боришда меҳнат унумдорлигини ўсиб бориши учун шарт-шароитлар мавжуд бўлиб меҳнат унумдорлигини ошириш асосида ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот бирлигига камайтиришга эришиш иш берувчи тадбиркор корхона субъектлари билан ишга ёлланувчи меҳнат ресурслари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ҳам иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти талаблари асосида ишлаб чиқариш ўсиб боришини таъминлаш учун текстил саноат тармоқларининг асосий йўналишлари бўлган тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхона ва фирмаларида мавжуд бўлган ички фойдаланилмаган меҳнатни, ишлаб чиқаришни ташкил этувчи захиралардан тўлиқ фойдаланиш зарур. Ишлаб чиқариш корхона ва фирмаларда ишлаб чиқариш харажатларини камайтира бориш танлаб олинган ишлаб чиқариш омилларига боғлиқ. Корхоналар, фирмалар ишлаб чиқаришини ривожлантириб бориш бу харажатларни сарфларини камайтиришга қаратилган бўлиши керак. Бу муаммони ҳал этиш аввалам бор олдиндан ишлаб чиқариш хажмини минимал харажатлар билан таъминланишини белгилаб олиш зарур. Биз ана шу корхона олдида қўйилган ишлаб чиқариш хажмини кам ишлаб чиқариш харажати билан бажаришни амалга ошириш учун ишлаб чиқаришни иккита омили бўлган “К” ва “М” меҳнатни оламит. Бизга маълум “М” меҳнат баҳоси аниқ меҳнат истеъмол бозорида белгиланган ҳолда ишга таклиф қилувчи корхона унинг иш ҳақини белгилайди. Ишлаб чиқаришга жалб қилинган “К” капитал қиймати ишлаб чиқаришга жалб қилинган капитал қийматига тенг бўлади. Меҳнат ва капитал харажатлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига таъсир этишни аниқлаш учун фарз қиламиз ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган капитал ижарага олинган бўлиб унинг яъни капитал ва меҳнат қиймати фойдаланиш даврида доимий ўзгармаган ҳолда бўлса, ишлаб чиқариш харажатларини эгри чизиклар тариқасида белгиласак меҳнат ва капитал бир хил умумий қийматга эга бўлса ишлаб чиқариш омиллари тенг ишлаб чиқариш харажатларида ифодаланadi.

Хулоса қилиб айтиш мумкин минимал ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш жараёнига сарфланган қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайди. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажати белгилашда ишлаб чиқарувчи субъектлар арзон нархларда ишлаб чиқариш омилларини натижасида унга ярашув ишлаб чиқариш омилларига эга бўладилар. Тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж саноатида ишлаб чиқариш харажатларини тежамкорликка таъминлашда корхона айланма фондларидан самарали фойдаланиш натижаси бу фонд доиравий харажати тезлаштириш даражасига боғлиқ. Бу фонднинг доиравий харажати айланма вақтини қисқартирилишига эришсак унинг иқтисодий самарадорлиги шунчалик юқори бўлиши билан бирга бу фонд корхона асосий ишлаб чиқариш фондини ҳам самарадорлигини ўсиб боришини таъминлайди. Корхона ишлаб чиқариш самарадорлигига ана шу асосий ишлаб чиқариш фонди билан айланма фонд ўзаро боғлиқликда ишлаган тақдирдагина бу иккала фондларнинг самарадорлик даражалари ўсиб боради. Корхона ишлаб чиқариш асосий ва айланма фондларнинг доиравий харажати бир маротаба айланишини маълум сонлар асосида ёки квартал ва йиллар бўйича аниқланганда уни шу давр ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот хажми асосида ёки маҳсулотнинг умумий қийматини сўмда ҳисоблаш орқали аниқлаш мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришда айланма фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражасига ва ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш билан боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шароитида бозор иқтисодиёти субъектлари ўртасида бўладиган эркин рақобат шароитида ҳар бир ишлаб чиқариш субъекти мустақил равишда ўзини ўзи молиялаштириш асосида фаолият юритиш ва истеъмол бозорида ўзининг маълум бир мавқеига эга бўлишини таъминлаб бориши учун ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаштириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни диверсификациялаштириб боришини таъминлаш корхона айланма ва асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш айланмасини тезлатиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини сифатини ошириш уларни таннархини тушуриш меҳнат унумдорлигини ўсиб боришини таъминлашга боғлиқ.

Тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж саноати тармоқ йўналишларида айланма фондларнинг доиравий ва айланиш вақтини тезлатиш эвазига улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мумкин. Бунинг учун ҳозирги шароитда меҳнат манфаатдорлигини ошириш ҳисобига айланма фондлардан фойдаланишда уларни айланма харажатларини ошириш мумкин. Ишлаб чиқариш жараёнини иқтисодий самарадорлигини ўсиб боришини таъминлаш корхона фаолиятини самарали бўлишига олиб келишида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё материалларини иложи борица арзонга олиш ва улардан ортиқча ишлаб чиқариш чиқиндиларини олдини олиш ва маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун бўлган иш вақти сарфини камайтиришга эришиш билан яна бир зарурий шарт бу ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмол бозорида харид қилиб олиниши учун истеъмолчиларга зарур бўлган шарт-шароит яратиш лозим.

Ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол маҳсулотларини йил фасилларига қараб ишлаб чиқариш ва уларни ана шу фасллар бўйича истеъмолчиларга етказиб бериш асосида маҳсулотларни омборхоналарда шу фасл даври келгунга қадар маҳсулотларни сақламаслик керак. Енгил саноатда бу тармоқ йўналишлари бўйича ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш учун зарур хомашё ва маҳсулотларни сақлашни бозор талабларига риоя қилган ҳолда таъминлаш ҳам муомала харажатларини камайтиришга олиб келади. Бозор иқтисодиёти шароитида енгил саноат тармоқлари бўлган тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш улар учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жиҳозлари, ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмол бозорига етказиб берувчи субъектлар ўртасида тўғридан-тўғри хўжалик битимлари асосида иқтисодий муносабатларни ўрнатиш ва уларга риоя қилиш ҳам на фақат ишлаб чиқариш жараёнининг айланма фондини шу билан бирга асосий ишлаб чиқариш фондини ҳам доиравий айланиш харақатини тезлаштириш асосида корхона фойдасини ўсиб боришини таъминлайди. Албатта енгил саноатнинг тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини асосини ташкил этувчи айланма фонд харажатларини камайтиришнинг асосий шартларидан бири бу тармоқ учун зарур бўлган хомашё, маҳсулот ва бошқа турли жиҳозлар билан таъминлаш масаласини тўғри ҳал қилиш керакки корхоналар бир йиллик талабларини қондиришдан ортиқча зарур бўладиган хомашё маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган жиҳозларни жамғаришга эҳтиёж бўлмасин. Бунинг учун бозор иқтисодиёти талаблари даражасида ишлаб чиқариш жараёнини кооперация асосида ташкил этишда корхоналар ўртасида иқтисодий, ишлаб чиқариш, таъминот ва тайёр истеъмол маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб берувчи корхоналар ўртасида ўзаро хўжалик битимларини тузиш асосида мустахкамлаб бориш зарур.

Айланма ишлаб чиқариш фондидан самарали фойдаланиш асосий шартларидан бири ишлаб чиқариш жараёнини белгиланган иш вақтида тугалланмай уни қўшимча иш

вақтини бўлишини талаб қилинишидир. Бунинг асосий сабаби ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ва маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бермаслиги, материалларни қайта ишлаш уларни кимёвий ишлаб чиқиш, бўяш ва бошқа ишларни ўз вақтида бажармаслиги ҳисобланади. Айланма корхона маблағлари харажатларидан самарали фойдаланишда ишлаб чиқариш жараёни бўладиган тадбирларни бажарилишини услубий равишда белгиланган нормативларга асосланиши керак. Корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмол бозори орқали истеъмолчиларга етказиб бериш ҳам вақт ва қиймат жиҳатидан ҳам аҳамиятга эга. Корхона ишлаб чиқарилиши ташкил этиш билан боғлиқ бўлган айланма фондда айланиш вақтини қисқартириб боришни асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш ўзаро узвий боғлиқ бўлиб бозор шароитида ишлаб чиқариш жараёнини маълум бир маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш жараёнини иқтисодий минтақалар бўйича жойлаштириш ҳам уларни самарадорлигини таъминлайди. Биз юқорида айтиб ўтдик корхона ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот бирлигига камайтириб боришда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат унумдорлигини ошириш корхона ишлаб чиқаришини самарадорлигини оширишнинг асосий омили ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омилларни инновацион техника ва технологиялар ривожланиши, ишлаб чиқариш жараёнини бозор қонунлари асосида ташкил этиш билан ва меҳнат қилиш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ.

Тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатларини омилларини биз алоҳида келтирсакда бу йўналишлардаги омиллар ўзаро боғлиқ бўлиб уларнинг самарадорлик даражаси ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот бирлиги камайишига ва унинг таннархини арзонлашувини таъминлаш асосида таннарх қиймати билан товар истеъмол қиймати ўртасидаги қиймат шаклидаги фарқнинг ўзгаришини ўсиб бориши натижасида корхона фойдасини ўсиб боришига олиб келади. Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат унумдорлигини ҳисобга олиш асосан ишлаб чиқарилган маҳсулот хажмига ва ишчини бир маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарф қилинган иш вақтига қараб белгиланади. Корхона ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқилган маҳсулот хажми орқали ва қиймат орқали аниқланади. Корхона ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат унумдорлигини аниқлашда натурал ва қиймат шаклида ишлаб чиқилган ялпи қиймат шаклида ишлаб чиқилган ялпи корхона маҳсулоти асосида ҳисоблаш зарур.

*Шарустамов Айтилло Одилович, мустақил изланувчи,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ўрта Осиё марказида жойлашган Ўзбекистон қадим замонлардан Ғарб ва Шарқни боғловчи Буюк ипак йўлида жойлашган давлат сифатида машҳур бўлган. Эндиликда ана шу қадимий йўл янги сайқал топиб, элларни-элларга боғлаб келмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатидан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш транспорт ва коммуникация тизимини такомиллаштириш билан узвий боғлиқ.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистоннинг транспорт ва коммуникация тизимини такомиллаштиришда эски мустабид тузумдан қолган муаммоларни ҳал этиш талаб қилинарди. Бу муаммолар республикамизнинг Сурхондарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасига олиб борадиган темир йўлларнинг қўшни Туркманистон ҳудуди орқали ўтишига барҳам бериш, республикада янги дунё талабига

жавоб берадиган автомобиль йўллари куриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, авиация инфратузилмасини такомиллаштиришдан иборат эди. Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун транспорт тизимини ислоҳ қилишнинг стратегик йўналишлари белгилаб олинди ва республикада ягона миллий транспорт тизимини яратиш ишлари бошлаб юборилди. Соҳанинг барча тармоқлари – темир йўл, автомобиль, авиация транспортининг ривожланишига асос солинди. Ўзбекистондаги автомобиль ва темир йўлларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича долзарб вазифалар белгиланди.

Республикада бунёдкорлик ишларини давом эттириш мақсадида, 2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникация инфратузилмаси қурилишини жадал ривожлантириш дастурининг қабул қилиниши ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоғини мамлакат ва ҳудудлар иқтисодиётини истиқболли тараққий эттириш бўйича амалга оширилган дастурлар билан узвий боғлиқ ҳолда янада ривожлантириш имконини берди. Ушбу дастурга мувофиқ, 2012 йилда қарийб 500 километрлик тўрт йўлакли замонавий автомобиль йўллари куриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди. Маълумки, Марказий Осиё минтақаси дунё транспорт-коммуникация тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу ҳудудда Ўзбекистон томонидан транспорт мажмуасини модернизация қилиш ва янги халқаро йўналишларни очиш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилди.

Амалга оширилган бу буюк ишларнинг энг муҳим аҳамияти ва моҳияти шундаки, ўзбек халқи ўз куч-қудратини ва нималарга қодир эканини яна бир бор намоён этди. Буни денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда, қаттиқ қоя тошлардан иборат тоғли ҳудудлар бўйлаб, ёзнинг жазирама иссиғи, гармселлари, қишнинг изғирин шамоллари остида темир йўл излари ётқизилгани, Тошгузар ва Деҳқонобод, Оқрабат ва Дарбанд, Бойсун ва Қумқўрғон каби 6 та янги станция ва йўловчи платформаларига эга бўлган 9 та бекат барпо этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, барча станцияларда йўл хавфсизлигини таъминлайдиган ишлаб чиқариш объектлари, мактаб, тиббиёт масканлари, сув ва газ тармоқлари каби ижтимоий инфратузилма иншоотлари барпо қилинган бу лойиҳанинг энг замонавий талаблар даражасида амалга оширилганини кўрсатади. “Тошгузар–Бойсун–Қумқўрғон” темир йўлининг қурилиши жараёнида 43 та кўприк, жумладан, темир йўл кўприклари ва йўл ўтказгичлари сингари мураккаб муҳандислик иншоотлари яратилди. Бу кўприкларнинг 9 таси денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда бунёд этилгани, бу борада илгари Ўзбекистон тажрибасида кўрилмаган мислсиз ишлар бажарилганини кўрсатади. Мазкур темир йўлининг қуриб, ишга топширилиши республика ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу йўл республиканинг жанубий минтақаси – Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларини бошқа ҳудудлар билан боғлайдиган, қон томирдай зарур бўлган воситани, бутун мамлакат бўйлаб ягона ва яхлит темир йўл транспорт коммуникация тизимини барпо этишга имкон берди. Бу йўл Ўзбекистоннинг чет давлатларга, аввало, Трансафғон темир йўл коридори орқали яқин келажакда тўғридан-тўғри Ҳинд океани, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари портларига чиқиш ва экспорт имкониятини, шу билан бирга, республиканинг транзит ролини кенгайтириш борасидаги салоҳиятини кескин оширди. Темир йўл тармоғининг ишга туширилиши натижасида юк ташиш ва йўловчилар қатновини ташкил қилиш, темир йўлларга хизмат кўрсатиш ва йўл хавфсизлигини таъминлаш учун 2,5 мингга яқин кўшимча янги иш ўрни яратилди. Янги ташкил этилган корхоналар ва хизмат шохобчаларида, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида эса кўшимча тарзда 4 мингдан ортиқ киши иш ўринларига эга бўлди. Минтақанинг табиий ер ости бойликларини ўзлаштириш учун янги имкониятлар пайдо бўлди. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти туб бурилишларга юз тутиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошди. Юк ва йўловчи ташиш масофаси 170 километрга, ҳаракат вақти эса 7 соатга қисқарди. Натижада темир йўл бўйлаб ташилаётган транзит ва

маҳаллий юклар салмоғи сезиларли миқдорда кўпайди. Ўтган йили мазкур темир йўлдан 5 миллион тонна юк ўтказилгани, шундан 4 миллион тоннаси транзит юклар эканлиги ана шундан далолат беради. 2013 йилдан яна бир улкан лойиҳа – 125 километрлик “Ангрен–Поп” электрлаштирилган темир йўл қурилиши бошлаб юборилди. Унинг тугалланиши 2016 йилга мўлжалланган. Истиқболда ушбу темир йўл нафақат Фарғона водийси вилоятларини республиканинг бошқа ҳудудлари билан, балки Европани Хитой билан боғлаб, мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини янада оширади.

Мустақиллик йилларида темир йўллари электрлаштириш ишларига катта аҳамият қаратилди. Ўтган даврда Ховос–Бекобод, Ховос–Жиззах линиялари электрлаштирилди ва Мароқанд–Қарши йўналишини электрлаштириш ишлари муддатидан илгари тугалланиши мўлжалланмоқда. Тошкент–Самарқанд–Бухоро йўналишларида тезюрар электропоездлар қатнай бошлади. Натижада поездлардан фойдаланиш харажатларини 20 фоизга камайтириш, йўловчи ва юк ташиш тезлигини 1,3 баробар ошириш имкони яратилди. Марказий Осиё минтақасида энг биринчи бўлиб юқори тезликда ҳаракатланувчи Тошкент ва Самарқанд шаҳарларини боғловчи “Afrosiyob” поездлари қатнови йўлга қўйилди.

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувида, дунёдаги кўплаб давлатлар билан ҳар томонлама самарали ҳамкорлик ўрнатиш жараёнида фуқаро авиацияси ўзига хос алоҳида ўринга эга. Ватанимиз фуқаро авиациясини ривожлантириш борасида мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ стратегик йўналишлар аниқлаб олинди. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, “Бизнинг жаҳон бозорига чиқишимизда авиация улкан имкониятларга эга эканини инобатга олиб, ўтиш даврининг муқаррар қийинчиликларига қарамай, ушбу соҳа ривожига устувор аҳамият бердик”.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган “Навоий” халқаро интермодаль логистика маркази ва “Ангрен” логистика марказининг имкониятлари жуда юқори. Таъкидлаш жоизки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудида ягона бўлган “Навоий” халқаро интермодаль логистика марказида турли-туман товарларни юклаш ва тушириш, уларни тарқатиш ва оморларга жойлаш ишлари тезкорлик билан амалга оширилади. Замонавий аэронавигация усқуналари билан жиҳозланган “Навоий” халқаро интермодаль логистика маркази, об-ҳаво шароити қандай бўлишидан қатъий назар, барча турдаги авиалайнерларни қабул қилиш имконига эга бўлди. 2011 йилда бу логистика марказида 50 минг тоннадан ортиқ юк турли мамлакатларга ташилди.

Умуман олганда, истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг транспорт ва коммуникация тизимини ривожлантиришда стратегик аҳамиятга эга бўлган улкан ишлар бажарилди. Республикада транспорт мустақиллиги таъминланди ва мамлакатнинг барча ҳудудларини ўзаро боғлайдиган миллий транспорт яхлит тизими вужудга келди. Ватанимизда яратилган самарали транспорт тизими дунё мамлакатлари билан интеграциялашув ва ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Коронавирус пандемияси оқибатида бутун дунёда транспорт алоқалари деярли тўхтаб қолди. Соҳадаги компаниялар бундан жиддий зарар кўрмоқда. Масалан, биргина авиация тармоғида жорий йил якунигача дунё буйича 113 миллиард доллар йўқотилиши тахмин қилинмоқда.

Мамлакатимиз транспорт корхоналари карантин чекловлари сабабли ҳозиргача 340 миллиард сўм зарар кўрган. Эпидемиологик вазият барқарорлашгунча бу рақамлар яна ошиши аниқ. Шу боис, тармоқда пандемиянинг таъсирини юмшатиш, корхоналарни иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чоралар кўрилмоқда. Масалан, карантиндан энг кўп зарар кўрадиган “Uzbekistan Airways” ва “Uzbekistan Airports” акциядорлик жамиятларининг 122 миллион доллар кредитлари тўлов муддатлари узайтирилди, 60 миллиард сўмлик солиқ имтиёзлари тақдим этилди. Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 50 миллион доллар миқдорида айланма маблағ сифатида фоизсиз ссудалар ажратилди. Транспорт вазирлигига “Uzbekistan Airways” ва “Uzbekistan Airports”

акциядорлик жамиятларини пандемия таъсиридан олиб чиқиш бўйича бизнес модель ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди. Европа-Хитой йўналишида юк ташиш бозорига кириш орқали кўшимча даромад олиш, жорий ва инвестициявий харажатларни оптималлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Пандемия даврида темир йўл орқали юк ташишга талаб кескин кўпайган. Хусусан, халқаро юк ташувларида темир йўлнинг улуши 75 фоиздан 87 фоизга ошди. Бу хизматлар сифатини яхшилаш ва таннархни тушириш орқали мижозларни кўпайтириш учун яхши имконият. Лекин, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тизимида асосий воситаларнинг эскиргани, жамият таркибида носоҳавий активларнинг кўплиги асосий фаолиятни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда. Сўнгги уч йилдаги ислохотлар натижасида мамлакатимизда халқаро юк ташувчи транспортлар сони 3 барабар ошди, юкларни ташишда маҳаллий корхоналарнинг ташқи савдодаги улуши 37 фоиздан 48 фоизга етди.

*Максудов Шахзод Хаятович, мустақил изланувчи,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАШКИЛИЙ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жаҳондаги кучли рақобат муҳитида саноат корхоналарида инновацион фаолиятнинг интенсивлик ҳолати иқтисодий ривожланиш даражасига таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатлардаги инновацион технологиялар, маҳсулотлар ва қурилмаларнинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши 60% ни ташкил этмоқда. Мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш, қисқа муддат ичида уни ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш учун инновациянинг туб моҳиятини очиб берган Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “... биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантириш ни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз”, деб таъкидладилар. Дарҳақиқат Ўзбекистон шароитида иқтисодиётдаги инновацион жараёнларни давлат томонидан қўллабқувватловчи тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши ва инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши миллий инновацион тизимини шакллантиришга асос бўлмоқда. Жаҳонда глобаллашувни кучайиши мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ўта долзарб ва мураккаб вазифаларни ҳал этишни тақозо қилмоқда. Ушбу вазифаларга эришиш учун ислохотларнинг амалий натижадорлигини ошириш ва янги ташаббусларни илгари суриш керак. Шунингдек мамлакатимизда хориждаги замонавий менежментнинг илғор тажрибаларини жорий этиш ва стратегик ёндашувлар асосида тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса замонавий менежментнинг илғор усулларида бир бўлган стратегик бошқарув ҳисобини жорий этишни тақозо қилмоқда. Бугунги кунда стратегик фикрлашни зарурлиги олимлар ва йирик компаниялар менежерлари томонидан тан олинган. Кучли рақобат шароитида рақобатдош маълумотлар муҳим аҳамият касб этади. Стратегик бошқарув учун ахборот тизимини роли шундаки, маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишни рационал ва самарали йўллари кўп жиҳатдан стратегия ишлаб чиқишни натижадорлигини белгилаб беради.

Маҳаллий тадқиқотчилар томонидан рақобатбардошликка эришиш ва рақобат устунликларини таъминлаш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Ҳар бир корхонанинг доимий мақсади рақобатбардошликка эришишдир. Енгил саноат корхоналари нафақат рақобатбардошликка эришиш чораларини кўриши балки, рақобатбардошликни бошқариш тизимини ҳам ишлаб чиқишлари бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бошқарув бу субъектлар, органлар томонидан кишиларга ва иқтисодий объектларга кутилаётган натижага эришиш, уларни хатти-

харакатини йўналтириш мақсадида уларга онгли таъсир кўрсатишдир. Ҳозирги кунга келиб уларни аҳамияти рақобатни кучайиши ва маълумотларни қайта ишлашни янги ахборот имкониятларини пайдо бўлиши билан янада ошди. Бу ҳолат корхонани узок истиқболда барқарор фаолият кўрсатишидан манфаатдор бўлган бизнес ҳамкорлар ва бошқарув ходимлари учун ўта муҳимдир. Ундан ташқари, ишлаб чиқариш тизими ва технологияларини ривожланиши, менежмент назарияси ва амалиётини такомиллаштирилиши оқибатида мавжуд бошқарув ҳисобини такомиллаштириш ва сифатини оширишга эҳтиёж туғилмоқда. Хорижда ва мамлакатимизда бошқарув ҳисобини ривожлантиришга бағишланган кўплаб асарлар чоп этилди. Хусусан, А. Апчерч ўз тадқиқотларида “Корхоналар ва бошқарувчиларни фаолиятини баҳолаш кўп қиррали ҳисобланади ва ҳамма натижаларни ҳам миқдорий жиҳатдан ўлчаб бўлмайди. Шу боисдан алоҳида эътибор молиявий бўлмаган ва сифат баҳоларига қаратилиши лозим. Бунга стратегик бошқарув ҳисобини жорий этиш орқали эришиш мумкин”, - деб ёзган, Н.М. Блаженковани таъкидлашча, “Стратегик бошқарув ҳисоби корхоналарда шаклланиш босқичида бўлиб, унга тор даражада анъанавий бошқарув ҳисобини амал қилишини асосий бир қирраси сифатида қаралмоқда”, В.Э.Керимовни фикрича, “Махаллий илмий ва ўқув адабиётларида стратегик бошқарув ҳисоби соҳасидаги адабиётлар деярли мавжуд эмас”. Республикамизни таниқли иқтисодчи олимлари А. К. Ибрагимов, Б. А. Хасанов, Н.К.Ризаевлар “...амалиётнинг кўрсатишича, бухгалтернинг бухгалтер-менежерга айланиши тенденцияси кучая бошлади”, - деб таъкидлашган. Ушбу олимларнинг бошқарув ҳисобини истиқболда стратегик бошқарув ҳисоби ва бошқарув таҳлили йўналишлари бўйича ривожланиши тўғрисидаги фикрига қўшиламыз. Чунки, бошқарув ҳисобини юқори поғона бошқарувчилар учун стратегик бошқарув ҳисоби ва ички бошқарув ходимлари учун тезкор бошқарув ҳисобига ажратилиши янги, келгусида янада ривожланадиган соҳа бўлиб ҳисобланади. Компания менежментини стратегик қарорлар тайёрлаши учун зарурий маълумотларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун бошқарув ҳисобини янги методлари зарур. Мазкур тадқиқотни олиб бориш жараёнида, саноат корхонасини бошқарув ҳисобини юритишда асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектлар ички фаолиятига қаратилиши, у фаолият олиб бораётган бизнесни ташқи муҳити эса назардан четда қолаётганлиги, шу боис ҳам бугунги кунда асосий эътиборни ташқи муҳитга қаратадиган бошқарув ҳисоби концепцияси, яъни стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этишга катта эҳтиёж сезилаётганлиги туфайли стратегик бошқарув ҳисобини жорий этиш зарурлиги тадқиқот методологиясининг гуруҳлаш, таққослама таҳлил, тизимли ёндашув ҳамда абстракт таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда илмий асосланди. Иқтисодий адабиётларни таққослама таҳлил қилиш асосида стратегик бошқарув ҳисобини ҳисоб-ахборот таъминотидаги ўрни, жорий этиш тартиби, тактик бошқарув ҳисоби билан таққослама тавсифи ва концептуал асослари ишлаб чиқилди ва илмий тадқиқот методологияси бўйлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодиётни ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича фармон ва қарорлари ҳамда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳисобланади.

Саноат корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш тизимини ишлаб чиқишда корхоналарнинг умумий салоҳиятидан келиб чиқиш зарур, бунда ишлаб чиқариш қуввати, жиҳозларнинг техник даражаси, ишчи-ҳодимлар малакаси, корхонанинг молиявий ҳолати, ишлаб чиқариш жараёнларини шакллари ва усулларига эътибор қаратиш керак. Ҳозирги вақтда, инновацияларни бошқариш миллий иқтисодиётни ташкилийиқтисодий бошқариш механизмининг кам ривожланган қисмларидан бири сифатида бўлиб қолмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида инновациялар иқтисодиётни интенсив ривожлантиришга имкон беради, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг жадаллаштирилишини таъминлайди, истеъмолчиларнинг

турли хилдаги юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга имкон яратиб беради. Ўзбекистонда саноат корхоналарини миллий инновацион тизимни шакллантириш ва уни муваффақиятли амалга ошириш учун тегишли макроиқтисодий шароитлар мавжудлигини кўрамиз. Стратегик бошқарув ҳисоби мустақил йўналиш сифатида узоқ муддатдан бери амал қилаётганига қармасдан ҳалигача аниқ бир таърифи шакллантирилмаган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, замонавий бошқарув ҳисобини роли анъанавий бошқарув ҳисобидан тубдан фарқ қилади. Анъанавий бошқарув ҳисоби асосан жорий бошқарув қарорларини ахборот таъминоти билан шуғулланади. Хорижий иқтисодий адабиётларни таҳлил қилиш стратегик бошқарув ҳисоби куйидаги 3 та функцияни бажараётганлигини кўрсатмоқда: стратегик бошқарув ҳисоби қарорлар қабул қилинишига ёрдам беради; стратегик бошқарув ҳисоби корхона ходимларини маълумотлар билан таъминловчи тизим ҳисобланади; стратегик бошқарув ҳисоби корхонадаги маълумотлар олишнингмавжуд методлари эҳтиёжни қондирмаган ҳолларда маълумотларни тақдим этиш йўлларини ўзгартириш имкониятини берадиган технология ҳисобланади. Стратегик бошқарув ҳисоби кенг йўналиш ҳисобланганлиги учун ҳисобнинг ушбу турини амалиётда жорий этиш учун маълум бир тизимга эга бўлиш лозим. Харқандай самарали стратегик бошқарув ҳисоби тизимини асосий мақсади барча бўғинлардаги бошқарувчиларни фаолияти самарадорлигини изохлайдиган ва бизнесни умумий стратегияси билан мувофиқлаштирилган кўрсаткичларни белгилашдан иборатдир. Стратегик бошқарув ҳисобини роли стратегик вазифалар ва фаолият кўрсатишни стратегик режаларини акс эттириши керак. Стратегик бошқарув ҳисоби бошқарув ҳисобини йўналиши ҳисобланиб, стратегик қарорлар қабул қилиш учун ахборот таъминотини шакллантиришга хизмат қилади. *Хулоса сифатида айтиш мумкинки*, стратегик бошқарув ҳисоби фаолият кўрсатиши учун саноат корхонасини самарали бошқаришда бизнес стратегияни ишлаб чиқиш, баҳолаш ва амалга оширишни роли каттадир. Шу маънода олиб қараганда компаниялар самарали фаолият кўрсатиши учун стратегик ҳисобни жорий этиши керак. Стратегик ҳисоб куйидаги вазифаларни ҳал этиш имконини беради: компанияни бозор сегментидаги ўрни тўғрисида ҳаққоний маълумотларни тақдим этиш; доимий ўзгарувчи ташқи муҳитни назорат қилиш; барқарор рақобат афзалликларга асосланган стратегияни ишлаб чиқиш. Инновацион тадбик этиш дастурларни тайёрлашда истиқболли илмий-техник ютуқларнинг кенг қамровини жорий қилиш учун зарур бўлган янги ва ўзаро алоқадор лойиҳалар, янги инновацион жараёнларни шакллантиришга йўналтирилган, катта тузилмавий ўзгаришлар учун сезиларли аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий йўналишлар, башоратлар ва аниқ мақсадлардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш лозим. Ўзбекистон ҳозирда қисқа муддатлар ичида ички ва халқаро бозор учун рақобатбардош воситалар яратиш имконига эга бўлган юқори илмий-техник салоҳиятли, истиқболли соҳаларни яратиш ва фаолиятини амалга ошириш босқичида турибди. Бунинг натижасида биз миллий инновацион тизим ривожланишини ва саноат корхоналарини ташкилий иқтисодий бошқарув механизминини ҳамда уни жаҳон инновацион тизимига интеграциясини кўришимиз мумкин.

*Максудов Шахзод Хаятович, мустақил изланувчи,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ БАРҚАРОР ВА ЮҚОРИ СУРАБТЛАР БИЛАН РИВОЖЛАНИШИДА ТАШКИЛИЙ – ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Умумжаҳон тенденциясига мос ҳолда мамлакатимизда ҳам инновацион иқтисодиётга мос меҳнат бозорининг инновацион ривожланиш жараёни шаклланиб бормоқда. Лекин мазкур жараён алоҳида қисм ҳолатида, стихияли характер касб этмоқда,

меҳнат бозори инновацион ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий, институционал асосларини такомиллаштириш ва рағбатлантиришнинг ўзига хос механизмини шакллантириш заруратини юзага келтирмоқда. Инновацион йўналишда меҳнат бозорининг ривожланиш стратегияси нафақат неоклассик йўналиш жараёнларини англашни ва замонавий ижтимоий-иқтисодий ходисаларни назарий-услубий жиҳатидан таҳлил этиш ҳамда бир тизимга солишни, балки иш билан бандликни тартибга солиш тизимидан, унинг анъанавий йўналишларининг сифат кўрсаткичларини ўзгартиришни назарда тутувчи янги талаблардан белгилайди. Саноат корхоналари юртимиздаги юқори сураътлар билан ҳозирдаги ривожланишида ишлаб чиқариш жараёни натижасида уларни механизларини такомиллаштиришда янги замонавий технологияларини қўланиши жуда муҳим бўлмоқдалиги келтирилади. Саноат корхоналарини ташкилий иқтисодий муносабатларини даражаларини ўрганиш, олинган натижалар асосида улардан фойдаланиш керакли жуда қулай вариантини ўрганиб ишлаб чиқаришда қўланилиши зарур, улардан фойдаланишда механизмларни такомиллаштиришни йўлларни топиш ва амалиётга қўланилишини мақсади кўпгина маҳалий саноат корхоналарига олдида турган пировард мақсаддир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги № ПҚ – 4477 сонли “2019 – 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг “яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги жадаллашаётган саноатлаштириш ва аҳоли сонининг ортиши иқтисодиётнинг ресурсларга бўлган эҳтиёжини сезиларли даражада оширмоқда, бу қарордаги вазифалардан энг бир қатор сифатида технологик модернизациялаш ва ташкилий иқтисодий механизмларни ривожлантириши орқали такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш кўрсатиб ўтилмоқда. Ҳозирда кунлардаги ассосий энг устувор вазифа, саонат корхоналарининг ишлабчиқаришдаги барқарор ва кенг юқори самарали сураътларга эриши ҳамда ривожланишда ташкилий иқтисодий муносабатда механизмларини замонавий тежамкор технологияларни қўллаш ва ишлаб чиқаришдаги сифатни кўтариш лозим. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон маҳалий саноат корхоналаринитизимини ислоҳ қилиш бу тизимнинг ташкилий-иқтисодий механизмини жамиятнинг ресурс имкониятлари билан замонавий талабларига мослаштиришни кўзда тутуди. Инновацион жараёнларда муваффақиятли фаолият учун замонавий малака ва билимларни шакллантириш зарур.

Касбий тайёргарлик ва таълимнинг кўп киррали дастурларни кенгайтириш. Барқарор ривожланаётган мамлакатларнинг инновацион сиёсатларини аниқлаш ва баҳолаш. Мамлакатлараро инновацион сиёсат борасидаги илғор тажрибаларни алмашиш жараёнларини шакллантириш. Саноат корхонада инновацион ва интрограцион тадбиқ этиш бўйича чора – тадбирлар кенг қамровли бўлганлиги учун корхонанинг инновацион ва интрограцион ривожланишини бўйича стратегиясини ишлаб чиқиш корхонанинг фаолиятидаги ассосий заруриятлардан бири деб ҳисоблаймиз. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида макроиқтисодий параметрларнинг ижобий ўзгариши билан бир қаторда, ишлаб чиқаришни саноат корхонанисининг меҳнат унумдорлиги даражасининг пастлиги, ҳудудий меҳнат бозорларида ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифи ўртасидаги номутаносибликлар каби меҳнат соҳасидаги жиддий муаммолар ҳам мавжуд. Тадқиқот давомида таъкидланган саноат корхоналарида янги замонавий ахборот технологиялари ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида ва ишлаб чиқаришнинг барча иш фаолиятида ҳамда турдаги ташкилотларни бошқаришда кенг қўлланилашларга олиб келмоқда. Маълумотларни ишлатилиши ва ахборотни бошқариш аниқ афзалликлари ишлаб чиқаришда саноат корхоналарининг такомиллаштирилишига амалиётида кириб келмоқда ва маълумотлар ва ахборот технологияларига олдин тарифлашган дастлабки маълумотларни академик М. Т. Ўрозбоев ташаббуси билан фанга киритилган бўлиб, биринчи марта В. И. Романовский номли

математика институти қошида Ҳисоблаш техникаси бўлими очилган. Академик З. Т. Қобулов ёзганларида “Иқтисодий кибернетика-машина технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганадиган янги фанга айланмоқда”.

Корхоналарда ахборот технологияларини ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунида, “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонунида қонунларида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Замоनावий бизнинг олимларимиз ҳамда иқтисодчи олимлар А. Г. Арипов инновацион ва инновация фаолиятини такомиллаштиришни ўрганишмоқда. Бизнинг фикримизча, умуман олганда, юқорида инобатга олинган олимлар томонидан замон талаби ҳозирги саноат корхоналарининг ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш устида иш олиб борилган бўлиб, ишлаб чиқаришдаги малумотларни ахборот-коммуникация технологияларини самарали ривожлантириш мавзусида тадқиқотлар олиб бориш зарурияти сезиларлик даражада маълум бўлмоқда. Бу эса илмий мақолани олиб борилаётган илмий ишдаги мавзуси долзарб ва кераклигини кўрсатмоқда. Ушбу илмий мақолани тадқиқот мавзуси ёзиш жараёнида иқтисодиётни янада ривожлантириш шароитида иш фаоллиги таҳлилининг асосий жиҳатларини ёритиш бўлганлиги боис, ҳозирдаги изланишда ушбу мавзунини ёритишда аввало мавзу юзасидан ва жараёнида тадқиқот олиб боришнинг бошқа давлатларнинг ресурс тежамкорлиги соҳасидаги стратегик менежментнинг назарий асослари ўрганилди ва қиёсий таҳлил асосида таққосланди, шунингдек саноат корхонасининг ички ва ташқи маълумотлари асосида индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, иқтисодий моделлаштириш усулларидани ҳамда илмий тадқиқот ишини саноат корхонасининг олиб борган олимларнинг ишлари таҳлили амалга оширилди. Шунингдек, тадқиқот методологияси сифатида, кузатиш, эксперимент, кейс-стади, статистик таҳлил, гуруҳлаш ва таққослаш каби усуллардан фойдаланилди. Саноат корхоналарининг ишлаб чиқаришдаги ташкилий ва иқтисодий механизмни стратегик тўғри ва моҳирона бошқариш, иш фаоллигини ошириш учун биринчи навбатда, унинг молиявий аҳволи, ишлаб чиқаришнинг натижалари ва интеграцион ва инновацион тизимини фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ҳамда таҳлил қилиниши лозим бўлади. Ҳозирда ишлаб чиқариш саноат корхоналарида иқтисодий ижтимоий жараёнларда куталаётган натижалар бўлишини ҳамда керакли ўринда керакли фойда келтириши учун инновацион янгидикларни бирга ўзаро боғлиқ бўлиб ҳам иштирок этади. Ҳаммасини жамланган лекин ўтган вақтдага иқтисодий ва моддий ва меҳнат кучлари керакли даражада бўлмаган. Шунинг учун саноат корхоналарининг иқтисодий салоҳияти деб аталиши керакли даражада ҳисобланади.

Ҳозирги бирқатор янгиликлар инновацион ва иқтисодий қўланилиши кераклигини амлада кўрсатилмоқда. Саноат корхонасининг ижтимоий иқтисодий салоҳияти мисолида содир бўладиган ижтимоий ва иқтисодий фаолиятидаги акс этирилиши кераклигини тубдан кўрсатидиган ҳамма иқтисодий ва меҳнат ресурслари бирқатор ҳар хил номоддий активлар кўрсатилиши мумкин. Эндиликда маҳалий саноат корхоналарида иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши ва унга маълум даражада фойда келтириш учун моддий ва меҳнат ресурслари билан бирга номоддий активлар ҳам иштирок этади. Уларнинг жамламасини олдингидек моддий ва меҳнат ресурслари деб аташ етарли бўлмайди. Шу туфайли уларни саноат корхоналарининг иқтисодий салоҳияти деб аталиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Саноат корхоналарининг иқтисодий салоҳияти деганда унда содир этиладиган иқтисодий жараённи тўлиқ таъминлайдиган барча моддий ва меҳнат ресурслари ҳамда номоддий активлар тушунилади. Улар маҳалий саноат корхонасининг бир меъёردа ишлаши ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариши ва шартнома бўйича сотиш, аҳолига хизмат кўрсатиш режасини таъминлашга етарли бўлиши лозим. Чунки маҳалий саноат корхоналарнинг мулкнинг таркибини ўрганиш ва уни кўпайтириш йўлларини аниқлаш ишчанлик фаолиятининг таҳлилида муҳим ўрин тутаяди.

Таҳлил этишда, активларнинг ҳолатига, жойлашган ўрнига, жойига, жавобгарлик субъектлари бўйича ўзгаришларига, активларнинг ҳаракатланишига, самарадорлигига ва унинг ўзгариш сабабларига муҳим аҳамият берилади. Саноат корхоналарининг иқтисодий салоҳияти ҳолатини бухгалтерия баланси асосида дастлабки баҳолаш ҳисобот йили охирида бўлган баланс моддаларини йил бошига бўлган маълумотлар билан таққослаш ва четга чиқишларни аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Олиб борилган тадқиқотларимиз давомида шундай тўхтамга келиндики, қурилиш маҳсулотларини ва бошқа турдаги ишлабчиқариш маҳсулотларида саноат корхоналарида ресурс тежамкорлиги стратегиясини шакллантиришда шартли равишда таркибий жиҳатдан қуйидаги масалаларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ: 1. Саноат корхонасининг асосий фондларининг жорий ҳолатини яхшилаш/янгилаш бўйича таклиф ва режалар. 2. Саноат корхонасининг молияси: мавжуд дебиторлик қарзларини камайтириш ундириш, инвестицияларни жалб қилиш бўйича чора – тадбирлар ишлаб чиқиш. 3. Саноат корхонасининг фаолиятини ривожлантиришга тадбиқ қилиниши кутилаётган инновацияларни ривожлантириш. 4. Бозордаги корхонанинг ўрнини яхшилаш ва рақобатчилар устидан устунлик берувчи имкониятларни ишлаб чиқиш. 5. Умумий ривжланиш стратегияси саноат корхоналарини учун ресурс тежамкорлиги стратегиясини шакллантиришда биринчи навбатда асосий фондларнинг ҳолатини билиб олишимиз зарур.

Саноат корхонасининг материал сифимлиликни тежаш бўйича стратегиясини ишлаб чиқиш давомида янги технологик ва ташкилий янгиликлар корхонада ишлаб чиқаришнинг биргина эмас, балки бир нечта кўрсаткичларга таъсир кўрсатишини тажрибалар кўрсатиб берди. Бироқ машинасозлик корхоналарида тадбиқ этилган чора – тадбирларнинг таҳлили бу гипотезани рад этади. Материал – иқтисодий ресурсларни тежаш бўйича чора – тадбирларнинг оптималлашуви маҳсулот таннархини қисқартишдан келадиган тежамнинг харажатларга нисбати сифатида амалга оширилиши лозим. Фикримизча, ижтимоий ва инновацион йўналишдаги амалга оширилган тадбирларни кенг қўламли шаклда ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Бизнингча, ижтимоий хизматларни туб моҳияти инсон капиталини шакллантириш жараёнларини ифодалаш орқали юзага келади. Бу ўрнида, инсон меҳнат қобилятининг, сақлаб турилиши, ички талабни, шахсий даромадлар оширилиши ва натижада миллий даромадлар ошишига эришиш кўзда тутилади.

Саноат корхоналарининг инновацион ва интарнацион такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқишда маҳаллий саноат корхоналарига қуйидаги йўналишларда баъзи тавсиялар амалга оширилиши мумкин: 1. Маҳсулот таркибини соддалаштириш (Маҳсулот таркиби давлат стандарти билан тасдиқланган бўлса, янги стандарт намуналарини ишлаб чиқиб, Қўмига қайта тасдиқлаш учун тақдим этиш); 2. Маҳсулотнинг технологик хусусиятларини такомиллаштириш. Технологик такомиллаштириш – конструкторлик ва технологик қарорларнинг энг самаралиларининг натижалари бўлиб, маҳсулотни яратиш учун белгиланган хомашё, техника – технология ва малакали ходимнинг биргаликдаги меҳнатининг энг оптимал туридир. 3. Саноат корхонасининг меҳнат жамоасининг ресурс тежамкорлиги масалаларида қарор қабул қилишдаги иштироки ва уларнинг фикрини инобатга олиш ва ташкилий ва техник чора – тадбирларнинг режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Хайтов Шерзод Пардабоевич, мустақил изланувчи, ТДИУ
**САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида енгил саноатнинг тўқимачилик, трикотаж, тикув тармоқлари фаоллигини ошириш ва уларнинг келгусида ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш,

пахта толасини чуқурроқ қайта ишлаш ҳисобига экспорт салоҳиятини ошириш устувор вазифалар қилиб белгиланган.

Шу жиҳатдан олганда, жаҳон бозорида истеъмолчилар талабига мос тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тармоқ корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишда мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш орқали корхоналарда барқарор ривожланишни таъминлаш муаммоси долзарб аҳамият касб этади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, бугунги кунда тўқимачилик саноати тизимида айрим субъектларда рентабеллик кўрсаткичлари белгиланган меъёрлардан паст кўрсаткичларни намён қилмоқда. Натижада, иқтисодиётнинг ушбу тармоғига мақсадли инвестиция маблағларини киритиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат даражасини ошириш, ишлаб чиқаришга инновацияларни кенг жорий этиш асосида товарларнинг янги турларини яратиш каби долзаб масалалар юзага келмоқда. Бу ҳолатнинг сабабларидан бири сифатида улар амалиётида молиявий активлар самарадорлигини баҳолаш, барқарор ривожланишини таъминлаш имкониятларини излаб топиш каби муҳим масалаларга етарлича эътибор қаратилмаётганлигини изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал ислохотлар шароитида маркетинг тамойиллари асосида кимё саноати корхоналарининг бошқариш механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу каби устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этилиши республикамиз кимё тармоғи акциядорлик жамиятлари ривожланиш маркетинг стратегиясини шакллантиришни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишни тақозо этади. Шу жиҳатдан, кимё тармоғи акциядорлик жамиятлари ривожланиш маркетинг стратегиясини шакллантиришни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Барқарорлик халқаро ҳужжатларда (масалан, «Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Рио Декларацияси», «XXI аср кун тартиби», шунингдек, конвенциялар ва кўп томонлама шартномалар асосида глобал аҳамиятга эга бўлган муайян масалаларни қабул қилиш каби таъсир тамойилларини ўрнатиш ва қабул қилиш доирасида тизимнинг меъёр даражасида ишлашини давом эттириш қобилиятини назарда тутати. Барқарорлик аҳоли сони ва мавжуд табиий ресурслар ўртасидаги мувозанатни талаб қилади. Бир соҳанинг эҳтиёжларини ва тегишли тармоқларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сонини ҳисобга олиш керак, аммо бунда келажак авлодлар эҳтиёжларини инкор этмаслик лозим. Т.Мальтус, Л.Вальрас, К.Я.Кондратьев каби муаллифлар ва бошқалар ўз тадқиқотларини шу даражадаги барқарорлик жиҳатларига бағишлаганлар.

Саноат корхоналарининг иқтисодий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилган назарий амалий ишланмаларнинг этишмаслиги, шунингдек, самарали механизм яратишга имкон берадиган ҳақиқатан ҳам қўлланиладиган тавсиялар маҳаллий корхоналар олдида турган энг муҳим масалалардир. Механизмни шакллантириш бўйича услубий тавсиялар (МШБУТ)ни амалиётда қўллаш қуйидагиларга имкон беради: ҳар қандай саноат корхоналари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда механизмдан фойдаланиш; механизмнинг мақсадли ёндашувга асосланганлиги, шунингдек мақсадларни сифат ва миқдорий қисмларга бўлиниши туфайли рақобат курашида устунликка эришиш; корхона хўжалик фаолиятида, ижтимоий ва экологик соҳаларда, янги тендентсиялар рўй берганда янги муаммолар пайдо бўлганда ташкилотнинг барқарор ривожланиш механизмини сошлаш; барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш жараёнида тартибсизликлардан қочиш қобилияти. Биз томондан

ишлаб чиқилган барқарор ривожланиш механизмини шакллантириш бўйича услубий тавсияларни амалда қўллаш бир неча босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда корхонанинг барқарор ривожланиш механизмини амалга оширувчи органлар кўриб чиқиладиган предметнинг дастлабки ҳолатини баҳолаши ва таҳлил қилиши керак. Иккинчи босқичда мавжуд бўлган мақсад турли даражадаги чидамлилиқ даражаларига мослашувчанлиги учун қайта кўриб чиқилиши керак. Йўналишларнинг бирортаси бўлмаган тақдирда, мақсадларни белгилаш тизимини тузиш орқали барқарор ривожланишнинг янги мақсадини шакллантириш зарур бўлади. Механизмнинг асосий элементи барқарор ривожланиш мақсадини белгилашдир. Ташкилотнинг барқарор тижорат ютуқлари ва барқарорликни таъминлашга қаратилган савб-ҳаракатлари ўртасидаги боғлиқлик аниқ кўриниб турибди. Ушбу муносабатлардан тўлиқ фойдаланиш учун, аввало, уни ташкилотнинг асосий мақсади доирасида шакллантириш керак. Кўплаб йирик компаниялар аниқ асосий мақсадга эга бўлишса-да, уларнинг тўртдан бир қисми уни барқарор ривожланиш мақсадлари билан боғлайди. Учинчи босқичда механизмни амалга оширувчи хизматлар барқарорликнинг ҳар бир соҳасига ваколатли этакчи мутахассислар билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг аниқ соҳаларидаги муаммоларни аниқлаб олишлари керак. Тўртинчи босқичда барқарор ривожланиш даражасини баҳолаш учун ишлаб чиқилган методологиядан фойдаланиш тавсия этилади. Бешинчи босқич баҳолаш босқичида аниқланган барқарорлик даражасига мувофиқ жавоб ва қарор қабул қилишни ўз ичига олади.

Механизмни амалга ошириш доирасида олинган маълумотлар нафақат менежмент, балки ходимлар, шериклар ва инвесторлар учун кейинги ҳаракатлар йўналишини танлашга имкон беради. Тўғри бошқарув қарорини қабул қилиш учун, шунингдек, иқтисодий самарани ҳисоблаш керак. Саноат корхонасининг барқарор ривожланишини бошқариш бўйича материаллар очик шаклда тақдим этилиши, жараёнга жалб қилинган барча объектлар ўртасида тақсимланиши ва фойдаланувчиларга корхона ичида ҳам, ташқарисида ҳам очик бўлиши керак.

Вахобов Шохжаҳон Валиевич, магистр,

Ислом Каримов номидаги ТошДТУ

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва

томорқа ер эгалари кенгаши бош мутахассиси

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МЕНЕЖМЕНТНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎРНИ

Мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳудудларда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Саноатда ишлаб чиқаришни ҳудудий бошқариш тизими муайян меҳнат фаолияти билан боғлиқ муносабатлари, уларнинг мамлакат ва жаҳон бозори эҳтиёжлари учун зарур даражадаги юқори сифатли қурилиш маҳсулотлари етказиб беришлари мисолида яққол кўринади. Саноатда ишлаб чиқаришни бошқариш деганда, унда банд бўлган кишиларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятини ташкил этиш ва йўналтиришнинг ўзига хос томонлари тушунилади. Шу ўринда биз, ҳудудий бошқарувни кишилар жамоасига аниқ мақсадда кутилган алоҳида меҳнат фаолиятининг таъсири сифатида тушунамиз. Бошқариш тизимининг моҳияти саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкилий-техник ва ижтимоий-сиёсий томонлар яхлитлигида намоён бўлади. Рақамли иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: корхона фаолияти самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш, мазкур кўрсаткичларнинг ўзгариш сабабларини ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий, шу жумладан

саноат курилишида самарадорликни ошириш мақсадида улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш ва ўлчаш.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш микдорига таъсир қиладиган баъзи омиллар рўйхати шуни тақозо этадики, иқтисодий тушунчалар ва иқтисодий кўрсаткичларини алоҳида берк ҳолда қараш мумкин эмас, уларнинг барчаси ўзаро боғлиқ. Аммо бу ҳолат иқтисодий ҳисоб-китоблар жараёнларида уларнинг мантикий ажратилиш имкониятлари ва заруратини умуман истисно қилмайди. Жуда кенг тарқалган услубий усулларда мазкур омилларнинг бошқа тенг шарт-шароитларда таъсир қилиш даражаси, яъни қолган омиллар худди ўзгармас тарзда ҳисобланган ҳолдаги таъсири аниқланади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишда уни доимий равишда асослаб амалиёт ва назарияни ўрасидаги боғлиқликни таҳлил қилиб бориш зарур, бунда: ижобий ва салбий омилларни аниқлаш ва улар ҳаракатларини сон жиҳатдан ўлчаш; корхона тараққиёти тенденциялари ва пропорцияларини аниқлаш, ишлатилмаган ички захираларини аниқлаш; объектив иқтисодий қонунлар ва субъектив тартибдаги омиллар таъсирида шаклландиган иқтисодий жараёнлар ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ қилиш; бизнес-режаларни илмий асослаш, уларнинг ижро этилиш самарадорлигини объектив баҳолаш; илғор тажрибани умумлаштириш, оптимал(мақбул) бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий жараёнлар, агарда индукция усули қўлланилса, кичик, яқка-айрим алоҳидаги хўжалик далили, ҳодисаси, вазияти билан боғланадиган (бу эса умумий ҳолда бошқариладиган тизимости ва бошқарувчи тизимнинг у ёки бу бўғинида хўжалик фаолияти самарадорлиги моҳиятини ифодалайди) хўжалик жараёнини ташкил этади. Корхона механизмини қайта қуриш ва уни бозор муносабатларига йўналтириш кўплаб муҳим иқтисодий категорияларнинг анъанавий тушунчаларини қайта кўриб чиқишни, айрим ҳолларда уларни бутунлай бошқа мазмун ва амалий моҳият билан тўлдиришни талаб этади.

Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш менежментнинг асосий мақсадига айланади. Рақобат шароитида ишлаб чиқаришнинг юқори иқтисодий самарадорлигини таъминлаш учун ишлаб чиқаришнинг тез ўзгарувчан, бозор муносабатларига тез мослашувчан турларини қўллаш тақозо этилади. Америка менежментида бошқарув дейилганда, режалаштириш жараёни, ташкилотнинг мақсадларини шакллантириш ва унга эришиш тушунилади. Ричард Л. Дафт ҳам менежмент тўғрисида шунга ўхшаш фикрни баён этади: «Менежмент – бу ташкил этишни режалаштириш, ташкилий ресурслар устидан етакчилик (рахбарлик) қилиш асосида самарали, унумли равишда мақсадга эришишдир». Бунда асосан иккита муҳим ғоя ифодаланган: бошқаришнинг асосий вазифалари, жумладан режалаштириш, ташкил этиш, етакчилик, молиялаштириш ва назорат; самарали ва унумли ташкил этиш мақсадларига эришиш.

Менежментнинг асосий фаолият доирасини муваффақиятли юритиш менежментдан турли хил кўникма ва билим бўлишини талаб этади. Менежмент жараёни – муайян худудда курилиш тармоғида ишлаб чиқаришнинг мақсад ва кўрсаткичларини таҳлил қилган ҳолда режалаштиришдан бошланади. Шунингдек бу жараёнда мақсад ойдинлаштирилиб, уни ҳал этиш учун зарур ресурсларга баҳо берилади. Бунда шунга эътибор лозимки, режалаштиришнинг зарур даражадаги бажарилмаслиги келажакда курилиш тармоғида ишлаб чиқаришининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Биринчи навбатда, бу ҳокимият бошқарув аппаратининг келажакда республика ва халқаро бозорларни ривожлантириш истиқболларини пайқамай қолишларига олиб келади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида менежмент жараёнининг навбатдаги босқичи курилишда ишлаб чиқариш режаларини бажариш услуб ва зарур ашёлар тўғрисида қарор қабул қилишдан, ташкилот фаолият доирасини белгилаб олишдан иборат. Рақамли иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини

бошқаришни ташкил этиш усулларининг ўзига хос хусусиятларига ишлаб чиқаришнинг объектив шарт-шароитлари билан белгиланадиган кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликни аниқлаш ва ўлчаш тааллуқлидир, бу ерда мазкур кўрсаткичларни сунъий тарзда боғлаш мумкин эмас. Маҳсулотни ишлаб чиқариш миқдори, масалан ишчи кучи, меҳнат қуроллари, меҳнат воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ учта гуруҳ омилларига боғлиқ. Масалан, ишчи кучидан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар миқдор ва сифат турларига ажратилади. Миқдор турларига ишчилар сони, сифат турларига уларнинг меҳнат унумдорлиги (бир ишчига тўғри келадиган) тааллуқлидир. Бир ишчига бир йилда тўғри келадиган ўртача маҳсулот ўз навбатида бир ишчининг бир кунда ишлаган соатларига ва бир соатга тўғри келган ишлаб чиқариш унумдорликларига боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштирилган вазифаларни ва ресурсларни бошқарув тузилмалари ўртасида тақсимлашни кўзда тутати. Кейинги йилларда мамлакатимизда менежментнинг ишлаб чиқаришга таъсирини ўрганиш масаласига эътибор кучаймоқда. Бу саноатда ишлаб чиқариш тармоғига бошқарув аппарати ходимлари томонидан раҳбарлик самарасини ошириш учун улар орасида доимо бўлиб, мақсад, вазифа ва ташкилий сиёсат асосларини тушунтириб бориш талаб этилади. Бунда бошқарув аппарати хизмати ишидан ҳам далил ва исботлар келтирмоқ зарур. Бунда шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, тармоқ тузилмасини ислоҳ қилиш узоқ муддатли жараён ва биз истаган тузилмани яратиш кўп миқдорда маблағ ва вақт талаб этади.

Менежмент турларини иккита белги асосида аниқлайди: савияси (макро ва микроиқтисодий) ва унинг хизмат соҳаси билан. Умумий менежмент макроиқтисодий тавсифли, яъни барча хўжалик юритиш тизими учун тааллуқлидир. У ўз ичига уч хил менежментни олади: амалий, инновацион ва стратегик. 1.2-чизмадан кўринишича амалий менежмент барча бошқарув соҳаларига тарқалган. Инновацион менежмент (янгилик яратишни бошқариш) ва стратегик менежмент (стратегик режалаштириш) амалий менежментни такомиллаштиришга йўналтирилган бошқарув фаолиятдан иборатдир.

Ғарб бизнесида менежмент учта соҳада тўпланган: ишлаб чиқариш, молия, сотув. Чизмада бу ўз аксини амалий менежмент бўлинмаларида ишлаб чиқариш (корхоналар, фирмалар, корпорациялар, ва бошқалар), молия ва маркетинг менежменти (сотувни бошқариш товарлар сотиш, топган) ишлаб чиқариш менежменти сўнграқ, ишлаб чиқариш технологияси ёки технолог менежмент сифатида аниқлаштирилади. Ишлаб чиқариш менежментида икки хил фаолият тури бўлиши мумкин: ишлаб чиқаришда ҳозирги замон турдаги материаллар, техника ва технологияни бунёд этиш, ўзлаштириш ишлатиш бўйича техник фаолият; ишлаб чиқариш жараёнларини тартибга солишни таъминлаш, ҳаракатларни ташкил қилиш, тўғри йўлга солиш бўйича техник фаолият. Техник фаолиятда ҳал қилувчи аҳмиятга ихтиросшунослик илмий техник билимлар мутахассисларга муҳандислик тажрибаси керак бўлади. Бу турдаги фаолиятда энг асосийси техник ғоя бунёд этишдир. Менежернинг вазифаси - қобилиятли одамларни излаб топиш ва улар ижодий меҳнат қилишлари учун қулай шароит яратишдир.

Бошқарув фаолиятида қўл остидагиларнинг ижобий ҳаракатига ҳисобига яхши, ижобий натижаларга эришиш қобилиятидир. Раҳбарнинг санъатини маъно хизматчиларнинг ҳаракатини ташкил қилиш ва тўғри йўл бошлашдан иборатдир. Ғарбий мутахассисларнинг фикри бўйича корхонанинг муваффақиятли фаолиятининг калити корхона бошқарувини самарали ташкил қилишдадир. Бу бошқарув занжирини қуйидаги боғланиш билан ифодалаш мумкин: корхона раҳбарининг ҳаракати; ишловчилар хулқи; жамоанинг ишлаб чиқариш фаолияти; корхона ишининг натижаси. Кўриб чиқиладиган тизимининг асосий бўғини – бу раҳбарнинг билимдонлик ҳаракатидир, яъни фирма менежерлардир. Сифатли менежмент ишловчиларни фаол муносабатини уйғотади, уларнинг ўзаро муносабати самарали ишлаб чиқариш фаолият айланади.

Корхона менежери ҳар қандай қарор қабул қилар экан, бу қарорларнинг энг муҳим коэффициентларга таъсирини баҳолаши лозим. Коэффициентларнинг таҳлилий қиймати, масалан, кўплаб мамлакатларда мамлакат ичкарисида ва унинг ташқарисида улар билан қизиқувчи шахслар фойдаланувчи махсус нашрлар мавжудлиги билан исботланади.

Бошқарув – бу ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиши учун йўналтирилган жараёндир. Бошқарув вазифалари – бу бирор объектга раҳбарлик қилиш учун зарур бўлган фаолият тури деб тушунилади. Бошқарув вазифалари ўзининг таркиби билан бошқарув технологиясини бунёд этади. Бошқарув вазифасининг маъносига иккита элемент киради: у аввал тизимда нима қилинаётганини белгиласа, сўнгра саволга қандай қилиб жавоб беришни билдиради. Илмий менежментнинг тоифавий тўпламида вазифаларга марказий ўрин берилади. Бу қуйидаги чизмада келтирилган.

Менежмент тараққиёт қилишда бошқарув вазифаси бошқа вазифа рўйхатлари пайдо бўлди. Буларга қуйидаги бошқарув фаолият турлари киради: масалаларни ечиш, алоқа йўллари, баҳолаш ва бошқалар. Ғарбий менежментнинг замонавий назариясида бошқарув вазифаларини тақсимлаш туркумларида иккита ёндашув мавжуд: **Биринчи ёндашув** бошқарувни умумий, универсал вазифаларини ажратиб кўрсатиш. Улар ҳар қандай ташкилотда бошқарув жараёнини мазмунини изҳор этади ва субъект бошқаруви уни хусусиятга боғлиқ эмас. Бу гуруҳ вазифаларига қуйидагилар киради: мувофиқлаштирилган ва таркибга солиш; назорат; режалаштириш; ташкил қилиш; рағбатлантириш. **Иккинчи ёндашув** менежмент вазифаларининг туркумлашиши бошқарув объектни хусусиятини баҳолашга асосланади. Бу ҳолда ишлаб чиқариш бошқарувида бутун бир тизимнинг аниқ вазифалари ажратиб кўрсатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхонасида самарали бошқарув усулларини қўллаш орқали унинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир ўтказилади. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиши билан бир қаторда унинг иқтисодий салоҳиятини яхшиланишига ҳам олиб келади. Бу эса келгусида корхонанинг барқарор ривожланишидан далолат беради.

*Хикматов Равшан Мансурджанович, магистр,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНИШИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Маълумки мамлакатлар иқтисодий тараққиётида саноат соҳасининг ўрни беқиёслигини жаҳон тажрибасидан кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда иқтисодий тараққиётга эришишда саноат соҳасини ривожланишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек “...иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади. Гарвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефтгаз-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд”.

Covid 19 пандемияси шароитини ҳисобга олиб, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш хусусияти ўзгариб бораётган бир даврда Ўзбекистон Республикаси ҳам жаҳон ҳамжамиятига тобора чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, хорижий мамлакатлар, айниқса ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишидаги ютуқ ва камчиликлари, ривожланиш муаммоларини ҳал этишдаги тўғри ёндашувлар бозор

иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб бораётган республикаимиз иқтисодиётини ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқишда тажриба сифатидаги аҳамияти каттадир.

Мамлакатимиз мусақиллик даврида улкан иқтисодий ютуқларга эришди. Ана шу давр мобайнида юз берган ўзгаришлар, қўлга киритилган улкан натижалар ва энг асосийси, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасида амалга оширилган қатор чора-тадбирлар мамлакат ичидагина эмас, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам ҳақли равишда тан олинмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам саноат корхоналари асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Жаҳоннинг ривожланган давлатларисингари ЯИМнинг учдан бир қисми айнан саноат тармоғида яратилади.

Мамлакатимиз саноат тармоғи узоқ тарихий йўлни босиб ўтди ва бу йўлда бозор иқтисодиёти тамойилларига мос равишда ривожланган ҳолда тубдан ўзгарди. Ўзбекистоннинг саноати охириги ўн йилликда анча юқори суръатларда ривожланди ва бу билан саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб бормоқда. Мустақиллик йилларида машинасозлик, моторсозлик, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, нефть ва газни қайта ишлаш, фармацевтика ва замонавий телевизор ва компьютерларни ишлаб чиқариш каби янги саноат тармоқлари пайдо бўлди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, янги техник ва ташкилий-технологик ечимларнинг ишлаб чиқилиши, уларни қўллаш бўйича қарорларнинг қабул қилиниши, корпоратив корхоналар инновацион бошқаруви асосий тамойилларининг такомиллаштирилиши такрор ишлаб чиқариш жараёнларини янгилаш ҳамда иқтисодий ўсиш учун қўшимча имконият яратди. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, яъни ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараённинг самарадорлигига корхоналарнинг инновацион бошқарув тизими ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда саноатнинг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти жуда юқори. Шу боис ҳам у қуйидаги муҳим омилларга бевосита таъсир кўрсатади: аҳолининг фаровонлиги (юқори малакали тиббий ёрдам, сифатли таълим, аҳолини юқори сифатли уй-жой ҳамда иш билан таъминланиши); давлатнинг стратегик хавфсизлиги; аҳолининг керакли маҳсулотлар билан таъминланиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишланиши; лмий-техник ривожланиш; инвестициялар киритилиши; жаҳон бозорларига чиқиш ва экспортни кўпайтирилиши; давлатлараро ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатилиши. Мамлакат саноатининг ривожланиш даражаси миллий иқтисодиёт, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм, илм-фан, таълим ва бошқа соҳалар билан чамбарчас боғлиқдир. Иқтисодиётнинг ривожланиш салоҳияти қанчалик юқори бўлса юқорида айтиб ўтилган соҳаларнинг ҳам ривожланиш салоҳияти шунча юқори бўлади. Саноатнинг ривожланиш даражаси мамлакатдаги аҳоли фаровонлиги ва яшаш даражасига таъсир қилади. Яна шуни қайд этиш лозимки, саноат тармоқларини ривожлантириш учун мамлакатимиз етарлича моддий, меҳнат, молиявий ва интеллектуал ресурсларга эга. Ушбу ресурслардан оқилона фойдаланилганда республика саноатининг янада ривожланишига эришилади ва ўз навбатида мамлакат ривожланишини янги босқичга олиб чиқиш имконияти яратилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан яна бири иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада жадаллаштириш, саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник жиҳатдан янгилаш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни кенг жорий этиш ҳисобланади. Зеро, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши саноат тармоқларини жадал ривожланиши ва саноат корхоналарининг иқтисодий барқарорлигига бевосита боғлиқ. Айниқса, янги Ўзбекистонни жаҳон иқтисодиётига жадал интеграциялашиб бориши, давом этаётган Covid 19 пандемияси ва

жаҳон бозоридаги беқарор конъюнктура шароитида корхоналар иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва ошириш механизмларини ишлаб чиқиш аҳамияти ва долзарблиги янада ошиб бормоқда.

Корхоналар бошқарувига ҳамда уларнинг фаолиятига инновацияларни жадал татбиқ этиш, замонавий техник ва технологик самарали усул ва воситаларни қўллаш, энг аввало мавжуд ишлаб чиқаришни ҳар томонлама модернизациялашни тақазо этади. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилиши лозим. Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, мамлакатимизни иқтисодий тараққиёти ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг ижтимоий таъминотида саноат соҳасининг ўрни беқиёсдир.. Бугунги кунда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари қуйидагилар бўлиши лозим: қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, саноатни ривожлантиришда банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш, саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, маҳаллийлаштириш дастури ва халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш ва бошқалар.

Республикада амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва бу орқали янги Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ҳар бир фуқаронинг олий мақсадига айланиши лозим. Шундагина ҳар биримиз ўз фуқаролик бурчимизни бажарган бўламиз.

2-ШҶҒБА.
КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ: НАЗАРИЯ, АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ
ТАЖРИБА

*Нуриббетов Равшан Ибрагимович, и.ф.д., профессор
ТАҚИ инновация ва илмий ишлар бўйича проректор,
Хидирова Марғуба Рустамовна, мустақил тадқиқотчи*

**КОРПОРАТИВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ТЕХНОЛОГИК ВА
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

Корпоратив ишлаб чиқариш корхоналарида технологик ва модернизациялаш жараёнини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш умуман нафақат иқтисодиёт балки корхоналар даражасидаги муҳим масаладир. Бу асосан мақсадни белгилаш, стратегияни ишлаб чиқиш, зарур ресурсларни аниқлаш, ташқи муҳит билан ўзаро муносабатларни сақлаб туришдан иборат бўлиб, қўйилган вазифаларни бажаришга кенг имкониятлар яратади. Технологик ва модернизациялашни бошқаришнинг бошқа томони ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ички тузилиши ва ташкилий ўзгаришлар бўлиб, корхона салоҳиятини кучайтиришни таъминлайди.

Олиб берилган таҳлилларнинг кўрсатишича қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида технологик ва модернизациялаш жараёнларини ривожлантиришни амалга ошириш кенг миқёсда ташкилий ва бош мақсадларни ҳал қиладиган муаммолар бўлиб, уларга таъсир этадиган ички ва ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда фикримизча қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим:

1. Корхонанинг бош мақсадлари билан боғлиқ муаммолар. Бош мақсад даврий маънода келажакка йўналтирилган бўлиб, одатда корхонани мақсадлари, ресурслари ва натижаларининг ўзаро алоқаларини ривожлантириш учун самарадорликни оширишга қаратилгандир. Шу сабабли янги ишлаб чиқаришни яратиш ва эскиларини тугатиш, янги технологияни ва бозорларни ўзлаштириш тўғрисидаги қарорлар стратегик тавсифга эга бўлади.

2. Ишлаб чиқариш корхонасининг айрим элементлари билан боғлиқ бўлган муаммолар. Агарда корхона элементлари уни мақсадга эришиши учун зарур бўлса бу борада самарали қарор қабул қилиш лозим бўлади.

3. Ташқи омиллар, яъни назорат қилиб бўлмайдиган муаммолар. Саноат ишлаб чиқаришда технологик ва модернизациялаш жараёнини бошқариш муаммолари кўпинча ташқи омиллар таъсири остида келиб чиқиши мумкин. Шу сабабли стратегияни ва ривожланиш йўллари танлаш орқали корхонанинг келажакига қандай иқтисодий, сиёсий, илмий-техник, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсир қилишлигини аниқ билиш керак. Чунки ташқи муҳит мониторингини олиб бориш корхона самарадорлигини ва рақобатбардошлигининг муҳим шартидир.

Саноат корхонасининг қандай мулк шаклига боғлиқлигидан қатъий назар унинг фаолиятини режалаштиришни ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мотивлаштириш қабул қилинган қарорларни бажариш асосида бевосита амалга оширилади.

Технологик ва модернизациялаш жараёнларини самарали бошқаришнинг иқтисодий механизми ўзаро боғланган бир қатор тушунчалар билан ифодаланади:

- саноат корхонаси фаолиятини таҳлил этишда ва прогнозини баҳолашда бозор динамикасини тадқиқ этиш;

- янги бозорларни яратиш ва мавжудларини ўзлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- келажакда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш натижасида бозор динамикаси ва ҳолатларининг ўзгаришини мавжуд сценарийлар асосида маҳсулот ҳажмини башорат этиш;
- ишлаб чиқариш қувватларини, уларнинг ҳаётийлик цикли хусусиятларини тўлаллиги ва фаоллигини ҳисобга олиш;
- доимий равишда жорий динамикани нафақат сақлаш, балки қувват салоҳиятини ошириб боришни таъминлаш;
- ишлаб чиқариш қувватларининг жорий ҳолати, захира ва тўхтаб қолишларини, тўлиқ хизмат харажатлар динамикасини ҳисобга олиш.

Ҳозирги шароитда модернизациялаш, айниқса технологик модернизациялаш ҳар бир корхонанинг ажралмас қисми бўлиб, маҳсулот ва умуман унинг рақобатбардошлигини оширишга таъсир кўрсатади. Рақобатбардошликнинг кучайиши ўз навбатида корхона фойдаси ва самарадорлигини оширади. Демак, технологик модернизациялаш асосан микро даражада яхши самара беради. Замонавий корхоналарда модернизациялашнинг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин: комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш; кимёлаштириш; электрлаштириш; ишлаб чиқаришни ахборотлаштириш; янги замонавий энергиясамарадор ва ресурс тежамкор материаллардан фойдаланиш; янги илғор технологияларни ўзлаштириш; бошқарув тизимини такомиллаштириш.

Технологик модернизациялаш жараёнлари самарадорлигини оширишни баҳолаш илмий адабиётлар, химоя қилинган диссертациялар, мақолаларда ўрганилган бўлсада, аммо алоҳида технологик модернизациялаш самарадорлигини баҳолаш ва унинг кўрсаткичлари тўғрисида алоҳида деярли бир фундаментал ишланма яратилмаган. Ҳозирги кунда технологик модернизациялаш самарадорлигини баҳолашда фақат услубий тавсияларга асосланади. Лекин улар технологик модернизациялаш самарадорлигини баҳолашга тўла жавоб бермайди.

Уларнинг инвестицион лойиҳаларининг аниқ харажатларини белгилайдиган усул шу давргача яратилмаган. Шу сабабли модернизациялашни самарадорлигини соф аниқлаб бўлмайди.

Амалиётда модернизациялаш самарадорлигини таққослаш натижасида боҳолаш турли хил вариантлардан энг яхшисини танлаш учунгина эмас, балки корхонанинг фаолияти кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш учун ҳам зарур. Шу билан бирга технологик модернизациялашни амалга оширишда самарадорликни олдингиларига нисбатан янада яхшироқ натижаларига эришиш мақсадида ўрганилади. Айтиб ўтилган услубий тавсияларда бу масалалар ўз аксини топмаган. Модернизациялаш натижасида янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотни бозор баҳоси белгиланмаган. Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар технологик модернизациялаш самарадорлигини ўзига хос хусусиятларини асослайди. Ушбу хусусиятларни, бизнинг фикримизча қуйидагича изохлаш мумкин:

1. Модернизациялаш самарадорлигини баҳолашда янгиликлардан фойдаланиш давридаги фойданинг умумий миқдорини эмас балки, олдингиларга нисбатан кўпайишини ҳам ҳисобга олиш зарур. Ушбу талабни бажариш модернизациялашни техник-иқтисодий аниқлаш натижасида энг мақбул вариантини танлаш, самарадорликни нисбий ва мутлақ баҳолаш назариясидан келиб чиққанлигини кўрсатади. Услубий тавсиялар инвестицияларнинг мутлақ назарияси асосида баҳолашга мўлжалланган. Бундай ёндашув самарадорликни мақсадага мувофиқ бўлган вариантларни амалга ошириш натижасидаги харажатлар ва даромадлар ўртасидаги фарқ асосида аниқлашни назарда тутаяди.

Бизнинг фикримизча, буни сабаби корхоналарни модернизациялашга тайёрлаш ва ундан самарали фойдаланишга инвестицион лойиҳаларни йўналтиришга кўп иштирокчиларнинг жалб этилганлигидир. Чунки модернизациялаш жараёнида инвесторлар, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотлар, ишлаб чиқарувчилар ва унинг истеъмолчилари қатнашади.

Услубий ишланмаларда ҳар хил вариантларни таққослаш асосида аниқлаш мавжуд бўлган вариантларни танлаб олишдагина эмас, балки корхона фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини ҳам аниқлаш керак.

2. Модернизациялаш самарадорлигини баҳолашда эътиборни энг яхши вариантларни танлаш мумкин бўлган жараёнга қаратиш лозим. Услубий ишланмаларда бу масала ишлаб чиқилмаган, шу сабабли энг яхши вариантларни танлаб олишда уларнинг нафақат вақт омилларини, балки янги маҳсулот ҳажмини, сифатини, ижтимоий ва технологик омилларини ҳам эътиборга олиш лозим.

3. Модернизация вариантларни таққослаш ёрдамида баҳолаш усули баҳоловчи кўрсаткичлар тизимига асосланиши ва давлат ижрочилари, ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар манфаатларини ҳисобга олиш зарур, чунки инвестициялар самарадорлигини баҳолаш усуллари бир-бирини қайтаради ва уни баҳолаш инвестор манфаатини кўзлаб чекланган доирада амал қилади.

4. Модернизациялаш самарадорлигини баҳолаш натижасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва технологиядан фойдаланишнинг умумий самарасини ифодалаш керак. Бундай ёндашув модернизациялаш самарадорлигини умумий баҳолаш учунгина эмас, балки модернизациялашда қатнашган лойиҳаларга қўшган ҳиссасини ҳам аниқлаш имконини беради.

5. Модернизациялаш самарадорлигини баҳолаш учун дисконтлаш билан биргаликда компаундинг (янгиликни суғурталаш) ва аннуитет (инвестицияни суғурталаш) усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ҳолатда, модернизациялаш натижаси ҳар йили самарали фойдаланаётганлигини амалда кўриш мумкин.

6. Модернизациялаш самарадорлигини баҳолашда капиталдан даромад олишнинг иккита нормасидан фойдаланилади. Биринчи, модернизациялаш ғоясидан жорий йилдаги бир вақтдаги сарфларни ҳисоблашда ўзининг аҳамиятига қараб у фойдага келиши лозим. Иккинчи, капиталдан олинадиган даромад нормаси модернизациялашда қатнашувчи инвесторлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини мувофиқлаштиришда қўлланилади. Аммо, инвестиция самарадорлигини баҳолаш усули, ўз навбатида капиталдан даромад олиш нормасининг иккаласига асосланади. Шуни таъкидлаш лозимки, биз томондан тавсия этилган модернизациялаш самарадорлигини баҳолаш усули инновацион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда ҳам қўлланилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда модернизация самарадорлигини баҳолашда ягона кўрсаткичнинг иқтисодий моҳияти юқори бўлсада, кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биз томонимиздан таклиф этилаётган услубият кўп жиҳатдан фойдали бўлсада, корхонада олинган даромаднинг иқтисодий самарадорлигини ҳар йилги (t) фойда асосида қуйидагича аниқлаш тавсия этилади:

$$I_k C_t = V_t - C_t - H_t(1)$$

бунда, F_t -модернизациялаш олинган маҳсулотнинг t йилида амалга ошириш натижасида келиб тушган фойда; M_t - t йилдаги маҳсулот таннари;

C_t -баланс фойдадан тўланган умумий солиқ ва тушумлар миқдори.

Модернизациялашни амалга оширишга кетадиган сарфларни камайитириш, юқори сифатли маҳсулотлар ва хизмат кўрсатишдан фойдаланадиган истеъмолчилар сонини ошириш натижасида юқори иқтисодий самарага эришилади. Бунда, асосий эътибор янги

техникани маънавий эскиришини ҳисобга олишга, яъни $T=T_э$ га тенглаштиришга қаратилади.

$T_э$ - янги техникани маънавий эскириши.

Модернизациялаш асосида маълум вақтда фойдани ошганлиги сабабли тижоратлаш самараси миқдори вақтини ҳисобга олиш, яъни келажакдаги даромадларни ҳозирги вақтга келтириш, дисконтлаш ёрдамида ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Дисконт нормаси ёки фойда нормасини модернизациялашгача бўлган рентабеллик даражасини, уни амалга оширгандан сўнгги даража ўртасидаги фарқ билан ёки банк кредити, фонд миқдори даражаси билан белгилаш мумкин. Унда модернизациялаш натижасида тижорат самараси миқдори қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$C_k = t_{pk} * x_a \quad (2)$$

бунда, C_k - корхона ёки тижорат самараси; t_{pk} - тадбирни амалга оширишнинг бошланғич ва пировард вақти; x_a - дисконтлаш коэффиценти;

Модернизациялаш самарадорлигини баҳолашда турли вақтдаги инвестициянинг операциявий, молиявий харажатларни амалга оширадиган пул маблағларининг оқими кўриб чиқилади. Бунда модернизация тадбирларининг харажатлари маълум вақтда унинг натижаларидан кўп бўлиши мумкин.

Аммо, бошқа шароитларда самарадорликни баҳолашда энг муҳим чеклов ижобий бўлиши мумкин. Модернизациялаш самарадорлигини баҳолашда иқтисодий кўрсаткичларни тўғри ҳисоблаш услуги ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Ушбу маънода диссертацияда амалга оширилган ишланма амалиёт учун илмий-услубий нуқтаи назардан фойдали бўлиши мумкин. Шундай қилиб модернизациялаш самарадорлигини баҳоловчи ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоблаш услуги қуйидагилардан иборат:

1. Қўйилган қиймат (соф маҳсулот) + модернизациялаш натижасида корпоратив ишлаб чиқариш соҳасида ҳосил бўлган амортизация $CM(A)_1$ бир йил ҳисобида қуйидаги формула билан аниқланади:

$$CM(A)_1 = MX - M_1, \quad (3)$$

бунда, MX - модернизациялаш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, йил ҳисобида, сўм; M_1 - маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажат, йил ҳисобида, сўм.

Модернизациялашни амалга ошириш давомида соф маҳсулотни бир неча йиллардаги ҳажмини қўшилиши билан аниқланади.

2. Соф маҳсулотни ортиб бориши, амортизация қўшилган ҳолда модернизациялашни амалга оширилиши (бир йил ҳисобида) ишлаб чиқаришдаги ўхшаш янгилик $\Delta CM(A)$ асосида қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\Delta CM(A) = CM(A)_1 - CM(A)_0 \quad (4)$$

бунда, $CM(A)_1$ ва $CM(A)_0$ - соф маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми, амортизация қўшилган ҳолда (йил ҳисобида) тенг ҳолда янгиликни амалга ошириш ва унга ўхшаш натижалари, сўм.

Соф маҳсулотни, амортизация қўшилган ҳолда ишлаб чиқаришда соф маҳсулотни ҳажми ортиб бориши барча йиллардаги ҳажмини қўшилиши билан аниқланади.

3. Корпоратив ишлаб чиқариш соҳасида модернизациялашни амалга ошириш ёки фойдаланиш натижасида соф маҳсулот (қўшилган қиймат йил ҳисобида) қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$CM_1 = MX - M_1 - A_1 \quad (5)$$

бунда, MX - (1) формулада белгиланган; M_1 - (3) формулада белгиланган; A_1 - модернизациялашни амалга ошириш ёки фойдаланиш натижасида асосий фондларга киритилган амортизацияни йиллик суммаси.

Корпоратив ишлаб чиқариш соҳасида жорий этилган ёки фойдаланилган модернизациялаш (янгилик) натижалари бўйича умумий соф маҳсулот йиллар ҳажмини кўшиш билан аниқланади.

4. Соф маҳсулотни (ΔCM) ошириш модернизациялаш ёки янгилик натижалари базали вариант билан таққослаш борасида йил ҳисобида қуйидаги формулада аниқланади:

$$\Delta CM = CM_1 - CM_0, \quad (6)$$

бунда, CM_1 ва CM_0 - модернизациялаш натижасида, йил ҳисобида тенг ҳолда аввалги ҳолатга қараганда ишлаб чиқарилган соф маҳсулот, сўмда.

Ушбу кўрсаткични, яъни модернизациялаш натижасида соф маҳсулотни ошириш бутун давр бўйича қўшиш билан аниқланади.

5. Корпоратив ишлаб чиқариш соҳасида модернизациялаш бўйича даромад (D_1) йил ҳисобида қуйидаги формула билан аниқланиши мумкин:

$$D_1 = \Phi_1 - M_1 - X + A_1, \quad (7)$$

бунда, X - модернизациялашни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган иш ҳақи харажатлари, сўмда; Φ_1 - корпоратив ишлаб чиқариш соҳасида модернизациялаш натижаларини амалга ошириш, ундан фойдаланишдан ҳосил бўлган йил ҳисобидаги фойда, сўмда.

Корпоратив ишлаб чиқариш соҳасида модернизациялаш натижасида даромадни ошириб бориши қуйидагича аниқланади. Олдинги ҳолатга нисбатан бир йилда (ΔD).

$$\Delta D = D_1 - D_0 \quad (8)$$

бунда, D_1 ва D_0 - модернизациялашни амалга ошириш даврида ҳосил бўлган олдинги ва кейинги даромад, йил ҳисобида, сўмда.

Бу кўрсаткич миқдори ўзгариши натижасида ҳосил бўлган даромадни йиллар бўйича қўшиш билан аниқланади.

6. Корпоратив ишлаб чиқариш соҳасида модернизациялашни амалга ошириш ва фойдаланиш натижасида маҳсулот таннархини пасайиши ҳисобига олинган иқтисод қуйидаги формула бўйича аниқланади, бир йилга, сўмда.

$$I = (MX/MX_1) * T_{но} - T_{н1} = T_{про} - T_{н1}, \quad (9)$$

бунда, MX_1 - корпоратив ишлаб чиқариш соҳасида модернизациялаш натижасида база вариантыда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, бир йилга, сўмда; $T_{н1}$ ва $T_{но}$ - маҳсулотнинг норматив харажатларга асосланган таннарх, яъни модернизациялашни жорий этиш, уни аввалги ҳолат билан таққослаш натижасида ҳосил бўлган иқтисод, сўм.

Корпоратив ишлаб чиқариш соҳасида модернизациялаш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтиришдан олинган иқтисодни қўшиш билан аниқланади (йиллар кесимида).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кўриб чиқилган технологик ва модернизациялаш самарадорлигини баҳолаш услубияти иқтисодиёт фанидаги баҳолашнинг яна бир уриниши бўлди. Бунда ҳам баъзи бир муаммолар бўлиши мумкин, аммо тавсия этилган услубият фандаги бир янги йўналиш ҳисобланади, деб ўйлаймиз.

*Батаева Бэлла Саидовна. д.э.н., доцент Департамента корпоративных финансов и корпоративного управления ФГОБУ ВО «Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации»
Абдурашидова Марина Сагатовна, ст.преподаватель,
ТашГТУ имени Ислама Каримова*

ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ В РОССИИ.

При осуществлении приватизационных мер в России, англо-американская модель была взята в качестве наиболее развитой схемы корпоративной структуры. Это модель предполагает не прямую продажу собственности, а ее перераспределение через фондовый

рынок. Однако создать соответствующие финансовые рынки не удалось: поток капитала прошел не через них, а через конфискацию имущества в условиях упрощенного механизма банкротства. Лишь немногие вышли на фондовый рынок. Кроме того, корпорации из-за высокого налогообложения стали уходить в «теневой бизнес». Выбирая модель, исходили из того, что корпорация как институт универсальна и практически не зависит от национальных и других характеристик. Однако опыт многих стран, включая Германию и Японию, показывает, что крайне важно опираться на национальные традиции, культуру и специфику исторического развития.

На практике внедрение англо-американской модели корпоративного управления столкнулось с серьезным сопротивлением со стороны тех групп, которые уже получили контроль над собственностью в рамках номенклатурной приватизации, и прежде всего со стороны директорского корпуса.

Сегодня в России существуют достаточно мощные группы, заинтересованные в внедрении континентальной модели - в первую очередь банки и олигархические группировки. Это приводит к созданию стабильной непоследовательности в формирующейся модели корпоративного управления в России. Суть противоречия в том, что сосуществуют два, в принципе, противоположных подхода. Первый связан с концентрацией акционерного капитала, что предполагает минимальные средства правовой защиты для акционеров; вторая имеет англо-американскую юридическую традицию, характеризующуюся максимизацией средств правовой защиты миноритарных акционеров. Сочетание этих подходов привело к уникальной ситуации взаимной нейтрализации. В этом смысле Россия не стала исключением из правил, присущих странам с переходной экономикой. Борьба экономических интересов на фоне национальных и исторических особенностей России, отразила основные особенности, характеризующие состояние корпоративного управления.

1. Формирование олигархических структур на основе слияния банковского и промышленного капитала.

В результате появления олигархических структур основные отрасли делятся на сферы влияния между отдельными группами, которые борются между собой за перераспределение собственности и влияние на высшие эшелоны власти. В этих условиях банки утратили способность выполнять функции финансовой инфраструктуры, так как свободный поток капитала через границы олигархических групп оказался затруднен. Внешне эти группы могут напоминать японскую «кейрецу». Но полное отсутствие национальной идеологии, деловой морали, норм и ценностей превращает их в инструмент обогащения олигархов, а не в средство достижения национальных целей, как это имеет место в Японии.

2. Отсутствие четких границ между политической сферой и рынком.

Многие крупные российские корпорации имеют государственные пакеты акций. Но государство не хочет брать на себя соответствующие функции, а предпочитает передавать свои акции в доверительное управление генеральным директорам. В результате возникает такое явление, как собственность. Речь идет о неразделённом единстве власти и несвободных функциях: политическое руководство дает неотъемлемое право распоряжаться собственностью, а собственность органично подразумевает существование политической власти.

3. Отток финансовых средств за рубеж.

«Центры прибыли» большинства крупных российских компаний расположены за рубежом. Почти вся прибыль и значительная часть других инвестиционных ресурсов вывозятся за рубеж, а затем, при необходимости, реинвестируются в компании в виде кредитов от иностранных банков или прямых инвестиций иностранного капитала. Ежемесячно из России экспортируются сотни миллионов долларов через фиктивные

сделки по покупке и продаже акций российских корпораций, фиктивные импортные контракты и т.д. Государственные структуры либо не в состоянии, либо не желают препятствовать выводу финансовых ресурсов за рубеж. В то же время российская экономика испытывает дефицит инвестиционных ресурсов.

4. Неэффективная структура собственности, а также неразвитая корпоративная демократия.

Массовая приватизация создала предпосылки для рассеивания акционерного капитала среди большого числа индивидуальных собственников. Однако отсутствие механизмов учета интересов мелких собственников и возможность влиять на принятые решения привели к массовому демпингу акций мелкими собственниками. Акции покупались либо спекулянтами, либо корпоративными менеджерами. В свою очередь, эмбриональный фондовый рынок не смог существенно повлиять на действия менеджеров.

В результате возникла ситуация, когда отсутствие контроля со стороны акционеров и фондового рынка создало предпосылки для беспринципного поведения менеджеров, то есть для того, чтобы они максимизировали собственную полезность в ущерб интересам акционеров. В результате массовой приватизации 1992-1994 годов, старые механизмы контроля над руководителями были уничтожены, а новые, по крайней мере в краткосрочной и среднесрочной перспективе, не были созданы. Также структура собственности России неэффективна в социальном аспекте. Это лишает ее правомерности в глазах части населения страны. Таким образом, «структура собственности не только не отвечает критериям экономической эффективности, но и создает предпосылки для обострения социально-экономических проблем в среднесрочной и долгосрочной перспективе»⁶².

5. Укрепление монополистических тенденций в экономике.

Одной из наиболее важных задач приватизации и экономической реформы является обеспечение конкуренции, роста предпринимательства и частной деятельности. Но на смену зональной монополии пришла олигархическая монополия, которая, как упоминалось выше, появилась во многом благодаря «своеобразной» организации аукционов по кредитам на акции.

В результате монополистические тенденции после приватизации заметно усилились. Это негативно сказывается на конкуренции в экономике в целом, в том числе на развитии малого и среднего бизнеса.

Эксперты Всемирного банка считают, что одной из основных причин неэффективности российской экономики является недостаточное развитие малого бизнеса и чрезмерное доминирование крупного «олигархического» капитала. Действительно, мировой опыт показывает, что большинство инноваций рождается в среде малого и среднего бизнеса. Однако они становятся движущей силой только тогда, когда попадают в сферу интересов корпораций, которые могут финансировать расходы на НИОКР. То есть крупные корпорации должны определять потенциал роста малых предприятий, обеспечивая им эффективный спрос и интегрируя их в различные формы в свои структуры.

6. Неоднозначность положения собственности.

Двусмысленность имущественного статуса создает непродуктивный класс собственника - все время ждет отчуждения. Такой владелец не заинтересован в развитии корпораций; напротив, активы расхищаются, а капитал вывозится бесконтрольно. Определенность статуса собственника позволяет усилить контроль над активами со стороны новых собственников (внутренних или внешних) и позволяет начать не только

⁶² Олейник А. Институциональные ловушки постприватизационного периода в России // Вопросы экономики. - 2004. - №6. стр. 31.

реструктуризацию корпораций, но и более интенсивную переориентацию их поведения на критерии экономической эффективности (такие как рост предприятия, увеличение ее фондов и т.д.).

Таким образом, российские корпорации сейчас находятся в состоянии, когда им особенно нужны существенные преобразования, которые присущи рыночной экономике.

Их можно разделить на две группы:

- 1) преобразования в структуре корпоративного управления;
- 2) структурные изменения экономики.

С 2001 года российская система корпоративного управления претерпела существенные положительные изменения, которые обеспечили движение к рыночной экономике и демократическим ценностям.

С этого периода Федеральная комиссия по рынку ценных бумаг (ФКЦБ) приняла новые правила раскрытия информации. Основным документом, в котором сформулированы новые требования в области раскрытия информации на рынке ценных бумаг, является Постановление ФКЦБ "О раскрытии информации эмитентами ценных бумаг" от 02.07.2003 № 03-32/пс. Согласно этому постановлению, АО, обязанное раскрывать информацию в виде ежеквартального отчета и сообщений о материальных фактах в случае внесения поправок в Устав или внутренних документов или их принятия в новой редакции, должно опубликовать эти документы с поправками в интернете не позднее чем через три дня с даты публикации на сайте сообщения о соответствующем решении общего собрания акционеров. Эта резолюция также внесла изменения в критерии, определяющие необходимость раскрытия корпорациями информации в виде ежеквартального отчета, информации о материальных фактах, а также информации, которая может оказать существенное влияние на стоимость ценных бумаг эмитента, и другой информации, раскрытие которой предусмотрено указанным нормативным актом.

Одним из наиболее важных направлений совершенствования корпоративного управления в России является изменение правил торговли на рынке ценных бумаг. 4 марта 2004 года ФКЦБ принял постановление "Об утверждении постановления о деятельности, связанной с организацией торговли на рынке ценных бумаг". В соответствии с этой резолюцией, только организаторы торговли с биржевой лицензией теперь могут перечислять и иметь раздел для принятия форвардных сделок. Данный указ устанавливает дополнительные требования к руководящим органам фондовых бирж. Фондовая биржа, которая является акционерным капиталом компании, должна иметь совет директоров, не менее половины членов которого обязаны соответствовать определенным требованиям, которые примерно аналогичны требованиям Кодекса корпоративного поведения для независимого директора.

Также в соответствии с указом ФКЦБ на биржах создается новый экспертный центр - биржевой совет, обязанности которого включают предварительное обсуждение различных проектов документов биржи, заключение листингового отдела о присоединении (или неприсоединении) ценных бумаг в оценочный список и т.д. Важное значение имеют те самые меры, которые способствуют осуществлению положений Кодекса корпоративного поведения. В частности, корпорации должны раскрывать о соблюдении или несоблюдении Кодекса поведения в своих ежеквартальных и ежегодных отчетах и проспектах.

Одним из наиболее важных элементов системы корпоративного управления является состояние отношений между управляющими и акционерами. Связующим звеном в отношениях является совет директоров, основной задачей которого является обеспечение баланса между интересами акционеров и управленцев. В целях поддержания объективности и сбалансированности решений, принимаемых советом директоров в рамках глобальной практики корпоративного управления, был создан широко

распространенный институт независимых директоров. Это могут быть профессионалы с безупречной репутацией, представляющие интересы акционеров, не связанные с группами по интересам.

В России понятие «независимый директор» впервые было введено Кодексом корпоративного поведения, но законодательного определения его до сих пор нет. Кроме того, Кодексы корпоративного управления некоторых компаний устанавливают несколько иную концепцию независимого директора, чем Кодекс корпоративного поведения Российской Федерации.

Эксперты практически единодушно отмечают необходимость этих мер, критикуя отдельные моменты и несоответствия и отмечая необходимость четкого фиксирования механизмов, обеспечивающих их осуществление.

Вопреки некоторым ситуационным улучшениям в экономике, необходимость структурных реформ не теряет своей актуальности. Многие проблемы в российской экономике были прямо или косвенно связаны с тем, что государство в значительной степени вышло из структурной перестройки и не проводило активной промышленной политики. Эта ситуация не способствует решению проблем построения подлинной рыночной экономики.

На формирование системы корпоративного управления в России во многом влияет состояние отношений между крупным бизнесом и государством. В настоящее время в экономической литературе можно найти множество публикаций о проблемах взаимодействия государства и корпораций. В то же время предлагаются самые разнообразные положения такого взаимодействия - от трактовки государства как ведущего экономического субъекта и доминирующего фактора экономического роста до позиционирования государства в роли "ночного сторожа". В итоге образуется призма, вершинами которой являются государство, крупный бизнес, малый и средний бизнес. Конечно, эти элементы структуры экономики не существуют в локальной форме. На практике это сложная форма переплетения отношений акционеров, частной собственности и участия государства.

Как показывает практика России в последние годы, активность (и в ряде сфер пассивность) государственных структур в значительной степени расшатывается в связи с формированием эффективной и целостной модели корпоративного управления.

Особые отношения между государством и корпорациями сложились в послевоенный период в некоторых азиатских странах (Япония, Корея). В этих странах корпорации возникали и развивались при непосредственном участии государства.

Этот процесс имел следующие особенности: создание крупных корпораций осуществлялось по инициативе государства и с его непосредственным контролем над этим процессом; этот процесс проходил в рамках индикативного (рекомендованного) планирования и на основе стратегии социально-экономического развития страны; государственная политика предусматривает существенную поддержку отдельных секторов национальной экономики, ориентацию деятельности корпораций на инновационные технологии, развитие их конкурентных преимуществ в контексте глобализации; Государство полагалось на мультипликативный эффект развития крупного бизнеса (экспортные отрасли отдавали заказы другим отраслям национальной экономики).

В настоящее время, анализируя ситуацию в этих странах, можно говорить о формировании консенсуса между крупным бизнесом и государством, основанного на более или менее стабильной системе отношений. Конечно, эта система далека от идеала, но достаточно эффективна с точки зрения устойчивого экономического развития. Для России это важная проблема, так как до перехода на рынок в стране действовало достаточно значительное секторальное управление. В его рамках были решены задачи планирования заказов и продаж продукции, закупки сырья и материалов, финансирования

развития и реконструкции, привлечения инвестиций, организации необходимого сотрудничества и специализации и т.д. В настоящее время роль промышленного управления снизилась или практически сведена к нулю. Между тем потребность в координации не только сохраняется, но и усиливается. Возникший в результате этого вакуум координации можно преодолеть путем организации эффективного взаимодействия между государственными учреждениями и крупными корпорациями. Выбор возможной стратегии развития. Несмотря на масштабные рыночные преобразования, российская экономика продолжает сохранять все признаки ресурсоемкого масштабного развития. Ведущую роль в структуре экономики по-прежнему играют сырьевые и добывающие отрасли с довольно несбалансированным блоком обрабатывающей промышленности и недостаточным развитием сферы услуг. Хорошо известно, что чрезмерное внимание к внешнему рынку сырья делает национальную экономику опасно зависимой от колебаний глобальной окружающей среды. Государству необходимо выбрать приоритеты в промышленной политике для различных отраслей.

Выбор таких приоритетов основывается на одной из трех основных стратегий развития. 1. Стратегия использования природных ресурсов, которая широко и довольно успешно используется нефтедобывающими странами. Она основана на разработке и экспорте углеводородного сырья с привлечением иностранных инвестиций и использованием полученных доходов для повышения благосостояния страны и развития отраслей, ориентированных на внутренний рынок. 2. Стратегия "преследования" предполагает развитие производства конкурентоспособной продукции, ранее произведенной в развитых странах. Дешевая рабочая сила и более низкая стоимость ресурсов делают возможным закрепиться на рынках через ценовую конкуренцию⁶³. Следующим этапом является переход к производству более качественной и оригинальной продукции. Этот путь был покрыт Японией, Кореей и другими странами юго-восточной Азии. В настоящее время Китай проводит аналогичную стратегию. 3. Стратегия "передний край", характерный для промышленного развития Соединенных Штатов и ведущих европейских стран, и в последние 25 лет для Японии, является создание новых технологий и продуктов, основанных на достижениях научно-технической революции, формирование спроса и новых рынков на этой основе.

Как видим, среди проблем и тенденций в развитии российской модели корпоративного управления адаптация направлена на зарубежные методы и управленческие технологии к проблемам российских предприятий. Решение этой проблемы рассматривается в необходимости разработки принципиально иного подхода, основанного на создании условий для формирования нового российского типа корпоративного управления с учетом исторических, экономических и социальных особенностей национального управления.

*Қаққоров Отабек Сиддиқович, и.ф.д. (DSc),
Проректор, БДУ*

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ: ЗАМОНАВИЙ УСУЛ ВА ЁНДОШУВЛАР

Мамлакатимизнинг кўплаб ижтимоий, ташкилий, иқтисодий, институционал, маданий, кадрлар, ахлоқий ва бошқа муаммоларни келтириб чиқарган бозор муносабатлари тизимида кириши олий таълим соҳасига ўз таъсирини кўрсатди. Ривожланишнинг инновацион йўналишига йўналтирилган тармоқ ислоҳоти, давлат томонидан тартибга солишнинг мослашувчан сиёсати ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган

⁶³ <http://www.cis2000.ru/cisFinAnalysis/alekseevacomplexanalysisBF.shtml>

соҳанинг самарадорлигини ошириш учун бозор механизмларидан фойдаланган ҳолда аралаш моделларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги —Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармонида —Олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш бўйича, тажриба тариқасида давлат улушининг 51 фоиздан кам бўлмаган қисмини сақлаб қолган ҳолда айрим давлат олий таълим муассасаларини (олий ҳарбий таълим муассасалари бундан мустасно) давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, уларда корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш назарда тутилган.

Олий таълимга оммавий талабнинг ўсиши тенденцияси аниқ кўринадиган макродаражадаги олий таълимда бошқарувнинг бозор тамойилларига мослашиш жараёнлари, асосан, маъмурий ислохотлар, янги давлат бошқарувининг жорий этилиши ва олий таълимни молиялаштиришда давлат улушининг камайиши натижасида содир бўлади. Бозор ёндашуви олий таълим самарадорлигини баҳолашда тизим рақобатбардошлиги, самарадорлиги, ҳисобдорлиги, шаффофлиги ва сифатининг муҳимлигини таъкидлайди. Микродаражада ушбу тенденциялар Олий таълим муассасалари (бундан кейин ОТМлар)нинг даромад манбалари ва молиявий оқимларини фаол равишда диверсификация қилишга, замонавий бошқарув ва бюджетлаштириш усулларини жорий этишга ва ўз фаолиятини мижозга йўналтиришга мажбур қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги —Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисидаги 967-сонли қарорига мувофиқ, —ОТМларнинг мустақиллиги, академик эркинликлар, ресурсларни мустақил бошқариш, стратегик қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асос яратиб, давлат аралашувининг роли камаймоқда. Олий таълимдаги институционал ўзгаришлар университетларнинг эркинлик даражасини кенгайтиришга қаратилган, чунки харидорларнинг турли гуруҳларига тақдим этиладиган турли хил таълим шакллари талаб ва таклифни тартибга солиш жараёнида бозор механизмлари кўпинча маъмурий механизмларга қараганда самаралидир.

ОТМларнинг турли хил рақобат муҳитида ишлаши уларда корпоратив бошқарувни шакллантиришни тақозо этади. Бу корпоратив бошқарув маданияти тамойилларини, масалан, натижаларни баҳолаш, меритократик (Меритократия раҳбарлик лавозимларига энг муносиб ва қобилиятли шахсларни қабул қилиш ҳамда хизмат поғоналари бўйича кўтариш) иш ҳақи схемаларини жорий этишга олиб келади.

Таълим жараёнида корпоратив маданиятнинг устунлиги, бозор шароитида ОТМнинг —мижозларга йўналтирилган мақсадларга жавоб беришда мослашувчанликни аниқлаш, компетентлик (ваколатлик) ва ишбилармонлик биринчи ўринга чиқади.

Шу билан бирга, корпоратив бошқарув тамойилларини олий ўқув юртлирида қўллаш академик эркинликлар ва демократик коллегиялик тамойилларининг пасайишига таҳдид солади, чунки бошқарувнинг профессионаллиги кучайтирилади ва маъмурий менежерларнинг роли ошади, бу республика ОТМлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ва давлат томонидан тартибга солиш амалиётини ҳисобга олган ҳолда корпоратив бошқарув тамойилларини акциядорлик тизимидан таълим тизимига мослаштиришни талаб қилади.

Хорижий тадқиқотларда ОТМларда корпоратив бошқарувни шакллантириш масаласи фаол муҳокама мавзуси бўлиб қолмоқда. ОТМларда корпоратив бошқарувни жорий этиш бўйича бир қатор фикрлар мавжуд. Улардан бири корпоратив дунёга хос бўлган фаолият ва бошқарув принциплари ва усулларини университет муҳитига ўтказиш имкониятини рад этади.

Бошқа йўналишлар вакиллари эса замонавий олий таълим бозор муносабатларининг амалдаги субъекти эканлиги сабабли бозор қонунлари ва ўйин қоидаларини қабул қилмасдан фаолият кўрсатиши мумкин эмаслигини тан олишади.

Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий адабиётларда ОТМларнинг аниқ ва бир хилдаги корпоратив бошқарув концепцияси ҳали ишлаб чиқилмаган. Тадқиқотчилар кўпинча ОТМлардаги корпоратив бошқарувнинг кўп қиррали, мураккаб ва қарама-қарши жараёнларини ушбу ҳодисанинг ягона мезонига йўналтиришга ҳаракат қилишади. Ушбу мезон эса молиявий компонент ҳисобланади. ОТМда корпоратив бошқарувни аниқлашга турли ёндашувларни таҳлил қилиш, ушбу атама тушунчасини ҳам макро, ҳам микродаражада шакллантиришга имкон берди. Фикримизча, **Макродаражада** давлат томонидан тартибга солиш, олий таълимда корпоратив бошқарув усуллари, моделлари ва энг яхши амалиётини жорий қилиш, ўзгартириш ва мослаштириш, ОТМларнинг автономлигини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий самарадорликни ошириш учун давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этишдир.

Микродаражада манфаатдор томонларнинг манфаатларини таъминлайдиган ва таълим муассасасининг ўз вазифасини бажаришга ва олий таълимнинг академик кадриятларини сақлашга ҳисса қўшадиган бизнес ҳамжамияти билан узоқ муддатли ҳамкорлик учун шароит яратадиган самарали корпоратив бошқарув механизмларидан фойдаланиш тушунилади. ОТМда корпоратив бошқарувни шакллантириш жараёни узоқ муддатли, чуқур ўйланган жараён бўлиб, у нафақат олий таълимнинг ишлаш механизмларига, балки хусусий сектор билан яқин муносабатлар ва ҳамкорликка ҳам таянади. Бу университет ҳаётининг корпоратив иқтисодиёт, маданият ва амалиётга жиддий кириб бориши билан ажралиб туради. Корпоратив бошқарув жараёни олий ўқув юртларининг ташқи ва ички муҳитига таъсир қилади.

ОТМларни ўз-ўзини молиялаштиришга ўтиш даврида, фикримизча, университетларда корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишларини ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади: давлат ва олий таълим муассасалари ўртасидаги ташкилий, иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа муносабатлар мажмуасини либераллаштириш; замонавий стратегик менежмент тамойилларидан фойдаланиш ва ОТМлар фаолиятини натижаларга қараб баҳолаш; университетни бозор иқтисодиёти иштирокчиси сифатида кўриб чиқиш ва баҳолаш. Гап шундаки, ОТМлар бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш муаммоси билан кўпроқ тўқнашмоқдалар. Чунки Ўзбекистон олий таълим муассасаларида бюджет маблағлари тушуми улушининг йилдан-йил камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Шундай қилиб, университетда корпоратив бошқарув жараёнларининг ноаниқлиги феномени ушбу жараённинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонларидан аниқланади. Корпоратив бошқарув тарқалишининг зарур шarti университетнинг ижтимоий мақсади ва масъулият соҳаларида доимий иштирок этишидир. Ушбу чегараларни бузиш салбий оқибатларга олиб келади ва олий таълим фаолияти ва моҳиятига таҳдид солади.

ОТМларнинг кўпгина бошқарув хусусиятлари корпоратив бошқарув тамойилларининг самарали ўтишига қаршилик қиладиган тўсиқларга ҳам боғлиқ эди, шу жумладан: бошқарув тузилмаларининг сустлиги, марказлаштиришнинг юқори даражаси, бу бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш учун кўп вақтни талаб қилади, молиявий-иқтисодий фаолият ва мулкый бошқарувдаги чекланган автономия. ОТМнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қарамай, илм-фан ва таълим вакиллариининг ишбилармонлар билан ўзаро алоқада бир-бирини тушуниши қийинлиги таъкидланди, чунки биринчилари харажат ва ижтимоий самарадорлик тили (кўпинча назарий жиҳат)да, иккинчиси иқтисодий самарадорлик тили (асосан, амалиёт жиҳати)да гаплашадилар.

Хулоса қилиб айтганда, биз кўриб чиққан ОТМ инновацион модели корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш имкониятини яратади ва ОТМларни янада

ривожлантириш учун аниқ афзалликлар ва имкониятларга эга бўлади. Шу билан бирга, қарор қабул қилиш механизми ва фаолиятнинг стратегик йўналишларини белгилаш юқоридан пастга эмас, балки пастдан юқорига кечиб, профессор-ўқитувчилар, ректорат, Илмий кенгаш ва директорлар кенгаши ўртасида келишувни таъминлашда мақсад ва манфаатларни мувофиқлаштириш орқали амалга оширилади. Даромад манбаларини диверсификациялашни кучайтириш университетни кўп манбали молиялаштиришда муҳим роль ўйнайди, бизнес, фан ва таълим ўртасидаги маълумот ва тушунишни аниқлаш муаммолари ҳал қилинади. Университетнинг обрў-эътибори ҳам ортиб бориб, қизиқишларни мувофиқлаштириш даражаси ва барча манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини қондириш даражаси ошади.

*Махкамова Мамлакат Абдукадировна, и.ф..д., профессор,
Урманова Дилбархан Тешабаевна, доцент,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР САВДОСИДА АКЦИЯЛАРНИ ОММАВИЙ ЖОЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЖИҲАТЛАРИ

Ўзбекистон фонд биржасида аҳолига ва тадбиркорлик фаолияти субъектларига акцияларни бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) ошкора таклиф этишни жорий этиш 2017 йил 17 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида белгилаб қўйилди. Мазкур Президент Фармонида давлат мулки объектларини сотишда халқаро амалиётда кенг фойдаланилаётган шаклларида фойдаланишни жорий этилиши белгиланди.

IPO (“Initial Public Offering”) инглиз тилидан олинган бўлиб, қимматбаҳо қоғозлар бозорида харидорларга акцияларни бирламчи ошкора таклиф этиш маъносини билдиради. Бунда акцияларни чекланмаган шахслар орасидаги дастлабки сотуви, дастлабки таклиф қилиниши ҳисобланади. IPOни ўтказишдан асосий мақсад корхонага кенг доирадаги инвесторлардан капитал жалб қилишдир. IPOни ўтказишнинг жаҳон амалиётига назар ташласак, бундай операциялар ҳажми бўйича АҚШ ва Хитой давлатлари етакчилик қилади. Масалан, Alibaba Group 2014 йилда IPO ўтказиш натижасида 25 миллиард АҚШ доллариди акцияларни сотишга эришган. Ушбу компания Хитойда онлайн тижорат соҳасида фаолият олиб бориб, компаниялар ўртасида савдо операциялари ва чакана савдоларни онлайн тизимида амалга оширади. Ривожланган хорижий давлатларнинг трансмиллий корпорациялари ушбу компаниянинг фаолиятидан тўлиқ фойдаланадилар. SPO (“Secondary Public Offering”) ҳам инглиз тилидан олинган сўзлар ибораси бўлиб, қимматбаҳо қоғозлар бозорида харидорларга ошкораликда акцияларни иккиламчи таклиф этиш маъносини билдиради. Бунда мавжуд акциядорларга тегишли акцияларнинг иккиламчи оммавий тарзда жойлаштириш жараёни амалга оширилади. Корхона акциядорларига тегишли акциялар сотуви оммавий тарзда таклиф этилади. SPO IPOдан фарқи шундан иборатки, SPO корхона устав капиталига таъсир кўрсатмайди. SPO корхона акцияларининг жозибдорлигини оммавий сотилишини, ликвидлигини оширади ва инвесторлар доирасини кенгайтиради. Келгусида IPOни самарали амалга оширишга имкониятлар яратади. АҚШнинг юқори технологияли компаниялари SPO амалиётидан тўлиқ фойдаланганлар. Масалан, Microsoft компаниясининг асосчиларини акциялари SPO амалиётидан фойдаланган ҳолда бир неча бор сотилган. Ўзбекистонда ҳам акцияларни сотиш амалиётида IPO ва SPOлардан фойдаланиш йўлга қўйилган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг “Фонд биржасида акцияларни оммавий таклифини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида республикамызда “Кварц”

АЖ ва “Кўқон механика заводи” АЖ акцияларни фонд биржасида оммавий сотиш амалга оширилди. Акцияларни оммавий сотишда “Кварц” АЖ IPO амалиётидан, “Кўқон механика заводи” АЖ SPO амалиётидан фойдаланди. Бундай акцияларни сотиш жараёнида инвестор сотувга таклиф қилинаётган акцияларнинг умумий ҳажмини 0,05 фоиз миқдоридан ортиқ бўлмаган миқдорда акцияларни харид қилиш мумкинлиги белгилаб қўйилган.

“Кўқон механика заводи” АЖ - Ўзбекистон машинасозлик тармоғида пешқадамлик қилувчи, ҳамда нефт-газ ва кимё соҳаси учун ускуналарни ўз ичига олган 50 турдан зиёд маҳсулотларни ишлаб чиқаради. “Кўқон механика заводи” АЖнинг асосий акциядори “Ўзбекнефтгаз” МХК қошидаги “Ўзнефтгазмаш” акционерлик жамиятидир. Охирги беш йил давомида Кўқон механика заводи даромадлари барқарор ўсди ва 2017 йилда рекорд рақам - 84 млрд.сўмга эришди. 2017 йилда соф фойда 2016 йил билан солиштирганда 33 %га ўсди, сўнгги беш йил ичида дивидендлар миқдори 2,7 баробарга ошди. Кўқон механика заводинининг Қозоғистон, Россия, Қирғизистон ва Туркменистон бозорларига чиқиши сабабли акциялар курси ўсди. Бундан ташқари, корхонада маҳсулотлар хилма-хиллигини орттириш ва янги хизматларни ишга тушириш натижасида ишлаб чиқариш барқарор ўсади ва инвесторларни доимий даромад билан таъминланишига имконият яратилади.

Жорий йилнинг ноябрь ойида “Кўқон механика заводи” АЖ SPO амалиётини ўтказиш учун 2,2 млн акцияларни сотувга қўйди ва жисмоний шахслар томонидан акцияларни сотиб олиш учун аризалар қабул қилинди. Акцияларни иккиламчи жойлаштириш (SPO) доирасида заводнинг 2,2 млн акцияларини сотиш мўлжалланган, бу, ўз навбатида, “Ўзнефтгазмаш” улушини 64,08 %гача туширади ва бошқа акциядорлар улушини 35,92 %га чиқаради. Акцияларни сотиш натижасида тушган маблағлар ишлаб чиқаришни янгилаш, кенгайтириш ва модернизация қилишга, ҳамда янги бозорларни ўзлаштиришга йўналтирилади. Бу жараён асосида “FREEDOM finance” инвестицион компанияси республикаимиз шаҳарларида кенг кўламда “road show” (намойиш) ўтказди ва бунда жисмоний шахсларга акцияларни иккиламчи бозорда сотиб олишнинг афзалликлари ва сотиб олиш жараёни бўйича маълумотлар бердилар, ҳамда уларга акцияларни сотиб олишда кўмаклашдилар. Бунинг натижасида Кўқон механика заводи акциялари нархи 1,5 баробарга ортишига эришилди. “FREEDOM finance” - хусусий инвесторларга Ўзбекистон, Қирғизистон, Украина, Қозоғистон, Россия, АҚШ ва Европа фонд бозорларига киришни таъминловчи Марказий Осиёнинг етакчи сармоявий брокеридир. Компания Россияда 36 та офис, Қозоғистонда 16 та ваколатхоналар, шунингдек Киев, Тошкент ва Бишкекда ўз шахсий офисларидан иборат тармоқни барпо этган. “FREEDOM Holding Corp”нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси МЧЖ шаклидаги “FREEDOM finance” чет эл корхонаси бўлиб, корхона стратеглари томонидан ишлаб чиқилган дастурлар, иштирокчиларга йирик миллий корхоналар шерикларига айланишлари мақсадида ўз активларини молиявий жихатдан тўғри бошқаришга ёрдам беради.

IPO ва SPO амалиёти Фонд бозори орқали Ўзбекистон аҳолиси орасида инвестиция киритиш имкониятларини яратди. АҚШ аҳолисининг 78 %и ўз маблағларини банк ҳисоб рақамларида ёки омонат жамғармаларида эмас, балки акциялар кўринишида сақлайдилар. Кореяда бу кўрсаткич 30 %ни, Ўзбекистонда эса атиги 1 %ни ташкил этади. Жорий йилда ўзбек инвесторлари “Кварц“ заводи акциялари орқали даромад олдилар, завод акциялари нархи ярим йил ичида 64%га ошиб кетди. Кўқон механика заводи ҳам SPO ўтказиш орқали акцияларини сотиш муносиб тарзда фойда келтирадиган таклифлардан бири ҳисобланади. Ушбу завод акциядор(инвестор)ларга 2013 йилдан эътиборан соф фойданинг 13 %дан 15 %гача бўлган миқдорини дивиденд шаклида тўлаб келади ва 2017 йилда дивиденд ҳажми 1,7 млрд сўмни ташкил этди. Заводнинг асосий буюртмачилари

“Ўзбекнефтгаз” МХК таркибига кирувчи ташкилотлар бўлганлиги сабабли, завод автоматик равишда ишончли ва барқарор ташкилотдир. Қўкон механика заводи акцияларини ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар, шунингдек чет эллик инвесторлар сотиб олишлари мумкин.

Хулосада шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимиздаги акционерлик корхоналари акцияларни сотишда IPO ва SPO амалиётларидан фойдаланиши зарурдир.

Ўзбекистонда акционерлик корхоналарини молиялаштиришда IPO ва SPO амалиётларидан фойдаланиш орқали қуйидаги ютуқларга эришилади: Биринчидан, катта миқдорда капитални жалб қилиш имконияти яратилади ва бунинг натижасида истикболли лойиҳалар амалга оширилади. Иккинчидан, акциялар доимий капитал манбаси сифатида хизмат қилади. Учинчидан, акцияларнинг ликвидлилиги ошади ва корхона йирик ҳамда узоқ муддатли молиялаштириш манбаларига эга бўлади. Тўртинчидан, келажакда позициялари кучлироқ компанияларнинг ўзаро бирлашуви осонлашади. Бешинчидан, компаниянинг нуфузи ошади, унинг инвестицион жозибadorлиги таъминланади ҳамда бозорда йирик ва ўрта молиявий маблағларга эга шахсларни жалб этишда машҳурликка эга бўлади.

*Тляужева Альбина, доцент,
КБГУ имени Х.М. Бербекова, Россия
Урманова Дилбархан Тешабаевна, доцент,
ТашГТУ имени Ислама Каримова*

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫХ КОРПОРАЦИИ В РАЗВИТИИ МЕЖДУНАРОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ

Транснациональные корпорации – осуществляющий деятельность в нескольких странах и имеют зарубежные филиалы, а также управляют этими филиалами на основе единого механизма принятия решений для достижения получения прибыли и максимизации рынка.

Цель написания статьи изложение проведенный анализ эффективности транснациональных корпораций в развитии международных экономических отношений. Конкурентная среда в рыночных отношений и проблемы капитализации во всех сферах экономики характерен стремительно идущий процесс транснационализации. В процессе транснационализации мощный движущей силой выступают транснациональные корпорации. Эти корпорации состоит из головной (родительской, материнской) компании и зарубежных филиалов и головная компания контролирует деятельность входящих в объединение предприятий путем владения долей (участием) в их капитале.

На сегодняшний день ТНК может стать эффективно решающим социально-экономических проблем стран, эффективно формирующий группу иностранных инвесторов и носителей новых технологий во всех сферах экономики. Поэтому автор изучает особенности и эффективности ТНК. Автор считает, во время пандемия такая форма организации эффективное, поэтому такую организационную форму надо развивать. В ТНК объединяются цели и стратегии фирмах для получения прибыли. Но при этом государство обязательно должно их контролировать и регулировать, чтобы у них цель и стратегия должно направлены на благосостояния и спокойствие населения мира. Человеческий мир должен прозрачным, мирным и экологически чистым. На этих целях должны организовать и направлять ТНК.

Вообще, первое определение ТНК было дано Д. Лилиенталем в 1960 году. Он понимал под ТНК «такие корпорации, которые имеют свой «дом» в одной стране, но которые осуществляют свои операции и живут по законам других стран». **ТНК** – это международная организация, построено в рамках сотрудничество, объединяющих цели и

стратегии международных фирм и организации при получении прибыли.

Чунки, кўпгина хорижий мамлакатларда айнан ўз-ўзини тартибга солувчи, яъни нодавлат жамоат ташкилотлари ҳам корпоратив бошқарув тизимини ривожланишида асосий рол ўйнайди. Шу билан бирга, миллий корпоратив бошқарув тизимини шаклланиши ва ривожланишининг муайян ижобий жараёнларига қарамасдан, корпоратив бошқарув соҳасида айрим муаммолар ва ҳал этилмаган масалалар борки, уларни ҳал этмасдан туриб, корпоратив бошқарув тизимини кейинги даврда ривожлантириш, қолаверса, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, мамлакат рақобатбардошлигига эришиш жараёни қийинлашишига сабаб булишида қуйидаги камчиликларни кўрсатиш мумкин: корхоналарни бошқаришда эскирган маъмурий-режали ёндашувлар сақланиб қолиниши оқибатида акциядорлик жамиятлари фаолиятида корпоратив бошқарув шартларини бажаришга ҳалиям расмийлик билан қаралмоқда; акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашларининг фаолияти (айниқса, давлат иштироки бўлган акциядорлик жамиятларида), уларнинг корхонани стратегик ривожлантиришдаги роли деярли сезилмайди, аксарият кузатув кенгашлари аъзолари етарли билим ва малакага эга эмас; устав капитали ва ҳажмига нисбатан ортиқча ва самарасиз талабларнинг мавжудлиги (мас. устав капитали энг кам миқдори 400 минг АҚШ доллариға тенг суммадан кам бўлмаслиги, хорижий инвесторлар улуши камида 15% ни ташкил этиши кераклиги) акциядорлик жамиятлари ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, уларнинг мулкчилик шаклини ўзгартиришга сабаб бўлмоқда; акциядорлик жамиятларида миноритар акциядорларнинг қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлашнинг таъсирчан механизми йўқлиги туфайли у акциядорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини тўла рўёбга чиқара олмаяпти; республика фонд бозори ва корпоратив бошқарув ўртасидаги узвий боғлиқлик йўқ, фонд биржасининг самарали корпоратив бошқарувни ривожлантириш, корпоратив бошқарув стандартларини тарғиб қилишдаги роли сезиларсиз; акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлиги пастлиги туфайли уларнинг акция пакетларини, шу жумладан давлат улушларини сотишда хорижий инвесторларни жалб қилишнинг қийинлиги; акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарувни амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияси салоҳиятидан фойдаланиш даражаси жуда пастлиги хисобланади. Ушбу камчиликларни ҳал этиш орқали корпоратив бошқарув сифатини ошириш таъминланади, акциядорлик жамиятларидаги молиявий барқарорлик аҳоли даромадини ўсишига ва жамиятни молиялаштириш манбаларини кенгайтиришга олиб келади. Уларни ҳал этишда қуйидагиларга амалга ошириш тавсия этилади: фонд бозори акциядорлик жамиятларида корпоратив муносабатларни самарали ташкил этиш; АЖ ларда корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойил ва стандартларини самарали жорий этишни йўлга қўйиш; акциядорлар йиғилишида электронг почта орқали овоз бериш имкониятини ҳуқуқий жихатдан таъминлаш, институционал инвесторлар (инвестиция фондлари, суғурта компаниялари ва тижорат банклари) нинг корпоратив бошқарувдаги фаоллигини кучайтириш.

Корпоратив бошқарув тамойилларига мувофиқ, янги тажрибалар эгалланган ҳамда бизнес шароитлари ўзгарган пайтда корпоратив бошқарув тизимининг турли қоидалари қайта кўриб чиқилиши, ва зарур ҳолларда, уларга тузатишлар киритилиши лозим. Таъкидлаш жоизки, мавзуга оид адабиётлар таҳлилини ўтказиш натижасида турли тадқиқотларда корпоратив бошқарув масалаларининг иновациялар билан ўзаро боғлиқлиги кўриб ўтилган. Бошқа бир гуруҳ олимларнинг тадқиқотлари корпоратив бошқарувнинг инновацион ривожланиш масалаларига бағишлаган. Жумладан, муаллиф М.О'Sullivan нинг ишида корпоратив бошқарув учун инновацияларни қўллашни инobatга оладиган ташкилий назорат назарияси кўриб ўтилган. Унинг фикрича, инновациялар иқтисодиёти билан иш юритиш учун корпоратив бошқарув назарияси инновацион ресурслар таксимотининг ташкилий ва стратегик даражаларига ўтиши керак.

Юқорида берилган корпоратив бошқаруви назарияси ва хорижий тажриба амалиёти асосида инновацион ривожланиш истиқболларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тафсияларни амалда қўллаш, корпоратив бошқарувни тизимини ташкилий ҳуқуқий тартибга солиш, корпоратив бошқарувнинг институционал асосларини такомиллаштириш акциядорлик жамиятларида ошкоралик ва шаффофлигини оширади ва бошқа манфаатдорлар томонларнинг корпоратив бошқаруви асосидаги ролини кучайтиради. Жумладан, чет эллик мутахассисларнинг акциядорлик жамиятлари ишларида иштирок этиши учун ҳуқуқий асослари ҳамда уларнинг бу жараёндаги кенг иштирокини таъминлаш мақсадида акциядорлик жамиятлари ишларини бошқаришда иштирок этаётган чет эллик менежерларнинг ваколатларини янада кенгайтириш; корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини, хусусан, ишлаб чиқариш менежменти, фаолиятнинг сармоядорлар учун шаффофлигини таъминлаш каби усулларини жорий этиш орқали корпоратив молия тизимини халқаро мезонларга мослаштириш, банк ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш; корпоратив молияни бошқариш бўйича узок муддатга мўлжалланган истиқбол стратегиясини ишлаб чиқиш ва бу жараёнларда очиқ ва ошкораликни таъминлашга хизмат қилади.

*Хашимова Салима Нигматуллаевна, и.ф.н., доцент,
Эргашев Сарвар Алишер ўғли, талаба,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МОДЕЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳар бир мамлакатда цивилизация кўлами жамиятнинг моддий-техник ривожланиш даражаси билангина эмас, балки ишлаб чиқаришни бошқариш қанчалик такомиллашганлиги билан белгиланади. Хусусийлаштириш натижасида вужудга келган акциядорлик жамиятлари мамлакатимиз иқтисодиётида тобора салмоқли ўрин эгаллаши самарали бошқарув тизимини кенгроқ жорий этиш ва уни такомиллаштиришни талаб этади. Корпоратив бошқарув -бу компания мулкдорларининг компания капиталини шакллантиришга, фойда олиш мақсадида ундан самарали фойдаланишга ҳамда олинган даромадни корпоратив муносабатлар-нинг барча иштирокчилари ўртасида адолатли тақсимлашга қаратилган стратегик муҳим бошқарув қарорларини белгилаш ва қабул қилишга доимий таъсирини таъминлаш ва назорат қилишдан иборат. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш шароитида ҳар қандай корхонага шундай талаб қўймоқдаки, корхоналарда корпоратив муносабатларни мунтазам жадал ривожлантириш ва республика корхоналарини мулкдорларини корпоратив бошқарувни ташкил қилиш кўникмаларини пухта эгаллаш талаб этилади. Корпоратив бошқарув тизими- бу шундай ташкилий моделки, у бир томонда компания менежерлари ва уларнинг эгалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, иккинчи томондан-компаниянинг самарали фаолият юритишини таъминланган ҳолда, турли манфаатдор тарафлар масалаларини ўзаро мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Корпоратив муносабатлар тузилиши ва хусусиятлари ҳар бир мамлакатда қуйидаги омиллар таъсирида вужудга келади: орпорация иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга соладиган қонунчилик базаси; мамлакатда мавжуд таркиб топган бошқарув тузилмаси ва ишбилармонлик муносабатлари амалиёти.

Корпоратив ҳуқуқ ва бошқарув соҳасидаги мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги кунда ҳамма мамлакатларда ва барча компаниялар учун қўлланиши мумкин бўладиган ягона корпоратив бошқарув модели йўқ. Ўзбек компаниялари самарали корпоратив бошқарувининг жаҳон тажрибасидан фойдаланганлари сари, улар олдида танлов юзага келади. Америка ва Британия компанияларида фойдаладиган “бозор модели” ва Шарқий Европа ҳамда ривожланаётган мамлакатларда фойдаланиладиган

“назорат модели” шунингдек бутун дунё мамлакатларида кенг тарқалган оилавий модели ҳам кенг қўлланилади. Бу моделда компанияни битта оила аъзолари бошқаради. “Оилавий тадбиркорлик” тўғрисида”ги ЎзР Қонуни қабул қилиниши оилавий корхоналарда корпоратив бошқарув тамойилларини қўллаш механизмини ишлаб чиқишни тақозо этади, чунки оилавий корхоналар муайян шахслар гуруҳининг мулкӣ ҳуқуқлари йиғиндисини ифода этади. Миллий иқтисодиёт доирасида корпоратив бошқарувнинг юқоридаги моделлар ўртасидаги танловни амалга оширишда муайян модели ривожига таъсир этувчи омиллар гуруҳини ўрганишни тақозо этади. Бу омиллардан энг асосийлари қуйидагилар: акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизми; директорлар кенгаши функциялари ва вазифалари; ахборотни очиб бериш даражаси. Ўзбекистонда амал қилаётган корпоратив бошқарув модели миллий қарашлар, маданий анъаналаримиз ва ниҳоят бозор иқтисодиётининг ўзбекча модели билан белгиланадиган ўзига хос хусусиятларга эга. Корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартишимиз унинг ҳақиқий бозор хусусиятларига эга бўлишини таъминлашда ва самарадорлигини оширишда қуйидагиларга эътибор қаратишимиз керак: 1) раҳбарлик лавозимларига пухта билимга эга бўлган, замонавий менежмент ва маркетинг усулларини амалда қўллаш оладиган ёш мутахассислар меҳнатидан фойдаланиш; 2) хориж тажрибалари қўллаган ҳолда акциядорлик жамиятларининг раҳбар ходим ва мутахассисларини тизимли асосда тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш; 3) халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; 4) акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятининг назорат қилишини таъминлашда акциядорлар ролини ошириш; 5) етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш; акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларига чет эллик малакали менежерларни жалб қилиш.

Шундай қилиб, Ўзбекистон акциядорлик жамиятларида бозор ўзгаришларига мос бўлган корпоратив бошқарувни шакллантиришнинг самарадорлигини ошириш эвазига корпорацияларнинг бозор қиймати 20-30 фоизга ошишини таъминлайди. Бундан ташқари, самарали корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш миллий фонд бозори капиталлашувининг ошишига, ташқи молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш имкониятининг пайдо бўлишига ва пировардида мамлакатда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва улар рақобатбардошлигининг юксалишига олиб келади.

*Ibragimova Saodat Abdumuminovna, i.f.n., dotsent,
Farxodova Dildora O‘tkir qizi, magistr,
Islom Karimov nomidagi ToshDTU*

AKSIYADORLIK JAMIYATLARI FAOLIYATIDA ZAMONAVIY KORPORATIV BOSHQARUVNI TA’MINLASH ASOSLARI

Хусусий мулкни қо‘ллаб-қувватлаш, иқтисодийот тarmoqlariga хорижий сармoyalarni кенг жалб этиш, корхоналарнинг самарали фаолият yuritishi uchun қulay шart-sharoitlar yaratish mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning ustuvor yo‘nalishlaridan hisoblanadi. SHu bois bu boradagi ishlarga alohida e’tibor qaratilib, tegishli huquqiy baza yaratilmoqda.

О‘zR Prezidentining 2015 yil 24 apreldagi “Aksiyadorlik jamiyatlarida zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni ana shunday muhim hujjatlardan biridir.

Mamlakatimiz taraqqiyotining asosiy dasturi hisoblangan “2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi”da korporativ boshqaruvning zamonaviy standart va usullarini joriy etish iqtisodiyotni keyingi yillarda rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida belgilangan. Bundan tashqari, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 21 sentyabrdagi PF-5544-sonli Farmoni bilan qabul qilingan “2019-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish Strategiyasi”da ham korporativ huquqni rivojlantirish va korporativ boshqaruvning zamonaviy tamoyillarini joriy etish bo‘yicha chora-tadbirlar belgilanib, ular hozirda hayotga tatbiq etilmoqda.

Bu borada "Aksiyadorlik jamiyatlarida zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida"gi Farmonning qabul kilinishi bilan konunchilikda tizimlilikni ta‘minlash, ularning normalari va ijro mexanizmlarini hamda aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ munosabat boshqaruvini huquqiy jihatdan to‘liq tartibga solish maqsadida tegishli qonunlar, jumladan, "Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to‘g‘risida"gi, "Tadbirkorlik faoliyati erkinligining kafolatlari to‘g‘risida"gi, "Sug‘urta faoliyati to‘g‘risida"gi, O‘zbekiston Respublikasi qonunlariga hamda boshqa qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilganligi va aksiyadorlar jamiyatlari faoliyatining ochiqqligini ta‘minlash, korporativ boshqaruvning yangi usullarini joriy kilish orqali aksiyadorlik jamiyatlarida moliyaviy resursl ardan oqilona foydalanish, chet el investorlarini mamlakatimizga jalb qilish-ning huquqiy asoslari mustahkamlandi.

Mazkur hukumat qarorlari asosida belgilangan vazifalarni samarali hal etish yo‘llarini aniqlash bu borada muhim izlanishlarni olib borishni taqozo etadi. Tadqiqotning asosiy maqsadi – mamlakatimizda korporativ boshqaruv va xorijiy tajriba asosida yangi tajribalar tizimini yaratish va o‘rganish, korporativ boshqaruv sohasidagi muammolar va hal etilmagan masalalarni aniqlash, va shu asosda, milliy korporativ boshqaruv tizimini zamonaviy xalqaro tajribalar asosida innovatsion rivojlantirish istiqbollari belgilash hisoblanadi.

Bugungi kunda yurtimizda investitsiyaviy muhitni yanada yaxshilash, aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatining samaradorligini oshirish yuzasidan ko‘rilayotgan chora-tadbirlar ko‘lami nihoyatda keng. Ularni jadallashtirishda aqo‘mita tomonidan amaliy ishlar olib borilmoqda. Mamlakatimizdagi deyarli barcha ishlab chiqarish ob‘ektlari aksiyadorlik kompaniyalari prinsipi bo‘yicha tashkil etilgan, ammo ular o‘z maqomiga qay darajada mos holda faoliyat yuritayotganligi va o‘z huquqlaridan qay darajada foydalanayotganligini aniqlash bugunning muaamolaridan biridir.

Bunda Aksiyadorlik kompaniyalari o‘zlarining bozor munosabatlariga mos maqomiga muvofiq faoliyat yuritishi uchun o‘ziga xos mexanizmlarni harakatga keltirishi zarur. SHundan kelib chiqib, soha mutaxassislari ushbu yo‘nalishdagi ishlarga yangicha yondashishlari samarasi o‘laroq, 2014 yilning 6 mayida parlamentimiz tomonidan yangi tahrirdagi “Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni qabul qilindi. Ta’kidlash kerakki, Qonunda korporativ boshqaruv va nazorat organlarining vakolatlari, huquqlari hamda javobgarligi yanada aniq belgilanib, jamiyatlarning Kuzatuv kengashi, umumiy yig‘ilishlari, taftish komissiyalarining roli hamda ahamiyatini oshirish, minoritar, ya’ni qo‘lida aksiyasi kam bo‘lgan aksiyadorlarning kafolatlarni ko‘proq ta‘minlash, barcha aksiyadorlar, bo‘lajak investorlarning aksiyadorlik kompaniyalari faoliyati to‘g‘risida axborot olish imkoniyatlarini kengaytirish, aksiyadorlar umumiy yig‘ilishini o‘tkazishni soddalashtirish singari vazifalar qamrab olindi.

2014 yil 2 iyulda Vazirlar Mahkamasining “Aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruv tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi, “Qimmatli qog‘ozlarni muomalaga kiritish kvotalari va tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorlari qabul qilingani ham e’tiborga molikdir.

Bularning barchasi endilikda aksiyadorlik jamiyatlarining faoliyatini yaxshilash, aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish, ish jarayonida oshkoralikni ta'minlashda muhim omil bo'lmoqda.

YUrtimizda kechayotgan xususiylashtirish jarayonida, shu jumladan, aksiyadorlik jamiyatlarini qo'llab-quvvatlashda ushbu Farmon juda muhim o'rin tutadi. Avvalo, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni keng jalb etish, aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatining samaradorligini tubdan oshirish, bo'lajak investorlar uchun ularning ochiqligi va jozibadorligini ta'minlash, zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy qilish, korxonalarni strategik boshqarishda aksiyadorlar rolini kuchaytirish kabi ko'plab vazifalar belgilab qo'yilgan.

Bunda xalqaro tajribani chuqur tahlil qilish, aksiyadorlik jamiyatlariga xorijiy sarmoyadorlarni keng jalb etish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, eski boshqaruv o'rniga zamonaviy xalqaro standartlar va bozor iqtisodiyoti talablariga mos yangi boshqaruv tuzilmalarini tashkil qilish, boshqaruv xodimlarining faoliyati nazoratini ta'minlashda aksiyadorlar, xususan, minoritar aksiyadorlar rolini kuchaytirish, xodimlar malakasini oshirishga ustuvorlik berilgani diqqatga sazovordir. Farmonda, shuningdek, etakchi xorijiy kompaniyalarda boshqaruvni tashkil etish tizimini chuqur o'rganish asosida ishlab chiqilgan aksiyadorlik jamiyatining namunaviy tashkiliy tuzilmasi ma'qullanib, aksiyadorlik jamiyatlarining tashkiliy tuzilmasini unga muvofiqlashtirish belgilangan. Bunda xalqaro tajribani chuqur tahlil qilish, aksiyadorlik jamiyatlariga xorijiy sarmoyadorlarni keng jalb etish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, eski boshqaruv o'rniga zamonaviy xalqaro standartlar va bozor iqtisodiyoti talablariga mos yangi boshqaruv tuzilmalarini tashkil qilish, boshqaruv xodimlarining faoliyati nazoratini ta'minlashda aksiyadorlar, xususan, minoritar aksiyadorlar rolini kuchaytirish, xodimlar malakasini oshirishga ustuvorlik berilgani diqqatga sazovordir. Farmonda, shuningdek, etakchi xorijiy kompaniyalarda boshqaruvni tashkil etish tizimini chuqur o'rganish asosida ishlab chiqilgan aksiyadorlik jamiyatining namunaviy tashkiliy tuzilmasi ma'qullanib, aksiyadorlik jamiyatlarining tashkiliy tuzilmasini unga muvofiqlashtirish belgilangan.

SHu bilan birga, hozirgi kunda dolzarb masalalardan biri - "Xizmatchilarning asosiy lavozimlari va ishchi kasblari klassifikatori"ga ham mazkur namunaviy tuzilmadan kelib chiqqan holda, zarur o'zgartishlar kiritish, aksiyadorlik jamiyatlarini boshqaruvchi lavozimlariga yangicha fikrlaydigan yuqori malakali kadrlarni qo'yish hamda xorijiy menejerlarni jalb etish choralarini ko'rish topshirilgani e'tiborga loyiqdir.

Bugungi kunda respublika va hududiy attestatsiya komissiyalari tarkibi tuzilib, rahbarlari attestatsiyadan o'tkazilishi belgilangan aksiyadorlik jamiyatlari ro'yxati, attestatsiyadan o'tkazish grafigi, attestatsiya savolnomasi, attestatsiyani o'tkazish tartibi tasdiqlangani ana shunday sa'y-harakatlar samarasidir.

Farmondagi yana bir yangilik, bu aksiyadorlik jamiyati ijro organining rahbarini tayinlash to'g'risidagi qarorni xorijiy menejerlar ham ishtirok etishi mumkin bo'lgan tanlov asosida qabul qilish, aksiyadorlar, jumladan, minoritar aksiyadorlar xo'jalik sudiga ularning huquqlari va qonuniy manfaatlari buzilgani haqida da'vo arizasi bilan murojaat qilgan taqdirda, ularga davlat bojini to'lash muddati uzaytirilganligi, to'lanadigan boj esa aybdor tomonidan undirilishidir.

Bundan tashqari, Farmonga ko'ra, Korporativ boshqaruv tizimini tubdan takomillashtirish bo'yicha chora-tadbirlar dasturi ham ishlab chiqildi. Ushbu chora-tadbirlar dasturi xalqaro tajribalarni chuqur tahlil qilgan holda, zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy etish, aksiyadorlik jamiyatlariga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish uchun qulayliklar yaratish, korporativ boshqaruv sohasida ilg'or axborot texnologiyalarini qo'llash, qimmatli qog'ozlar bozorini, ayniqsa, ikkilamchi bozorni rivojlantirish singari ettita bo'limdan iborat.

Bu borada farmon asosida aksiyadorlik jamiyatlarida boshqaruv uslublarining joriy etilishi tufayli ularning faoliyatida ko'pgina o'zgarishlar bo'lishi kutilmoqda, jumladan: jamiyatlarda boshqaruvning zamonaviy uslublarini qo'llash ularda butunlay yangi tuzilmani tashkil etish, aksiyadorlar, shu jumladan, minoritar aksiyadorlarning aksiyadorlik jamiyatini boshqarishdagi

rolini oshirish imkonini beradi. Qolaversa, aksiyadorlik jamiyatlariga xorijiy menejerlarni jalb qilishga yo'l ochildiki, bu, o'z navbatida, iqtisodiyot tarmoqlariga to'g'ridan-to'g'ri chet el investitsiyalarini keng jalb etish barobarida, jamiyatlarni modernizatsiya qilish orqali yuqori samaradorlikka erishishga ko'maklashadi. Aniqrog'i, pirovardida korxonalar bozordagi talab-taklifdan kelib chiqqan holda, yangicha qarashlar asosida faoliyat olib boradi, muammolarni tezkor hal etib, yangi raqobatbardosh investitsion loyihalarni ro'yobga chiqarish va qo'shimcha aksiya hamda qimmatli qog'ozlarni muomalaga chiqarishdan daromad topishga harakat qiladi.

Farmonda aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatining samaradorligini oshirish va korporativ boshqaruv tizimini takomillashtirish komissiyasi zimmasiga ko'plab vazifalar yuklatilgan, shu jumladan, tashkil etilishi rejalashtirilgan Korporativ boshqaruv ilmiy-ta'lim markazining asosiy vazifalari belgilab berilgan.

Bugungi kunda Oliy biznes maktabi negizida Korporativ boshqaruv ilmiy-ta'lim markazi tashkil etilishida ko'plab aksiyadorlik jamiyatlarining rahbarlari, Kuzatuv kengashi a'zolari va davlat tomonidan tayinlangan ishonchli vakillar korporativ boshqaruv sohasida muhim ko'nikmaga ega emasligi, qolaversa, hozirgi kunda bu sohada professional mutaxassislar ham juda kamligi ushbu Markaz zimmasiga Germaniya va boshqa iqtisodiy rivojlangan davlatlarning etakchi ta'lim muassasalarini jalb etgan holda, korporativ boshqaruvning tashkiliy shakllarini joriy qilishni metodik ta'minlash, etuk kadrlar tayyorlash va malakasini oshirish, sohaga innovatsion g'oyalarni tatbiq etish, korporativ boshqaruv yo'nalishi bo'yicha izlanishlar olib borish kabi ko'plab vazifalar yuklatilgan. Ushbu yo'nalishdagi ishlarni bajarishda xorijiy davlatlar tajribalarini, xususan, Germaniya amaliyotini o'rganishga alohida urg'u berilayapti. Bu esa, birinchi navbatda, mamlakatimiz korporativ boshqaruv tizimi Germaniya modeliga o'xshashligi bilan izohlanadi. Jumladan, hozirgi kunda uning ijrosi doirasida Germaniyaning "Indekon" konsalting kompaniyasi ishtirokida Korporativ boshqaruv kodeksi ishlab chiqilmoqda. Ushbu kodeksda respublikamizning korporativ boshqaruv tizimini xalqaro tajribaga moslashtirish maqsadida uzoq muddatli rivojlanish strategiyasi, ichki nazorat tizimlari va ijro organining aksiyadorlar hamda investorlar bilan o'zaro hamkorlik tartib-taomillari, xalqaro standartlar asosida audit va moliyaviy hisobotlarni nashr qilish kabi ko'plab yo'nalishlar o'z aksini topadi. Bu, shubhasiz, kelgusida yurtimizda aksiyadorlik jamiyatlari imkoniyatlarini oshirish bilan birga, iqtisodiyotimizning bundan-da barqaror rivojlanishiga xizmat qiladi. Yurtimizda tashkil etilayotgan aksiyadorlik korxonalarida zamonaviy korporativ tamoyillari joriy qilinishi bunday turdagi korxonalar iqtisodiy faoliyatini aynan ishtirokchilar manfaati nuqtai nazaridan belgilab olish imkonini beradi. Aynan shu orqali korxonalar faoliyatini muvofiqlashtirish va pirovard natijada butun iqtisodiyot miqyosida mutanosiblikni ta'minlash imkoniyati yuzaga keladi. Mamlakatimiz iqtisodiyotining turli tarmoqlarida vujudga keltirilayotgan har qanday shakldagi aksiyadorlik jamiyatlarida raqobatbardoshlikka erishish va zamonaviy talablarga moc keladigan boshqaruv muhitini shakllantirish masalalari korporativ boshqaruv tizimini amaliyotga joriy etishning eng asosiy sababi sifatida qaralishi lozim.

*Хашимова Салима Нигматуллаевна, и.ф.н., доцент,
Zaxidova Zulfiya Xalilullayevna, магистри,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Республикамиз мустақиликка эришган кундан бошлаб иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ислоҳот тадбирлари кенг миқёсида амалга оширилиб ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Йирик корхоналар негизда кўплаб акциядорлик жамиятлари ташкил этилди.

Корпоратив бошқарув бозор иқтисодиёти қонунлари, талаб ва таклиф асосида ташкил этиладиган бошқарув усулларида биридик.

Корпоратив бошқарувни бозор иқтисодиётни талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш, ишлаб чиқариш жараёнига инвестициялар жалб қилиш жаҳон андозалари талабига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган технологияларни қўллаш асосида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Ўзбекистонда ҳам янги, бозор иқтисодиётига хос бўлган корхоналарни корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш ва шу орқали улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун, қатор ҳукумат қарорлари ва Президент фармонлари орқали акциядорлик жамиятларини янгича асосда бошқарувнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Акциядорлик жамиятларида икки бўғинли бошқарув ташкил этилиб, кузатув кенгашларига катта ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклатилди.

Корпоратив бошқарув тизими - корпорация ўз акциядорлари манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиши лозим бўлган ташкилий моделни ифодалайди. Бу акциядорлар, директорлар кенгаши, менежерлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг (ходимлар, кредиторлар, маҳаллий ҳукумат, жамоат ташкилотлари) ўзаро алоқа тизими бўлиб, ундан мақсад амалдаги қонунчиликка риоя қилиб, халқаро андозаларга мувофиқ фойдани ошириш ҳисобланади.

Умуман корпоратив бошқарув тизимининг асосий мақсади бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади: иқтисодий ривожланиш концепциясининг самарадорлигини таъминлаш; акциядорлик жамиятлари фаолигини таъминлаш; акциядорлик жамиятлари бошқарувчи ва бошқарув органи ходимлари тўғрисидаги маълумот ва зарур ҳисоботлар тўғрисида акциядорлар олдида ҳисобот бериш; акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш; акциядорлар гуруҳининг барча аъзоларига, ҳоҳ у миноритар ёки хорижий акциядор бўлсин, тенг равишда муносабатларни таъминлаш; корпоратив бошқарувдаги барча аъзоларни ҳуқуқларини қонунда белгиланган равишда ҳимоялаш устидан назорат олиб боришни таъминлаш; бошқарувнинг ўз функцияларини самарали бажараётганликларини таъминлаш.

Корпоратив бошқарувнинг энг асосий функцияси компанияга молиявий ресурсларни жалб этган акциядорлар манфаатларига мос келувчи компания ишини таъминлаш. Корпоратив бошқарув тизими яхши ишлаши ва инвестиция оқими кўпайиши учун қуйидаги вазибаларни бажариш керак: маҳаллий ва чет эл инвесторларини жалб қилиш, уларнисармоялари хавфсиз ва самарали жойда эканлигини, амалга оширилаётган фаолият қонуний равишда олиб бораётганлигини ишонтириш; рақобатбардош ва самарали фаолият олиб борувчи корхона ва компанияларни ташкил этиш; чекланган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда кўмак бериш ва бошқалар. Демак, **корпоратив бошқарув тизими**- бу шундай ташкилий моделки, у бир томонда компания менежерлари ва уларнинг эгалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, иккинчи томондан - компаниянинг самарали фаолият юритишини таъминланган ҳолда, турли манфаатдор тарафлар масалаларини ўзаро мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда амал қилаётган корпоратив бошқарув тизими миллий қарашлар, маданий анъаналаримиз ва ниҳоят бозор иқтисодиётининг ўзбекча модели билан белгиланадиган ўзига хос хусусиятларга эга. Акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарув тизимини қўллаш янада мақсадли фаолият юритишга, капитал жалб қилиш имкониятларининг ортишига, рискларни камайтиришга ва сифатсиз менежментдан ҳимояланишга ёрдам беради. Демак, корпоратив бошқарув шундай тизим яратадики, унинг ёрдамида компания мақсадлари белгиланади ҳамда ушбу мақсадларга эришиш ва компания фаолияти натижаларини мониторинг қилиш усуллари аниқланади.

Корпоратив бошқарувни самарали қўллашда маблағ тежалиши ёки менежментнинг ошқоралиги туфайли кўриладиган фойда миқдори ошишини таъминланади.

Самарали корпоратив бошқарув қўллаш бошқарув қарорларининг сифатини оширади, жалб қилинган капиталнинг нархини пасайтиради ва молиявий кўрсаткичлари яхшиланиши ҳисобига қийматини оширишга олиб келади.

Корпоратив бошқарув тизимини самарали қўллашда қуйидаги чораларни амалга оширишни тақозо этади: корпоратив мулкнинг ошқоралигини таъминлаш; кузатув кенгаши ишини тартибга солиш; ахборотни ошқор этиш; замонавий бошқарув тизимларини жорий этиш

Акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарув тизимини ташкил этиш қуйидагиларни ўз ичига олиши зарур: Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ички аудит хизмати, миноритар акциядорлар қўмитаси каби оқилона ташкил этилган бошқарув институтлари; бошқарув институтлари тўғрисидаги пухта ишланган ички ҳужжатлар тўплами мавжудлиги; кодекс тавсияларига тўлиқ жавоб берадиган корпоратив тамойиллар; корпоратив бошқарув тизимини мустақил ташкилотлар томонидан баҳолаш.

Корпоратив бошқарув тизимини шакллантиришда асосий эътиборни акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши шу жумладан миноритар ва хорижий акциядорларга тенг, адолатли бўлишини таъминлаш. Акциядорларнинг асосий ҳуқуқлари қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт: эгаллик ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишнинг ишончли усуллари; акцияларни бошқараларга бериш ёки ўтказиш; зарур ахборотларни ўз вақтида олиш; корпорация фойдасидан ўз улушини олиш; директорлар кенгаши.

Хулоса қилиб айтганда, корпоратив бошқарув тизимини самарали ташкил қилиш, яъни корпоратив бошқарув сифатини кўтариш ва ишлаб чиқариш фаолиятидаги якуний натижаларнинг юқорилигига эришиш акциядорлик жамиятларини самарадорлигини баҳоловчи мезон бўлиб хизмат қилади.

*Турсунов Алишер Мухаммадналиевич, и.ф.н., доцент,
Хикматов Равшан Mansurdjanovich, магистр,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯЛАРНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ БОШҚАРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада жадаллаштириш, саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник жиҳатдан янгилаш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни кенг жорий этиш ҳисобланади. Зеро, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши саноат тармоқларини жадал ривожланиши ва саноат корхоналарининг иқтисодий барқарорлигига бевосита боғлиқ. Айниқса, Ўзбекистонни жаҳон иқтисодиётига жадал интеграциялашиб бориши, давом этаётган Covid 19 пандемияси ва жаҳон бозоридаги беқарор конъюнктура шароитида корхоналар иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва ошириш механизмларини ишлаб чиқиш аҳамияти ва долзарблиги янада ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг нефт-газ комплекси стратегик аҳамиятга эга, миллий иқтисодиётида тузулишида ўзига хос ўринни эгалайди. Хусусан, биринчидан, ушбу мажмуа мамлакат аҳолисининг фаровонлигини таъминлайди ва нафақат мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига, балки унинг хавфсизлиги ва энергетик мустақиллигига ҳам таъсир қилади, иккинчидан эса, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига улуши 10,2 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмида 15,4 фоизни, давлат бюджетининг даромад қисмида 19,0%, ташқи савдо айланмасида 11,7% ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Гарвард унверситети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар

ва нисбий устунликларга эга. Айниқса нефтгаз- кимё металлургия , машинасозлик, электротехника..... ҳамда «яшил иқтисодиёт» билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз «драйверлари»га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, охириги йилларда мамлакатимиз ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарини жаҳон бозорида барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вужудга келган вазиятни инобатга олиб ва тармоқда мавжуд муамоларни ечимини топиш мақсадида “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефт-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Президенти қарори (ПҚ-4388-сон 09.07.2019й) қабул қилинди. **Ушбу қарорда нефт ва газ саноатини самарали ва барқарор ривожлантириш, пировард натижада мамлакатимиз аҳолиси ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан етарли даражада барқарор таъминлаш борасида чора-тадбирлар белгилаб берилди.** Жумладан, тармоқ бошқарувини такомиллаштириш борасида қуйдаги тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган: бошқарув тизимидаги оралиқ бўғинларни қисқартириш; ишлаб чиқариш бўлинмаларини тўғридан-тўғри бошқариши ташкил этиш мақсадида олтига нефт ва газ қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналарини «Ўзбекнефтгаз» АК таркибий бўлинмаларига айлантириш; "Ўзтрансгаз" АЖ ҳудудий газ таъминоти филиаллари негизида "Худудгазтаъминот" ОАЖни ташкил этиш; бир қатор савдо ва чорвачилик комплекслари, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ва бозорлардаги "Ўзбекнефтегаз" АК устав фондидаги улушини Агентлик ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ўтказиш.

Ҳозирги даврда барча давлат корхоналарини ислоҳ қилиш дастури амалга оширилмоқда. Унга биноан «Ўзбекнефтигаз» акционерлик жамияти халқаро молия бозорига чиқиб, давлат кафолатисиз маблағ жалб қилиш имкониятига эга бўлади. Ўзбекнефтигаз" АКни модернизация қилиш нефт ва газни қайта ишлаш ва нефт-кимё саноатининг устувор ривожланишини таъминлаш учун инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишни талаб қилади. Шунингдек, углеводород ишлаб чиқариш объектларининг инфратузилмасини модернизация қилиш углеводородларни қазиб олишнинг технологик жараёнларини такомиллаштириш зарур.

"Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамиятининг рақобатбардошлигини ва экспорт салоҳиятини ошириш билан боғлиқ бўлган турли жиҳатларини модернизация қилиш учун зарур бўлган инвестиция ресурсларининг етишмаслиги, компания бошқарувини такомиллаштириш зарурлигининг замини ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, корпоратив бошқарув тизими қанчалик самарали бўлса, инвесторларнинг ишончи даражаси шунчалик юқори бўлади, таваккалчилик шунчалик кам, қўшилган қиймат шунчалик юқори бўлади.

Бугунги кунда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида мамлакатимиз саноат корхоналарининг самарали ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида, нефт ва газ комплексидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятини бошқариш усуллари ва механизмлари доими равишда такомиллаштирилиб бориш, тармоқда тизимли ўзгаришларнинг жадаллаштириш , инновацион жараёнларнинг натижаларидан максимал фаол фойдаланиш , саноат корхоналарининг бозор қиймати ва инвестиция жозибадорлиги ортиб боришини таъминлаш зарур. Бу ўз навбатида корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ўсишини рағбатлантиради

Корпоратив бошқарувга янги ёндашувлар, ҳафларни бошқаришга янги ёндашувларни талаб этади. Шу мақсадда "Ўзбекнефтегаз" акциядорлик компанияси нефт-газ соҳасида фаолият юритувчи акциядорлик жамиятлари ва ташкилотларда ҳавфларни бошқаришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу ишлаб чиқариш ва

иктисодий соҳаларда юзага келиши мумкин бўлган хавфларни камайтириш ва олдини олиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриш имконини беради ва бу копанияни барқарор ривожланишига замин вазифасини бажаради.

Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини ривожлантириш корпоратив бошқарувни модернизация қилишда муҳим кадамдир. Хусусан, у давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим имзоланиши натижасида кутилаётган газ тақсимлаш компанияларига хусусий сектор инвестицияларини жалб қилиш имконини беради. Ушбу кадамлар саноат соҳасида соғлом рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга қаратилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, янги техник ва ташкилий-технологик ечимларнинг ишлаб чиқилиши, уларни қўллаш бўйича қарорларнинг қабул қилиниши, тармоқдаги корпоратив корхоналар инновацион бошқаруви асосий тамойилларининг такомиллаштирилиши такрор ишлаб чиқариш жараёнларини янгилаш ҳамда иқтисодий ўсиш учун қўшимча имконият яратди. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, яъни ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараённинг самарадорлигига корхоналарнинг инновацион бошқарув тизими ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди

Шундай қилиб, «Ўзбекнефтегаз» АК амалиётига корпоратив бошқарувнинг умум эътироф этилган халқаро стандартларини кенг жорий этиш бошқарув тизимини такомиллаштиришига, унинг бошқарув тузилмасини мослашувчан ва самарали бўлишини таъминлайди, бу эса ўз навбатида, компаниянинг иқтисодий ҳолатини мустаҳкамланишига, пировард натижада уни узоқ мутдатли даврда барқарор ривожланишини таъминлайди.

*Хашимова Салима Нигматуллаевна, и.ф.н., доцент,
Айтмуратов Бердах Султанбаевич, магистр,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Бугунги кунда республикамиздаги деярли барча йирик корхоналар акциядорлик жамиятларига айлантирилиб, корпоратив бошқарув усуллари жорий этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар сони кун сайин кўпаймоқда. Бу иқтисодиётимиз жадал суръатларда ривожланиши, саноат салоҳияти ошиши, юқори технологияли тармоқларнинг ўзлаштирилиши, бошқача айтганда, мамлакатимиз рақобатдошлиги таъминланишига хизмат қилаётти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги қабул қилинган Фармонида белгиланган вазифалар, хусусан иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш жараёнида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтиришни изчил амалга ошириш янада муҳим ўрин тутди.

Шу жиҳатдан олганда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Чунки миллий иқтисодиётда корпоратив секторни муваффақиятли ривожлантириш учун самарали бошқарув замонавий механизмларни тезкор жорий этиш давр талабидир.

Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими шаклан ва мазмунан халқаро стандартлар талабларига мослашиб бормоқда.

Акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарув ташкил этиш янада мақсадли фаолият юритишга, капитал жалб қилиш имкониятларининг ортишига, рискларни камайтиришга ва сифатсиз менежментдан ҳимояланишга ёрдам беради белгиланади. Демак корпоратив бошқарув шундай тузилма яратадики, унинг ёрдамида компания мақсадлари белгиланади ҳамда ушбу мақсадларга эришиш ва компания фаолияти натижаларини мониторинг қилиш усуллари аниқланади.

Корпоратив бошқарувни самарали ташкил этишда маблағ тежалиши ёки менежментнинг ошкоралиги туфайли кўриладиган фойда миқдори ошишини таъминланади.

Самарали корпоратив бошқарув ташкил этиш бошқарув қарорларининг сифатини оширади, жалб қилинган капиталнинг нархини пасайтиради ва молиявий кўрсаткичлари яхшиланиши ҳисобига қийматини оширишга олиб келади.

Акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарувни таъминлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш керак: **1.** Акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарувни ташкил этиш қуйидагиларни ўз ичига олиши зарур. Корпоратив бошқарувни самарали ташкил этишда қуйидаги чораларни амалга оширишни тақозо этади: корпоратив мулкнинг ошкоралигини таъминлаш; кузатув кенгаши ишини тартибга солиш; ахборотни ошкор этиш; замонавий бошқарув тизимларини жорий этиш. **2.** Корпоратив бошқарув тузилмаси асосий эътиборни акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши шу жумладан миноритар ва хорижий акциядорларга тенг ва адолатли бўлишини таъминлаш. **3.** Акциядорларнинг асосий ҳуқуқлари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: эгалик ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишнинг ишончли усуллари; акцияларни бошқаларшга бериш ёки ўтказиш; зарур ахборотларни ўз вақтида олиш; корпорация фойдасидан ўз улушини олиш.

Хулоса қилиб, айтганда акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарувни ташкил этиш корхонани инвесторлар учун жозибадорлигини ошириш имконини, бизнеснинг самарадорлигини ва молиявий, инвестицион фаолиятини такомиллаштиришга олиб келиши, меҳнат унумдорлигини ошириш асосида ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлайди. Демак, самарали корпоратив бошқарув компанияларга янада самаралироқ фаолият юритишга, капитал жалб қилиш имкониятларининг ортишига, рискларни камайтиришга ва сифатсиз менежментдан ҳимояланишга ёрдам беради.

*Allaeva Gulchexra Jalgasovna, PhD, dotsent,
Asadullayev S.O., master,
TSTU after Islam Karimov*

THE CONCEPT OF CORPORATE GOVERNANCE SYSTEM AND ITS MAIN TRENDS IN UZBEKISTAN

In a competitive environment, effective corporate governance improves the reputation and image of the company, thereby facilitating access to capital markets, creating a corporate culture. The high level of corporate governance development is one of the factors to increase the investment attractiveness of companies. The level of quality of corporate governance affects the decision-making on the possibility of investment in the company, affects its capitalization. The introduction of effective corporate governance mechanisms helps to increase the value of the company, the implementation of intra-company interests in the emerging national model of corporate governance.

Current business practice indicates that trust in a company is determined by existing mechanisms for exercising rights and realization the economic interests of shareholders, implemented by corporate social responsibility and business ethics of the company. The transparency and effectiveness of these mechanisms increases the predictability of the actions of

the organizational elements of company management, contributing to the possibility of shareholders influencing on them. This explains the relevance of the topic and special attention to issues of corporate governance in the modern economy. In recent years, corporate governance problems have captured the special attention of economists, lawyers, and political scientists. The leading business schools have introduced appropriate training courses, and interest has grown in world and domestic scientific and educational literature. Modern financial crises have sharpened attention to the problems of corporate governance. Therefore, the issues under consideration are not only scientific, but also applied in nature, of high practical importance.

Given the growing importance of corporate governance and the presence of such a broad outlook on its functions, a special definition approved by the Organization for Economic Cooperation and Development (OECD) gave the following definition of corporate governance: "Corporate governance refers to the internal means of ensuring the activities of corporations and their control. One of the key elements for increasing economic efficiency is corporate governance, which includes a set of relations between the board (management, administration) of a company, its board of directors (supervisory board), shareholders and other interested parties. The corporate governance also defines the mechanisms by which the goals of the company are formulated. The means of their achievement and control over its activities is determined".

The basic principles of corporate governance are formulated as follows: Justice (principles 1 and 2). Responsibility (principle 4). Transparency (principles 3 and 5). Accountability (principle 6). The OECD Corporate Governance Principles are advisory in nature. Their task is to provide general rules and guidelines for development. The principles can be used by governments as a starting point for evaluating and improving existing legislation, as well as by corporations themselves to develop corporate governance systems and best practices. These principles are evolutionary in nature and should be reviewed in light of significant changes in conditions. In the context of globalization of the world economy, the timely formation of a mechanism for effective corporate governance at the level of key enterprises becomes a key condition for creating an effective business system and ensuring high rates of sustainable economic growth of any national economy based on the rule of law. Given these circumstances, corporate governance problems are gaining important state significance and reaching the level of national priorities, requiring serious attention from economic ministries and financial market regulators, as well as industry and territorial government bodies.

However, the key players in the formation of effective corporate governance at the level of the real sector of national economies are the joint-stock companies themselves, various categories of domestic and foreign investors, as well as their lenders, partners and professional stock market participants, which ensure the transfer of capital to the most efficient sectors and sectors of the economy. The ongoing process in our country to improve the order and procedures of doing business, privatization and privatization of enterprises, the widespread introduction of corporate governance principles in the activities of joint stock companies contributes to further increase the potential of the national economy. Today in our country, almost all large enterprises are reorganized into joint-stock companies. A number of companies are expanding in which corporate governance methods are introduced. Enterprises with the participation of foreign capital, whose activities are based on corporate governance, are developing. They occupy an important place in determining the prospects of the domestic economy and carry out important socio-economic tasks to expand production and create new jobs.

The Presidential Decree "On measures to introduce modern corporate governance methods in joint-stock companies" serves to raise this work to a higher level. This document laid a solid legal foundation for the wide attraction of foreign direct investment in the economy, radically improving the efficiency of joint stock companies, ensuring their openness and attractiveness to potential investors. Moreover, the document served as the basis for the consistent effective implementation of modern corporate governance methods and the creation of

favorable conditions for strengthening the role of shareholders in the strategic management of enterprises. Legal regulation of corporate governance in Uzbekistan is mainly carried out by the Civil, Labor, Economic and Procedural Codes of the Republic of Uzbekistan, as well as the Law of the Republic of Uzbekistan “On Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights”, as well as other legislative acts. Currently, the terms “corporate governance” and “corporate law” are more and more actively entering our legal and economic sphere.

The conducted studies based on international experience provide an opportunity to develop some areas for the further development of corporate governance at enterprises of the Republic of Uzbekistan: A clear differentiation of tasks and powers between state bodies, shareholders and management in the activities of joint-stock companies; Introduction of modern corporate governance methods based on in-depth study of international experience; Creating favorable conditions for attracting foreign investment in joint-stock companies, increasing the openness and transparency of joint-stock companies, introducing international accounting and reporting standards; Increasing the role of shareholders, including minority shareholders, in strategic management and ensuring control over the activities of joint-stock companies; Further development of the securities market, especially secondary, strengthening its information and technical base. The measures taken in Uzbekistan to introduce effective forms of management are consistent and thoughtful steps aimed at further liberalization of the market economy through reform, structural transformation and diversification of the economy. Undoubtedly, they will contribute to increasing entrepreneurial activity, attracting foreign investment and further economic growth of the country.

*Исхаков Абдулахад Каюмович, и.ф.н., доцент
Асқаров Дониёр Мамиржонович, магистр,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

КОРПОРАТИВ-БОШҚАРУВ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА БОШҚАРУВНИНГ БОЗОР ШАРОИТИДАГИ МУАММОЛАРИ

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарни бошқаришнинг асосий концепцияси уларнинг молиявий фаолиятини тартиблаштирилган ҳолатда ташкил этиш ҳамда молиявий манбаларни марказлаштиришга боғлиқдир. Бу концепция молияларни тезкор ҳаракатланиш ва улардан мобил тарзда фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг ривожланишнинг муҳим йўналишларига жалб этиш, молиявий режаларнинг турли муддатларни ишлаб чиқиш ва тасодифий ҳолатларда молиявий захираларни яратиш имконини беради.

Корхоналар корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш умумий ҳолда бошқарув усуллари тизимларини яратиш орқали амалга оширилади. Зарурий натижага эришиш мақсадида ташкилий тизим фаолиятини амалга ошириш бошқарув тизимини ушбу тизимга таъсир этиши орқали бажарилади. Бунда белгиланган мақсадларга эришишни таъминловчи таъсир этишнинг зарурий воситаларини белгилаш зарур. Бундай воситалар бошқарув усулларини белгилайдилар. Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий, ижтимоий-психологик ва ташкилий усуллари мавжуддир. Ушбу усуллар ўзаро боғлиқдирлар ҳамда улардан комплекс тарзда фойдаланилади. Ташкилий усуллар иқтисодий усуллардан фойдаланиш учун асос яратсалар, ижтимоий-психологик усуллар ташкилий ва иқтисодий усулларни тўлдирган ҳолда корхона фаолиятини бошқаришнинг зарурий воситалар тўпламини яратадилар. Биз қуйида ушбу усулларни кўриб чиқамиз.

1. Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий усуллари. Бу усулда шахснинг ижтимоий жараёнларда иштирокига боғлиқ бўлган моддий манфаатлари татбиқ этилиши фойдаланади ва бу амалда буюм-пул муносабатларидан фойдаланилади. Ушбу усуллар татбиқ этилишининг иккита тамойили мавжуддир.

Биринчи тамойил ташқи муҳитнинг иқтисодий қисми бўйича давлат даражасида яратилган ҳолатлардан фойдаланишга мўлжалланган бошқарув жараёнларида ифодаланади. Ушбу тамойилнинг моҳияти қуйидагича:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг солиққа тортиш тизимини шакллантириш;
- корхонанинг моддий ва номоддий активлари янгиланишини таъминловчи амалдаги амортизацион сиёсатини белгилаш;
- давлат тарафидан иш ҳақи, пенсия ва ҳ.к.ларни минимал даражада белгилаш.

Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий усуллари иккинчи тамойили турли иқтисодий дастаклардан фойдаланишга мўлжалланган бошқарув жараёнларига боғлиқдир ва бу дастаклар молиялаштириш, кредитлаш, нархларни шакллантириш, жарималар ва ҳ.к.ларни ифодалайди.

Moliyaviy aktivlar investitsiyalashda eng likvidli aktivlar hisoblanadi. Lekin bunday aktivlar bahosi ularning nominal yoki haqiqiy qiymatidan sezilarli darajada farq qilishi mumkin. Bunda moliyaviy aktivlarga qo'yilmalarning yuqori risklar bilan bog'liqligini ham hisobga olish lozim. Hozirgi vaqtda investitsiyalash uchun ob'ekt sifatida qatnashishi mumkin bo'lgan ko'plab moliyaviy instrumentlar turlari amal qiladi. Lekin bugungi kun tajribasi bunday qo'yilmalar orasida qimmatli qog'ozlarning yuqori ulushga ega ekanligini ko'rsatib turibdi.

Moliyaviy aktivlar bilan operatsiyalar o'tkazish ularning son va sifat jihatdan muhim tavsifini ifodalovchi qiymat, daromadlilik va risk dastlabki tahlilini shart qilib qo'yadi. Bu jihat o'z-o'zidan moliyaviy aktivlarni baholash ularning haqiqiy qiymatini baholash, ular keltiradigan daromadlilikni baholash hamda ularning risklilik darajasini baholashni o'z ichiga olishini anglatadi.

Aynan shunday yondashuvdan kelib chiqqan holda moliyaviy aktivlarni baholash ikkita asosiy masalani hal qilish – moliyaviy aktivlar haqiqiy qiymati (fair value – V)ni va daromadlilikini aniqlashga qaratiladi. Ular umumiy holda qaror qabul qilish uchun zarur minimum mezonlar vazifasini bajaradi.

Moliyaviy munosabatlarda har qanday aktivning haqiqiy qiymati (V) kelgusi pul oqimlari harakatidan kelib chiqqan holda diskontlangan qiymatga teng, ya'ni:

$$V = \sum_{t=1}^{\infty} \frac{CF_t}{(1+r)^t}$$

bu yerda V – aktivning haqiqiy qiymati; CF_t – t vaqtda aktiv bo'yicha to'lovlar; r – talab qilinadigan yoki muqobil daromad stavkasi.

Shunday qilib, moliyaviy aktivlarni baholash muammosini hal qilish to'lovlar oqimlari, ularni amalga oshirish vaqti va diskontlash stavkalarini oldindan aniqlay olish darajasiga bog'liq. Qayd etib o'tilganidek, bozor iqtisodiyoti sharoitida va korxonalar moliyaviy-xo'jalik faoliyatida muhim rol o'ynovchi moliyaviy aktivlarning asosiy turlari aksiyalar va obligatsiyalar hisoblanadi. Shundan kelib chiqqan holda quyida ular qiymati va daromadlilikini baholashning bazaviy metodlari va modellarini ko'rib chiqamiz. Bizga ma'lumki, obligatsiyalar qarz munosabatlarini anglatuvchi qimmatli qog'ozlar hisoblanadi. Xalqaro tajribaga ko'ra obligatsiyalar emitentlariga ko'ra davlat, munitsipal va korporativ obligatsiyalarga bo'linadi. Qarz munosabatini anglatuvchi moliyaviy instrumentlar sifatida obligatsiyalar qat'iy belgilangan daromad keltiruvchi qimmatli qog'ozlar toifasiga kiritiladi. Bunday toifaga qat'iy belgilangan miqdorda dividend to'lash belgilab qo'yilgan imtiyozli aksiyalarni ham kiritish mumkin

“Qat'iy belgilangan daromad” umumqabul qilingan atamasini qat'iy ravishda tushunmaslik lozim. Bu atama bunday qimmatli qog'ozlar bo'yicha operatsiya o'tkazish vaqtida nazariy jihatdan to'lovlar muddatlari va miqdorlarining oldindan ma'lum qilinishini anglatadi.

Obligatsiyalarning turli xil turlari amal qilishiga qaramasdan ularni daromad to'lash shakllari bo'yicha quyidagicha tasniflash mumkin: *kuponli*, qat'iy belgilangan yoki suzib yuruvchi kupon stavkali obligatsiyalar; *diskontli (kupsiz)*, yoki *nollik kuponli obligatsiyalar*; *qoplash vaqtida daromad to'lanadigan obligatsiyalar*.

Kuponli obligatsiyalar qarzning asosiy summasi qaytarilishi bilan bir vaqtda davriy ravishda pul to'lovlarini ham nazarda tutadi. Bunday to'lovlarning miqdori nominalga nisbatan foizlarda ifodalanadigan kupon stavkasida belgilanadi. Kuponli to'lovlar odatda bir yil davomida bir, ikki yoki to'rt marta amalga oshiriladi.

Bunday qimmatli qog'ozlar harakati natijasidagi pul oqimlari qat'iy belgilangan kuponda operatsiya muddatining oxirida obligatsiyaning diskontlangan nominal qiymatiga qo'shiladigan annuitetni o'zida aks ettiradi. Soddalashtirish maqsadida diskontlash yagona r stavka bo'yicha amalga oshirilishini shart qilib qo'yamiz.

Yuqoridagi masala bo'yicha daromadlilik me'yori (bozor stavkasi) 6 foizga teng bo'lganda obligatsiya qiymatini aniqlaymiz. Yuqoridagilardan ko'rinib turibdiki, obligatsiyalar joriy qiymati talab qilinadigan daromadlilik me'yori va qoplash muddatiga bog'liq. Bu bog'liqlik teskari xususiyatga ham ega. Keltirilgan baholashning bazaviy modelidan isbot talab qilmaydigan quyidagi ikkita aksiomalar guruhini keltirish mumkin.

Birinchi aksiomalar guruhi obligatsiya qiymati, kupon stavkasi va bozor stavkasi (daromadlilik me'yori) o'rtasidagi o'zaro bog'liqlikni o'zida aks ettiradi: agar bozor stavkasi (daromadlilik me'yori) kupon stavkasidan yuqori bo'lsa, obligatsiya joriy qiymati uning nominalidan past bo'ladi, ya'ni obligatsiya diskont bilan sotiladi; agar bozor stavkasi (daromadlilik me'yori) kupon stavkasidan past bo'lsa, obligatsiya joriy qiymati uning nominalidan yuqori bo'ladi, ya'ni obligatsiya mukofot bilan sotiladi; bozor stavkasi (daromadlilik me'yori) va kupon stavkasi teng bo'lganda obligatsiya joriy qiymati va nominali teng bo'ladi.

Тарахтиева Гулмира Кулбаевна, катта ўқитувчи,

Алимжанова Хилола, талаба,

Ислом Каримов номидаги ТошДТУ

КЛАСТЕРЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва интеграциялашуви жараёнлари мамлакатлар иқтисодиётида замонавий кластерларнинг шаклланишига тўртки бўлди. Ривожланган давлатларда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши инновацион кластерларни самарали шакллантириш орқали эришилмоқда. Жумладан, инновацияни ривожлантириш учун АКШ, Япония ва Германияда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўртача йилига 2,5-

2,8 фоизи, Франция ва Буюк Британияда – 2,3-2,4 фоизи сарфланади⁶⁶. Кўриниб турибдики ривожланган давлатларда инновацион кластерларни ривожлантириш учун катта ҳажмда маблағ киритилади ва киритилган маблағлардан олинадиган иқтисодий самара ҳам мос равишда юқори бўлиши табиий.

Кластер асосида инновацион фаолиятни жорий этиш сўнги 10 йил мобайнида долзарб бўлди, негаки у тузилма сифатида барчага йўриқнома вазифасини ўтай олади. Юқорида келтирилганидек, кластер ёндашуви АҚШдаги силикон водийси ихтирочилар шаҳри сифатида тан олинishi билан такомиллашиб борди. Ушбу ташкилот кесимида 87 га яқин ҳудудлар жойлашган бўлиб, минглаб компания, бир неча ўнлаб тадқиқот марказлари ва бир нечта йирик университетлар ўрин эгаллагани қўл келди. Силикон водийси илмий марказлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги илмий муҳит, бизнес ва кадрлар алмашинувининг самарали ҳамкорлигининг классик намунасидир. Ушбу водий ҳудудида 180 га яқин венчур фирма ва компаниялар фаолиятини молиялаштирадиган 700 га яқин банклар хизмат кўрсатадилар. Маълумки ҳар қандай соҳада доимо уч мамлакатнинг иштироки кузатилади: Япония, АҚШ ва Россия.

Япония тажрибаси АҚШ тажрибасидан фарқ қилади. Уларнинг фаолиятидаги фарқ бу янгилик ёки янги фундаментал илмий принциплар ва ечимлар билан боғлиқ эмас, балки ишлаб чиқариш меҳнатининг шаклланган шакллари раціонализация қилиш усуллари. Бу эса айнан инновацион ёндашувнинг умумлаштирилишига хизмат қилади. Россия учун бир қанча саноат кластерларини (Эдмонтон) ўз ичига олган интеграциялашган минтақавий кластерларни яратиш тажрибаси Канада учун энг катта қизиқишдир. Канада мамлакатада кластерлаштириш асосан биотиббидиёт ва биотехнология кластери, ахборот ва телекоммуникация кластери, юқори технологиялар кластери, мультимедиа кластери, вино кластери, озиқ-овқат саноати кластери кабиларни ташкил этади. Канадада давлатнинг барча даражалари федерал, минтақавий, шаҳар масштабидаги доиралар кластерларлаштириш фаолиятини қўллаб-қувватламоқда, аммо ҳар бир даражадаги аниқ қўллаб-қувватлаш шакллари фарқ қилади. Федералда кластерлар мажмуавий кўринишга эга бўлса, минтақавий ва шаҳарда ихтисослаштирилган бўлади.

Жаҳонда кластерларнинг жадал ривожланиши инновацион тадбиркорлик фаолиятининг самарали йўналиши ҳисобланади. Хусусан, 1997 йил Европада иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Декларацияси ва уни амалга ошириш режаси қабул қилиниб, ҳамкорликнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида кластерлар асосида янги ишлаб чиқариш тизимларини шакллантириш белгилаб берилган. Кластер концепцияси моҳияти иқтисодий ҳудудларнинг салоҳиятидан ўзаро манфаатли фойдаланишдан иборат бўлиб, ҳудудий иқтисодий муаммоларни ечиш Европа Иттифоқи фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади⁶⁷.

Шу ўринда кластерларни ривожлантиришнинг Қозоғистон тажрибасини ўрганиш аҳамиятли ҳисобланади. Жумладан, МДХ мамлакатларидан бири бўлган Қозоғистон 2003 йилда Қозоғистон иқтисодиётини диверсификациялаш мақсадида 2015 йилгача мўлжалланган саноат-инновацион ривожланиш стратегия тасдиқланди. Стратегияда иқтисодиётнинг асосий кластери сифатида нефт ва газ тармоғи олинди. Шунга асосан миллий нефт-кимё кластери шакллантирила бошланди. Жумладан, ахборот технологиялар кластерлари Бельгия, Дания, Финляндия, Германия, Ирландия, Люксембург, Голландия, Норвегия ва Буюк Британияда, шунингдек биотехнология кластерлари Австрия, Франция, Италия ва Швеция мамлакатларида кенг ривожланган (1.-жадвал).

Хорижий давлатларда инновацион кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш давлатнинг хусусий тармоқ ҳамкорлигида инвестиция, солиқ, лизинг ва лицензиялаш

⁶⁶ Инновации. Коммерсант. Business guide. 16 ноября 2005 №215. – стр. 32.

⁶⁷ Асаул Л.Н. Строительный кластер – новая региональная производственная система // Экономика строительства. 2004, №6. www.mbrk.ru

воситаси орқали амалга оширилмоқда. Шунингдек, давлат бюджети даромадлари қисми ва хорижий донорлар маблағларидан биринчи навбатда қуйидаги устувор рақобатбардош йўналишларни ривожлантиришда фойдаланиш.

Кластерли ёндашув рақобатбардошликни оширишнинг янги технологиялари ҳисобланиб, у қуйидаги мақсадларни ўзида акс эттиради: аҳоли турмуш даражасини ошириш; ҳудудларда бизнес рақобатбардошлигини кучайтириш; мамлакат ҳудудларини ривожлантириш салоҳиятидан комплекс фойдаланишга ўтиш ва бизнеснинг рақобат устунликларини ошириш имконини берувчи самарали бизнес муҳитни қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.

Жаҳонда инновацион нефт-газ кластерини шаклланишида ExxonMobil ва Total компаниялари етакчи ўринларда туради. Ушбу компаниялар илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига (ИТТКИ) йилига 700-800 млн. АҚШ долларида маблағ сарфлайдилар. Шу ўринда “нефт гигантлари”нинг ИТТКИга қиладиган харажатларини 1 тонна нефт эквиваленти ҳисобида олинса, унда 1 доллар 1 тонна нефт эквивалентига тўғри келса, ушбу харажатлар Хитой ва Бразилия компанияларида қарийб 2,35-3,22 АҚШ долларни ташкил қилади. Хитой ва Бразилия компаниялари жами “инновация” бюджетини углеводородларни қидириш ва қазиб олиш жараёнларида технологияларни ривожлантиришга сарфламоқда. Ушбу сегмент салмоғи жами ИТТКИ харажатларида 90-100 фоизни, Европа ва Америка компанияларининг харажатларида ушбу кўрсаткич 50 фоизни ташкил қилади. Бу улар томонидан бошқа сегментлар, яъни нефтни қайта ишлаш, нефт кимё, муқобил энергия манбаларини инвестициялаш учун сарфланишидан далолат беради. Нефт-газ кластерининг йирик компаниялари асосий эътиборни қидирув, қазиб олиш, нефт ва газни қайта ишлаш, экологик ўзгаришлар таъсирини камайтириш ва бошқаларга қаратмоқда.

Нефт-газ саноатида кластерларни ривожлантириш бўйича Россия тажрибаси эътиборга молик. Жумладан, Татаристон республикасида Нижнекамск саноат округида нефт-кимё кластери таркибига тадқиқот ва молия институтлари, йўл ва логистик инфратузилмалар киритилган ҳолда яхлит шакллантирилган. Натижада ҳудудда жойлашган корхоналарда инновацион маҳсулотлар, пластмасса, полимер қурилиш, спорт ва медицина товарлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Бугунги кунда нефт-газ кластерлари Россия иқтисодиётининг тез суръатларда ривожланаётган сегменти ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги хусусийлаштириш ва бирлашиш жараёнлари тугатиб, ички ташкилий тузилмаларни мақбуллаштириш, жумладан илмий-тадқиқот бўлимларни шакллантиришга киришган Россия нефт-газ кластерларида собиқ иттифоқ даврида асос солинган тармоқлар институтлари кўмагидан воз кечган ҳолда амалий тадқиқот олиб борадиган ўз илмий-тадқиқот марказларини яратиш заруратидан келиб чиққан. Бу ишни амалга оширишда қатор қийин-чиликлардан инновацион фаолиятнинг элементларидан унумли фойдаланган ҳолда ўтишга муваффақ бўлди. Натижада кўпгина институтлар хусусийлаштирилди ва нефт-газ компанияларига бирлаштирилди. Компаниялар ўз тадқиқот бўлимлари ёки институтларни тузмоқда, шу билан бир қаторда собиқ тармоқ институтларини сотиб олмақдалар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда инновацион нефт-газ кластерини яратишда нефт-газ компаниялари асосий эътиборни мутахассисларни технологик ўқитиш, янги ва илғор технологияларни мувоффақиятли жорий қилиш, тармоқ илмий-тадқиқот институтларини комплекс бошқаришни таъминланган ҳолда илмий-техник ривожланишни марказлашган ҳолда бошқаришга қаратиши лозим.

Янги технологиялар самарали жорий қилиш ва амалга ошириш учун компания ихтисослашган мутахассислар сонини оширишга қаратилган “Технологик ўқитиш тизими”ни яратиш зарур. Бунда “Инновацион менежмент” дастури бўйича ўқитишни амалга ошириш юқори самара беради.

Жаҳон амалиётига назар солганда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер

шакли инновацион жараёнга тайёр эканлигини тасдиқлайди. Маълумки, инновацион жараёнларнинг масштабига кўра турлари жаҳон, мамлакат, минтақа ва маҳаллий доирадагиларга бўлинади. Кўплаб ривожланган ва барқарор фаолиятга эга саноат корхоналари аслида мураккаб кластерлардан ташкил топмаган, аксинча уларнинг бир жойда мужассамлаштирган ҳолда ҳам содда шаклга эга бўлиб қолади ва тадбиркорликнинг ҳамжамиятларининг асосий стратегиялари бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Жануби-Шарқий Осиё ва Хитойда, хусусан Сингапурда нефткимё соҳасида минтақавий кластерларни шакллантириш жараёни изчил тус олган. Минтақавий кластерларни яратиш ва шакллантиришнинг хорижий тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, кластер сиёсати либерал ва олиб бориладиган иккита асосий модел мавжуд:

1) Либерал кластер стратегияси шундай мамлакатлар учун характерлики, анъанавий равишда либерал иқтисодий сиёсат олиб бориши кузатилади (АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Канада). Асосий принцип шундан иборатки, кластер бозор механизмида, давлатнинг роли жуда кам ва у фақат шу табиий ривожланишидаги тўсиқларни олиб ташлаш ва тўғридан-тўғри давлатни ўз ичига оладиган аралашувлар доираси фаолият юритади.

2) Кластер сиёсатини олиб бориш ушбу мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этаётган мамлакатлар (Франция, Корея, Сингапур, Япония, Швеция, Финляндия, Словения) ҳукуматлари томонидан олиб борилади. Бундай мамлакатларда давлат кластерни шакллантириш жараёнида янада фаол рол ўйнайди. Ушбу сиёсат устувор йўналишларни танлашдан ва ривожланиш дастурларини молиялаштиришдан тортиб бир қатор тадбирларни ўз ичига олади.

Нефт ва газ соҳасида инновацион кластерларни юритилишида юқори кўрсаткичлар билан Форбс рейтингидан ўрин олмаган бўлсада, ўзига хос тажрибани дунё аҳлига Исроил давлати тақдим этди. Исроил доимо киберхавфсизлик соҳасида юқори позицияларни эгаллаб келган ва турли соҳалардаги тадбиркорлар ва 300 дан ортиқ трансмилий корпорациялар ушбу мамлакат ҳудудида илмий-тадқиқот марказларини қуришга қарор қилишган. Инновация маъмуриятининг якуний мақсади Исроилнинг табиий газининг сўнгги денгиз кашфиётларидан нефт ва газ секторида маҳаллий ва, энг муҳими, глобал миқёсда интеграциялашган ҳолда фойдаланиш учун фойдаланишдан иборатдир. Исроилда жуда оз миқдордаги нефт захиралари мавжуд, аммо жуда кўп ички табиий газ захираларига эга, улар 2009 йилдан бери кўп йиллар олдин муваффақиятсиз кидирувлардан сўнг аниқланган бўлиб, улардан фойдаланиш имкониятини турли хил технологик эҳтиёжларга бўлган муносабат етарлича тажриба тўплашга эътибор қаратишни тақозо этди. Исроилда нефт ва газ билан шуғулланувчи 184 та корхона мавжуд бўлиб, уларнинг фаолиятидаги муаммолар айнан нефт ва газ билан боғлиқ эмас, аммо улар нефт ва газ саноатида ва мониторинг ва назорат, ахборот технологиялари ва коммуникациялар каби соҳаларда қиймат яратадиган технологияларга муҳтожлиги самарадорлик сари интилишни ифолайди.

Юқоридагларни назарий жиҳатдан тадқиқотлари ҳамда амалий жиҳатларини ўрганиб боришда, жаҳон тажрибаси ҳам бир мамлакат учун алоҳида қўлланилганда синергетиканинг флуктуация жараёни кузатилади ва ижобий натижалар беради.

Хулоса қилиб айтганда хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётни ривожлантиришнинг кластерли ёндашувига иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш сиёсати сифатида қараш мумкин.

Ўзбекистонда инновацион нефт-газ кластерини яратишда нефт-газ компаниялари асосий эътиборни мутахассисларни технологик ўқитиш, янги ва илғор технологияларни мувоффақиятли жорий қилиш, тармоқ илмий-тадқиқот институтларини комплекс бошқаришни таъминланган ҳолда илмий-техник ривожланишни марказлашган ҳолда бошқаришга қаратиши лозим. Шунингдек, стратегик жиҳатдан мустаҳкамланган халқаро

мамлакатлар билан ҳамкорликда ИТТИ ишланмалари таъминот занжирларини такомиллаштириш, мувофиқлаштириш ва интеграция стратегик занжирларини бир-бири билан боғлаш, мақсадни таъминлаш учун кўллаб-қувватлашдаги таъминот занжирлари ва халқаро тармоқлар шунингдек саноат кластерларини ташкил этиш зарур.

Саидмурадова Т.С., кат.ўқитувчи, ТТЕСИ

ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий негизини мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштириш ташкил этади. Унинг мақсади - бозор иқтисодиётининг вужудга келиши учун зарур бўлган асосий шароитларни яратиш, хусусий мулк институтини шакиллантириш, иқтисодий ва ҳуқуқий базани ҳамда уларсиз иқтисодиётнинг хусусий сектори фаолият кўрсата олмайдиган институционал тузилмаларни барпо этишдан иборат.

Акциядорлик жамиятлари бугунги кунда мамлакат иқтисодиётининг кўплаб соҳаларида этакчи мавқени эгаллагани ҳолда, кенг тарқалган, бошқарув, кузатув ва ижро органлари орқали корпоратив муносабатларга фаол киришадиган юридик шахслар ҳисобланади. Корпоратив бошқарувнинг мақсади акциядорлик жамиятига жалб қилинган турли шахслар гуруҳлари манфаатларининг ўзаро уйғунлигига риоя этишдан иборат. Маълумки, корпоратив бошқарувнинг вужудга келиши мулкка эгалик қилиш ва уни бевосита бошқариш вазифаларининг бир-биридан ажралиб чиқишига боғлиқ

Корхоналарнинг самарали фаолияти кўп жихатдан корпоратив бошқарув муносабатлари тизими ривожланишига бевосита боғлиқлиги сабабли ҳозирда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиётнинг корпоратив секторининг алоҳида ўрни мавжудлиги билан бир қаторда ушбу мулкчилик шаклининг ривожланиши жараёнида айрим муаммолар мавжудки, уларнинг ҳал этилиши нафақат соҳанинг тараққиёти учун, балки иқтисодиёт барқарорлиги учун ҳам аҳамиятлидир.

Кейинги йиллардаги миллий корхоналарни ислоҳ этиш натижасида корпоратив сектор иқтисодиётидаги умумий муаммолар бевосита мулкдорлар, акциядорлар ва менежерлар ўртасидаги манфаатлар қарама - қаршиликларини ўзида ифодаловчи корпоратив бошқарув тизимидаги мавжуд муаммоларга ҳам бевосита боғлиқ бўлмоқда. Буни хусусийлаштиришдан сўнгги бизнес муҳитида “хўжалик демократияси” ни шакллантириш билан боғлиқ иқтисодий ва ҳуқуқий ҳамда ижтимоий муаммолар таъсирида ҳамон маҳаллий акциядорлик корхоналарида юқори корпоратив маданиятнинг шаклланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш билан боғлиқ ислохотлар йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган корпоратив бошқарув тизимни амалга ошириш йирик масштабдаги капитални жалб қилишни талаб этилади. Бундай йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг манбалари таркибидаги анъанавий йўналишлардан бири қимматли қоғозларни молиявий бозорларга жойлаштириш ҳисобланиб, аксарият акциядорлик жамиятларининг ушбу йўналишдаги маблағларни жалб қилиш имкониятлари инвесторлар ишончининг пастлиги туфайли чекланиб қолинмоқда.

Бунга асосий таъсир этувчи омил нафақат корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг самарадорлиги таъсир этмоқда, балки асосий таъсир этувчи омил сифатида эмитент корхоналар акцияларига қуйилма қилувчи ҳиссадорлар ва айниқса, янги

ҳиссадорлар учун ҳуқуқлари чекланиши билан боғлиқ инвестицион хатарларнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Хусусан, ижро этувчи директор ва ҳиссадорлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда манфаатлар мувозанатининг бузилиш ҳолатларининг мавжудлиги акциядорлик жамиятларига ва айниқса, енгил саноат тармоғидаги акциядорлик жамиятларига инвестициялар оқимининг нисбатан чекланишига таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланмоқда. Айрим иқтисодчи олимларнинг фикрича, акциядорлар пакетида эгаллик қилувчи акционерлар ва менежерлар ўртасидаги амалдаги муносабатларнинг шаффофлиги етарли эмас ва амалдаги қонунчилик инвесторлар ҳуқуқларини етарли даражада ҳимоя қилмайди.

Ўзбекистон Республикасида шакллантирилган корпоратив бошқарув тизими бир томондан молиявий бозорларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, иккинчи томондан, акциядорларнинг инсайдерлик назоратига қарама-қарши ҳаракатининг асосий усули сифатида шакллантирилган капиталларнинг юқори даражадаги концентрациялашуви билан тавсифланади.

Оптимал корпоратив бошқариш тизими ҳар қандай корхоналарда ташкил этилиши мумкин. Лекин, бундай тизим учун йирик вертикал интеграл корпоратив тузилмаларнинг имкониятлари нисбатан юқоридир. Шу нуқтаи назардан маҳаллий корпоратив мулкчиликга асосланган хўжалик субъектларимизда корпоратив бошқариш тизими самардорлигини оширишга қулай шарт-шароитлар мавжуддир.

Чунки, республикада амалга оширилган давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сиёсати натижасида деярли иқтисодиётнинг таянч тармоғидаги корхоналар йирик вертикал интеграл ташкилий тузилмаларга айланттирилган. Ушбу акциядорлик жамиятларига жами акциядорлик жамиятларига тўғри келадиган активларнинг салмоқли қисми тўғри келади. Шунингдек, ушбу корпоратив тузилмаларда давлат улуши юқори бўлиб, улар бўйича давлатнинг ишончли вакиллари тайинланади ва ишончли бошқарувчиларга бошқаришга берилади.

Ишончли бошқарувчиларнинг самарали фаолиятига қуйидаги омиллар таъсир этмоқда:

- стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳа ва тармоқлардаги бизнесда давлат иштирокини таъминлаш бош мақсад бўлсада, унинг манфаатлари аниқ белгиланган;
- юклатилган вазифаларни самарали бошқариш натижаларига асосланган ҳолда рағбатлантирувчи механизмларнинг етарли даражада эмаслиги;
- компетенциянинг этишмаслиги, яъни кадрлар бўшлиғининг мавжудлиги ва мавжуд кадрларда корпоратив бошқариш асослари, ваколат ва мажбуриятларини ҳамда профессионал билим ва малаканинг этишмаслиги каби омиллар таъсир этмоқда.

Корпоратив бошқарувнинг комплекс механизми: корпоратив стратегия, корпоратив маданият, молиявий ва ахборот шаффофлиги, акциядорлар, кредиторлар ва бошқа қимматли қоғозлар эгалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг мавжудлиги каби таркибий элементларни ўз ичига олиб, уларнинг ҳар бири корпоратив бошқарувни такомиллаштириш учун аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда кузатилаётган макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатлари корпоратив мулкчилик шароитида фаолият юритувчи хўжалик субъектлари томонидан стратегик бошқарув тизимини шакллантиришга шарт-шароит яратмоқда. Лекин, замонвий шароитларда жамоа аъзолари, менежерлар, таркибий тузилмалар ҳамжиҳатлиги ва келишувини тартибга солувчи қоида ва меъёрларни ўзида мужассамлаштирувчи корпоратив маданиятни ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар мавжуддир.

Корпоратив маданиятнинг асосий компонентлари куйидагилардан иборатдир: лидерликнинг қабул қилинадиган тизими, ихтилофлар ҳал қилишнинг йўналишлари ва услублари, коммуникациянинг амалдаги тизими.

Замонавий раҳбарлар ва бошқарувчилар корпоратив маданиятни ўзининг бўлимлари ва ташкилий бирликларини ягона мақсадда жамлаш, ташаббускор ходимлар фаоллигини ошириш имкониятига эга бўлган кучли стратегик инструменти сифатида қарайдилар. Улар ўз компанияларининг корпоратив маданиятини шакллантиришга ҳаракат қиладилар.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги шароитда аксарият йирик акциядорлик жамиятларида корпоратив маданият ривожланиб бораётган бўлсада, уларни жамият ҳаётидаги таъсирчанлиги сезиларли эмасдир. Корпоратив маданиятни ривожлантириш орқали нафақат компания нуфузи кўтарилишига эришилади, балки, унинг акциядорлари, менеджерлари ва меҳнат жамоаси аъзолари ўртасидаги ихтилофлар ҳам бартараф этилади, соғлом муҳитнинг вужудга келиши улар тараққиётининг бош омилига айланади.

Аксарият ҳолатларда корпоратив бошқарув тизими самарадорлигига молиявий ва ахборот шаффофлиги таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бизнинг фикримизча, бундай муаммоларнинг вужудга келишини куйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- акциядорлик жамиятлари молиявий хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ошқора эълон қилинмаслиги;

молиявий бозорлар ахборот инфратузилмасининг этарли даражада ривожланмаганлиги;

- амалдаги молиявий ҳисоб тизими ва молиявий ҳисоботлардаги мавжуд маълумотлардан кенг инвесторлар жамоатчилигининг фойдаланишлари билан боғлиқ муаммолар.

Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги маълумотларини инвесторларга тўлақонли ва ўз вақтида этказилиши уларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча, акциялар ва улар бўйича тўланадиган дивидендлар тўғрисида кенг инвесторлар томонидан этарли маълумотларни олишлари учун молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозалари иловаларига мувофиқ битта акцияга тўғри келадиган даромадлилик ҳисоботини амалдаги молиявий ҳисоботларга илова шаклида киритиш мақсага мувофиқдир. Бу ўз навбатида, мавжуд инвесторларнинг қонунда белгиланган акциялари бўйича номулкий ҳуқуқий ҳисобланувчи ахборот олиш ҳуқуқининг самарали ижросини таъминлайди.

Шунингдек, мавжуд молиявий ҳисоботларнинг такомиллашуви корпоратив бошқарувнинг функционал элементи бўлган корпоратив назоратнинг маълумотлар базаси яхшиланишига олиб келади. Маълумки, ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда акциядорлик жамиятлари бизнес қийматини баҳолаш ва корпоратив назоратни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларида узлуксиз эълон қилинадиган ҳолис рейтинг агентликлари ахборотлари муҳим ўрин тутаяди.

Бизнинг фикримизча, ҳам молия бозори инфратузилмаси таркибига кирувчи шундай ҳолис рейтинг агентликлари фаолиятини ривожлантириш зарур. Ушбу рейтинг агентликлари акциядорлик жамиятлари фаолиятини комплекс баҳолаш тизимида улардаги корпоратив бошқарув самарадорлиги рейтингини ҳам баҳолайдилар ва эълон қиладилар.

Иқтисодиётда турли мулкчилик шакллари ўртасида акциядорлик жамиятлари бошқарув тузилмаси таркиби, ривожланишнинг бош стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ваколат ва масъулиятларнинг ўзига хослиги акциядорлик жамиятларини бошқариш масалаларига алоҳида ёндашишни талаб қиладди.

Енгил саноат тармоғидаги мулкчилик шакллари ўртасида акциядорлик жамиятлари йирик ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш жараёнини зарур даражада молиялаштиришга кўмаклашиш, халқаро сифат талабларига жавоб бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби жиҳатлари билан алоҳида аҳамиятга эга.

Хеч бир давлат самарали компаниялар ва корхоналарсиз фаровонлигини ўстириш ва кўшимча иш ўринларини яратиш учун зарур шароитларни ярата олмайди. Ҳар бир мамлакатга мукамал бошқарув тизимига эга корхоналар керак, зеро улар инвестицияларни жалб қила олади, иш ўринларини яратади, моддий қимматликларни ишлаб чиқаради ва шу билан бирга, жаҳон бозорида ҳаётчанлигини, рақобатбардошлигини таъминлайди. Шу сабабли юқори даражада ташкил қилинган корпоратив бошқарув миллий иқтисодий ривожлантирининг заруратига айланади.

Шундай қилиб, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган чора тadbирлар мамлакатимизнинг умумиқтисодий ҳолатига ўз ижобий таъсирини кўрсатган ҳолда асосий ижтимоий гуруҳлар ва ижтимоий институтлар ўртасидаги муносабатларида манфаатлар мувозанати таъминланишига олиб келиши мумкин.

*Shagaipova Gulchexra Zinatullaevna, kat.o'qituvchi,
Islom Karimov nomidagi TDTU*

O'ZBEKISTONDA SAMARALI KORPORATIV BOSHQARUV TIZIMI VA UNING PRINSIPLARI

Bugungi jahon iqtisodiyotining globallashuv sharoitida iqtisodiyotning tarmoq korxonalarida texnologiyalarga asoslangan tubdan yangi ishlab chiqarishni yo'lga quyish, har qanday kon'yunkturaviy o'zgarishlarga qarshi tura oladigan raqobatbardoshlikni ta'minlovchi korporativ tuzilmalarni shakllantirish va takomillashtirish yo'llarini o'rganish istiqboldagi muhim vazifalardan biri ekanligini ko'rsatadi.

Korporativ boshqaruv tizimidagi prinsip va yondashuvlarni tubdan o'zgartirish, ishlab chiqarish, tashqi iqtisodiy va investitsiya jarayonlariga zamonaviy xalqaro korporativ menejment standartlarini joriy etish, korporativ yoki aksiyadorlik birlashmalarining faoliyati samaradorligini tanqidiy baholash zarurdir.

Korporativ boshqaruv tizimini tegishli tartibda o'rganish, korporativ boshqaruv tizimidagi prinsip va yondashuvlarni tubdan o'zgartirish, ishlab chiqarish, tashqi iqtisodiy va investitsiya standartlarini joriy etish jiddiy e'tiborni talab etadi.

Bunda xorijiy kompaniyalar tajribasini chuqur o'rganish va namunaviy tuzilmalarni yaratish, real iqtisodiyotning barcha tarmoq va sohasidagi aksiyadorlik jamiyatining boshqaruv tuzilishini ayni shu asosda isloh qilgan holda ularni amaliyotga faol joriy kilishimiz zarurdir.

2015 yil 24 aprelda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Aksiyadorlik jamiyatlarida zamonaviy korporativ boshqaruv usullarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida" PF-4720-sonli Farmon qabul qilinishi mazkur farmonda samarali korporativ boshqaruvni amaliyotga joriy etishda quyidagi yo'nalishlar belgilab berildi: halqaro tajribani chuqur taxlil qilish asosida zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy etish, ishlab chiqarish, investitsiya, moddiy texnik, moliyaviy va mehnat resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirish; chet el kapitali ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlariga xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilish uchun qulay sharoitlar yaratish; ishlab chiqarish, tashqi iqtisodiy faoliyat va investitsiya jarayonlarining korporativ menejmentiga doir xalqaro zamonaviy standartlarni joriy etish katta ahamiyatga ega.

O'zbekistonda korporativ boshqaruvni takomillashtirishning asosiy tendensiyalar sifatida quyidagilarni alohida ko'rsatish mumkin: aksiyadorlik jamiyatlarining tashkiliy tuzilmasini ularning tarmoq xususiyatlarini inobatga olgan holda qayta tashkil etish; aksiyadorlik jamiyatlarida ijro organlarining samarali faoliyatini baholash mezonlarni tatbiq etish; aksiyadorlik jamiyatlarida faoliyatida strategik boshqaruv va nazoratni ta'minlashda aksiyadorlarning rolini oshirish; aksiyadorlik jamiyatlarida kuzatuv kengashi faoliyatining samaradorligini baholashni tatbiq etish; qimmatli kog'ozlar bozorini, xususan, ikkilamchi bozorni yanada rivojlantirish; korporativ boshqaruv sohasida kadrlar tayyorlash va ularning malakasini oshirishni takomillashtirish.

Bu borada "Aksiyadorlik jamiyatlarida zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmonning qabul kilinishi bilan konunchilikda tizimlilikni ta'minlash, ularning normalari va ijro mexanizmlarini hamda aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ munosabat boshqaruvini huquqiy jihatdan to'liq tartibga solish maqsadida tegishli qonunlar, jumladan, "Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi, "Tadbirkorlik faoliyati erkinligining kafolatlari to'g'risida"gi, "Sug'urta faoliyati to'g'risida"gi, O'zbekiston Respublikasi qonunlariga hamda boshqa qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilganligi va aksiyadorlar jamiyatlari faoliyatining ochiqqligini ta'minlash, korporativ boshqaruvning yangi usullarini joriy kilish orqali aksiyadorlik jamiyatlarida moliyaviy resurslar ardan oqilona foydalanish, chet el investorlarini mamlakatimizga jalb qilish-ning huquqiy asoslari mustahkamlandi. Korxonalar korporativ boshqarish buyicha ilg'or xalqaro tajribani o'rganish asosida aksiyadorlik jamiyatlarining yangi namunaviy tuzilmasi ishlab chiqildi va tasdiqlandi. SHu tariqa, zamonaviy korporativ boshqaruv tizimi talablarini inobatga olgan holda, lavozim va kasblarning yangi klassifikatori ishlab chiqildi va tasdiqlandi. O'zbekistonda korxonalar korporativ aksiyadorlik shakliga aylantirish jarayonida joriy etiladigan korporativ boshqaruv usullari avval boshidanoq quyidagi asosiy maqsadlarni ifodalaydi:

- korxonalar faoliyatining iqtisodiy va moliyaviy ko'rsatkichlarini boshqaruv sohasida ularning mustaqilligini ta'minlash hisobiga yaxshilash;

- milliy moliya bozorining turli bo'g'inlarini rivojlantirish hamda aholining korxonalar kapitalidagi ishtirokini kengaytirish;

- ichki bozorni turli mahsulotlar bilan to'ldirish va mahalliy korxonalar raqobatbardoshlik darajasini oshirish;

- korxonalar to'g'ridan-to'g'ri va portfelli xorijiy investitsiyalarni jalb qilish.

Aksiyadorlik jamiyatida korporativ boshqaruv usulining institutsional qaror topishi jarayoni quyidagi omillar bilan izohlanadi:

- davlat korxonalarini xusu-siylashtirish va ularning moliyaviy ahvolini mustahkamlashga qaratilgan choralar;

- davlat korxonalarini aksiyadorlik jamiyatlarini tashkil qilish shaklida davlat tasarrufidan chiqarish jarayoni, emissiya ko'lamlarini kengaytirish va ularning aksiyalarini muomalaga chiqarish;

- korxonalar aksiyadorlari huquqlarini davlat va uning vakolatli idoralari tomonidan himoyasini mustahkam qonunchilik va institutsional bazasini yaratish.

O'zbekistonda korporativ boshqaruvni takomillashtirishning asosiy tendensiyalar sifatida quyidagilarni alohida ko'rsatish mumkin: aksiyadorlik jamiyatlarining tashkiliy tuzilmasini ularning tarmoq xususiyatlarini inobatga olgan holda qayta tashkil etish; aksiyadorlik jamiyatlarida ijro organlarining samarali faoliyatini baholash mezonlarni tatbiq etish; aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatida strategik boshqaruv va nazoratni ta'minlashda aksiyadorlarning rolini oshirish; aksiyadorlik jamiyatlarida kuzatuv kengashi faoliyatining samaradorligini baholashni tatbiq etish; qimmatli kog'ozlar bozorini, xususan, ikkilamchi bozorni yanada rivojlantirish; korporativ boshqaruv sohasida kadrlar tayyorlash va ularning malakasini oshirishni takomillashtirish.

Korporativ boshqaruv tizimini xalqaro standart va tamoyillar asosida takomillashtirish, iqtisodiyotda balanslashtirilgan korporativ boshqaruv mexanizmlarini yaratish, korporativ boshqaruv jarayonlarini modellashtirish, korporativ boshqaruv samaradorligi va mexanizmini shakllantirishga ta'sir etuvchi omillar o'rtasidagi bog'liqlikni aniqlash, korporatsiyani boshqarishning iqtisodiy va huquqiy mexanizmlarini barpo etish shular jumlasidandir. SHu bois korporativ boshqaruvning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

Bunda xalqaro amaliyot va tashkiliy tuzilmasini takomillashtirishning jahon standarti va talablariga mosligi nuqtai nazaridan chet el kapitali ishtirokidagi korxonalar faoliyatini qo'llab-quvvatlash, strategik rivojlanish va uzoq istiqbolli vazifalarni aniqlash, ichki audit tizimini va ijro organining aksiyadorlar va investorlar bilan o'zaro munosabatlarining samarali mexanizmini, korporativ boshqaruvning zamonaviy usullarini tatbiq etish bo'yicha tavsiyalarni o'z ichiga olgan Korporativ boshqaruv kodeksi hamda ustav fondida davlat ulushi mavjud aksiyadorlik hamda boshqa xo'jalik jamiyatlari faoliyatining samaradorligini baholash mezonlarini, raqobatbardosh mahsulot ishlab chiqarish, mahsulotlarning yangi bozorlarini izlash va unga chiqish tamoyillari asosida aksiyadorlik jamiyatlarining iqtisodiy-moliyaviy samaradorligini oshirish dasturini ishlab chiqish nazarda tutilgan.

Bunda korporativ boshqaruv kodeksida kuzatuv kengishining vakolotlariga qo'shimcha tarzda quyidagi vazifalarni xam kiritish, jumladan, AJ risklarni boshqarish tizimini nazorat qilish, vorislikli rejalashtirishni nazorat qilish, axborotni oshkor etish va uni etkazib berish jarayonini nazorat qilish, AJlarda Korporativ xulq vam odob-axloq kodekslarini ishlab chiqish va qabul qilish zarurdir. SHuningdek, milliy korporativ boshqaruv tizimini xalqaro standartlar (ya'ni G20/IHTT ning korporativ boshqaruv tamoyillari) ga yaqinlashtirish va takomillash-tirish uchun quyidagi tadbirlarni ham amalga oshirish maqsadga muvofiq:

-aksiyadorlarning mavjud qonuniy xuquqlariga qo'shimcha ravishda xuquqni, ya'ni AJ rahbariyati va kuzatuv kengashi a'zolariga nisbatan xuquqiy va ma'muriy ishlarini qo'zg'atish xuquqini qonuniy asosda joriy etish mexanizmlarini yaratish;

-institutSIONal investorlar (investitsiya fondlari, sug'urta kompaniyalari va tijorat banklari) ning korporativ boshqaruvdagi faolligini kuchaytirish, bunda " Korporativ ishonchli boshqaruv kodeksi" (Stewardship Code) deb nomlangan xujjatni qabul qilish , institutsional investorlar va AJ lar o'rtasida doimiy muloqotni rag'batlantirish, ishonchnoma orqali ovoz berish tizimini rivojlantirish;

-shunday mexanizmni yaratish lozimki, unga muvofiq AJ iqtisodiy nochor axvolga kelganda bankrotlik qonunchiligi asosida kuzatuv kengashi a'zolariga korporativ boshqaruvda muhim rol o'ynashi mumkin bo'lgan kreditorlarning manfaatlarini ximoya qilish;

- SHuningdek, Jahon banki va Xalqaro moliya korporatsiyasining ustav fondida davlat ulushi bo'lgan aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruvni takomillashtirish va ularga salohiyatli xorijiy investorlarni jalb qilish bo'yicha texnik ko'mak loyihasini amalga oshirish, korporativ boshqaruv va fond bozorini rivojlantirish masalalari yuzasidan qimmatli qog'ozlar bo'yicha xalqaro tashkilot bilan hamkorlikni yanada mustahkamlashga chora-tadbirlari belgilangan.

Keng ko'lamli vazifalarning biri qimmatli qog'ozlar bozorini muvofiqlashtirish va rivojlantirish markazi veb-saytida korporativ axborotlarning YAgona portalini tashkil etishdan iborat bo'lib, bunda moliyaviy hisobotlar va auditorlik xulosalari, aksiyadorlik jamiyat faoliyati va muhim faktlari haqidagi ma'lumotlar, emissiya prospektlari, aksiyalarni joylashtirish haqidagi axborotlar, aksiyadorlik kapitali hajmi kabi investorlarga zarur boshqa ma'lumotlar, qimmatli qog'ozlar bozori va korporativ boshqaruv masalalari bo'yicha normativ-huquqiy bazaga kiritilgan o'zgartishlar xalqaro normalar hisobga olingan holda joylashtirilishi talab etiladi. Yuqorida berilgan korporativ boshqaruv milliy tizimini xalqaro standartlar asosida innovatsion rivojlantirish istiqbollari belgilab beruvchi taklif va tavsiyalarni amalda qo'llash O'zbekiston korporativ boshqaruv tizimining huquqiy, tartibga soluvchi va institutsional asoslarini takomillashtirishga xizmat qiladi, bu esa aksiyadorlik jamiyatlarining faoliyati samaradorligi va shaffofligini oshiradi, aksiyadorlar va boshqa manfaatdor tomonlarning korporativ boshqaruvdagi rolini kuchaytiradi, va pirovardida, mamlakatning barqaror iqtisodiy o'sishiga olib keladi.

ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ: ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И КОДЕКС НАИЛУЧШЕЙ ПРАКТИКИ

В формировании общих подходов и принципов корпоративного управления активно участвуют не только правительственные органы большого числа стран, но и негосударственные (общественные, предпринимательские и пр.) организации и группы. Если усилия государственных органов направлены прежде всего на совершенствование законодательства с целью закрепления обязательности определенных стандартов раскрытия информации о деятельности компаний, защиты прав акционеров и обеспечение равного отношения к ним, учет интересов других заинтересованных сторон, то деятельность деловых кругов и других негосударственных структур и групп направлена на формирование правил и процедур корпоративного управления, которые были бы добровольно приняты большей частью делового сообщества, соответствовали бы международно признанным принципам и вместе с тем учитывали национальные особенности.

Результатом такой работы стало появление в различных странах так называемых кодексов корпоративного управления — свода добровольно принимаемых стандартов и внутренних норм, устанавливающих и регулирующих порядок корпоративных отношений. К их числу можно отнести такие, как Кодекс Кэдбери, подготовленный в 1991г. в Великобритании. Комитетом под руководством Адриана Кэдбери, сформированным Советом по финансовой информации, Лондонской фондовой биржей и профессиональным союзом бухгалтерских служащих; Кодекс наилучшей практики для германского корпоративного управления, подготовленный Германской группой по корпоративному управлению в январе 2000г.; Рекомендации комитета по корпоративному управлению под председательством М. Вьено (в редакции 1995 и 1999гг.), подготовленные группой, созданной Национальным советом французской промышленности, Французской ассоциацией частных предприятий и Движением французских предприятий; Принципы корпоративного управления в Греции, подготовленные в 1999г.

В Бразилии и Мексике кодексы корпоративного управления являются полностью добровольными для соблюдения. В Индии и Таиланде аналогичные кодексы также являются добровольными и их требования не включены в требования по листингу корпоративных бумаг на биржах этих стран. Однако в Малайзии, в Гонконге и в ЮАР основные требования, изложенные в кодексах корпоративного управления, включены в требования по обязательному раскрытию информации. В подавляющем же большинстве стран, в особенности странах с развивающимися рынками, структура акционерного капитала характеризуется высокой степенью его концентрации. Это означает, что большинство компаний имеет среди своих акционеров одного «базового» акционера, владеющего контрольным пакетом акций, или несколько крупных акционеров, совокупно располагающих контрольным или даже сверхконтрольным (свыше 75%) пакетом акций. В такой ситуации механизм корпоративного управления, построенный на борьбе за доверенности акционеров на голосование во время общего собрания акционеров, оказывается неэффективным, так как исход голосования зависит от договоренности менеджмента с владельцами контрольного или нескольких крупных пакетов акций, гарантирующих себе большинство в совете директоров.

Фондовые рынки большинства стран характеризуются невысокой или просто низкой ликвидностью, постоянными котировками очень небольшого числа акций и их высокой амплитудой колебаний котировок, что делает продажу акций подавляющего большинства эмитентов очень сложным делом (а то и невозможным) с технической точки зрения или

сопряженным с очень большими потерями. Такое состояние рынка делает неэффективным или просто неработающим механизм враждебного поглощения. Механизм же банкротства, как указывалось ранее, является крайней мерой, использование которой сопряжено с большими потерями и техническими сложностями.

Россия представляет в этом отношении показательный пример: несмотря на все существующие запреты, ежегодный отток капитала из страны на протяжении 90-х гг. оценивался в 18—22 млрд. долларов. Эти новые возможности и процессы совпали с резким возрастанием роли частного сектора в экономическом развитии, признанием правительствами подавляющего большинства стран частного предпринимательства в качестве основной движущей силы экономики и резкого сокращения прямого государственного участия в экономике.

Конкуренция за инвестиции

С началом 90-х гг. произошло резкое увеличение спроса на инвестиционные ресурсы и усиление конкуренции за их получение между различными странами и компаниями. В ряде европейских стран, где до недавнего времени доминирующую роль в инвестиционном процессе играли банки (например, Франция, Германия, Италия), компании осознали возможности новых инвестиционных институтов, предприняли шаги по привлечению средств, внешних инвесторов, вследствие чего повысилась степень прозрачности деятельности компаний и усилились позиции акционеров, не владеющих контрольным пакетом акций. Так, например, в документе, озаглавленном «Контроль и прозрачность бизнеса: реформа корпоративного управления в Германии», говорится: «Потрясения на глобальных финансовых рынках... показали нам, до какой степени возросла взаимозависимость [национальных] финансовых рынков... Наши публичные компании теперь привлекают капитал в международном масштабе. Германские акционерные общества вступили в конкуренцию за капиталы в международном масштабе... Влияние международных институциональных инвесторов и их ожидания растут...»

Но особенно значительно конкуренцию за инвестиции подстегнул выход на рынки международных капиталов компаний из стран, ранее находившихся на периферии международных инвестиционных процессов или вообще изолированных от него. Эти страны, в большинстве своем получившие в финансовом мире название «развивающиеся рынки» (emerging markets), можно разделить на две группы. Первая — это страны с рыночной экономикой, уровень развития которой, однако, значительно уступает уровню развитых стран. Это такие страны, как Португалия, Греция, Турция, Бразилия, Мексика, Аргентина, Чили, Индия, страны АСЕАН, ЮАР. Вторая группа — это страны Восточной Европы и бывшего Советского Союза. В первой группе стран большое число существовавших ранее частных компаний (общая численность которых в последние два десятилетия значительно увеличилась, в том числе и за счет активной политики приватизации государственного сектора, проводившейся в предшествующее десятилетие) вышло на уровень, когда ресурсы, на которые они ранее опирались в своем развитии (преимущественно внутренние) уже стали недостаточны. Во второй группе стран массовая приватизация, проведенная в начале 90-х гг., привела к созданию десятков тысяч достаточно значительных по своим размерам компаний, остро нуждающихся в инвестиционных ресурсах для выживания, не говоря уже об амбициозных планах развития. Низкий уровень внутренних накоплений, недоверие мелких инвесторов в ряде этих стран, прежде всего в странах бывшего СССР, и бегство крупного (по национальным масштабам) национального капитала делают привлечение инвестиционных ресурсов фактически неизменным условием развития их экономики. Потребность во все большем объеме инвестиций стимулирует и развитие новых технологий, разработка и внедрение в массовое производство которых является все более дорогостоящим делом.

Глобальные стандарты

В этой ситуации возникла объективная основа для выработки и внедрения неких общих стандартов и правил, которые позволили бы потенциальным инвесторам получить полную, ясную и объективную картину об эффективности деятельности компаний, характере управления ими и реальных владельцах, существующих механизмах и методах инвестирования, с тем чтобы в сжатые сроки и без значительных затрат принять решение о том, вкладывать в них свой капитал или нет.

Показательно, что тенденция к разработке и принятию глобальных стандартов деятельности в 90-е г. получила развитие в ряде сфер, связанных с обслуживанием инвестиционного процесса. Так, во второй половине 90-х гг. широкие масштабы принял процесс принятия и перехода многих стран на международные стандарты финансовой отчетности (IAS), которые нацелены на то, чтобы повысить прозрачность финансовых результатов деятельности компаний различных стран для инвесторов, освободив их от трудностей в понимании показателей, связанных с национальными стандартами бухгалтерского учета. В 1998г. были приняты глобальные стандарты инвестиционной деятельности, представляющие собой свод рекомендуемых правил деятельности инвестиционных институтов, ориентированных на то, чтобы помочь инвесторам в оценке эффективности деятельности этих институтов и предлагаемых ими услуг. Частью этого процесса повышения степени прозрачности предпринимательской деятельности и внедрения ясных и понятных общих стандартов ее ведения стала разработка и принятие принципов корпоративного управления.

В процессе выработки правил корпоративного управления деловые круги стран, выступающих преимущественно в качестве инвесторов, опираются на активную поддержку своих правительств и международных организаций, в которых эти страны играют доминирующую роль. Ряд крупнейших западных рейтинговых агентств приступили к созданию специальных рейтингов корпоративного управления, которые должны стать важным компонентом оценки общего уровня инвестиционной привлекательности компаний той или иной страны и инструментом побуждения их к улучшению существующих в них механизмов корпоративного управления с точки зрения обеспечения эффективной реализации прав инвесторов. Серьезный кризис 1997—1998гг. на большинстве развивающихся рынков побудил крупнейших инвесторов (прежде всего западных) гораздо более основательно подходить к вопросу о вложении своих средств в них, не соблазняться просто высоким уровнем доходности, а требовать от получателей инвестиций создания эффективно действующих механизмов, обеспечивающих интересы владельцев предоставленных средств в долгосрочной перспективе.

В свою очередь, представители правительств и деловых кругов стран, выступающих как реципиенты инвестиций, в возрастающей степени осознают, что динамика и направления инвестиционных потоков в гораздо большей степени определяются интенсивностью и характером международной конкуренции в этой сфере, чем внутренней динамикой экономического развития, национальными правилами и традициями. Во многих из этих стран растет понимание того, что наличие таких правил, понятных и признанных инвесторами из различных стран, и соблюдение их национальными компаниями является очень важным преимуществом в условиях существующей острой конкуренции за привлечение капиталов. При этом в последние годы в ряде этих стран растет осознание того, что даже если не полагаться главным образом на иностранных инвесторов, приверженность эффективным принципам корпоративного управления способствует упрочению доверия внутренних инвесторов, привлечению более дешевых и стабильных источников финансирования.

Важное значение в процессе реформирования имеют вопросы подготовки кадров для сферы. В данном контексте следует отметить деятельность Научно-образовательного

центра корпоративного управления, где за короткий период с участием ведущих зарубежных специалистов было организовано повышение квалификации около 160 руководителей АО, банков и предприятий Узбекистана. Более половины из них прошли стажировку в лучших корпорациях Европы для близкого изучения международного опыта в данном направлении.

Фуқароларнинг давлат органлари билан алоқасини электрон платформа орқали алоқага ўтказиш, яъни давлат ўз фуқаролари учун электрон хизматлар кўрсатиши ва электрон маҳсулотларни таклиф этиши рақамли иқтисодиётнинг асосий қисми ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу соҳани кенг ривожлантириш, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биздаги энг асосий оғрикли муаммолардан бири — коррупция иллатига барҳам беради. Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 5 февраль куни ташқи иқтисодий фаолият тизимини ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилишда ташқи савдо билан боғлиқ назорат тизими ва инфратузилмани яхшилаш, жумладан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона постларида назоратни амалга оширадиган божхона, санитария, карантин, ветеринария ҳамда бошқа идоралар фаолиятини ислоҳ қилиш лозимлигини таъкидлаган эди. Бу соҳада узоқ йиллардан буён самарали ишлар олиб борилмагани, коррупциянинг мавжудлиги ташқи савдо амалиётида муайян кийинчиликлар туғдирмоқда. Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингда “Халқаро савдо” йуналиши бўйича мамлакатимиз 190 та давлат орасида 152-ўринда қайд этилгани ҳам шундан далолат беради. Халқаро тажрибага назар ташласак, кўпгина давлатлар ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт соҳасига жиддий эътибор қаратмоқда. Масалан, 2017 йилнинг 28 июлида Россия Федерацияси ҳукумати Рақамли иқтисодиёт дастурини қабул қилди. Эстония, Беларусь Республикаси ва Украина рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантирмоқда. Ўз навбатида, айрим давлатларда айнан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун зарурий инфратузилмани яратишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, Австралия ҳукумати фуқароларга юкори тезликдаги рақамли алоқани такдим этиш чораларини кўрмоқда, яъни миллий кенг полосали тармоқ (National Broadband Network) ушбу мамлакат аҳолисининг 93 фоизини 1 Гбит/с тезликдаги интернет билан таъминлаш мажбуриятини олган.

Ҳозирги даврда биз технологиялар қандай қилиб оммавий хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ўзгартираётганини кўряпмиз. Воситачиларни олиб ташлайдиган, мижоз ва таъминотчи ўртасидаги алоқаларнинг тўғридан-тўғри амалга оширилишига олиб келадиган Убер каби янги бизнес-моделлар пайдо бўлмоқда. Аввалроқ худди шунга ўхшаш ўзгаришлар молия сектори ҳамда телекоммуникацияларда ҳам рўй берган эди. Саноатда ҳам бир қанча принципиал ўзгаришлар кузатилмоқда, чунки рақамли корхона ва инсоннинг рақамли қиёфадоши — роботлар пайдо бўлиши бутун инсоният функционал моделини жиддий равишда ўзгартириб юбориши мумкин. Бу эса шуни кўрсатадики, ахборот

технологиялари аста-секинлик билан одамларнинг ўрнини эгаллаб боради. Худди мана шу ҳолат рақамли иқтисодиёт ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш каби глобал ишда кўп нарса давлатнинг тутган позициясига ҳам боғлиқ, албатта. Барчаси ҳамма нарсани бирлаштирадиган ва “рақам”га ўтказадиган ягона давлат платформасига бориб тақалмаслиги муҳим, яъни давлатнинг вазифаси бизнеснинг ўрнига бирон-бир нарса қилиш эмас, балки бизнесга ҳалал бермасликдир. Хитойда ҳам “Алибаба” тизими давлат унинг учун қандайдир платформа яратгани туфайли пайдо бўлмаган. У бундай платформа пайдо бўлиши учун шароит яратди, ҳолос. Гарчи давлат “Алибаба”га ёрдам берган бўлса-да, буни давлат корпорацияси сифатида эмас, балки тижорат корхонаси сифатида ёрдам берди ва унинг хизматларидан у рақобатбардош эканлиги учунгина фойдаланилади. Давлатнинг вазифаси — умумий қоидалар яратиш, бизнес эса шу умумий қоидалар асосида ўзгариб, ривожланиб боради, чунки қонунлар таъсирида ишбилармонлик муҳити ва рақобат ўсади. Кўплаб ривожланган мамлакатлар рўй бериши лозим бўлган ўзгаришлар муқаррарлигини тушуниб, иқтисодиётни рақамлаш-тириш томон ҳаракатни онгли равишда бошлади. Бу йўналишни биринчилардан бўлиб маълум қилган АҚШ, Япония, Жанубий Корея ҳамда Хитой бугунги кунда рақамли пойгада норасмий етакчилар саналади. Улардан кейинги ўринларда Буюк Британия, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Австралия, Беларусь ва бошқалар туради. Рақамлаштириш жараёнининг баъзи етакчи мамлакатлари эса қарама-қарши ёндашувларни, хусусан, АҚШ бозор йўналишини, Хитой эса режали иқтисодиётни танлаб олган. Қолган мамлакатлар маълум бир оралик вариантларга риоя қилади.

Рақамли иқтисодиёт платформалари тузишда ривожланган давлатлар транспорт, телекоммуникация, энергетика, маълумотларни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, доридармонлар логистикаси, туризм, ташқи иқтисодий фаолият, кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш йўналишларига эътибор қаратмоқда. Айнан шу соҳаларнинг ривожланиши инфратузилма ҳамда технологик базис яратишга имкон беради, уларни бошқа соҳаларга кўчирган ҳолда Ўзбекистон етук рақамли иқтисодиётни максимал даражада тез ривожлантириши мумкин. Илғор мамлакатлар рақамли иқтисодиёти кўплаб дастурлари (АҚШ, Австрия, Австралия, Буюк Британия, Жанубий Корея ва бошқалар) асосий эътиборни “рақамли тиббиёт” ҳамда “ақлли шаҳар” ижтимоий йўналишларига қаратмоқда. “Рақамли тиббиёт” ва “ақлли шаҳар” ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш кўпроқ мураккаблик ҳамда хилма хилликни талаб қилади ва бундай лойиҳалар кенг халқ оммаси томонидан эътироф этилади.

Жаҳон банкининг “Рақамли дивидентлар” номли тадқиқоти натижалари мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳимлигини кўрсатди. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга ўсиши, мамлакат ЯИМнинг ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 1,21 фоизни, ривожланаётган давлатларда 1,38 фоизни ташкил этаётир. Демак, интернет тезлиги икки баробарга ошадиган бўлса, ЯИМ ҳажмининг қарийб 15 фоизга ошишига эришиш мумкин. Жаҳонда амалга оширилаётган глобаллашув шароитида ташқи миграция, халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати, туризм, хорижий инвестициялар, АКТ ривожланиши мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этади. Демак, биз ҳам асосий эътиборни фақат маҳсулотлар экспортига қаратмасдан, балки “ноу-хау”, блокчейн технологиялар фаолиятини замонга ҳамоҳанг ўрганиб, шулар қаторида, рақамли иқтисодиётдан фойдаланишни янги босқичга олиб чиқишимиз мақсадга мувофиқ. Юртимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифаси – Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш билан биргаликда, аҳоли онги, илми ва қарашларини замон билан уйғунлаштиради, мамлакатимизнинг халқаро майдонда интеграциясини тезлаштиришади. Ва, пировардида, Ўзбекистоннинг ҳукукий-демократик, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш муддати жадал қискаради.

*Махкамова Мамлакат Абдукадировна, и.ф.д.,
профессор, кафедра мудири,
Асимова Феруза Абдусатторовна, магистр,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

МАМЛАКАТИМИЗДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Минтақада энг кўп аҳолига эга мамлакат иқтисодиётни либераллаштириш, четдан кўпроқ сармоя жалб этиш саъй-ҳаракатлари узлуксиз олиб бориляпт. Рақамли иқтисодиётнинг янги концепцияси инсон фаолияти доирасидаги барча информацияни рақамлаштириш технологияларини қўллаб сақлаш, ишлов бериш ва узатишнинг ягона тизимидир. Иқтисодиётни рақамлаштириш орқали ижодий ёндашиб янги иқтисодиётни барпо этиш имконияти туғилади. Рақамли иқтисодиётни электорал маданиятни юксалиши хамдир. Электрон ҳукуматга доир элементларни татбиқ этиш ва рақамли иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистоннинг яқин истиқболдаги тараққиёт режасидан мустаҳкам ўрин олган. Бу, биринчи навбатда, электрон ҳужжат алмашиш улушини янада ошириш ва давлат хизматларининг муайян қисмини Давлат хизматлари марказлари орқали босқичма-босқич равишда электрон шаклга ўтказиш вазифаларига тегишлидир. Телекоммуникация инфратузилмаси бу жараёнда муҳим вазифани бажаради.

Рақамли иқтисодиётга бўлган қизиқиш жамият ва иқтисодиётда рўй берган жиддий ўзгаришлар туфайли сезиларли даражада ўсди. Замонавий технологиялар ва платформалар миқдорлар, ҳамкорлар ва давлат ташкилотлари билан шахсий мулоқотни минималлаштириш ҳисобига корхоналар ва жисмоний шахсларга харажатларни қисқартиришга ёрдам берди, шунингдек, ўзаро мулоқотни янада тез ва осон йўлга қўйишга имконият яратди. Натижада тармоқ ресурсларига асосланган, рақамли ёки электрон иқтисодиёт пайдо бўлди. Иқтисодиёт диверсификацияси ва динамикаси қанчалик юқори бўлса, мамлакат ичида ва ташқарисида ноёб ахборотлар айланмаси шунчалик кўп, миллий иқтисодиётлар ичида ахборот трафики эса шу қадар салмоқли бўлади. Рақамли иқтисодиёт бу - транспорт, савдо, логистика ва шу сингари интернет билан фаол ишловчи соҳаларга чексиз қулайликлар яратади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, уларда электрон сегментнинг улуши ЯИМнинг 10 фоизига яқинлашиб, 4 фоиз аҳоли бандлигини таъминлайди. Энг аҳамиятлиси, бу кўрсаткичлар барқарор тарзда ўсиб боради. Рақамли технологиялар иқтисодиётга боғлиқ 50 фоиздан ортиқ соҳаларни кескин ўзгартириб юборади. Ушбу қараш ахборот технологиялари ва рақамли платформалар бизнес моделларни кескин ўзгартириб, уларнинг самарадорлигини воситачиларни бартараф этиши ва жараёнларни оптималлаштиришига асосланган.

Рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ЯИМдаги улуши ҳар йили тахминан 20 фоизга ўсиши (ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 7 фоиз атрофида) унинг аҳамияти белгилайдиган кўрсаткич сифатида қаралади. Иқтисодиётни рақамлаштиришни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни ривожлантириш концептуал моделида ижтимоий-иқтисодий сектор ўсиш таҳлили фазо-вақт режалаштириш усулларида турли даражадаги назорат вазифаларини муқобил шакллантириш қўйидаги натижаларга олиб келади: иқтисодиётнинг ҳолати таҳлил қилинади. Бунга иқтисодий бошқарув тизимини, унинг институционал қўллаб-қувватлашини таҳлил қилиш; ижтимоий-иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатадиган самарали иқтисодиётнинг айрим субъектлари кўрсаткичлари аниқланади; кўрсаткичлар бўйича статистик маълумотлар тўпланади; аниқлик ва ноаниқлик, ички ва ташқи хавфларни аниқлаш учун ўрганиш; институционал деформацияларнинг ички ва ташқи таҳдидларидан оқилона иқтисодиётнинг хавфсизлигини таъминлаш учун тузатувчи чоралар кўрилади.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши халқаро бизнеснинг ички ва ташқи муҳитига таъсир кўрсатиши мумкин. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида

катта ўзгаришлар рўй бермоқда, бу эса компаниялар фаолиятининг турли йўналишларида акс эттирилиши мумкин эмас. Интернет орқали бутун дунё бўйлаб ўз маҳсулотларини сотишлари мумкин. Кичик инвестицияга эга бўлган компаниялар тезда пайдо бўлиб, тез ўсиб ривожланиши мумкин. Ахборот технологиялари ёрдамида харажатларни камайтириш ва айна пайтда иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш учун бундай имконият мавжуд. Шу билан бирга, рақамли иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда бозорда компанияларнинг позицияси тобора мураккаблашиб бормоқда. Стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнида хавф ва ноаниқлик даражаси ошади. Бу ҳолат технологик даражадаги динамик ўзгаришлар, рақобатнинг ўсиши ва иқтисодиётга давлат таъсири туфайли барқарор бозор ҳолатига боғлиқ бўлмайди.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожланишидаги иқтисодий статистик кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Рақамли иқтисодиёт фаолияти яқиндан ўрганилди ва маълумотлар базаси йиғилди. Тўпланган маълумотлар асосида кузатиш ва иқтисодий таҳлилни қиёслаш, тизимли ёндашув ҳамда мантиқий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди. Таҳлил ва натижалар асосида мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожланишидаги иқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Хулоса қилиб шуни такидлаш жоизки, рақамли технологияларни қўллаш ва улардан фойдаланиш, уларнинг мавжудлиги ва сифати, тайёргарлик босқичлари ва ривожланишнинг турли даражалари, мажбурий мактабгача таълимда техник кўникмалар олиш бўйича зарур таълимнинг даражасини оширишга алоҳида эътибор бериш керак, ҳамда корхона ва ташкилотларда олий таълим ва докторантура таълим дастурларини таъминлашимиз керак.

Минтақавий даражадаги самарали иқтисодий тизимни шакллантириш барқарор иқтисодий ўсиш нуқталарини аниқлаш, минтақанинг ривожланиш соҳалари ва йўналишларини нафақат замонавий шароитларда рақамли шакллантиришни эмас, балки биринчи навбатда, инсон ресурсларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш йўли билан давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги асосида иқтисодий ва инновацион ривожланиш сармояси шакллантирилади. Асосий омилларни дастурий таъминотни фаоллаштиришга қаратилган оммавий ахборотлаштиришни ривожлантириш, аппаратни янгилаш, тармоқ технологияларини ривожлантириш, транзакцион секторнинг ўсиши ҳисобланади. Шу билан бирга, рақобатбардош иқтисодиётни ривожлантиришнинг ғояларини тарқатиш, ахборот бозори сифатида тавсифланган ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиши соҳасида истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар, воситачилар ўртасидаги савдоси ахборот маҳсулотлари бозорини шакллантиради. Ушбу ёндашув бир қатор мамлакатларда ахборот индустриясининг устунлигини кучайтиради, ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳаси борган сари билимга асосланган ва инновацион асосида ривожланади.


*Шадиева Гулнора Мардиевна, и.ф.д., профессор,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

АХБОРОТЛАР ТИЗИМИ УЛАРНИНГ МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИДА ҚЎЛЛАНИЛАЛИНИШ ТАСНИФИ

XXI-аср ахборот асри сифатида баҳоланмоқда ва у энг зарур ва бир вақтнинг ўзида моддий қимматликка айланди. Ахборот барча хулосалар ва улардан келиб чиқадиган бошқарув қарорларининг асосини ташкил қилади. Шу туфайли ҳаётимизнинг барча соҳасида, шу жумладан маркетинг фаолиятида ҳам ахборотлардан фойдаланишнинг зарурати кенгайиб ва кучайиб бормоқда. Чунки, ахборотларсиз ушбу тадқиқотни ўтказиб бўлмайди ва мос равишда корхоналарнинг бозордаги аҳволига баҳо ҳам бериш қийин.

Ахборотларнинг муҳимлиги унинг маркетинг фаолиятини ўтказиб, тегишли равишда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлади. Ушбу ҳолат ушбу

босқичларнинг кетма-кетлигини қараб чиқишни тақозо қилади. Бу қуйидаги расмда ўз ифодасини топган (1-расм).



1-расм. Жараёнларнинг бошқарув қарорларини қабул қилишгача бўлган босқичларнинг кетма-кетлиги

Жамиятимиз ҳаётида иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар узлуксиз давом этмоқда. Аммо уларни ахборотларда ифодалаш, жамлаш ва тегишли йўналишлар бўйича хулоса қилиш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилиш масаласи шу ахборотларни нима учун жамланиш мақсадига боғлиқ. Маркетинг фаолиятини ўтказиш учун ҳам, қайси соҳа бўлмасин шунга дхлдор ахборотлар зарур бўлади. Чунки, ахборотларни тўплаш ва улардан фойдаланиш бир қанча масалаларни ҳал қилиш имконини беради

Ахборотлар ҳақида гап кетганда қуйидаги тушунчаларнинг ҳам фарқини ва уларнинг хусусиятларини инобатга олиш зарур. Буларга: далил, маълумот, хабар, баҳо ва рақамларни киритиш мумкин. Уларнинг ҳар бирига изоҳ берилса, фарқини аниқлаш ва хусусиятларини англаб олиш имконияти пайди бўлади.

Далил деганда, бевосита ҳодиса ёки жараён ҳақида исботланган ҳақиқий маълумот тушунилади.

Маълумот деганда, бевосита ҳодиса ёки жараён ҳақидаги ахборотларнинг тизимлаштирилган ва умумлаштирилган шакли тушунилади.

Хабар деганда, бевосита ҳодиса ёки жараён ҳақидаги турли воситалар орқали бериладиган, аммо қонуний кучга эга бўлмаган оддий маълумот тушунилади.

Баҳо деганда, ҳодиса ёки жараён ҳақидаги мантиқий ва ҳисоб-китоблар натижасида аниқланган маълумот тушунилади. Бунга мисол қилиб прогноз кўрсаткичларини, самарадорлик даражаси кабиларни келтириш мумкин.

Рақам деганда, ҳодиса ёки жараён ҳақидаги миқдорий маълумотлар тушунилади.

Булардан келиб чиқиб, ахборотларга ҳам таъриф бериш мумкин. **Ахборотлар** деганда, ҳодиса ёки жараёнлар ҳақидаги далил, маълумот, хабар, баҳо ва рақамларда ифода этилган, уларни таҳлил қилиб, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўладиган маълумотлар тушунилади.

Ахборотларни таснифлашда А.Дуровичнинг тавсиясидиққатга сазовар. Шу туфайли биз ҳам уни асос қилиб олишни мақсадга мувоқиқ, деб топдик. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Ахборотлар таснифи ва уларнинг мазмуни

Ахборотларнинг тавсифий белгилари	Ахборотларнинг турлари	Ахборотларнинг мазмуни
Мазмуни бўйича	Меъёрий	Корхоналар фаолиятига доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.
	Ҳисоб-статистик	Корхонанинг фаолиятига доир жараёнларнинг ҳисоб ва ҳисоботларда ифода этилиши.
	Справочникдаги	Турли справочник, каталог, паспорт ва проспектлар кабиларда келтирилган маълумотлар.
	Илмий-техникавий	Илмий-техник тадқиқотлар натижалари, ихтиролар ва бошқа илмий ишланмалар

Тизимлаш-тириш даражаси бўйича	Тизимлаш-тирилган	Муддати, кўрсаткичлари, даври, шакли, таркиби каби жиҳатлари тизимлаштирилган ахборотлар.
	Тизимлаштирилмаган	Юқоридаги қатъий тартибга амал қилинмаган тарзда турли манбаларда келтирилган ахборотлар.
Маълумот-лар манбаси бўйича	Иккиламчм	Бухгалтерия ва статистик ҳисобот-лар, меъёрий ҳужжатлар, справочниклар, нормалар каби олдиндан тайёрланган ахборотлар.
	Бирламчи	Олдиндан тайёр бўлмаган, аммо тадқиқот учун зарур бўлган маълумотларни турли сўровлар, тадқиқотлар, кузатувлар ва тажрибалар натижасида тўпланган ахборотлар
Даврийлиги бўйича	Ўтган давр ахбороти	Корхона ва бозор фаолияти тўғрисида олдин содир бўлган маълумотлар.
	Жорий давр ахбороти	Ҳисобот даврида содир бўлган жараёнлар тўғрисида тезкор тазда келтирилган ахборотлар.
	Келгуси давр ахбороти	Келгусида корхонанинг аҳволи қандай бўлиши тўғрисида эҳтимолларни берувчи ахборотлар
Қарорларни қабул қилиш босқичи бўйича	Ифода этувчи	Ҳолат ҳақида тўлиқ маълумот ифодаланган ахборотлар.
	Тушунтурувчи	Корхона фаолиятида содир бўлган жараёнларга изоҳ берадиган ахборотлар.
	Режали	Корхонанинг ҳаракатини ўзида ифода этадиган дастурий тадбирлар.
	Назоратда фойдаланувчи	Корхона фаолияти ҳақидаги реал маълумотлар ва ҳужжат асосида бўлиши керак бўлган маълумотлар таққосланишини ифода этувчи ахборотлар.
Ахборотларнинг характери бўйича	Микдорий	Кузатилаётган объект ҳақида рақамларда бериладиган маълумот-лар (бозор ҳажми, тўйинганлик даражаси, нархи кабилар).
	Сифатий	Сифатий жиҳатларни ифодалайди-ган (истеъмолчиларнинг жинсий таркиби, яшаш жойи бўйича, фаолияти бўйича) кўрсаткичлар.
Барқарорлиги бўйича	Доимий	Узоқ муддат давомида бир хил ҳолатда келиб турадиган (сотиш ҳажми, солиқ микдори кабилар ҳақидаги ҳисобот) ахборотлар.
	Ўзгарувчи	Тасоддифан келиб тушадиган ва тез ўзгариб турадиган турли ҳодисалар тўғрисидаги ахборотлар.
Келиб тушуш даврийлиги бўйича	Вақти-вақти билан	Бир хил вақт оралиғида доимий тушуб турадиган ахборотлар (ойлик, чораклик, йиллик ҳисоботлар).
	Узлуксиз доимий равишда	Димий равишда содир бўладиган ҳодисалар (кунлик пул тушуми, ҳар куни бажарилган ишлар, кунлик тезкор ҳисоботлар каби) тўғрисидаги маълумотлар

	Зарурат бўлганда	Зарурат бўлганда келиб тушадиган ахборотлар бўлиб ҳисобланади. Масалан, янги рақобатчилар тўғрисида ёки бозор ҳақидаги маълумот керак бўлиши мумкин.
Типи бўйича	Демоскопик (истеъмолчилар таркиби)	Истеъмолчилар таркиби (жинси, ёши, миллати, ижтимоий аҳволи, даромад олиш даражаси кабилар) бўйича ахборотлар.
	Экоскопик (умум-иқтисодий вазият)	Мамлакат миқёсида бозорнинг ҳолати, умумиқтисодий вазият, баҳонинг ўзгариш тенденцияси кабилар.


Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, маркетинг фаолиятида қўлланиладиган ахборотлар 9 та белгиси бўйича таснифланган. Бунда ахборотларнинг 25 та тури келтирилган ва унга изоҳ берилган. Аммо бу тизим мукамалликка даво қилмайди, деб ўйлаймиз. Чунки тадқиқотнинг мақсади ва кутилаётган натижасидан келиб чиқиб, уларни яна бир қанча гуруҳларга ҳам бўлиш мумкин. Мас равишда келтирилган гуруҳларнинг айримларидан фойдаланиш ҳам шарт бўлмайди. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, ахборотлар қанчалик кўп бўлса, уни ўрганишга бўлган қизиқиш ва ўрганиш жараёнидаги ёндошувлар ҳам шунчалик кўп бўлади. Шу жиҳатдан мазкур матнда методологик асос сифатидаги фикрлар келтирилган. Уни тадқиқ қилишда ва улардан фойдаланишда масалага ҳамиша ижодий ёндошиш мақсадга мувофиқдир. Хулоса қилиб айтганда, ахборотлар соҳа корхоналарида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган иқтисодий-ижтимоий жараёнлар ҳақида аниқ хабар берадиган ва шунга асосан тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишга асос бўладиган маълумотлар базасидан иборатдир. Ушбу маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги бошқарув қарорларини ҳам тўғри қабул қилиш имконини беради ва бу пировардида барқарор ривожланиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

*Холов Ақтам Хатамович, PhD, доцент, кафедра мудири,
ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
Маҳмудов Шохрух Пулат ўғли, талаба, ЎзМУ*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Дунёнинг қатор ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари қаторида, юртимизда ҳам рақобатбардошлигини ошириш ва рентабилликни ошириш мақсадида корхоналар ўз фаолиятлари доирасида электрон тижоратни кенг юлга қўйиш устида атрофлича иш олиб боришмоқда. Шунинг учун, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятида масоқаларни қисқартириш, қарорлар қабул қилишда вақтни тежаш, иш самарадорлигини ошириш ва таннархни камайтиришга ёрдам бериш *нуқтаи-назаридан*, тижорат фаолиятларини электронлаштиришга, электрон бизнес ва электрон тижоратни ривожлантиришга эътибор қаратиш давр талаби даражасига чиқмоқда. Компютернинг ихтиросидан кўп ўтмай XIX асрнинг ўрталарида пайдо бўла бошлаган электрон тижорат атамаси, тарихан транспорт чипталарига буюртма бериш бўйича маълумотлар алмашиш давомида пайдо бўла бошлаган. Электрон тижорат- электрон бизнеснинг чекланган кўриниши сифатида маркетинг, сотиш, телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда товар ва хизматларни харид қилиш ҳисобланади. Шунингдек, электрон бизнес, компа мижозларига хизмат кўрсатишни яхшилаш ва ҳамкорлар билан бизнес алоқаларини оптималлаштириш орқали рақобатбардош устунликка эришишга имкон берадиган сифат жиҳатдан янги иш

технологияси тушунилади. Электрон бизнес ўз ичига қуйидаги даромадли фаолиятларни қамраб олади(1-расм):



1-расм. Электрон бизнес турлари.

Электрон тижоратни жалб этиш субъектларига кўра шартли равишда қуйидаги 3 та категорияга ажратишимиз мумкин: **Биринчидан**, бир ташкилот доирасида (интранет); **иккинчидан**, бир неча ташкилотлар доирасида (экстрасет); **учинчидан**, истеъмолчилар учун, яъни глобал миқёсида (интернет).

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланаётгани шароитида, интернет тармоғи, электрон почта ва оммавий ахборот воситларини электрон тижорат дастаклари сифатида қарашимиз мумкин. Жаҳон миқёсида, сўнги ўн йилликлар давомида электрон бизнес ва электрон тижорат жуда жадал суратларда ривожланди. Биргина, АҚШ ва Европа мамлакатлари ўртасида электрон тижорат айланмаси сўнги йилларда юзлаб миллиард доллардан ошганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Электрон тижоратни нафақат олди-сотди операциялари сифатида, шунингдек маҳсулот ва хизматларга бўлган талабни шакллантириш, онлайн буюртмаларни қабул қилиш ва қайта ишлаш, шунингдек шериклар ўртасида маълумотлар алмашиш жараёнидан иборат ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатимизда банк хизматларини рақамлаштириш, электрон тўловлар ва депозитларни янги турларни татбиқ этилаёпти, тўлов амалиёти янада соддалаштирилмоқда. Буларнинг барчаси, жумладан, ахборот технологиялари тараққиётининг ҳозирги босқичи соҳага оид ҳуқуқий пойдеворни янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси янги таҳрирда қабул қилинганлиги ҳам ушбу масала ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан эканлигини кўрсатиб беради.

Мамлакатимизда электрон тижорат масалаларида ҳам қатор ишлар изчил олиб борилмоқда. Электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсати электрон тижоратни ривожлантириш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техникавий ва бошқа шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган. Электрон тижорат соҳасидаги давлат сиёсати ҳақида тўхталадиган бўлсак, улар: **Биринчидан**, электрон тижорат воситасида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; **Иккинчидан**, электрон тижорат воситасида амалга ошириладиган тадбиркорлик соҳасига инвестициялар, замонавий технологиялар ва жиҳозларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш; **Учинчидан**, тадбиркорлик фаолияти субъектларини уларнинг электрон тижорат соҳасидаги фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техникавий ва бошқа ахборот билан таъминлаш; **Тўртинчидан**,

электрон тижорат соҳасидаги илмий-техникавий тадқиқотларни рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; **Бешинчидан**, электрон тижорат соҳасидаги халқаро ҳамкорликларни юлга қўйишдан иборат. Шунингдек, электрон тижорат билан шуғулланишни соддалаштириш ва аҳолини тадбиркорлик маданиятини янада ошириш ҳамда ишсизликни камайитириш мақсадида ўзини ўзи банд қилувчиларга электрон тижорат фаолияти билан шуғулланувчиларни ҳам киритиш таклифи берилмоқда. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахсларнинг жами даромадларига киритилмайди ва меҳнат стажига эга бўлиши учун бир йилда бир маротаба базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баробари миқдорида ижтимоий солиқ тўлаши лозим.

Мамлакатимизда электрон тижоратни ривожлантириш мақсадида қуйидагилар амалга ошириш режалаштирилмоқда: **Биринчидан**, электрон тижоратдан олинган даромад миқдоридан қатъи назар, электрон тижорат билан шуғулланадиган барча субъектларнинг айланмадан олинадиган солиқ ва фойда солиғи ставкалари 50 фоизга пасайтирилиш; **иккинчидан**, товар ёки хизматлар электрон савдоси билан шуғулланувчи ёшларга солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш чора тадбирлари ишлаб чиқиш масалалари кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

*Ashirbayev Sherzod Pardayevich, direktor,
ToshPTI Innovatsiya Markazi*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SANOAT KORXONALARI FAOLIYATINING SAMARADORLIGIGA RAQAMLI IQTISODIYOT VA RAQAMLASHTIRISHNING TA'SIRI

Dunyo bo'ylab Covid-19 koronavirus pandemiyasining tarqalishi bilan raqamli iqtisodiyotning roli yanada oshdi, iqtisodiyotda va xususan sanoatda uning oqibatlarini hanuzgacha sezilmoqda. Shu munosabat bilan O'zbekiston hukumati tomonidan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining shu yil 29 avgustdagi 526-sonli "2020-2021 yillarda iqtisodiy o'sishni tiklash chora-tadbirlari va iqtisodiyot tarmoqlarida tizimli tuzilishli islohotlarni davom ettirish to'g'risida"gi qarori qabul qilindi. Unda 2020-2021 yillarda tizimli islohotlarni tiklash va davom ettirish borasidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish bo'yicha amaliy harakatlar rejasi "Yo'l xaritasi"ni qabul qilish nazarda tutilgan. Dastur O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga koronavirus pandemiyasining salbiy ta'sirini bartaraf etish, xo'jalik yurituvchi subyektlarning investitsiya va tashqi iqtisodiy faoliyatini tiklash hamda iqtisodiy islohotlarni yanada chuqurlashtirish uchun sharoit yaratish maqsadida tasdiqlangan. Ulardan uchta sanoat korxonalarini samaradorligiga bevosita ta'sir qiladi.

Shunday qilib, O'zbekiston Respublikasi oldida nafaqat raqamli iqtisodiyot sharoitida, balki koronavirus pandemiyasi keltirib chiqargan eng og'ir global inqiroz sharoitida ham sanoat korxonalarini samaradorligini oshirish bo'yicha ulkan vazifa turibdi.

Har qanday xo'jalik yurituvchi subyektning, jumladan sanoat korxonasi uchun samaradorligini tahlil qilish eng ta'sirchan boshqaruv usullaridan biri, rahbar xulosalarini dalillashning asosiy elementidir. O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning zamonaviy sharoitlari bozor munosabatlarining jadal rivojlanishi, korxonalarining mustaqilligi va ularning iqtisodiy-huquqiy mas'uliyatini oshirish bilan tavsiflanadi. Bunday sharoitlarda korxonaning iqtisodiy samaradorligini baholash korxonalar egalari va bozor munosabatlarining boshqa subyektlari uchun ham muhim vazifa hisoblanadi.

Milliy iqtisodiyotning turli sohalaridagi rivojlanish sur'ati, texnika taraqqiyoti, mehnat samaradorligining o'sishi va asosiy ijtimoiy muammolarning yechimi ko'p jihatdan iqtisodiyotning real sektori - sanoat faoliyatiga bog'liq. O'z navbatida, har bir sanoat korxonasi

samarali iqtisodiy boshqaruvdan manfaatdor, shuningdek, tadbirkorlik faoliyatining asosiy maqsadi - minimal xarajatlar bilan eng yaxshi natijaga erishishga qaratilgan. Ushbu natijalarga korxonalar samaradorligini oshirish orqali erishish mumkin. Demak, talab qilinadigan samaradorlik darajasiga erishish menejmentning eng muhim amaliy vazifasidir. Bu xo'jalik yurituvchi subyekt samaradorligini obyektiv baholashning yuqori sifatli tizimini ishlab chiqishni taqazo etadi. Ammo, korxonalar faoliyatining samaradorligini baholashdagi asosiy qiyinchilik – bu nafaqat o'zaro bog'liqlik va dinamikaning barcha komponentlari tahlilini o'z ichiga oluvchi nazariy-uslubiy vositalar taqchilligi, balki katta tezlik bilan yuz berayotgan raqamlashtirish va raqamli iqtisodiyot sohasidagi o'zgarishlar hamdir.

Mamlakatimizning qator tadqiqotchilari raqamli iqtisodiyot sohasidagi tadqiqotlar bilan shug'ullanishdi, bu esa "Raqamli O'zbekiston 2030" davlat strategiyasini ishlab chiqishga olib keldi. G.I.Yo'ldosheva va boshqalar o'z izlanishlarida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning strategik asoslarini yaratish bo'yicha O'zbekiston Respublikasi hukumati ba'zi qadamlari hamda Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi, "Raqamli Ishonch" fondi kabi raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning asosiy subyektlarini ochib berishdi. B.X.Hayitboyev kabi mualliflar raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo'yicha xorijiy tajribalarni o'rgandi va o'z maqolalarida O'zbekiston Respublikasi uchun qulay ssenariylar va rivojlanish darslarini muhokama qildi. R.T.Madaminov va boshqalar iqtisodiyotni samarali raqamlashtirishning qo'shimcha imkoniyatlarini muhokama qilishdi. Mualliflar ishsizlikni kamaytirish, zamonaviy infratuzilmani rivojlantirish va hayot sifatini yaxshilashga raqamlashtirishning ta'sirini ta'kidladilar. J.F.Abdurashidov va boshqalar dunyoning turli mamlakatlarida raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi va shakllanish xususiyatlarini o'rgandilar, shundan so'ng ular o'zlarining O'zbekiston Respublikasi uchun strategik rivojlanish yo'nalishlarini taklif qilishdi. D.G.Mamadjonov raqamli iqtisodiyotda O'zbekiston Respublikasi sanoatining rivojlanish g'oyalarini ilgari surdi. Muallif quyidagi yo'nalishlarni taklif qiladi: ularning fikriga ko'ra, ikkita g'oya kelajakda mamlakat sanoatining rivojlanishini ta'minlashga qodir. 1. Investitsiyalarni rivojlantirish, ehtiyojlarni qondirishga qaratilgan va ilmiy asoslangan loyihalarni ishlab chiqish; 2. Korxonalarda innovatsion salohiyatni modernizatsiya qilish, yangi, ilm-fanni talab qiladigan va yuqori texnologiyali korxonalarni yaratish hamda import analoglari bilan raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarish.

O'zbekiston iqtisodiyotini raqamlashtirishning ahamiyati 2021 yil yanvar oyida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga yo'llagan Murojaatida qayd etilgan bo'lib, unda Prezidentimiz raqamli iqtisodiyotga faol o'tishni kelgusi besh yil uchun asosiy yo'nalishlardan biri sifatida ko'rsatgan. So'nggi to'rt yil ichida O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish va innovatsion rivojlanish masalalariga alohida e'tibor qaratildi. Xususan, 2017 yil noyabr oyida Innovatsion rivojlanish vazirligi, 2018 yil fevral oyida Axborot texnologiyalari vazirligi tarkibida raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni rivojlantirish bo'limlari tashkil etildi. 2018 yil may oyida Prezidentimiz tomonidan "Elektron tijoratni rivojlantirishni jadallashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi qarori qabul qilindi. Unda 2018-2021 yillarda elektron tijoratni rivojlantirish dasturi tasdiqlandi. Iyul oyida "O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida", noyabr oyida – "Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida raqamli infratuzilmani yanada modernizatsiya qilish chora-tadbirlari to'g'risida" gi qaror qabul qilindi. Unda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishni qo'llab-quvvatlash uchun «Raqamli Ishonch» fondi tashkil etildi. Dekabr oyida mamlakatimiz rahbarining "Raqamli iqtisodiyot, elektron hukumat, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi davlat boshqaruvida axborot tizimlarini joriy etish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" Farmoni qabul qilindi.

2019 yilda ham Prezidentimizning raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni rivojlantirishga qaratilgan qator Farmonlari va qarorlari qabul qilindi. Jumladan, 2019-2025 yillarda O'zbekiston Respublikasida "Elektron hukumat", shuningdek "Raqamli O'zbekiston-

2030" Milliy strategiyasi v.h. 2020 yildan boshlab O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yo'lida tub burilish yuz bermoqda. Qurilish, energetika, qishloq va suv xo'jaligi, transport, geologiya, kadastr, sog'liqni saqlash, ta'lim, arxiv sohalari to'liq raqamlashtirilayapti. Uning doirasida "Elektron hukumat" tizimi qayta ko'rib chiqilmoqda va amalga oshirilmoqda, dasturlar va loyihalar, "Raqamli O'zbekiston-2030" dasturi qabul qilindi.

Mamlakatda yuqori texnologik parklarni yaratish jarayonlari yanada takomillashtirildi. Toshkentda zamonaviy infratuzilma bilan jihozlangan birinchi IT-park faoliyat yuritmoqda. Shunga o'xshash bog'lar Nukus, Buxoro, Namangan, Samarqand, Guliston va Urganch shaharlarida yaratilgan yoki bunyod etilish arafasida. IT-parklar ilm-fanni ishlab chiqarishga joriy etish orqali mintaqalar va mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy, innovatsion rivojlanishiga hissa qo'shadi, shuningdek, innovatsiyalarni ishlab chiqarish va istiqbolli startap-loyihalarni yaratish markazlariga aylanadi. Axborot texnologiyalari sohasida yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlash uchun "Bir million dasturchi" loyihasi boshlandi.

Bu O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilayotganligidan, ayniqsa, mamlakat taraqqiyotini harakatlantiruvchi kuch - bu sanoat korxonalarini ekanligi va aynan ular eng yuqori soliqlar berishidan dalolatdir.

*Ashirbayev Sherzod Pardayevich, direktor,
ToshPTI Innovatsiya Markazi*

SANOATNI RAQAMLASHTIRISH – KORXONA SAMARADORLIGINI OSHIRISH VOSITASI SIFATIDA

Raqamli iqtisodiyot paydo bo'lishi bilan bugun dunyoda sohalar va ishlab chiqarish tizimlarini o'zgartirib yuborayotgan, ishlab chiqarish tezligini oshirayotgan va yangi biznes-modellarning paydo bo'lishiga olib kelayotgan yangi texnologiyalar bilan bog'liq chinakam tektonik o'zgarishlar yuz bermoqda. Shu bois, O'zbekistonning iqtisodiy taraqqiy etishi, xalqaro raqobatbardoshligining o'sishi va jahon iqtisodiyotiga integratsiyasida raqamli iqtisodiyot rivojlanishining ahamiyati katta. Raqamli iqtisodiyot ko'rsatilgan xizmatlar narxlarini tushirishga yordam beradi, elektron tijorat orqali eksport qilish imkoniyatini yaratadi, investitsiyalarni jalb qilish va, umuman, sanoat korxonalarining iqtisodiy faolligiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Xalqaro ekspertlarning hisob-kitoblariga ko'ra, O'zbekiston kabi taraqqiy etayotgan mamlakatlar xuddi rivojlangan bozorlardagidek internetni joriy etish darajasiga ko'tarilsalar, ularning uzoq muddatli ishlab chiqarish samaradorligi 25 foizga ortadi.

Ushbu sohani butunlay qamrab oluvchi va sanoat rivojlanishining yaqin istiqboldagi yo'nalishini aniqlab beruvchi asosiy hujjatlardan biri – bu O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish bo'yicha chora-tadbirlari to'g'risida”gi Farmonidir. Ushbu hujjatga ko'ra, 2023 yilga kelib raqamli iqtisodiyotning mamlakat YIMdagi ulushini 2 baravarga va bu sohadagi xizmatlar hajmini 3 baravarga oshirish, ularning eksportini esa 100 million dollargacha yetkazish ko'zda tutilgan. Tegishli tartibda, 2020-2022 yillar davomida xo'jalik va iqtisodiyot faoliyatidagi turli xil yo'nalishlar bo'yicha 268 ta loyihalar amalga oshirilishi rejalashtirilgan.

Korxonani raqamlashtirish tushunchasi so'nggi yillarda biznes uchun ochilgan quyidagi yangi texnologiyalarni joriy etish bilan bog'liq: katta ma'lumotlar analitikasi va mashinaviy o'rganish, sun'iy intellekt, robotizatsiya, to'ldirilgan reallik, IoT, 3D-chop etish, bulutli hisoblash. Raqamlashtirishning rivojlanishi va joriy etilishining asosiy qulayliklari – texnologiyalarning va hisoblash texnikalarining narxi arzonlashgani hamda yuqori tezlikda ma'lumot almashish (internet) osonlashganidir. Raqamli texnologiyalar biznesga savdo, zaxiralar, ishlab chiqarish kuchi va yangi darajadagi operatsion jarayonlarni tahlil qilish imkonini beradi. Bu o'z navbatida kompaniyaning mahsulotlari, hamkorlar, mijozlar va jarayonlarni tashkillashtirishga nisbatan odilona baho berish hamda to'g'ri xulosa chiqarish darajasini oshiradi.

Korxonaning raqamli transformatsiyasini (shaklan o'zgarishini) ikki jihatdan ko'rib chiqish mumkin. Birinchisi – bu biznes-modelni raqamlashtirish – mijoz bilan aloqa qilish modelining transformatsiyasi, an'anaviy sotuvlardan mijozlar uchun raqamli servis o'rnatilgan "aqlli" mahsulot modeliga o'tish. Ikkinchisi – operatsion raqamlashtirish – mavjud biznes-model doirasida korxonalar samaradorligini oshirish uchun raqamli vositalarni joriy etish. 2018 yilda o'tkazilgan KPMG global tadqiqotiga ko'ra, sanoat korxonalari bosh direktorlarining 95 foizi raqamli transformatsiyaga mehnat unumdorligi va biznes rivojini oshirish uchun imkoniyat sifatida qaraydilar. Y.V.Shirinkinaning kitobi raqamli iqtisodiyot rivojlanishi sharoitida sanoat korxonalari faoliyatining xususiyatlari va korxonalarda boshqaruv faoliyatining asosiy yo'nalishlarini aniqlashga bag'ishlangan. Ushbu kitobda ta'kidlanishicha, bozorlarni segmentlashning globalizatsiyasi raqobat kuchayishi sharoitida korxonalarining o'z o'rnini saqlab qolishga bo'lgan talabini oshiradi. Buning natijasida, yaqin yillar ichida peshqadamlik raqamli texnologiyalar eng ko'p rivojlangan korxonalariga tegishli bo'ladi.

Raqamli vositalarni operatsion faoliyatga joriy etish korxonalariga o'z qarorlari sifatini oshirish va bir yil ichida dastlabki natijalarga erishish imkonini beradi. Xususan, ishlab chiqarish jarayonlari samaradorligini oshirishda IoT va ko'pgina ma'lumotlar tahliliga asoslangan qarorlar muhim rol o'ynaydi. Ular sizga fizik ko'rsatkichlar haqidagi ma'lumotlarni tezda to'plash va keyingi ishlash uchun hisoblarni raqamli ma'lumotlarga aylantirish, butun qiymat zanjiri bo'ylab elektron shaklda ma'lumot almashish va sifat jihatidan yangi xulosalar olish uchun mashinaviy o'rganish hamda sun'iy intellekt yordamida ma'lumotlarni qayta ishlashga imkon beradi. Bundan tashqari, ular chuqur tahlil natijalarini hisobga olgan holda qabul qilingan qarorlar asosida ishlab chiqarish jarayoni va uskunalarning fizik parametrlarini masofadan boshqarish uchun ishlatilishi mumkin. Korxonalar turli xil texnologiyalar, jumladan raqamli va axborot texnologiyalarini birlashtirgan holda, tayyor mahsulotlar ishlab chiqarishni ko'paytirish, sifatsiz (brak) mahsulotlar sonini ozaytirish, materiallar uchun xarajatlarni kamaytirish va uskunalarning sonini oshirishga imkon beradigan vositalarga ega bo'ladilar. Yangi texnologiyalarning rivojlanishi butun sohalar va alohida bizneslarni tubdan o'zgartirmoqda. Raqobatchilar tomonidan amalga oshirilayotgan raqamli transformatsiya boshqaruvga kuchli ta'sir o'tkazmoqda. Ayni paytda, raqamlashtirish uchun sarmoyalar talab etiladi, shuning uchun bu yo'lni boshlagan kompaniyalar taktik va uzoq muddatli transformatsiya maqsadlari, yo'l xaritasi va biznes-keysni aniqlab olishlari kerak.

KPMG tadqiqotlariga ko'ra, hozirgacha dunyodagi o'nta sanoat korxonasidan oltitasi raqamli transformatsiya dasturiga ega. Shu bilan birga, korxonalarining to'rtidan bir qismi 12 oydan kam dastur ufqiga ega, aksariyat qismi (61%) mavjud dasturni bir yildan uch yilgacha amalga oshirishni rejalashtirmoqda. Biroq bu ko'rsatkichlar dunyo miqyosida ham, MDH mamlakatlarida ham, shu jumladan O'zbekistonda ham, yirik korxonalar - soha yetakchilarining rivojlanish darajasini ko'proq aks ettiradi. Ammo yetakchi korxonalar ham hozir kerakli raqamli vakolatlarni shakllantirish va tajriba loyihalarini amalga oshirish bosqichida turishibdi. KPMG tomonidan o'tkazilgan so'rovnomada qatnashgan eng yirik sanoat korxonalarining 89 foizi cheklangan jarayonlar doirasida mashinaviy o'rganish va sun'iy intellektga asoslangan tajriba loyihalarini boshlaganliklarini yoki qarorlarni hayotga tadbiq qilganliklarini aytishdi. OECD ning o'rtacha baholashiga ko'ra, G'arbiy Evropadagi korxonalarining atigi 12 foizida katta ma'lumotlar tahlilidan foydalanishmoqda.

Kompaniyalar "Pilot" loyihalari doirasida texnologiyani sinovdan o'tkazish, o'lchovli iqtisodiy samarani ko'rsatish va tashkilot ichida madaniy o'zgarish jarayonini boshlash vazifasini qo'ydilar. Ko'pgina hollarda, bunday tajriba loyihalari uskunalarni yetkazib beruvchilar, IT-kompaniyalar, maslahatchilar va texnologik startaplarning tashqi ekspertizasini jalb qilgan holda amalga oshiriladi. Bozor etakchilari bo'lmaganlar uchun yangi texnologiyalar hozircha rejada turibdi. Kichik va o'rta biznes yirik korxonalaridan nafaqat raqamli texnologiyalarni joriy etish, balki an'anaviy robotlashtirish va ishlab chiqarishni avtomatlashtirish bo'yicha ham ortda qolmoqda. Yirik korxonalariga xos amalga oshirish tezligidagi munosabat moliyaviy

manbalardagi farq va ilg'or texnologiyalarni joriy etish hamda ularni tejash tajribasiga bog'liq. 2018 yili OECD raqamli texnologiyalarni joriy etish sur'atiga ta'sir qiluvchi omillarning tahlil natijalarini taqdim etdi. Aniqlangan omillarni ikki guruhga bo'lish mumkin: tashkilotning ichki imkoniyatlari va raqamlashtirish uchun rag'batlantirishning mavjudligi.

Tashkilotning ichki imkoniyatlariga strategik qarorning mavjudligi va uni amalga oshirish imkoniyati kiradi, bu kompaniya rahbariyatining vakolati va boshqaruv jarayonlarining sifati bilan tavsiflanadi. Shuningdek, bunga xodimlarning raqamli transformatsiya uchun zarur bilim va ko'nikmalari: nafaqat IT mutaxassisleri, balki raqamli texnologiyalar sohasidagi boshqa mutaxassislarining bilim va ko'nikmalari ham kiradi (va past malakali xodimlarning bilim darajasi ham jiddiy ta'sir ko'rsatadi). Bundan tashqari, ichki imkoniyatlarga malaka va bilimlarni hisobga olgan holda kompaniya xodimlari resurslarining samarali taqsimlanishi ham kiradi.

Raqamlashtirishni joriy etish uchun qanday rag'bat mavjud? Masalan, mehnat unumdorligini oshirish uchun korxonalarining rahbariyatini rag'batlantiruvchi sohadagi raqobat darajasi. Shuningdek, raqamli texnologiyalar va bozorning ochiqligi, raqamli texnologiyalarga investitsiyalarni moliyalashtirish imkoniyati, yangi texnologiyalarga xavfli investitsiyalar sharoitida loyihalarga moslashuvchan kirish va chiqish imkoniyatining mavjudligi muhim. Resurslarning qayta taqsimlanishi, qo'shimcha soliq va boshqaruv imtiyozlarining mavjudligi mehnat qonunchiligining moslashuvchanligi nuqtai nazaridan muhimdir. Ushbu omillar bilan ishlash orqali davlat korxonalarini qo'llab-quvvatlashi va raqamli texnologiyalarni joriy etishni tezlashtirishi mumkin, chunki korxonalar mahsuldorligini oshirish uchun mavjud imkoniyatning 60 foizi aynan ular bilan bog'liq.

Raqamlashtirish uchun ichki imkoniyatlar va qo'shimcha imtiyozlarning mavjudligi korxonalariga transformatsiya yo'lida harakatni boshlash imkonini beradi. Biroq, zarur resurslarga ega bo'lgan taqdirda ham, kompaniyalar ichki qarshilikka, ish jarayonlarini o'zgartirishni istamaslik va "an'anaviy" yechimlar bilan integratsiya qilishda qiyinchiliklarga duch kelmoqdalar. Shuni unutmash kerakki, korxonalarining raqamli transformatsiyasi barcha xodimlarni robotlar bilan almashtirish emas, balki rahbar va xodimlarning imkoniyatini yangi texnologiyalar hisobiga kengaytirishdir. Sanoat korxonalarini rahbarlarining 60% dan ortig'i raqamlashtirish ular sonini qisqartirish o'rniga qo'shimcha ish o'rinlari yaratadi deb hisoblaydilar.

*Хашимова Салима Нигматуллаевна, и.ф.н., доцент,
Фарходов Бобир Ўткирович, магистр,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИКА КОРХОНАЛАРИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳит яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усуллари, очиклик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислоҳотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгрок имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Президентимизнинг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чоратadbирлар тўғрисида»ги фармони шу мақсадга қаратилган. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади.»Ўзкимёсаноат“, Олмалик Ва Навоий ТМК АК, Ўзбек энерго

АК каби 32 та йирик корхоналарни трансформация қилиш ишлари амалга оширилиши маълум қилинганди.

Давлат корхоналари трансформацияси – бу, уларнинг ишлаб чиқариш, харид қилиш, сотиш ва инвестициявий фаолияти самарадорлигини оширишга, улар республика аҳолиси ва саноатига кўрсатадиган хизматлари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари сифатини оширишга қаратилган тадбирлар мажмуидир. Дастур шунингдек, охир оқибат давлат ташкилотларини халқаро бозорда рақобатбардош бўлишига олиб келадиган замонавий корпоратив бошқарув тизимини яратишга ва маълумотларнинг шаффоф бўлишига қаратилган. Трансформацияга олиб келган сабаблар: маҳсулотлар ва хизматларнинг сифатини ошириш; инвестицияларни молиялаштириш учун пул маблағларининг етишмаслиги; кадрлар билан боғлиқ муаммолар; молиявий-хўжалик фаолиятини давлат, жамоатчилик ва қизиқиши бўлган инвесторлар учун шаффоф эмаслиги; корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартларга мос эмаслиги; мамлакат ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга бўлган миллий активларни ривожлантириш. 2019 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги Президент қарори билан собиқ “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти негизида 3 та йўналиш бўйича алоҳида компаниялар – “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ҳамда “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари ташкил этилди.

Энергетика соҳасига хусусий инвестициялар кириб келиши учун замин яратилди. Натижада бир йилнинг ўзида давлат-хусусий шериклик асосида 2 миллиард долларлик тўғридан-тўғри сармояларни жалб қилиш, 2 минг 700 мегаватт қувватли 6 та янги электр станциясини қуриш бўйича лойиҳалар бошланди. Энди олдинда трансформациянинг янги босқичи, яъни, станцияларни модернизация қилиш, энергия тежамкорликни ошириш, таннархни пасайтириш ва истикболда электр энергиясининг рақобатли бозорини яратиш вазифалари турибди. Ҳозирда электр энергияси улгуржи бозори қоидалари белгиланмагани сабабли инвесторлар билан энергияни қатъий нархларда харид қилиш бўйича узоқ муддатли шартномалар имзоланмоқда. Бундай ёндашув келгусида рақобатнинг чекланишига олиб келиши мумкин. Шу боис электр энергияси рақобатли бозорига ўтишининг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш ва давлат хусусий шерикликни амалга оширишни электрэнергетика корхоналарини ривожлантиришни энг муҳим омили ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда рақамли трансформация- бу янги технологияларга инвестиция киритишни ўз ичига олган муайян ташкилот/корхонанинг барча мавжуд моделини, яъни тўғридан-тўғри тузилишига, ривожланиш стратегиясига, миқдорлар билан ишлашга, маҳсулотларни илгари суриш ва хизмат кўрсатиш усуллари, ва ҳатто корпоратив маданият каби ўзгаришлар тўпламини тушунамиз. Ўзбекистонда давлат иштирокидаги компаниялар иқтисодийнинг анчагина улушини эгаллайди. Шунинг учун уларни рақамлаштириш мамлакат ЯИМ ўсишига бевосита таъсир қилади. Бошқача қилиб айтганда, давлат секторининг рақамли трансформацияси Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг муҳим драйверларидан бири бўла олади.

*Аллаева Гульчехра Жалгасовна, PhD, доцент,
ТашГТУ имени Ислама Каримова*

УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ ПРЕДПРИЯТИЙ ТОПЛИВНО- ЭНЕРГЕТИЧЕСКОГО КОМПЛЕКСА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

В последние годы в нашей стране особое внимание уделяется устойчивому развитию предприятий топливно-энергетического комплекса на мировом рынке. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития страны в 2017—2021 годах

определены приоритетные задачи по «дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путем перевода его на качественно новый уровень,.....освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий,...сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии, повышение производительности труда в отраслях экономики;»⁷⁹. Поэтому одним из основных направлений совершенствования предприятий топливно-энергетического комплекса в современных условиях является улучшение механизмов обеспечения их устойчивого развития, способствующих рациональному распределению их ресурсного потенциала, росту уровня инновационной активности и повышению конкурентоспособности отраслевой продукции.

В мировом научном сообществе над совершенствованием и повышением методологии оценки организационно-экономического механизма устойчивого развития предприятий топливно-энергетического комплекса ведутся исследования по следующим приоритетным направлениям, в том числе: особого внимания удостоены процессы интеграции национальной топливно-энергетической системы в мировой рынок в условиях глобализации; исследовано влияние эффективного внедрения инновационных процессов и инновационных технологий на устойчивое развитие предприятий ТЭК; формированию инструментария обеспечения устойчивого развития предприятий в условиях развития цифровой экономики; уделено внимание обеспечению качества инновационной среды и эффективности использования носителей инновационного потенциала предприятий ТЭК, совершенствование организационно-экономического механизма устойчивого развития предприятий топливно-энергетического комплекса.

Коронавирусдан ҳимояловчи суғуртага ажиотаж талабга мўлжал олиб айрим суғурта компаниялари томонидан максимал даражада суғурта ҳимоясини тақдим этувчи суғурта маҳсулотлари тезкор ишлаб чиқилди. Бироқ касалланиш даражасининг прогнозидан ҳам ортиб кетиши суғурта хавфининг ортишига олиб келди ва шартномалар суғурталовчи томонидан бекор қилинди. Яъни тақлиф қилинган янги маҳсулотнинг суғурта ҳодисаси сифатида инсонда коронавируснинг аниқланиши белгиланди ва сотув йўлга қўйилди. Ваҳоланки, кайсидир касаллик ёки ҳолатнинг илгари содир бўлгани номаълум бўлса ҳолатни юзага келиши эҳтимолини прогнозлашда етарлича статистик сонлар қатнашмайди. Яъни, актуар ҳисоб-китоблар етарлича аниқликни бермайди, натижада белгиланган тариф ставкалари зарарсизлик нуқтасидан ҳам анча паст натижаларга олиб келиши ва маҳсулот норентабел бўлиши мумкин. Компаниялар талабгор суғурта маҳсулотини ишлаб чиқишда мана шу омилларни инобатга олишлари зарур эди.

Ундан ташқари компаниялар янги маҳсулот ишлаб чиқишда аҳамият қаратиши лозим булган бошқа рақамлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ёрдамида маҳсулотнинг жозибадорлигини сақлаб қолиш ва рентабеллигига эришиш мумкин. Бу коронавирус касаллигининг ўрта ва оғир асорати юз беришининг фоиз миқдори ва касалликдан бутунлай тузалиш муддатидир. Шу кунгача коронавирус касаллиги билан оғриганлардан оғир асоратга учраган беморлар фоиз миқдори ва ўлим даражаси маълум ҳамда ўртача даволаниш муддати ҳам аниқланган. Фикримизча, ушбу янги суғурта маҳсулотида коронавирус касаллигидан оғир асорат олиш ёки касалликдан вафот этиш каби ҳолатларни суғурта ҳодисаси сифатида белгиланиши маҳсулот самарасини беради. Яъни, касаллик ҳаммада ҳам оғир асоратлар келтириб чиқармаяпти, беморларда тузалиб тезда меҳнат фаолиятига қайтиш имконияти мавжуд. Оғир асоратларга учраётган беморларни стационар ва стационардан кейинги даволаниш муддати анчага чўзилиши мумкин, бу давр уларнинг меҳнатга лаёқатсиз даврини ташкил қилади ва оилада иқтисодий қийинчилик яратиши мумкин. Бу сабаблар, айрим ҳолларда ўлим ҳолатининг ҳам юзага келиши, бемор ва унинг оила аъзоларига молиявий хавфсизлик зарурати қанчалик муҳимлигини кўрсатмоқда. Шундай экан, пандемиянинг мураккаб шароитида оғир беморларнинг ёки оила аъзоларининг молиявий ҳимоясини таъминлашга долзарб вазифа деб қаралиши муҳим ҳисобланади ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясидаги суғуртанинг аҳамияти яна бир қарра намоён бўлмоқда. Тўғри ишлаб чиқилган суғурта маҳсулоти ва тарифлари ёрдамида суғурта компаниялари ўзининг молиявий барқарорлигини ҳимоя қилиш билан бирга мамлакат ижтимоий таъминотида етарлича кўмак вазифасини ўтайди, тузилган шартномалар бекор бўлиш ўрнига молиявий ёрдамга мухтож аҳоли қатламига мақсадли йуналтирилади.

Юқоридагилардан ҳулоса қилиб суғурта компаниялари:

1. Онлайн-сотувни йўлга қўйиш ва бу соҳани янада такомиллаштириш, оптимал сотув каналларини аниқлаш;

2. Суғурта методологиясида тўғри актуар ҳисоб-китоблар олиб боришни таъминлаш, суғурта тарифига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва нарх шакллантиришда уларни ҳисобга олиш;

3. Рискларни минималлаштириш ва даромадлиликни сақлаб қолишга йўналтирилган бошқарув қарорлари ишлаб чиқиш кабилар бўйича вазифаларни белгилаб олишлари ва амалга оширишлари суғурта бизнесини пандемия шароитидаги барқарорлигини белгилайди.

Шунингдек, суғурта компаниялари бизнеснинг инқирозга учрашини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар, фаолиятни оптималлаштиришга йўналтирилган қарорлар ишлаб чиқиши ва қабул қилиши, ишсизлар сонининг ошишини олдини олишга қаратилган кадрлар сиёсатини юритиши орқали жаҳондаги нобарқарор муҳитда мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий соҳасини қўллаб-қувватлайдилар ва бу билан унинг ривожига ўзининг ижобий самарасини беради деб ўйлаймиз.

*Матчанова Феруза Абадовна, соискатель
ТашГТУ имени Ислама Каримова*

ЦИФРОВАЯ СРЕДА И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО: КОНКУРЕНЦИЯ И СТРАТЕГИИ

В современном бизнесе происходящие качественные изменения характеризуются динамикой и усложнением технологических и рыночных изменений, активным развитием процессов глобализации и изменением парадигмы бизнеса в связи с переходом к цифровой экономике. Они сопровождаются формированием новых взаимосвязанных движущих систем, ответственных за изменения в деловом поведении. В связи с этим возрастает значение развития предпринимательских подходов как особого вида инновационной деятельности, ориентированной на поиск и реализацию возможностей развития в данных конкретных исторических условиях.

В бизнес-среде малого бизнеса существует множество объектов. Деловая среда малых предприятий-это совокупность внешней и внутренней среды в самом широком смысле этого слова. В узком смысле этого слова деловая среда может быть представлена как внешняя среда,¹¹¹ включающая широкий спектр переменных, влияющих либо на все малые предприятия, либо на “общую среду”, либо на преимущественно малые предприятия, либо на “локальную среду” индивидуальных предпринимателей.

А. Шулулус предлагает следующие особенности внешней среды малого бизнеса: Внешняя среда-это совокупность элементов, непосредственно влияющих на построение и функционирование бизнеса¹¹² и делящих внешнюю среду на пять групп: социальные отношения, рыночные институты, рассматриваемые социально-экономические процессы, рынки ресурсов и сбыта, рыночные агенты в лице представителей малого и среднего бизнеса. Развитию трех ключевых подходов в исследовании предпринимательского поведения в существующей бизнес-среде способствовал целый ряд методологических требований: классический, целевой и структурный.¹¹³

В русле традиционных представлений, во многом заложенных Й. Шумпетером, для предпринимателя характерно “специфическое сочетание остроты зрения и ограниченного кругозора со способностью двигаться вперед самостоятельно”. Используя рациональный целеполагающий подход, мы можем разработать ортодоксальную концепцию институционального предпринимательства, основанную на предпосылках

¹¹¹Романенко, Е.В. Формирование благоприятной институциональной среды для развития малого предпринимательства в России / Е.В. Романенко // Региональная экономика: теория и практика. М-2008.- № 32 (89). - С. - 33.

¹¹²Тамже

¹¹³ Бирюков, В.В. Предпринимательство и производительность предпринимательских структур / В.В. Бирюков // Сб.: Актуальные вопросы экономики и управления российскими предприятиями. М -Омск :СибАДИ, 2011.- С.16 -25.

методологического индивидуализма, и предположить, что субъектом институциональных изменений является индивидуальный предприниматель, реагирующий на стимулы институциональной системы. Анализ факторов бизнес-среды малого бизнеса позволяет объединить их в группы, каждая из которых имеет определенные компоненты, в рамках структурного подхода. Деловая среда формирует своеобразное и сложно структурированное пространство для взаимодействия и многих факторов, различающихся по значимости и длительности в поведении малых предприятий.

Существующая модель МСБ в национальной экономике создает некоторые более или менее благоприятные рамочные условия для развития модели малого бизнеса с характерным жизненным циклом, которые определяют коридор к росту производительности труда и развитию конкурентных преимуществ. Изменение параметров предпринимательского поведения в рамках этой модели зависит от ее фундаментальной технико-экономической матрицы, исчерпание которой негативно сказывается на результатах и конкурентных преимуществах малых предприятий. Из-за неблагоприятной бизнес-среды модель его развития становится моделью выживания. В этих условиях изменение параметров бизнес-среды не может радикально улучшить ситуацию в контексте сложившейся модели. Модель должна быть изменена путем преобразования ее фундаментальных системных структур.

Таким образом, возникает сложная многомерная многофункциональная система, представляющая собой структурно-пространственную среду в условиях, формирующих цифровую экономику, в предпринимательской среде малого бизнеса. В этих условиях модель среды малого бизнеса нуждается в изменении путем трансформации ее базовых системообразующих структур.

Изменения внешней среды в экономике, которые, как правило, уже носят нелинейный характер, меняют и фундаментальные формы конкуренции, и цифровую платформу.¹¹⁴ Это требует от фирм разработки корпоративных стратегий и организационных механизмов их поддержки, обеспечивающих высокую экономическую жизнеспособность как предпосылку долгосрочного экономического роста.

Создание таких стратегий и выбор организационных механизмов требует понимания того, как нелинейность факторов цифровой среды влияет на характер конкуренции. На примере анализа адаптации предприятий к цифровой среде показаны следующие особенности цифровой среды и ее влияние на конкуренцию и выбор стратегий.

Во-первых, инновации по-прежнему важны для конкуренции. Их положительное влияние усиливается в контексте цифровизации. С другой стороны, компании чувствительны к нарушениям экономической стабильности, негативно влияющим на инвестиционное поведение в условиях нелинейности инновационных изменений. Поэтому требуются эффективные демпфирующие механизмы. Различными такими механизмами являются краудсорсинговые платформы, привлекающие дополнительные финансовые ресурсы и новых инвесторов.¹¹⁵

Во-вторых, если крупный бизнес обладает большей экономической устойчивостью, чем малый и средний бизнес в “доцифровой” экономике, то нынешний масштаб уже не является решающим конкурентным преимуществом.

В конкурентной борьбе динамизм становится решающим фактором. Крупные предприятия должны быть ускорены, чтобы обеспечить их устойчивость для поддержания и обеспечения их долгосрочного конкурентного преимущества. Так называемые внешние

¹¹⁴С.Исмаил С., Мэлоун М., Ван Хейст Ю. Взрывной рост. Почему экспоненциальные организации в десятки раз продуктивнее вашей (и что с этим делать).М// М.: Альпина Паблишер, 2017.М - 393 с.

¹¹⁵Галимова М.П., Гилева Т.А. Цифровая трансформация бизнес-моделей промышленных предприятий: драйверы и ловушки // В сборнике: Цифровая экономика промышленности и сферы услуг: состояние и тенденции развития Труды XVI научно-практической конференции с международным участием. Под редакцией А.В. Бабкина, 2018.М -С.333–340.

механизмы можно рассматривать как эффективные институциональные инновации, смягчающие потерю стабильности.¹¹⁶ Другими словами, спин-оффы, стартапы вокруг крупной компании, чьи рынки и доходы позволят сохранить стабильность основного бизнеса. Количество и рост выручки таких компаний будут удерживать критическую массу крупного партнера на определенной траектории.

В-третьих, сегодня это компания экспоненциального роста, а не только постоянно растущая компания, которая интересуется инвесторов и экономику в целом. Возведение в степень означает непропорциональную отдачу от вложенного капитала и ресурсов. Организационные механизмы должны создавать условия для генерации или доступа к собственным инновациям через механизмы трансфера технологий и накопления критического веса инноваций для ускорения развития компании.¹¹⁷

В-четвертых, для того, чтобы генерировать экспоненциальные ставки, необходима значительная экономия затрат. Содержание активов компании является одной из основных статей расходов. Поэтому сегодня компании ищут доступ к ресурсам и активам, а не владение ими. В этом контексте возрастает роль кооперативных стратегий и бизнес-моделей, позволяющих получать скудные ресурсы в обмен на другие услуги и ресурсы партнера. С помощью информации возможен быстрый и неограниченный доступ к ресурсам.

В-пятых, значительно возросла роль информации и знаний как конкурентного преимущества. Его недостаток приводит к неравномерности информации. Неравенство в информации трансформируется в цифровое неравенство-фактор, неблагоприятный для конкурентоспособности из-за увеличения объемов информации и неспособности ее принять и обработать.¹¹⁸ Сегодня “мы переходим от линейной парадигмы, в которой ценятся владение ресурсами, размер и количество ресурсов, мнения экспертов и прогнозы, к парадигме экспоненциальной, в которой информация и доступ к будущему становятся все менее и менее предсказуемыми”.

Таким образом, нелинейная цифровая среда создает новые потребности в стратегическом поведении компании и требует реорганизации бизнес - моделей, новых организационных структур и форм реализации стратегии. Они могут быть реализованы с помощью эффективного механизма, такого как цифровые платформы в цифровой среде. Для разработки концепций таких платформ необходимо изучить мировой опыт и адаптировать его к отечественной практике.

*Xusainov R.R., i.f.n., dotsent,
Raxmonqulov J.M., bo'limi boshlig'i,
AT "Aloqabank" Amaliyot boshqarmasi
Nurafshon kompleks xizmat ko'rsatish markazi*

**RAQAMLASHTIRISH IQTISODIYOTI SHAROITIDA SANOAT
KORXONALARI INNOVATSION FAOLIYATINI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
ASOSIDA SAMARALI RIVOJLANTIRISH**

Mamlakatimizda aholi soni o'sib bormoqda bu esa o'z navbatida har bir inson hayot faoliyati uchun muhim bo'lgan daromadni ham oshirish yo'llarini izlashni talab etadi. Muhtaram prezidentimiz SH.Mirziyoyevning olib borayotgan farmon va qarorlari buning yaqqol misoli desak mubolag'a bo'lmaydi. Sh.M.Mirziyoyevning PF6079 5.10.2020 “RAQAMLI

¹¹⁶Исмагилова Л.А., Галимова М.П., Гилева Т.А. Инструменты организации процессов создания конкурентоспособной продукции в цифровой экономике // Вестник Казанского государственного технического университета им. А.Н. Туполева. М-2018.-Т.74, № 3.- С.43–51.

¹¹⁷Карпов А.О. Инжиниринговая платформа для трансфера технологий // Вопросы экономики. М-2012.- № 7.- С. 47- 65.

¹¹⁸Галимова М.П., Гилева Т.А. Цифровая трансформация бизнес-моделей промышленных предприятий: драйверы и ловушки // В сборнике: Цифровая экономика промышленности и сферы услуг: состояние и тенденции развития Труды XVI научно-практической конференции с международным участием. Под редакцией А.В. Бабкина, 2018. М.-С.333–340.

O'ZBEKISTON- 2030" strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida farmonida aynan raqamli texnologiyalar orqali mamlakatda qilinadigan chora va tadbirlar yaqqol namoyon etilgan. Farmonda " elektron hukumat tizimini takomillashtirish, dasturiy mahsulotlar va axborot texnologiyalarining mahalliy bozorini yanada rivojlantirish, respublikaning barcha hududlarida IT-parklarni tashkil etish, shuningdek, sohani malakali kadrlar bilan ta'minlashni ko'zda tutuvchi 220 dan ortiq ustuvor loyihalarni amalga oshirish boshlangan.

Bundan tashqari, 40 dan ortiq axborot tizimlari bilan integratsiyalashgan geoportalni ishga tushirish, jamoat transporti va kommunal infratuzilmani boshqarishning axborot tizimini yaratish, ijtimoiy sohani raqamlashtirish va keyinchalik ushbu tajribani boshqa hududlarda joriy qilishni nazarda tutuvchi "Raqamli Toshkent" kompleks dasturi amalga oshirilmoqda.

Respublikada raqamli industriyani jadal rivojlantirish, milliy iqtisodiyot tarmoqlarining raqobatbardoshligini oshirish, shuningdek, 2017 — 2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini "Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili"da amalga oshirishga oid davlat dasturida belgilangan vazifalar ijrosini ta'minlash" maqsadida choralar belgilanib berildi/

Taraqqiyot bir zum to'xtamaydi. Unga erishish uchun ilg'or g'oya va tashabbuslarni amaliyotga tatbiq etish lozim. To'g'ri, yangilik joriy qilingan joyda kamchilik ham uchraydi. Bu — tabiiy hol. Ammo rivojlanishning kelajak natijalarini tahlil qilmay, bir tomonlama fikr bildirish sog'lom bolani imkoniyati cheklangan bolaga aylantirib qo'yish demakdir. E'tirof etish joiz, davlatimiz rahbari g'oyasi asosida so'nggi yillarda IT sohasi asosida mamlakat iqtisodiyotini yannada tezkor rivojlantirish istiqbollarini qo'llash haqida taklif va topshiriqlar berilmoqda. Eng muhimi bu jarayon iqtisodiyotning raqamlar asosida boshqarish aholi turmush darajasini yengillashtirish shuningdek butun dunyo bilan raqobatga kirisha oladigan jarayonlar maqsadida amalga oshirilmoqda. "CEOWORLD" jurnali tomonidan Elektron tijorat va raqamli sektorga investitsiya kiritish uchun eng yaxshi davlatlarning navbatdagi reytingi e'lon qildi. 128 mamlakat jalb qilingan mazkur reytingda O'zbekiston 98 o'rinni egalladi. AQSH elektron tijorat va raqamli sektorga sarmoya kiritish uchun dunyodagi eng yaxshi mamlakat deb topildi. Ikkinchi o'rinni Xitoy, uchinchi o'rinni esa Yaponiya band etdi. Kuchli o'ntalikka, shuningdek, Buyuk Britaniya, Germaniya, Hindiston, Fransiya, Janubiy Koreya, Kanada va Birlashgan Arab Amirliklari kiritilgan. Reytingning oxirgi pog'onasida esa Suriya davlati qayd etildi. Mehnat bozoriga tegishli hisobotlarga ko'ra, kelasi yillarda AQShda Informatsion texnologiyalar (IT) sohasidagi ishlarga talab ortib boraveradi. IT sohasidagi ishlarning kelajagi haqida ZiyoTek treyning kompaniyasining asoschilari fikrlarini bildirishgan. aytish joizki raqamli texnologiya va raqamli iqtisodiyot mamlakatning turli sohalarini ijobiy tomonga yuksaltirishga yordam beradi.

Ko'z o'ngimizda ro'y berayotgan taraqqiyot odimlarini barcha sohalarda bo'lgani kabi telekommunikatsiya tizimida yaqqol kuzatishimiz mumkin. Avvallari faqatgina so'zlashuv uchun ishlatilgan telefon simidan bugun internet, tovushli aloqa va ma'lumotlar uzatish kabi turli qo'shimcha xizmatlardan foydalanish, videotelefoniya va hatto teleko'rsatuvlar ko'rish imkoni bor. Bularning barchasi so'nggi yillarda telekommunikatsiya tarmog'ining izchillik bilan modernizatsiya qilinishi natijasida yuzaga keldi. Hukumatimiz tomonidan mazkur sohaga eng zamonaviy vositalar joriy qilinishiga katta e'tibor qaratilgani bois, bugun yurtdoshlarimiz ko'plab qulayliklarga ega bo'lmoqdalar.

Axborot asri deya e'tirof etilayotgan bugungi kunimizda axborot kommunikatsiya tizimi izchil rivojlanishda davom etmoqda. Bugun zamonaviy axborot texnologiyalarisiz hayotimizni tasavvur etib bo'lmaydi. Mamlakat darajasida soha rivoji muhim omillardan biriga aylangan. Shu bois ham mamlakatimizda telekommunikatsiya tarmoqlarini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratib kelinmoqda. Ayniqsa sohani xalqaro andozalarda mexanizatsiyalashtirish va rivojlantirish ustuvor yo'nalishlar sifatida belgilab olingan. Prezidentimizning "O'zbektelekom" aksiyadorlik

kompaniyasi telekommunikatsiya tarmoqlarini yanada rivojlantirish va modernizatsiya qilish chora-tadbirlari to'g'risida" Qarori bu borada dasturilamal bo'lib xizmat qilmoqda. Amaliy harakatlar natijasida yurtimizning olis mintaqalarida axborot resurslarini yaratish va undan foydalanish samaradorligi oshirilmoqda.

Joriy yilning o'tgan davrida Respublika tovar-xomashyo birjasi orqali qariyb to'rt yuz milliard so'mlik davlat xaridlari amalga oshirildi. Byudjet mablag'larining tejalishi 83,7 milliard so'mga etdi. Mamlakatimizda tadbirkorlik sub'ektlariga qulay imkoniyatlar yaratish tizimi yildan-yilga takomillashmoqda. Davlat xaridlari tizimida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari joriy etilgani, ya'ni tadbirkorlar uchun elektron xarid qilish imkoniyati yaratilgani katta qulayliklaryaratayotir. Bu borada Respublika tovar-xomashyo birjasi tomonidan izchil ishlar olib borilmoqda. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlari elektron shakldagi korporativ xaridlar tizimiga keng jalb qilinayotir. Bu raqobatni rivojlantirib, tovarlar narxlarining oshkoraligini ta'minlash va optimallashtirishga yo'l ochmoqda. Andijon Viloyat paxta-to'qimachilik klasterlarini faoliyatini tashkil etish bo'yicha xam ilg'orlardan biri bo'lib, hozirda viloyatning 14 ta tumanida 12 ta paxta-to'qimachilik klasterlari va 11 paxta tozalash zavodlari tashkil etilgan, ularda 2 mingdan ziyod ishchi o'rinlari yaratilgan. 2020 yilda viloyatdagi paxta-to'qimachilik ishlab chiqarishi klasterlari tomonidan 79,4 ming gektar er maydonda 251,7 ming tonna paxta xom ashyosi etishtirilishi rejalashtirilmoqda. Buning uchun 776 ta texnika sotib olingan. Andijon viloyatida to'qimachilik va tikuv-trikotaj sohasini yanada rivojlantirish bo'yicha belgilab berilgan topshiriq va vazifalardan kelib chiqib, 2020 yilda quyidagi ishlar amalga oshirilishi rejalashtirilgan. Jumladan, viloyatdagi 24 ta to'qimachilik korxonalarini tomonidan 2020 yil davomida 105,0 ming tonna paxta tolasi xarid qilinib, qayta ishlanishi rejalashtirilgan bo'lib, bu 2019 yilga nisbatan 1,1 barobarga oshishi ta'minlanishi kuzda tutilgan. 2020 yil viloyatda sohaning eksport salohiyatini 439,4 mln. dollarga etkazilishi rejalashtirilgan bo'lib, 2019 yilga nisbatan 1,8 barobarga o'sishi kutilmoqda. Bularning barchasi zamonaviy innovatsion texnologiyalrning samarali ishi desak adashmagan bo'lamiz

Xulosa va taklif o'rnida shuni aytishimiz mumkinki respublikamizni barcha tadbirkorlik faoliyatida innovatsion texnologiyalarni kirgizish ,hamda, electron to'lov tizimini rivojlantirish juda katta natijalarga olib keladi. Shuni unutmashimiz lozimki, milliy iqtisodiyotni raqamlashtirish ulkan infrastrukturani va ommaning bunga tayyor bo'lishini talab etadi. Xususan, texnik tarafdin raqamli texnologiyalarni joriy etish asnosida yagona milliy serverimizni tashkil etish va uni kengaytirish, xalqning smartfon va boshqa aqlli qurilmalar bilan ta'minlanganlik darajasini oshirish zarur. Mamlakatning barcha hududlarida internetga kirish imkoniyatining bir xil sharoitlarda va maqbul tariflarda mavjudligini ta'minlash va logistika (jumladan, pochta) tizimini rivojlantirish raqamli iqtisodiyot rivojida muhim omillardan. Shu bilan birga, xalqimizga raqamli axborot texnologiyalaridan foydalanishning afzalligini keng targ'ib etish va ta'lim tizimida raqamli iqtisodiyot bilan bog'liq fakultativlarni ko'paytirishdek dadil qadamlar ham raqamli iqtisodiyotga jadal kirib borishimizga kuchli turtki bo'ladi.

*Максудов Шахзод Хаятович, независимый исследователь,
ТашГТУ имени Ислама Каримова*

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ИННОВАЦИОННОГО КОМПЛЕКСНОГО РАЗВИТИЯ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ И ЕГО МЕТОДОЛОГИЧЕСКАЯ ОСНОВА

Сегодня в мире под цифровой экономикой как правило понимается любая экономическая деятельность, связанная с производством, сбытом и потреблением товаров и услуг с использованием цифровых технологий, а также с применением электронной коммерции, веб - и интернет-экономики. Прежде всего, досягаемость информации и создание более эффективных технологий ее обработки и применения в основном должны

снизить транзакционные издержки (издержки, связанные с информационным поиском и обработки найденной информации) и повысить гибкость и эффективность экономики (1.Б.8). После поразительного успеха некоторых стартапов в области цифровой экономики, одоления кризиса доткомов (термин, применяющийся по отношению к компаниям, чья бизнес-модель целиком основывается на работе в рамках сети Интернет) и, особенно, после того, как капитализация интернет-гигантов приравнялась (прибыль компании увеличивает уставный капитал), а потом и превысила капитализацию крупнейших предприятий традиционных секторов экономики, значимость цифровой экономикой стала повышаться. Но этого может и не случится, если в то же время не отмирают прежние технологии работы с информацией и возрастает доля транзакционных издержек за счет повышения затрат на защиту информации, оценку ее достоверности и др. (2.Б.3). Также перенос бизнес-деятельности в онлайн резко снижает, иногда даже ликвидирует необходимость в посредниках и агентах. Необходимо добавить, что экономика массовой продукции уступает место штучным индивидуальным, которые клиенты заказывают посредством режима онлайн. Еще одна проблема заключается в том, что, как и любое массовое технологическое новшество, цифровые технологии требуют специалистов новых профессий и новых компетенций, и к тому же, делают бесполезными многочисленные группы занятых в традиционных видах деятельности, что становится причиной сопротивления и протестов. Недостача таких специалистов, как программисты, маркетологи, аналитики и др., не возмещает ликвидацию многих других рабочих мест и вызывает рост дифференциации доходов и новую бедность. Безопасность данных, поступающих из внешних источников, порождает особый интерес. В республике развитию промышленности уделяется особое внимание. Это связано с тем, что промышленный сектор обладает существенным потенциалом развития. Опыт многих стран показывает, что именно благодаря активному развитию промышленности удается достичь высокого экономического роста и повышения конкурентоспособности экономики (3.Б.2). Благодаря осуществляемым реформам достигнуты значимые результаты в развитии данного сектора. В частности, за последние три года, период 2017-2020 гг. объем производства отрасли увеличился на треть. Высокие темпы развития промышленности позволили достичь увеличения вклада промышленности в экономику Узбекистана с 21,7% до 27,5%. По итогам 2021 года ожидается рост индекса физического объема промышленности на уровне 6,4%, а доля промышленности в ВВП на уровне 27%. Несмотря на положительные тенденции в промышленности, на сегодняшний день имеется ряд системных проблем, которые сдерживают ее дальнейшее развитие. Наиболее острыми и требующими безотлагательного решения, являются следующие: Технические регламенты и стандарты. Существует проблема несоответствия отечественных технических регламентов и стандартов международным. В частности, имеется необходимость адаптации 14 технических регламентов в республике к техническим регламентам стран СНГ. Необходимо также внедрить 28 новых технических регламентов (в легкой, пищевой, нефтегазовой, электротехнической промышленности и др.). Обеспечение качества промышленной продукции (4.Б.1). В республике по многим товарам отсутствуют государственные стандарты качества. Данные товары производятся согласно разрабатываемым самими предприятиями техническим условиям. Несоответствие товаров мировым стандартам качества негативно влияет на их конкурентоспособность и ограничивает экспорт. В связи с этим требуется совершенствование системы стандартизации и сертификации промышленных товаров, с учетом максимальной унификации с международными стандартами качества и цифровая экономика будет расширяться. Современная промышленность требует более высокого уровня квалификации кадров и иного подхода к их подготовке со знаниями информационных технологий. Наиболее остро данная проблема проявляется в таких

отраслях, как текстильная, кожевенная, ювелирная, электротехническая, фармацевтическая, промышленность стройматериалов, переработка сельхозпродукции. В 2019 году в рамках проводимой в стране промышленной политики были приняты стратегии развития отраслей промышленности до 2025 года: нефтегазовой, электроэнергетической, легкой, машиностроительной, химической, пищевой, электротехнической, промышленности стройматериалов, цветной металлургии (5.Б.320). Стратегии определяют основные направления дальнейшего развития отраслей. Также предусматривается решение ключевых проблем в каждой конкретной отрасли. Кроме этого разрабатывается Национальная концепция развития промышленности Республики Узбекистан до 2025 года. Также было принято 13 программ, направленных цифровой экономике на развитие автомобильной, текстильной и кожевенно-обувной, электротехнической, нефтегазовой, ювелирной отраслей, сельскохозяйственного машиностроения, электроэнергетики, промышленности строительных материалов и других. С процессом развития инновационно и информационной деятельностью связано обеспечение:

- устойчивого экономического развития;
- относительно высокого уровня и качества жизни населения;
- эффективное использование земельных участков;
- решения приоритетных задач индустриально-инновационного развития и внедрения цифровой экономики;
- формирования эффективных форм пространственной организации расселения через городские агломерации, создания в городах промышленных зон, технопарков, инновационных центров и др.;
- широкомасштабной реализации строительства жилья, объектов социальной и производственной инфраструктуры.

В рамках программ предусматривается освоение новых видов продукции, увеличение объемов производства и экспорта качественных и конкурентоспособных товаров, активное привлечение иностранных инвестиций, широкое вовлечение субъектов малого бизнеса в промышленную деятельность, укрепление и развитие промышленной кооперации, снижение себестоимости производимой продукции. На данный момент для 64 тыс. малых предприятий имеется доступ к порталу (на сегодняшний день зарегистрировано более 17,4 тыс. предприятий). Портал также позволяет получать информацию о видах производимой промышленной продукции, ее технических характеристиках, показателях качества, объемах продукции на товарном рынке. В настоящее время за счет реализации программ освоено производство новых видов продукции, таких как ПВХ, синтетическое волокно, запчасти для текстильного оборудования, комплектующие для бытовой техники и др. В ближайшее время планируется освоение текстильной галантереи (молнии, пуговицы и др.), электронных газовых счетчиков, электродвигателей и т.д. Так как традиционно считаются данные надежными и достоверными, если они подтверждаются из трех независимых источников, сегодня создание множества независимых между собой источников информации уже является скорее технической проблемой (6.Б.4).

Цифровая экономика изменяет экономику в целом. К примеру, на бирже возможно увеличение роботов, которые занимаются торгами. Роботы способны реагировать на изменение конъюнктуры намного быстрее, чем люди, так как в них заложены современные алгоритмы расчета доходности и рисков. Мировые компании в прогнозах своих показали, что этому росту станет причиной развитие 12 видов высоких технологий (мобильный интернет, передовая роботизация, облачные технологии, возобновляемая энергия, Интернет вещей (IoT) - беспроводная передача данных, мобильности и искусственного интеллекта и т.д.). На данный момент крупные компании

во всем мире осознают реалии по цифровизации, ориентируются на облачные технологии и модернизацию сетевой инфраструктуры. Цифровизация, формирование цифровой экономики открывают значительные возможности для потребителей, государства и общества целиком. Среди ведущих стран по поддержанию цифровой экономики в мире можно выделить Сингапур, Китай, Южную Корею, Новую Зеландию и Данию. Данные страны осуществили важные инициативы в области цифровизации и формирования высоких технологий. Развитие цифровых технологий будет нести важное значение для достижения практически всех экономических и социальных целей и затронет все страны, секторы и заинтересованные стороны. Например, в менее развитых странах Интернетом пользуется лишь каждый пятый житель, в то время как в развитых странах доступ к Интернету имеют четверо из каждых пяти человек. К примеру, в Африке и Латинской Америке в совокупности находится менее 7% всех арендуемых центров по обработке данных в мире. Без принятия необходимых мер данный разрыв приведет лишь к дальнейшему увеличению неравенства в распределении доходов. Цифровые платформы играют все более значимую роль в мировой экономике. В 2017 году общая стоимость компаний, работающих на базе платформ, с рыночной капитализацией более 100 млн долл. США превысила, по оценкам, 7 трлн долл. США, что на 67% больше, чем в 2017 году. Некоторые глобальные цифровые платформы заполучили очень сильные рыночные позиции в определенных сегментах. В один момент прогресс в цифровых технологиях привел к созданию колоссального богатства, сосредоточенного, однако, у небольшой группы лиц, компаний и стран. Для того чтобы цифровая экономика работала на общественное благо, она должна иметь инклюзивный характер. Новые технологии, а именно искусственный интеллект, неминуемо связаны со значительными изменениями на рынке труда, включая сокращение рабочих мест в одних секторах и создание новых возможностей в других в массовых масштабах. Цифровая экономика требует самых разнообразных новых знаний и навыков, весомо новых мер социальной защиты.

*Мирвалиева Камола Абдусаттаровна, етакчи
ўқитувчиси, ТДТрУ академик лицейи,
Асимова Феруза Абдусаттаровна, магистр,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ БАНКЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистан Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, "Инновация - бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион Ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак".¹¹⁹ Шу мақсадда мамлакатимизда ушбу фаолиятни ташкил этиш ва уни ҳуқуқий асосини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниб, "Инновацион фаолият тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жамоатчилик муҳокамасига кўйилди. Ушбу Қонун лойиҳасига кўра инновацион фаолият деганда - новация (янгилик) яратилишини ва улар асосида амалий натижа - инновацияларни қўлга киритишни таъминлайдиган фаолият тушунилиши белгиланган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси порталида Марказий банкнинг "Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги низом" (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) лойиҳаси [ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ](#). Ўзбекистон

¹¹⁹М.Ш Мирзиёев 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш» қарори.

Марказий банки қонунчиликка биринчи марта «рақамли банк» терминини киритди. Хужжатда қайд этилишича, рақамли банк — инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда (касса хизматини кўрсатмасдан) банк хизматларини масофавий кўрсатувчи банк ёки унинг таркибий бўлинмаси. Рақамли банклар томонидан банк хизматларини масофавий кўрсатиш банкнинг ички тартиб-қоидаларига асосан қонун хужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Демак иқтисодиётнинг инновацион шаклида тармоқ, соҳа субъектлари фаолиятида янги ёки такомиллашган маҳсулоти тақдим этилиши асосида, дастлаб унинг ижобий иқтисодий, экологик, ижтимоий самараларига эътибор қаратилиб, интеллектуал ресурслардан оқилона фойдаланишни тақазо қилади. Маълумки банклар ҳам кенг турдаги инновацион фаолиятни амалиётга тадбиқ этаётган соҳалардан ҳисобланиб, банк инновацияси ҳақида турли фикрлар мавжуд. Жумладан, банк инновацияси таркибига банкларда пайдо бўлган янги банк маҳсулотлари киради. Банк инновацияси -банк инновацион фаолиятининг якуний натижасида янги банк маҳсулотлари ёки операцияларини амалга ошириш шакли ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча банкларнинг инновацион фаолиятининг юзага келиш зарурияти қуйидагилар орқали ифодаланади: Банк бўлимлари сонининг ошиши, банклар ўртасида рақобатнинг кучайиши, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши, банкларнинг халқаро тўлов тизимлари билан ҳамкорлиги, йирик хорижий банклар билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши, банк хизматлари турларининг табақаланиши, ахборот технологияларининг ривожланиши ва бошқалар орқали ифодалаш мумкин.

Демак банклар инновацион фаолиятининг моҳиятини кенгроқ ўрганиш мақсадида, банк инновацияларини бир неча гуруҳларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

- маҳсулот инновацияси;
- технологик инновация;
- бозор инновацияси;
- ; маркетинг инновацияси;
- бошқарув инновацияси ва хоказо.

Аммо банкларнинг инновацион фаолияти турли даражадаги мураккаб жараёни ифодалайди, чунки янги Ғоялар, тақлиф этилаётган янги маҳсулотлар банк ва мижоз манфаатларига мос келиши асосида узлуксиз давом этиши банк муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади. Шунинг учун банкларнинг рақобатбардошлиги ва улар фаолиятининг самарадорлиги турли воситалар (ахборот технологиялари, бошқарув, маркетинг ва бошқалар) асосида янги хизматлар тақдим этилиб борилишига боғлиқ. Шундай қилиб банк хизматлари - бозоридаги тақдим этилаётган янги ёки такомиллашган хизмат турлари банкларнинг инновацион маҳсулотлари ҳисобланади. Демак банкларнинг инновацион маҳсулотлари янги ёки такомиллашган хизматларни тақдим этиш ва операциялар бажариш орқали намоён бўлади. Банк маҳсулотларига талаб даражаси эса банк хизматлари бўйича янгиликнинг нафлиги орқали белгиланади.

Банкларнинг инновацион фаолиятини тавсифлайдиган кўрсаткичлар сифатида эса қуйидагиларни келтириш мумкин: банкнинг янги маҳсулотларини бозордаги улушини ўсиши, ахборот технологиялари асосида тақлиф этиладиган банк маҳсулотлари сонининг ортиши, ҳар бир ходимга туғри келадиган фойда миқдорининг кўпайтириш, инновацион фаоллик кўрсаткичи, инновацион фаоллик учун ходимларни рағбатлантириш кўрсаткичлари ва бошқалар.

Банк хизматлар кўрсатишини икки асосий гуруҳга яъни: ананавий ва масофавий хизмат кўрсатиш турларига ажратган ҳолда шунини таъкидлаш мумкинки, ҳозирги вақтда банк хизматларини кўрсатишнинг ананавий усули яъни банк бўлимлари орқали хизматлар кўрсатиш ўз ўрнини масофавий банк хизматларини кўрсатиш эгаллаб бормокда. Ушбу

холат эса банк тизимида инновацион фаолият кенгайиб бораётганлигидан далолат берса, иккинчи томондан унинг омилларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шу боис бизнинг фикримизча банк инновацион фаолиятнинг кенгайиш омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин: банклар ўртасидаги рақобат муҳити, ахборот технологияларининг ривожланиши, аҳоли турмуш фаолиятида ахборот ва алоқа воситаларининг аҳамиятини кескин ошиши ва бошқалар. Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам банкларнинг инновацион фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилиб, унинг тараққиётини таъминлаш мақсадида 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида бажариладиган тадбирлар ва кутилаётган натижалар кўрсатилган. Жумладан инновацион технологияларга асосланган, банк хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш имкониятларини оширувчи янги банк хизмати турларини, хусусан «рақамли банклар»ни, шунингдек, аҳолига чакана хизмат кўрсатишга ихтисослашган банк бўлинмаларини ташкил этиш, инновацион технологияларни кенг қўллаган ҳолда етакчи хорижий тўлов тизимлари билан интеграциялашган замонавий чакана тўлов тизимларини ривожлантириш вазифалари белгиланган

Айни вақтда банк хизматлари қўламини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда кенгайтириш турли усулларда амалга ошириб, хусусан банк ҳисобварқларини масофадан бошқариш "Банк-мижоз", Интернет-банкнинг, М-банкнинг (Мобиль банкнинг), SMS-банкнинг усуллари орқали амалга оширилмоқда.

Хулоса ыилиб айтганда, банклар истиқболли ривожланиш дастурлари асосида бизнинг фикримизча биринчидан банклар учун алоҳида инновацион сиёсат ишлаб чиқиш лозим. Чунки муваффақиятли инновацион сиёсат истиқболли ривожланишни таъминлайди ва натижада банкларнинг рақобатбардошлиги инновацион механизмларни жорий қилиш орқали мустаҳкамланади. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз миқёсида инновацион жараёнларнинг янада ривожланишига олиб келади.

*Сулейманова Шоира Алавхановна, докторант,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЕНГИЛ САНОАТ СОҲАСИДАГИ ВАЗИЯТ

Бугунги кунга келиб рақамли технологиялар нафақат ривожланган давлатларда балки ривожланаётган давлатларда ҳам хар бир соҳага кириб бормоқда. Рақамли технологиялар инновациялар, янги ғоялар, ишлаб чиқаришни интенсификациялаш, тезкор маълумотлар ва турли ҳил кўринишларда ўз аксини топади.

Давлатимиз томонидан ҳам кучли рақамлаштириш сиёсати олиб борилмоқда. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид [давлат дастурида](#) белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимида замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида 2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш каби вазифалар амалга оширилмоқда[1].

Жаҳон банкининг “Рақамли дивидендлар” номли тадқиқоти хулосалари мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳим масала эканлигини кўрсатади. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга ўсиши мамлакат ЯИМ ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 1,21 фоизни ташкил этса, ривожланаётган мамлакатларда 1,38 фоизга тенг. Демак, интернет тезлиги 2 баробар ошадиган бўлса, ЯИМ ҳажми 13-14 фоиз ортишига эришиш мумкин.

Рақамли технологиялар истеъмолчиларга қулайликлар, маълумотлар билан аниқ ва тезкор танишиш, вақт тежамкорлиги, жисмоний меҳнатнинг енгиллашишини тақлиф қилмоқда. Рақамли технологияларга бўлган эҳтиёж нафақат маҳаллий корхоналарни рақобатбардошлигини ошириш учун балки миллий иқтисодиётни жаҳон бозорида ўз позициясини сақлаб қолишида ҳам ўз аксини топмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган ислохатларнинг натижасида мамлакатимизда ҳар бир соҳа тубдан модернизацияланиш, автоматлаштирилган қурилмалар билан жиҳозланиш, бунинг натижасида узининг экспорт салоҳиятини оширишга олиб келмоқда. Рақамли технологиялардан фойдаланишдан асосий мақсад бу вақт, даромад ва ресурс тежамкорлигидир. Инновацион технологияларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўзининг қулайлиги, жозибadorлиги, таннархининг арзонлиги ва замонавий кўриниши рақобат муҳитида асосий принциплардан бўлиб қолмоқда.

Енгил саноат Ўзбекистонда етакчи саноатлардан ҳисобланади. Енгил саноат бандлик даражасини қисқартиришга олиб келади, чунки маҳсулот ишлаб чиқаришда жисмоний меҳнатга эҳтиёж каттадир. Енгил саноат маҳсулотларининг хизмат муддати қисқа. Бунга сабаблар бир қанча: мавсумий ўзгаришлар, мода тенденциясининг ўзгарувчанлиги ҳамда маҳсулотнинг чидамлилиқ даражаси. Шу сабаблар асосида маҳсулот ишлаб чиқариш циклининг тезлиги товар айланмасининг тезлигига олиб келади. Бу билан ишлаб чиқариш қуввати ортиб бораверади. Мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмини 15,5% енгил саноат ташкил қилади. Биргина енгил саноат тармоғининг экспорт кўрсаткичларига назар ташласак тайёр маҳсулот экспорти 2020 йилда \$459,3 млн АҚШ долларини ташкил этган. Бу кўрсаткич эса ўтган 2019 йилда \$322,9 млн АҚШ долларини ташкил этганини қуришимиз мумкин[2].

Соҳанинг экспорт салоҳияти сўнгги уч йилда икки баробар ошди. Келгуси беш йилда тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш тўрт-беш баробарга кўпайтириш, таннархни рақобатчиларга нисбатан арзонлаштириб, ташқи бозорларни эгаллаш бўйича топшириқларни амалга ошириш ишлари кетмоқда. Ушбу лойиҳаларни молиялаш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан кредит линияси доирасида 300 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди[3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида енгил саноат корхоналарига имтиёз ва преференциялар тақдим этилди.

2023 йил 1 январга қадар ҳисобот даври натижалари бўйича ялпи тушумнинг умумий ҳажмида тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларининг экспорти 60 фоиздан кам бўлмаган экспорт улушига эга бўлган корхоналар мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилади. Тўқимачилиқ, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари корхоналарининг фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базаси 7 йил давомида тенг улушларда замонавий тозалаш ва канализация иншоотларини қуриш бўйича харажатлар суммасига камайтирилади. [4].

Мамлакатимизда ҳозирги кунда тўқимачилиқ саноатида икки мингдан зиёд корхона фаолият юритиб келмоқда. Уларда 365 минг нафар аҳоли иш билан банддир. Бугунги кунда тўқимачилиқ ва кийим-кечак ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиш суръатлари қузатилмоқда: тўрт йил ичида у номинал равишда 2,8 бараварга ўсди. Пахта толасини

ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 17 %га, ип-2,1 мартага , мато-2,9, трикотаж мато-3,2, пайпоқ-7,1%дан 2020 йилда 2,4%га ўсди, бу унинг иқтисодийнинг бошқа тармоқларига нисбатан жадал ривожланиб бораётганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, 4-қайта тақсимлаш натижасида маҳсулотларнинг умумий даромаддаги улуши 2016 йилдаги 32%дан 2020 йилда 42%гача ўсди.

Қайта тақсимотнинг 3-даражали маҳсулотларнинг улуши худди шундай 16,5 % дан 19,4% гача ўсди. Буларнинг барчаси шундан далолат берадики , саноат кўпроқ хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан тезлик билан воз кечиб, охири истеъмол учун мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирмоқда. Тўқимачилик ва кийим-кечак ишлаб чиқаришда ҳам жиддий таркибий ўзгаришлар юз берди: конверсиянинг паст даражасида бирламчи маҳсулотларни сотишдан воз кечиш ва конверсияларнинг юқори даражаларида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишни кўпайтириш.

Агар 2016 йилда ип-калавани сотишдан тушган даромад соҳанинг умумий даромадини 52 фоизини ташкил этган бўлса, 2020 йилда 38 фоизга тенг бўлган ҳолда бу йилларда ип-кавала ишлаб чиқариш ортиб бораверди, сотишдан тушган тушум эса икки баробар ошди. Шу билан бирга, 4-қайта тақсимлаш маҳсулотларининг саноатнинг умумий даромадларидаги улуши 2016 йилдаги 32 фоиздан 2020 йилда 42 фоизгача ўсди. Қайта тақсимотнинг 3-даражали маҳсулотларнинг улуши худди шундай 16,5 фоиздан 19,4 фоизгача ўсди. Буларнинг барчаси саноат тезроқ кўпроқ хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан воз кечиб, охири истеъмолчи учун мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтираётганидан далолат беради(1 расм).



1 расм. .Инфографика: 2016-2021 йилларда Ўзбекистон тўқимачилик саноати

Бундан ташқари , саноат 2020 йилда ва 2019 йилга нисбатан юкори суръатларда жадал ривожланишда давом этди. Масалан, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йил давомида икки баробардан зиёд , тикувчилик буюмлари ва матолар қарийб 50%га , пайпоқ маҳсулотлари 53%га ошди. Буларнинг барчаси саноатнинг зарбаларга чидамлилигидан далолат беради.

Яна шуни таъкидлаш керакки , коронавирус пандемияси , бир томондан , кийим-кечакка бўлган талабнинг пасайишига олиб келди ва шу билан бирга ҳар хил химоя матоларига, масалан , маскалар, комбинезонлар учун талабни кескин оширди. Соғлиқни сақлаш секторининг тўқимачилик маҳсулотларига бўлган талабнинг пасайишини қоплаб саноатни ривожлантириш учун янги имкониятлар яратди[5].

Баъзи курилмаларни автоматлаштириш, жисмоний меҳнатни енгиллатиш, харажатларнинг иқтисод қилиниши корхоналарда самарадорлик кўрсаткичларини ошишига олиб келмоқда. Аммо шунга қарамай соҳани рақамлаштириш жараёнида бир қанча қийинчиликларга дуч келинмоқда. Чекка кишлокларда инфратузилманинг яхши ривожланмаганлиги, малакавий техник кадрларга бўлган талабнинг ортиши, инвестицияларнинг етишмаслиги, баъзи корхоналарда ҳали ҳам эски курилмалардан фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Чунки рақамлаштириш жараёнлари корхонанинг ўз маблағи ҳисобига ёки қарзлар ҳисобига амалга оширилиши керак булади. Ривожланган мамлакатларда моддий-техник базани рақамлантиришнинг ўртача тезлиги 15-17%ни ташкил этади[6].

Рақамли технологиялардан фойдаланиш, корхона моддий-техник базасини модернизациялаши учун ёшларни янги ноу-хоу технологияларни яратишга рағбатлантириш, корхоналарни моддий техник базасини модернизация қилишга самарали инвестицион сиёсатни амалга ошириш, техник кадрларни малакасини ошириш, корхоналарда рақамли маданиятни ташкил қилиш лозим бўлади.

Шамуратова Ширин Дамировна, НУУз

РАЗВИТИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Сегодня современные информационные технологии являются одним из важнейших условий устойчивого развития. Они не только облегчают государственное и общественное управление, упрощают жизнь людей, но также повышают качество продукции и услуг, снижают издержки, а также ещё одно важное преимущество — способствуют искоренению коррупции. Под цифровой экономикой как правило понимается любая экономическая деятельность, связанная с производством, сбытом и потреблением товаров и услуг с использованием цифровых технологий, а также с применением электронной коммерции, веб- и интернет-экономики. Цифровая экономика изменяет экономику в целом. К примеру, на бирже возможно увеличение роботов, которые занимаются торгами. Роботы способны реагировать на изменение конъюнктуры намного быстрее, чем люди, так как в них заложены современнейшие алгоритмы расчета доходности и рисков. Однако происходит ли в последствии реальное снижение неопределенности и рисков на финансовых рынках? Здесь трудно дать положительный ответ, так как методики работы с информацией и технологии принятия решений у многих пользователей будут идентичны, то наступает вопрос о возможности и даже неизбежности «эффекта толпы», или, другими словами, паники, вызванной неожиданным изменением ситуации на рынках, в частности финансовых.¹²⁰

Цифровизация приводит к росту мировой экономики, например, согласно оценкам авторитетной консалтинговой компании "McKinsey Global Institute", использование новейших цифровых технологий до 2025 года приведет к возрастанию валового

¹²⁰ Аброскин, А. С. Международный опыт измерений цифровой экономики [Текст] / А. С. Аброскин // Вестник университета. - 2018. - N 12. - С. 59-6.

внутреннего продукта (ВВП) в мире на уровне 3-6 трлн. долларов США. Прогнозы компании показали, что этому росту станет причиной развитие 12 видов высоких технологий (мобильный интернет, передовая роботизация, облачные технологии, возобновляемая энергия, Интернет вещей (IoT) - беспроводная передача данных, мобильности и искусственного интеллекта и т.д.). На данный момент крупные компании во всем мире осознают реалии по цифровизации, ориентируются на облачные технологии и модернизацию сетевой инфраструктуры. Цифровизация, формирование цифровой экономики открывают значительные возможности для потребителей, государства и общества целиком. Среди ведущих стран по поддержанию цифровой экономики в мире можно выделить Сингапур, Китай, Южную Корею, Новую Зеландию и Данию. Данные страны осуществили важные инициативы в области цифровизации и формирования высоких технологий. Цифровая экономика требует самых разнообразных новых знаний и навыков, весомо новых мер социальной защиты. При этом нужны крупные инвестиции для развития образования, а также обеспечения всеобщего доступа к образовательным услугам на протяжении всей жизни.

Islom Karimov nomidagi ToshDTU*

SANOAT KORXONALARINING FAOLIYATINI BARQAROR RIVOJLANTIRISH

Prezidentimiz tomonidan tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlashga oid qabul qilingan farmon va qarorlar kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlari o'z faoliyatini yanada kengaytirishi va ishlab chiqarishni samarali tashkil etishida keng imkoniyatlarni ochib bermoqda. Sohani yanada rivojlantirishga qaratilayotgan alohida e'tibor iqtisodiyotimizning barqaror taraqqiyotini ta'minlash, yangi ish o'rinlari yaratish va aholi farovonligini yanada yuksaltirishga xizmat qilayotir.

O'zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki huzuridagi Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining eksportini qo'llab-quvvatlash jamg'armasi ishtirokchi sanoat korxonalariga tijorat takliflarini tayyorlashda, ularni elektron savdo maydonchalarida joylashtirishda, xorijiy hamkorlar topishda hamda eksport shartnomalarini tuzishda yaqindan ko'mak ko'rsatdi. Natijada jamg'arma ko'magida tarmoqlararo sanoat yarmarkasida ishtirok etgan korxonalar tomonidan 2017yilda jami 35 million dollarlik eksport shartnomalari inzolandi.

Bugungi kunda mamlakatimizning rivojlanish istiqboliga sanoat korxonalarining o'ziga xos o'zni mavjud. Sir emaski mamlakat va aholi hayot tarzining rivojlanishida sanoat korxonalarini qo'llab quvvatlash juda muhim faoliyat hisoblanadi ta'kidlash joziki yurtboshimizning saharakatlarining natijasi sezilarli darajada o'z natijalarini ko'rsatmoqda. Bunga misol qilib quyidagi imkoniyatlarga nazar tashlasak:

2020yil 1 yanvardan:

- yalpi tushumning umumiy hajmida tayyor tikuv-trikotaj mahsulotlarining eksporti 60 foizdan kam bo'lmagan eksport ulushiga ega bo'lgan korxonalar 2023 yil 1 yanvargacha mol-mulk solig'ini to'lashdan ozod etiladi; to'qimachilik, tikuv-trikotaj, charm-poyabzal va mo'ynachilik korxonalarining foyda solig'i bo'yicha soliqqa tortiladigan bazasi yetti yil davomida teng ulushlarda zamonaviy tozalash va kanalizatsiya inshootlarini qurish bo'yicha xarajatlar summasiga kamaytiriladi;- chorva mollarini so'yish bo'yicha zamonaviy avtomatlashtirilgan majmualarni ishga tushirayotgan tashkilotlar va terini qayta ishlovchi korxonalar 2023 yil 1 yanvargacha yer solig'i to'lashdan ozod etiladi; "O'zto'qimachilik sanoat" va "O'zcharmsanoat" uyushmalarining xorijiy konsultantlari O'zbekiston Respublikasidagi daromad manbalari bo'yicha jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'ini uning belgilangan stavkasidan 50 foiz miqdorida to'laydi. Yangi raqobatbardosh ishlab chiqarishlar va kichik korxonalarining rivojlantirilishini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash bo'yicha uzluksiz ravishda amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar doirasida 150 ta kichik sanoat zonasi tashkil qilingan bo'lib, ularning hududida har yili jami 1,7 trillion so'mdan ortiq qiymatdagi mahsulotlar ishlab chiqarish hajmiga ega bo'lgan 1 691 ta kichik korxonalar faoliyat yuritadi va 27 mingdan ziyod ish o'rinlari yaratildi. Ma'lumot o'rinda shuni aytish joizki, mazkur jamg'arma joriy yilning birinchi choragida 627 tadbirkorlik subyektiga mahsulot va xizmatlarni eksport qilishda tashkiliy, huquqiy va moliyaviy xizmatlar ko'rsatdi. Amalga oshirilgan ishlar natijasida umumiy qiymati 642 million dollarga teng eksport shartnomalari imzolandi. Ellikdan ortiq tadbirkorlik subyektiga Germaniya, Rossiya va Qozog'istonda bo'lib o'tgan xalqaro ko'rgazma va yarmarkalarda ishtirok etishda yordam ko'rsatildi. Bu tadbirlarda 117,8 million dollarlik eksport kelishuvlari imzolandi. 2019-yilning yanvar-noyabr oylarida respublika korxonalari tomonidan 297,8 trln. so'mlik sanoat mahsulotlari ishlab chiqarilgan bo'lib, o'tgan yilning tegishli (mos, yanvar-noyabr oylariga) davriga nisbatan sanoat ishlab chiqarishining fizik hajm indeksi* 106,4 % ni tashkil etdi

Sanoatning asosiy ko'rsatkichlari

	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020 yil yanvar-dekabr
Sanoat mahsuloti hajmi, mlrd. so'm	84011	97598	111869	148816	235340	322535	367078
Sanoat mahsuloti ishlab chiqarishning o'sish sur'ati, o'tgan yilga nisbatan foizda	108,3	107,9	106,2	108,0	116,6	105,0	100,7
shu jumladan:							
Qazib oluvchi sanoat	101,2	107,1	101,0	115,8	132,4	99,4	78,1
Qayta ishlovchi sanoat	109,4	108,1	106,4	108,3	115,6	106,6	107,1

2019-yil O'zbekiston Respublikasining sanoat ishlab chiqarishi 4 yanvar-noyabr Konchilik (yanvar-noyabr) Ishlab chiqaradigan sanoat 2019-yilning yanvar-noyabr oylarida ishlab chiqaradigan sanoat korxonalari tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulotlar hajmi 237,4 trln. so'mni yoki jami sanoat mahsulotlarining 79,7 % ini tashkil etdi. O'tgan yilning mos davri bilan solishtirganda ishlab chiqaradigan sanoat tarkibida yuqori texnologiyali tarmog'ining ulushi 1,5 % ni (2018-yil yanvar-noyabr oylariga nisbatan - 1,7 %), o'rta-yuqori texnologiyali - 25,7 % (27,0 %), o'rta-quyi texnologiyali - 37,6 % (32,8 %) va quyi texnologiyali - 35,2 %

(38,5 %) tashkil etdi. Respublika sanoat ishlab chiqarish hajmi tarkibida eng ko'p Toshkent shahri (respublika sanoat ishlab chiqarish hajmning 16,6 %), Toshkent viloyati (16,2 %), Navoiy (13,5 %), Andijon (10,5 %), Qashqadaryo (6,2 %) va Farg'ona (6,1 %) viloyatlari hissasiga to'g'ri kelmoqda.

Hududlar kesimida nooziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarilishi respublika jami hajmidagi eng yuqori ulushi Andijon viloyatiga to'g'ri kelib, 33,0 %, shuningdek, Toshkent shahri 20,3 % ni, Samarqand viloyati 8,1 % ni, Toshkent viloyati 7,0% ni hamda Xorazm viloyati 5,7% ni tashkil etdi. Shuningdek, nooziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarilishi o'sish sur'ati eng yuqori ko'rsatkich Andijon viloyati (135,8 %) hamda Xorazm viloyatida (133,6 %) qayd etildi, respublika o'sish sur'ati (115,2 %) dan yuqori o'sishga erishildi.

Xulosa va takliflar shundan iboratki Sanoatda neft va gazni rivojlantirish asosan neft zaxirasining ko'pligi va o'sha hududda zamonaviy texnologiyalarning rivojlanishi bilan bog'liq. Ushbu texnika va texnologiyalarni investitsiya orqali kirib kelishi o'sha hududda neftni ko'payishi va neftni qazib olishda yengilliklar kiritiladi. Yana bir masala kuzga tashlanadi qazib olingan neftdan samarali foydalanish. Bu eng muhim masala hisoblanadi ushbu masalani yechish uchun mamlakat ehtiyojini hisobga olgan holda. Eksport masalasini ham kurib chiqish lozm. Ushbu masalalar kurib chiqilgandan keyin zaxiradagi neft va gazni kengaytirish yo'llari izlanishi lozm. Albatta ushbu masalning negizida texnika va texnologiyalar yotadi.

Asosiy ishlab chiqarish fondlarining ishlash tartibi (rejim) bo'yicha belgilangan davrda ishlash vaqtidan imkon darajasida ko'proq foydalanilsa, ulardan foydalanish samaradorligi yuqori bo'ladi. Asosiy ishlab chiqarish fondlaridan samarali foydalanish ishlab chiqarilgan mahsulot tannarxini pasayishga olib keladi.

SHu bilan birga asosiy ishlab chiqarish fondlaridan samarali foydalanish amortizatsiya ajratmalarini oshirishga, faoliyatdagi mashina va uskunalar bilan qisqa muddat ichida yanada zamonaviy va yuqori unumdorlikka ega bo'lgan uskunalarni almashtirishni tezlashtirilishiga erishiladi.

sanoat korxonalarini rivojlantirishda horijiy investitsiyalarni jalb qilish holati bo'yicha quyidagi hulosalarga kelish mumkin:

1. O'zbekiston iqtisodiyotiga horijiy investitsiyalarni jalb qilish uchun zarur asosiy shart-sharoitlar mavjud va uni chet ellik investorlar uchun yanada takomillashtirish davom ettirilmoqda.

2. O'zbekistonda iqtisodiyotni tarkibiy qayta qurishni amalga oshirishda investitsiyalarni moliyalashtirishning barcha manbalaridan keng ko'lamda foydalanishga xarakat qilinmoqda.

3. Respublikaning iqtisodiy, tabiiy resurslar salohiyati va mavjud ishlab chiqarish va ijtimoiy hamda bozor infratuzilmasi shart-sharoitlari horijiy investitsiyalarni jalb etishda to'la hisobga olinishi kerak

*Бегмуллаев Отабек Ирисалиевич, мустақил изланувчи,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УЛАРНИ БОЗОР ШАРОИТЛАРИГА МОСЛАШТИРИШГА ЁНДАШУВ СИФАТИДА

Иқтисодиётнинг ҳозирги босқичда ривожланиши, хўжалик юритишнинг бир тизимидан бошқасига ўтиш муқаррарлиги ва зарурати корхоналар олдида янги шароитларга мослашиш муаммосини қўяди. Шу сабабли корхоналар олдида бундай шароитларда турган асосий муаммоларни кўриб чиқиш ва уларни ҳал қилиш учун корхона мақсадлари, мулкдорлар, турли тоифа ва гуруҳ ходимларининг манфаатларини мувофиқлаштириш, корхона тизимини қайта қуриш ва ривожлантириш мос келувчи усул ва моделлари яратиш йўли билан бозор муҳитида муносиб ўрин ва самарали фаолият юритишни таъминлайдиган мослашув механизмлари яратиш зарурдир. 2020 йил 29

декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек “Ҳозирги вақтда давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти молиявий барқарор бўлмагани учун давлатга оғир юк бўлиб қолмоқда. Шунинг учун жорий йилдан барча давлат корхоналарини ислоҳ қилиш дастури амалга оширилмоқда. Жумладан, келгуси йилда Навоий кон-металлургия комбинати, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзбекгидроэнерго”, “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятлари халқаро молия бозорига чиқиб, давлат кафолатисиз маблағ жалб қилиш имкониятига эга бўлади.”

Корхонани мослаштиришнинг якуний мақсади – мослашув ташкилий-иқтисодий тизимини амалга ошириш бўйича интеграцияланган саъй-ҳаракатларнинг объектив қонуниятларга асосланган якуни сифатида сотув бозорлари учун, истеъмолчи учун рақобат курашида ғолиб чиқишдир.

Молиявий оқимлар рақобатбардош маҳсулот яратишга олиб келадиган инвестиция лойиҳаларига йўналтирилади. Янгича бошқарув ва ҳисоб шакллари иқтисодий фаолият натижаларини яхшироқ баҳолаш ва уни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўришга имкон беради. Бу маънода ушбу корхоналар хўжалик юритишнинг янгича шароитларига яхшироқ мослашган деган хулосага келиш мумкин.

Шундай қилиб, хулоса чиқариш мумкинки, молиявий соғломлаштириш жараёнида ночор корхонани ривожлантириш стратегиясини танлаш асосий босқичлардан бири ҳисобланади. У ночор корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш якунлари бўйича олинган ахборотлар ва назарий фикрларга асосланади.

Стратегия корхона миссиясини амалга ошириш ва унинг мақсадларига эришишни таъминлаш учун мўлжалланган ҳар томонлама деталли, комплексли режани ифодалайди.

Молиявий соғломлаштириш стратегияси корхонани барқарорлаштириш ва ривожлантириш бўйича узоқ муддатли мақсадлар ва нисбатан узоқ муддатли чора-тадбирларни белгилаб беради.

Корхона стратегиясини шакллантиришда диққат-эътиборни қуйидаги бешта асосий жиҳатга қаратиш лозим.

1. Жорий стратегия самарадорлиги.

Дастлаб корхонанинг рақобатчилар орасидаги ўрнини, сўнгра рақобат чегаралари (бозор ҳажми) ва корхона йўналтирилган истеъмолчилар гуруҳларини, охирида эса ишлаб чиқариш, маркетинг, молия ва кадрлар соҳасидаги функционал стратегияларни аниқлаш зарур. ҳар бир таркибий қисмни баҳолаш инкирозни бошида кечираётган корхона стратегияси хақида тушунарлироқ тасаввур беради, бунда баҳолаш миқдорий кўрсаткичлар асосида амалга оширилади. Бу қаторга қуйидагилар киради: корхонанинг бозордаги улуши; бозор ҳажми; фойда ҳажми; кредит ҳажми; сотув ҳажми (бутун бозорга нисбатан камайиб ёки ўсиб боради).

2. Корхона учун кучли ва кучсиз томонлар, имкониятлар ва хавф-хатарлар.

Компаниянинг стратегик ҳолатини баҳолашнинг энг қулай ва синовдан ўтган усули бу – SWOT-таҳлилдир.

Кучли томонлар бу – корхона муваффақиятга эришган нарсалар. У иш тажрибаси, кўникмалар, ресурслар, ютуқлардан иборат бўлиши мумкин (энг яхши товар, мукамал технология, мижозларга яхшироқ хизмат кўрсатиш, товар маркасининг таниқлилиги).

Кучсиз томонлар бу – компания фаолиятида биронта муҳим нарсанинг йўқлиги, унинг бошқалар билан таққослаганда эриша олмаётган жиҳатлардир.

3. Корхона харажатлари ва нархлар рақобатбардошлиги.

Корхона харажатлари ва нархлари рақобатчилар харажатлари ва нархлари қандай нисбатда эканлиги маълум бўлиши лозим. Бу ҳолатда харажатлар стратегик таҳлили фойдаланилади.

Ҳар бир фаолият тури бўйича харажатларни аниқлаш жараёни зерикарли ва мураккаб саналади, бироқ у корхона харажатлари тузилмасини яхшироқ тушунишга

имкон беради. Бундан ташқари, асосий фаолият турлари бўйича корхона харажатлари ва унинг рақобатчилари харажатларини солиштирма баҳолашни ўтказиш зарур. Шундай қилиб, маълум бир фаолият турини бажаришнинг энг яхши амалиётини, харажатларни минималлаштиришнинг энг самарали усулини аниқлаш ва олинган таҳлил асосида харажатлар бўйича корхона рақобатбардошлигини оширишга киришиш мумкин.

4. Корхона рақобатли позицияси мустаҳкамлигини баҳолаш.

Корхона рақобатбардошлигини харажатлар бўйича баҳолаш зарур, лекин етарли эмас. Асосий рақобатчиларга нисбатан корхона позицияси мустаҳкамлиги (қанчалик кучли ёки кучсиз эканлиги) қуйидаги каби муҳим кўрсаткичлар бўйича баҳоланади: товар сифати; молиявий ҳолат; технологик имкониятлар; товар цикли давомийлиги.

Баҳолар рақобатчиларга нисбатан корхона ҳолатини кўрсатади, шу тариқа унинг рақобатчиларга нисбатан кучли в кучсиз томонларини аниқлаб беради.

5. Корхонада инқирозга сабабчи бўлган муаммоларни аниқлаш.

Ушбу босқичда инқироз пайтида корхона ҳолати бўйича барча натижаларни ўрганиш ва нималарга диққат-эътибор жамлаш лозимлигини аниқлаш зарур.

Корхонада инқирозга сабабчи бўлган муаммоларни аниқ ифодаламасдан, уларни англаб етмасдан туриб, инқирозга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқишга киришиш мумкин эмас. Ёки стратегияга кичик ўзгаришлар киритилади, ёки стратегия тўлиқ қайта кўриб чиқилади ва янги стратегия ишлаб чиқилади.

Ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёни корхонани инқироздан олиб чиқишнинг стратегик муқобил вариантларини режалаштириш ва усулларини ифодалаш ҳамда стратегия танлашни амалга ошириш билан яқунланади.

*Абдусатторов Эркинбой Абдужаббор ўғли,
PhD, таянч докторант,
Саидрасулова Муқаддамхон
Саидвалихон қизи, ўқитувчи, ЎзМУ*

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

Жаҳон хўжалиги бугунги кунга қадар қатор урушлар, инқирозлар, табиий офатлар, пандемияларни бошдан кечирган. Улар табиатан турлича бўлса-да, уларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ўхшаш. Жумладан, уларнинг барчаси дунё миқёсида ўлим даражасининг ортиши, ресурсларнинг йўқотилиши, ишлаб чиқариш кучларининг қисқариши, даврий ишсизлик, аҳоли даромадлари ёки харид қобилиятининг пасайиши, пировардида, иқтисодий тараққиётнинг секинлашувига олиб келган. COVID-19 пандемияси ҳам, ўз навбатида, глобал миқёсдаги иқтисодий пасайишга сабаб бўлди. Хусусан, Халқаро Валюта Фонди ҳисоб-китобларига кўра, 2020 йилда дунё иқтисодиёти 3,5 фоизга пасайганлиги қайд этилди.

Пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, айниқса, хизматлар бозорининг қисқариши, озиқ-овқат тақчиллиги, аёллар ва ёшлар орасида ишсизлик даражасининг ортиши, аҳоли харид қобилиятининг пасайиши ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида давлат харажатларининг ўсишида яққол намоён бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, пандемия маълум даражада илм-фан ва техника тараққиётининг жадаллашувига хизмат қилди. Аҳоли турмуш тарзи ва иқтисодиётдаги банд аҳоли меҳнат фаолиятини карантин шарт-шароитлари ва талабларига мувофиқлаштириш ва вирусга қарши кураш чора-тадбирларини амалга оширишда илм-фан ва техника ютуқларидан кенг миқёсда фойдаланилди. Глобал миқёсда юзага келган вазият иқтисодиётда илм-фан ва техника тараққиётининг, таълимнинг ўрни қай даражада аҳамиятли эканлигини яна бир бор исбот қилди.

Таълим тизимини ривожлантириш ҳар қандай жамиятнинг кун тартибидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Дунё иқтисодиёти билимлар асосига қайта қурилаётган, билим иқтисодиётдаги асосий таянч ресурс сифатида эътироф этилаётган шароитда мазкур масаланинг аҳамияти янада ошди. Эндиликда иқтисодиётни ундаги инновацион фаолият, инсон капитали ва интеллектуал капиталнинг сифати, ахборот технологиялари ва интеллектуал хизматларнинг иқтисодий жараёнлар, шу жумладан, бошқарувга қай даражада кириб борганлиги характерлаб бермоқда.

Ҳозирги пайтда таълимнинг жамиятдаги ўрнини кўрсатишда уни ижтимоий сиёсатдаги таянч элемент деб қаралмоқда. Шу нуқтаи назардан таълимни ривожлантириш ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналиши бўлиб майдонга чиқмоқда. Чунки, XXI аср иқтисодиётида бир томондан, илмий тадқиқотлар ва олий таълим ишлаб чиқариш кучларининг муҳим элементига айланиб бориши билан бирга жамиятдаги аҳоли фаровонлиги юксалиши, инсон капитали жамғарилишига тенг имкониятлар яратиш, ижтимоий тенгсизликни юмшатиш ва жамиятдаги ижтимоий тотувликни мустаҳкамлаш каби масалаларни ҳал этишнинг калитига айланиб қолди.

Таълим тизимини ривожлантириш мамлакатда ҳар жиҳатдан сифатли таълим хизматлари кўрсатилишига, рақобатбардош кадрлар етишиб чиқишига ва етук интеллектуал капиталнинг шакллантирилишига хизмат қилади. Бу борада тизимнинг ва таълим муассасаларининг самарали бошқарув остида бўлиши мақсадга олиб борувчи энг тўғри стратегиянинг танланиши, бу йўлдаги жараёнларнинг бевосита иштирок ва қатъий назорат остида амалга оширилиши ва, пировардида, натижавийликни таъминлайди. Шунингдек, самарали бошқарув тизимга сарфланган маблағларнинг оқилона тақсимланиши, мақсадли сарфланиши ҳамда келгусида ўзини оқлашининг асосий шартларидан биридир. Бу жиҳат, айниқса, таълим тизими асосан бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган жамиятларда ғоят муҳим. Бироқ шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бошқарувда самарадорлик тушунчаси ва уни баҳолаш масаласи мунозарали бўлиб, таълимда бошқарув асосан ижтимоий муносабатларда акс этгани сабабли кўпроқ микдор кўрсаткичларига эмас, сифат кўрсаткичларига таяниб таҳлил қилиш ва баҳолаш талаб этилади. Сифат кўрсаткичларини танлаб олишда эса бошқарув фаолиятининг функционал жиҳатлари ҳамда унга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш зарур. Шу ўринда, таълим муассасаларида бошқарувнинг самарадорлигига таъсир этувчи бир қатор омилларни келтириб ўтиш жоиз. Булар: қўйилган мақсадларнинг сифати; мақсадларни реал амалга ошириш имконияти, яъни, уларнинг қўйилган мақсадга эришиш воситалари билан мувофиқ келиши; жорий ҳолатни тўғри баҳолаш; муассаса раҳбари ва ходимларини қўйилган мақсадлар йўлида мотивациялаш; ўқув муассасаси раҳбарининг салоҳияти ва шахсий сифатлари; қўйилган мақсадларга эришиш учун ажратилган ресурсларнинг микдори ва сифати; бошқарув қарорларини қабул қилишда давлат ва жамият ҳамда коллегиял бошқарув органларининг иштироқи. Булар универсал омиллар бўлиб, исталган таълим муассасининг бошқарув самарадорлигига бир хилда таъсир қилади.

Айтиш жоизки, юқорида санаб ўтилган омилларнинг барчаси раҳбарнинг салоҳияти, профессионал ва шахсий сифатларига бевосита боғлиқ. Чунки у муассасадаги биринчи рақамли шахс бўлиб, бошқарув фаолияти самарадорлигига таъсир этиши мумкин бўлган масалаларнинг барчаси унинг ваколати доирасида ҳал қилинади. Зеро ташкилотнинг истиқболи учун тўғри стратегия танланиши, мақсадга эришиш воситалари ва имкониятларини олдиндан кўра билиш, бошқарув жараёнида мутлақ авторитарик усуллардан фойдаланмасдан (яъни фақат топшириқ ёки буйруқ бериш ва ҳисоб сўраш билан чекланмаслик), мазкур жараёнда бевосита иштирок этиш ва қўл остидагиларга намуна бўлиш, жамоанинг бор салоҳиятини намоён этишида уларни мунтазам қўллаб-қувватлаб туриш, қўйилган мақсадга эришиш учун зарур ресурслар ва шарт-шароитларни

таъминлаб бериш ҳамда қарор қабул қилиш жараёнига ўта масъулият билан ёндашиш бошқарувда юқори даражадаги самарадорликни таъминлаб беради.

Бундан кўриш мумкинки, таълимда бошқарувнинг юқори даражада самарадорлигини таъминлашда раҳбарнинг шахсий ва профессионал хусусиятлари, фаолияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мазкур масалага республикада таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларда ҳам алоҳида тўхталинади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8-октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847 сонли Фармонида кўра, концепсияда белгиланган вазифалар доирасида белгиланган давр мобайнида республикада олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган: олий таълим муассасаларида ишга қабул қилиш ва юқори лавозимларга тайинлашда олий таълим тизими ривожини учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшувчи кадрларни танлаш, уларнинг фаолияти, профессионал хусусиятлари, соҳа олдидаги алоҳида хизматларини адолатли ва ҳолисона баҳолашни назарда тутувчи меритократия тамойилларини қўллаш, раҳбарлик лавозимларига тайинлашда гендер тенглиги тамойилларига қатъий риоя қилиш; олий таълим муассасалари раҳбарлик лавозимларига захира кадрларни шакллантириш, мақсадли ўқитиш ва тайёрлаш самарадорлигини ошириш; олий таълим муассасалари раҳбар ходимларини ротация қилиш механизминини жорий қилиш.

Юқоридаги биринчи пунктга назар ташласак, унга кўра, таълим муассасаларига раҳбар кадрларни танлаб олишнинг асосий мезонлари сифатида номзоднинг истиқболлилиги, профессионаллиги (яъни шу соҳа мутахассиси эканлиги), бой тажрибаси, баҳолашда ҳолис ёндашув ҳамда гендер тенглиги тамойиллари санаб ўтилади. Шу билан биргаликда, олий таълим муассасалари раҳбарлик лавозимларига захира кадрларни шакллантириш бугунги куннинг актуал масаласи бўлиб, бу, ўз навбатида, таълим бошқарувида нисбатан ёш ва етуқ кадрларни жалб қилиш, шу орқали илм-фандаги инновация ва АКТнинг бошқарувга жадалроқ кириб боришига замин яратиш имконини беради. Бошқарув фаолиятини ташкил этишдаги бу турдаги модернизация жараёнлари самарадорликнинг юқори бўлишини кафолатлайди. Тадқиқотларга кўра, олий таълим муассасасининг раҳбар ва педагог кадрлари томонидан таҳлилий-ижодий фикрлаш, муаммо ечимига қаратилган оптимал қарорлар қабул қилиш, вақт менежменти, ахборотларни интерпретациялаш ва соҳага йўналтириш, лойиҳаларни бошқариш, тармоқлараро коммуникация, тадбиркорлик, мослашувчанлик каби компетенцияларга устуворлик берилганлиги, шу билан бирга, уларнинг аксарияти (57,4%) иш стажидан қатъий назар, ўз касбий билим ва кўникмаларини инновацион талабларга мувофиқ доимий янгилаб боришга эҳтиёж сезиши аниқланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, иқтисодий тушкунлик ёки турғунликдан қутқариш ва қайта тараққиёт йўлига олиб чиқиш, иқтисодий барқарорликка эришишда замонавий билимларга таянилади. Замонавий билимларни пухта ўзлаштирган етуқ рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлашда энг катта масъулият таълим муассасалари зиммасига юклатилади. Бундан кўриниб турибдики, таълим тизимида таълимнинг жамият тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашдаги аҳамиятини тўлақонли англайдиган, таълим мақсадларига эришишда чуқур мулоҳаза ва масъулият билан ҳаракат қиладиган, танланган стратегияга ўз жамоасини эргаштира оладиган ва, албатта фаолиятида инновацион методларни кенг қўллаш билан муносиб номзодларни раҳбарлик лавозимларига ҳолислик билан танлаб олиш ва уларнинг самарали фаолият юритишига ҳар томонлама шарт-шароит яратиш бериш тизимнинг тараққиётига қўйилган илк қадам бўла олади. Ҳар қандай соҳада бўлгани каби бошқарувда ҳам тўғри тактика ва технологияни қўллаш билан самарадорликнинг асосий шarti ҳисобланади. Энг асосийси,

таълим тизимида раҳбар кадрлар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичларининг яхлит тизимини (КПИ) ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этиш соҳада фаолият юритувчи раҳбар кадрлар фаолиятини қиёслаш орқали уларнинг самарадорлик даражасига холис ва шаффофлик асосида баҳо бериш имконини беради.

*Xaydarova E'zoza Shukrullayevna, tayanch doktorant,
Avganova Ozoda, talaba, TAQI*

QURILISHDA INSON RESURLARINI RIVOJLANTIRISHNI BOSHQARISH

"Inson resurslari" tushunchasi XX asrning oxirilarida paydo bo'la boshlagan. Bu davrda yirik korxonalar kadrlarga ehtiyoj sezila boshlashgan. Xodimlarni rejalashtirish va ulardan samarali foydalanish usullarini izlashga o'rgatish kuchayadi. Har bir xodimning malakasini oshirish uchun katta mablag'lar ajratila boshlandi. Ishchi kuchi tarkibi va unga qo'yiladigan talablar ortib bormoqda. Ishchilarda yuqori moslashuvchanlik, turli xil imtiyozlarga moyillik, kasbiy mahorat va kompyuterlashtirilgan ishlab chiqarishda ishtirok etish istagi mavjud edi. Ilmiy-texnik taraqqiyotning tezlashishi ham amalga oshirilgan iqtisodiyotning burilish nuqtasidir. Inson texnologik jarayonlarning boshqaruvchisi va regulyatoriga aylandi. Yangi bilimlarni egallash, kasbiy rivojlanish, mustaqil fikrlash, ijodiy faollik va tashabbus talab etila boshlandi. Inson resurslari odamlardir. Ular faqat moddiy boyliklarni yaratadilar, shuningdek barakalarni ham iste'mol qiladilar. Odamlar o'zlarining materiallariga ega va ma'naviy ehtiyojlar jihatidan bir xil emas. Bunga ularning jinsi, yoshi, sog'lig'i, oilaviy ahvoli, ma'lumot darajasi va boshqa ijtimoiy, psixofiziologik fazilatlar kiradi, shuning uchun biri boshqasiga o'xshamaydi. Qurilish - bu infratuzilmani qurish yoki yig'ishdan iborat bo'lgan jarayon. Katta hajmdagi qurilish ko'p vazifalarni bajarish qobiliyatidir. Odatda ish loyiha menejeri tomonidan boshqariladi va qurilish menejeri, dizayn muhandisi, qurilish muhandisi yoki loyiha arxitektori tomonidan boshqariladi. Har qanday barqaror rivojlanish loyihasini muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun rejalashtirish va boshqarish bilan bog'liq ko'p jihatlarni hisobga olish kerak. inson resurslari, xavfsizlik va sog'liq, qurilishning kechikishi, arxitektura va muhandislik dizaynlari, materiallar mavjudligi va sifati sifatida; mijozlar ehtiyojlari va moliyaviy yoki iqtisodiy cheklovlar. Ushbu tadqiqotda hal qiluvchi jihatlardan biri inson resurslarini boshqarishdir. "Inson resurslari menejmenti" va "Inson resurslari" atamaları asosan "xodimlarni boshqarish" atamasini tashkilotlarda odamlarni boshqarish bilan bog'liq jarayonlarning tavsifi sifatida almashtirdi. Oddiy so'zlar bilan aytganda, Inson resurslarini boshqarish odamlarni ish bilan ta'minlash, ularning imkoniyatlarini rivojlantirish, o'z xizmatlaridan foydalanish, ularga xizmat ko'rsatish va ish va tashkiliy talablarga muvofiq ravishda kompensatsiya qilishni anglatadi. Ushbu tadqiqot barqaror rivojlanish loyihasini qurishda Inson Resurslarini boshqarishni qurilish loyihasi muvaffaqiyatining asosiy omili sifatida ta'kidlaydi va muhokama qiladi. Bundan tashqari, u Inson resurslariga ta'sir qiluvchi omillarni tahlil qiladi va uni takomillashtirish va takomillashtirish usullari yoki usullarini kashf etadi. Qurilish butun dunyoda Evropa, Avstraliya va hattoki Osiyo kabi ko'plab mamlakatlarda Inson resurslarini boshqarish bo'yicha o'rganilgan. Barqaror rivojlanish loyihasini qurishda inson resurslariga oid ko'plab jurnallar, tezislar, amaliy tadqiqotlar va kitoblar ishlab chiqarilgan. Mualliflarning tahlillari ularning tajribalari va tadqiqotlariga qarab farq qiladi, ammo barchasi bitta asosiy maqsad uchun amalga oshirildi, bu barqaror rivojlanish loyihasini qurishda inson resurslarini boshqarishning ta'siri. Oldingi tadqiqotlar Inson resurslarini boshqarishning samaradorligini va takomillashtirish texnikasini haqiqatan ham isbotlay olmadi. Inson resurslarini boshqarish - bu amaliyotchilar va tadqiqotchilar tomonidan har xil talqin qilinadigan murakkab va tushunarsiz mavjudotga ega bo'lgan tashkiliy faoliyat va kasbiy amaliyot sohasi. Bundan tashqari, inson resurslari tashkilotning barcha darajalarida ta'lim qobiliyatini rivojlantirish, uning biznes strategiyasida ta'lim madaniyatini targ'ib qilish va tashkilotning yuqori sifatli ko'rsatkichlarga erishish

harakatlarini kuchaytirish uchun ishlaydi. " Inson resurslarini boshqarish - o'quv intizomi sifatida bilim va tajribani rivojlantirish va ish faoliyatini yaxshilashni o'z ichiga oladi . Kuchli Inson Resurklarini boshqarish tizimi, shuningdek, XXI asr qurilish kompaniyalarining eng qimmatli boyligi hisoblanadi, chunki korxonaning samaradorligi uning strategiyasi bilan chambarchas bog'liq . Texnologiyalar, ishchilar ehtiyojlari, mavjud bozor va raqobat muhitining tez o'zgarishi bilan inson resurslarini rejalashtirish rivojlanish uchun muhim va qiyin vazifaga aylandi. Inson resurslarini rejalashtirish xodimlarning kelajakdagi ehtiyojlari, ularning talab qilinadigan ko'nikmalari, xodimlarni egallashi va xodimlarni rivojlantirish rejalarini o'z ichiga oladi.

Qurilish - bu boshqa tarmoqlarga nisbatan ishchi kuchidan keng miqyosda foydalanadigan sanoat. Barqaror rivojlanish loyihasini qurish mijozlar, ma'murlar, menejerlar, dizaynerlar, pudratchilar, maslahatchilar, nazoratchilar, ustalar, malakali va malakasiz ishchilardan boshlab turli xil odamlarni o'z ichiga oladi. Bu odamlar barchasi ma'lumot, tajriba va qarashlar jihatidan farq qiladi. Garchi qurilish texnologiyasi pastligi va odamlarga ishonganligi sababli inson resurslaridan ko'p foydalanadigan soha sifatida qaralsa ham, uning kadrlar bilan ishlash masalalariga e'tibor hali ham etarli emas va etarli emas.

Turli xil qurilish loyihalari bo'yicha olib borilgan tadqiqotlar natijalariga ko'ra, butun dunyo bo'ylab bu kadrlar masalalari va qurilishda kadrlar va mehnat bilan bog'liq muammolar loyiha muvaffaqiyati va bajarilishiga katta ta'sir ko'rsatganligini ko'rsatadi. Ushbu loyiha barqaror rivojlanish loyihalarini qurishda Inson resurslarini boshqarishni tahlil qiladi, qurilish sohasidagi odamlarni boshqarish strategik va operatsion jihatlarini o'rganadi. Ushbu tadqiqotda ikkita maqsad mavjud. Birinchidan, Inson resurslarini boshqarishni barqaror rivojlanish loyihasini qurish muvaffaqiyatining muhim jihatlaridan biri sifatida aniqlash. Shuningdek, u barqaror rivojlanish loyihasini qurishda kadrlar bilan bog'liq muammolarni aniqlashning ikkinchi vazifasini hal qiladi va uni takomillashtirish usullarini topadi. Ushbu tadqiqot adabiyotlarni o'rganish orqali amalga oshirildi. So'ngra anketalar va intervyular yordamida ma'lumotlar yig'ildi. Inson resurslarini boshqarish yondashuvlari bo'yicha kuzatuv va monitoring pudratchilar o'rtasida o'tkazildi. Uchinchi, so'rovnoma anketa so'rovnomasini aniqlash va samaradorligini ta'minlash uchun o'tkazildi. Respondentlarning aksariyati loyiha menejerlari o'zlarining bo'ysunuvchilariga Inson resurklarini boshqarishni amalga oshirishda o'zlarining rollarini o'ynashlari kerak degan fikrga kelishdilar. Inson resurslarini amalga oshirish bo'yicha loyiha etarli emasligi o'rtacha eng past ko'rsatkichga ega bo'ldi. Qurilish maydonida buyurtma berish vakolatiga ega bo'lgan shaxs Inson resurslarini boshqarish rejasini muhandislar, maslahatchilar, nazoratchilar, ustalar va hatto ishchilarga bajara oladi. Aloqa etishmasligi ikkinchi o'rinda turadi; so'rov natijalariga ko'ra. Ushbu muammo qurilish loyihasida juda muhim edi, masalan, agar xodimlar va ishchilar o'rtasidagi aloqa yaxshi yo'lga qo'yilmagan bo'lsa, yuqori menejmentdan bo'ysunuvchilarga ma'lumot oqimiga bemalol erishib bo'lmas edi. Uchinchi reyting barqaror rivojlanish loyihasini qurishda jamoaviy ishlarning etarli emasligi edi. Jamoa ishining etishmasligi xodimlar o'rtasida kelishmovchiliklarni keltirib chiqarishi va bundan ham yomon, loyiha ishlashiga ta'sir qilishi mumkin. Respondentlar Inson resurklarini boshqarishni amalga oshirish uchun loyiha etarlicha davom etmasligi muammosini eng past deb topdilar. Ushbu muammo ahamiyatsiz bo'lishi mumkin, chunki Inson resurslarini boshqarishni qisqa muddat o'rniga faqat uzoq vaqt davomida bajarish mumkin. Ko'pgina respondentlar xodimlar va ishchilar o'rtasidagi tez-tez aloqa inson resurklarini boshqarishni yaxshilaydi va shu bilan loyiha ish faoliyatini yaxshilaydi degan fikrga kelishdi. Menejerlar, muhandislar, maslahatchilar, pudratchilar, rahbarlar, brigadirlar va ishchilar o'rtasida yaxshi aloqalar mavjud bo'lganda, qurilish maydonchasidagi taraqqiyot va muammolar bilan bog'liq har qanday masala samarali va tizimli ravishda hal qilinishi mumkin. Ikkinchi daraja tajribali yoki yaxshi o'qitilgan loyiha menejerini tayinlash edi. Shunday qilib, ma'lum bir loyiha menejeri o'zining qurilish guruhini yanada samarali tashkil qilishi va boshqarishi mumkin. Malakali ishchilarni tayinlash

loyihalarda ham muhim deb hisoblangan. Ko'plab malakali ishchilar tayinlangan taqdirda, joylardagi ishlar albatta yaxshilanishi mumkin edi. Bu, albatta, loyihalarning umumiy ish faoliyatini yaxshilaydi. Eng past darajaga kelsak, xodimlar va ishchilarga yaxshi ko'rsatkichlar bilan mukofotlash barqaror rivojlanish loyihasini qurish bilan shug'ullanadigan odamlar uchun unchalik samarasiz bo'lib tuyuladi. Inson resurslari - bu tashkilot yoki korxonada uchun mahsulot yoki xizmatlar ishlab chiqaradigan ish joylarida ishlaydigan odamlar. Inson resurslarining o'ziga xos funktsiyalari: kadrlar bo'yicha rollarning uzoq muddatli sarlavhalaridan foydalangan holda menejer, generalist va yordamchi ishda nima qilishni o'rganing. HR-dagi to'rtta asosiy rol uchun aniq ish tavsiflari: HR menejeri, kadrlar bo'yicha director, kadrlar bo'yicha bosh mutaxassis, HR bo'yicha mutaxassis kadrlar sohasida malakali mutaxassislik sifatida qaraladigan vazifalar va majburiyatlarni tushunadi.

Amalga oshirilgan tadqiqotlar asosida xulosa qilish mumkinki, barqaror rivojlanish loyihasini qurishda Inson resurslari boshqaruvi samaradorligi uchun vaqti-vaqti bilan yanada takomillashtirilishi kerak. Shuningdek, so'rovda muhokama qilingan Inson resurslarini boshqaruvini takomillashtirish usullarini pudrat tashkilotlari tomonidan amaliyotga tatbiq etilishi mumkin. So'rov bo'yicha fikr-mulohazalar pudratchilarning o'zlaridan kelib chiqqanligi sababli, nafaqat pudratchilarni, balki maslahatchilar, mijozlar va hatto mamlakatni yaxshilash uchun barqaror rivojlanish loyihasini qurishda Inson resurslarini boshqarishni takomillashtirish usullari samarali ekanligiga qat'iy yoqqol aks etib turibdi.

*Бондарева Лидия Олеговна, магистр,
ТашГУТУ имени Ислама Каримова*

ВОЗДЕЙСТВИЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ НА МИРОВУЮ ЭКОНОМИКУ

Мировая глобализация представляет собой процесс объединения мира в единую систему глобального свойства. Различные составляющие процесса глобализации мирового хозяйства обсуждаются достаточно серьезно, начиная с 60-70-х годов прошлого века, однако текущего уровня актуальности вопрос достиг только в 90-х.

Глобализация мировой экономики выражается в процессе изменения мирового пространства, преобразовании его в единую зону, открытия для беспрепятственного перемещения товаров, услуг, информации, капитала. Также легко в этом пространстве распространяются идеи и перемещаются носители, способствуя развитию актуальных институциональных образований и настраивая системы взаимодействия между ними.

Следствием глобализации мировых систем является появление на международном уровне единого пространства: культурного, информационного, правового и экономического. Другими словами, явление мировой глобализации не ограничивается сферой экономики, но в значительной степени воздействует на все ключевые сферы жизни общества – идеологию, культуру и политику. Без сомнения, именно этому явлению отпущена центральная роль в мировой экономике нового века, заключающаяся в катализации образования обновлённой мировой системы отношений в политике и экономике, адаптированной к глобализации.

В соответствии со статистическими данными Всемирного банка, в мире на сегодня насчитывается свыше 200 различных территорий и стран. В связи с этим назрело острое противоречие, в частности, в сфере экономики, между национальным суверенитетом многих стран и глобализацией, как мировой тенденцией. В условиях глобализации мировой экономики существенно снизилась эффективность применения традиционных инструментов макро-регулирующей экономики на национальном уровне, например, экспортных субсидий и импортных барьеров, ставок рефинансирования ЦБ и курса национальной валюты.

XXI век несет в себе как развитие экономики, так и различные проблемы и противоречия, связанные с глобализацией. Наиболее негативные результаты от процесса

глобализации ощущают на себе менее развитые страны.

Одной из проблем является неравномерность распределения преимуществ от глобализации, наблюдаемой не только по отдельным странам, но и в разрезе отдельных отраслей. Другой проблемой выступает потенциальный рост безработицы, в связи с переводом компаниями стран с высокой стоимостью рабочей силы, части своих производственных мощностей в страны с низкой оплатой труда. Можно также отнести и рост актуальности вопросов охраны природы, в чём виновато в значительной степени быстрое развитие производства. В современных условиях, когда активно разрушается окружающая человека среда, акцент перемещается с проблемы защиты человека от природных явлений, стихии к защите самой природы от эксплуатации человеком и его техногенного вмешательства. Также и современные системы вооружения достигли уровня совершенства технологии достаточного для уничтожения всех жителей земли.

Таким образом, как никогда ранее, сейчас необходима координация совместных усилий всех стран, как в области осуществления экологической, природоохранной деятельности, так и в области миротворчества. Очевидны перемены и экономического характера:

1.Основной акцент в международных экономических отношениях сместился от преимущественно торговых отношений к финансово-промышленным и инвестиционным процессам с формированием достаточно самостоятельной сферы – международной финансовой экономики.

2.В центре процесса глобализации находятся и являются его основной движущей силой транснациональные компании и транснациональные банки, а также межгосударственные интеграционные объединения на региональном, субрегиональном и межрегиональных уровнях.

3.Практически сформировалась глобальная хозяйственная инфраструктура в виде высокоразвитой международной транспортной системы, системы телекоммуникаций на базе информационно-технического обеспечения (спутниковые системы связи, Интернет, электроника, кибернетика и др.).

4.Произошел сдвиг системы регулирования мировой хозяйственной деятельности в пользу наднационально функционирующих международных экономических и финансовых институтов.

5.Наметились дисбалансы в развитии рыночных отношений: темпы роста международного товарооборота превышают темпы роста мирового производства; темпы роста международных капиталопотоков превышают аналогичные показатели по товарообороту; внутрифирменные продажи транснациональных компаний превышают международный товарооборот.

Конечно, отмеченные проявления глобализации в масштабах мировой экономики имеют свои положительные моменты. В частности, облегчается хозяйственное взаимодействие на всех уровнях, происходит стимулирование экономического роста, ускоряются и увеличиваются масштабы обмена достижениями научно-технического прогресса в экономической и интеллектуальной сферах, что способствует, несомненно, мировому общественному прогрессу.

В рамках современного международного разделения труда дальнейшее развитие процесса глобализации грозит заморозить положение отсталых государств в статусе, в лучшем случае поставщиков сырья и дешевой рабочей силы для верхних этажей мировой экономики.

Все это справедливо лишь для слабых национальных экономик и неконкурентоспособных хозяйствующих субъектов. Однако наиболее развитые субъекты экономической деятельности усматривают в вышеперечисленных процессах дополнительные возможности для извлечения выгоды, придерживаясь того принципа,

что возникающие конфликты надо умело использовать, а при необходимости и создавать, выделяя в них отношения «соперничества» и «сотрудничества».

Таким образом, глобализация мировой экономики становится по-настоящему реальной при условии, что все страны либерализуют свой внешнеэкономический режим, это соответствует концепции свободы торговли, как начального этапа либерализации внешнеэкономической деятельности. И правительство, принимая решение соответствовать объективному процессу глобализации мировой экономики, должно четко определять приоритеты национальных интересов и, в соответствии, с ними строить концепцию взаимоотношений с мировым сообществом, учитывая, что по большому счету идет жесткая борьба за контроль и власть над всеми видами ресурсов в мировом масштабе.

Таким образом, понятие глобализации противоречиво и неоднозначно, так же как и отношение к самой глобализации. Это можно объяснить разнонаправленностью процессов, составляющих основу мировой экономики.

Асатиллаев Тохирхўжа Баходирхўжа ўгли, магистрант, ЎЗМУ
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА “ЯШИЛ МОЛИЯЛАШТИРИШ”
ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Глобал миқёсда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёни узок муддатли давр ва катта миқдордаги инвестициялар талаб этиши, асосий эътибор тикланадиган энергия манбаларидан самарали фойдаланиш, энергияни тежайдиган технологияларни ривожлантиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Халқаро энергетика агентлиги прогнозларига кўра, 2050 йилгача атмосферага чиқариб юбориладиган СО₂ эмиссиясини икки бараварга камайтириш учун “яшил иқтисодиёт”га дунё япти ички маҳсулотининг 1-2,5%и миқдорида қўшимча инвестициялар сарфлаш зарур.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтишдаги долзарб масалалардан бири ушбу жараёни молиялаштириш ҳисобланади. “Яшил молия”лар (“green finance”) дейилганда экологик тоза, энергия самарадорлиги юқори ва паст углеродли лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган инвестициялар ва бошқа молиявий дастаклар йиғиндиси тушунилади. Аксарият ҳолатларда экологик масъулиятли инвестициялаш (“environmentally responsible investment”) ва иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ инвестициялаш (“climate change investment”) каби тушунчалар “яшил молия” тушунчасининг синоними сифатида фойдаланилади. АҚШ иқтисодчиси Карл Буркарт “яшил иқтисодиётни” тармоқ нуқтаи назаридан таҳлил қилади ва уни қуйидаги тармоқларга бўлади:¹⁶⁶ тикланадиган энергия манбалари; “яшил” бинолар; экологик тоза транспорт; сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш; хўжалик ва ишлаб чиқариш чиқиндилари утилизацияси; ер ҳолатини яхшилаш.

Карл Буркарт фикрича, “яшил иқтисодиёт” тармоғларини молиялаштириш усуллари ва манбалари бир-биридан фарқланади. “Яшил иқтисодиёт” соҳасида турли тадқиқотлар олиб борувчи Bloomberg New Energy Finance компанияси мутахассислари “яшил молия”ларни “яшил инвестициялар” билан бир хил мазмунга эга тушунча сифатида қўлланилган ҳолда. амалиётда “яшил молиялаштириш” инвестицияларга нисбатан кенгрок тушунча сифатида ишлатилади, деб ҳисоблашади¹⁶⁷. Pricewaterhouse Coopers Consultants консалтинг компанияси мутахассисларининг фикрича, банк соҳаси учун “яшил молиялаштириш” экологик омилларни ҳисобга олувчи молиявий маҳсулот ҳисобланади ва

¹⁶⁶ Burkart, K. How do you define the 'green' economy? <http://www.mnn.com/green-tech/research-innovations/blogs/how-do-you-define-the-green-economy>

¹⁶⁷ Zadek and Flynn (2013): South-Originating Green Finance: Exploring the Potential, The Geneva International Finance Dialogues, UNEP FI, SDC, and iisd.

ушбу тамойилга кредит бериш жараёнидан бошлаб то кредит ёпилиш мобайнидаги барча жараёнларда амал қилинади¹⁶⁸.

Халқаро молия корпорацияси экспертлари эса “яшил молиялаштириш – барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган молиявий кўйилмалар, лойиҳалар ва инвестицияларни ифодаловчи кенг тушунча бўлиб, экологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали барқарор иқтисодий ривожланиш даражасини янада оширишни назарда тутуди”, деб ҳисоблашади. Уларнинг ёндошувига кўра “яшил молиялаштириш” атроф-муҳитга sanoat чиқиндиларини чиқариш ҳажмини қисқартириш, сув ресурслари ифлосланишининг олдини олиш ва биохилма-хилликни сақлаб қолишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш билан биргаликда иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш жараёнларига сарфланаётган инвестицияларни ўз ичига олади¹⁶⁹.

Иқтисодий адабиётдаги таърифларни умумлаштирган ҳолда, уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин: биринчи гуруҳга хос умумий жиҳат шундаки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ технологик жараёнлар, лойиҳалар ва дастурларни молиялаштиришнинг кенг қамровли усуллари “яшил” молия сифатида талқин этилади, иккинчи гуруҳ таърифларда эса “яшил молия” экологик таркибий элементга эга бўлган молиявий маҳсулотлар (дастаклар) ва хизматлар (кредитлар, облигациялар, акциялар ва бошқалар) сифатида тушунтирилади¹⁷⁰.

Шундай қилиб. “яшил молиялаштириш” атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи барча омилларни ҳисобга олувчи ва экологик барқарорликни таъминлашни назарда тутувчи инвестициялаш ва кредитлашнинг барча шаклларини қамраб олади.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, “яшил иқтисодиёт”ни молиялаштиришга бўлган эҳтиёжни қондириш имкониятлари мавжуд. Барча “яшил лойиҳалар” жиддий молиялаштиришни талаб этади. “Яшил лойиҳалар”ни анъанавий усуллар ёрдамида молиялаштиришда риск даражаси юқорилиги сабабли улар инвестиция нуқтаи назаридан жозибадор ҳисобланмайди. Молия, банк ва суғурта инвестициялари “яшил иқтисодиёт”га сарфланаётган хусусий инвестицияларнинг муҳим йўналишига айланмоқда.

“Яшил молиялаштириш” иқтисодий ўсиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва молия институтларини ўзаро боғловчи элемент сифатида “яшил иқтисодиёт” концепциясининг марказида туради. Бу борада “яшил молиялаштириш” “яшил иқтисодиёт”га ўтиш имконини берувчи реал молиявий дастакдир¹⁷¹.

“Яшил молиялаштириш” манбаларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: давлат бюджети маблағлари; халқаро молия ташкилотлари маблағлари; хусусий сектор маблағлари (ички ва ташқи).

Молиянинг турли йўналишлари “яшил молиялаштириш” тушунчаси таркибига киради ва уларни қуйидаги уч гуруҳга бирлаштириш мумкин: “Яшил лойиҳалар” учун ажратилган давлат инвестицияларининг аксарият қисми инфратузилма ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ. Инфратузилма лойиҳаларининг аксарият қисми энергия тежаш ва тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилмоқда. Жумладан, жаҳонда 2018 йилда энергия тежаш ва тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштиришга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 55%га кўпайди.¹⁷²

¹⁶⁸ Pricewaterhouse Coopers Consultants (PWC) (2013): Exploring Green Finance Incentives in China, PWC.

¹⁶⁹ IFC (2013): Mobilizing Public and Private Funds for Inclusive Green Growth Investment in Developing Countries - An Expanded Stocktaking Report Prepared for the G20 Development Working Group, IFC Climate Business Department; and Spratt and Griffith-Jones (2013): Mobilising Investment for Inclusive Green Growth in Low-Income Countries, GIZ.

¹⁷⁰ Low Carbon Green Growth Roadmap for Asia and the Pacific <http://www.unescap.org/resources/low-carbon-green-growth-roadmap-asia-and-pacific>.

¹⁷¹ Jin Noh Hee, Financial Strategy to Accelerate Innovation for Green Growth (2010).

¹⁷² World Energy Investment 2019 <https://www.iea.org/wei2019>

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда “яшил” ёндашувга эга бўлган айрим корхона ва тармоқлар анъанавий технологияга эга бўлган рақиблари олдида рақобатбардош бўлиши учун давлат кўмаги лозим бўлади. Ушбу мақсадда ҳукумат “яшил инвестициялар” билан шуғулланувчи корхоналар ёки инвесторларга солиқ имтиёзлари ва маъмурий преференциялар кўринишида билвосита молиявий кўмак бериши мумкин.

Молия бозорлари “яшил молиялаштириш”нинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Кўпчилик институционал инвесторлар ўз инвестицион декларациясида сармоялашда ижтимоий масъуллик ва атроф-муҳит муҳофазаси тамойилларига асосланишини кўрсатиб ўтишган. Инвесторлар томонидан “яшил лойиҳа”ни ишлаб чиқишда юқорида қайд этилган тамойилларга риоя этилиши амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳанинг ҳукумат олдидаги жозибадорлигини оширади. Таҳлиллар кўрсатишича, экология ва атроф-муҳит муаммоларига масъулиятли ёндашувни назарда тутувчи лойиҳаларда ижрочиларнинг атроф-муҳит борасидаги мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлади.

“Яшил молиялаштириш” билан боғлиқ юқори рисклар, етарли даражада даромадлиликка эга бўлмаслик хусусий инвесторларнинг экологик лойиҳаларга инвестиция сарфлашларига тўсқинлик қилиши мумкин. Улар таркибига куйидагиларни киритиш мумкин: улгеродлар нархининг шаклланиши – “яшил инвестициялар” миқдорини ҳисоблашда харажатлар қийматини аниқ ҳисоблаш зарур; ёқилғи қазиб чиқариш учун ажратилаётган субсидияларнинг мавжудлиги; “яшил лойиҳалар”ни амалга оширишда бирламчи харажатларнинг юқорилиги ва “яшил инвестициялар”ни қоплаш муддатининг узоклиги; технологик рискларнинг мавжудлиги; трнзакцион харажатларнинг юқорилиги; соф энергия манбаларининг амалдаги энергия тизимига интеграциялашуви билан боғлиқ харажатларнинг юқорилиги; ахборотларнинг етишмаслиги ва бошқа рисклар. Шунинг учун давлат бу йўналишда хусусий инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратиши лозим. Давлат томонидан “яшил иқтисодиёт”ни қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи сиёсий, молиявий ва солиқ дастакларини қўллаш самарали ҳисобланади.

*Юсупходжаева.Гулчехра Бахадырходжаевна, PhD,
Зулпанов Зафар Сафарбой угли, магистр,
ТашГТУ имени Ислама Каримова*

ВОЗДЕЙСТВИЕ АВТОМОБИЛЬНОГО ТРАНСПОРТА НА ЭКОЛОГИЮ

Влияние транспорта на окружающую среду – одна из самых актуальных проблем современности. Для её решения необходимо вникнуть в суть воздействия и разработать мероприятия, направленные на устранение негативных последствий. Существует несколько видов транспорта, каждый из которых по-своему негативно влияет на окружающую среду. Наиболее вредным для нее является автомобильный транспорт. Автомобилизация с каждым годом стремительно увеличивается. Транспортное средство (ТС) есть практически в каждой семье. В связи с этим современное общество не обходится без транспорта. Это несет в себе негативные последствия для окружающей среды, а именно, большое количество выделяющихся выхлопных газов. Автобусы ТС и другие виды транспорта приводят к различным проблемам, таким как загрязнению атмосферы, парниковому эффекту, ухудшению здоровья людей и животных, электромагнитному загрязнению.

Активное использование автомобилей не только ухудшает экологию и загрязняет окружающую среду, но и приводит к многочисленным проблемам заболеваниям. Особенно сильно это отражается на дыхательной системе человека. Нарушение дыхания приводит к дефициту кислорода во всех тканях человеческого организма. Кроме того, опасные соединения выхлопных газов разносятся с кровью по всему организму человека и

оседают в различных органах, что приводит к хроническим или онкологическим заболеваниям.

Объем выбросов загрязняющих веществ от автотранспорта в Ташкенте составляет 395 тысяч тонн в год. На них приходится 90% выбросов в атмосферу. Объем выбросов загрязняющих веществ в атмосферный воздух в Ташкенте за прошлый год составил 426 тысяч тонн. При этом на долю автотранспорта пришлось 395 тысяч тонн, или более 90% выбросов, сообщили в Ташкентском городском управлении по экологии и охране окружающей среды.

Во исполнении Инвестиционной программы НГМК для упрочнения и расширения своего вклада в развитии национальной экономики Республики Узбекистан НГМК на основании глубокого критического анализа пройденного пути, накопленного опыта, понимания всю глубину и полноту ждущих своего решения назревших проблем НГМК разрабатывает свои приоритетные и стратегические направления развития на ближайшую и среднесрочную перспективу.

Одним из таких стратегических направлений развития является расширение (увеличение) производственных мощностей как гидро-металлургического завода №2 (ГМЗ-2), так и его сырьевой базы, Мурунтауского рудного поля, отрабатываемого рудником Мурунтау.

Разработанными предпроектными работами и технико-экономическими обоснованиями производительность ГМЗ-2 увеличивается на 12 млн. т. и составляет не менее 50 млн. тонн золотосодержащей руды в год. Основным поставщиком золотосодержащей руды в ГМЗ-2 является одним из крупнейших месторождений мира Мурунтау, вместе с месторождениями Мютенбай и Чукуркудук.

В настоящее время месторождение Мурунтау и его продолжение месторождение Мютенбай отрабатываются рудником Мурунтау. Согласно разработанным ТЭО параметры карьера Мурунтау-Мютенбай увеличатся и с вовлечение в отработку золоторудного месторождения Чукуркудук объединяться в один большой карьер, объединенный карьер Мурунтау-Мютенбай-Чукуркудук. Основные параметры карьера Мурунтау-Мютенбай-Чукуркудук приведены в табл. №1.

Таблица №1

Основные параметры карьера Мурунтау-Мютенбай-Чукуркудук

Параметры	Нынешний карьер Мурунтау-Мютенбай	Проектируемый карьер Мурунтау-Мютенбай- Чукуркудук	Увели- чение
Месторождения	Мурунтау, Мютенбай	Мурунтау, Мютенбай, Чукуркудук	
Длина карьера, м	3 500 м	7 000 м	3 500 м
Ширина карьера, м	2 500 м	4 000 м	1 500 м
Глубина карьера, м	600 м	1 000 м	400 м
Производительность карьера по горной массе, млн. м ³ в год	50-60	100-150	50-100
Поставка руды в ГМЗ-2, млн. т в год	38	50	12

Как видно из таблицы все основные параметры объединенного карьера Мурунтау-Мютенбай-Чукуркудук имеют устойчивую тенденцию к увеличению. Увеличение глубины карьера и производственную мощность по горной массе приведет к резкому росту себестоимости добычи 1 тн. руды.

Производственные процессы на карьере слагаются из основных операций, связанных единой технологической схемой во времени и пространстве и обеспечивают подготовку горных пород к выемке (буровзрывные работы БВР), их выемку (экскавация), транспортирование (автомобильный, конвейерный, железнодорожный транспорт и их сочетание) и складирование (отвалообразование), а также выполнение других необходимых в едином горном производстве процессов вспомогательных операций.

С увеличением глубины отработки карьеров эксплуатационные затраты на 1 м³ горной массы при буровзрывных работах, выемочно-погрузочных работах и в складирование (отвалообразование) практически не изменятся, но затраты на транспортирование 1 м³ горной массы будут расти пропорционально к глубины и длины транспортирования. Поэтому дальнейшее повышение эффективности открытых горных работ неразрывно связано именно со стратегией развития транспортной системы карьера.

На карьере для транспортирования горной массы (руды и породы) используются большегрузные автосамосвалы зарубежных фирм грузоподъемностью от 130 т до 240 т каждого.

Кроме этого на карьере Мурунтау начиная с 1983 года внедрена циклично-поточная технология (ЦПТ) транспортирования горной массы, состоящая из большегрузных автосамосвалов транспортируемых горной массы до расположенного внутри карьера дробильно-перегрузочного пункта (ДПП), которые дробят горную массу для дальнейшей загрузки и транспортирования конвейерным транспортом расположенного в наклонной (15°) открытой траншее.

Практика работы глубоких карьеров показывает, что ЦПТ в открытых наклонных траншеях может углубиться до глубины 150-200 м с поверхности, а дальнейшее увеличение глубины карьера вследствие увеличения расстояния транспортирования горной массы автотранспортом приведет к резкому увеличению себестоимости добычи.

Поэтому начиная с 2011 года на карьере Мурунтау начал эксплуатироваться крутонаклонный конвейер (КНК) с высотой подъема горной массы 270 м. КНК-270 расположено прямо на борту карьера по 37° и способен транспортировать до 20 млн. т горной массы в год. В настоящее время КНК-270 поставленными передним задачи справился и успешно эксплуатируется см. рис. №1.



Рис. 1. Крутонаклонный конвейер карьера Мурунтау (КНК-270)

Объединённым карьером Мурунтау-Мютенбай-Чукуркудук из карьера на поверхность планируется транспортировать не менее 50 млн. т руды в год (20 млн. м³), а также не менее 250 млн. т пустой породы (100 млн. м³). Несмотря на то, что пустая порода в 5 раз превышает руду, в настоящей работе рассмотрены варианты транспортирования именно руды, так как транспортирование руды имеет стратегическое значение.

Для определения экономически эффективного варианта транспортировки руды до завода ГМЗ-2 выполнен расчет и оценка денежных потоков при перевозке руды из объединенного карьера Мурунтау-Мютенбай-Чукуркудук следующие варианты:

1. Автосамосвал+ДПП+конвейер расположенный в наклонных стволах;
2. Автосамосвал;
3. Автосамосвал+ ДПП+конвейер расположенный в открытых траншеях.

Расчеты технико-экономических показателей приведены в таблице 2.

Таблица 2

Сравнение вариантов транспортирования руды до завода ГМЗ-2

Параметры	Ед. изм.	Вариант 1	Вариант 2	Вариант 3
Объем транспортируемой руды	млн.т	50	50	50
Расстояние транспортировки автосамосвалом	км	3	6	2
Эксплуататраты автосамосвалов	млн. сум	284 420	568 839	189 613
Эксплуататраты на дробилку	млн. сум	11 185		11 185
Эксплуататраты конвейеров по штольням	млн. сум	33 885		
Эксплуататраты на наклонные конвейера	млн. сум	215 272		149 494
Эксплуататраты складских конвейеров	млн. сум	16 943		16 943
Эксплуататраты перегружателя	млн. сум	9 000		9 000
Эксплуататраты экскаваторов	млн. сум	50 801	50 801	50 801
Эксплуататраты ж/д пути	млн. сум	104 012	208 024	208 024
Всего эксплуатационные затраты	млн. сум	725 517	827 664	635 059
Всего капитальные затраты	млн. сум	3 587 348	2 071 611	2 486 192
Приведенные затраты транспортирования руды	млн.сум	1 084 252	1 034 825	883 679
Транспортирование 1 т руды до ГМЗ-2	сум/т	21 685	20 696	17 674

В рассмотренном примере транспортирования руды на поверхность с глубины от 300 до 400 м предпочтительным является **Вариант №3** который сочетает автомобильный и конвейерный транспорт расположенного в открытой наклонной траншеи. Но сложность заключается в том, что для прохождения наклонной траншеи необходимо выполнять дополнительные объемы горной массы и непонятно как быть во время длинных остановок и ремонта конвейера.

На верхних до 300 м глубины автомобильных транспорт **Вариант №2** предпочтителен, преимуществом автомобильного транспорта является мобильность, независимость, но с увеличением глубины затраты резко возрастут.

Вариант №1 где нет необходимости выполнения дополнительных горных работ предпочтителен на нижних горизонтах, особенно когда глубина более 500 м.

Рассмотренная в настоящей работе технико-экономическая оценка стратегии развития транспортной системы глубокого карьера показывает, что в объединенном карьере Мурунтау-Мютенбай-Чукуркудук еще на стадии предпроектных и проектных необходимо выделить верхние, средние и глубинные зоны, и разработать единую стратегию развития транспортной системы в зависимости от выделенных зон.

*Аюбова Индирахон Хамидовна, п.ф.ф.д. (PhD), доцент,
Рахимова Латофатхон Собиржоновна, т.ф.д., доцент,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНИШИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИЛМ ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Олий таълим тизимидаги илм ва илмий тадқиқотлар — бу давлатнинг инновацион ривожланиши ва миллий иқтисодиёт тармоқлари ривожланишининг асосидир. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданок, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш бўйича мақсадли йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳам юртимиз иқтисодиёти учун техника йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи, шу билан бир қаторда, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштиришда йирик илмий-тадқиқот марказига айланди.

Университетдаги илмий лойиҳалар ва инновациялар марказида иқтидорли ёшлар иштирокида мақсадли изланишлар олиб борилмоқда, интеллектуал мулк бозори талаблари ўрганилиб, ишланма ва лойиҳалар тақдим этилаёпти. Ушбу олий таълим муассасасида саноат корхоналари билан инновацион ҳамкорликни самарали олиб бориш, фан ютуқларини ўқув жараёнига жорий этишнинг структураси ва механизми мавжуд. Бу механизм мунтазам ишлашини таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва улар учун иш ўринлари яратиш жараёнида ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқаларни кучайтириш мақсадида 6 та факультетда илмий-техник кенгашлар фаолият юритмоқда. Асосийси, университетда бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифалари саноат корхоналарининг техник, технологик ҳамда хомашё муаммоларининг ечимига қаратилган. Университет қошида фаолият юритаётган “Фан ва тараққиёт” ДУК, “Энергия ва ресурсларни тежаш” илмий-амалий ўқув маркази ва “Тармоқлараро стратегик инновациялар ва ахборотлаштириш” илмий маркази ҳам фан ва ишлаб чиқаришни таълим жараёнига интеграциялаштиришга ҳисса қўшаяпти.

Университет профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ва талабалар “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар” I-X Республика ярмаркаларида 300 дан ортиқ ишланмалари билан иштирок этди. Асосий мақсадларимиздан, жаҳон стандартларига мос илмий-тадқиқотларни кўпайтириш, интеллектуал маҳсулотларимизнинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини таъминлашдир. Университет қошида Ўзбекистон-Япония ҳамкорлигининг таълим соҳасидаги йирик лойиҳаси — Ёшлар инновация маркази ташкил этилди. Ушбу ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган ишлар таълим ва илмий-тадқиқот соҳаларидаги халқаро ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқишига хизмат қилмоқда.

Экология ва атроф муҳит муҳофазаси кафедраси профессор ўқитувчилари ҳамкорлигида “Экологик ва эксплуатацион хусусиятлари яхшиланган кокс олиш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусида амалий лойиҳа бажарилди. Лойиҳа нефтнинг оғир фракциялари ва биоўсимлик қолдиқлари билан биргаликда пиролиз қилиш усули билан таркибида оксигенатлар бўлган эксплуатацион ва экологик хусусиятлари яхшиланган бензин олиш ва таркибида олтингугурт миқдори минимал даражага етказилган кокс олиш технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган. Шу билан бирга “Маҳаллий хом ашёлар иштирокида нефт ва газ қудуқларини қатлам сувларидан химоялашнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусида ҳам амалий лойиҳа бажарилди. Ушбу инновацион лойиҳанинг амалга оширилиши мобайнида нефт ва газ қудуқларини сувдан химоя қилиш учун изоляцион қоришмасини ишлаб чиқилди. Яна бир инновацион лойиҳа “Саноат, қишлоқ хўжалиги ва маиший хизматнинг иккиламчи хом-

ашё ресурсларидан газсимон ва суюқ углеводородларни ҳамда кўмир брикетларини олиш” мавзусида ҳам фундаментал лойиҳа бажарилди. Бугунги кунда ёқилғи ресурсларига бўлган талабларнинг мунтазам ортиб бораётган бир даврда қишлоқ хўжалиги ва саноат чиқиндиларини қайта ишлаб углеводород ёқилғиларини олиш айна муддаодир. Ана шундай лойиҳаларнинг амалга оширилиши табиий ресурсларни тежаш билан бирга, чиқиндилар муаммосини ҳам хал қилиш имконини беради. Ҳамда республикамиз иқтисодиётини ривожланишига ўз хиссасини қўшади.

Инсонни атроф-муҳит ва уни ўраб турган табиат билан муносабати асосий экологик муаммолардан биридир. Инсон яшаш жараёнида атроф-муҳитга доимо ўз таъсирини ўтказмоқда. Айниқса, бугунги кунда бу таъсир жуда сезиларли бўлиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Ер юзида аҳоли сонининг тез суръатлар билан ўсиб бориши натижасида, аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш ҳамда қондириш учун ишлаб чиқариш корхоналари сонининг муттасил ошиб бориши, табиий ресурсларни кўплаб ишлатилиши, транспорт воситалари сони ва турларининг кўпайиб бориши кузатилмоқда. Бунинг оқибатида, инсоннинг атроф-муҳитга аёвсиз таъсири натижасида табиатдаги антропоген ўзгаришлар кўлами кенгайиб бормоқда.

Шундай бир шароитда атроф муҳит муҳофазаси мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Илм ва илмий тадқиқотларни жадал ривожлантириш шароитида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасидаги вазифаларнинг ижросини таъминлашга катта эътибор берилмоқда.

Шу билан бирга бугунги кунда иқлим ўзгариши муаммоси умумбашарий муаммолардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. “Экология ва атроф муҳит муҳофазаси” кафедраси профессор ўқитувчилари, иқтисодорли талабалари ҳамкорлигида “Иқлим ўзгаришига таъсир этувчи углерод оксидлари ташламалари миқдорини камайтириш” мавзусида ҳам илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишда атроф муҳит муҳофазаси борасида қуйидаги бир қатор муаммоларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўламининг жадал ўсиб бориши туфайли турли хил, шу жумладан маиший чиқиндиларнинг атроф муҳитга чиқарилиши ва унинг салбий таъсирининг кўпайиб бориши. Кейинчалик олди олинмаса бу таъсирлар глобал кўринишга эга бўлиб, табиий мувозанатни тузатиб бўлмас кўринишдаги бузилишига олиб келади;

- мавжуд захиралари борган сари кўпайиб бораётган захарли кимёвий моддалар, ҳарбий қурол-ашёлар, радиоактив чиқиндилар, атом электр станцияларнинг аста-секин парчаланадиган чиқиндилари, турли хилдаги ҳалокатларнинг юзага келиши оқибатида ташқи экологик муҳитга катта зарар етказилиш хавфининг ортиши;

- ер юзида аҳоли сонининг тўхтовсиз ортиб бориши натижасида турли мамлакатларда аҳоли томонидан истеъмол қилинадиган хом-ашё захиралари бир-биридан катта фарқ қилишига олиб келиши. Бу эса ўз-ўзидан турли хил низоларга олиб келади. Бунга мисол сифатида: ер шари аҳолисининг таминан 25% дунёдаги мавжуд заҳира (ресурс)ларнинг 80 % ни истеъмол қилишини келтириш мумкин.

Илм ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш шароитида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ишлаб чиқаришда чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш;

- саноат объектларида хавфли чиқиндиларни экологик хавфсиз сақлашни ташкил этишни таъминлаш;

- Илм ва илмий тадқиқотларни ривожланишини инобатга олган ҳолда, корхоналарда барча хавфсизлик қоидаларига амал қилиб ишлаб чиқиш ва шу асосда ишчи ходимларни йўриқномалардан ўтказиш.

Ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиёти учун малакали эколог-мутахассисларни тайёрлаш борасида Тошкент давлат техника университети - энг нуфузли олий ўқув юртларидан бирига айланди. Университетда 40дан ортиқ йўналиш бўйича бакалаврлар, 60дан ортиқ мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланади. Экология ва атроф муҳит муҳофазаси кафедрасида “Экология ва атроф муҳит муҳофазаси” йўналиши бўйича бакалаврлар ва “Атроф-муҳит муҳофазаси” мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланади. Университет барча техник олий ўқув юртлари учун экология фани, бакалавр ва магистратура мутахассислиги бўйича таянч олийгоҳи ҳисобланади. Тайёрланаётган мутахассиснинг ҳар томонлама етук билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши мақсадида Давлат таълим стандарти ва ўқув режаларида математик, табиий-илмий, умумқасбий фанлари киритилган. Мутахассислар ишлаб чиқариш талабларига жавоб бериши учун улар саноат чиқиндиларини – газсимон, суюқ ва қаттиқ чиқиндиларни тозалаш, зарарсизлантириш технологияси ва қайта ишлаш усулларини тўлиқ билиши, корхоналарда экологик норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш тажрибасига, атроф-муҳит объектларида мониторинг олиб бориш ва кимёвий таҳлилларни ўтказиш малакасига эга бўлиши лозим.

Ҳозирги кунда олий ўқув юртлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ҳамкорликда инновацион гуруҳларининг ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, университетнинг Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси кафедраси томонидан ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда инновацион гуруҳлар ташкил этилган. Бажарилаётган илмий ишлар, амалий тадқиқотлар, талабаларнинг малакавий битирув ишлари ва магистрлик диссертациялар мавзулари бевосита ишлаб чиқариш корхоналарининг ечимини кутаётган экологик муаммолари асосида шакллантирилади. Талабалар ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнига жалб этилиб амалий-тадқиқот ишларини олиб борадилар. Инновацион гуруҳнинг ўқув-илмий мавзулари базасига саноат корхоналарининг чиқинди газларини зарарсизлантириш, оқава сувларини тозалаш, қаттиқ чиқиндиларни қайта ишлаш каби масалалар киритилади. Ушбу база асосида талабалар ўзларининг малакавий битирув ишлари ва магистрлик диссертация мавзуларини танлаш имкониятига эга бўладилар, бу эса ўз навбатида ўқув-амалиёт жараёнида олиб борилаётган ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишларнинг савияси ва салоҳиятини доимий равишда такомиллаштиришга ҳисса қўшмоқда.

Таъкидлаш керакки, ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар, инновацион лойиҳаларни татбиқ этишга қаратилган бундай саъй-ҳаракатлар натижасида иқтисодиётимизнинг реал секторида инновацион фаолият самарадорлиги ошмоқда, миллий иқтисодиёт тармоқлари ривожланмоқда, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциялашуви янада мустаҳкамланмоқда.

*Хашимова Салима Нигматуллаевна, и.ф.н., доцент,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

БИЗНЕС ЮРИТИШДА АУТСОРСИНГДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Рақобат устунликларига эга бўлишда хўжалик юретишнинг энг замонавий ва муваффақиятли модели аутсорсинг ҳисобланади.

Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг барча жабҳаларини ривожлантиришда, миллий ва халқаро меҳнат тақсимоотида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда аутсорсингдан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Глобаллашув шароитида кўпчилик компаниялар учун барча керакли ресурсларни ўзи ишлаб чиқариш зарурати йўқ. Барча диққатни компаниянинг ўзи ҳаммадан яхши ишлаб чиқарадиган маҳсулотни (бажарадиган ишларни, кўрсатадиган хизматларни) ташқаридан сотиб олиш мақсадга мувофиқроқ. Бизнесни бошқаришнинг бундай стратегияси “аутсорсинг” деб аталади.[1].

Демак, аутсорсинг-бизнесни бошқариш стратегияси бўлиб, компаниянинг ресурслари, менежерларнинг диққат-эътибори ва саъй-ҳаракати бизнес учун энг муҳим вазифаларга жамлаб, иккинчи даражали вазифаларни ихтисослаштирилган бизнес-провайдерларга, яъни аутсорсер компанияларга бухгалтерия ҳисоботи ва уни қайта тиклаш, маркетинг, кадрлар бўлими, мижозлар билан ишлаш, информацион технологиялар ва бошқаларни топширишга қаратиш[2].

Бизнес жараёнлари аутсорсинги- бу мижоз корхона ўз ичидаги айрим доимий иш ёки вазифаларни, шу соҳага ихтисослаштирилган ташкилотга бутунлай ёки қисман топширишдир.

Аутсорсинг компаниялар ихтисослашган фаолият турларидан келиб чиқиб, уни мустақил турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ахборот технологиялари аутсорсинги;
- ишлаб чиқариш аутсорсинги;
- логистикага доир функциялар аутсорсинги;
- ходимларни бошқариш функциялари аутсорсинги;
- маркетинг функциялари аутсорсинги;
- маркетинг функциялари аутсорсинги;
- молияга доир функциялар аутсорсинги.

Кўриниб турибдики, замонавий компаниялар фаолиятининг барча соҳаларини аутсорсинга бериш мумкин

Аутсорсингни фойдали томонлари шундаки, компанияни ортикча харажатлардан ва қийинчиликлардан халос бўлади:

- ишчи ёки бўлим учун ойлик маошдан тўланадиган даромад солиғидан озод бўлади;
- менежерлар учун мобил алоқа, тушлик, йўлқира харажатлари ва таътил пулидан озод бўлади;
- иш жараёнидаги хавфларни аутсорсинг ташкилотга юклайди.

Статистик маълумотларга кўра, дунё мамлакатларида аутсорсинг хизматларига қилинган умумий харажатлар 1 триллион АҚШ долларидан ошган. АҚШда барча федерал солиқларни йиғиш аутсорсинг тизимига юклатилган бўлиб, бу юзага келаётган кўплаб муаммоларни ечими бўлиб келмоқда. Европада кичик ва ўрта бизнес вакилларининг 80 фоиздан ортиғи, хусусан АҚШда 90 фоиздан, Исроилда 94 фоиздан ортиғини аутсорсинг компаниялари ташкил этади. Асосан бу давлатларда бухгалтерия хизмати тўлиқ аутсорсер компанияларига топширилган.

Аутсорсинг компаниялар барча муаммоларни ҳал қилувчи сеҳрли таёқча эмас, бор йўғи бизнес инструмент ҳисобланади. Аутсорсингдан олинадиган самара компания олдида кўйилган мақсад, мавжуд ресурслар ва тўпланган тажрибага асосланади.

Бизнес-жараёнларини аутсорсингга берадиган компания, яъни буюртмачи турли мақсадларни белгилайди:

- Аутсорсингдан фойдаланишни асосий сабаби таннархни пасайтириш ҳисобланади, экспертлар фикрича, таннархни пасайтириш ўртача 10-25 фоизни ташкил этади;
- харажатларни камайтириш ҳисобига корхонанинг молиявий барқарорлигини яхшилаш;

-ўзида мавжуд бўлган барча ресурслар: хусусан молиявий ва меҳнат ресурсларидан оператив фойдаланишга эришиш;

-инновацияларга йўл очиш, ташқи мутахассисни жалб этиш янгиликлар киритиш учун имконият яратади.

XX асрнинг 30 йилларида автомобиль саноатида икки гигант компания Генри Форд ва Альфред Слоуном ўртасидаги зиддиятлар ечими сифатида аутсорсинг намоён бўлди. Альфред Слоуном компанияни инкироздан олиб чиқишда бизнес жараёнларни бошқа компанияга бериш орқали ютиб чиқади. Бу аутсорсингни моҳиятини очиб беради.

Жаҳон аутсорсинг индустрияси анча ривожланиб, аутсорсинг хизматлари бозорида унинг турлари кенгайиб борди. Жумладан ахборот технологиялари, бизнес жараёнлари ва билим-сиғимли аутсорсинг турлари мавжуд.

Ўзбекистон компаниялари аутсорсингдан фойдаланишнинг дастлабки босқичида бўлиб, асосан ишлаб чиқариш аутсорсингидан фойдаланяпти.

Ишлаб чиқариш аутсорсингида ишлаб чиқариш жараёнларини бир қисми ёки бутунлай бошқа компанияларга берилади. Бундан ташқари ишлаб чиқариш бўлинмаларини аутсорсинг доирасида бошқа компанияларга сотилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш аутсорсинги компанияга қуйидаги имкониятларни беради.

1. Технология ва талаб шиддат билан ўзгараётган кескин рақобат шароитида корхона рақобатбардошлик мавқеини оширишда янги турдаги маҳсулот ва хизматни ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади;

2. Ишлаб чиқариш қайишқоқлигини таъминлайди яъни ишлаб чиқаришни диверсификациялаш имкониятини келтириб чиқарали;

3. Бизнес юритишда арзон ишчи кучидан фойдаланиш учун қўшимча имкониятга эга бўлади.

Аутсорсингни асосий афзалликлари:

1. Аутсорсингни барча шакллари қўллашдан олинадиган самарага эга бўлади. Компания юқори малакали кадрларни тайёрлашга, қайта тайёрлашга вақт ва маблағ сарфламаслиги сабабли стандарт самарага эришади.

2. Малакали кадрлар ёрдамида ишлаб чиқариш географияси кенгайиб, янги техника ва технологиядан фойдаланишга ортиқча маблағ сарflanмайди.

Бизнинг фикримизча, аутсорсинг афзалликлари фойдаланиш компания рақобатбардошлиги оширилиши ҳисобига даромад келтирадиган фаолиятга айланиши таъминланиши ҳисобланади. Илғор ютуқлардан фойдаланиш имконияти, харажатларни аниқлиги ва уни иқтисод қилиш, унумдорликни бошқариш, сифат яхшиланиши ва қалтисликларни аутсорсингга ўтиши ҳисобига компания даромади ошиши уни иқтисодий самарадорлиги таъминланади.

Ҳар қандай компания аутсорсингни қўллашда қуйидаги таваккалчиликларга йўл кўяди:

1. Айрим ишлаб чиқариш жараёнлари аутсорсингга берилганда ахборотлар хавфсизлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин;

2. Муваффақият бошқа компанияга боғлиқ бўлиб, банкротликка учраш хавфи мавжуд;

3. Иккала томон мақсадлари мос келмаслиги натижасида бошқарув устидан назорат кўлдан кетиши мумкин;

4. Аутсорсер компаниялар хизматлари сифати паст бўлса, компания имиджига таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу сабабли кўпчилик компаниялар аутсорсингдан фойдаланишга шошилмайдилар. Бизнес соҳасини аутсорсингсиз тасаввур қилиш мумкин эмаслигини қуйидаги сабаблари бор:

1. Барча замонавий компаниялар истеъмолчи эҳтиёжига жавоб берувчи янги фан, техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади.

2. Аутсорсинг хизматларини кўрсатувчи компаниялар замонавий технологиялар, билимлар ва тажрибалардан фойдаланиб ўзига ва мижозга хизмат кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу эса иккала томон учун манфаатли ҳисобланади, ҳар бири мавжуд ресурслари ва ўз кучли томонлари билан истиқболли фаолиятни амалга оширади. Бунинг натижасида кўшимча куч ва ресурсларни жалб қилмаган ҳолда янги фаолият турини ўзлаштириш учун имконият яратилиши қулай нархда сифатни маҳсулотни ишлаб чиқариши истеъмолчи манфаатларига мос келади.

XXI аср бошида АҚШ, Япония ва Европада каби иқтисодий марказда шаклланган юқори самарали ва рақобатбардош ташкилотни яратиш замонавий методологияси аутсорсинг ҳисобланади.

Рақобат–аутсорсингни озиклантирувчи муҳит ва асосий ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Ҳозиргача айрим мамлакатларда тадбиркорлар хом ашё ва арзон ишчи кучи борлигига ишониб режа тузадилар. Бундай вазиятда харажатларни камайтириш ва маҳсулот сифатини оширишга умид қилмаса ҳам бўлади.

Барча ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, билим- қобилият ва ижодий қарорлар қабул қилиш рақобат устуворлигини келтириб чиқаради.

Лекин бу устуворликлар абадий эмас, чунки янги технологиялар ва билимлар доимий равишда рақобатчиларда ўзгариб туради.

Замонавий бизнес муҳити қуйидаги омиллар билан характерланади.

- истеъмолчи позициясини ўзгариши;
- ресурсларга бўлган рақобатни ўсиши;
- бизнесни байналминлашуви;
- илмий техник тараққиётни ривожланиши;
- ахборот тармоқларини ривожланиши.

Демак аутсорсинг- бу жаҳон иқтисодиётини анъанавий ривожлантиришни замонавий маҳсулоти бўлиб, монополлашувга қарши восита ҳисобланади. Бу ташкилотларни бозор талабларига мослашган бошқариш методологияси бўлиб, ўз имкониятлардан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритувчи субъектларни янги бизнесга ўтиш жараёни ҳисобланади.[4]

Жаҳон иқтисодиёти янги мингйиллик аутсорсингни ривожлантириш йўлидан бормоқда ва танилмоқда. Барча компаниялар бизнесни бошқаришда аутсорсинг устуворликларини баҳолаб, ундан фойдаланмоқдалар. Айрим савдо маркаларига эга бўлган компаниялар ўз бизнесида эътиборни асосий фаолиятига қаратиб, ёрдамчи жараёнларини қарийб 90% ни аутсорсингга бериши натижасида молиявий ҳолатини яхшиланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистонда аутсорсингдан фойдаланиш давр талаби бўлиб, бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8-сентябрдаги ПФ-5185 сон “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264 сон “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонларида тартибга солинган.

Бизнинг фикримизча Ўзбекистон компанияларда аутсорсинг имкониятларидан фойдаланишда бизнес инструменти сифатида эмас, балки ундан кенг миқёсда фойдаланиш давр тақозоси ҳисобланади. Замонавий бизнес соҳасини ривожлантириш ва рақамли технологиялар шароитида янги иқтисодиётга ўтишда жаҳон стандартларига мос келадиган аутсорсинг хизматларидан фойдаланиш мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлашда энг самарали восита ҳисобланади.

*Хашимова Салима Нигматуллаевна, и.ф.н., доцент,
Саманова Гулида Бахром қизи, магистр,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

ИННОВАЦИОН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Инновациялар иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, унинг жадал суръатлар билан ривожланишини ва рақобатбардошлигини таъминлаш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузини янада оширишнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу сабабли бугунги кунда ҳар бир давлат ўз иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишда инновация имкониятларидан кенг фойдаланишга катта эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда республикада иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларни амалга оширишга устуворлик берилган. Инновация лойиҳаларини амалга ошириш инвестициялар билан бевосита боғлиқдир. Бу эса иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш имконини беради. Шу сабабли мамлакатимизда инновация сиёсатини олиб боришда инвестицияларнинг самарали иштирокини таъминлашга жиддий эътибор қаратиб келинмоқдаки, бунинг натижасида миллий иқтисодиётга жалб этилаётган инвестициялар ҳажми, улар ёрдамида ишлаб чиқаришга жорий этилаётган замонавий ва илғор технологияларга асосланган лойиҳаларнинг сонининг йил сайин ортиб боришини, шунингдек, ялпи ички маҳсулотнинг юқори суъратлар билан ўсишини таъминламоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда. Бирок, бугунги тезкор ўзгариш ва янгиланишлар даврида мазкур ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, янгидан-янги, бугунги ҳаётимиз талабига асосланган инновация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларини янада жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу масалалар юзасидан тадқиқотлар олиб бориш ва илмий асосланган таклиф-тавсияларни ишлаб чиқиш долзарблигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш ҳисобланади. Бунинг учун базавий соҳаларда ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, янги ва замонавий технологияларни фаол жорий қилиш ва модернизациялашни жадаллаштириш орқали тармоқлар ва ҳудудларда тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва мутаносибликни таъминлаш, миллий иқтисодиётни диверсификациялаш, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш лозимдир.

“Нуфузли хорижий университетлар, илмий ва инновацион марказлар билан алоқаларни кучайтириш, улар билан кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришимиз зарур”¹⁷⁹. Бунда мазкур мақсадга эришишда, хусусан, бугунги куннинг илм-фан ютуқларидан кенг ва самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришда энг илғор ва сўнгги авлод технологияларини жорий этиш, миллий иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида инновацияларнинг ривожланишига эътиборни янада кучайтириш ва бунда инновациялар соҳасида хорижда яратилаётган янгиликлар ва тажрибаларга суяниб, уларни ўз иқтисодиётимизга кўчириб олиб келиш билан чегараланиб қолмасдан, балки,

¹⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси Тошкент шаҳар 28.12.2020 й //

миллий амалиёт ва ютуқларимиз билан юқори даражаларга эришиш, бунинг учун барча имконият ва салоҳиятларимизни ишга солиш муҳим аҳамият касб этади.

Инновация лойиҳаларини ишлаб чиқишда замонавий инновация лойиҳалари, одатда, катта инвестицияларни талаб қилишини, улар эса доим ҳам бўлавермаслигини ҳисобга олиш зарур. Шунинг учун инвестициялар ҳақидаги масала анча қийин ҳал этиладиган муаммодир, чунки мазкур лойиҳанинг зарурлигини, фойдалилигини ва самаралилигини исботлаш керак бўлади. Бу ҳолатда асосийси молиялаштириш манбаини танлаш, унинг ҳажмини, вақт бўйича тўловлар даражаси ва ҳоказодир. Бу ҳолатда инвестор ўзига лойиҳанинг моҳиятини тушунтириб бериш, ҳамкорлик қандай афзаллик беришини, ва энг асосийси, улар оладиган энг минимал ва энг юқори фойда миқдорини намоёйиш қилиш талаб этилади.

Инновация лойиҳаси етарлича батафсил тузилиши керак, чунки бўлажак инвестор лойиҳа билан танишганда мўлжалланаётган дастур ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши ва унинг мақсадларини тушуниши лозим. Бугунги кунда республикамизда тадбиркорлик фаолияти эркинликлари ва қулай муҳитининг яратилганлиги, очиқ рақобат шароити ва юқори иқтисодий манфаатдорликка эришиш имкониятлари тадбиркорларнинг ўз фаолиятини ташкил этиш, кенгайтириш ва ўзгартиришларида инновация лойиҳаларини жорий этишга бўлган интилишларини кучайтирмоқда. Бу эса мамлакатимизда инновациянинг мазмун-моҳиятини кенгроқ ўрганиш, инновация фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштиришга бўлган муносабатларнинг ривожланишига олиб келмоқда.

Инновациялар технологик, иқтисодий, экологик, бошқарув, ҳарбий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳуқуқий ва бошқа турларга тақсимланади. Айниқса, иқтисодиётни модернизациялаш ва ривожлантириш, хусусан, корхоналар даражасида замонавий техника-технологиялар билан жиҳозланган ишлаб чиқаришларни йўлга қўйишда унинг аҳамияти янада юқори баҳоланади. Инновация муҳитини янада такомиллаштириш зарурияти, мазкур соҳани янада ривожлантириш борасида давлат ислохотларини янада изчил давом эттириш лозимлиги айрим муаммоларнинг мавжудлиги ва уларга ечим топиш зарурлиги билан белгиланади: Мавжуд муаммоларнинг барчаси шуни кўрсатадики, инновация муҳити маълум маънода иқтисодий ва институционал ислохотларнинг турли йўналишларидаги тараққиётга боғлиқ бўлади. Иқтисодиётда инновацион механизмларни ишга тушириш стратегик аҳамиятга эга вазифа бўлиб, уни кичик нарсалардан бошлаш ва давлат томонидан катта аҳамият берилиши мақсадга мувофиқдир. Инновация соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсадларни амалга ошириши, давлатнинг ундаги функциясини аниқлайди. Инновация фаолиятини рағбатлантириш жараёнида давлат сиёсати қуйидагиларга йўналтирилган бўлиши керак: хусусий секторни инновация фаолиятида, уни рағбатлантириш механизмида, институционал қайта ўзгартириш тизимида, интеллектуал мулк ҳимояси ва уни хўжалик оборотига жорий этишдаги иштирокини норматив-ҳуқуқий таъминлашни ишлаб чиқариш ва такомиллаштириш; инновация фаолиятини, ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, рақобатбардошликни ошиши ва илмий маҳсулотни экспортини қўллаб-қувватлаш комплекс тизимини яратиш; инновация жараёнлари инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан, информатсион таъминотни, экспертиза тизимини, молия-иқтисод тизимини, ишлаб чиқариш – технологик қўллаб-қувватлашни, ишланмаларни олдинга силжиш тизимини, кадрларни тайёрлаш ва қайтатайёрлаш тизимини. Амалиёт шуни кўрсатадики, орқада қолишнинг сабаби мамлакат тадқиқот ва ишланмаларни паст имкониятлилиги эмас, балки Инновация фаолияти инфратузилмасининг заифлиги, товар ишлаб чиқарувчилар янгиликни рақобат курашининг тури сифатида амалга оширишга асосланмаганлигидир. Бу эса илм-фан имкониятларига бўлган талабни йўқолишига олиб келади; кичик юқори технологияли ташкилотларни муваффақиятли амал қилиши ва ташкил этилиши учун қулай шароит яратиш ва улар фаолиятини бошланғич босқичида

давлат томонидан кўллаб-қувватлаш йўли билан кичик инновация тадбиркорлигини ривожлантириш; инновацияларни ижтимоий ва экологик йўналтирилганлигини тартибга солиш. Инновация жараёнларини давлат томонидан бевосита бошқариш усуллари икки шаклда амалга оширилади: маъмурий-идоравий; дастурли-мақсадли. Инновацияларни давлат томонидан билвосита рағбатлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири бу мақсадли нобюджет фондлар маблағларини мобилизациясидир. Инновация фаолиятини бошқариш (тартибга солиш) соҳасида муҳим масала бўлиб, инновацион инфратузилмани шакллантиришда давлат иштироки ҳисобланади. Инвестициялашнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаш, инновацион инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни, барча шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш миллий иқтисодиётни келажакни белгилайди. Ўзбекистон халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш билан жаҳонда ўзаро ишончга асосланган янги сиёсий иқлим яратмоқда. Бу фаол ташқи иқтисодий сиёсат дунёдаги етакчи давлатлар ва халқаро сиёсий, молиявий, иқтисодий институтлар томонидан кўллаб-қувватланишига олиб келмоқда. Мазкур фаоллик халқаро дўстлик, ҳамкорликка асосланган иқтисодий жадал тараққиёт белгиларининг пайдо бўлишига замин яратади. Бугунги кунда Ўзбекистонда яратилган инновацион инвестицион қулай муҳит миллий иқтисодиётнинг жадал ривожланишида омил сифатида хизмат қилади.

*Назарбеков Махмудбек Касимбекович, т.ф.н., декан муовини,
Рахимов Баходир Бахтиярович, докторант,
Мусаева Дилноза Касимбековна, катта ўқитувчи,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПОЛУЧЕНИЯ СИНТЕТИЧЕСКОГО ТОПЛИВО ИЗ ПРИРОДНОГО ГАЗА

В Узбекистане уделяется большое внимание развитию промышленного потенциала, и в первую очередь топливно-энергетического комплекса как основы экономического роста страны. Приоритетная роль при этом принадлежит нефтегазовой промышленности – одной из крупнейшей отрасли экономики Узбекистана. Для обеспечения высокого темпа развития экономики Узбекистана и удовлетворения потребности в моторных топлив потребителей, проблема внедрения технологии увеличения производство жидких углеводородах из природного газа является актуальной задачей. Основным способом получения синтетического моторного топлива из природного газа является технология «газ в жидкость» (GTL).

На сегодняшний день промышленная реализация синтеза Фишера-Тропша, представляет собой проекты GTL, направленные на получение жидких углеводородов, в первую очередь, топливных фракций (бензин, керосин и дизельное топливо). Такие проекты в большинстве реализуются в странах Ближнего Востока. По прогнозам энергетического агентства Energy International Agency, в ближайшее десятилетие Ближний Восток превзойдет другие страны по внесению инвестиций в проекты GTL, увеличив их до 8 млрд долларов. И в 2030 г. инвестиции ближневосточных стран достигнут 12 млрд. долларов. [2]. Крупнейший в мире завод Oryx GTL открыт в городе Рас-Лаффан в 2006 г. Завод принадлежит компаниям Qatar Petroleum (51%) и южноафриканской Sasol (49%). На предприятии в сутки вырабатывается 24 тыс. баррелей дизельного топлива, 9 тыс. баррелей нефти и 1 тыс. баррелей сжиженных нефтяных газов (LPG) [3]. Ещё один из самых крупных проектов открыт в Катаре, Pearl GTL 100% финансирования осуществляется концерном «Шелл». Комплекс перерабатывает 45 млн м³ газа в сутки для производства 140 тыс. баррелей синтетических жидких топлив в сутки [4]. Третий проект осуществляется компаниями Qatar Petroleum и Exxon Mobil Qatar GTL Limited, по

технологиям Exxon Mobil. Его продуктивность составит 154 тыс. баррелей синтетических жидких топлив в сутки. Наличие значительных запасов природного газа, как правило, является необходимым условием успешной разработки и развития GTL-проектов, так как очень высокие капитальные затраты требуют продолжительного периода промышленной эксплуатации. Кроме того, для GTL-производства крайне желательно функционировать при полной мощности для обеспечения экономической эффективности проекта. Поэтому наиболее значительные инвестиции в крупномасштабные GTL-проекты осуществляются в странах с существенной ресурсной базой природного газа, таких как Катар (27 трлн м³), Нигерия (6 трлн м³), Австралия (3 трлн м³), Малайзия (3 трлн м³).

Узбекистан располагает значительными запасами природного газа и получение синтетического жидкого топлива из природного газа является перспективным направлением. Сегодня в мире существует пять заводов по производству синтетического топлива из природного газа, строительство планируемого завода в Узбекистане станет шестым. Завод будет возводиться по технологиям лицензиаров – ведущих в мире компаний “Sasol” (ЮАР), “Haldor Topsoe” (Дания) и “Chevron” (США). Завод GTL по производству СЖТ состоит из двух установок (колонн) синтеза Фишера-Тропша номинальной мощностью 34 тыс. бар/сут продуктов жидкого топлива (GTL), основанных на технологии перегонки шламового продукта (SasolSPD).

По технологиям Sasol производилось в мире в основном СЖТ для автомобилей. В 2008 году компания разработала также технологию по производству синтетического авиабензина, что открывает в определенные перспективы для развития авиатранспорта.

Технология Sasol SPD предусматривает три этапа:

а) производство синтеза газа, состоящее из следующих секций: десульфуризация; первичный реформинг; автотермический реформинг; системы регенерации высокой температурой.

б) синтез Фишера-Тропша состоящий из: системы реактора Ф-Т; компрессорных и охлаждающих установок; процесса паровой системы;

в) производство товарной продукции: охлаждение остаточного газа Ф-Т и отделения жидкости; промывка и осушка остаточного газа Ф-Т; отделение воды от конденсата Ф-Т; - удаление углекислого газа от конденсата.

Основные установки технологического процесса завода по производству СЖТ следующие: установка разделения воздуха; установка получения синтез – газа; установка синтеза Фишера-Тропша; установка отделения тяжелых фракций; установка водоподготовки; установка удаления парафина; установка производства продукции; установка подготовки СУГ. Общая стоимость масштабного проекта составляет 3,6 миллиарда долларов.

С помощью привлеченных иностранных инвестиций предлагается строительство завода GTL в Кашкадарьинской области по производству синтетического топлива на основе технологии Sasol. GTL Одним из основных условий привлечения инвестиций в нефтегазовую отрасль промышленности является быстрый возврат средств, т.е. максимально сжатые сроки возведения и сдачи объекта в эксплуатацию. В результате реализации проекта получение синтетического топлива из природного газа будут налажены глубокая переработка 3,6 миллиарда кубометров газа. Ежегодно будет производиться 1,5 миллиона тонн отвечающего европейским стандартам синтетического жидкого топлива, в том числе: 53 тысячи тонн сжиженного газа; 311 тысяч тонн авиакеросина; 431 тысяча тонн нефти; 743 тысячи тонн дизельного топлива.

В этом и заключается важное значение завода для экономики страны – экспортировать природный газ не как сырье, а в виде готовой продукции с добавленной стоимостью. Так, если сегодня экспортная цена 1000 кубометров газа составляет в среднем 155 долларов, будущий завод на основе глубокой переработки такого объема газа

будет производить продукцию стоимостью больше 300 долларов. В целом за год можно будет получить от производства GTL-продукции на 576 миллионов долларов больше дохода, чем от простого экспорта природного газа. Еще один важный момент – продукция завода заместит свои аналоги, которые сегодня импортируются. За год будет сэкономлено более 1 миллиарда долларов валютных средств, направляемых на закупку нефти из-за рубежа.

После ввода в эксплуатацию завода работой будут обеспечены более 1300 человек. Внедрение технологических процессов получения синтетических топлив из природного газа в промышленных масштабах позволит увеличить объемы производства жидких углеводородов и возможность удовлетворить значительную часть потребности в нефтепродуктах республиканских потребителей. Вместе с этим, при разработке, проектировании и её реализации предусматривается внедрение и использование инновационных и прогрессивных технологий по переработки угля с получением жидких углеводородов и полученные моторное топливо будут отвечать современным требованиям международных стандартов Евро-4 и Евро-5.

Узбекистан располагает большими запасами природный газ и внедрения технологии переработки с получение синтетических топлив и химических продуктов на их основе является новым направлением. Внедрение технологических процессов получения синтетических топлив из природного газа угля в промышленных масштабах позволит увеличить объемы производства жидких углеводородов и возможность удовлетворить значительную часть потребности в нефтепродуктах республиканских потребителей. Строительные работы осуществляются главными подрядчиками – компаниями “Hyundai Engineering Co. Ltd.” и “Hyundai Engineering and Construction Co., Ltd” Южной Кореи, “Enter Engineering Pte. Ltd.” Сингапура. Необходимое для комплекса технологическое оборудование – более 11 тысяч единиц – изготавливается на 126 заводах 21 страны, таких как Япония, Южная Корея, Сингапур, США, Германия, Италия, Китай, Россия. Масштаб проекта поражает. Процесс получения синтетического жидкого топлива (GTL) из природного газа является уникальной и амбициозной задачей, требующей высоких технологий и сложных научных решений.

Эта технология, основанная на научных исследованиях и разработке технологии синтеза Фишера-Тропша, которая позволяет расширить возможности обеспечения топливом энергетики стран со значительными запасами природного газа, и тем самым существенно уменьшить воздействие на окружающую среду автомобильными выхлопами газов.

*Досметов У.С., заместитель начальника
Управления международного сотрудничества и
внешнеэкономических связей АО “Узбекистон темир йуллари”*

*Хамидов М.К., ассистент, Эгамбердиев Ж.Б., магистр
Ташкентский государственный университет транспорта*

ОСОБЕННОСТИ УПРАВЛЕНИЯ СТРОИТЕЛЬНО-ИНВЕСТИЦИОННЫМИ ПРОЕКТАМИ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ АО “УЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ”

За годы независимости в Узбекистане в целях развития сети железных дорог АО “Узбекистон темир йуллари” (далее - АО УТЙ) осуществлены крупномасштабные проекты железнодорожного строительства. Построены новые железнодорожные линии Ташгузар – Байсун – Кумкурган, Ангрэн-Пап, проведена электрификация существующих железнодорожных линий Тукимачи-Ангрэн, Мароканд-Карши, Карши-Термез. При непосредственном участии строителей Узбекистана была построена первая афганская железнодорожная линия Хайратон - Мазари-Шариф. Объектами текущего года являются

завершающийся в июне объект электрификации Пап – Наманган – Андижан, планирующие начать летом проекты электрификации действующей линии Коканд – Андижан и нового объекта туристического назначения Бухара – Мискин – Ургенч – Хива. Для развития транзитного потенциала АО УТЙ, развития экономики Узбекистана в целом важны новые железнодорожные линии и коридоры, строительство которых сейчас обсуждается на уровне правительств причастных стран региона Центральной Азии и планируется начать в ближайшей перспективе при непосредственном участии узбекских железнодорожных строителей. Это новые железнодорожные линии Китай – Киргизстан – Узбекистан и афганский проект Мазари-Шариф – Кабул - Пешавар. При реализации всех перечисленных строительно-инвестиционных железнодорожных проектов участвовали международные финансовые организации (Азиатский Банк развития, Мировой Банк, Европейский Банк ЕБРР, Японское Агентство JICA и др.) с зарубежными инвестициями, иностранные подрядчики, поставщики импортных материалов и конструкций, зарубежные консалтинговые компании.

При реализации проектов любого уровня для достижения целей проекта или в нашем случае для успешного завершения строительно-инвестиционных проектов железнодорожной инфраструктуры, тема управления проектами является актуальной. Основой для грамотного и успешного управления проектами являются имеющиеся сегодня серьезные исследования теории, практики, проблем, местного и международного опыта управления проектами, ряд современных и новых инновационных тенденций в сфере управления в целом и управления строительно-инвестиционными проектами в частности. Имеются также труды многих зарубежных ученых, ученых стран СНГ, Узбекистана и Ташкентского Государственного Университета Транспорта. Важность вопросов управления проектами для условий Узбекистана и для подрядной деятельности АО УТЙ обосновывается требованиями к успешности, своевременности, качеству, финансовым и ресурсным показателям проектов в новых условиях международного экономического сотрудничества с соседними странами региона Центральной Азии, странами ближнего и дальнего зарубежья, а также интеграционными процессами с транспортными ведомствами соседних стран, развития транзитных перевозок по международным железнодорожным коридорам, часть которых проходит по территории Узбекистана. В то же время в имеющихся к настоящему времени научных трудах недостаточно исследованы привязанные к местным условиям Узбекистана вопросы практического применения инновационных достижений науки управления, разработки адаптированных к местным условиям реализации проектов концепций и методик оценки эффективности управления проектами, формирования эффективной системы критериев управления строительно-инвестиционными железнодорожными проектами на базе международных контрактов, местного и зарубежного опыта АО УТЙ по реализации строительно-инвестиционных проектов.

Сущность любого строительно-инвестиционного железнодорожного проекта заключается в его завершении, а для того, чтобы он был успешным, необходимо тщательное и продуманное управление этим проектом, служащее гарантией эффективной деятельности, ее направленности на достижение конечной цели. Управление проектами – это методология, искусство организации, планирования, руководства, координации трудовых, финансовых, материально-технических ресурсов на протяжении всего проектного цикла, направленное на достижение его целей путем применения современных методов, техники и технологии управления для получения определенных в проекте результатов по составу и объему работ, стоимости, времени, качеству и удовлетворению участников проекта. Структура управления строительно-инвестиционным железнодорожным проектом включает в себя следующие разделы: управление международными контрактами по проекту; управление содержанием проекта;

управление сроками проекта; управление затратами в проекте; управление рисками проекта; управление персоналом проекта; управление закупками и поставками проекта; управление качеством проекта; управление интеграцией проекта; управление совместной деятельностью участников проекта.

Понятия проект и управление проектами связаны с необходимостью управления изменениями. Проект - это ограниченное по времени, целенаправленное изменение отдельной системы с установленными требованиями к качеству результатов, возможными рамками расхода средств, ресурсов и спецификой организации. Характерными чертами проекта являются направленность на получение конкретного результата, ограниченность по времени и ресурсам, целенаправленность. Именно эти три характеристики отличают проекты от других видов деятельности. С точки зрения детализации, наиболее традиционным является разбивка проекта на четыре крупные стадии: разработка концепции проекта, планирование (разработка), реализация и завершение.

На сегодняшний день правительство Республики Узбекистан через специальный уполномоченный орган государственного управления автомобильными дорогами осуществляет государственный надзор и организует эксплуатационное содержание, ремонт и строительство автомобильных дорог общего пользования. Ведомственными дорогами согласно закону занимаются предприятия, в ведении которых находятся дороги. Координацию их работы осуществляют местные органы власти и управления. Улицы в пределах городов, городских поселков, сельских населенных пунктов находятся в ведении местных органов власти и состоят на балансе предприятий жилищно-коммунального хозяйства, которые обеспечивают их содержание. Финансирование дорожных работ на дорогах общего пользования производится за счет средств дорожных фондов, ведомственных дорог – предприятия, дороги городских поселков, улиц и сельских населенных пунктов – за счет местных бюджетов.

Проектирование, строительство и реконструкция автомобильных дорог общего пользования осуществляется специализированными организациями, установленными законодательством. Проектирование, строительство и реконструкция ведомственных дорог осуществляют организации, в ведении которых находятся эти дороги. Проектирование и строительство ведомственных дорог на отчужденных в пользу соответствующих ведомств территориях, не предназначенных для общего пользования, производится без специальных разрешений. Юридические лица, заинтересованные в пользовании автодорогами, а также соответствующие местные органы власти и управления могут принимать долевое участие в строительстве и реконструкции дорог. Формы такого сотрудничества определяются договорами.

Работы по строительству, содержанию, ремонту и реконструкции автомобильных дорог производятся при обязательном учете экологических норм, установленных законодательством Республики Узбекистан. Координацией, управлением и политикой в области автомобильных дорог занимается Комитет по автомобильным дорогам при министерстве транспорта Республики Узбекистан. Комитет разрабатывает и реализует государственные программы, определяет перспективы развития, осуществляют контроль над качеством, координирует и организует работы по совершенствованию автомобильных дорог нашей страны.

На схеме магистральных дорог на карте Центральной Азии, подготовленной двумя официальными комиссиями ООН – ЭСКАТО (Азия) и ЕЭК (Европа), были указаны всего два направления: Ош–Ташкент–Самарканд–Бухара–Нукус–Бейнеу и Бухара–Гузар–Термез–Душанбе. В транспортном коридоре ТРАСЕКА, подготовленном по программе - ТАСИС Европейского Союза, также были отражены две магистрали, только здесь направление Ош–Ташкент–Самарканд–Бухара–Нукус–Бейнеу было изменено в сторону Бухара–Мары–Теджен. В двух этих официальных документах не были учтены геополитическое место Узбекистана в Центральной Азии и его экономические и социальные интересы. Поэтому 18 августа 1999 года было принято Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О проектировании строительства скоростной автомагистрали Андижан–Ташкент–Нукус–Кунград».

Основываясь на предложениях зарубежных партнеров, сегодня правительство разработало меры по развитию инфраструктуры автомобильных дорог и совершенствованию системы организации дорожного движения. В документе подчеркивается необходимость ускоренного развития дорожно-транспортной инфраструктуры как важнейшего фактора развития экономики страны и отмечаются недостатки в этой сфере.

Нормативные документы в области благоустройства и уровня развития инфраструктуры, автомобильных дорог не соответствуют современным международным стандартам. Требуют обновления действующие стандарты, разработанные в 1970–80-х годах, в том числе в части светофорного регулирования, обустройства дорожных ограждений, разметки дорог и применения дорожных знаков, говорится в постановлении.

Кабинет Министров постановил обеспечить безопасность участников дорожного движения на основе применения инновационных технологий и светоотражающих материалов при нанесении разметки, обустройстве пешеходных переходов, создать условия для максимального удобства, и комфорта пользователей автомобильных дорог, снижение негативного влияния транспорта на экологию, за счет озеленения, широкое внедрение IT-технологий в обустройство и эксплуатацию автомобильных дорог, а также снижение расходов при эксплуатации автомобильных дорог, за счет увеличения качества строительства. С 2019 года началось производство и установка на магистральных автомобильных дорогах и центральных городских улицах **электронных информационно-указательных и предупреждающих знаков** с использованием энергосберегающих технологий и источников солнечной энергии. До конца года поручено утвердить **требования к оснащению автомобильных дорог дорожными знаками, разметкой и другими элементами регулирования движения** с учетом современных международных стандартов и дифференцированного подхода к цветовой гамме с преобладанием зеленого цвета для информационно-указательных знаков. Намечено привлечение иностранного инвестора для создания **совместного предприятия по производству и эксплуатации дорожных знаков, красок и термопласта** для разметок и других элементов регулирования дорожного движения.

Рассматривая зарубежный опыт проектирования и управления автомобильных дорог, мы обращаем внимание на опыт развитых стран. Опыт европейских стран показывает, что развитие дорожной сети и транспортной инфраструктуры определяет интенсивность экономических связей и является одним из важнейших условий развития экономики страны. Активный рост экономики государства может быть ограничен и даже остановлен инфраструктурными ограничениями, в основе которых лежит низкое качество дорог и низкая пропускная способность инфраструктурных объектов дорожной сети (мостов, тоннелей). В большинстве развитых стран, в том числе в Германии, Японии, США, формирование сети автомобильных дорог осуществлялось в рамках долгосрочных государственных программ, устанавливающих показатели развития дорожной сети и соответствующие этим показателям объемы финансирования. Евросоюз рассматривает вопросы формирования трансъвропейской дорожной сети и соответствующей транспортной инфраструктуры с возможностью интеграции в нее новых стран-членов ЕС. Приоритетные проекты развития дорожной сети финансируются за счет государства или при участии государства, в том числе в рамках проектов государственно-частного партнерства. Важным достижением зарубежного дорожного строительства являются автобаны, или автомагистрали, то есть дороги, по своим эксплуатационным качествам предусмотренные для скоростного движения транспортных средств и имеющие одноуровневых пересечений с другими дорогами, железнодорожными и трамвайными путями, пешеходными и велосипедными дорожками. С конструктивной точки зрения, существенной особенностью автобанов является наличие не менее двух полос для движения в каждом направлении, наличие между направлениями движения разделительной конструкции в виде барьера или другого строительнотехнического сооружения аналогичного назначения, а также наличие в определенных местах широкой обочины для остановки транспортного средства в случае возникновения его неисправности или в ином непредвиденном случае, выезды и съезды автобана оборудованы полосами замедления и ускорения.

В Европе существуют единые требования к скоростным автомагистралям: не менее двух полос движения в одном направлении, полное разделение встречных

пересекающихся транспортных потоков в разных уровнях, наличие разделительной полосы шириной 3,5-4 м с разделительными не глухими заграждениями между встречными потоками движения, несущая поверхность полотна дороги в виде бетона с асфальтовым покрытием, обеспечение автоматизированного трафика и динамическое определение рекомендуемой скорости движения транспортных средств в зависимости от загруженности дороги, погодных условий и иных объективных условий, и обстоятельств. В европейской практике стратегическое планирование транспортной инфраструктуры базируется на одном из двух основных подходов: ориентация на спрос – принимается во внимание выявленная и желаемая степень мобильности, ориентация на цель – принимаются во внимание политические цели. Оба подхода – и ориентация на спрос, и ориентация на цель – подтверждаются технико-экономическим обоснованием и возможностью финансирования проекта из различных источников.

В Соединенных Штатах Америки предусмотрены как ответственность за невыполнение требований к качеству дороги, в том числе и в случае незначительного снижения показателей, характеризующих качество, так и поощрение за превышение нормативных требований показателей качества дорог. В качестве поощрения предусмотрено дополнительное финансовое вознаграждение. В Китайской Народной Республике фирмами создаются высококачественные автомобильные дороги. Также фирмы обеспечивают высокую скорость прокладки дорог. Так, за час умельцы прокладывают 750 метров дороги, не уступающей качеством передовым европейским странам. В Японии основной материал, из которого строят дороги, — бетон в силу большой прочности, долгому времени эксплуатации и неприхотливости к весу. Благодаря ему японцы строят многоэтажные дорожные развязки. В строительстве и создании проектов дорог принимают участие десятки специалистов, каждый из которых несет ответственность за определенный участок.

В заключении хотелось отметить, что системный подход – это методология рассмотрения разного рода комплексов, позволяющая глубже и лучше осмыслить их сущность и найти оптимальные пути и методы воздействия на развитие таких комплексов и систему управления ими. Результатом деятельности отрасли дорожного хозяйства в конечном итоге является качество дорог. Совершенствовать систему управления дорожного хозяйства, значить создать взаимосвязь с внешней и внутренней средой отрасли, совершенствовать систему планирования, на что сильно влияет система информатизации, которая быть достоверной, а также улучшить систему принятия решений, т.е. каждое принятие решения должно основываться на научно-обоснованные материалы, осуществление контроля деятельности каждого хозяйствующего субъекта отрасли должно осуществляться на основе законов и принципов управления. Особенностью дорожной отрасли является ее высокая социальная и экономическая значимость, от эффективного функционирования этой системы зависят качество жизни всех слоев населения и развитие экономики в целом.

*Абишов Мухаммад Сарсенбаевич, доцент,
Сейфуллаева Айзада Толибековна, магистр,
Нукусский филиал ТашГАУ*

РАЗВИТИЕ МАЛОГО БИЗНЕСА В АГРОПРОМЫШЛЕННОМ КОМПЛЕКСЕ

Современный этап формирования и развития рыночных отношений в Узбекистане характеризуется достижением нового уровня экономического роста, установлением прочной социально-экономической стабильности. Реализация поставленных задач процессе широкого реформирования экономики, демократизации и обновления общества, модернизации и реформирования страны, требует проведения значительных мер на новом этапе развития нашей национальной экономики.

Аграрно-производственный комплекс – совокупность нескольких отраслей национальной экономики, направленных на производство и переработку сельскохозяйственного сырья, его хранение и получение из него продукции, доводимой до конечного потребителя при устойчивых внутренних, межрегиональных и внешнеэкономических связях, стабильности рыночных отношений, в том числе социальных, производственных сфер обслуживания.

АПК, на наш взгляд, следует рассматривать как новую систему агропромышленного комплекса, которая развивается в рамках спроса и предложения, на рынке исходя из требований и условий, складывающихся в рамках социально ориентированных рыночных соотношений. Агропромышленный комплекс - это категория, которая в основном является теневой экономикой, которая не всегда полностью отвечает требованиям формирования системы производства продукции и распределения продукции в рыночной экономике.

В настоящее время структурными частями устойчивой цепочки, объединяющей систему сельскохозяйственного производства, являются банки розничного рынка сельскохозяйственной продукции, система кредитования производства и распределения продукции, сельскохозяйственного сырья, создание научных и инновационных проектов, консультации и обслуживание, и многое другое.

В нашей стране развитие частного предпринимательства в агропромышленном комплексе имеет большое социально-экономическое значение. Широкое применение производственной продукции и местного сырья в агропромышленном комплексе является одним из приоритетных задач экономической политики страны. В то же время одной из самых актуальных проблем на сегодня является укрепление научно-теоретической базы масштабного развития частного предпринимательства в агропромышленном комплексе. Сегодня доля агропромышленного комплекса в валовом внутреннем продукте Узбекистана составляет почти 45%. А это значит, рациональное использование потенциала частного предпринимательства даёт возможность увеличения доли экспорта агропромышленной продукции. В связи с этим необходимо развитие малого бизнеса в агропромышленном комплексе, обеспечение занятости молодежи в сельской местности, принятие определённых мер в поддержке малого бизнеса.

Благодаря созданию сильных стимулов для устойчивого развития частного предпринимательства и малого бизнеса в период экономической либерализации, количество трудоспособных малых предприятий увеличилось, и приблизительно 75% общей численности занятого населения приходилось на этот сектор.¹⁸¹ С этой точки зрения, для развития малого бизнеса необходимо продлить сроки налоговых и кредитных льгот, создать и развить благоприятные условия труда. А это, в свою очередь, требует соответствия теоретическим и практическим нормам повышения производительности предпринимательской деятельности.

Предпринимательство - это самостоятельная. Осуществляемая на свой риск деятельность, направленная на систематическое получение прибыли от пользования имуществом, продажи товаров, выполнения работ и оказания услуг. Приняты и реализуются конкретные меры, направленные на увеличение доли малого бизнеса и частного предпринимательства в ВВП страны, внедрение инновационных технологий в аграрном секторе, переработку сельхозпродукции по потребностям и повышение доли экспорта, на развитие малого бизнеса и др.; выдаются льготные кредиты частным предпринимателям.

Для обеспечения быстрого роста сельского хозяйства необходимо развитие предпринимательства в отрасли, что требует инвестиции.

¹⁸¹ <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти.

В сельском хозяйстве частный сектор состоит из малых и средних предприятий, фермеров и дехканских хозяйств. Для этих хозяйств общими аспектами являются наличие частной собственности, свободное ведение хозяйства на свободном рынке, в то время как частные стороны - это объём производства и различные технологии, наличие и отсутствие естественного потребления, деятельность по спросу государства, свободная цена, сертификация, собственный труд и применение наёмной рабочей силы и т.д.

Основными задачами в развитии малого бизнеса и предпринимательства в сельском хозяйстве являются:

- снижение налоговой нагрузки на все хозяйствующие субъекты;
- создание надежной системы сырьевого обеспечения малых и средних предприятий;
- унификация условий налогообложения для всех налогоплательщиков, устранение целевых и необоснованных льгот;
- снижение налоговой нагрузки с фонда оплаты труда;
- упрощение системы отчетности для малых и средних предприятий;
- необходимо усилить систему государственной поддержки развития внешнеэкономической деятельности.

таблица 1.

Формы бизнеса	Сферы деятельности	Субъекты	Формы собственности
Частная собственность	Производство сельскохозяйственной продукции:	- фермерские хозяйства; - Дехканские хозяйства.	Частная собственность
	Услуга:	- малые предприятия культурно-бытового обслуживания; - торговые предприятия; - Пункты платного обслуживания.	Частная собственность
	Переработка:	- малые предприятия по переработке овощей и фруктов; - малые предприятия по обработке зерна.	Частная собственность

В результате экономических реформ в агропромышленном комплексе были сформированы хозяйствующие субъекты, основанные на разных формах собственности в соответствии с рыночной экономикой. Некоторые виды собственности были приватизированы, а собственность была, приобрела форму частного и корпоративного предпринимательства (таблица 1).¹⁸² Культурно-материальные и торговые объекты в сфере услуг были приватизированы, и созданы частные хозяйства. В результате высокой производительности труда предприятия по переработке сельскохозяйственной продукции были преобразованы в акционерные общества. В частном секторе были созданы только малые предприятия по переработке фруктов и овощей.¹⁸³

Предпринимательство в агропромышленном комплексе отражает частные экономические отношения без изменения социально-экономического смысла. Во-первых, земля - основной ресурс экономических отношений. Во-вторых, деятельность предприятий агропромышленного комплекса связана с сезонностью сельского хозяйства и природно-климатическими условиями. В-третьих, субъекты хозяйствования в сети развиваются взаимосвязанной.

Профессионализм как форма социального участия не только способствует увеличению потенциала общества, но и демонстрирует способность человека создать благоприятную среду для роста национального богатства и в процессе глобальной

¹⁸² <http://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.

¹⁸³ Ғ.А.Саматов Ғ.А., Рустамова И.Б. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш. – Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – 158 б.

интеграции. В стране уделяется большое внимание развитию предпринимательства и укреплению его правовой базы.

В заключение следует отметить, что для устойчивого развития агропромышленного комплекса необходимо определить формы собственности малого бизнеса, а также определить особенности и этапы развития предпринимательской деятельности в системе агропромышленного комплекса.

*Мухитдинова Камола Алишеровна, PhD, кат.ўқитувчи,
Джораева Шахзода Сайфулла қизи, талаба,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКА ЖАРАЁНЛАРИДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Бугунги кунда транспорт-логистика хизматлари бозорини ривожлантириш ва мамлакатимиз транспорт-транзит имкониятларини кенгайтириш бўйича катта ҳажмдаги инвестициялар жалб қилинмоқда. Бироқ, транспорт логистикаси соҳасида инвестициялашга оид тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни бажариш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш бил

ан боғлиқ ягона сиёсатнинг мавжуд эмаслиги транспорт хизматлари бозорида инвестициялар ҳисобига янги техника ва технологиялар ҳамда илғор хориж тажрибаларини етарли даражада қўллашга имкон бермайди¹⁸⁴. Маълумки, маҳсулот ва хизматларни яратишдан то истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган даврнинг 90 фоизгача ҳажми транспорт-логистика жараёнларига тўғри келиб, у ўз ичига ташишдан ташқари харидларни бошқариш, захираларни бошқариш, омбор ишлари, маҳсулот тақсимотини бошқариш, юкларни қайта ишлаш, қадоқлаш, ортиш-тушириш, логистик ахборот технологиялари ва интеграл логистик тизимларни бошқаришни ўз ичига олади. Аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларига хавфсиз, сифатли ва арзон бўлган барча турдаги юк ва йўловчи ташиш ҳамда бошқа транспорт-логистика хизматларини кўрсатиш мазкур жараёнларни комплекс тарзда амалга ошириш самарадорлигига бевосита боғлиқдир. Бу асосан ушбу корхоналар инвестицион фаолиятининг йўналишини белгилаб беради ва уларга, масалан, ўз маблағлари ва қарз капиталининг самаралхи комбинацияси, турли фаолият турларининг хавф даражасини баҳолаш ва уларнинг мувозанатига эришиш, шунингдек, режалаштириш ва амалга ошириш учун профессионал бошқарув ходимларини жалб қилиш каби стратегик вазифаларни қўяди.

Кучли рақобат муҳити автомобиль транспорти операторларининг хизмат кўрсатиш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиши учун ишлаб чиқариш бошқарувининг барча воситалари ва усулларида максимал даражада фойдаланишни тақозо этади. Ушбу масалани ижобий ҳал этиш корхонада ишлаб чиқариш сиёсатини талаб даражасида юритиш орқали амалга оширилиши мумкин. Мазкур сиёсат транспорт-логистика хизматлари турларини танлаш, яратиш, тариф белгилаш ва уларни миқдорларга тақдим этишга қадар бўлган босқичлардаги асосий қоидаларни белгилаб бериб, корхонанинг танланган бозор сегментидаги ўрнини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, миқдорлар сонини ошириб бориш, рақобат курашида устунликка эришишни таъминлаш ва пировард натижада фойда ҳажмини кўпайтиришга йўналтирилади. Бунда: ресурс тежамкорлигига эришиш; транспорт-логистика хизматлари кўрсатиш ҳажмини ошириш; бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатиш таннархини пасайтириш ва ҳажмини ошириш эвазига натижадорлик таъминланади¹⁸⁵.

¹⁸⁴ Мухитдинова К.А. Автомобиль транспорти корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг инвестицион таъминоти ва ундан самарали фойдаланишнинг иқтисодий асослари. // Бизнес-эксперт. 2019. –№4(136), –Б. 65

¹⁸⁵ Қодиров Т.У. Автомобиль транспортида ишлаб чиқаришни ташкил этишга тизимли ёндашув методологияси. // ТАЙИ хабарномаси. –Т.: 2017. –№3. –Б. 54.

Маълумки, бугунги транспорт иқтисодиётига оид илмий адабиётларда транспорт хизматлари кўрсатиш 3 та базавий жараёнларга: ташиш, ёрдамчи хизматлар ва таъминот жараёнларига бўлиб ўрганилади. Ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнини ташкил этиш масалалари ҳар бир базавий жараёнлар кўламида алоҳида кўриб чиқилади. Чунки транспорт хизматлари кўрсатиш тизимида бошқариш бир маротабали ёки айрим ҳаракатлар бўлмай, балки ўзаро мураккаб бирлашган жараёндир. Базавий ташкилий жараёнларни бошқариш нисбатан бир қатор мустақил, аммо бир-бирига боғлиқ функциялардир¹⁸⁶. Шунинг учун транспорт логистика корхоналарида горизонтал интеграциялашган ва диверсификацияланган тузилмаларни яратиш стратегик эҳтиёжи иқтисодий фаолиятнинг синергетик самарадорлигига эришиш зарурлиги билан асосланади. Транспорти логистика корхоналари ва улар инвестицион фаолиятининг асосий йўналишлари учун стратегик синергияларнинг энг муҳим кўринишлари акс эттирилган. Демак, корпоратив инвестицион жараёни ташкил қилиш орқали бозорда транспорт логистика хизматларининг стратегик рақобатбардошлигини таъминлашга, инвестиция ресурсларининг самарадорлигига, умумий корпоратив хавф даражасининг нисбатан паст бўлишига ва келажакда корхона бозор қийматининг ўсишига эришиш мумкин.

*Мухитдинова Камола Алишеровна, PhD, кат.ўқитувчи,
Қосимов Миржалол Шухрат ўғли, магистр,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ДАСТУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Маълумки, инвестицион дастурни шакллантиришнинг келтирилган вазифалари кўп жиҳатдан муқобил ҳисобланади. Мисол учун, капиталнинг юқори суръатларда ўсиши маълум даражада жорий даромадлар даражаси пасайиши ҳисобидан таъминланади; капитал ва даромадларнинг ўсиши инвестицион хавфлар даражаси билан бевосита боғлиқ; етарли даражада тўлов қобилиятини таъминлаш инвестицион дастурга узоқ муддатда капитал ўсишини таъминловчи лойиҳалар ва юқори даромадли катта ҳажмдаги капитал талаб этувчи инвестицион лойиҳалар киритилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Инвестицион дастурни шакллантириш мақсадлари муқобиллигини ҳисобга олиб, транспорт корхонаси маълум муддатга инвестицион фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, инвестицион стратегиясини тасдиқлаш, инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиши керак¹⁸⁷.

Автомобиль транспорти корхонасининг инвестицион дастурини шакллантириш қуйидаги вазифалардан бир ёки бир нечтасининг ечимини таъминлаши керак:

-даромадларнинг юқори суръатлар билан ўсишига эришиш. Ушбу масала корхонанинг доимий равишда тўлов қобилиятини кўллаб-қувватлаши учун шароит яратувчи юқори даромадли лойиҳаларни амалга ошириш орқали ечилади.

-жорий сарф-харажатларни қисқартириш. Бу вазифа тежамкор эксплуатацион харажатлар бўлган лойиҳаларни амалга ошириш орқали бажарилади.

-рентабеллиги юқори бўлган лойиҳаларни амалга ошириш орқали ҳал этилади.

-капиталнинг юқори суръатларда ўсишига эришиш. Бу вазифа даромаднинг соф дисконт қиймати юқори бўлган лойиҳаларини амалга ошириш ёрдамида бажарилади.

¹⁸⁶ Қодиров Т.У. Автомобиль транспортида ишлаб чиқариш жараёнлари бошқарувини ташкил этишга услубий ёндашув. // ТАЙИ хабарномаси. –Т.: 2017. – №2. – Б. 83.

¹⁸⁷ Подсорин В.А., Иванов К.Н. Инвестиционная политика транспортной компании: учебное пособие– М.: МИИТ, 2011. – 108 с.

Илмий ва методик адабиётларда¹⁸⁸ келтирилган инвестицион дастурни шакллантириш босқичларини корхоналарда транспорт операторлари ишлаш шароитларига мослаштириб, қуйидагиларни ажратиш мумкин:

1. Ҳаракатдаги таркибни янгилаш дастури лойиҳаларида транспорт корхонасининг инвестицион стратегияси мақсадларига аниқлик киритиш. Бунинг учун ривожланиш мақсадлари кўрсаткичлари маълум тўплами билан аниқлик киритилади.

2. Инвестицион ресурслар мавжудлиги, инвестицион бозор ҳолати ва бошқа омиллардан қатъий назар транспорт корхонасининг инвестицион имкониятларининг идентификацияси. Танловга жалб қилинган инвестицион лойиҳалар сони инвестицион дастурни амалга оширишда кўзда тутилган сонидан анча ошган бўлиши керак.

3. Транспорт корхонасининг инвестицион дастурини инвестицион ресурслар ҳажми ва тузилмасини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш пропорцияларини оптималлаштириш.

4. Транспорт корхонасининг инвестицион лойиҳалар самарадорлиги мезонларини алоҳида турлари бўйича асослаб бериш. Бунда инвестицион лойиҳаларни ажратиш мезонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: соф дисконт даромади, рентабеллик индекси, даромадлилик ички меъёри, ўзини қоплаш муддати. Лойиҳаларни саралаб олишнинг асосий мезони транспорт корхонасининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари билан боғланган бўлиши лозим¹⁸⁹.

5. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш. Чуқур таҳлил учун инвестицион лойиҳаларни бирламчи саралаш, инвестицион лойиҳалар самарадорлиги мезонларига мос келмайдиган лойиҳалар умумий тўпламидан саралаб олиш. Транспорт корхонасининг инвестицион дастурини шакллантиришда одатда мустақил инвестицион лойиҳалар жалб қилиниб, уларни амалга ошириш тўғрисида қарор фақатгина уларнинг самарадорлиги асосида қабул қилинади. Агар ресурслар етарли бўлса, у ҳолда самарали бўлган барча мустақил инвестицион лойиҳалар амалга ошириш учун қабул қилиниши керак.

6. Ҳаракатдаги таркибни янгилаш дастурининг чекловлар, шу қаторда ишлаб чиқариш ва молиявий чекловлари тизимини шакллантириш.

7. Инвестицион фаолиятни оптималлаштириш ҳамда устувор мезон бўйича зарур диверсификацияни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда транспорт корхонасининг ҳаракатдаги таркибни янгилаш дастурига инвестицион лойиҳаларни якуний саралаб олиш.

Бунда қуйидаги чекловлар қўйилиши мумкин:

-ташишлар ҳажмининг чегараланганлиги. Бу ҳолда фаолиятнинг устувор йўналиши ташишларни мумкин бўлган ҳажмларгача ошириш ҳамда асосий йўналиш сифатида инвестициялар бирлигига ташишлар ҳажми кўрсаткичи ишлатилади.

-инвестицион ресурсларнинг чегараланганлиги. Бу ҳолда лойиҳаларни амалга ошириш инвестицион фаолият ҳажми ошиши билан жалб қилиш қиймати ва ҳажми ошиб борувчи қарз капиталидан фойдаланиш билан боғлиқ.

-инвестицион ресурслар умумий ҳажмининг чегараланганлиги. Бунда лойиҳаларни амалга ошириш инвестицион дастурининг тузилмаси ва уни таъминловчи манбаларни оптималлаштириш билан боғлиқ¹⁹⁰.

8. Ҳаракатдаги таркибни янгилаш бўйича инвестицион дастурни тасдиқлаш ва амалга ошириш.

¹⁸⁸ Подсорин В.А. Воспроизводство основного капитала компании в условиях кризиса. // Транспорт, наука, техника и управление. Научно-информационный сборник. ВИНТИ – № 8, 2009. – С. 65; Бабаев Т.С. Экономическое обоснование программы обновления подвижного состава грузовой транспортной компании: Дис. канд. экон. наук. – М., 2009. –68 с.; Бланк И.А. Основы финансового менеджмента. Т.1. – К.: Ника-Центр, Эльга, 2001. – 92 с.

¹⁸⁹ Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционных проектов. – М.: Экономика, 2000. – 42 с.

¹⁹⁰ Мухитдинова К.А. Инвестиционная привлекательность автомобильного сектора. // Корпоратив молияни бошқаришнинг замонавий усуллари: қўлланилиш ва ривожлантириш масалалари. Рес.илм.-амал.анж. материал. тўплами. ТДИУ, 3 март 2016. –Б. 410-412

Хулоса қилиб айтганда, автомобиль транспорти корхонаси инвестицион дастурини шакллантиришда кўп босқичли бўлишини таъминлаш инвестицияларни бошқариш жараёнини корхонанинг стратегик мақсадларига мувофиқ такомиллаштириш, самарали инвестицион лойиҳаларни ажратиб олиш, унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, инвестицион ресурслардан, шу жумладан қарз капиталидан самарали фойдаланишни таъминлаш имконини беради.

*Мухитдинова Камола Алишеровна, и.ф.ф.д. (PhD),
Алижоновна Хилола, талаба,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИНГ ТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Ҳар қандай транспорт корхонасининг келажакдаги фаолиятини башоратлашда ҳисобга олинган бир неча омиллар мавжуд. Биринчидан, автомобиль транспорти корхонаси мавжуд ҳаракатидаги таркибини модернизациялаши ва янгиларини сотиб олиши учун катта ҳажмдаги инвестицияларга эҳтиёж сезади, бу ўз навбатида рентабелликнинг пасайиши, ташиш харажатларининг ошиши билан биргаликда банк кредитларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча харажатларга ҳам олиб келади. Иккинчидан, ёқилғи-мойлаш ва бошқа энергия ресурслари нархининг ўсиши даромадларнинг пасайишига олиб келади, янги лойиҳаларни ривожлантириш ва уларни қайта тиклашни секинлаштиради. Ниҳоят, ижтимоий аҳамиятга молик ташувлар учун тарифларни тартибга солиш келажакдаги фойда миқдорининг ноаниқлиги туфайли транспорт хизматлари бизнеси хавфини оширади.

Лойиҳани молиялаштириш механизмларидан фойдаланган ҳолда, турли лойиҳа иштирокчилари, жумладан, унинг ташаббускори, кредиторлар, давлат, мол етказиб берувчилар ҳамда истеъмолчилар ўртасида инвестицион хавфларни аниқ-таниқ равишда қайта тақсимлаш мумкин. Кўп томонлама шартномалар асосида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш келажакдаги пул оқимларининг ноаниқлигини минималлаштириш ҳамда лойиҳаларнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга имкон беради.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг яна бир муҳим воситаси - давлат-хусусий сектори ҳамкорлиги механизми ҳудудий транспорт комплексли йўл тармоқларини ривожлантиришга ва диверсификацияланган транспорт-логистика корхоналарини ташкил этишга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга оширишда қўшма инвестицияларни назарда тутади. Давлат-хусусий сектори ҳамкорлиги доирасида давлат хусусий инвесторларнинг инвестицион жозибадорлигини оширадиган лойиҳалар инфратузилмаси компонентида етакчи инвесторлик масъулиятини ўз зиммасига олади.

Ниҳоят, автомобиль транспорти тизимида инвестицион дастурларини амалга оширишнинг потенциал имкониятларидан бири юқори даражада экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилишидир. Бундай дастурларда иссиқхона газлари чиқариш ҳажмини чеклаш ёки Кёто протоколи деб аталадиган битимлар асосида чет эл сармоясини жалб қилиш мумкин. Ушбу протокол, агар улар атроф-муҳитга таъсирини камайтиришга ва янги экологик тоза хизмат кўрсатиш ёки ишлаб чиқариш тизимини яратишга қаратилган бўлса, инвестицион лойиҳаларни қисман хорижий манбалар асосида молиялаш имконини беради¹⁹¹. Демак миллий иқтисодиёт хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро алоқаларини кенгайтириш ва аҳоли мобиллигини ошириш талабларидан келиб чиқиб, транспорт корхоналарни ривожлантириш қуйидаги вазифаларни самарали ҳал қилиш билан амалга оширилиши мумкин: транспорт-логистика хизматлари ҳажмини ошириш ва

¹⁹¹ Мухитдинова К.А. Analysis and evaluation of sources of investment in automotive transport enterprises. // South Asian Journal of Marketing and Management Research. 2020. (SJIF=7.11), №Vol.10, Issue 4, April. –Б.74

янгиларини таклиф этиш; ташишда замонавий транспорт воситалари, технологиялар ва ишлаб чиқариш усулларини қўллаш; янги транспорт хизматлари бозорларини эгаллаш; техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва сервис, транспорт-логистика хизматларини кўрсатиш жараёнлари ҳамда ходимларни бошқаришда замонавий усулларни қўллаш¹⁹².

Мазкур вазифалар истиқболли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан ҳал этилади. Унинг асосини автомобиль транспортига жалб қилинувчи инвестиция ҳажми, энг аввало, транспорт хизматини кўрсатиш бозорида юк ва йўловчи ташишга бўлган талабни сифат ва миқдор жиҳатдан қондира оладиган замонавий автомобиль транспорти воситалари, йўл инфратузилмаси тармоқлари ва бошқа моддий-техника базасига бўлган эҳтиёж ташкил этади.

Ахмедов Отабек Бегижанович, кат.ўқитувчи, ТАҚИ

**ЁШЛАРДА ИННОВАЦИОН ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ЁШЛАРНИ
ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИШ ОМИЛИ СИФАТИДА**

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишнинг асосий мақсадларидан бири мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шаклларини устувор ривожлантиришдан иборат. Бу мақсадни амалга ошириш учун иқтисодий ислохотлар ўтказилди, унинг ролини ошириш учун йирик институционал асослар яратилди. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни кафолатловчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, тадбиркорларга қўмаклашувчи нодавлат ташкилотлар, корхоналар шулар жумласига киради. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналари мажмуини ташкил этиш муваффақиятли бормоқда.

Ҳар қандай тадбиркорлик маълум бир ҳудудда: мамлакат, вилоят, шаҳар ёки қишлоқ миқёсида олиб борилади. Тадбиркорлик фаолиятини самарали олиб бориш учун маълум бир ишчи муҳити бўлиши керак. Бундай муҳит айрим ҳудудлар миқёсида мужассамланиб, ўзида ишбилармонлик функцияларини амалга оширишни мужассамлантирган. Умумий ҳолда тадбиркорлик муҳити асосан қўйидаги тўртта омил: ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги натижасида амалга оширилади. Улар ижобий ёки рағбатлантириш кўринишида ҳам шаклланиши мумкин. Ушбу ҳолда мамлакат ёки минтақадаги мавжуд шарт-шароитлар тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун мос бўлади. Чунки, бундай муҳит тадбиркорга амалга ошираётган ишларининг натижалари қандай бўлишини олдиндан кўра билишига кенг имконият туғдиради. Тадбиркорнинг ўз иши натижаларини олдиндан кўра билиши таваккаллик тушунчасига тескари ҳолда ифода этилади. Агар тадбиркор маълум бир муҳитда таваккалчилик асосида фаолият кўрсатаётган бўлса, у ҳолда у ўзгарувчанлик, барқарорсизлик, таваккалчилик билан тавсифланади. Бундай муҳит юқорида келтирилган ижобий муҳитга тўғри келмайди. Амалда кўп ҳолларда тадбиркорлик муҳитининг маълум бир омили тадбиркорнинг иш натижаларига асосий таъсир кўрсатади, деб бўлмайди. Чунки, тадбиркорни кўпроқ тадбиркорлик муҳитини белгиловчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги қизиқтиради.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес юритиш, иқтисодиётимизга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун зарур шароит ва қулай муҳит яратиш борасида улкан ишларни амалга оширилиб келинмоқда. Айни пайтда, мамлакатимиздаги ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитининг бугунги ҳолати эркин бозор иқтисодиётининг талаб ва принциплари, умумий халқаро нормаларга тўлиқ жавоб беради. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ўрта синфни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

¹⁹² Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти рақобатдошлиги: ташкилий-иқтисодий механизмлар. Монография. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. –72 б.

Айнан мазкур секторни мустаҳкамлаш ҳисобига мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорликдан, демократик туб ўзгаришлардан манфаатдор бўлган ижтимоий қатлам шаклланди. Кейинги йилларда замонавий бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган бир қатор мамлакатларда гигант корхоналар бажарган аввалги кўп вазифаларни мобиль, яъни ихчам, кичик корхоналар томонидан амалга ошириш жараёни кузатилмоқда. Айнан шу сабабларга кўра, йирик саноат корхоналари сони қисқариб, кичик корхоналар сони кескин суръатларда ортиб бормоқда. Бу жараён бозор иқтисодиётининг динамик, ҳаракатчан, янгиликларга ҳозиржавоб тарзда ўсиши, бозордаги талаб ва унинг ўзгаришига тез мослашувчан бўлишни таъминламоқда. Шунга мувофиқ, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар корхоналари билан рақобатбардошлик даражаси ортишига имкон берадиган энг муҳим омиллардан бири кичик корхоналар бутун бир тармоғини вужудга келтиришга имкон берадиган қулай шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлиб, бундай корхоналар йиғиндиси соғлом рақобатли бозор муҳитини яратиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўсиб бориши ички бозорни сифатли ва рақобатбардош товарлар билан тўлдириш, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, жаҳон бозори талабларига мос, экспортбоп маҳсулотларни кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш, аввало, ёшларни иш билан таъминлашнинг, шу асосда аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган шахслар дастлаб, албатта, давлат ҳокимиятидан рўйхатдан ўтишлари зарур. Акс ҳолда рўйхатдан ўтмасдан ўз фаолиятини амалга оширган шахс қонунчиликка мувофиқ маъмурий ва молиявий жаримага тортилади. Республикаимизда тадбиркорликнинг яна бир кенг тарқалган тури – бу яқка тартибдаги тадбиркорликдир (ушбу фаолият билан шуғулланувчиларни патент олиб савдо қилувчи тадбиркорлар номи билан аташ оммалашган).

Ҳар бир давр ёшларининг билим даражаси, фикрлаши, дунёқараши, маънавий қиёфасига қараб ўша жамиятнинг эртанги кунини аниқ тасаввур этиш мумкин. Зеро, ёшлар жамиятнинг туб негизи, аҳолининг илғор қатлами, келажакнинг ишончли эгаларидир. Бозор муносабатларига ўтиш даврида устувор ҳисобланган давлат илмий-техника сиёсатининг моҳияти республика ички талабини тез қондирадиган, жаҳон бозорида рақобатбардош бўла оладиган, иқтисодиёт тармоқлари тубдан янгиланишига имкон берадиган илмий ва технологик тадқиқотларга кўмаклашишдан иборат.

Давлат инновацион сиёсати маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳолининг турмуш сифати ва даражасини ошириш, технологик ва экологик хавфсизлигини таъминлаш учун инновацион фаолият устуворликларини тан олишдан келиб чиқиб шакллантирилади ва амалга оширилади.

Давлат инновацион сиёсатининг асосий мақсади инновацион фаолият учун маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигининг ўсиши, фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини ҳал этишни таъминлайдиган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг муҳофаа қобилятини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади: ёшларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар, хом-ашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш; ёшлар орқали кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ва қулай бўлган ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни яратиб беришни узликсизлигини таъминлаш; давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан ёшларнинг ўз бизнесини бошлаши учун мақсадли кредитлар ажратиш ва уларнинг сарфини таъминлашда тизимли назоратини йўлга қўйиш; ёшлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада

ривожлантириш орқали ўрта синфни шакллантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган зарур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни замон талаблари асосида янада такомиллаштириш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган таклифларни амалга оширилиши ёшларнинг мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришдаги ҳиссаларини янада оширишда, уларнинг миллий мафкура ҳамда умумхалқ манфаатларининг фаол курашчисига айланишида муҳим омил вазифасини бажаради. Ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш давр талаби, шунингдек олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари битирувчилари ва қишлоқ ёшларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишнинг фаол тадбирларини амалга ошириш, миллий иқтисодиётимизни ривожлантиради ва аҳолини бандлик муаммосини ҳал этишга ёрдам беради. Айтиш мумкин тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ҳамда бу соҳада маълум самараларга эришиш учун Ўзбекистон Республикасида қулай бизнес муҳит яратилаганлиги эътироф этиш лозим.

*Атаханова Шахноза Сайпуллаевна, кат. ўқитувчи,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ

Ўзбекистоннинг экспорт-импорт юкларини ташиш 1990-йиллар бошларида, асосан, шимолий йўналишдаги 2-3 транспорт йўлаги орқали амалга оширилган бўлса, бугунги кунга келиб, бундай юмушларни бажариш учун ўнлаб йўлаклардан фойдаланиш имконияти яратилди. Маълумки, дунёда халқаро мақомдаги 80 дан ортиқ транспорт йўлаги бор, уларнинг 44 таси юртимиз ҳудудидан ўтади. Ўзбекистон транспортда ташувларни тартибга солувчи тўққизта халқаро конвенция ҳамда иккита битимга қўшилган. Бундан ташқари, Европа ва Осиё қитъалари, МДХнинг 30 га яқин давлатлари билан тузилган ҳукуматлараро битим, 70 дан зиёд мамлакат аъзо ҳисобланган Автомобиль транспорти халқаро иттифоқи билан ҳамкорлик юртимизда логистика хизматининг янада ривожланишини таъминлаб келмоқда.

Ҳозирги пайтда 200 дан ортиқ транспорт компанияси Ўзбекистон автомобилларда халқаро юк ташувчилар уюшмасининг аъзоси ҳисобланади. Агар 2008 йилда бу компаниялар томонидан 560,2 минг тонна экспорт-импорт юклари ташилган бўлса, 2015 йилга келиб, мазкур кўрсаткич 1583,2 минг тоннага етди, яъни 2,8 баробар ошди. Мазкур уюшма Автомобиль транспорти халқаро иттифоқида, шунингдек, чет элдаги ташкилотлар олдида миллий юк ташувчиларимизнинг соҳа фаолиятига доир барча масала бўйича манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Тегишли рухсатнома ҳамда бошқа ҳужжатларга бўлган эҳтиёжларини кафолатлайди. Хусусан, Carnet–TIR дафтарчалари халқаро иттифоққа аъзо барча давлат ҳудудидан божхона текширувларисиз ўтиш имкониятини яратади. Масалан, ўтган йилнинг февраль ойида бундай қулайликдан 833 та миллий юк ташувчи субъект фойдаланган бўлса, жорий йилнинг худди шу даврида уларнинг сони 1040 тадан ошди.

Мамлакатимизда темир йўл логистикасини тараққий эттириш бўйича ҳам анча-мунча ишлар олиб борилапти. Яқин пайтга қадар тадбиркору фермерларимиз юкларни ишлаб чиқарувчи ва етиштирувчидан истеъмолчига етказишни ташкил этиш билангина чекланиб келишар эди. Ҳозирги кунда эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқаро ҳамда ички йўналишларда ташиш бўйича “Эшикдан — эшиккача” тамойили асосида божхонадан ўтказиш, қадоқлаш, сақлаш сингари хизматларни бажарувчи тизим шаклланимоқда. Бу эса, ўз навбатида, соҳада фаолият юритаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни тақозо этади. Тошкент автомобиль-йўллар институти, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университетидан соҳа учун малакали кадрлар тайёрланаётгани бу

борада қўл келмокда. Тез орада Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг логистика факультети ҳам ўз эшикларини очади. Қайд этиш жоизки, мазкур олий ўқув юрти Жанубий Кореянинг мазкур соҳада таълим берувчи энг етакчи илм даргоҳлари қаторида туради.

Ўзбекистонда логистик марказлар ҳамда хабларни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмокда. Бу жараёнда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳам муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, улар таҳсилини ташкил этишда маҳаллий логистика ва транспорт корхоналари билан ҳамкорликда иш юритиш режалаштирилган. Иқтисодийнинг ўсиш суръатлари транспорт хизматлари тараққиёти билан уйғун равишда кечади. Жумладан, ялпи ички маҳсулотнинг йилига ўртача 8 фоиздан барқарор юксалиши учун юк ташиш ҳажмининг ўсиши 10 фоиздан кам бўлмаслиги, транспорт тармоғига йўналтириладиган инвестициялар миқдори эса ўтган йилдагига нисбатан 15 фоиздан зиёдроқни ташкил қилиши лозим.

Moody's рейтинг агентлигининг энг сўнгги прогнозига кўра, дунё автомобиль бозори 2020 йилда 20 фоизга қисқарди. Ўзбекистонда кўрилган чоралар туфайли пандемиянинг машинасозлик соҳасига салбий таъсирини камайитиришга эришилмокда. Инвестиция ялпи талабнинг таркибий қисмидир. Шу сабабли, инвестициялар ортса, у ялпи талаб ва унинг ортидан қисқа муддатли иқтисодий ўсишни оширишга ёрдам беради. Агар қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд бўлса, инвестицияларнинг кўпайиши ва ялпи талабнинг ортиши иқтисодий ўсиш суръатини оширади. Ўн иккита йирик ривожланаётган мамлакатларнинг 1991-2013 йиллар орасидаги иқтисодий кўрсаткичлари ўрганилганда, инвестиция ҳажмининг бир фоизга ортиши ЯИМнинг 0,24 фоизга ортишига олиб келиши аниқланган. Шу билан бирга, инвестицион параметрлари бир-бирига яқин мамлакатларда инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсири бир неча марта фарқ қилиши мумкин. Бунинг асосий сабаби инвестицион лойиҳаларни танлаш, амалга оширишдаги камчиликлар ва соҳадаги таркибий муаммолар билан изоҳланади.

Машинасозлик соҳаси бутун дунёда COVID-19 пандемиясидан энг салбий таъсир қилган соҳалардан бири ҳисобланади. Euler Hermes суғурта компаниясининг ҳисоботларига кўра, транспорт соҳасидан кейинги ўринда энг катта салбий таъсир айнан автомобилсозлик ва машинасозлик соҳаларига тўғри келиши таъкидланган. Moody's рейтинг агентлигининг энг сўнгги прогнозига кўра, дунё автомобиль бозори 2020 йилда 20 фоизга қисқарди.

2020 йил I ярим йиллик натижаларига кўра, пандемиянинг Ўзбекистон автомобилсозлик саноатига таъсири нисбатан юмшоқ ўтганлиги айтиб ўтилган. «Ўзавтосаноат» АЖ таркибига кирувчи корхоналарнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилнинг январь-июнь ойларида 16,9 трлн. сўмга етиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,9 фоизни ташкил этди. Мазкур даврда энгил автомобилларни ишлаб чиқариш ҳажми деярли 20 фоизга ортди, лекин автобус ва юк автотранспорти ишлаб чиқариш ҳажми 32 фоизга камайди.

Ўзбекистонда инвестицион дастурлар 2020 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4563-сон Президент қарори билан тасдиқланган. Қарорга асосан, Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурида 850,5 трлн сўм инвестициялар, шу жумладан, 35,5 млрд АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилган. Ундан ташқари 2020 йилда 206 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ва 31 мингдан зиёд иш ўринлари яратилишини назарда тутувчи йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларини ишга тушириш манзилли дастури кўрсатилган. Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар жумладан, машинасозлик соҳасида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар қуйидагилардан иборат:

“Ўзавтосаноат” АЖ тизимида 2017-2019 йилларда жами 27,1 миллион АҚШ долларлик инвестицион лойиҳалар амалга оширилган, шу жумладан, 17,3 миллион АҚШ доллари ўз маблағлари ва 9,8 миллион АҚШ доллари банк кредитлари ҳисобига. Инвестицион лойиҳалар Андижон вилоятида (автомат узатмали Спарк автомобили ишлаб чиқишни йўлга қўйиш), Фарғона вилоятида («Автоойна» МЧЖда янги ойнани чиниқтириш ва олдиндан ишлов бериш линиясида хавфсиз автомобиль ойналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш), Тошкент вилоятининг Бекобод туманида (икки ва уч ғилдиракли мототцикллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш) амалга оширилди. 2017 йилда амалга оширилган инвестицион лойиҳалар натижасида 60 та ишчи ўрни яратилди. 2019 йилда бу кўрсаткич эса 140 ишчи ўрнини ташкил этди. Йирик соҳа учун янги иш ўринларининг камлиги аввалги йилларда меъёрдан ортиқ ишчи-ходимлар ишга олингани билан изоҳланади. Соҳа корхоналарида ушбу ходимларнинг бир қисмини янги ишлаб чиқариш бўлиналарига ўтказиш тизими жорий этилган.

Ҳозирги кунда 2019-2023 йилларга режалаштирилган 5 та инвестицион лойиҳа доирасида қарийб 667 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилиши режага киритилган. Шу жумладан, 2020 йил якунига қадар 107,2 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиши кутилмоқда.

1-лойиҳа. 2019-2023 йилларда умумий қиймати 50 миллион АҚШ доллари бўлган корхоналарни модернизация қилиш ва эскирган технологик асбоб-ускуналар ҳамда қопилларни янгилаш лойиҳаси. Ушбу Лойиҳа бўйича, бизнес режа ишлаб чиқилган, «Ўзавтосаноат» АЖ таркибига кирувчи корхоналардаги янгиланиши лозим ускуналар рўйхати белгиланган. Технологик ускуналарни етказиб бериш бўйича шартномалар 2020 йил давомида босқичма-босқич тузилади. 2021-2023 йилларда ускуналарни ишлаб чиқариш, манзилгача етказиш ва ўрнатиш ишлари олиб борилади.

2-лойиҳа. 2020-2022 йилларда умумий қиймати 534,3 миллион АҚШ доллари бўлган янги автомобиль моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси. Лойиҳа бўйича 2022 йил сўнггига қадар қўшимча 190 минг автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга линия йўлга қўйилади. Лойиҳанинг техник иқтисодий асоси «ЎзавтоМоторс» акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиб, лицензия ва муҳандислик-технологик ишланмаларини амалга ошириш бўйича шартномалар имзоланди. Ушбу шартномалар асосида илк тўловлар амалга оширилди. Пандемия туфайли 2020 йил учун режалаштирилган капитал қуйилмаларнинг 70 миллион АҚШ доллари миқдоридаги қисмини ўз вақтида ўзлаштирамаслик хавфи мавжуд.

3-лойиҳа. 2020-2022 йилларда умумий қиймати 50,0 миллион АҚШ доллари бўлган "Uzlogistic" МЧЖ базасида логистика компаниясини яратиш. Лойиҳа бўйича потенциал стратегик шерикларни қидириш ишлари олиб борилмоқда. Pantos (Корея) ва Unico (Корея) корхоналари билан музокаралар давом этмоқда. Шу билан бирга, «Ўзавто Моторс» АЖ томонидан ўз хиссасини қўшиб, "Uzlogistic" МЧЖ устав капиталини ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

4-лойиҳа. 2020-2022 йилларда умумий қиймати 30,0 миллион АҚШ доллари бўлган «Самавто» МЧЖ да ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси. Лойиҳа параметрларига кўра, қўшимча 10 минг донагача техника ишлаб чиқариш имкони яратилади. Ҳозирги кунда асосий ушлаб турувчи устун, девор ва туннель қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳа институти томонидан янги ишлаб чиқариш комплекси, омборлар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва экспертизадан ўтган. Шунингдек, ҳозирда металлга ишлов бериш цехи бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

5-лойиҳа. Хоразм вилоятида штампланган қисмларни ишлаб чиқариш, муддати 2020-2021 й., умумий қиймати 2,5 миллион АҚШ доллари. Лойиҳанинг техник иқтисодий асоси ишлаб чиқилган, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Қурилиш-монтаж ишлари бошланиши шу йилнинг 3 кварталда режалаштирилган. Пудратчи томонидан

Hyundai Rotem, SIMPAC, WIWA va boşka press-uskunalarни etkazib beruvchi kompaniyalar bilan muzokaralar olib borilmoqda.

Bundan tashqari, maħalliyлаштириш дастури асосида 2020 йил январь-июнь ойларида маħаллий бутловчи қисм ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан жами 216 турдаги импорт қилинаётган бутловчи қисмларни ўзлаштириши таъминланди. Бунинг натижасида жами 10 та лойиҳа бўйича 209,2 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, шундан 0,5 млн. долларлик маҳсулот экспортга юборилди.

«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ томонидан 2017-2019 йиллар мобайнида фақат иккита инвестицион лойиҳа амалга оширилган.

Биринчи лойиҳа «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ корхонасини модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш бўлиб, 13,6 миллион АҚШ доллари сарфланган ва 100 ишчи ўрни яратилган. Қайта жиҳозлаш сабабли универсал пахта культиватор, чизель культиватор, механик буғдой экиш сеялка, канал қазигич, текислагич, озуқабоб экинларни йиғиш косилкаси, тўрт қаторлик пневматик сеялка каби қишлоқ хўжалигига зарур кенг турдаги тиркама ва осма қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарилган.

Иккинчи лойиҳа «Амкодор-Агротехмаш» МЧЖ Қўшма корхонасида қурилиш техникасини ишлаб чиқариш лойиҳаси бўлиб, 35 киши иш билан таъминланган. Техник иқтисодий асосга кўра, 2 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги банк кредити ва 2,5 миллион АҚШ доллари хорижий инвестиция жалб этилиши кўзда тутилган, лекин лойиҳа қиймати 2,26 млн. долларгача қисқариб, «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятининг ўз маблағлари ҳисобига яқунланган. 2020-2021 йилларга эса «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ томонидан умумий қиймати 44,9 млн. доллар бўлган иккита йирик инвестицион лойиҳа амалга оширилмоқда.

1-лойиҳа. Умумий қиймати 41 миллион АҚШ доллари бўлган металл буюмларни куйиш замонавий цехини ишга тушириш. Ҳозирги кунга қадар "GEMCO« (Голландия) компанияси билан умумий қиймати 20,2 млн. евролик шартнома имзоланди, ускуналар учун аванс тўлови амалга оширилди. Ускуналарнинг биринчи қисми жорий йилнинг сентябрь ойида етказиб берилиши кутилмоқда. Инвестиция лойиҳасининг техник иқтисодий асоси ишлаб чиқилди ва молиялаштириш учун «Asaka» банкига тақдим қилинди. Ҳозирда лойиҳа доирасида молиялаштиришни очиш бўйича ишлар оlib борилмоқда. Лойиҳанинг биринчи босқичида 2020 йилнинг сўнгига қадар йилига 12 минг тонна металлни қайта ишлаш йўлга қўйилади. Лойиҳанинг якуний қайта ишлаш қуввати 30 минг тоннага етказилади.

2-лойиҳа. Умумий қиймати 3,9 миллион АҚШ доллари бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларига кабиналарни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш. Лойиҳани амалга ошириш учун мавжуд бино ва иншоотлардан фойдаланиш сабабли, қурилиш ишлари талаб қилинмади. Кабиналарни бўяш, пайвандлаш ва йиғиш асбоб ускуналари ўрнатилди ва ишга туширилди, кабиналарнинг техник ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Натижада лойиҳада 3 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ тежалди. Лойиҳани ишга тушириш ҳисобига 456 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 60 та янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон ва ҳамкор мамлакатлардаги карантин чоралари туфайли, инвестицион дастурлар бўйича 2020 йилга белгиланган тадбирларларнинг бир қисми 2021-2022 йилларга тақсимланиши кутилмоқда. 2021 йилги давлат дастурига оид президент фармони лойиҳасидан коронавирус пандемияси шароитида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини давом эттириш ҳам ўрин олган. Унга кўра, куйидагиларнинг амал қилиш муддати 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилади:

- туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларига берилган ер ва мол-мулк солиғини тўлаш бўйича имтиёзларга оид 20 мингта тадбиркорлик субъектининг 2020 йил якунига қадар кечиктирилган 400 миллиард сўмни қайтариши;
- президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон фармонида назарда тутилган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича пенялар ҳисобланишини тўхтатиб туриш, шунингдек солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари кўрилишига чеклов (2020 йил 31 декабрь ҳолатига мавжуд солиқ қарзга нисбатан);
- президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон фармонида назарда тутилган микрофирма, кичик корхона ва яқка тартибдаги тадбиркорларга маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза бермасдан туриб солиқ органларини хабардор қилган ҳолда мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича берилган фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тартиби.

Юқорида санаб ўтилган лойиҳалардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида кўрилган чоралар туфайли пандемиянинг машинасозлик соҳасига салбий таъсирини камайтиришга эришилмоқда. Автомобилсозлик соҳасининг маҳсулотларига талабни кўллаб-қувватлаш мақсадида молиявий инструментлардан фойдаланиш кенгайтирилмоқда, хусусан, кредит ва бўлиб тўлаш шартлари асосида автомобилларни сотиш таклифлари тобора кенг қўлланилмоқда. Шу билан бирга, инвестицион дастурларнинг муваффақияти бир йилда ўзлаштирилган маблағлар билан эмас, чет эл инвестициясини жалб қилиш ҳажми, янги яратилган иш ўринлари ва маҳсулот таннархини неча фоиз пасайтирилгани билан баҳоланиши тўғри бўлади.

*Зияева Дилором Сайпуллаевна, кат.ўқитувчи,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИК ОМИЛЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ

Бозор шароитида ишлаб чиқариш корхоналари саноат маҳсулотларини реализация қилишда кўзда тутилган фойдага эга бўлиши учун саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация жараёнларида рақобатбардош омилларни шакллантириши ва самарали бошқаришга эришишлари зарур. Рақобатбардош омилларни шакллантиришда албатта инновациялардан, инновацияларни амалга оширишда инвестициялардан ва реализация жараёнининг тезлашувини амалга ошириш учун стратегик маркетингдан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Назарий ва амалий тадқиқотлари асосида бозор шароитида ишлаб чиқариш корхоналаридаги қуйидагича рақобатбардошлик омилларни шакллантиришни таклиф этади:

Биринчидан, корхонада юқори ва рақобатбардош малакали мутахассисларни ишга жалб этиш.

Иккинчидан, саноат корхоналарида республикамиздаги, Миллий ҳамдўстлик ёки хорижий давлатлардаги самарали инновациялардан фойдаланиш.

Учинчидан, инновацияларни амалга ошириш учун самарали инвестицияларни жалб этиш.

Тўртинчидан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун республикамиздаги яратилган барча имкониятлардан тўлалигича фойдаланиш.

Бешинчидан, корхона фаолиятини рақобатбардош стратегик режалар асосида олиб бориш.

Олтинчидан, маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ва реализациясида замонавий маркетинг стратегиясидан унумли фойдаланиш.

Мисол учун корхона фаолиятида шундай ҳолат юзага келди, яъни корхонада рақобатбардошлик омиллари шакллантирилди, чунончи, корхонада юқори ва

рақобатбардош малакали мутахассислар ишга жалб этилди, инновациялардан фойдаланиш йўлга қўйилди, самарали инвестициялар жалб этилди, саноат корхоналари учун республикамиздаги яратилган барча имкониятлардан фойдаланилди, корхона фаолиятини рақобатбардош стратегик режалар асосида олиб борилди, бироқ корхона рақобатбардош фаолиятга эга бўлмади. Демак, бундай ҳолларда рақобатбардошлик омилларини шакллантирилди-ю, лекин уларни амалга оширишдаги олиб борилган бошқарувда хатоликлар вужудга келди. Масалан: корхонада юқори ва рақобатбардош малакали мутахассислар ишга жалб этилди, бироқ уларга шарт-шароитлар яратилмади ёки корхона раҳбарияти ва улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар етарлича мақсадга мувофиқ олиб борилмади, ёхуд аксинча, уларнинг фаолиятларида назорат суст олиб борилди; инновациялардан фойдаланиш йўлга қўйилди ва инвестициялар ҳам жалб этилди, бироқ инновация ва инвестиция жараёнларидаги бошқарувда хатолик ва камчиликларга йўл қўйилди; республикамиздаги имкониятлардан ҳам, замонавий маркетинг стратегиясидан ҳам фойдаланилди, лекин корхона фаолиятида олиб борилган бошқарув бу имкониятлардан ва стратегиядан самарали фойдаланишга халақит берди.

Корхонада бундай ҳоллар юзага келмаслиги учун ундаги бошқарув юқорида санаб ўтилган рақобатбардош омилларга мос олиб бориши заруриятдир. Бозор шароитида корхонанинг бошқарувига бозор механизмларининг ҳаракатланиш траекторияси ўз таъсирини кўрсатади, яъни бу траектория ишлаб чиқарувчи, сотувчи(маклер, брокер, дилер кабилар) ва харидорларнинг иқтисодий муносабатлари орқали ҳосил бўлади. Агар ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотларини рақобатбардош ва истеъмолбоп чиқарса, у ҳолда унинг бозордаги ҳаракатланиш траекторияси тезда ҳосил бўлади. Агар сотувчи бозорнинг самарали маркетинг таҳлилига эга бўлса, у ҳолда у бозорбоп маҳсулотларни сотувга қўяди ва у бозордаги илдам ҳаракатланиш механизмлари орқали фойда кўради. Агар харидор ишлаб чиқарувчининг ёки сотувчининг таклифини инобатга олган ҳолда кафолатланган маҳсулотларни сотиб олса, унинг истеъмол хусусиятлари харидор учун самара беради. Юқорида санаб ўтилган барча сабабларни инобатга олиб, муаллиф корxonани рақобатбардошликка эга бўлиши учун рақобатбардошлик омилларининг ҳар бирига индивидуал ёндашув орқали бошқаришни таклиф этади. Ушбу таклиф этилган схематик бошқарув усулларида фойдаланиш бозор муносабатларини ривожланишида корхонанинг рақобатбардошлигини оширишга кенг имкониятлар яратади.

Гиязова Нозима Баязовна, кат.ўқитувчи, БухДУ

ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бозор иқтисодиётининг назорат механизми, асосан, рақобат категорияси орқали амалга оширилади. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳозирда рақобат курашининг усули ҳам, шакли ҳам бир қадар ўзгарган бўлиб, рақобатда устунликка асосий эътибор қаратилмоқда. *Шу боисдан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешик устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу каби улкан вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири саналган тўқимачилик саноати корхоналарида стратегик рақобатбардош устунликларнинг корхона барқарор ривожланишига таъсирини диагностикалаш орқали рақобатда устунлиги асосида барқарор ривожланиш даражасини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.*

Амалиёт шунини кўрсатадики, корхонанинг барқарор ривожланиши кенг доирадаги омиллар таъсирида шаклланади, лекин унинг асосини рақобатбардошлик ташкил этади. Шунинг учун ҳам айрим тадқиқотчилар корхона барқарорлигини унинг рақобат салоҳиятидан келиб чиқиб баҳолашни таклиф этадилар. Рақобат салоҳияти рақобат

устунликлари асосида шаклланади. Рақобат назарияси, рақобат афзалликларини бошқариш бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётларда М. Портернинг энг кўп асарлари келтирилган. Рақобат афзаллиги ёки рақобатбардошликга бағишланган барча адабиётларда унинг "Халқаро рақобат" китобига мурожаат қилинади. Унда М. Портер уларнинг ҳар бири ўзига хос рақобат устунлигига асосланган ғояга асосланган типик стратегиялар мажмуини таклиф этди. Компания ўзига мос рақобат устунликларидан фойдаланса ва ишлаб чиқса, танланган стратегияни амалга ошириши мумкин бўлади. Бунинг учун компания қайси рақобат устунлигини олишни ва қайси соҳада: паст харажатлар ёки маҳсулотни фарқлашни ҳал қилиши керак?. Арзон нархлардаги рақобат устунлигини танлаш рақобатчига нисбатан паст нархда таққосланадиган маҳсулотни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва сотиш демакдир. Маҳсулотни рақобатчи баҳосида сотиш компанияга катта фойда олиш имконини беради.

Барқарорлик халқаро ҳужжатларда (масалан, «Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Рио Декларацияси», «XXI аср кун тартиби», шунингдек, конвенциялар ва кўп томонлама шартномалар асосида глобал аҳамиятга эга бўлган муайян масалаларни қабул қилиш каби таъсир тамойилларини ўрнатиш ва қабул қилиш доирасида тизимнинг меъёр даражасида ишлашни давом эттириш қобилиятини назарда тутди. Барқарорлик аҳоли сони ва мавжуд табиий ресурслар ўртасидаги мувозанатни талаб қилади. Бир соҳанинг эҳтиёжларини ва тегишли тармоқларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сонини ҳисобга олиш керак, аммо бунда келажак авлодлар эҳтиёжларини инкор этмаслик лозим.

Республикамиз тўқимачилик саноат корхоналари иқтисодий ҳолати таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, барқарор ривожланишни таъминлаш учун рақобатбардош устунликларга эга бўлиш ва уларни доимий равишда ривожлантириш зарур. Шу боисдан, барқарор ривожланиш омиллари ҳамда имкониятларини излаб топиш учун, бизнингча, чуқурроқ тарзда самарали усулларни қўллаган ҳолда кенг қамровли диагностикани амалга ошириш талаб этилади. Шунинг учун биз томондан тўқимачилик саноати корхоналари ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг барқарор ривожланиш даражасини диагностика қилиш услубини ишлаб чиқдик. Ушбу услубга асосан, тўқимачилик корхоналари барқарор риволаниш даражаси диагностикаси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

Биринчи босқич «Саноат корхонасининг барқарор ривожланиш даражаси диагностикаси»;

Иккинчи босқич «Саноат корхонасининг мавжуд рақобатбардош устунликларини аниқлаш ва баҳолаш»;

Учинчи босқичда «Стратегик рақобатбардош устунликларнинг саноат корхонасининг барқарор ривожланишига таъсирини баҳолаш».

Стратегик рақобат устунликларининг тўқимачилик саноати корхоналарининг барқарор ривожланишига таъсирини диагностикалаш услубияти қоидалари муҳокама қилиниб, зарур ҳисоб-китоблар ва қўшимча маълумотлар талаб этилади. Биринчи босқич қуйидаги масалаларни камраб олади:

баҳолаш учун эмпирик асосни танлаш;

кўрсаткичларни ишончли манбалардан йиғиш ва уларни дастлабки қайта ишлаш;

текширилаётган тўқимачилик корхонасининг барқарор ривожланиш компонентлари учун хусусий ва умумий интеграл кўрсаткичларни ҳисоблаш;

олинган натижалар талқини;

сўровда қатнашган тўқимачилик корхоналарнинг барқарор ривожланишини белгиловчи асосий компонентларни аниқлаш.

Диагностикалаш услубиятини синовдан ўтказиш учун эмпирик асос сифатида "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси таркибига кирувчи бир нечта тўқимачилик корхоналарини танладик.

Куйидаги ҳолатлар корхоналарни танлашни аниқлаб берди:

биринчи гуруҳ корхоналари бир ҳудудда жойлашганлиги. Шу муносабат билан «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг таркибига кирувчи танланган корхоналари учун ҳудудий даражадаги стратегик рақобат афзалликлари бир хил;

мавжуд ва янги корхоналарни вакиллик қилиш барқарор ривожланишни таъминлаш шартларини таққослаш учун зарурдир. Биринчи ҳолда, стратегик рақобат афзалликлари орасида устуворлик саноат хусусиятлари билан белгиланганларга берилади, иккинчи ҳолда «Рақобатчилар билан табақалашув» ва «Янги имкониятлар» гуруҳларидан стратегик рақобат устунликларини шакллантиришга дарҳол эътибор берилади, чунки, улардан бозор муносабатларини тўқимачилик тармоғига киритиш, иккинчидан, ягона миллий пахта-тўқимачилик кластери тизимини ривожлантириш учун инновацион сценарийни амалга ошириш учун фойдаланиш мумкин.

Барқарор ривожланишнинг риск компоненти кенг маънода корхонанинг ички мулки бўлиб, у ташқи ва ички муҳитнинг турли хил хавотирли таъсирлари натижасида унинг яхлитлигини потенциал ўзгартириш орқали сақлаб қолишга ёрдам беради. Таваккалчилик таркибий қисми стратегик ва тактик таваккалчилик омиллари ва фаолиятини бошқариш жараёнларини тўқимачилик саноати корхонасининг барқарор ривожланишини таъминлаш каби тарзда боғлаш қобилиятини тавсифлайди.

Тадқиқот жараёнида хавф-хатар компоненти модели мезон ва кўрсаткичлар тизимига асосланиб тўқимачилик корхоналарида барқарор ривожланиш даражасини ҳисоблаш усули интеграл кўрсаткични қўлаган ҳолда такомиллаштирилди. Унинг мезони сифатида тўқимачилик саноати корхонасининг ташқи ва ички муҳитининг ишлаб чиқариш, хўжалик ва хўжалик фаолиятига таъсирини баҳолаш қўлланилади. Интеграл кўрсаткич ички ва ташқи муҳитнинг стратегик ва тактик хавф омиллари кўрсаткичларидан иборат бўлиб, (1) формула ёрдамида ҳисобланади:

$$R_x = \sqrt{T_x * C_x} \quad (1)$$

бу ерда, T_x – тўқимачилик корхонаси барқарорлигига таъсир этувчи тактик хавф омиллари кўрсаткичи;

C_x – тўқимачилик корхонаси барқарорлигига таъсир этувчи стратегик хавф омиллари кўрсаткичи.

Корхона турига, фаолият соҳасига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турига қараб ҳар бир корхона унинг барқарор ривожланиш даражасига экологик хавф омилларининг таъсир даражасини тавсифловчи энг муҳим кўрсаткичларни аниқлайди.

Хусусий ва интеграл коэффицентларни ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотлар ўрганилаётган тўқимачилик корхоналар томонидан эксперт ишининг таркибий қисми сифатида тақдим этилди.

Барқарор ривожланишни таъминлашнинг асосий таркибий қисми барқарор иқтисодий ҳолат ҳисобланади. Иқтисодий барқарорлик даражасини баҳоловчи хусусий интеграл коэффицентнинг қиймати бошқа хусусий интеграл коэффицентлар орасида энг юқоридир. Бунинг сабаби шундаки, тўқимачилик корхонасини яратиш бўйича янги лойиҳани ишлаб чиқишда бозор муносабатлари механизмлари рақобат шароитида амалга оширилди ва ҳақиқатдаги мавжуд муаммолар ечимига мос келадиган янги стратегик рақобат афзалликлари - технологик, техник, дизайн, бошқарув ва ташкилий инновациялар жорий этилди.

Хусусий ва интеграл коэффицентларни ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотлар ўрганилаётган тўқимачилик корхоналар томонидан эксперт ишининг таркибий қисми сифатида тақдим этилди. Ҳисоб-китоблар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи 6 та корхона маълумотлари асосида олиб борилди. Маълумотлар шуни кўрсатадики, нормал барқарор ривожланиш даражаси «COTTON TEXTILE» МЧЖ учун хос бўлган. Барқарор ривожланишни таъминлашнинг асосий таркибий қисми барқарор

иктисодий ҳолат ҳисобланади. Иқтисодий барқарорлик даражасини баҳоловчи хусусий интеграл коэффициентнинг қиймати бошқа хусусий интеграл коэффициентлар орасида энг юқоридир.

Амалда мавжуд вазиятни таҳлил қилиш натижалари асосида тўқимачилик корхоналарида стратегик рақобат устунликларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: тўқимачилик маҳсулотлари истеъмолчиларининг келажак эҳтиёжларини олдиндан англай билиш; қулай институционал муҳитни яратиш; инновация фаолиятини фаоллаштириш; маркетинг фаолиятини фаоллаштириш; етарлича жавоб бера оладиган бошқарув тизими самарадорлигини ошириш; омиллар ва меҳнат шароитларининг тез ўзгаришига ўз вақтида муносиб жавоб бера оладиган бошқарув тизими самарадорлигини ошириш;

*Турабекова Гулираъно Исламовна, стар.преподватель,
Абдулазизов Бекзод Дониёр угли, студент,
Усманов Шерали Нурали угли, студент,
ТашГТУ имени Ислама Каримова*

ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ХИМИЧЕСКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Нефть и газ как сырье в химической индустрии применяется довольно нередко. В Узбекистане на нынешний денек насчитывается 125 месторождений нефти и 210 месторождений свободного газа. Цена нефти и газа на 50-60% выгоднее чем в иностранных государствах. В Республике Узбекистан организационно-химическая индустрию дает собой целостную корпоративную структуру, образованна в форме АО «Uzkimyosanoat», в которую входят 13 промышленных предприятий, научно-исследовательский и проектные ВУЗы, внешнеэкономические транспортно-экспедиторские организации «Киметранс» и «Кимётранс-логистик» и брокерская фирма «Хамкор-кимёсервис». В собственные работы строго управляется законодательством республики «Об акционерных обществах и обороне прав акционера». С запуском в 2010 году ООО «Дехканабадского завода лийных удобрений» в республике сделаны все обстоятельства для обеспечения сельскохозяйственной ветви минеральными удобрениями, имеющие фосфор, азот и калий. Впрочем, для совершенствования технического состояния производств, наращивания объёмов изготовления, понижения себестоимости продукции и увеличения конкурентоспособности выпускаемой продукции на наружном рынке этих значительных мер мало. В реальное время толика химической индустрии в ВВП республики составила всего в пределах 1%.

Распоряжение Президента «О мерах по ускоренному развитию химической индустрии Республики Узбекистан» от 25 октября 2018 года положило начало масштабной реформе. Ведущими направленностями становления и диверсификации химической ветви в документе определено надлежащее: расширение номенклатуры совершаемой продукции с высочайшей добавленной ценой на базе глубочайшей переработки углеводородного сырья и минеральных ресурсов; создание свежих и модернизация деятельных производственных мощностей; уменьшение роли страны в уставном капитале компаний химической индустрии, вербование прямых вложений в ветвь, становление кооперационных связей меж предприятиями ветви и субъектами предпринимательства; интенсивное становление науки и отраслевых научных изучений, интеграция в создание современных разработок; увеличение свойства проектно-инжиниринговых дел и исследовательских изучений, организация действенной системы подготовки и переподготовки сотрудииков.

В частности, в реальное время в составе АО «Узкимёсаноат» работают 11 больших и средних химической компаний, которые изготавливают больше 90 обликов продукции. В 2019 году предприятиями АО приготовлено 1216,9 тыс. тонн минеральных удобрений, в что количестве азотных - 898,3 тыс. тонн, фосфорных - 119,4 и калийных - 199,1. Ими еще выпущено 88,1 тыс. тонн кальцинированной соды и 21,5 - каустической.

За 1-ое полугодие 2020-го предприятиями АО «Узкимёсаноат» произведено товарной продукции на 3669,8 миллиардов сумов, темп подъема изготовления к подобному периоду 2019-го составил 100 %. В собственную очередь размер изготовления потребительских продуктов - 34,8 миллиардов сумов.

В настоящее время предприятия отрасли полностью покрывают внутреннюю необходимость в азотных и калийных удобрениях. Потребность в фосфорных удобрениях покрывается оценочно на уровне 20 процентов, в связи с чем предусмотрена модернизация их производства на АО «Аммофос-Максам» и АО «Кукон суперфосфат заводи» с доведением мощности до 220 тысяч тонн и 350 тысяч тонн простого суперфосфата соответственно. Также на базе АО «Самаркандкимё» предусмотрено строительство объектов по производству комплексных минеральных удобрений мощностью 600 тысяч тонн, в том числе 300 тысяч - моноаммонийфосфата и 300 тысяч - сложных минеральных удобрений.

Как показывает анализ технологического оборудования химической промышленности, на предприятиях львиную долю все еще занимает морально и технологично устарелое оборудование, состояние которых оставляет желать лучшего. Состояние оборудования предприятия приводит к длительному ремонту при поломках, простоя оборудования или же к срыву сроков поставок готовой продукции. А ремонт и техническое обслуживание предприятия приводит к огромным затратам. Также к простоя оборудования приводит срывы поставок сырья, электроэнергии что приводит раннему выходу из строя оборудования. Все это приводит к существенному снижению качества продукции и увеличению ее себестоимости. В настоящее время одной из самых энергоёмких и материалоемких промышленностей республики остается химическая отрасль.

С целью наращивания экспортного потенциала отрасли в 2020 году планируется наладить производство 35 видов локализованной продукции на 1 831,1 млрд сумов, из которых 15 видов, ранее не производившихся в стране, - на 830,9 млрд. Согласно планам промышленной кооперации, в текущем году будет изготовлено 15 видов локализованной продукции на 1678 млрд сумов. Ожидается, что ее экспорт составит 5,376 млн долларов.

АО «Узкимёсаноат» в 2021 году планирует наладить производство 53 видов локализованной продукции на 2442,6 млрд сумов, из которых 33, ранее не производившихся, - на 1184,3 миллиарда. На основе промышленной кооперации планируется произвести 31 вид ее на 1714 млрд сумов.

Благодаря своевременным мерам по созданию необходимых условий для бесперебойной работы промышленности в период пандемии корона вируса в первом полугодии 2020 года продолжена активная работа по устойчивому развитию предприятий химической отрасли. Ведется последовательная работа по расширению номенклатуры выпускаемой продукции на основе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, выпуску импортозамещающей и экспорт ориентированной готовой продукции и обеспечению эффективности производства.

Сейчас в АО «Узкимёсаноат» ведется работа по 52 инвестиционным проектам. Общая стоимость объектов составляет около 9,7 млрд долларов. Из них 21 проект находится в активной фазе осуществления, 18 - обозначены в качестве перспективных на ближайшие годы, 8 - на стадии изучения и 6 - отданы на реализацию частным предпринимателям. В результате предполагается производство более 150 наименований

продукции на общую сумму 4,3 млрд долларов в год и создание почти 6 тысяч рабочих мест. Работа ведется по направлениям производства продукции неорганической химии (15 проектов), органической химии (23), полимеров (12) и НИОКР (2). Их реализация позволит расширить объемы экспорта продукции на 1,5 млрд долларов и сократить импорт на 1,1 млрд долларов.

Так, в настоящее время в АО «Навоиазот» проектируется вторая очередь комплекса по производству поливинилхлорида, каустической соды и метанола, который был запущен 28 декабря прош-лого года. Ожидается, что стоимость проекта составит около 440 млн долларов. Его реализация позволит трудоустроить 650 человек и обеспечит производство продукции на 132 миллиона долларов в год. Внедрение современных технологий производства позволяет обеспечить глубокую переработку и экономию сырьевых ресурсов.

На базе АО «Навоиазот» также ведется активная работа по ускоренной реализации проекта по выпуску карбамидоформальдегидного концентрата. Ввод в эксплуатацию этого объекта стоимостью более 18 млн долларов намечен на март следующего года, что позволит производить раствор на девять миллионов долларов и экспортировать его на миллион долларов в год. В результате будет создано 50 рабочих мест.

Президент Шавкат Мирзиёев 16 июля в режиме видеоконференцсвязи ознакомился с новыми проектами в нефтегазохимической, электротехнической и фармацевтической промышленности. Было указано на необходимость последовательного продолжения работы по налаживанию выпуска синтетических волокон, полиэфирных смол, полимеров, ароматических углеводородов, востребованных в сфере строительства, автомобильной и фармацевтической промышленности.

Ещё раз план ценой 25 млн \$, который намечается запустить в сентябре 2021 года в Навоинской области, учитывает создание перекиси водорода, обширно применяемой в лекарственной индустрии, текстильном производстве, медицине и обстановке. План дозволит изготавливать продукцию на 20 млн \$ в год и сделает 50 трудящихся пространств.

В марте текущего года в Юкоричирчикском регионе Ташкентской области запущен 1-ый период плана по производству реагентов на базе карбоксиметилцеллюлозные ценой 12 млн \$. Предоставленная продукция популярна в сферах постройки, буровых дел, пищевой индустрии и медицины. Предполагается, собственно, что впоследствии окончания всех 4 рубежей до 2023 года станет обеспечено импорт замещение и вывоз на 9 и 13 млн \$ в соответствии с этим. Еще ожидается создание 100 трудящихся пространств.

В Яшнабадском регионе Ташкента реализуется план по выпуску 8 обливок вспененного полипропилена, который обширно применяется в производстве теплоизолирующих и защитных материалов, авто сидений, игрушек и иной продукции. За счет пуска плана ценой 5 млн \$ в августе 2021 года станет сотворено 40 трудящихся пространств.

В собственную очередь в АО «Узкимёсаноат» проводится неизменная работа по расширению интернациональной кооперации. В мае текущего года подписан Меморандум о общей реализации планов с турецкой фирмой Calik Enerji Sanayi ve Ticaret A.S., предусматривающий реализацию общих планов по организации изготовления широкой линейки продукции на основе формальдегида и линейного алкилбензола на земли Узбекистана. Ожидаемый суммарный размер вложений оформляет 458,6 млн \$. С их пуском станет выполняться товарная продукция на 1425 миллиардов сумов в год, сделают 135 трудящихся пространств.

Между более многообещающих планов АО «Навоиазот», пуск коих намечен на 2021 год, идет по стопам упомянуть создание акриловой кислоты, суперабсорбента и акрилатов на базе метилакрилата. Общая ожидаемая цена объекта, на котором намечается трудоустроить 500 человек, оформляет в пределах 650 млн \$. Это дозволит изготавливать

продукцию на необходимую сумму в пределах 200 млн \$ каждый год, из коих на 120 млн \$ станет экспорто-ориентированная.

За последние 3 года в республике получилось решить главные трудности, сдерживавшие ее становление в направлении длительного времени, связанные с неплатежеспособностью покупателей и нехваткой средств на становление.

*Курбанова Дилдора Абдурахмоновна, ассистент,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР – БЕТОН САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда саноат корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини ошириш, уларнинг моддий техник базасини модернизация қилиш ва “Яшил техника - технологиялар”дан фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш жараёнини соғломлаштириш ва шу билан бирга атроф – муҳит муҳофазасини таъминлаш каби масалаларга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, сўнгги уч йил давомида чиқиндиларни тартибга солиш ишларига 742 та махсус техника харид қилинган, 204 та чиқинди полигонларида модернизация ишлари амалга оширилган ва бу ишларни бажарилишига умумий ҳисобда давлат бюджетидан 390 миллиард сўм ажратилган. Ҳозирги кунда санитар – тозалаш хизматлари билан аҳолининг қамраб олиниш даражаси 60 %ни ташкил этади. Табиатга юқори ва ўрта хавф даражасига эга 240 нафар йирик саноат объектларида клининг ускуналари ўрнатилди ва корхоналар тасарруфидаги жорий ишлаб чиқариш фондларини модернизациялаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш вазифалари белгилаб берилди.¹⁹³

Ҳақиқатдан ҳам чиқиндиларнинг бошқариш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳали кўп. Энг аввало, чиқиндиларнинг классификациясини шакллантириш ва қайта тикланиш хусусиятига эга чиқиндилардан қайта фойдаланишни йўлга қўйиш тизимини ишлаб чиқиш зарур. Саноат корхоналари фаолиятида темирбетон маҳсулотларидан қайта фойдаланиш деярли қўйилмаган бўлиб, ТБМ яроқсиз ҳолга келгандан сўнг қарийб барча ҳолларда маҳсулотлар корхоналар/ ташкилотлар ҳисобидан чиқарилар эди. Ҳисобдан чиқарилган маҳсулотларнинг ўрнини тўлдириш учун янги маҳсулотларнинг ҳариди, ўз навбатида темирбетон саноати корхоналари ёки буюртмачи бошқа корхона/ ташкилотларнинг молиявий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси темир – бетон ишлаб чиқариш саноати корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини оширишда қуйидаги чора – тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Темир – бетон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг асосий фондлар тузилмасига доир кенг кўламли ривожлантириш ва модернизация ишларини олиб бориш зарур. Бунинг учун:

- Тармоқ корхоналари асосий фондлар таркибий тузилмасини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларнинг янгиланиш ҳолатини назорат қилиб бориш ва имкон қадар уларни модернизациялаш жараёнини тезлаштириш ҳамда маҳсулот номенклатурасини бойитиш натижасида корхонадаги асосий фондларни янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мослаштириш ёки давлат стандартлари асосида шу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ускуналарнинг харидини ташкиллаштириш, асосий фондларнинг жорий ва капитал таъмир муддатларини кўриб чиқиш ва статистикасини олиб бориш, зарур ҳолларда уларнинг таъмирланиш жараёнини назоратга олиш ва бутунлай ишдан чиққан асосий фондларнинг ҳисобдан чиқарилиш жараёнларини

¹⁹³ <https://uza.uz/oz/politics/atrof-mu-itni-mu-ofaza-ilish-va-a-oli-salomatligini-sa-lash--10-08-2020> Мурожаат санаси 03.10.2020

тезлаштириш; бунинг учун корхона балансидаги бўш турган бино – иншоотларни ижарага бериш орқали маблағ тўплаш, корхонадаги ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган техника – технологияни лизингга олиш ёки корхонадаги мавжуд ортикча резервлардан қайта фойдаланишни йўлга қўйиш орқали қўшимча маблағ ишлаб топиш йўли билан амалга ошириш мумкин.

- Темир – бетон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хомашё узилиб қолишига йўл қўймаслик, ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этувчи материаллар узлуксиз етказиб берилишини ва ёрдамчи ускуналарнинг тўхтовсиз хизмат кўрсатишини таъминлаш; бунинг учун таъминотчи корхоналар билан хомашё етказиб бериш бўйича шартномаларни катъий шартлар асосида шакллантириш ва бажарилмаган шартлар бўйича жарималар белгилаш тизимини ишлаб чиқиш.

- Тайёр маҳсулотни корхонанинг асосий ва ёрдамчи полигонларида туриб қолишларига йўл қўймаслик, шу билан биргаликда туриб қолишлар натижасида маҳсулот сифатини тушиши ва ташқи кўриниши бузилиши муаммоларини бартараф этиш билан боғлиқ барча чора – тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; харидорлар билан узлуксиз алоқани йўлга қўйиш ҳамда уларни маҳсулотнинг тайёр бўлиш вақти ва ҳолати ҳақида мунтазам хабардор қилиш, шунингдек форс- мажор ҳолатлар ҳақида огоҳлантириш;

2. Корхонадаги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидорлигини ошириш ҳамда сифатини ва бошқа тавсифларини яхшилаш устида изланишлар олиб бориш. Бунинг учун:

- Корхона персоналининг доимий малакасини ошириш ва қайта ўқитиш бўйича амалий ишларни амалга ошириш;

- Темир – бетон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда етакчи бўлган дунёнинг етакчи мамлакатлари илғор технологияларини ўрганиш ҳамда уларнинг Ўзбекистон шароитига мослаштириб жорий этиш жараёнини ташкил этиш; бунинг учун муҳандис ва технолог ходимларнинг ўз устида мунтазам ишлашларини, билимларни мустаҳкамлаш ва темирбетон соҳасидаги замонавий янгиликлардан хабардор бўлиш учун семинар, тренинглар, онлайн вебинарларда қатнашиш имкониятини яратиш.

- Темир – бетон маҳсулотлари энг талабгор маҳсулотлардан бири бўлганлиги сабабли уларни маркетинг усуллари орқали янада жозибадор қилиш йўллари ишлаб чиқиш;

3. Темир - бетон маҳсулотларини катта ҳажмларда ишлаб чиқариш учун Республикада етарли имкониятлар мавжуд эканлигини инобатга олиб, шу турдаги маҳсулотлар экспортини янада жадал йўлга қўйишни такомиллаштириш зарур.

4. Темир – бетон маҳсулотларини ташиш жараёни ўзига хос хусусиятларга эга. ТБМ ни транспортировка хизмати аниқ қоидаларга амал қилинган ҳолда бажарилиши лозим. Тайёр маҳсулотни буюртмачига етказиб бериш фақатгина транспорт воситаси билан таъминлашдан ташқари яна бир қанча қўшимча харажатларни талаб этади. Темир – бетон маҳсулотларининг бошқа мамлакатларга экспорт қилиш кўп харажат ва қийин жараёнлардан иборат эканлиги туфайли экспорт ҳажми катта эмас. Темир – бетон маҳсулотларининг транспортировкаси катта юк автомобилларида, барча тирқишларни беркитган ва изоляцияланган ҳолда, маҳсулотларнинг бир – бири билан тўқнашувини олдини олган ҳолда бажарилиши лозим. Бундан ташқари, катта ҳажмдаги маҳсулотлар шаҳардаги транспорт қатновига ҳалақит бермаслик мақсадида асосан тунгги вақтда етказиб берилади. Кундузги вақтда ТБМ ни катта масофаларда ташиш маҳсулот бутунлигини катта хавф остига қўювчи омиллар тизимидан иборатдир.

ТБМ ни ишлаб чиқаришда хомашё харажатларидан ташқари қуритиш ишларига ҳам сезиларли харажатлар сарфланади. Қуритиш ишлари асосан иссиқ пар ёрдамида амалга оширилади. Қўйлиқ КТҚТ Заводида ҳам маҳсулотларни қуритиш асосан иссиқ пар

ёрдамида амалга оширилади. Йиғма ТБМ ни қуритишнинг асосий тезкор ва сифатли усули – бу 90 – 95С ҳароратда нисбий намлик 95 – 100% ли парли муҳитда иссиқлик ёрдамида амалга оширишдир. Ушбу жараён одатда, махсус қозонхоналардан тўйинтирилган сувли буғни буғқувурлари орқали чуқурли камераларга бериш амалга оширилади.

Ҳозирги кунда жорий ТБМ ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ушбу “қозонхона – технологик буғқувурлари – чуқур камералар” схемаси орқали буғли камераларни иссиқлик билан таъминлаш технологияси паст энергетик ва технологик самарадорлиги билан ифодаланади ва бу бир қанча ҳолатлар билан боғлиқ:

1. Жуда кўп қозонхоналар қоникарсиз техник ҳолатда ва модернизацияга муҳтож, негаки уларнинг амортизация муддати тугаган. Шу туфайли уларнинг ф.и.к.лойихавий даражасидан бирмунча паст (0.4 – 0.6) ва керакли технологик буғ параметрларини таъминлаб бера олмайди.

2. Буғ қувурлари орқали технологик буғ транспорткаси буғқувурлари сиртининг иссиқлик қайтими эвазига иссиқлик йўқотиши буғнинг учиб кетиши каби йўқотишлар билан узвий боғлиқ. Буғқувурларининг иссиқлик изоляциясининг йўқлиги ёки бузулиши натижасида бу йўқотишлар сезиларли равишда ошади.

3. Йиғма темир – бетон маҳсулотлари саноатини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини темир – бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги заводларни қуриш ҳисобига эмас, балки мавжуд ишлаб чиқариш объектларининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган. Табиийки, йиғма ТБМ ни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан корxonанинг технологик буғ бўлган талабини ҳам оширишга олиб келади. Аммо бу ҳажмдаги буғ ресурсини ишлаб чиқариш учун жорий хизмат кўрсатаётган корхонадаги қозонхоналарни кенгайтириш ва модернизация ишларисиз, бу эса навбатида катта капитал қўйилмаларсиз амалга ошириш мумкин эмас.

4. Технологик буғқувурларининг иссивлик изоляциясини таъминловчи ускуналарни тегишли техник ҳолатда ушлаб туриш ҳам катта меҳнат ва эксплуатацион харажатларни талаб этади.

Юқорида келтирилган ҳолатлардан ташқари қозонхоналардан технологик буғни ҳосил қилиш учун саноат заҳиралари чегараланган минерал ёқилғини (табиий газ, кўмир, мазут) ёқиш билан амалга оширилади. Бугунги кунда табиий газни қозонхоналар учун истиқболли ёқилғи сифатида қараш нотўғри. Чунки табиий газ саноат тармоқлари, жумладан кимё саноати учун ҳамда экспортбоп қимматбаҳо хомашё сифатида баҳоланади. Бундан ташқари минерал ёқилғини, айниқса қаттиқ турдаги минерал ёқилғини ёқиш натижасида атроф – муҳитнинг ифлосланиш даражаси ортиши ва ерости бўш худудларининг кенгайиши муаммолари юзага келиши ошади.

Ушбу санаб ўтилган технологик буғ билан қуритиш билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш учун йиғма темир – бетон маҳсулотларини электртермоқуритиш усули орқали амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари электротермоқуритиш бир қанча афзалликларга эга: иссиқлик билан ишлов бериш жараёнида ТБМда янада тенг ҳароратли майдонни тахминлаш орқали бетон иситиш режимларини кенг доирада бошқара олиш имкониятининг мавжудлиги; темир –бетон корхоналарида иссиқлик билан ишлов бериш жараёнини комплекс автоматизациялаш ҳисобига меҳнатнинг ижтимоий жозибадорлигини ошириш; энерготизимда тизим бўлмаган пайтларда, масалан кечалари аҳоли ва саноат корхоналари учун электроэнергиядан фойдаланувчилар сони кескин камайгандаги йиғилган энергетик қувват резервларидан фойдаланиш.

ТБМ ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини иқтисодий самарадорлигини ресурс тежамкорлиги асосида амалга оширишда, энг аввало, таннархнинг энг катта қисмини ташкил этувчи моддий харажатларни камайитиришга эришиш зарур. Бундан тайёр маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари, техник характеристикаларига путур етказмаслик энг

биринчи мақсад бўлиши лозим. ТБМ ишлаб чиқариш ўз навбатида ер ресурслари, энергия манбалари, ишчи кучи ва бошқа ёрдамчи материалларнинг катта ҳажмдаги истеъмолчиси ҳисобланса – да, бу соҳада ресурс тежамкорлиги асосида иқтисодий самарадорликка эришиш истикболлари катта. Ишлаб чиқариш ресурсларини қайта ишлаш асосида иккиламчи материаллар сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш, иқтисодий механизмларни янада такомиллаштириш, корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнига янгича нигоҳ билан ёндашиб, амалга оширилиши режалаштирилган ҳаракатлар кетма – кетлигини аниқ дастур ва стратегия асосида бажариш бу йўналишда янада ресурс тежамкорлигига эришиш имкониятини таъминлайди.

*Хужаев Илхомжон Аманович, мустақил тадқиқотчи,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДАГИ ХАРАЖАТЛАРНИ ТУРКУМЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

Эркинлашган рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи субъектларни қандай мулкчилик шаклларига асосланишидан қатъий назар асосий мақсад фойда олишдан иборат. Бунинг учун ишлаб чиқариш субъектлари ўзларининг иқтисодий фаолиятлари самарадорлигини таъминловчи вазифаларини белгилаш ва ушбу вазифаларни самарали бажаришни таъминлаш зарур. Бу режалаштирилаётган тадбирлар жумладан ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уни зарур бўлган хомашё ва ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнини йўналишларини ва истеъмол бозорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш турларини ва истеъмолчиларни аниқлаштириш, инвестиция маблағларидан ва инновация натижаларидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш сифатини оширишга эришиш зарурдир. Чунки бундай зарурият эвазига ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтирилишга ва ишлаб чиқариш жараёнини барқарор самарадорлигини таъминлашга эришиш мумкин.

Ишлаб чиқариш ҳаражатлари иқтисодий категория бўлиб, маълум тармоқ йўналишида шу тармоққа оид бўлган маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарф этилган ҳаражатлар йиғиндисидан ифодаланади. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар ишлаб чиқариш субъекти бўлган мулк эгалари ёки уларнинг фирма ёки корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш менежерлари орқали зарур бўлган ишлаб чиқариш режаларини ишлаб чиқишлари ҳам мумкин.

Ҳаражатлар моддий ишлаб чиқариш тармоқ корхоналарида ҳаражатларни иқтисодий жиҳатдан нисбий ёки абсолют нарҳларда “бухгалтерия ҳаражатлари” шаклида ифодаланади. Ишлаб чиқариш жараёнида сарф қилинган ҳаражатлар бошқа қийматга эга бўлган яратилувчи бойликни олишда улардан юқори даражада фойдаланиш асосида янги қийматга эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳаражатлари “альтернатив ҳаражатни” ифода этади.

Ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳаражатлар бухгалтерия ҳисоботида ресурслар ҳаражатлари сифатида ишлатилиши натижасида маълум маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб фойда келишини таъминлашга асосланса, иқтисодчилар учун ҳаражатлар қиймати ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун альтернатив ҳаражатларни нарҳларидан келиб чиққан ҳолда бу ҳаражатларни муқобил даражада бўлишини таъминлаш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ўсиб боришини таъминлайди.

Альтернатив ҳаражатлар одатда ишлаб чиқарувчи субъектлари томонидан ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилади. Бу альтернатив ҳаражатлар ташқаридан жалб қилинадиган ишлаб чиқариш омилларидан ташқари тадбиркорнинг тадбиркорлик


қобилияти асосида ишлаб чиқариш вақтини тежамкорлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни бошқаришни ўз ичига олади.

Бу ҳаражатлардан ташқари, тадбиркорлар ҳаражатларга ўзларининг маблағларини ишлаб чиқаришга улар томонидан қўлланилишини асосини ўз маблағларидан тадбиркор ихтиёрида бўлган ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш технологиялари ва жиҳозлари ҳам киради.

Доимий ҳаражатлар тадбиркор субъекти ихтиёрида бўлган бино ва иншоотлар, улардан фойдаланишни таъминловчи ҳаражатлар, ер ижараси, капитал таъмирлаш ва бошқарув ҳаражатларидан ташкил топади. Доимий умумий ҳаражат ва ўзгарувчан ҳаражатлар ишлаб чиқариш жараёнида улардан фойдаланиш бу ҳаражатларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига бўлган нисбатига боғлиқ. Доимий ҳаражатлар самарадорлигини аниқлашда ўзгарувчан ҳаражатлардан фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлган ҳолда ишлаб чиқариш хажми ҳаражатлари бирлигига нисбатан ишлаб чиқарилган маҳсулот хажми асосида ундан қай даражада самарали фойдаланилаётганлигини кўриш мумкин.

Тадбиркорлик корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашда ўртача ишлаб чиқариш ҳаражатларини иқтисодий моҳияти бу ҳаражатлар асосида унинг ишлаб чиқарган истеъмол маҳсулотини бирлигига истеъмол бозорида кўйилган нарх даражасига қараб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни самарадорлигини ифодалаш мумкин. Демак, ўртача маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланган ҳаражат даражаси истеъмол бозоридаги товар бирлиги қийматига нисбатан кам бўлиши оқибатида жами ўртача ишлаб чиқарилган товарларни сотишдан олинган умумий қийматига нисбатан арзон бўлиши тадбиркорни ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқаришни ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан тўғри самарали бошқариш йўлини танлаб олганлигини кўрсатади. Шу билан айтиш зарурки, умумий тўлиқ ва ўртача ҳаражатлар асосида фирмаларнинг иқтисодий фаолиятларини таҳлил этишда бу иқтисодий кўрсаткичларни ўзи кифоя қилмайди.

Тадбиркорлик корхона ва фирмаларнинг иқтисодий ишлаб чиқариш ҳолатини самарали, қониқарли ёки қониқарсиз эканлигини аниқлашда чегаравий ишлаб чиқариш ҳаражати иқтисодий кўрсаткичини аниқлаш ҳам зарур. Бу чегаравий ишлаб чиқариш ҳаражатлари қўшимча маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган умумий ишлаб чиқариш ҳаражатларини ўсишида ифодаланади. Чегаравий ишлаб чиқариш ҳаражатлари иқтисодий кўрсаткич тадбиркорлик фирмалари учун иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, фирма томонидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган чегаравий ишлаб чиқариш ҳаражатларини қўшимча равишда ривожлантириш учун зарурлигини кўрсатиб беради.



1-чизма. Чегаравий ва ўртача ишлаб чиқариш ҳаражатлари

Тадбиркорлик корхона ва фирмалари ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган қўшимча ишлаб чиқариш ҳаражатлари тўлиқ унинг назоратида бўлади. Корхона фирма ишлаб чиқаришида чегаравий ($Ч_x$) ишлаб чиқариш ҳаражати умумий ишлаб чиқариш ҳаражати ($У_{yx}$) билан бир неча ёки бир қўшимча маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳаражати ўртасидаги фарқдан иборат бўлиб, уни (1-чизма)дан кўриш мумкин.

Чегаравий ишлаб чиқариш ҳаражатлари фирма томонидан қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилса, бу чегаравий ҳаражат ўсиб боради ёки ишлаб чиқариш жараёни қисқариб борса, ўша маҳсулот миқдорига қараб чегаравий ишлаб чиқариш ҳаражатлари камайиб боради. Бу ерда ($Ч_x$) чегаравий ҳаражат, ($У_{yx}$) ўртача умумий ҳаражат ва ($У_{yx1}$) ўртача ўзгарувчан ҳаражатни ифодалаб берувчи формулада ўртача ишлаб чиқариш ҳаражати ўртача доимий ва ўртача ўзгарувчан ҳаражатлар йиғиндиси куйидаги кўринишда ифодаланади:

$$У_{yx} = Ч_x + У_{yx1} \quad (1\text{-формула})$$

Демак, математика усули орқали чегаравий ишлаб чиқариш ҳаражатларини куйидагича ифодалаш мумкин:

$$Ч_x = У_{xn+1} - У_{xn} \quad ёки \quad У_x = \frac{\Delta У_x}{\Delta Q} = \frac{У_{x2} - У_{x1}}{Q_2 - Q_1} \quad (1a)$$

Бу ерда: $Ч_x$ – чегаравий ҳаражат; арувчан ҳаражат; ўртача ҳаражат; $У_x$ – чегаравий ҳаражат; $\Delta У_x$ – чегаравий ҳаражат; Q_2 – маҳсулот ҳажми.

Ишлаб чиқаришнинг ўртача ва чегаравий ҳаражатлар ҳаракатини ўрганиш асосида аниқланган ўртача ва чегаравий ҳаражатлар ишлаб чиқарувчи корхона ва фирманинг ишлаб чиқаришининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашни таъминлайди.

Тадбиркорлик фирмаларини ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш ҳаражатларидан фойдаланишда вақт муҳим рол ўйнайди. Носинфий назария асосчиларидан бири бўлган А.Маршал товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш омилларини рақобатли нархларини ўрганишда бозор шароитида чегаравий таҳлилдан фойдаланиб, такомиллашган рақобатга асосланган иқтисодийда асосий марказлашган фикр иқтисодийни тенглиги бўлган. Бу назариянинг ажратилиши чегараси чегаравий натижани таҳлил назарияси иқтисодни микроиқтисодий даражада ёндашувини ифода этади.

Вақтни узоқ ва қисқа даврга бўлиб ўрганиш тушунчаси иқтисодчи А.Маршал томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган. Вақтни узоқ ва қисқача бўлиб фойдаланиш сифатли иқтисодий маънога эга бўлиб, у корхона ва фирманинг мажбуриятига боғлиқ. Узоқ вақт даврида фирманинг ишлаб чиқариш воситалари техника ва технологияларга эришиши натижасида ишдан чиқади, уни янгилаш зарур бўлади. Фирма учун зарур бўлган узоқ вақт ичида ишлаб чиқариш омилларини қайта кўриб чиқишни таъминлайди. Қисқа вақт даврида фирма ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятини қайта кўришда бу вақт албатта етарли эмас. Натижада тадбиркорлик фирмаси ишлаб чиқариш жараёнини қисқа вақт ичида талаб даражасида таъминлай олмасликдан чиқишнинг асосий йўли ишлаб чиқарилган захиралардаги маҳсулотлар ҳисобига қаноатлантириши мумкин. Тадбиркорлик фирмаси олаётган фойдани максималлаштиришни таъминлаш учун ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштириш зарур. Корхона ва фирмалар ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш натижасида қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш асосида умумий фойдани ўсиб боришига эришади. Ана шу усул асосида маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш фирма томонидан олинган фойдани чегаравий фойда деб юритилади. Бу фойдани манбаи бўлиб истеъмол бозорида унга берилган нарх ҳисобланади. Тадбиркорлик фирмаларида ишлаб чиқариш жараёнида олинган чегаравий фойда билан ишлаб чиқариш ўртасида нисбат бўлади. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи фирмада бундай ҳолатда ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш

асосида кўшимча маҳсулот жараёни орқали фирма даромадини ўсиб боришини таъминлаши мумкин.

Эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида вақт омили асосий омил ҳисобланади. Рақобат эркин бозор иқтисодиёти шароитида асосий ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш учун олиб борилади. Фирмаларни фаол ишлашларида ўртача ўзгарувчан, ўртача умумий ишлаб чиқариш ҳаражати ва чегаравий ҳаражатларни ифода этувчи нархлар муҳим роль ўйнайдилар. Бу ҳаражатлар ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларига берилган нархларга солиштириш асосида олинаётган даромад даражаси аниқланади. Чегаравий ҳаражатлар асосида фирмалар ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ҳажмини оширишни таъминлашлари мумкин. Фирмалар эркин рақобат шароитида олаётган фойдасини максимал даражада ўсиб боришини шундай ишлаб чиқариш ҳажмини ташкил этиш керакки чегаравий даромад чегаравий ҳаражатга мос бўлиши керак. Ишлаб чиқариш ҳаражатларини ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрнини ўрганиш асосида уни тежамкорлигини таъминланади.

Демак, ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш ҳаражатларни тўлиқ таҳлил қилиш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш орқали корхона келгусида истиқболли ривожланиши таъминланади.

Зокиров Абдумавлон Абдурауф ўғли, докторант, ТДИУ
**ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР
СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МОДЕЛИНИ ЯРАТИШНИНГ
АҲАМИЯТИ**

Ўзбекистонда тўқимачилик корхоналарида пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшилган қийматли экспортбоп тайёр маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш зарурати ортиб бормоқда. Шу боисдан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Бу каби улкан вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши самарали ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга оширишни талаб этадики, бунда биринчи навбатни стратегияни шакллантириш ва уни амалга оширишнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Замонавий шароитда кўпчилик мутахассислар қуйидагиларга ишора қилмоқдалар: корхонани инновацион ривожлантиришга имкон берадиган стратегик режалаштириш моделидан фойдаланиш; соҳадаги рақобат даражасини сақлаб қолиш; жорий бозор улушининг барқарорлигини ва унинг янада кенгайишини таъминлайдиган инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш; ҳам миқдорий, ҳам сифат кўрсаткичларининг ўсишини кўрсатиш; фойда келтирадиган фаолиятни амалга ошириш, чунки бу корхона ривожланишининг энг муҳим манбаларидан бири бўлган фойда.

Шундай қилиб, илгари кўриб чиқилган омилларни ҳисобга олган ҳолда, юқорида айтиб ўтилган барча мезонларга жавоб берадиган муносабат стратегиясини шакллантириш моделини қандай ишлаб чиқиш кераклиги ҳақида савол туғилади.

Стратегик режалаштириш мантиқи марказлашган иқтисодий бошқарув моделида шаклланган бир қатор умумий режалаштириш тамойилларига асосланади. Бозор шароитида ушбу умумий тамойилларни корхоналарни бошқариш даражасига ўтказиш тақлиф этилади, бу жуда мумкин ва мантиқан. Қуйидаги қарашларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Иқтисодиёт ва сиёсатнинг бирлиги тамойили.

2. Марказлаштириш ва марказсизлаштириш бирлиги тамойили.
3. Бошқарув қарорларининг илмий асослилиги ва ратсионаллиги тамойили.
4. Умумий ва маҳаллий манфаатларни юқори даражадаги манфаатларнинг устуворлиги билан бирлаштириш тамойили ва бошқарув қарорларини амалга оширишда индивидуал ва жамоавий қизиқишни рағбатлантириш.

Режалаштиришнинг санаб ўтилган умумий тамойиллари, бизнинг фикримизча, стратегик жараён учун тўлиқ эмас. Стратегик режалаштиришнинг қуйидаги ўзига хос тамойилларини аниқлаш мумкин.

1. Етакчи йўналишларни танлаш асосида муқобил мутаносибликни таъминлаш.
2. Башоратлар, стратегик стратегия ва режаларнинг бирлиги ва мураккаблигини таъминлаш.
3. Ривожланиш жараёнининг бирлигини, стратегия ва режаларни амалга ошириш ва амалга оширилишини текшириш имкониятини таъминлаш.

Генералова А.В. ўз тадқиқотида корхона стратегиясини шакллантириш қоидаларининг ўзаро боғлиқлиги кўринишидаги стратегик режалаштириш моделини таклиф қилади. Текширилган моделни тузишда муаллиф бир вақтнинг ўзида бир нечта циклик йўлларда бўлган муаммоларга алоҳида эътибор беради, уларнинг ечими бир вақтнинг ўзида бир нечта цикларда стратегик бошқарув самарадорлигини оширади. Стратегик режалаштиришнинг асосий тартиб-қоидаларини белгилаб, муаллиф стратегияни шакллантиришда ҳал қилинадиган қуйидаги вазифаларни белгилайди: синергетик таъсирни баҳолаш, стратегик режалаштиришнинг мақбул усулларини танлаш, қўшма муносабатларнинг жозибадорлигини баҳолаш, стратегик танлов ва мувозанатли кўрсаткичлар тизими.

Ушбу вазифаларнинг бир нечасини бизнинг тадқиқотларимизда амалга ошириш мумкин, аммо корхонанинг алоҳида бўлинмаларининг эмас, балки иттифоқ ичидаги муносабатлар билан боғлиқ бўлган қўшма муносабатларни ҳисобга олган ҳолда.

Бизнинг нуқтаи назаримизча, ўзаро муносабатлар стратегияларини моделлаштириш асосларини белгилашда, мослашиш жараёнларини ташкил этиш сифатида стратегия тушунчасига таяниш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи қадам - бу молия-хўжалик фаолиятини умумий таҳлил қилишни талаб қиладиган, муносабатлар стратегиясини амалга ошириш учун ўз имкониятларини баҳолаш ва уни асосий йўналишларда корхоналар - салоҳиятли шериклар имкониятлари билан таққослашни талаб қиладиган муносабат объекти саналади.

Стратегияларни моделлаштиришнинг мавжуд усулларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўзаро муносабатлар стратегиясини шакллантириш модели бозор муҳити талабларига жавоб бериши, молиявий натижани олишга йўналтирилган бўлиши ва корхоналарда ўзаро муносабат стратегиясининг ўзига хос турида максимал ўзаро муносабатлар самарасини олиш учун ички имкониятларини ҳисобга олиш керак. Асосий стратегик мақеларга эришишни назарда тутадиган изчил ҳаракатлар билан таъминланган стратегик ўзгаришларни амалга оширишнинг алоҳида аҳамияти билан, замонавий шароитларда ўзгаришларни этарли ва ўз вақтида режалаштиришни таъминлаш зарур.

Тадқиқот жараёнида ўрганилган классик стратегик режалаштиришнинг концептуал асосларига асосланиб ва саноат корхоналарида стратегик режалаштиришнинг замонавий ёндашувларини таҳлил қилиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, ўзаро муносабатлар стратегияларни шакллантириш модели ишлаб чиқилди. Ушбу моделни тўқимачилик корхоналари амалиётига қўллаш улар рақобатбардошлигини оширишда бир томонлама курашиш эмас, балки ҳамкор ташкилотлар, мол етказиб берувчилар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик асосида фаолиятни ташкил этиш имконини беради. Натижада ишлаб чиқаришдаги узилишлар бартараф этилади, ички имкониятлардан янада самрали фойдаланиш мумкин бўлади.

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИДА РИСКЛАРНИ БАҲОЛАШ

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг темир йўл транспортининг ривожланишидаги инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш учун Инвестицион дастурни шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлигини келтириб ўтилган. Шу билан бирга ушбу стратегияни шакллантиришнинг муаллиф томонидан келтирилган методикаси ҳамда унга таъсир этадиган рисклар классификацияси берилган.

Мамлакатимиздаги темир йўл транспортининг инвестицион дастурни шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади бу тармоқнинг ривожланиш тенденцияларини белгилаш учун замини яратади.

Инвестицион дастурни шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш меодикасининг асоси бу инвестицион ресурс манбаларини кўп босқичли танлаш алгоритми бўлиб, таваккалчик омилларини инобатга олиш, режалаштирилган инвестиция натижаларига етишиш имконини беради, темир йўл транспортидаги корхоналарнинг молиясини бошқариш самарадорлигини оширишга замин яратади.

Темир йўл транспорти корхоналарида инвестицион дастурни шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш методикаси серқирра бўлганлиги учун уни амалга ошириш жараёнига таъсир этадиган рискларни ҳам инобатга олади.

Инвестицион дастурни шакллантириш стратегияси корхонанинг инвестицион фаолиятини истиқболли бошқариш дастаги бўлиб хизмат қилади. Уни амалга оширишнинг асосий натижалари: корхонанинг жорий фаолиятини ривожлантиришнинг юқори ва етарли даражада инвестицион қўллаб-қувватланишини таъминлаш; соф фойда ва соф активларнинг ўсиши; синергизм самарасининг ошиши ва корхона нуфузининг кўтарилишини таъминлайди; ўрганилаётган инвестицион риск даражасида киритилган инвестицион ресурсларнинг даромадлилигини максималлаштиради; инвестицион фаолиятни амалга ошириш учун капитални тезда реинвестициялаш имконияти ва инвестицион ресурслар ликвидлилигининг оптималлигини таъминлайди; корхонанинг бозор қийматини оширади.

Стратегик йўналишлар юқларни ташишда баъзи ҳолларда бир нечта мамлакат ҳудудидан ўтади, бунинг учун ўзлаштирилмаган ҳудудларни ўзлаштириш ва Ўзбекистон иқтисодиётига интеграциясини таъминлаш зарур.

Ижтимоий муҳим йўналишлар эса йирик аҳоли пунктлари билан узлуксиз транспорт алоқаларини амалга ошириш учун яратилади.

Стратегик ва ижтимоий муҳим йўлларнинг қурилиши давлат томонидан молиялаштириш ҳисобига амалга оширилиши лозим. бюджетдан молиялаштиришдан ташқари бозор механизмларини ҳам қўллаш керак. Буларга қимматбаҳо ёки нодир металларни қазиб олиш жойларидан фойдаланиш ҳуқуқини сотиш орқали тушган пулга у ерга борадиган темир йўлларни қуриш мумкин. Бошқа йўналишлардан эса акцияларни сотиш орқали маълум бир миқдордаги олинган пулларни темир йўлларни қуришга йўналтириш, маълум бир божхона тўловларини чегаралардаги темир йўл инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтириш мумкин.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг хусусий маблағлари биринчи навбатда мавжуд йўналишларни ва ҳаракатдаги таркибни модернизациялашга қаратилиши лозим. Бундай ресурсларни кўпайтириш учун бозор механизмларидан максимал даражада фойдаланиш лозим. Буларга: ноихтисослашган активларни сотиш, фонд бозорига қарам ёки қўл остида бўлган корхоналарнинг акцияларини олиб чиқиш, янги турдаги фаолиятни ривожлантириш ҳисобига ишлар самарадорлигини ошириш ва қўшимча фойдани шакллантириш орқали дивидендлар олиш мумкин.

Юк ташиш билан шуғулланадиган йўналишлар транспортнинг қулайлигини таъминлаши керак. Бунда давлат билан ҳамкорликда хусусий сектор вакиллари ҳам юк ташиш йўлларини молиялаштириш керак. Лекин бу “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг янги йўналишлари қопланиши қаттиқ тарифлар билан тартибга солиб турилади. Бундай йўналишлар сўнгги йилларда бир неча баробар ошиб тижорат меъёрларидан ҳам чиқиб кетган. Юк ва аҳоли ташиш йўналишларидаги инвесторлар учун қоплаш манбаси бўлиб, уларнинг асосий фаолиятдан олинган иқтисодий самара хизмат қилиши лозим.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг молиявий ҳолати (ўз капиталининг айланма маблағлар таркибидаги етишмовчилиги, кредиторлик ва дебиторлик қарзларининг мавжудлиги, тўловлилик қобилияти кўрсаткичларнинг ижобий эмаслиги) ўз маблағларининг дефицитини ҳамда барқарор бўлмаган молиявий ҳолатни келтириб чиқармоқда. Тармоқдаги молиявий шаффофликнинг етарли эмаслиги ва хусусий инвесторлар учун хўжалик фаолиятидаги кафолатларнинг мавжуд эмаслиги, ўз навбатида хусусий инвестицияларнинг умуман йўқлигини амалий асослаб турибди. Фойдали фаолият турлари ҳисобига зарар келтираётган йўналишларни тармоқ ичида субсидиялаш ҳажмлари кенгаймоқда. Ҳозирги кунда йўловчи ташиш ва мамлакатимиз ичида юк ташиш йўналишлари зарар келтирмоқда, буни олдини олиш мақсадида халқаро ташувлар орқали олинган даромад камомадли йўналишларга субсидия орқали бир меъёрда ушлашга ҳаркат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси транспорт стратегиясида келтирилган инновацион фаолият орқали ривожлантириш йўлларини ўрганган ҳолда мамлакатимиз темир йўл тармоғини инновацион - инвестицион ривожлантириш истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш лозим. Мамлакатимиз темир йўл тизимини ривожлантиришдаги инвестицион фаолият самарадорлигини оширишда инвестицияларга бўлган талабни қуйидаги манбалар ва йўллар қисман бўлсада қондириши мумкин: харажатларни қисқартириш ҳисобига ўз маблағларининг оқимини кўпайтириш; ташишлар ҳажми ошириш ва тарифларни кўтариш; субсидиялар ва хусусий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига ташқи молиялаштиришдан фойдаланиш; капитал қўйилмалар режаларини оптималлаштириш.

Юқоридаги потенциал манбаларнинг самарали ишлаши учун қуйидаги шароитларни яратиш лозим: хўжалик фаолиятининг молиявий шаффофлиги; хусусий капитал учун жозибали бўлган хўжаликларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини яратиш; инвестицион сиёсатнинг самарали ички бошқаруви; тариф тизимларининг шаффофлиги ва тарифлар даражасининг ўсишини олдиндан билиб бориш имконини яратиш лозим.

Инвестицион фаолиятни самарадорлигини оширишда энг асосий манба бу ўз маблағларининг портфелини шакллантириш ҳисобланади. Бунинг учун “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ маблағларни инновацион лойиҳаларга йўналтириш орқали самарадорлиги юқори бўлган технологияларни амалиётга жорий қилиши лозим.

*Махмудов Камолиддин Ахмаджонович,
докторант, Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

ЎЗБЕКИСТОН КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан амалга оширилаётган карантин тадбирлари бутун мамлакат иқтисодиётига ва ўз ўрнида, корхоналарга ҳам таъсир кўрсатди. Пандемиядавридаваундан кейинг даврларда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш ҳозирги куннинг устувор васифаларидан бири ҳисобланади. Бунинг учун иқтисодиётнинг реал секторига хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳимдир. Хусусан Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлган кимёсаноатига пандемиянинг таъсирини юшатиш ва унинг салби оқибатларини бартараф етиш лозим.

Пандемия бошланмасидан аввалги натижаларга кўра “2019 йил давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми 220,7 трлн сўмга етказилиб, тасдиқланган йил прогнозига нисбатан 2 баробарга ўсди. Шу ўринда асосий капиталга инвестициялар ҳажми 189,9 трлн сўмни, 2018 йил кўрсаткичларига нисбатан ўсиш темпи эса 1,3 баробарни ташкил этди.”¹⁹⁴ Аввало инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилишда давлатнинг ўрни жуда муҳимдир. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида Инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш бўйича янги ёндашувни зарурлигини таъкидлади ва 2019 йилни **“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”** деб ном беришни таклиф қилди. Мурожаатномада айtilган “ йилга бундай ном берганимиз барчамизга жуда катта вазифалар ва масъулият юклайди. Инвестицияларни қандай қилиб кўпайтирамиз, ижтимоий муаммоларни қандай ҳалқиламиз, деган саволлар олдимизда кўндаланг бўлиб турибди” , “Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга еришамиз.”¹⁹⁵ сўзлари Инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига қанчалар зарур эканлигини кўрсатади. “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2018 йилда 30 фоиздан амалдаги 36,2 фоизга қадар ўсди (умумий инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2019 йил натижалари билан 42,1% ташкил этди). Ҳисобот даврида 2,8 мингдан ортиқ ижтимоий, инфратузилма ва ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди: 145 та йирик ишлаб чиқариш объектлари, 167 тайирик ҳудудий лойиҳалар, 2,5 мингдан зиёд ижтимоий ва инфратузилма объектлари.¹⁹⁶

Хусусан кимё саноати корхоналарини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва уларнинг фаолиятини барқарорлаштириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, ресурсларни чуқур қайта ишлаш бўйича янги қувватларни барпо этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали тармоқни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олинди. Ишлаб чиқарилаётган юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республика иқтисодиётига тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш, шунингдек, 2017 — 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид [Давлат дастурида](#) белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.04.2019 йилдаги ПҚ-4300 сонли қарори қабул қилинди. Қарорда хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилиши маққулланди:

- кимё ва нефт-газ саноати, машинасозлик соҳасидаги хўжалик юритувчи субектлар, банк-суғурта ташкилотлари устав капиталларидаги давлат аксиялар (улушлар) пакетларини сотиш;
- тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун тайёрин инвестиция таклифларини ишлаб чиқиш;

¹⁹⁴О‘zbekiston Respublikasi investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi ma’lumoti 2019 yil.

¹⁹⁵О‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga murojaatnomasidan. 2018 yil 28 - dekabr

¹⁹⁶О‘zbekiston Respublikasi investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi ma’lumoti 2019 yil.

- инвестиция ва бизнес форумлар, тақдимотлар (“Road Show”) ва маркетинг кампаниялари имкониятларидан кенг фойдаланиш;
- давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича устувор йўналишларни ташкил етиш.¹⁹⁷

Кимё саноатини жадал ривожлантириш ва диверсификация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалда рўёбга чиқариш, энг аввало, давлат активларини хусусий мулкка сотиш ҳисобига корхоналардаги давлат улушини қисқартириш, корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этиш ҳамда корхоналарнинг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш орқали тармоқнинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилиши зарурлигини давр тақозо этмоқда.

Соҳага оид яна бир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.04.2019 йилдаги ПҚ-4265 сонли қарорида кимё саноатини янада ривожлантириш, унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш ва тармоқ диверсификация қилишга тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмларини кенгайтириш мақсадида “2019 — 2030-йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури”¹⁹⁸ маққулланди.

“2019 — 2030-йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастурига кўра қуйидаги энг юқори самарали лойиҳалар ишлаб чиқилди ва амалга оширилиши бошланди:

- Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қаратилган инвестицион лойиҳалар (12 та лойиҳа)
- Полимер маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил етиш бўйича инвестицион лойиҳалар (3 та лойиҳа)
- Республика иқтисодиёти тармоқлари учун янги кимёвий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва мавжудларини кенгайтириш бўйича инвестицион лойиҳалар (16 та лойиҳа)

Юқорида келтирилганлардан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон кимё саноати корхоналарини самарали ривожлантириш стратегияси мавзусидаги тадқиқот ишида Ўзбекистон кимё саноатини ривожлантиришда инвестицияларнинг тўғридан – тўғри жалб етиш ҳақида фикр мулоҳазалар келтирамиз.

Аввало Ўзбекистон кимё саноати ҳақида қисқача қуйидаги маълумотларни келтирамиз:

Кимё саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг базавий тармоқлар сирасига киради ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни жадаллаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб минерал ўғитлар чиқарувчи корхоналарни қуриш орқали ташкил топган.

Республиканинг замонавий кимё саноати тарихи Шорсув олтин гугурт кони 1932 йилда ишга туширилиши билан бошланади. 1940 йилда кимё саноатининг энг йирик корхонаси — Чирчиқ электркимё комбинати (бугунги кунда «Максам-Чирчиқ» АЖ) маҳсулот бера бошлади. 1962 йилда Фарғона азотли ўғитлар заводи (бугунги кунда «Фарғонаазот» АЖ) ишга туширилди. 1964 йилда Навоий кимё комбинати (бугунги кунда «Навоийазот» АЖ) маҳсулот бера бошлади. 1969 йилда Олмалик кимё заводи (бугунги кунда «Аммофос» АЖ) ишга туширилди. Ҳозирги вақтда «Максам-Чирчиқ», «Навоийазот» ва «Фарғонаазот» акциядорлик жамиятлар азотли ўғитлар — аммиакли селитра, карбамид, аммоний сульфати ишлаб чиқарадилар. «Аммофос», «Самарқанкимё» ва «Қўқон суперфосфат заводи» очик акциядорлик жамиятлар фосфорли ўғитлар — аммофос, супрефос, оддий аммонийли суперфосфат, аммоний сулфофосфат ва нитро калций фосфат — ишлаб чиқарадилар. Уларни хомашё билан Қизилқум фосфорит

¹⁹⁷ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 29.04.2020 sanadagi PQ-4300 sonli qarori.

¹⁹⁸ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 03.04.2020 sanadagi PQ-42650 sonli qarori

комбинати таъминлайди. «Электрохимзавод» ҚК-АЖ ўсимликларни муҳофаза қилиш кимё воситаларни ишлабчи қаради.

Кимё корхоналари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар турларидан келиб чиқиб қуйидаги ишлаб чиқариш мажмуаларга егалар:

- минерал ўғитлар, ноорганик моддалар ва энергетика, олтин кон ва кимёсаноатлари учун кимё реагентлар ишлаб чиқариш мажмуаси;
- органик кимё, сунъий тола ва полимер материаллар ишлаб чиқариш мажмуаси;
- ўсимликларни муҳофаза қилиш кимё воситалари ишлаб чиқариш мажмуаси;
- калцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш мажмуаси.

Маълумотлардан кўринадики Ўзбекистон кимё саноати мамлакат иқтисодиётининг йирик тармоғидир. Бу тармоқнинг ривожланиши иқтисодиётнинг бошқа турли тармоқларини ҳам ривожланишда муҳим омил саналади.

Бобожонова Зарнигор Шокировна,

докторант, ТашГТУ имени Ислама Каримова

ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ МЕТОДА РАЗРАБОТКИ ЗАКАЧКИ ВОДЫ НА МЕСТОРОЖДЕНИЯХ

В 2020 году разработка месторождений активно реагировала на серьезные проблемы, вызванные низкими ценами на нефть, твердо утвердила концепцию «выдающегося качества разработки и преимуществ», настаивала на сосредоточении внимания на выгодах, активно проводила маркетинговые стратегии по оценке проектов разработки, продвигала свои плановые козыри и инновационные проекты, и продвигал эффективность работы и добыча прибыльной нефти, снова сделать неэффективными, действенными, действенными и эффективными, придерживаться научных разработок, тонких разработок и выгодных разработок, приложить все усилия для продвижения недорогая стратегия развития и придерживаться развития в соответствии с законами и нормативными актами. Безопасное и экологически чистое производство, а также успешно выполнять различные производственные задачи.

Экономика нефтегазового сектора очень связана с технологическими процессами нефтегазового дело. Каждый технологический элемент сказывается на смете месторождений. Разработка нефтегазовых скважин требует синергетический, комплексный план и для этого потребуются анализы разработки нефтяного месторождения и выявления расхождений проектных и фактических показателей производства. Система разработки нефтяных месторождений зависит от технологических методов регулирования разработки. Самая распространенный метод считается изменением режима эксплуатации добывающих путем нагнетательных скважин, это приводит к уменьшению или же наоборот, увеличению дебита закачиваемого пласта. На Бухарском ступени этот метод считается заводнение пласта с другой скважины, то есть традиционным, но от этого дебит закачиваемых скважин уменьшаются. Разработка закачки воды на нефтяном месторождении относится к завершению инвестиций в строительство производственных мощностей на месторождении, и после создания производственных мощностей, на ранней стадии эксплуатации или во время производственного процесса, скважина для закачки воды используется для восполнения снижения энергопотребления. Для увеличения добычи сырой нефти и продлить время эксплуатации месторождения нефтяного пласта, улучшить извлечение месторождения считается функциональным целью регулирования данного метода разработки нефтяных месторождений.

В случае разработки с закачкой воды, с увеличением времени добычи, затраты на закачку материалов вытеснения месторождения нефти и другие затраты на закачку будут соответственно меняться. В то же время добыча жидкости будет продолжать увеличиваться, а содержание воды в сырой нефти будет продолжать расти, что неизбежно

приведет к соответствующим изменениям. В традиционной экономической оценке нефтяных месторождений изменение эксплуатационных затрат и увеличение обводненности обычно не учитываются, и это в свое время плохо сказывается на производстве. Основываясь на фактах с закачкой воды на нефтяных месторождениях, в сочетании с изменением закона эксплуатационных затрат на разработку закачки воды и увеличением обводненности сырой нефти, в данной статье устанавливается модель экономической оценки разработки закачки воды на месторождении. Эта модель определяет начальную экономическую добычу и внутреннюю норму доходности отдельной скважины и коллектора количественной взаимосвязи между глубиной залегания и обводненностью.

На основе полученных данных используйте программное обеспечение SPSS для выполнения регрессионного анализа для получения регрессионного модели между внутренней нормой доходности и добычу сырой нефти, глубину залегания пласта и обводненность, и используйте модель регрессионного анализа, чтобы легко получить результаты экономической оценки разработки закачки воды на месторождении.

Создание и применение модели экономической оценки разработки заводнения нефтяных месторождений является не только дополнением и улучшением традиционной экономической оценки, но также попыткой применения методов экономической оценки разработки заводнения нефтяных месторождений. Она может обеспечить образ мышления и исследования для экономической оценка развития заводнения нефтяных месторождений.

Создание модели экономической оценки разработки закачки воды на нефтяном месторождении основано на использовании основных принципов технической экономии и методов динамического анализа безубыточности для дисконтирования как доходов, так и прибыльных затрат от разработки закачки воды на месторождении для получения чистой приведенной стоимости доход от разработки закачки воды на месторождении, а именно чистая приведенная стоимость дохода равна чистой приведенной стоимости инвестиций в строительство производственных мощностей при разработке закачки воды на месторождении.

Характеристики модели экономической оценки разработки закачки воды на месторождении: оценка дохода учитывает метод снижения добычи на месторождении и совокупную ставку налога; оценка прибыльных расходов учитывает начальную обводненность, предел обводненность и способ увеличения обводненности, а также необходимо учитывать, что с изменением обводненности, эксплуатационные расходы каждого года в течение оценочного периода также будут соответственно меняться; оценка строительства производственных мощностей Инвестиции учитывают долю водонагнетательных скважин, инвестиции в бурение, наземное строительство и другие инвестиции и т. д.

По характеристикам строительства и разработки производственных мощностей нефтяного месторождения делятся на верхнюю стадию добычи, стадию стабильной добычи и стадию спада (поздняя стадия). Для относительно небольших блоков использующихся непрерывную разработку или нефтяных месторождений, обычно возможно объединить стадию добычи со стадией стабильной добычи. Таким образом, исходя из этого предположения, доход от разработки закачки воды на месторождении также делится на доход стабильной стадии добычи и доход снижающейся стадии, то есть остаток выручки от продажи сырой нефти после вычета налога с продаж и налог с продаж и дополнительные сборы в основном включают налог на добавленную стоимость, налог на прибыль, налог на ресурсы и другие налоги, налог с продаж и дополнительные сборы рассматриваются по общей налоговой ставке:

$$C_H = \sum_{t=1}^{n1} Q((Kn(1 - Tx))(1 + Yp)(1 + x)^{-T}) (1);$$

Приведенная стоимость дохода в период уменьшения составляет:

$$C_d = \sum_{t=\pi_1+1}^{n_2} Q(1 - D^T)^{-\pi_2} (Kn(1 - Tx))(1 + Я_p)(1 + x)^{-T} (1);$$

C_n = приведенная стоимость дохода за стабильный производственный период, сум;

C_d - приведенная стоимость дохода в период убывания, сум;

Q - Годовая добыча нефти, т;

Kn - сырая нефть товарная ставка, %;

P - отпускная цена сырой нефти, сумов / т;

$Я$ - внутренняя доходность, %;

T_x - комплексная налоговая ставка, %;

D - Годовая совокупная скорость падения, %;

n_1 - период стабильной добычи, а;

n_2 - период упадка, а.

После вывода из строя производственных мощностей месторождения, месторождение переходит в стадию разработки, и соответствующие затраты и расходы будут понесены. Под прибыльными расходами понимаются соответствующие расходы, понесенные для получения доходов от сырой нефти. Прибыльные расходы обычно включают годовые операционные расходы, управленческие расходы, финансовые расходы, расходы на продажу и т. д. Прибыльные затраты также включают стадию стабильного производства и стадию убывания. В соответствии с фактической ситуацией на нефтяном месторождении, прибыльные затраты, измеренные по одной скважине, в основном включают материальные затраты, затраты на топливо, эксплуатационные расходы в скважине, затраты на каротаж и испытания скважин, затраты на техническое обслуживание и ремонт и т.д. Расходы, расходы на извлечение легких углеводородов, расходы на управление заводами и рудниками, периодические расходы и т. д. Кроме того, существуют затраты на электроэнергию, затраты на переработку нефти и газа и затраты на закачку вытеснения нефти, которые измеряются в тоннах жидкости. Комбинируя снижение добычи сырой нефти и увеличение обводненности при разработке закачки воды на месторождениях, получают операционные затраты на каждый год в течение периода оценки.

Капитальные затраты на разработку закачки воды на нефтяных месторождениях в основном включают в себя инвестиции в проекты бурения, инвестиции в наземное строительство и вспомогательные проекты, а также другие инвестиции. В инвестициях в бурение они в основном включают в себя инвестиции в нефтяные скважины и водонагнетательные скважины. В то же время, в соответствии с различными характеристиками коллектора и геологической структурой, следует учитывать долю водонагнетательных скважин и общую стоимость бурения на единицу площади. Комплексные затраты на бурение включают затраты на комплексные проекты, такие как бурение, каротаж, каротаж и испытания нефти.

$$Z = \sum_{t=1}^{n_0} ((C \times H + D_m + Q_t)(1 + Я_p)^{(n_0+1)-T}) (3)$$

Z - капитальные расходы в юанях;

C - Полная стоимость бурения, сум / м;

H - глубина скважины, м;

D_m - инвестиции в земельное строительство, десять тысяч юаней на скважину;

Q_T - другие инвестиции, десять тысяч юаней на скважину;

n_0 - Срок строительства производственных мощностей, а.

Выбор уровня сырой нефти может быть получен путем статистического анализа со ссылкой на статистические данные нефтяных месторождений за последние годы, или он может быть выбран на основе опыта. В этом исследовании выбирается 90%; цена на сырую нефть может быть ссылается на цену сырой нефти на международном рынке или цену сырой нефти в экономической оценке отечественных нефтяных месторождений. Метод выбора полной налоговой ставки может быть получен путем статистическими анализами, основанные на статистике налога с продаж нефти на месторождении, а также статистики дополнительной выручки и выручки от реализации за последние годы.

При экономической оценке разработки заводнения, помимо учета параметров общей экономической оценки разработки месторождения, необходимо также учитывать способ увеличения обводненности, комбинируя начальную обводненность и предельную обводненность для получения соответствующей обводненности. скорость возрастания, а затем соответствующая корреляция Экономическая взаимосвязь между другими переменными. В общей экономической оценке эксплуатационные расходы обычно измеряются в соответствии с производительностью единицы. В экономической оценке развития закачки воды параметры эксплуатационных затрат делятся на измерение по отдельной скважине, измерение по добыче жидкости и измерение по единице добычи. это три метода измерения, которые также устанавливаются с учетом характеристик разработки закачки воды.

При исходной влажности 5%, 10%, 15%, 20%, 25%, 30%, 35%, 40%, 45%, 50%, 55%, 60%, 65%, 70%, 75%, 80%, 85%, 90% (предельная обводненность 96%), можно рассчитать соответствующую полную скорость увеличения обводненности; затем используйте Excel для расчета зависимости между внутренней нормой доходности и глубиной скважины, суточной добычей одной скважины, и комплексная обводненность. доходности, глубины скважины, суточной добычи одной скважины и обводненности.

На основе анализа характеристик разработки закачки воды на нефтяном месторождении и принципа динамического анализа безубыточности в данной статье разработана модель экономической оценки разработки закачки воды на месторождении. При определенных условиях окружающей среды получается количественная взаимосвязь между суточной добычей отдельной скважины и внутренней скоростью возврата, глубиной скважины и обводненностью, а полученные соответствующие данные испытаний используются для выполнения регрессионного анализа с использованием программного обеспечения SPSS для получения внутренней норма доходности и дневная норма отдельной скважины. Модель регрессионного анализа между добычей, глубиной скважины и обводненностью, а затем с помощью установленной модели регрессионного анализа, может легко выполнить экономическую оценку разработки закачки воды на нефтяном месторождении.

Усмонова Диёра Махмуд қизи, докторант, ТДИУ

**МАМЛАКАТИМИЗДА УЗУМЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ
САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва мазкур секторни давлат томонидан тартибга солиниши янада фаоллашиб бормоқда. Мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитининг тобора кенгайиши тадбиркорлик субъектларининг рағбат асосидаги фаолиятини таъминлашга олиб келмоқдаки, деярли барча тармоқлардаги тадбиркорлик субъектлари йилдан- йилга ортиб бормоқда. Корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш, ташқи бозорларга тайёр рақобатбардош маҳсулотлар билан чиқиш,

экспортда кўшимча қийматга эга бўлган товарлар улушини кўпайтириш ҳамда жаҳон бозорида мустақкам ўрин эгаллаш бўйича иқтисодий ислохотлар жадал олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида экспортни ошириш бўйича, “...экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркиби ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш”¹⁹⁹ бўйича улкан вазифалар белгиланган. Бундан кўришиб турибдики, бугунги кунда давлатимиз раҳбари республикамиз бўйича қайси ҳудудга бормасин, ўша ҳудудда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этиш зарурлигини²⁰⁰ таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, иқтисодиётининг глобаллашуви ва рақобатнинг ривожланиши маркетингни нафақат корхоналар бизнес фаолияти фалсафаси, балки ҳудудий ривожланишнинг фалсафаси сифатида ҳам тан олиншини юзага чиқарди. Маркетинг - фақатгина катта корхоналарнинг имкониятига тўғри келадиган бозорни таҳлил қилиш (сотишни башорат қилиш усуллари, бозорнинг имитацион моделлари ва тадқиқотлари каби) воситалари мажмуаси бўлиб, улар эҳтиёжларни ва талабни таҳлил қилишга истиқболли ва илмий ёндашувни ишлаб чиқиш учун фойдаланилади.²⁰¹

Маркетинг стратегияси корхона имкониятларининг бозордаги ҳолатга мувофиқлаштириш, кўйилган мақсадларга эришишнинг комплекс воситаларини белгилашдан иборат. Америкалик етук иқтисодчи олим И. Ансоффнинг фикрича²⁰², стратегия ўз моҳияти ва жиҳатидан ташкилотнинг ўз фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнида қўллаш учун мавжуд бўлган қоидалар мажмуига айтилади.

Иқтисодиётни барқарорлигини таъминлаш шароитида озиқ-овқат саноати корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хорижий мамлакатларда корхоналарининг ташқи бозорларга чиқишида фаол маркетинг, ўсиш, дифференциация, фокуслашган, харажатлар бўйича устунлик, халқаро сегментлаш ва рақобатчилик каби маркетинг стратегияларидан самарали фойдаланиш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан товарлар ассортиментини кенгайтириш, уларнинг ноёблигини ошириш, рақобатбардошлиги ва сифатини ошириш, ташқи бозорларга чиқишда фаол маркетинг стратегияларидан фойдаланиш, янги технологиялар асосида ва янги ишланмалар асосида янги товарлар, ишланмалар яратиш, бозорларнинг интернационаллашуви, халқаро бозордаги тўсиқларни енгиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Корхоналарда маркетинг стратегиясини шакллантириш рақобат устунлигини (харажатлар бўйича устунлик, бозор имкониятлари бўйича устунлик ва ҳ.к.) танлашдан бошланади. Айни пайтда, корхона танлаган рақобат устунлиги ёрдамида ўз олдида кўйган стратегик мақсадларга эришишни кўзлайди. Ўз навбатида, муайян устунлик асосида базавий маркетинг стратегияси танланади. Корхона муайян рақобат устунлиги ва базавий стратегияни танлагандан сўнг эса рақобат стратегиясини ишлаб чиқиш зарурати юзага келади. Ўсиш имкониятларининг ушбу стратегиялари маркетинг стратегиясини танлашда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса харажатлар бўйича устунлик ва дифференциация стратегияси катта аҳамиятга эга.

Жаҳондаги рақобатнинг кучайиши ва глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви

¹⁹⁹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йиллардаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. www.lex.uz.

²⁰⁰ Мирзиёев Ш.М. Халққа хизмат қилиш, одамларнинг манфаатларини таъминлаш-раҳбарлар фаолиятининг асосий мезонидир. - // Халқ сўзи, 2017 йил 13 апрель, №73 (6767).

²⁰¹ Ergashodjaeva Sh.J. Strategik marketing. Darslik. -Т.: Sano - Standart, 2019. – 6 б.

²⁰² И.Ансофф. Стратегическое управление.-М.:Экономика, 1986.56 стр.

озик-овқат, мева-сабзавот, узумчилик саноати маҳсулотлари бозорига бевосита таъсир кўрсатиб, бугунги кунда уларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратишни талаб этмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2018 йил 20 декабрдаги ПҚ-4069-сонли “Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”²⁰³ги қарори экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қўйилган қадамлардан биридир.

2019 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг 160 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо-сотик алоқаларини амалга ошириб келмоқда. Жумладан, республиканинг ташқи савдо айланмаси 2019 йил якуни бўйича 41,7 млрд. АҚШ долл, ёки 2019 йилда МДХ мамлакатлари билан 14,5 млрд. АҚШ долл, бошқа мамлакатларга эса 27,2 млрд. АҚШ долларни ташкил этди. Кўрсаткичига нисбатан 11%га ошган. Шундан, экспорт 17,4 млрд. АҚШ долларини (41,7%) ва импорт 24,3 млрд. АҚШ долларини (58,3%) ташкил қилди ёки 2018 йилга нисбатан мос равишда 124,8 ва 125,0 %га ўтган йилга нисбатан ўсиш кузатилган. Ташқи савдо айланмаси сальдоси 6,8 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди. (1-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакат ташқи савдоси йилдан йилга ортиб борган. Жами ташқи савдода МДХ мамлакатларининг улуши 2016 йилда 34,6, 2017 йилда 34,2, 2018 йилда 36,3 ва 2019 йилда 34,6 фоизни, бошқа мамлакатлар билан ташқи савдо улуши 2016 йилда шунга мос равишда 65,4; 2017 йилда 65,8, 2018 йилда 63,7 ва 2019 йилда 65,4 фоизни ташкил этди. Экспорт бўйича МДХ мамлакатларининг улуши 2016 йилда 35,9, 2017 йилда 32,5, 2018 йилда 35,8 ва 2019 йилда 35,7 фоизни, бошқа мамлакатлар билан экспортдаги улуши 2016 йилда шунга мос равишда 64,1, 2017 йилда 67,5, 2018 йилда 64,2 ва 2019 йилда 64,3 фоизни ташкил этди.

2019 йилда экспорт таркибида МДХ мамлакатлари орасида Россия билан 40,6 фоизни, Қозоғистон билан 22,3 фоизни, Қирғизистон Республикаси билан 10,7 фоизни, Тожикистон Республикаси билан 5,3 фоизни, Туркменистон билан 2,3 фоизни, Украина билан 1,9 фоизни, Белорусия ва Озарбайжон давлатларига экспорт улуши 0,8 фоизни ҳамда Молдова Республикаси билан 0,1 фоизни ташкил этди. Экспорт бўйича 2019 йилда бошқа мамлакатлар билан энг катта улуш 2019 йилда Туркия 10,9; Франция 1,9; Бирлашган Араб Амирликлари 1,4; Корея Республикаси 0,9; Польша 0,4; АҚШ 0,3; Япония 0,3; Сингапур 0,3; Швейцария 0,3; Нидерландия давлатига 0,2 фоиз тўғри келди ва Чех Республикасининг улуши 0,1 фоизни ташкил этди²⁰⁴.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2016-2019 йиллардаги ташқи савдо айланмаси²⁰⁵ (млн.долл)

Йиллар бўйича ташқи савдо айланмаси	Жами	Шу жумладан:	
		МДХ мамлакатлари билан	Бошқа мамлакатлар билан
Ташқи савдо айланмаси			
2016 йил	24 232,2	8 388,1	15 844,1
2017 йил	26 566,1	9 084,6	17 481,5
2018 йил	33 429,9	12 144,4	21 285,5
2019 йил	41 751,0	14 461,8	27 289,2
Экспорт			
2016 йил	12 094,6	4 338,3	7 756,3
2017 йил	12 553,7	4 080,1	8 473,6
2018 йил	13 990,7	5 003,1	8 966,7
2019 йил	17 458,7	6 234,0	11 224,7

²⁰³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги “Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4069-сонли қарори. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й. www.lex.uz.

²⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари. Ўзбекистонда савдо 2016-2019. -Т.: 2020,88-90 б.

²⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари. Ўзбекистонда савдо 2016-2019. -Т.: 2020,72 б.

Импорт			
2016 йил	12 137,6	4049,8	8 087,8
2017 йил	14 012,4	5 004,5	9 007,9
2018 йил	19 439,2	7 141,3	12 297,9
2019 йил	24 292,3	8 227,8	16 064,5

Бундан ташқари республикада мева-сабзавот маҳсулотлари таркибида узум маҳсулотлари 2019 йилда 190,5 минг тонна экспорт қилиниб, унинг ҳажми 223,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 96,8 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда озиқ-овқат саноати, хусусан мева-сабзавот, узумчилик саноати корхоналари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш масаласи долзарб масалалардан ҳисобланади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, узум маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегияларидан фойланиш муҳим аҳамият касб этади.

Аграр секторнинг экспорт салоҳиятини ошириш, кўшилган қийматга эга маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, халқаро стандартлар асосида маҳсулотларни сертификатлаш тизимини кенг жорий этиш ва кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг²⁰⁶ асосий мақсадлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси”да ўз аксини топган.

Мазкур фармонда кўрсатилишича, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини ошириш, кўшилган қийматга эга маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, халқаро стандартлар асосида маҳсулотларни сертификатлаш тизимини кенг жорий этиш ва кооперация муносабатларини ривожлантириш мазкур устувор йўналишнинг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади: янги мақсадли экспорт бозорларида музокаралар олиб бориш ва савдо келишувларини амалга оширишнинг устувор йўналишларини белгилаш; маҳаллий ва мақсадли халқаро бозорларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари маркетинги ва ташиш харажатларини камайтириш; маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини мақсадли экспорт бозорларига чиқариш учун «Made in Uzbekistan» брендидан фойдаланишни кенгайтириш имкониятларини баҳолаш; экспорт бозорлари тўғрисида маълумотлар тақдим этиш, экспортга тайёргарлик, савдо режими ва савдони молиялаштириш бўйича маслаҳат хизматларини ривожлантириш; мақсадли бозорлар тўғрисида маълумотлар тўплаш жараёнида, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини илгари суришда Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг ролини ошириш; агрологистика марказлари негизида ягона савдо тизимини (аукцион ва биржа савдолари асосида) жорий этиш ва ҳоказолар.

Бундан ташқари саноатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон оммавий ассортиментига мослаша оладиган даражада шакллантириш, дифференциациялаш орқали, уни ривожлантириш чораларини кўриш муҳим аҳамиятга эга. Бунда асосий эътиборни янги маҳсулот турини яратишга эмас, мавжуд ассортимент билан глобал кўшилган қиймат занжирида фаол иштирок этишга эътибор қаратиш лозим²⁰⁷.

Пойтахтимизда 2019 йил 10 октябрь куни ўтказилган конференция “Мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлаш, иқтисодий манфаатларини халқаро майдонда илгари суришга қаратилган Ўзбекистон миллий брендини

²⁰⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси” ПФ-5853-сон Фармони.

²⁰⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармогини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сонли қарори. - //Халқ сўзи, 2019 йил 12 декабрь.

шакллантириш” мавзусига бағишланган бўлиб, унда кўрсатилишича, консальтинг марказлари ёки маркетинг агентликларини фаолияти бевосита истеъмол бозори билан саноат корхоналари боғловчи асосий занжир сифатида шакллантирилиши лозим. Миллий маркетинг агентликлари ва уларнинг ҳудудий филиалларида ички ва жаҳон бозори конъюнктураси бўйича доимий ахборот бериб борувчи тизимни жорий қилиш, интернет маркетинг технологияларидан самарали фойдаланиш, бозори конъюнктураси ва унинг тенденцияларини ҳар бир маҳсулот бўйича ҳар ойлик турли нашрларни тайёрлаб боришга алоҳида эътибор қаратиш керак²⁰⁸лиги кўрсатиб берилган.

Дунёда товарларнинг бренд қиймати юқори ҳисобланади. Интеллектуал мулк Европада ялпи ички маҳсулотнинг 45 фоизини, Хитойда 12 фоиз, Россияда 7 фоизни ташкил этади. Бугунги кунда мамлакатимиз саноатининг бор-йўғи 72 та товар белгиси халқаро рўйхатдан ўтказилган. Лекин бу жуда ҳам кам. Аслида эса имкониятлар талайгина. Масалан, Чуст пичоғи, Самарқанд нони, Марғилон адраси, Шеробод анори, Олтиариқ ва Паркент узуми, Хоразм қовуни, Сурхондарё хурмоси каби машҳур брендларни ҳудудий мансублиги бўйича рўйхатдан ўтказиб, халқаро бозорларда фаол тарғиб қилиш мумкин. Тадбиркорлар маҳсулотларини брендга айлантириш дастури ва электрон майдончани ишлаб чиқиб, ҳудудларда брендлар ярмаркаси ўтказиш зарурлигини таъкидлаб, Шавкат Мирзиёев: “Жаҳон бозорига чиқаётган маҳсулотларимизда Ўзбекистон овози жаранглаши керак, бренди бўлсагина маҳсулотларимиз ташқи бозорларда мустақкам ўрин эгаллай олади”²⁰⁹- деб алоҳида тўхталиб ўтдилар. Бундай кўришиб турибдики, бугунги кунда брендни бошқариш концепциясига муҳим аҳамият берилмоқда. Бу ҳам маркетингни замонавий концепцияларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Узумчилик агросаноат мажмуасининг асосий тармоғларидан бири сифатида аҳолини хўл ва қуритилган узум билан, виночилик ва консерва саноатини ҳам ашё билан таъминлаш учун узум ҳосилларини етиштиришга қаратилган фаолият ҳисобланади. Шу билан биргаликда узумчилик кўплаб мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг асосий ихтисослашган тармоқлари ҳисобланади.

Олтиариқ тумани бугунги кунда узум билан ҳам машҳур. Ўтган йиллар давомида бу ерда ўзига хос мактаб вужудга келиб, 10 лаб турдаги янги узум навлари яратилди. “Қора шаҳзода”, “Хусайни”, “Маликанинг бармоғи”, “Ризамат ота” каби навлар нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлиб бормоқда.

Ўзбекистонда етиштирилаётган узум ҳажми нафақат аҳолининг эҳтиёжларини қоплашга, балки экспорт таъминотини ҳам катта ҳажмларда амалга оширишга имкон беради. Ўзбекистон Республикасида узум етиштириладиган майдонлар ва етиштириш ҳажмлари келтирилган. Статистик маълумотларга кўра 2010 йилда республикадаги токзорлар майдони 127,9 минг га.ни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 113,5 минг га.га қисқарган бўлсада, узум етиштириш ҳажми 2010 йилдаги 979,3 минг тоннадан, 2019 йилда 1595,2 минг тоннага ошган. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари узум ҳосилдорлигини 2010 йилга нисбатан 2019 йилда қарийб 1,5 марта оширишга эришилган.

Ишлаб чиқарилган узум умумий ҳажмининг қарийб учдан бир қисми Самарқанд вилояти (35,4%) ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, юқори улуш Бухоро (12,7%), Фарғона (10,4%), Наманган (7,6%) ҳамда Тошкент (6,4%) вилоятларида қайд этилди. Шунингдек, узум ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги энг кам улуш Қорақалпоғистон Республикаси (0,6%) ҳамда Сирдарё (0,8%) вилоятларида кузатилди. 2018 йилга нисбатан юқори ўсиш суръатлари Қорақалпоғистон Республикаси (118,6%), Жиззах (116,9%), Хоразм (109,4%),

²⁰⁸ “Мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада мустақкамлаш, иқтисодий манфаатларини халқаро майдонда илгари суришга қаратилган Ўзбекистон миллий брендини шакллантириш” мавзусидаги конференция материаллари. -Т.: 2019 йил 10 октябрь.

²⁰⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 октябрь куни интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириши чора – тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди. - // Халқ сўзи, 2020 йил 13 октябрь, 214-сон.

Наманган (109,0%) вилоятларида қайд этилди. Ўзбекистоннинг янги ва қурилган узум ҳамда вино маҳсулотларини экспорт қилиш географиясини диверсификация қилиш учун энг мақсадли бозорлар сифатида Шарқий Осиё (Хитой, Жанубий Корея), Яқин Шарқ (БАА, янги узум учун Саудия Арабистони), Европа (Германия, Нидерландия, Буюк Британия, Польша) мамлакатлари бўйича маркетинг тадқиқотларини янада ривожлантириши зарур. Шу билан бирга, ўзбек узумлари Россия бозорининг атиги 16 фоизини эгаллаганлигини ҳисобга олиб, ушбу бозорда унинг улушини ошириш бўйича фаол ҳаракатларни давом эттириш зарур.

Ўзбекистонда узумчилик маҳсулотлари экспортини ривожлантириш мақсадида нотариф тўсиқларни камайтиришга имкон берувчи стратегияларни амалга ошириш мақсадида хорижий мамлакатлар билан мақсадли музокаралар олиб бориши лозим. Жумладан, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлмаганлиги сабабли, унга аъзо бўлганлар давлатларда ҳалигача юқори тарифларда экспорт қилинмоқда. Натижада бундай бозорларда рақобат устунлигини таъминлаш имкони чекланган. Шунга кўра мева-сабзавот маҳсулотлари учун "яшил йўлаклар"ни шакллантириш бўйича дипломатик алоқаларни ривожлантириш зарур. Узумчиликнинг экспорт салоҳиятини оширишнинг зарур шарти самарали ва ривожланган қишлоқ хўжалиги логистикасини шакллантиришдир. Шу муносабат билан маҳсулотларни сақлаш ва ташиш, ташқи бозор талабларига мувофиқ маҳсулотларни танлаш ва қадоқлаш бўйича кенг қўламли хизматларни кўрсатадиган агрологистик кластерларни яратишни жадаллаштириш талаб этилади. Шу билан бирга, ушбу агрологистик кластерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга аграр озик-овқат бозорларидаги вазият, импорт қилувчи мамлакатлар бозорларидаги мева-сабзавот маҳсулотларига қўйиладиган талаблар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатишга ихтисослаштириш, маркетинг тадқиқотларини натижаларини доимий маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга етказиб беришга ихтисослаштириш лозим.

Юқоридагилар шуни таъкидлаши мумкинки, узумчилик саноати экспорт фаолиятини ривожлантириш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишни талаб этади. Маркетингда хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт салоҳиятини оширишнинг асосий маркетинг стратегиялари қуйидагилардан иборат: харажатлар бўйича етакчилик стратегияси; диверсификация стратегияси ва ихтисослашув стратегиясидир. Харажатлар бўйича етакчилик стратегияси ишлаб чиқариш, товарлар, ишлар ва хизматлар харажатларини пасайтириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш заруратини белгилаб беради. Диверсификация стратегияси рақобатчиларга қараганда сифатли товарни барпо этиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш заруратини белгилаб беради. Ихтисослашув стратегияси муайян товарлар, ишлар ва хизматларга бўлган истеъмол талабини рақобатчиларга қараганда анча жозибадор шароитда қондириш заруратини белгилаб беради. *Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки*, бугунги кунда узумчилик экспортини ўсиш суръатини янада жадаллаштириш учун соҳада маркетинг стратегияларини чамбарчас холда қўллаш катта аҳамият касб этади.

Тожибоева Нафисахон Раҳмиддин қизи, докторант, АКХАТИ
ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ БОШҚАРУВ
ТИЗИМИДА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Инсоннинг иш жойидаги янги ўрни ва иқтисодиётдаги жадал ўзгаришлар, ташкилий маданият ва технология кадрларни пухта танлаш, тайёрлаш, ҳақ тўлаш ва улардан оқилона фойдаланиш каби янги муаммоларни келтириб чиқарди. Бу вазифаларни кадрлар билан анъанавий ишлаш доирасида ҳал этиш энди мумкин бўлмай қолди. Бу ишни стратегик бошқарув жараёнига тенг таркибий қисм сифатида киритиш лозим эди. Замонавий шароитда инсон ресурслари ривожланишини бошқариш стратегияни

режалаштириш ва амалга ошириш жараёнининг ажралмас қисмига айланиши лозим. Бугунги кунда корхонанинг стратегик мақсадлари фақат маълум бир стратегия ва янги, ўзгарувчан бизнес муҳитига ўтиш учун зарур бўлган мотивацион талабларга жавоб берадиган ходимлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Шу маънода стратегик режалаштириш жараёнлари фақат ходимлар учун танланган стратегиянинг оқибатлари ҳисобга олинсагина муваффақиятли ривожланиши мумкин. Бунинг учун корхонанинг стратегияси ходимларни кенг жалб қилиш билан ишлаб чиқилган ходимларига маълум бўлиши керак, чунки бу ҳолатда ходимлар бошқарув ташаббусларини қўллаб-қувватлайди ва корхонанинг стратегик мақсадларини амалга оширишни таъминлайди.

Ходимларни ривожлантириши сифат жиҳатидан ҳар хил қобилият ва мотивацияга эга бўлган ишчи кучини шакллантиришга кўмаклашади, бу эса ходимларнинг самарадорлиги ва унумдорлигининг ошишига олиб келади. Ходимларни ривожлантириш, биринчидан, ходимларнинг лавозим талабларига ва корхона вазифаларига жавоб беришини таъминлаш, яъни меҳнат салоҳиятини шакллантириш; иккинчидан, ходимларнинг индивидуал имкониятларини очиб бериш ва уларнинг иш фаолиятини ўсишини таъминлаш, яъни меҳнат салоҳиятини ривожлантириш мақсадида амалга оширилади. У тактик мақсадни (иш талабларига риоя қилиш) ҳам, стратегик мақсадни (корхона самарадорлигини таъминлаш) ҳам ўз зиммасига олиши мумкин, яъни меҳнат салоҳиятини шакллантириш ва/ёки ривожлантиришга қаратилган бўлиши мумкин. Бироқ, кадрлар тараққиёти меҳнат салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларининг оддий йиғиндиси эмас.

Меҳнат салоҳиятини шакллантириши - бу корхонанинг тактик ва стратегик мақсадларига мувофиқ ходимларни ёллаш, танлаш, тайёрлаш, ишлаб чиқиш ёки озод қилишнинг турли усуллари орқали ташкилий мақсадларга эришиш учун корхонанинг зарур меҳнат қобилиятини яратиш жараёнидир. Шундай қилиб, шаклланиш жараёни ходимларни ривожлантириш жараёнидан ташқарига чиқади. Дарҳақиқат, меҳнат салоҳиятининг шаклланиши унинг миқдор ва сифат жиҳатдан шаклланишидир. Меҳнат салоҳиятини шакллантириш ҳеч бир муайян босқичда тугалланмайди. Бу инсоннинг қобилиятлари фаолияти даврида давом этадиган узлуксиз жараён бўлиб, унинг ишчи кучи нафақат истеъмол қилинади, балки бир вақтнинг ўзида қайта ишлаб, ривожлантирилади, чунки касбий, интеллектуал билимларни такомиллаштириш, тажриба, кўникмаларни эгаллаш ва ҳоказолар рўй беради.

Ҳозирги кунда кўплаб олимлар "меҳнат салоҳияти", "меҳнат сифати" каби категорияларни ўрганиш билан шуғулланмоқдалар, меҳнат салоҳиятини ривожлантириш ва ундан фойдаланишни максималлаштириш муаммоларини ҳал этиш эса корхона кадрлар сиёсатининг асосий вазифаларидан биридир.

Ривожланиш, одатда, тизимнинг мураккаблигини ошириш, унинг ташқи шароитларга мослашувчанлигини яхшилаш, иқтисодиётнинг миқёсини, миқдорий ўсишини ва унинг тузилишини сифат жиҳатидан яхшилаш ва ижтимоий тараққиёт деб тушунилади. Ривожланиш ёки янги элементларнинг пайдо бўлиши ёки янги объектларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг табақаланишини англатади. Муаллифлар фикрларни умумлаштирган ҳолда, ходимларни ривожлантириш – бу уларнинг касбий хусусиятларини ўқитиш, ўз-ўзини ривожлантириш, касбий фаолияти ва ходимларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатлари орқали ходимлар шахсини шакллантириш жараёнидир.

Пахта тозалаш корхонаси ходимларини ривожлантириш стратегиясининг ташкилий-иқтисодий моделидаги асосий босқич – бу ходимларини ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва уни амалиётга қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш саналади. Шу боисдан, тадқиқотнинг кейинги босқичида пахта тозалаш корхоналари рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган корхона меҳнат салоҳиятини бошқариш

тизимда ходимларни ривожлантириш стратегиясини шакллантиришда жараёнли ёндашувга таянамиз.

Ходимларни ривожлантириш стратегиясига таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан саноат корхонаси стратегиясининг уч таркибий қисми айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашади:

- махсулот (хизматлар, ишлар) сифати);

- инновация сиёсати;

- ишлаб чиқариш технологиясининг ўзгариш омиллари билан боғлиқ қисмида техник ва технологик стратегия.

Кўришиб турибдики, ходимларни ривожлантириш стратегияси саноат корхоналарининг комплекс стратегияларининг хусусиятлари билан белгиланади:

- саноат корхоналарининг стратегик ривожланиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш, стратегик истиқболда ходимларни ривожлантиришни режалаштиришнинг шартидир;

- саноат корхонасини ривожлантиришнинг умумий стратегиясини шакллантириш, уни амалиётда муваффақиятли амалга ошириш учун ходимларга таъсир этишнинг зарур тизимини баҳолаш, таҳлил қилиш ва танлаш имконини беради;

- корхона стратегияси ходимлар олдида турган ишлаб чиқариш мақсад ва вазифаларини белгилайди, шу асосда корхона ходимларининг малакаси, ишлаб чиқариш кўникмаси, қобилияти ва имкониятларини аниқлаш учун ходимлар баҳоланади;

- саноат корхонасининг ривожланиш стратегияси уни ривожлантириш бўйича ходимларга қўйиладиган талаблар динамикасини белгилаб беради. Бу ҳолда ходимларга қўйиладиган талаблар, аввало, ишбилармонлик сифатлари, шунингдек, муайян мақеини (маълумоти, ёши, иш тажрибаси) белгилайдиган ишдаги хусусиятлар тушунилади.

Ўз навбатида, ходимларга қўйиладиган талаблар мажмуини ишлаб чиқиш корхонанинг ходимлар тайёрлаш стратегиясини шакллантиришнинг мажбурий ва зарурий шартидир.

Юқоридагиларга асосланиб, корхонанинг ривожланиш ва рақобатбардошлигини ошириш стратегияси узоқ муддатга мўлжалланган ва корхонанинг стратегик мақсад ва кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда ходимларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Бинобарин, саноат корхонасининг рақобатбардошлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш стратегияси ва унинг ходимларини ривожлантириш стратегияси ўзаро боғлиқ ва ўзаро йўғрилган. Шунга кўра, корхона ривожланиши стратегик мақсадларининг ўзгариши ўз ходимларининг ривожланиш стратегиясининг ўзгаришини ва аксинча – ходимлар тузилмасидаги сифат ва миқдорий ўзгаришлар корхона ривожлантиришнинг стратегик режаларига мослаш ва ўзгартириш заруратини келтириб чиқаради.

Ходимларни ривожлантиришни бошқаришга жараёнли ёндашувни жорий этиш билан корхона қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

1. Ходимларни ривожлантиришни бошқариш тизимини муқобиллаштириш, уни бошқариш учун шаффоф қилиш ва ташқи муҳитдаги ўзгаришларга мослашувчан жавоб беришга имкон беради.

2. Корхонанинг бизнесни режалаштиришнинг ҳар бир босқичида ходимларни ривожлантиришни бошқариш бўйича асосий фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари тизимини шакллантириш ва улардан фойдаланиш имконини беради.

3. Корхона раҳбариятига мавжуд ходимларни ривожлантиришни бошқариш тизими самарадорлигини узлуксиз ошириш ва манфаатдор томонларнинг манфаатларини максимал ҳисобга олишга қаратилганига ишонч беради.

4. Ишлаб чиқилган ва амалга оширилган жараёнларни бошқариш тизими унга қўйилган талабларга мувофиқ жараён ёндашувини амалга оширишни таъминлайди.

Ходимларни ривожлантиришни бошқариш жараёнининг бу каби кетма-кетликда ташкил этилиши меҳнат бозорида рақобат устунлигига эришиш имконини беради.

5. Ходимларни ривожлантиришни бошқариш стратегиясини шакллантириш жараёнини амалга ошириш ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва сақлаш учун аниқ белгиланган тартиб ва жавобгарликни кафолатлайди.

Тадқиқот жараёнида биз жараёнли ёндашув асосида пахта тозалаш корхоналари ходимларини ривожлантириш стратегиясини шакллантириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқдик. Ушбу услубга кўра, жараёнга йўналтирилган пахта тозалаш корхонаси учун самарали ходимларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш бизнес-стратегияни таҳлил қилишдан бошланади ва стратегик режани амалга ошириш билан яқунланади. Ушбу стратегия пахта тозалаш корхоналари рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган бўлиб, корхона бизнес-стратегиялари билан узвий боғлиқда амал қилади.

“Ходимларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш” бизнес-жараёнларни режалаштириш лойиҳасини тайёрлашда қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- * корхона муаммоларини диагностика қилиш;
- * асосий иш жараёнлари рўйхатини аниқлаш;
- * лойиҳа мақсадларини аниқлаш ва тартиблаш;
- * танлаш (ишлаб чиқиш) ва бизнес жараёни моделлаштириш услубияти, шу жумладан, лойиҳа бошқариш услубиятини тасдиқлаш;
- * дастурий ва ахборот таъминати;
- * ишчи гуруҳларни шакллантириш;
- * услубий кўрсатма: ташкилот раҳбар ва мутахассисларини тайёрлаш;
- * ходимларни лойиҳа мақсадлари ҳақида хабардор қилиш;
- * батафсил ишни режалаштириш.

Ушбу пахта тозалаш корхоналари ходимларини ривожлантириш стратегияси корхонанинг умумий ривожланиш бизнес-стратегиялари асосида ходимларни ривожлантириш стратегияларидан муқобиллини танлаш имкониятини беради.

Дусмухамедов О.С., мустақил тадқиқотчи, ЎзМУ
**ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК ҲОЛАТИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

Аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишнинг жаҳон тажрибаси кўрсатишича иқтисодий ва молиявий муносабатлар тизимида молиявий интеграцияларнинг мавжудлиги мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга бевосита таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Ушбу ҳолат пировард натижада аҳоли турмуш фаровонлиги даражасининг барқарор суръатларда ортиб бориши ва сифатини яхшиланишига замин яратади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТнинг 2017 йил 20 сентябрдаги ассамблеясидаги нутқларида айтиб ўтганларидек, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади²¹⁰”. Президентимиз томонидан билдирилган фикр замирида аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш масаласи етакчи ўринга кўтарилганлиги аҳоли молиявий саводхонлик даражасини ошириш заруриятини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш дегани эмас. Бунинг учун энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш,


²¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ассамблеясида сўзлаган нутқи. 20.09.2017. <https://www.gazeta.uz/ru/2017/09/20/un-ga-speech/>

фарзандларни ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак”²¹¹ деб таъкидлаганлар.

Мамлакатимизда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш, хонадон хўжаликларининг, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини (яъни даромад ва харажатларини) бошқариш ва уларни режалаштириш жараёнларини такомиллаштиришда молиявий интеграцияни кучайтиришга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Бунда тижорат банклари, молия ташкилотлари ва суғурта компаниялари томонидан аҳолига тўлов хизматлари, омонат ҳисобварақалари, кредит ва суғурта хизматлари кўрсатилиши шартлари ва қоидаларини кенг оммага етказиш ҳамда уларнинг мазкур йўналишдаги билимини оширишда ҳамкорликдаги фаолиятини назарда тутилади.

Мамлакатимиз молия тизимида тижорат банклари етакчи ўринни эгаллайди. Шунингдек молия бозорида фаолият юритаётган турли молиявий воситачилар яъни депозит жалб этмайдиган микромолия ташкилотлари ҳисобланади. Ушбу ташкилотлар мамлакатимиз молия бозорининг ривожланишида етарли даражадаги таъсир кучига эга эмас. Жумладан, мамлакатимизда аҳолини кўшимча молиялаштиришнинг ягона платформасини мавжуд эмаслиги туфали молиявий бозорларнинг ривожланиш даражаси паст ҳисобланади.

Жаҳон банки халқаро экспертлари томонидан аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш даражаси ва уларнинг молиявий саводхонлиги даражасини белгилашда банк сектори кредитларининг ЯИМдаги улушини ҳисоблаш услугиётидан фойдаланишлари халқаро даражада тан олинган усуллардан бири ҳисобланади. Халқаро экспертлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, мамлакатимизда молиявий воситачилик даражаси ва банк кредитларининг ЯИМдаги улуши паст ҳисобланади (1-расмга қаранг).




1-расм. Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган айрим мамлакатларда хусусий секторга ажратилган банк кредитларининг ЯИМдаги улуши (фоизда)²¹²

1-расм маълумотлари таҳлили кўрсатишича, 2019 йилда бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган Польша (50,8 %), Словения (42,5%) ва Словакия (62,9%) каби мамлакатларда хусусий секторга ажратилган банк кредитларининг мамлакат ЯИМдаги улуши бошқа мамлакатлардаги кўрсаткичларга нисбатан юқори бўлиб, ушбу мамлакатларда молиявий воситачилик муносабатларининг жадал ривожланаётганлигидан далолат беради. Жумладан, Бразилия (63,9), Россия (52,9) ва Хиндистон (63,9) каби мамлакатларда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини оширишга қаратилган давлат дастурларининг изчил амалга оширилаётганлигини сабабли, сўнгги йилларда ушбу мамлакатлар гуруҳида ҳам хусусий секторга ажратилаётган банк кредитлари ҳажми сезиларли даражада ортган. 2016-2020 йилларда мамлакатимиз молия ва банк соҳасида

²¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселлектор йиғилишида сўзлаган нутқидан. 27.02.2020 й. <https://xs.uz/uzkr/post/tadbirkorlikni-rivozhlantirish-va-kasbga-tajyorlash-orqali-kambagallikni-kamajtirish-choralari-belgilandi>

²¹²Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган <https://databank.worldbank.org/reports.aspx?source=2&series=FD.AST.PRVT.GD.ZS&country=#>

амалга оширилган ислохотларда молиявий эркинлаштиришга устуворлик қаратилди. Натижада, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган расмий маълумотларга кўра, 2020 йилда банк сектори кредитларининг ЯИМдаги улуши 47,7 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан қарийб 2 марта ортди (2-расмга қаранг).



2-расм. Ўзбекистонда жами банк кредитларининг ЯИМдаги улуши²¹³

Аҳоли ва юридик шахсларнинг банклардаги депозитлари ҳажмининг умумий банк мажбуриятларидаги улуши таҳлили шуни кўрсатадики, 2016-2020 йилларда депозит маблағларининг банкларнинг асосий маблағлар сифатидаги аҳамияти пасайди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки экспертлари томонидан билдирилган фикрларга кўра, тижорат банкларининг кредитлари ҳажмининг ортиши таҳлил этилаётган даврда тўғридан-тўғри давлат маблағлари ва қисман халқаро кредит линияларидан қарз олиниши ҳисобига эришилди. Натижада, ушбу даврда тижорат банкларининг умумий мажбуриятларида олинган қарз маблағлари улуши 36 фоиздан 49 фоизга ошди, умумий мажбуриятлардаги депозитларнинг улуши эса 50 фоиздан 37 фоизга қисқарди (1-жадвалга қаранг). Таҳлил натижаларига кўра, 2020 йилда аҳоли ва юридик шахсларнинг банклардаги депозитлари ҳажми 2016 йилга нисбатан 3,1 баробарга, жумладан, банклар томонидан олинган кредит ва лизинг маҳсулотлари ҳажми 5,7 баробарга ортган. Ушбу ҳолат мамлакат тижорат банкларининг аҳоли ва юридик шахслардан жалб этилган депозитлар ҳисобига кредит бериш қобилиятини сусайтиради.

1-жадвал


Тижорат банкларининг жамланма баланси (трлн сўмда)²¹⁴

Кўрсаткичлар номи	2016 й.	Улуши, %да	2017 й.	Улуши, %да	2018 й.	Улуши, %да	2019 й.	Улуши, %да	2020 й.	Улуши, %да
Мажбуриятлар	75,1		146,0		187,7		221,7		307,8	

²¹³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари <https://www.cbu.uz>; Ahunov, M. 2018. Financial Inclusion, Regulation, and Literacy in Uzbekistan. ADBI Working Paper 858. Tokyo: Asian Development Bank Institute. Available: <https://www.adb.org/publications/financial-inclusion-regulation-literacy-uzbekistan>; Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилган

²¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари <https://www.cbu.uz>; Ahunov, M. 2018. Financial Inclusion, Regulation, and Literacy in Uzbekistan. ADBI Working Paper 858. Tokyo: Asian Development Bank Institute. Available: <https://www.adb.org/publications/financial-inclusion-regulation-literacy-uzbekistan>

Жумладан:										
Депозитлар	37,2	50	59,6	41	70,0	37	91,0	41	114,8	37
Олинган кредитлар ва лизинг	26,8	36	72,8	50	104,4	56	105,3	48	151,7	49



3-расм. 2016-2020 йилларда тижорат банкларидаги жами депозитлар қолдиғи динамикаси²¹⁵

3-расм маълумотлари таҳлили кўрсатадики, мамлакатимизда тижорат банкларининг жами депозитлар қолдиғида жисмоний шахсларнинг банкка нисбатан ишонч даражасининг пастлигини кўриш мумкин. 2016 йилда банклардаги жами депозит қолдиғида жисмоний шахсларнинг депозит қолдиғидаги улуши 23%ни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, ушбу кўрсаткич фақатгина 0,9%га ортган.

Мамлакатимизда юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни бартараф этишда аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Сабаби аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлик даражасини оширилиши уларнинг молиявий хизматлардан фойдаланиш даражасини кенгайтишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишнинг долзарблигини эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: мактаб ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари ўқув режасига молиявий саводхонлик фанини киритиш; мактаб ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари талабалари ва ўқувчиларининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш, жумладан, ёшларга таянч молиявий билимдонлик асослари бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш имконини берувчи электрон дарслик, видеодарс, мобиль илова яратиш; меҳнат лаёқатига эга бўлган аҳолининг касбий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда молиявий саводхонлик даражаларини баҳолаш ва уларни ошириб боришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш; оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли молиявий саводхонлигини оширишга йўналтирилган кўрсатувларни, теле ва радио викториналарни мунтазам аҳолига тақдим этиб бориш; тадбиркорлик субъектлари учун мўлжалланган молиявий саводхонлик дастурларини ишлаб чиқиш; мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган молиявий хизматлар бўйича умумий маълумотлар базасини шакллантириш; аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ва уни назорат қилиш бўйича мониторинг дастурларини ишлаб чиқиш.

²¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилган.

КИМЁ САНОАТИДА УЗКИМЁСАНОАТ АЖ НИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

«Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти — Ўзбекистон Республикаси кимё корхоналарини бирлаштирувчи ягона комил корпоратив тизим. Жамият кимё корхоналарининг ишлаб чиқариш, инновацион ва маркетинг дастурларини тузади ва амалга оширади, ҳамда шулар орқали ҳам кимё соҳасининг барқарор ривожланиши учун шароит яратади. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси қошидаги «Давлат активларини бошқариш маркази» ДУК (Тошкент ш., Ўзбекистон п., 55), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2013й.даги №165 Қарорига асосан, жамиятнинг 100% акциясига эгалик қилади.²¹⁶ «Ўзкимёсаноат» АЖ таркибига 30 та ташкилот кириб, шундан 23 тасида жамият уларнинг устав фондларида иштирок этади, 7 таси ҳамкор аъзолари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 23 августдаги қарори асосида 2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Унда умумий қиймати 3,1 миллиард долларга тенг 43та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, саноат маҳсулотлари ҳажмини 2,4 марта, экспортни 2,7 баробар ошириш, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар улушини 42,5 фоизга етказиш ҳамда 43та янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, 3,2 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Кимёгарлар олдида қўйилган бу юксак марраларни эгаллаш учун авваламбор соҳада инновацион лойиҳаларни амалга ошириш лозим бўлади. Бугунги кунда кимё саноати мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда ва экспорт салоҳиятини оширишда ўзининг етакчи мавқеини мустаҳкамлаб бормоқда. Кимё саноатининг ривожланишида кўп жиҳатдан тармоқ акциядорлик корхоналаридаги корпоратив бошқарув омили ва инвестиция жозибадорликни ошириш катта аҳамият касб этади.



1-расм. Экспорт ҳажмининг 2018-2030 йилларга ўсиш суръати (млн.долл)

Агар инновацион лойиҳалардан фойдаланилиб, инвестициялар киритилиши натижасида Ўзкимёсаноат тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари кўпайтирилади, корхоналарнинг органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари

²¹⁶ <https://uzkimyosanoat.uz/uz>

ортиб боради. Мамлакатимизга импорт бўлиб кириб келаётган маҳсулотлар маҳаллийлаштирилади, четга чиқиб кетаётган валюта иқтисод қилиниши билан биргаликда мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ортади. 1-расмда “Ўзкимёсаноат” АЖ нинг маҳсулотлар турларининг ўзгаришлари ва унда маҳсулотлар нисбатларининг ўзгариши келтирилган.

Демак ҳозирги кунда ресурсларни тежайдиган самарали технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш ва бутловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш; рақобатбардошли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган ўртача муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур деб ҳисоблайман.

*Юлдошев Собир Файзуллаевич, мустақил изланувчи,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ТАРКИБИЙ ҚАЙТА ҚУРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, тадбиркорликка қулай инвестицион иқлим ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналишида “макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг даромад қисмини мустаҳкамлаш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш” каби чора-тадбирлар белгиланган.

Президентимиз таъкидлаганидек “Хорижий давлатлар ва халқаро молия ташкилотлари раҳбарлари, жаҳоннинг етакчи ишбилармонлари билан музокаралар ўтказилиб, мамлакатимизга ўнлаб миллиард доллар инвестиция жалб этиш бўйича 700 га яқин инвестиция битимлари имзоланди. Бундай чора-тадбирлар натижаси ўсиш суръатларида кўзга ташланмоқда. Хусусан, ўтган йили асосий капиталга инвестициялар ҳажми 18 фоиздан зиёд ўсган. Бу, ўз навбатида, саноат ишлаб чиқаришининг 14,4 фоизга кўпайишини таъминлаган. Шу билан бирга ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасидаги кенг кўламли тажриба ҳам ўзининг юксак самараларини берди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга ошириш, пировардида иқтисодий ўсишга эришишда хорижий инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромада ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи

ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда.²¹⁷

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда иқтисодиётнинг айниқса етакчи тармоқларини жадал янгилаш масаласига демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни янада чуқурлаштиришнинг иккинчи босқичида эътибор кучайди. Шунга қарамай мамлакатни етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш масаласини қўйиш, мамлакат иқтисодиётини самарали ривожланишини ва ўз навбатида мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарларни сифатини яхшилашга, рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар ҳисобланади.

Модернизация қилиш - объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларига, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш - ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Шунингдек, кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислох этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантирилишни таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, янгиликларни жорий этиш кундалик одатий жараёнга айланмоқда. Шу билан бирга янгиликларни жорий этиш муаммоси кенг қўйилмоқда: бу нафақат янги техника ёки технология, балки жорий этилаётган барча янгиликлар, шу жумладан, иқтисодий, ташкилий, бошқарувга оид янгиликлардан иборат.

Бугунги кунда дунёда техника ва технологиялар жуда тез тарзда такомиллашиб бораётган бир шароитда ишлаб чиқаришга мосланмаса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар халқаро стандартларга мослиги таъминланмаса мамлакат иқтисодиётига, халқ фаровонлигига ҳам салбий таъсирини ўтказиш аниқ Ўзбекистон тез ривожланаётган мамлакатлар қаторига чиқиб олишининг, халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш борича айнан ана шу замонавий иқтисодий қонуниятларга қатъий амал қилиши ва ривожланган давлатлар тажрибасидан ўзимизга хос равишда фойдалана олаётганлигимиздир. Энг муҳими дунёдаги ривожланаётган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш даражасига кўтарилишимиз иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилишимизнинг натижасидир.²¹⁸

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг янада кучайтирилиши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион жараёнлар узлуксизлигини таъминлаш ва кўламини ошириш билан тавсифланади. Бу эса, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлиги бевосита фан ютуқларига асосланган ишланмалар, ихтиро ҳамда лойиҳалар, илм-фан сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жорий қилиш билан белгиланади.

Мамлакатимиз корхоналарида инновацион жараёнларни янада ривожлантиришга тааллуқли муаммоларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, инновацион фаолият

²¹⁷ Ш.М.Мирзиёев. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

²¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони.

самарадорлиги, биринчи навбатда, мамлакатда инновацион муҳитни яхшилашга қаратилган қонунлар доирасида ягона ҳуқуқий нормалар тизимини шакллантирадиган институционал асосларни ишлаб чиқиш даражасига боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз инновацион фаолиятни ривожлантиришда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти (ИХРТ) томонидан ишлаб чиқилган инновацияларни бошқариш бўйича халқаро стандартлар ва услубий тавсияларни чуқур ўрганиш зарур. Буларга 1995 йилда ИХРТ томонидан қабул қилинган “Илмий ва илмий-техникавий соҳада банд меҳнат ресурсларини аниқлаш” (Manual On The Measurement Of Human Resources Devoted To S&T - Canberra Manual), 1997 йилда қабул қилинган “Миллий инновация тизими” (National Innovation System), 2002 йилдаги “Илмий тадқиқот ва ишланмалар бўйича ҳисобот стандартлари” (Proposed Standard Practice for Surveys of Research and Experimental Development), “Миллий инновация тизимининг ўзгариши” (Dynamising National Innovation Systems), “Фраскати қўлланмаси” (The Frascati Manual) каби халқаро стандартлар ва услубий тавсияларни таъкидлашимиз мумкин.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётнинг инновацион салоҳияти, биринчидан, инновацион фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларга боғлиқ бўлса, иккинчидан, инновацион лойиҳалар, ғоялар ва ихтироларни молиялаш тизимининг ривожланганлик жиҳатларига боғлиқ бўлади. Бу, инновацион жараёнларнинг институционал асосларини ташкил этади.

Инвестиция – бу иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларидир. Инвестиция фаолияти шуғулланувчи субъектларига қараб миллий ва хорижий инвестицияларга бўлинади. Инвестицияларни биргаликда ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро шартномаларнинг кўпчилигида “инвестиция” деганда, ҳар бир давлатнинг юридик ва жисмоний шахслари бир-бирларининг ҳудудларига инвестиция сифатида киритган ҳар қандай мулк тушунилади. Шунингдек, халқаро инвестиция фаолияти деганда, юридик ва жисмоний шахсларнинг ёхуд давлатнинг ўз мулкининг бир қисмини (инвестиция мулкни) ажратиш ва фойда (даромад) олиш ёхуд инвестор учун муҳим бўлган бошқа самарага эришиш мақсадида ушбу мулкни бошқа давлат ҳудудидаги хўжалик муомиласига жалб қилиниши тушунилади. Инвестиция фаолиятининг минтақавий ривожланишига давлатлар ўртасида тузилган савдо иттифоқлари – ЕҲ ва НАФТАнинг таъсири муҳим аҳамият касб этган. 1993 йилда ГАТТнинг Уругвай босқичи тугаши натижасида хорижий инвестицияларга нисбатан қўлланиладиган қўшимча қоидаларнинг ишлаб чиқилишига, бу эса халқаро инвестиция фаолиятини янада ривожланишига сабаб бўлди.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўтқир қилиб қўяётганлиги боис, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари бор куч-имконияти ва ресурсларидан самарали фойдаланишга эътибор қаратмоқда. Бунинг учун иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини янада ривожлантириш, янги ўзак тармоқларни барпо этиш, таркибий ўзгаришлар, самарали ва эркин иқтисодиётни шакллантириш зарур. Шу билан бирга, миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш учун инновацион маҳсулотлар ҳисобига корхона ва тармоқлар фаолият соҳаларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Юқорида таъкидланган мақсадга эришишда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини модернизациялаш ҳамда диверсификациялаш, маҳсулот ва хизмат турларини янгилаш, кўпайтириш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётининг тобора ўзаро интеграциялашуви саноат корхоналарининг рақобат муҳитига мослашувчан жиҳатларини кенгроқ ўрганиш, ҳар томонлама ривожланаётган бозор муносабатлари талабларига мос ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва самарали бошқаришни заруратга айлантормоқда. Таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни либераллаштириш шароитида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари

миллий иқтисодиётимизнинг бир бўғини сифатида республика иқтисодиётига, халқимизнинг фаровон турмуш кечиришига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Юртимизда тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти ривожланиш даражасини юксалтириш учун иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш, модернизациялаш, техник ва технологик янгилашнинг стратегик мақсадларига мос равишда яқин йиллар ичида зарур шарт-шароитларни яратиш лозим.

Дунёдаги ривожланган мамлакатлар саноат корхоналарида инновацион фаолликни оширишда инвестицияларни стратегик бошқаришга алоҳида эътибор қаратилган. Натижада муайян тармоқларда саноат ишлаб чиқаришининг самарали амалга оширилиши ҳисобига инновацион фаолликнинг янада кучайиши кузатилмоқда. Чунки саноат корхоналарида инновацион маҳсулотлар яратиш ва хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнининг янги кўринишларини жорий қилиш, иш ўринларни ташкил этиш ҳамда ташқи алоқаларнинг кенгайтиришига шароит яратади. Буни саноати ўсиб бораётган хориж мамлакатлари тажрибасида кўришимиз мумкин.

Мамлакатда миллий иқтисодиёт корхоналарини техник-иқтисодий модернизациялаш, саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш, ташқи ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган рақобатдош товарларни кўпайтириш ва янгиликларини яратиш инновацион фаолият тизимини шакллантириш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади. Бунинг учун иқтисодиётда инновацион жараёнларни татбиқ этадиган устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инновация қарорларини қабул қилиш учун ички ва ташқи молиялаш манбаларини самарали жалб қилиш тизимини ишлаб чиқиш бевосита иқтисодиётнинг келажагини белгилайди. Бу жараёнда инвестициялардан самарали фойдаланиш энг қулай воситалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномасида келгуси йилда 23 миллиард доллар қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш зарурлиги натижада 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектлари ишга туширилиши тўғрисида айтиб ўтди.

Шунингдек, муҳтарам Президентимиз мурожаатномада Навоий кон-металлургия комбинатида 2 та йирик металлургия заводи, Олмалик кон-металлургия комбинатида техноген рудани қайта ишлаш заводи, республикаимиз бўйича тўқимачилик, қурилиш материаллари, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва фармацевтика тармоқларида юзлаб янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилиши тўғрисида, Тошкентдаги “Яшнобод” технопаркида яна 11 та замонавий электротехника корхонаси ишга туширилиб, у ердаги жами корхоналар сони 17 тага ва ишловчилар сони 11 мингтага етказилиши, Тошкент, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида жами қуввати 760 мегаватт бўлган янги электр станциялари ишга туширилиши, Қашқадарё вилоятида қиймати 3 миллиард 600 миллион доллар бўлган, йилига 1,5 миллион тонна керосин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган мажмуа ишга тулиқ туширилиши тўғрисида сўз юритди.

Макроиқтисодий барқарорлик – иқтисодий ислохотларнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Шунинг учун келгуси йилда инфляциявий таргетлаш доирасида нарх-наво ўсишини 10 фоиздан оширмаслик Марказий банк ва Ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлади. Бу борада глобал пандемия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади. Шу боисдан ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида импорт соҳасидаги бож тўловлари бўйича берилган имтиёзлар яна бир йилга узайтириши, умуман, халқимиз хотиржам бўлиши кераклиги: сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу

борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади. Шунингдек, 2021 йилда иқтисодиётни камида 5 фоизга ўсишини, бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,4 фоиздан ошмаслигини таъминлашимиз зарурлигини таъкидлаб ўтди. Келгуси 2 йилда эса бюджет дефицитини 2 фоиздан оширмаслик бўйича Ҳукумат зарур чора-тадбирларни белгилаши лозимлиги, шунингдек, валюта бозори эркинлашганига ҳам 3 йилдан ошди. Шу даврда эркин валюта айирбошлаш бўйича юртимизда етарли тажриба тўпланди. Энди иқтисодиётимизнинг хорижий валютага боғлиқлик даражасини босқичма-босқич камайтириш керак. Шу мақсадда келгуси йилда валюта кредитлари улушини ҳозирги 50 фоиздан 45 фоизга, яъни камида 2 миллиард долларга пасайтириш лозим. Миллий валютада чиқариладиган халқаро облигациялар улушини ҳозирги 25 фоиздан камида 40 фоизга ошириш зарур.

Шу билан бирга, келаси йили банклараро валюта бозори “онлайн” платформага ўтказилади ва тадбиркорларга валютани бевосита банкнинг ўзидан сотиб олиш учун имконият яратилади. Натижада тадбиркорлар валютани ҳозиргидек 4 кунда эмас, ярим соатда сотиб олиши мумкин бўлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг давлат ташқи қарзи Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси мезонларига кўра хавфсиз ҳисобланади. Айни вақтда ташқи қарз ҳисобидан ҳудудларда амалга ошириладиган лойиҳалар бундан буён маҳаллий Кенгашлар ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилади.

Шунингдек, давлат номидан ташқи қарз олиш камайтирилиб, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига кўпроқ хусусий капитал жалб этилади. Масалан, кейинги йилда давлат-хусусий шериклик асосида 40 дан ортиқ йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш бошланади.

Марказий банк молия бозорида рақобатни ошириш мақсадида 1 февралга қадар банк бўлмаган кредит ташкилотлари тўғрисида қонун лойиҳасини киритилиши, шунингдек, мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳукукий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилиши, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилиши тўғрисида айтиб ўтди.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-тенг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш – барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозимлигини муҳтарам Президентимиз Олий мажлисга қилган мурожаатномасида таъкидлаб ўтди.²¹⁹

Шунингдек, мамлакатимизда 2019 йил давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми 220,7 трлн сўмга етказилиб, тасдиқланган йил прогнозига нисбатан 2 баробарга ўсди. Шу ўринда асосий капиталга инвестициялар ҳажми 189,9 трлн сўмни, 2018 йил кўрсаткичларига нисбатан ўсиш темпи эса 1,3 баробарни ташкил этди.

Жўмладан: асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2018 йилда 30 фоиздан амалдаги 36,2 фоизга қадар ўсди (умумий инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2019 йил натижалари билан 42,1% ташкил этди).

²¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

Хисобот даврида 2,8 мингдан ортиқ ижтимоий, инфратузилма ва ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди: 145 та йирик ишлаб чиқариш объектлари, 167 та йирик ҳудудий лойиҳалар, 2,5 мингдан зиёд ижтимоий ва инфратузилма объектлари.

Мамлакатимизда инвестиция фаолиятининг сезиларли ўсиши 13,3 млрд.долл.ни ташкил этган хорижий инвестицияларнинг оқими ва ўзлаштирилиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, унда:

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар – 9,3 млрд. доллар (шундан асосий капиталга – 6,6 млрд. долл.);

давлат кофлати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар – 4,0 млрд. доллар (шундан асосий капиталга – 3,2 млрд доллар) ўзлаштирилди.

Умуман олганда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг умумий инвестициядаги улуши 37 фоизга етказилди (таққослаш учун 2018 йилда бу кўрсаткич 10,5%ни ташкил этган).

БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича конференциясининг (ЮНКТАД) ҳисоботида кўра, жаҳон миқёсида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми кетма-кет учинчи йил пасайиб, глобал молиявий инқироздан сўнг дарҳол кузатишган энг паст даражага етди. 2018 йил охирида бу кўрсаткич 19 %га камайди (2017 йилда – 16%).

Шунингдек, ривожланаётган мамлакатлар бўйича ЮНКТАДнинг ҳисоботида кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ижобий ўсиши Осиёда кузатилиб, унинг ҳажми 5%га ўсди. Марказий Осиё мамлакатларида хорижий инвестицияларнинг ўсиши ўртача 8-10 %ни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 2018 йилнинг шу даврига (2,9 млрд.доллар, шундан асосий капиталга – 1,6 млрд доллар) нисбатан 3,2 баробарни ташкил этди (9,3 млрд доллар, шундан асосий капиталга – 6.6 млрд доллар) ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида ўсиш суръатлари бўйича республикамиз етакчилиқни таъминлади.

Республикамизга хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича асосий хорижий ҳамкорлар сифатида Хитой, Россия ва Германияни эътироф этиш мумкин, шу билан бирга Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритадиган давлатлар умумий сони 50 тадан ошди. Натижада йирик инвестор-давлатларнинг умумий жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлардаги улуши 34%гача қисқарди.

2020 йил ва ундан кейинги йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни фаол жалб қилиш, уларни электр энергетика, ахборот технологиялари, шунингдек мавжуд ҳом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қиймат занжирини яратишга қаратилган кимё саноати, электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш, энгил саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби устувор соҳалардаги лойиҳаларни амалга ошириш орқали уларнинг йўналишларини диверсификация қилиш ишлари давом эттирилади.

Мухтарам Президентимизнинг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция дастурига мувофиқ 2020 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга қарийиб 233,2 трлн. сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилиши режалаштирилган, бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг – 7,1 млрд. доллар, давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар – 2,7 млрд. доллар ўзлаштирилиши режалаштирилмоқда.

2020 йилда ижтимоий, инфратузилма ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган 2 мингдан зиёд объектлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган: 206 та йирик ишлаб чиқариш қувватлари, 240 та ҳудудий ишлаб чиқариш объектлари, 1,6 мингта ижтимоий ва инфратузилма аҳамиятига эга объектлар режалаштирилган.²²⁰

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишда, саноатни ривожлантиришнинг асосий омилларини эътиборга олиш, саноат


²⁰³ <https://mift.uz/uz/news/uzbekiston-respublikasining-2019-yil-uchun-investitsiya-faoliyati-sarhisobi>

корхоналарида инновацион муҳитни яхшилаш билан бирга, истикболда технологик жиҳатдан янги, сезиларли даражада такомиллашган ишлаб чиқариш, шунингдек, ички ва ташқи бозорлар учун инновацион маҳсулотлар етказиб беришга ижобий таъсир этади.

*Бобожонова Зарнигор Шокировна, таянч докторант,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

НЕФТ ВА ГАЗ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ХОМАШЕ РЕСУРСЛАРДАН КОМПЛЕКС ФОЙДАЛАНИШНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ

Нефт ва газ саноати корхоналарининг хомаше базасидан комплекс фойдаланишда стратегик ривожлантиришнинг бир нечта босқичлари давомида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ саналади. Негаки, 2018 йилда янги ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилганидан кейин Ўзбекистонда газ қазиб олиш сезиларли даражада ошди, аммо уларнинг юқоридаги бобларда тадқиқ ва таҳлил қилганимиздек қатор ечимга муҳтож жиҳатлари мавжуд. Мазкур муаммоларнинг барчаси ечимга эга, бир жиҳатдан уларнинг самарали ечим топиши учун вайт факторининг ҳам ўрни бор. Замонавий технологик ва экологик мезонларга жавоб бермайдиган эскирган технологияларни қўллашни бевосита таъқиқлаш, нефт истеъмолининг яқин йиллар ичида эскирган ўзбек НКІЗ кам утилизация қилинганлиги сабабли маҳаллий ёқилғи ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши ҳисобига ўсиши, нефтни қайта ишлашнинг маржаси сезиларли эмаслиги сабабли, нефтни қайта ишловчи тармоқнинг тўлиқ қувватда ишлаш даражаси келгуси йилларда аста-секин камайиб боришига стратегик ривожлантириш жиҳатидан қараб бўлмайди. Замонавий нефт ва газ корхоналарининг “стратегик ривожланган авлоди”ни яратиш учун авваламбор, ноэкологик бўлсада эскирган технологиялардан ва хомашёдан фойдаланиш туришга мажбурмиз. Мамлакатда газ қазиб олишнинг ўсиши 2027 йилгача давом этиши кутилмоқда, аммо пастроқ суръатларда. (1-расм)



1-расм. Ўзбекистонда нефт маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси (млн.тонна/йилига)²²¹


Нефт ва газни қайта ишлаш орқали хомаше базадан фойдаланишнинг стратегик тизимини ишлаб чиқариш Қандим, Ҳисор конлари ва Устюртдаги янги корхоналарнинг ишга туширилиши орқали таъминланди. Шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажми 2021 йилда 2, 2 миллиард АҚШ доллари миқдорига ўсиши кутилмоқда ва қурилиши мумкин бўлган қўшимча янги GTL заводлари ҳисобидан ҳам кутилмоқда. (1-расм)

1996-2007 йиллар мобайнида маҳаллий нефтга бўлган талаб йилига 6 миллиондан 7 миллионга қадар ўзгарган, бироқ кейинги йилларда талаб пасайиб, 2018 йилда йилига атиги 3 миллиондан иборат бўлган. Нефт ва газ конларида пласт босимини камайтириш тенденцияси кузатилмоқда, бу нафақат ривожланишга, балки қўллаб-қувватлаш учун қўшимча капитал қуйилмаларини талаб қиладиган ишлаб чиқариш жадаллиги ҳисобига юзага келган. Ўзбекистоннинг нефт-газ сектори **тартибга солинадиган** бозорҳолатида

²²¹ “Тараққиёт стратегияси” Маркази. “Тараққиёт 2018”. Тошкент 2018 й, 14 б.

турибди, ривожланган нефт ва газ бозоригаўтиш учун қиймат яратиш занжири тизимини қайта қуриш вақонунчиликка ўзгартиш киритиш ва халқаро иштирокчилар сонини кўпайтириш талаб этилади.

2027 йилга келиб йилига нефт истеъмоли ўртача 0,5%га ўсиши тахмин қилинмоқда. (2-расм) Бунда Россия, Жанубий Корея ва ХХРнинг йирик хорижий компаниялари табиий газ казиб олишда иштирок этади, бироқ "Лукойл" мамлакатдаги асосий хорижий инвестор ҳисобланади. Корхоналарга электр энергиясини фақат ўз эҳтиёжлари учунгина эмас, балки



2-расм. Ўзбекистон тасдиқланган нефт ва газ захиралари²²²


ишлаб чиқаришга имкон бериш учун энергетик ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, нефт-газ соҳасида кадрлар тайёрлаш марказлари сони ва сифатини ошириш, хорижий мамлакатларда ходимларни ўқитиш, компаниянинг юқори ва ўрта бошқарувчиларини қайта тайёрлаш, ёлланма менежерларни таклиф қилиш орқали "Ўзбекнефтгаз" АЖ фаолиятини қайта ташкил этиш, шу жумладан бошқарув ходимларига маслаҳатлар бериш нефтни қайта ишлашни чуқурлаштириш технологик мажмуаларини ривожлантиришга ва мақсадли маҳсулотлар бирлигига нефт истеъмоли улушини камайтиришга, шунингдек, замонавий технологияларни жорий этишга йўналтирилган нефтни қайта ишлаш заводларининг қайта қурилиши ва модернизациясини амаога оширишга асос бўлиб хизмат қилади. Бурғилаш жараёни бошқаруви самарадорлигини мақбуллаштириш нефт ва газ саноати хомаше базасининг захирасини оширишга таъсир қилади. Мамлакатни стратегик ривожлантириш шароитида нефт ва газ корхоналарининг олдида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш турибди: йирик халқаро нефт ва газ компанияларини хорижий инвестициялар амалиётида кенг тарқалган шароитлар ва механизмлар асосида захираларни қайтариб олиш қийин бўлган майдонлардан углеводород хом ашёсини казиб олишга жалб қилиш; мустақил халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда нефт ва газ компанияларининг операцион самарадорлигини ошириш ва харажатларини оптималлаштириш, шунингдек уларнинг қарз юқини камайтириш; замонавий технологиялар асосида ривожланган фойдали қазилма конлари майдонларида углеводород ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш; миллий нефт ва газ компаниялари томонидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича халқаро тендерда иштирок этиш учун 2020–2022 йилларда камида олтига нефт конларига хизмат кўрсатувчи ташкилотларни жалб қилиш; хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини дунёда кенг жорий этиш, шу жумладан Digital Field концепциясини амалга ошириш асосида; маҳаллий нефт ва газ

²²²Ўзбекистон давлат геология а минерал ресурслари қўмитаси маълумотлари асосида прогнозлаштирилди

компанияларининг реал молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда халқаро консалтинг компанияларини жалб қилиш орқали нефт-газ соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини танқидий ўрганиш ва оптималлаштириш; соҳада малакали кадрлар тайёрлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш ва таълим жараёнини амалиёт, илм-фан ва саноат билан узвий боғлаш; юқори технологияли ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш маҳаллий марказларини ташкил этиш; газ узатиш тизимининг эскириб қолган ускуналарини янгилаш ва мавжуд нефтни қайта ишлаш заводларини янгилаш; иқтисодийнинг умумий энергия самарадорлигини ошириш, жумладан, нефт-газ саноатида мақбуллаштириш ва яхшилаш учун устувор йўналишларни таҳлил қилиш учун ташқи маслаҳатчиларни жалб қилиш орқали; Нелсон индексини кўтариш, НКИЗда хомашёни қайта ишлаш чуқурлигини ошириш; автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва телемеханикани жорий этиш; хорижий пудратчилари учун маҳаллий ходимларни жалб қилиш учун мажбурий квоталар тизимини жорий этиш; эскирган усулдан фойдаланиб лойиҳаларнинг техникавий-иқтисодий асосини баҳолаш.

Мазкур вазифаларни бажариш учун расмда мамлакатдаги нефт ва газ саноатини корхоналарини 2035 йилга қадар стратегик ривожлантиришнинг Концепциясининг матрицали сценарийси (вертикал ва горизонтал интеграция асосида) да келтирилган.

Унинг матрицали тизими куйидаги кетма-кетликда тизимлаштирилган:



3-расм. Корхоналарнинг стратегик ривожлантиришнинг матрицали сценарийси (вертикал ва горизонтал интеграция асосида) алгоритми²²³

Ҳар бир матрицанинг алгоритмик динамикасида бажариладиган ишларнинг тармоқнинг танланма соҳаси, йўналиши 1 рақами билан белгиланган. 2 рақами остида эса 1 ни ривожлантиришда хизмат қилувчи вазифанинг бош меъзони, 3;4;5 ларда эса уларнинг амалга оширилишида хизмат қилувчи функционалик ҳаракатлантириш келади. 3-расмда. 1 рақам остида фақатгина бош соҳалар нефт ва газни қазиб олиш; уни қайта ишлаш; ташиш ва сақлаш; сотиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш танланган. Уларни функционаллаштиришда ташкил этиш, ҳуқуқий меърлаштириш вазифаси, молиявий фаолиятни мустаҳкамлашдаги вазифалар ҳамда техник иқтисодий вазифалар жойлашган. Бизнинг ҳолатимизда вазифалар уйғунлиги рақамлар билан матрицадаги тартибда олиб борилади. Қайта ташкил этишда унинг қаторида жойлашган барча ишлар вертикал ва горизонтал интеграция асосида юритилида: ҳуқуқий жиҳатдан саноатда фойдасиз ва самарасиз ташкилотларни хусусийлаштириш (нефт ва газ қазиб олиш жараёнида), утилизация технологияларини, жараёни раҳбатлантиришда қонуний чекловларни жорий қилиш, йўлдош газ ҳажмини камайтириш (нефт ва газни қайта ишлашда), молиявий жиҳатдан бугунги газ ускуналарини иқтисодий чоралар ёрдамида эксплуатация ва модернизация қилиш (нефт ва газни қазиб олишда), “Лукойл” каби халқаро нефт ва газ компаниялари томонидан амалга ошириладиган инвестицион лойиҳалар (нефт ва газни қайта ишлаш). Шу йўсинда матрицалар вертикал ва горизонтал ҳолатда омилли, функционал ва алгоритмик кесишаверишади. Уларда асосан бажариладиган бош

²²³ Antropova, AS & Pavlovskaya, AV 2016, The development of an efficient oil and gas service market: world and domestic practices, monograph, Ukhta, 102 p., 2018 y.

вазифаларини йўлдош бошқаришдаги фаолияти х/+/х/* дек ҳаракат қилади. Унинг яратилишига зарурат сценарий орқали узоқ муддатга мўлжалланган стратегик ривожлантиришнинг “Йўл харитаси” вазифаси сифатида хизмат қилади. Шунингдек, бажарилиши керак бўлган ва воз кечиб бўлмас тадбирлар акс эттирилган бўлади. Мисол учун Қандимнинг ишга туширилиши “саноатни ривожлантириш, барқарорлигини сақлаб қолиш, иқтисодий асоссиз лойиҳаларни тарк этиш”нинг ташкилий функциясидир. Нефт ва газ саноати, нефт ва газ конларини қидириш, бурғулаш, қазиб чиқариш, углеводородларни қайта ишлаш, нефт маҳсулотларини ишлаб чиқариш, нефткимё ва кимё усуналарини ишлаб чиқариш ва истъмолчиларни нефт маҳсулотлари билан таъминлашгача бўлган барча нефт ва газ операцияларини қамраб олади. Нефт ва газ саноатида 30га яқин ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда, улар, автобензин, дизел ёқилғиси, авиакеросин, хар-хил турдаги мойлар, мазут, битум, хар-хил турдаги полиэтилен, товар ҳолдаги табиий ва суюлтирилган газ, нефткимё ва кимё усуналари, суюлтирилиган газ учун балонлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Нефт ва газ саноатининг инвестиция сиёсати, аввало соҳани диверсификация қилиш ва нефт ва газ ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлаш учун юқори технологиялар билан хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган. (4-расм) Нефт ва газ саноати хомаше базасидан мажмуавий фойдаланишда узоқ муддатли стратегик ривожлантириш сценарийсига ўрта муддатли стратегик ривожлантириш сценарийси 2017-2027 йилларга мўлжалланган бўлиб прогнозлаштириш кўрсаткичларининг натижавийлигига мос равишда тузилган. (4 расм) Сценарий ўз ичига 11 йилни олиб, нефт ва газ саноатида ишлаб чиқаришни даврлаштиришда 5 йиллик босқич билан ўлчангани боис ўрта муддатда берилди. Нефт ва газ саноати хомаше базасини ўрта муддатли стратегик ривожлантириш сценарийси узоқ муддатли стратегик ривожлантириш сценарийсининг бажарилишида асос бўлиб хизмат қилувчи стратегик режа, муқобил ечимлар танлови ҳамда фаоллаштириш элементлари сифатида намоён бўлади. Унинг тузилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2020 йил 2 мартдаги ПФ № 5953 сонли Фармониға мувофиқ тузилди. 2026 йилга қадар нефт ва газ захираларининг қазиб олиш 50% дан кўпроқ вертикал бурғулаш дастгоҳи билан бурғуланса, ўсиш суръати 1,008% ни ташкил этади. Телеметриқ тизим асосида горинзонтал бурғулаш ишларининг қазиб олишда 50% дан ортиқ қудуқларға сафарбар этилса ўсиш суръати 1,014% ташкил этади. Стратегик ривожлантириш сценарийға биноан иш олиб борилса, рақамлашатириш технологиялари ва JORC захираларни баҳолаш бюросига аъзо бўлиш натижасида нефт ва газ корхоналаранинги инвестицион жозибадорлиги ошади, таваккалчилик коэффициенти тобора пасайиб, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан корхона соғлошлаштирилади. Инвестицион фаолиятға жалб этилса, ўзини молиялатириш тизимини стратегик ривожлантириш қобилиятигига эға. Нефт ва газ хомашесини диверсификацион тизимини экологиялаштириш жаҳон бозорида эркин ҳаракат қилиш имконини яратиб беради.

*Юлдошев Собир Файзуллаевич, мустақил изланувчи,
Ислом Каримов номидаги ТошДТУ*

ХУДУДЛАРГА ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ҚИЛИШ – ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Инвестиция сиёсати миллий иқтисодиёт, тармоқлар ҳамда ҳудудлар ривожланиши билан уйғун бўлсагина ўзининг кутилган самарасини беради. Инвесторларнинг ҳудудлар

равнақига пул тикиши учун уларга қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратиш бугунги куннинг энг асосий муаамоларидан биридир ниҳоятда долзарб масаладир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимини қўллаб-қувватлаш” қўшма лойиҳаси доирасида ўтказилган тадқиқот ҳудудларга хориж инвестициясини жалб этиш тенденцияларини аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда амалий жиҳатларини ўрганишга бағишлангани билан аҳамиятли бўлди.

Мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритмасдан, шу жумладан, хориж сармоясини кўпайтирмасдан иқтисодиётнинг юксак суръатларда ўсишини сақлаб қолиш мушкул эканлиги барчамизга яхши маълум. Сўнгги йилларда уларнинг асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг таркибидаги улуши ва кредитлари 20-30 фоизни ташкил қилмоқда. Бутун мамлакат миқёсида амалга ошириладиган Инвестиция дастури ҳамда ҳар бир ҳудуд доирасида рўёбга чиқарилаётган инвестиция жалб этиш бўйича кўрсаткичлар таҳлили бир қатор тенденция ва хусусиятларни аниқламоқда.

Шунингдек, ҳудудлар иқтисодиётига хориж инвестициясини жалб этиш номуносивиблигича қолмоқда. Хориж сармоясининг асосий қисми барибир марказлаштирилган ҳолда жалб қилинапти. Ҳудудий инвестиция дастурлари асосида йўналтирилган сармоялар ҳажми жами хориж капиталининг 10,4-16,5 фоизини ташкил этади. Бу маҳаллий ижро ҳокимияти органларида чет эл инвестицияси билан ишлаш борасида муайян муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатади.

Мамлакатимизга киритилаётган Инвестицияларнинг ярмидан кўпи Тошкент шаҳри ҳамда вилояти ҳиссасига тўғри келади. Вилоятларнинг хориж капитали иштирокидаги инвестициялар тақсимотидаги улуши 1-8 фоизга фарқ қилади. Марказ ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида ташкил этилаётган қўшма ҳамда чет эл корхоналари сони бўйича ҳам етакчилик қилмоқда. Бу инвесторларнинг мавжуд ишлаб чиқариш инфратузилмасига, қулай логистика имкониятларига, табиий ресурс ва хом ашёга, бозор инфратузилмаси хизматларига ҳамда малакали кадрлар салоҳиятидан фойдаланишга интилиши билан боғлиқ.

Йирик инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш ўзига хос кичик инфратузилма тизимини шакллантиришга хизмат қилади. Бундай лойиҳалар натижасида маҳаллий даражада йўллар, электр энергияси тармоғи, аҳоли пунктлари қурилади, ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Лекин кичик ҳудудий инвестиция лойиҳалари бундай ўзгаришларни амалга ошира олмайди. Чунки инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш учун зарур бўлган катта сарф-харажатлар шароитида саноат кластерлари эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини барпо қилишни тақозо этади.

Инвестиция оқими соҳалар бўйича ҳам сезиларли даражада фарқланади. Бу борада энгил саноат ҳамда хизматлар соҳаси етакчилик қилса, марказлашган инвестициялар таркибида эса хориж сармоясининг ярмидан кўпи нефть ва газ соҳасига тўғри келади. Аммо ҳам давлат, ҳам ҳудудий инвестиция дастурларида мураккаб технологик жараёнларга ҳамда қўшимча қийматга юқори технологиялар қўлланиладиган фармацевтика, электроника, машинасозлик сингари соҳалардаги инвестициялар таркибида етарли улушга эга эмас.

Бугунги кунда мамлакатимизда хорижлик инвесторлар ва уларнинг иштирокидаги корхоналар фаолияти “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”, “Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисида”ги қонунлар билан тартибга солинади. Ҳукуматнинг бир қатор ҳужжатлари билан инвесторларга қўшимча имтиёзлар, преференциялар ҳамда кафолатлар берилган. Хорижлик ишбилармонлар учун муҳим, жозибадор омиллар айнан қонунчиликнинг барқарорлиги, муҳандислик-

коммуникация инфратузилмасини яратиш, солиқ ва божхона имтиёзларини бериш ҳисобланади. Шунинг қайд этиш керакки, имтиёзлар қўлланилган соҳалар рўйхатида 24 та номдаги ишлаб чиқариш тармоғи мавжуд. Булар сирасига радиоэлектрон саноатдан тортиб, ўйинчоқлар ишлаб чиқаришгача бўлган тармоқлар кирилади.

Инвестиция фаолиятини рағбатлантириш мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилашни талаб этади. Республиканинг инвестиция стратегияси ва қонунчилик ҳужжатлари иқтисодий тармоқлари фаолиятини мунтазам мониторинг қилиш натижалари асосида такомиллаштирилиши ҳамда янгилаб борилиши лозим.

Мамлакатимизда инвестиция дастурига киритилган устувор лойиҳалар иштирокчилари ҳудудий бизнесга пул тикадиганларга қараганда бирмунча қулай шароитда иш олиб боради. Хусусан, ҳудудий тараққиётга инвестиция йўналтираётган субъектлар лойиҳага хорижлик мутахассисларни жалб этиш имкониятига эга эмас. Бундан ташқари, инвестор ўз маблағини қўйиш учун жой ва объектни мустақил танлашда турли қийинчиликларга дуч келмоқда.

Ҳокимликлар ҳудуднинг иқтисодий ривожланиши учун масъул бўлса-да, бошқа томондан уларнинг инвестиция жалб этишдаги иштироки бирмунча чегараланган. Бундан ташқари, гарчи қонунчиликка биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган бир қатор маҳаллий солиқ ҳамда тўловлар бўлса-да, амалда ҳокимликлар инвесторларга қўшимча имтиёзлар, преференция ва афзалликларни бера олмайди, уларни у ёки бу мажбурий тўловлардан озод қилолмайди.

Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, чет эллик инвестор халқаро ҳуқуқ принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестициялашни амалга оширишнинг ҳажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш, инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ҳамда жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш ҳуқуқига эга. Аммо амалиётда ушбу механизм етарли даражада ишламаяпти. Бу, айниқса, ҳудудларда кўзга яққол ташланади. Кўп ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари чет эл корхоналарига инвестиция киритиладиган объектни танлашга мустақил рухсат бериш имкониятига эга эмас. Рухсатномани Давлат рақобат қўмитасининг тегишли органларидан олиш керак бўлади.

Хориж капиталини жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қўшимча ваколатлар бериш масаласини кўриб чиқиш зарур. Давлат инвестиция дастурига лойиҳаларни киритиш учун энг кам капитал қўйилма миқдорини 200 -300 минг АҚШ долларигача тушириш мақсадга мувофиқдир. Бунда лойиҳалар ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун муҳим бўлиши ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши қарори билан тасдиқланишига эътибор қаратилиши лозим. Ўз навбатида, йирик инвестиция лойиҳаларининг ҳудудий инвестиция дастурларига киритилиши вилоятлар ҳокимларининг лойиҳани амалга оширишдаги масъулиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ҳар бир ҳудуднинг имкониятларини кўрсатиб берадиган, Ўзбекистонда инвестиция фаолиятига бағишланган махсус интернет-портални бир неча тилда ташкил этиш мумкин. Қолаверса, ҳудудларнинг кадрлар салоҳиятини ошириш, лойиҳа таклифи ташаббуси билан чиқишини кенгайтириш ҳам бугунги куннинг асосий талабларидандир. Гап катта инвестициялар ҳақида кетганда, товар бозори ҳар доим асосий инвестиция воситаларидан бири сифатида қараб келинган. Айирбошлаш саноатининг ривожланиш динамикаси шундан келиб чиқдики, энди оз миқдордаги капитал ҳам хом ашёга сарфланиши мумкин. Шунга қарамай, кўплаб хусусий инвесторлар ҳали ҳам нефт ёки газ бозорини инвестициялар учун энг истиқболли деб ҳисобламайдилар, аммо бундай инвестициялар фонд бозорлари билан бевосита боғлиқ эмас ва турғунлик даврида,

шунингдек, уни диверсификация қилиш учун самарали восита сифатида қаралиши мумкин.

Инвесторларнинг афзалликларидан қатъий назар, нефт ва газ нархи жаҳон бозорларидаги глобал вазиятга боғлиқ, шунинг учун алдамчи барқарорлик ва энергия манбаларига бўлган талабга қарамай, инвестор бошқа бозорларга сармоя киритишга бўлгани каби таваккал иш олиб боради. Хом ашёларга сармоялар тўғридан-тўғри табиий газ, хом нефт ёки мазут сотиб олишни назарда тутмайди. Кўп сармоялаш имкониятлари мавжуд. Агар инвестор қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларни афзал кўрса, у ҳолда нефт қазиб олиш билан шуғилланидиган, шунингдек хомашё ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишнинг бевосита ёки билвостиа жараёнида қатнашидиган компанияларнинг акцияларини сотиб олиш мумкин. Бундан ташқари, айрим тармоқлар ва соҳаларга йўналтирилган ўзаро фондларга маблағ киритиш мумкин.

Ҳар қандай тоифадаги инвестициялар сингари, нефт, газ ёки хом ашёга сармоя киритиш фойдали бўлади. Ушбу манбаларга бўлган талаб ва таклифнинг доимий ўзгариши, шунингдек товар савдоси тарихи давомида юзага келган нархларнинг сезиларли ўзгариши бу йўналишнинг истиқболли эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари, газ ёки нефт бўлсин, энергия манбалари нархларининг ўзгариши алоҳида мамлакатлар ва компаниялар иқтисодиётига жуда юқори таъсир кўрсатади. Бунда товар бозорларидаги инвестициялар нафақат даромад олиш воситаси, балки хатарларни минималлаштириш ва портфелни диверсификация қилишнинг муҳим воситаси сифатида ҳам кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистон жадал иқтисодий ўзгаришларни бошдан кечирди ва халқаро ҳамжамиятда бизнес ва инвестициялар учун турли хил тўсиқларини бартараф этишда очиклик, янгиланиш ва қатъиятлик рамзларидан бири сифатида тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонуни самарали ижро этилиши учун инвесторлар билан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, ҳокимликлар, хориждаги дипломатик ваколатхоналар ва тижорат банклари раҳбарлари ўринбосарларидан иборат бўлган давлат ҳокимият органлари ҳамкорлигининг 4 босқичли механизми муваффақиятли йўлга қўйилган. Ушбу механизм инвесторларнинг барча сўровларига тезкор жавоб қайтариш ва қонунда назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилишининг самарадорлигини керакли тарзда назорат қилиш имконини беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, келгусида технологик ютуқларга эришиш нуқтасига айланиши ва кейинги 20-30 йил давомида мамлакат ишлаб чиқариш қувватларини ривожланиши учун замин яратиши мумкин бўлган Ўзбекистоннинг энг истиқболли соҳаларига йўналтирилган инвестиция сиёсати стратегияси ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Заҳираларнинг ҳаётийлик цикли 0,03 ўсиш суратига эга бўлади. Сўнгги йилларда нефт ва газ заҳиралари пасайиши кузатилган эди. Бу прогноз юқорида келтирилган таклифларни амалиётга тадбиқ этишда кўрсатадиган натижаси саналади. Заҳираларнинг ҳаётийлик коэффициенти ўсиб боради ва заҳираларни бойитиш коэффициенти эса деярли ўзгаришсиз қолади. Шу боис заҳираларни бойитишга доир датурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқиш талаб этилади. Заҳираларнинг молиявий жиҳатдан оқланиши коэффициенти 2021 йилдан бошлаб ўсиш суръатига эга бўлади. Аммо заҳиралар бойитилмаса бу кўрсаткичлар пастлаб кетади ва ўзини оқламаслиги мумкин. Нефт ва газни ташиш ва сақлашда сценарий асосида юритилиши орқали корхонанинг техник базасини янгиланишининг 0,37 коэффицентни ташкил этади.

*Maksudov Shahzod Xayatovich, mustaqil izlanuvchi,
Islom Karimov nomidagi ToshDTU*

SANOAT KORXONALARINING ICHKI VA TASHQI MUHITINI MEHANIZMLARINI TAKOMILASHTARISHDA KORXONALARNING IQTISODIY IJTIMOIIY XULQ- ATVORI STRATEGIYALARI

Zamonaviy tadbirkorlik muhiti korxonaga faoliyatiga ta'sir ko'rsatadigan shart-sharoitlar va omillarning mavjudligini anglatadi va ularni bartaraf etishga yoki ularga moslashishga qaratilgan boshqaruv qarorlarini qabul qilishni talab qiladi. Har qanday tashkilotning muhiti odatda ikki sohadan iborat: ichki va tashqi.

Ichki muhit - barcha ishlab chiqarish, moliyaviy, sug'urta, transport va boshqa narsalarni qamrab olgan kompaniyaning iqtisodiy tanasi boshqa birliklar. Ichki muhitni tahlil qilish tashkilotning salohiyatini aniqlashga qaratilgan va odatda quyidagi asosiy yo'nalishlar bo'yicha amalga oshiriladi: aniq belgilangan maqsad va vazifalarning mavjudligi; ishlab chiqarish va mehnatni tashkil etish darajasi; marketing faoliyati samaradorligi; texnologiya darajasi; moliyaviy boshqaruv va buxgalteriya hisobi samaradorligi; xodimlarning malakasi va motivatsiyasi darajasi; samarali boshqaruv tuzilmasining mavjudligi; korporativ madaniyat darajasi va boshqalar.

Tashkilotning ichki muhiti tashkilot ichida vaziyat omillari hisoblanadi. Korxonaga rahbariyati korxonaning raqobatbardoshligini oshirish uchun zarur bo'lganda ularni shakllantiradi va o'zgartiradi. Tashqi muhit ostida, korxonaga muayyan firma faoliyatidan qat'i nazar, atrof-muhit sharoitida yuzaga keladigan barcha shart-sharoitlarni va omillarni tushunadi, ammo uning ishlashiga ta'sir ko'rsatishi yoki ta'sir qilishi mumkin va shuning uchun boshqaruv qarorlarini qabul qilishni talab qiladi. Tashqi muhitni o'rganish tashkilotning bevosita o'zaro aloqada bo'lgan tashqi muhitning tarkibiy qismlarini tahlil qilishni o'z ichiga oladi: xaridorlar, yetkazib beruvchilar, raqobatchilar, kreditorlar, aksiyadorlar.

Atrof-muhit omillari, o'z navbatida, kompaniyaning ichki muhit holatiga ta'sir ko'rsatadi. Darhaqiqat, korxonalarining ko'plab "ichki" muammolari "tashqi" sabablarga ko'ra yuzaga keladi: nomukammallik qonun hujjatlari, makroiqtisodiy jarayonlarning ziddiyatlari, hamkorlarning ishonchsizligi, mijozlarning ishonchsizligi, raqobatchilarning agressivligi.

Tashqi muhit quyidagi xususiyatlar bilan tavsiflanishi mumkin: omillarning o'zaro bog'liqligi; murakkablik; harakatchanlik; noaniqlik. Tashqi muhit mikrosredga va so'l atrofiga bo'linadi. Tashqi Mikroiqtisodiyot-moddiy-texnik resurslarni etkazib beruvchilar, iste'molchilar tomonidan yaratilgan korxonaga bevosita ta'sir ko'rsatish muhitidir mahsulotlar (xizmatlar) korxonalar, savdo va marketing vositachilar, raqobatchilar, davlat organlari, moliya-kredit muassasalari, sug'urta korxonaga o'z faoliyati davomida muntazam hamkorlik qiladigan kompaniyalar va boshqa xo'jalik yurituvchi sub'ektlar. Tashqi makro-bilvosita, bilvosita ta'sir qilish muhitidir korxonada. Tabiiy, demografik, ilmiy-texnik, ijtimoiy, madaniy, makroiqtisodiy, ekologik, siyosiy va tashqi so'l atrof-muhitning boshqa tarkibiy qismlarini ajratib ko'rsatish. Firma tashqi muhitga ta'sir o'tkazish qobiliyatiga ega emas va samarali faoliyat uchun unga moslashishi kerak, uning o'zgarishlarini doimo kuzatib boradi, prognoz qiladi va o'z vaqtida javob beradi. Bilvosita ta'sir qilish muhit omillari yoki umumiy tashqi muhit, odatda, tashkilotga to'g'ridan-to'g'ri ta'sir qilish muhitining omillari sifatida ham ta'sir qilmaydi. Biroq, menejment ularni hisobga olish kerak. Bilvosita ta'sir qilish muhiti odatda to'g'ridan-to'g'ri ta'sir qilish muhitidan ko'ra qiyinroq, shuning uchun uni o'rganish odatda ular, birinchi navbatda, prognozlarga tayanadilar.

Korxonaning asosiy maqsadlari ichki va tashqi muhit holatini hisobga olish kerak. Ularning tahlillari korxonaga iqtisodiy xulq-atvorning to'g'ri strategiyasini o'z vaqtida tanlash imkonini beradi. Tashkilot yoki biznes strategik rivojlanishida qaerda harakat qilishi mumkin? Eng umumiy shaklda, mavhum, tashkilot strategik rivojlanishning quyidagi beshta variantiga ega: hamma narsani o'zgartirmasdan qoldiring; ichki o'sish strategiyasini tanlang; tashqi o'sish

strategiyasini tanlang; xalqaro bozorga kirish strategiyasini tanlang; investitsiya olib chiqish strategiyasini tanlash;

Keling, ushbu strategik rivojlanish variantlarini batafsil ko'rib chiqaylik. I. o'zgarishsiz. Bu ham strategiya va boshqa har qanday strategiya kabi, u ichki va tashqi muhitni o'rganish yaxshi asoslanishi mumkin. Odatda, bu kompaniya ishlab chiqaradi yoki etkazib beradi, degan ma'noni anglatadi bir xil mahsulot yoki xizmat bir xil xaridorlarga. Bunday strategiyalar ko'pincha uzoq muddatli mahsulot aylanishi (masalan, og'ir muhandislik sohalarida) bo'lgan kompaniyalarda qo'llaniladi va ko'pincha xalq ta'limi, sog'liqni saqlash, sud tashkilotlarida kerakli deb hisoblanadi o'zgarishlarni amalga oshirishdan voz kechish bir vaqtning o'zida tashkilot mavjudligiga tahdid qilmaydigan tizimlar, shahar xizmatlari va boshqalar. Afsuski, dinamik, o'zgaruvchan muhit sharoitida ko'pchilik kompaniyalar uchun bunday qulay barqaror pozitsiya qabul qilinishi mumkin emas va ularga olib keladi raqobat kurashida mag'lubiyat.

II. Ichki o'sish. Ushbu strategiya tashkilot o'z rivojlanishida to'g'ri qadamlar qo'ygan va bu faoliyatni kengaytirish maqsadga muvofiqdir. Shu bilan birga, tashkilot rivojlanish uchun etarli resurslarga ega deb taxmin qilinadi. Yana bir savol, qaysi yo'nalishda uni yo'naltirish kerak. Ichki o'sishga yo'naltirilgan tashkilot tomonidan ta'qib qilinishi mumkin bo'lgan to'rtta strategiya mavjud: konsentratsiya, bozor rivojlanishi, mahsulotni ishlab chiqish, yangilash. Bozorga chuqurroq kirish (konsentratsiya). Bunday strategiya kompaniyani katta miqyosda rivojlantirishga va kompaniyaning muvaffaqiyati aniq bo'lgan joyga yo'naltirishni talab qiladi. Bozor rivojlanishi. Bu holda, kompaniya allaqachon o'zlashtirilgan taqdim etadi bozorlar tovarlarning turli xil modifikatsiyalari. Mahsulotni ishlab chiqish. Strategiya muhim o'zgarishlarni o'z ichiga oladi. Yangilash. Ushbu strategiya mahsulot yoki xizmatlarda sezilarli o'zgarishlar bilan bog'liq. Mavjud tovarlarni yangi narsalar bilan almashtirishni o'z ichiga oladi tovarlarning yangi hayot aylanishi. Bunday strategiya kompaniyaning obro'sini sezilarli darajada oshirishi va uning raqobatbardosh ustunligini yaratishi mumkin, ammo bu juda qimmat, shuning uchun tegishli moliyalashtirishni nazarda tutadi.

III. Tashqi o'sish. Ushbu strategiya sotib olish, birlashish, vertikal integratsiya va diversifikatsiya qilish orqali amalga oshiriladi (ya'ni, harakatlarni taqsimlash va faoliyati turli investitsiyalar, natijalari to'g'ridan-to'g'ri bog'liq emas). Odatda tashkilot tashqi o'sish atrof-muhitni tahlil qilish natijalari: muhitda sharoitlar mavjud, tashkilotning kuchli tomonlarini va imkoniyatlarni yanada ko'proq birlashtirishga imkon beradi atrof-muhit elementlarini faol ravishda nazorat qilish, shu jumladan ulardan kompaniyaning bir qismi. Quyidagi tashqi o'sish strategiyasi alohida ahamiyatga ega. Ikki yoki undan ortiq kompaniyaning gorizontol integratsiyasi yoki birlashishi ishlab chiqarishning bir sohasi. Strategiya kompaniyani sotib olish yoki sotib olishni anglatadi asosiy raqib bilan yoki qiymat zanjirining bir xil bosqichida ishlaydigan boshqa kompaniyalar bilan birlashadi.

Vertikal integratsiya yoki ko'p tarmoqli kompaniyalarning kombinatsiyasi, ishlab chiqarish yagona maqsad bilan bog'liq. Misol uchun, turli xil ichimliklar, ishlab chiqarish zavodi ishlab chiqaradigan kontserni sotib olish mumkin shisha idishlar. Strategiya odatda kompaniyani sotib olishni o'z ichiga oladi kompaniyani xom ashyo bilan ta'minlaydi yoki mahsulot va xizmatlarning xaridori hisoblanadi. Bu shunday yaratilish zanjiriga nisbatan teskari yo'nalishda amalga oshirilishi mumkin qadriyatlar (ya'ni, xom ashyo etkazib berishni nazorat qilish yo'nalishi bo'yicha) yoki to'g'ridan-to'g'ri yo'nalish (tarqatish tarmog'ini nazorat qilish yo'nalishi bo'yicha).

Konsentrik diversifikatsiya qilish. Tovar sohasida joriy etishni o'z ichiga oladi yoki mavjud tovarlar yoki xizmatlar bilan bog'liq xizmatlar orqali texnologiya yoki marketing. Ushbu strategiya sinergiya imkoniyatini beradi, ya'ni, umumiy natijalar ikki turdagi faoliyatning alohida natijalari summasidan oshib ketadigan vaziyat. Masalan, korporatsiya shunday yo'l tutadi Nestle, dunyodagi eng yirik oziq-ovqat ishlab chiqaruvchisi bo'lib, dastlab qahvalarda ixtisoslashgan va

endi o'zini boshqalarga joylashtiradi joylar-qandolat mahsulotlari, tez oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish, hayvonlar, farmatsevtika, ichimliklar uchun mahsulotlar.

Konglomerat diversifikatsiya qilish. Strategiya kompaniyaning kirib kelishini o'z ichiga oladi mavjud bo'lganlar bilan bevosita bog'liq bo'lmagan tovarlar yoki xizmatlar sohalari texnologiya yoki bozorlar. Bu yuqori xavf strategiyasi hisoblanadi.

IV. Investitsiyalarni qisqartirish yoki olib tashlash. Ushbu strategiyani tanlashda pul o'sish uchun investitsiya qilmang. Bu, odatda, inqiroz vaziyatlarda ishlatiladi va quyidagi choralarni o'z ichiga oladi. Saqlash. Ushbu chora, daromadni kamaytirish holatini bartaraf etish uchun sog'lomlashtirish choralarni qo'llashni o'z ichiga oladi. Bunday strategiya, agar tashqi va ichki tahlil natijasida firma shifo topsa, omon qolishi mumkin degan xulosaga kelsa qo'llaniladi. Jamg'arma xarajatlarni kamaytirish, qo'shimcha daromad manbalarini yaratish, aktivlarni qisqartirish yoki bir vaqtning o'zida xarajatlarni nazorat qilishni kuchaytirishni nazarda tutadigan barcha tadbirlarni o'z ichiga olishi mumkin.

O'tish. Alohida uchun yangi strategik pozitsiyani qabul qilishni o'z ichiga oladi mahsulot yoki xizmat turi. Ozod etilgan resurslar ushbu yo'nalishga yo'naltiriladi muayyan maydon. Bunday strategiyaning misoli tovarlar (xizmatlar) turlarini kamaytirishdir. Buning uchun qaysi biri alohida ekanligini aniqlash kerak tovarlar (xizmatlar) eng kam va eng daromadli hisoblanadi, va kompaniyaning omon qolishiga yordam beradigan tovarlar (xizmatlar) bo'yicha ishlab chiqarishni qayta yo'naltirish qiyin davr.

Investitsiyalarni olib tashlash. Ular, odatda, korxonaning bir qismini sotishni o'z ichiga oladi. Bunday sotish biznesning qolgan yo'nalishlarini rivojlantirish uchun juda zarur resurslarni berishi mumkin. Bugungi kunda investitsiyalarni olib tashlashning eng keng tarqalgan shakli kompaniyaning bir qismi sotilganda "to'lovni boshqarish" dir uning rahbarligi. Ota-kompaniya (korxonaga egasi bo'lgan ilgari) bir muddat davomida sotilgan ulushni saqlab qolishi mumkin kompaniya.

Tugatish. Butun korxonaga yoki butun korxonaga, mavjud korxonaga yoki uning qismlari – turli xaridorlarga sotishni o'z ichiga oladi. Tugatish bu haddan tashqari vositadir va boshqa choralar endi ishlamas qo'llaniladi.

Taqdim etilgan strategiya spektrida bir-biridan farq qilmaydi va tashkilotlar o'z maqsadlariga erishish uchun turli kombinatsiyalardan foydalanishlari mumkin. Yuqorida aytib o'tilganidek, ko'plab strategik muqobil kompaniyalar mavjud va shuning uchun xato ehtimoli juda muhimdir. Bu erda so'rash kerak bo'lgan muhim savol quyidagicha: qanday qilib tashkilot imkoniyatlari va istalgan strategik muvofiqlikka erishish maqsadlar? Bunga javob tashqi kuchlarning tahliliga bog'liq firma, shuningdek, uning kuchli va zaif tomonlari (ichki tahlil).

Korxonaning iqtisodiy xulq-atvor strategiyasini tanlash vositasi SWOT tahlillari amalga oshiriladi. SWOT degan manosida tahlillari korxonaning kuchli va zaif tomonlarini, uning imkoniyatlarini va potentsial tahdidlarini, shuningdek, tashqi muhit imkoniyatlarini va tahdidlarini aniqlash va baholashga, ular o'rtasidagi aloqalarni o'rnatishga va ularni firma strategiyalarini shakllantirish uchun foydalanishga qaratilgan tadqiqotlar sifatida tushuniladi. Imkoniyatlar kompaniyaga biror narsa qilish imkoniyatini beradigan narsa sifatida tavsiflanadi yangi: yangi mahsulotni chiqarish, yangi mijozlarni qozonish, yangi mahsulotni joriy etish texnologiya, biznes jarayonlarini qayta tiklash va H. K. tahdid nima bo'lishi mumkin kompaniyaga zarar etkazish, uning mavjud afzalliklaridan mahrum qilish (yangi raqobatchilar, zaxira buyumlar va boshqalar). Ushbu usulning nomi inglizcha so'zlarning boshlang'ich harflarining qisqartmasidan iborat: kuch, imkoniyat, weakness, threat.

SWOT tahlil qilish metodologiyasi quyidagicha. Birinchidan, tashqi va tashqi omillarning eng muhim omillari tanlanadi muayyan korxonaning ichki muhiti. Keyin ta'riflangan parametrlar tez-tez SWOT tahlil matritsasi deb ataladigan jadvalga kiritiladi. Matritsadagi parametrlarni tizimlashtirish strategiyani tanlash va amalga oshirish bosqichlarida parametrlarni baholash va strategiyaga kerakli o'zgarishlar kiritish imkonini beradi. Matritsaning har bir qismida 5-7

pozitsiyalarini ko'rsatish tavsiya etiladi, ammo bu mumkin va undan ko'p. Alohida pozitsiyalarga ega bo'lgan matritsaning namunasi rasm. 1.

S - kuchli tomonlar	(O) tashqi muhit tahdidi imkoniyatlari
- kafolatlangan moliyalashtirish - yuqori malakali xodimlar	- elektrga bo'lgan talabning ortishi mumkin - ishlab chiqaruvchilar va iste'molchilar o'rtasida o'zaro tushunish
C - zaif tomonlar	(T) tashqi muhit tahdidlari
- uzoq chiqimlarni qoplash davri - eng yangi texnologiyalar va eskirgan uskunalarning mos kelmasligi	- ilmiy texnik taraqqiyot - raqobat (qayta tiklanadigan energiya) - yetkazib beruvchilarning ishonchsizligi

Rasm 1. SWOT tahlil matritsasining namunasi.

Keyingi bosqich kuchli va zaif tomonlar, imkoniyatlar va tahdidlar, tahlil jarayonida aniqlangan uch guruhga bo'linadi. Har bir omilga quyidagi qiymat bo'yicha ballar miqdori beriladi: 1-zaif ahamiyatga ega - 5-o'rtacha ahamiyatga ega; 10-kuchli ahamiyatga ega. Natijada, matritsaning har bir qismi ballarning yakuniy summasini oladi.

Keyin to'plangan ballar miqdori asosida taqqoslashingiz kerak bu ustunlik qiladi: zaif tomonlardan kuchli tomonlar yoki aksincha. Shuningdek imkoniyatlar va tahdidlarning umumiy ahamiyatini taqqoslash. Natijada, ko'rsatilgan kengaytirilgan SWOT tahlil matritsasi rasmda 2.

	T - tahdidlar va xatarlar	O - imkoniyatlar
	Yo'nalishlar ST	Yo'nalishlar SO
S - kuchli tomonlar	Tahdidlar va xavflarni bartaraf etish uchun kuchli tomonlardan foydalaning	Imkoniyatlardan foydalanish uchun kuchli tomonlardan foydalaning
	Yo'nalishlar WT	Yo'nalishlar WO
W - zaif tomonlar	Tahdidlardan qochish, zaif tomonlarni kamaytirish	Zaif tomonlarni kamaytirish imkoniyatidan foydalaning

Rasm 2. Kengaytirilgan SWOT tahlil matritsasining namunasi.

Matritsada iqtisodiy xulq-atvorning to'rt xil strategiyasini taqdim etadi korxonalar va tashkilotlar.

1. SO ("kuchlar – imkoniyatlar") - tashkilotning tashqi muhitida paydo bo'ladigan yangi imkoniyatlardan foyda olish maqsadida tashkilotning kuchli tomonlariga asoslangan jadal o'sish strategiyasi. Bu erda tashqi o'sish strategiyasining turli variantlarini ko'rib chiqish mumkin kompaniyaning ichki kuchli tomonlariga tayanadi.

2. ST ("kuchlar – tahdidlar") - tashqi muhitda paydo bo'lgan tahdidlarga qarshi turish uchun tashkilotning kuchli tomonlariga asoslangan strategiyalar. Bunday holda, boshqa kompaniyalar bilan diversifikatsiya qilish yoki integratsiya qilish strategiyasini (tahdidlarga qarshi birgalikda qarama-qarshilikning sinergetik ta'siri) ko'rib chiqish tavsiya etiladi. Shuningdek, davlat boshqaruvi organlari bilan hamkorlik faoliyatini amalga oshirish imkoniyati ham ko'rib chiqilmoqda, jamoat tashkilotlari, o'z kuchlarini mustahkamlash uchun kesish nuqtalarini topish tashqi muhitdagi pozitsiyalar.

3. WO ("zaiflik – imkoniyatlar") – urinishlar bilan bog'liq strategiyalar tashqi imkoniyatlardan foyda olish maqsadida tashkilotning zaif tomonlarini kamaytirish. Bu erda rivojlanish imkoniyati ko'rib chiqiladi katta kompaniyaning "qanoti ostida" yoki rivojlanish institutlari ko'magida tadbirkorlik (tadbirkorlikni rivojlantirishni qo'llab – quvvatlash markazlari,

biznes inkubatorlar). Ya'ni, ichki muhitning zaifligidan xabardor bo'lib, firma boshqa xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning yordami va qo'llab-quvvatlashini so'rashga harakat qiladi, asta-sekin kerakli ichki salohiyatni to'playdi. Maxsus holat bunday strategiyaning namoyon bo'lishi franchayzing shartnomasi bo'yicha ishdir: qachon kichik korxonalar katta firmaning texnologiyasi va savdo belgisi yordamida tajriba orttirmoqda va tajriba orttirmoqda.

4. WT ("zaifliklar – tahdidlar") – tashkilotning zaif tomonlarini va uning ichida paydo bo'lgan tahdidlarni kamaytirishga qaratilgan strategiyalar tashqi muhit, tejash, kesish, investitsiyalarni olib tashlash yoki yo'q qilish orqali.

Ushbu shakllarning har biri muayyan muammolarni hal qiladi, afzalliklarga ega va kamchiliklari. Shunday qilib, sanoat korxonalarini rivojlanishiga mehanizmlarini takomillashtirishga hisobiga asosiy vositalarning barcha elementlari texnik taraqqiyotning zamonaviy talablariga javob beradigan yangi sanoat korxonalar ishga tushiriladi. Bir xil davrda, pasayish sodir bo'lganda ishlab chiqarish va ko'plab korxonalar o'z faoliyatini to'xtatadilar, zamon talabiga hos va yangi sanoat korxonalarini qurish va texnik qayta jihozlashga ustunlik berilishi kerak faoliyat ko'rsatayotgan korxonalarda.

Боратов Бахтиёр Сайфуллаевич, докторант, ҚДУ
ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Республикамиздаги кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари молиявий ҳолати барқарор бўлмай, бу эса ўз навбатида мамлакат иқтисодий ҳолатига салбий таъсирини кўрсатади. Шу боисдан, корхоналарни бошқариш самарадорлигини ҳар томонлама ўрганиш орқали уни ҳолисона баҳолаш мамлакат иқтисодий ҳолатини янада яхшилашнинг муҳим омилларидан бири саналади. Зероки, Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан белгилаб берилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг учинчи йўналиши “Миллий иқтисодиётни модернизациялаш асосида унинг рақобатбардошлигини оширишнинг стратегик йўналишлари” деб номланган. Таҳлил натижаларининг кўрсатишича, иқтисодий адабиётлар ва амалиётда ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш, таҳлил қилиш ва ошириш муаммолари билан боғлиқ кўплаб манбалар мавжуд. Бу борада корхоналар амалиётида ҳам муайян кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Исаев Р.А. томонидан эса Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик класерларини ривожлантириш масалаларини ўрганишда стратегик бошқарув масалаларига асосий эътибор қаратилган. Юсупов С.Ш. томонидан эса тўқимачилик корхоналари ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишлари тадқиқ этилган. Аммо, ўрганилган манбаларни тизимлаштириш шу хулосага олиб келдики, кўплаб муаллифлар бошқарув самарадорлигининг айрим жиҳатларини қараб чиқишган, ҳолос.

Саноат корхоналари, хусусан, тўқимачилик корхоналарида бошқариш самарадорлигини ошириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун бошқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини излаб топишда такомиллашган моделларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Корхонанинг инновацион ўз-ўзини ривожлантиришни бошқариш учун «бизнес модели»ни қўллашнинг мақсадга мувофиқлигининг бир қанча хусусиятларини қараб чиқамиз. Г.Чесбро маълумотларига кўра, бизнес модели куйидаги функцияларга эгадир:

1. Қиймат таклифининг моҳиятини, яъни ушбу технология асосида таклифнинг фойдаланувчилар учун яратадиган қийматини ҳосил қилиш.

2. Бозор сегментини аниқлаш, яъни ушбу технология фойдали бўлган фойдаланувчиларни ва ундан фойдаланиш мақсадини аниқлаш.

3. Таклифни яратиш ва тарқатиш учун зарур бўлган корхона қиймат занжири таркибини ва корхонанинг ушбу занжирдаги ўрнини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган қўшимча активларни аниқлаш.

4. Корхона учун даромад олиш механизми (лар) ни аниқлаб олиш ва танланган қиймат таклифи вариантлари ҳамда қиймат занжири тузилишини ҳисобга олган ҳолда таклифдан фойдаланганда харажатлар таркибини ҳамда мақсадли ялпи фойдани баҳолаш.

5. Корхонанинг етказиб берувчилар ва миждозларни боғловчи қиймат тармоғидаги ўрнини тавсифлаб бериш, шу жумладан салоҳиятли қўшимча иштирокчи фирмалар ва рақобатчиларни аниқлаш.

6. Инновацион корхона рақобатчилардан устунликка эга бўладиган ва уни сақлаб қоладиган рақобат стратегиясини шакллантириш.

Европа сифат менежменти жамғармаси томонидан ишлаб чиқилган бизнесни такомиллаштириш модели - EFQM «Excellence Model» 1990-йиллар бошидан буён 13 йилдан ортиқ вақт давомида мавжуд бўлиб, барқарор ривожланиш ва рақобатбардошликни оширишга қаратилган ташкилотлар учун идеал бошқарув тизимининг умумлашган модели саналади [4]. Модел умум бошқарув сифати ва ишлаб чиқариш сифати фалсафасига асосланган бўлиб, ташкилотдаги барча манфаатдор томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарувга тизимли ёндашишга асосланган. EFQM моделидан фойдаланиш корхона бошқарув қуввати салоҳиятини тадқиқ қилиш ва ўлчаш, ҳар қандай ташкилотнинг тизим самарадорлигини баҳолашни ўз ичига олади, шу жумладан моделни бошқариш «ўз-ўзини баҳолаш» деб аталадиган ишни амалга оширишда ёрдам бериши мумкин.

Тадқиқот объекти сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи тўқимачилик корхоналари танлаб олинди. Ушбу танлаб олинган корхоналарда биз томондан ишлаб чиқилган такомиллашган EFQM-модели асосида корхоналар учун сифат менежмент тизими (СМТ)ни жорий этишдаги ўз-ўзини баҳолаш усули 2020 йилда қўлланилди. Бу жараённинг *биринчи босқичида* қуйидаги тайёргарлик ишлари амалга оширилди: сифат Кенгаши ташкил этилди; корхона фаолиятини ўз-ўзини баҳолаш тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилди; корхонада СМТни амалга ошириш учун чора-тадбирлар режаси тузилди; корхонанинг турли даражадаги ва бўлинмалари раҳбарлари, тегишли идоралар иш ваколатли мутахассислар (ташқи экспертлар)дан ташкил топган ўз-ўзини баҳолашни амалга ошириш учун ишчи гуруҳи тузилди; ўз-ўзини баҳолаш модели ва усулларини танлашда биз тақдим этган материаллар асос сифатида қабул қилинди; ўз-ўзини баҳолашни турли мезонларга мувофиқ ўтказиш учун жавобгарларни аниқлаш амалга оширилиб, ҳар бир мезон ва субмезонлар учун жавобгар шахслар аниқланди; гуруҳ аъзоларини ва корхона ходимларини ўз-ўзини баҳолаш тартиби, усуллари ҳақида ўрганиш мақсадида биз томондан семинар-тренинглар ташкил этилди. Тадбирнинг иккинчи – *асосий босқичида* тўқимачилик корхонаси барча бўлим ва таркибий тузилмалари фаолиятини ўрганиш мақсадида ўз-ўзини баҳолаш амалга оширилди. Биз томондан республикада фаолият юритаётган тўқимачилик корхоналарининг фаолиятини таҳлил қилиш асосида унга мос келадиган ва барча республикада саноат корхоналарида ҳам қўллана бўладиган такомиллашган EFQM-модели ишлаб чиқилди. Тадбирнинг учинчи - *яқунловчи босқичида* олинган натижаларни таҳлил қилиш ва натижалар асосида тўқимачилик корхонаси фаолиятининг мукамаллик даражасини янада ошириш билиш ва натижалар асосида корхона фаолиятининг мукамаллик даражасини янада ошириш бўйича асосий йўналишлар асосида чора-тадбирларни ишлаб чиқиш амалга оширилди. Экспертлар томонидан баҳоланган баллар натижаларини қайта ишлаб, олинган натижалар жамланди.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИДАН ФЙДАЛАНИШ

Олий таълимнинг ривожланиши ва интеграцияси бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимида жадал ислохотлар амалга оширилмоқда. Президент мактаблари, ижод мактабларининг ташкил этилиши, математика, биология, кимё ва геология йўналишларининг устувор этиб белгиланиши, илм-фан тараққиёти ва инновацион ривожланиш йўли орқали иқтисодиётимизни янги босқичга олиб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишлар нафақат халқимиз, бутун дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос-бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир”, дея бежиз эслатмаган эди. Бундан хулоса шуки, замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш ҳаммамиз учун узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак. Тараққиётга эришиш учун фундаментал ва табиий фанларни чуқур эгаллашимиз, замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш малакасига эга бўлишимиз зарур ва шарт. Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”²²⁴ги Фармонидан келиб чиқиб, ЎЗМУни мамлакат ОТМ лари флагманига айлантириш ва халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг рейтингда 500 талик рўйхатга киришини таъминлаш мақсадида илмий салоҳиятни 2023 йилда 70 фоизга етказиш, грантлар ва хўжалик шартнома маблағлари ҳажмини 2 баробар кўпайтириш, “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳисобидан хорижий мамлакатларда 50 нафардан ортиқ ёш олим ва педагогларни малакасини ошириш каби вазифалар қўйилди.²²⁵

Бугунги кунда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар таълим муассасалари рақобатбардошлигини оширишга, таълим сифатини янада оширишга, кадрлар рақобатбардошлигини оширишга қаратилмоқда. Бу ўринда юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, илм-фан – тараққиёт асоси. Замонавий илм-фан ютуқларига, инновацион ғояларга таянмаган давлатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам келажаги йўқ. Фақат илм ва маърифат, интеллектуал салоҳият, ҳар томонлама билимли кадрлар ҳисобидан биз Ўзбекистонни янги тараққиёт босқичига олиб келамиз, -деган фикрларини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Президентимиз мустақилликнинг 29 йиллигига бағишланган тантанали тадбирдаги нутқида сўнгги 4 йилда мамлакатимизда 43 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 121 тага етганини алоҳида таъкидлаб ўтганлиги, бугунги кунда ОТМ лари рақобатбардошлигини оширишга, рақобат муҳини ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатади. Олий таълим муассасалари (ОТМ) фаолиятини бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлаш мақсадида корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, кадрлар тайёрлаш жараёнини асосий истеъмолчилар ва буюртмачилар билан ўзаро боғлиқликда, келишилган дастурлар ва талаблар асосида ташкил этиш имконига эга бўлдилар. Айниқса, бу ҳамкорлик илмий тадқиқот ишларининг сифати ва салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Илмий фаолиятни мақсадли ташкил этиш ишлаб чиқариш эҳтиёжини қондиришга, мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Олий

²²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”²²⁴ги Фармони.- // Халқ сўзи, 2019 йил, 9 октябрь

²²⁵ Мараҳимов А. Илму фан, ақлу заковат-фаровон ҳайт кафолати. -// Янги Ўзбекистон, 2020 йил 25 сентябрь, 184-сон.

иқтисодий таълим муассасалари малакали мутахассислар етказиб бериш билан бирга фундаментал илмий-тадқиқотлар олиб бориш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш орқали таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграция жараёнларини мувофиқлаштириш йўналишида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар юрт равнақига хизмат қилиши шубҳасиз.

Олий таълим муассасалари бозор рақобати шароитида барқарор фаолият юритмоғи учун юқори сифатли таълим хизматларини тақдим этиши зарур. Негаки, мутахассислар тайёрлашнинг сифати ва савияси таълим хизматлари бозорини эгаллашнинг муҳим омилларидан саналади.

Таълим сифатини баҳолаш ва бошқариш муаммосининг долзарблиги шу билан изоҳланадики, кейинги йилларда олий таълимнинг қўлами кескин ошди. Бу ўзига хос ижобий жиҳатлари билан бир-бирга таълим жараёнининг рақобатбардошлиги учун хавотирланишнинг ортишига ҳам сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, битирувчиларни давлат томонидан ишга жойлаштиришнинг бекор қилиниши, меҳнат бозорининг барқарор эмаслиги, ўқув ва илмий фаолиятни давлат томонидан молиялаштиришнинг қисқартирилиши каби омиллар ҳам таълим соҳасидаги муаммоларга янада чуқурроқ қарашга мажбур этади. АҚШ, Германия, Япония, Франция, Англия ва бошқа индустриал ҳамда интеллектуал ривожланган мамлакатларда кадрлар тайёрлаш тажрибасидан маълумки, таълимнинг энг муҳим вазифаси - заковат ва мантиқий тафаккурни шакллантиришдир. Мазкур вазифани ҳал қилишда ўқувчиларнинг мустақил иш олиб боришига алоҳида эътибор берилади, бу мутахассиснинг касбий, маънавий ва маданий даражасини бутун умр давомида ошириб боришда жуда зарурдир²²⁶.

